
ж. ТУЛЕНОВ. 3. ҒГХЬУРпр
ФАЛСАФА

Мазкур дарсликда фалсафа фанининг моҳияти ва ўзига хос хусусият- I лари, унинг тараққиётига Марказий Осиё халқларинипг қўшган ҳиссалари, I фалсафанинг назарий асослари, қонун ва категориялари, билиш назарияси, / уларнинг табиат ва жамиятни фалсафий англашдаги аҳамияти, жамият р'. I шахс ўртасидаги муносабатлар, маданият, цадриятлар, урф-одат ва анъаг I . лар, уларнинг инсоннинг маънавий камол топишидаги ўрни, нстиқлол » унинг фалсафий жиҳатлари, жамиятни илмий билиш ва илмий бошқарич.. каби долзарб муаммолар ёритилган. | \

Дарслик олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган-

Тақризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор М. АБДУЛЛАЕВ
Фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. РАМАТОВ
Фалсафа фанлари доктори Т. САКСОНОВ

Т 83

Туленов **Ж.,** Ғафуров 3.
Фалсафа: Олий ўқув юрт. талабалари учун
Т.: Уқитувчи, 1997,-384 б.

I Автордош.

ББК 87я73

0301020000-278 ,43_96
т 353(04)—97

181Ш 5—645—02943—7.

© «Уқитувчи» нашриёти, 1997.

## МУҚАДДИМА

**Фалсафа** — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятининг ажралмас таркибий **қисмидир.** Афсуски, биз кўп йиллар мобайнида эски мафкура таъсири остида жаҳон халқларининг буюк маънавий бойлиги бўлган фалсафа фанини унинг биттагина шакли, яъни XIX **асрнинг** ўртасида вужудга келган — диалектик ва тарихий материализм билан уйғунлаштириб, ундаги сохталашган мавҳум ғояларга сажда қилиб келдик. Натижада ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик маданияти, бой фалсафий фикрларидан маҳрум қилиб қўйдик. Мустақиллик туфайли бундай сал-.ий ҳодисаларга эндиликда чек қўйилмоқда.

Мустақил давлатимизнинг эркин ва ҳур фикрлаш имкониятига эга бўлган фуқаролари, айниқса ёш авлод айни кунларда мазмунан янгиланган, ҳозирги давр талабига жавоб берадичн фалсафага муҳтож бўлмоқдалар. Мазкур дарслик ана .ундай эҳтиёж асосида юзага келди.

Дарслик қуйидаги тамойилларга асосланиб ёзилган.

1. Маълумки, диалектик ва тарихий материализм фалсаси маъмурий-буйруқбозлик системасининг сиёсатн билан .мбарчас боғлиқ ҳолда, ўзининг фан хусусиятини аста-секин ^отиб, мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланмб қолган эди. диликда биз фалсафани сиёсийлашмаган мустақил фан ситида ривожлантиришимиз зарур. Шунинг учун биз энг - вало, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган расмийлашган чафкуравий ғоялардан воз кечиб, янги тафаккур асосида фалафани синфий ва партиявий таълимот сифатида эмас, балки муминсоний қадриятларга жавоб берадиган фан сифатида ривожлантиришимиз керак.

Шунингдек, фалсафа фанининг назарий асосларини ҳам қайта кўриб чиқиб, уларни янги ғоялар билан бойитишимиз лозим. Ҳар қандай фаннинг жамиятда тутган ўрни, истиқболи, унинг назариясининг бойлигидадир. Фаннинг назарий асослари қанчалик пухта, мукаммал, атрофлича ва чуқур ишланган бўлса, унинг мавқеи ҳам шу даражада юксак бўлади.

Маълумки, фалсафа фанининг асосий негизини диалектика назарияси ташкил этади. Шундай экан, диалектика назарияси-

ни ижодий ривожлантириб, уни ҳозирги давр талабларига мувофиқлаштириб, умуминсонийлик даражасига кўтариш керак. Утмишда диалектика назарияси турлича фалсафий таълимотларда шаклланиб ва ривожланиб келган. Диалектика ҳозирги вақтда ҳам жаҳон фалсафасида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Шундай экан, эндиликда биз диалектика назариясини ҳам умуминсоний қадриятлар даражасидаги фан сифатида ривожлантиришимиз даркор.

2. Янгиланган фалсафа фани — умуминсоний қадриятлар устиворлигини эътироф этиш билан бир қаторда буюк мутафаккирларимизнинг кўпгина асарларида тараққий эттирилган Шарқ халқларининг фалсафий қарашларини чуқур ва атрофлича очиб бермоғи керак.

«Асрлар мобайнида,—дейди И. А. Каримов,— халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди».[1]

Диалектик ва тарихий материализм фалсафаси Ғарбий Европада вужудга келиб, кейинчалик Россия халқларининг эҳтиёжларига мослаштирилган фалсафа эканлиги ҳаммамизга аён. Унда Марказий Осиё халқларининг бой фалсафий меросий қарашлари ўз аксини топмаган эди. Эндиликда бизнинг асосий вазифамиз—ўз халқимиз тафаккурига мос, тушунарли ва яқин бўлган Шарқ фалсафасидан бекаму кўст фойдаланган фанни бунёд этмоғимиз лозим.

3. Мазмунан янгиланган мазкур фалсафанинг асосий вазифаси — инсоннинг ички дунёсини, маънавиятини, тафаккурини, дунёқарашини шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мустақилликка эришганимизга қадар, биз олимлар диалектик ва тарихий материализм таълимотининг таъсири туфайли, фалсафанинг асосий вазифаси—дунённ изоҳлабгина қолмасдан уни қайта қуришдан иборат деб келдик. Ислом таълимоти эса аксинча, инсоннинг ички дунёсини, унинг маънавий камолотини такомиллаштиришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ҳанузгача у инсон қалбида чуқур илдиз отиб келаётир. Эндиликда биз фалсафа фанига инсоннинг ўз-ўзига, унинг фикрлаш маданиятини, тафаккурини, маънавий дунёсини такомиллаштиришга қаратилган фан деб қарамоғимиз лозим. Фалсафага бундай ёндошишнинг эътибор марказида инсон муаммоси туради деб қарашга имкон беради. Бундан кўриниб турибдики, фалсафанинг ҳам, жамиятимизда рўй бераётган демократик

[1] Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсин-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Узбекистон», 1995, 9- бет.

ўзгаришларнинг ҳам асосий мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигидан далолатдир.

4. Маълумки, Марказий Осиё халқларининг фалсафий дунёқарашлари — уларнинг хилма-хиллиги ва сермазмунлиги билан ажралиб туради. Улар кўп қиррали миллий маданият, урф-одат, анъаналаримизда, ахлоқ-одоб, имон-эътиқод ва бошқа олижаноб фазилатларимизда мужассамлашган. Шундай экан, янги давр фалсафасида миллий маданиятимиз, қадриятимиз, миллий меросларимиздан, айниқса, ислом таълимотидан, ундаги қимматбаҳо фалсафий фикрлардан унумли фойдаланмоғимиз лозим.

5. Президентимиз И. А. Каримов қайд қилганидек, давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишни қатъий талаб қилмоқда. Янгича фалсафамизни истиқлол ғоялари билан уйғунлаштириб ривожлантиришимиз даркор. Янги давр фалсафаси — ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум назарий масалалар билан чегараланиб қолмасдан, балки мустақил давлатимизни мустаҳкамлашга оид бўлган масалалар билан шуғулланиши керак. Ҳар қандай фаннинг асосий вазифаси — жамиятга хизмат қилишдан, унинг олдида турган муаммоларни ечишга кўмак беришдан иборатдир.

Мустақиллик шароитида халқимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар ва уларнинг фалсафий жиҳатлари, миллий ва миллатлараро муносабатлар, ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш шакллари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъмиилаш, инсон ва инсоният тақдирининг муштараклиги, ҳозирги даврда бутун инсониятга дахлдор бўлган умумбашарий муаммолар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ана шундагина фалсафа фани ёш авлодни баркамол ва фидойи инсон қилиб тарбиялашда қудратли маънавий кучга айланади.

Мазкур дарслик беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимида — фалсафа ва унинг тарихи, иккинчисида — Борлиқ фалсафаси, учинчисида — Онг фалсафаси, тўртинчисида — Инсон фалсафаси, бешинчисида — Жамият фалсафасига оид масалалар янгича фикрлаш асосида ёритилади.

# *I-БУЛИМ.* ФАЛСАФА ВА УНИНГ ТАРИХИ

## 1-БОБ. ФАЛСАФА ФАНИ, УНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

### 1. Фалсафа фанининг предмети, муаммолар доираси ва вазифаси

Фан — инсон ва жамият тараққиётида катта аҳамият касб этади. Унинг ёрдамида кишилар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ҳақида холисона маълумотлар тўплайдилар, ўз эҳтиёжларини қондириш учун моддий ва маънавий қадриятлар яратадилар. Мавжуд фанлар ўзининг хилма-хиллиги билан ифодаланади. Шуларнинг ичида энг қадимийси фалсафадир.

«Фалсафа» атамаси иккита юнонча сўз («филео»— севаман ва «софиа»— донолик) дан олинган бўлиб, «доноликни севаман» маъносини англатади. Унга бундай ном тасодифан берилган эмас. Фалсафа пайдо бўлиши биланоқ кишилар фикрини банд этган турли-туман саволларга жавоб қидиришга ҳаракат қилган. Хусусан, бизни қуршаб олган дунё қандай пайдо бўлган ва ким томонидан яратилган? У қандай ривожланади? Инсон онгининг, руҳнинг матерняга, табиатга муносабати қандай? Дунёни билишга қоднрмизми ёки йўқми? Инсоният жамияти қандай пайдо бўлган ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари нималардан иборат? каби саволлар шулар жумласидандир. Фалсафанинг эътибор марказидаги саволларнинг хилма-хиллиги ва қизиқарлилигини эътиборга олиб юнонлар уни донолик фани ёки донишмандлик деб атаганлар.

Фалсафа воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишга қаратилган фандир. Бу тўғрида Форобийнинг қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга сазовордир:

«Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсацинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз...»[1]

Фалсафанинг пайдо бўлиши қадимги Шарқ мамлакатларида қулдорлик тузумининг ўрнатилиши ва ривожланиши даврларига тўғри келади, чунки фаининг тараққнёти учун зарур

• Форобий ҳикматлари. Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993 й„ 183—184-бетлар.

бўлган ижтимоий-иқтисоднй, маънавий заминлар ана шу даврда вужудга келди.

Фалсафанинг вужудга келиши илмий билим куртакларининг пайдо бўлиши билан, назарий тадқиқотга эҳтиёжиииг шаклланиши билаи тарихан бир вақтга тўғри келади. Аслини олганда у назарий билимиинг худди биринчи тарихий шакли тарзида таркиб топган.

Ҳар қандай фалсафа ўз даврининг маҳсули сифатида шу давр ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини ифодалайди. Шунинг учун инсоният тарихининг турли босқичларида турли фалсафий қарашлар мавжуд бўлган ва шунга мос равишда унинг предмети ва вазифалари ҳам ўзгариб борган.

Даставвал аниқ фанлар мустақил тармоқларга ажралиб тараққий топмаган вақтда фалсафа барча билимларни ўз ичига қамраб олиб, фанларнинг фани «умумий система» вазифасини бажариб келган эди. Шу даврнинг буюк мутафаккир олимлари Демокрит, Аристотель, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқалар, айни вақтда табиат фанларининг ҳам асосчилари бўлгаилар. Шунинг учун ҳам дастлабки кезларда фалсафа бир бутун таълимот кўринишида бўлган. Фалсафани махсус билимлар билан бирлаштириш қадимги даврга хос хусусият бўлгани учун у табиат фалсафаси, яъни «натурфилософия» деб ҳам ҳисобланган. У табиий фанлар тушунчаларига асосланган ҳолда табиатни яхлит тасвирлаб беришга қаратилган бўлиб, кишилик жамиятининг илк босқичида кенг тараққий этган мифологик тасаввурларни сиқиб чиқаришга асос яратади.

Қадимги давр фалсафасида оламни яхлит изоҳлаб бериш билан бир қаторда нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий тараққиёт қонунларини ўрганувчи — диалектика, билиш назарияси ҳамда ижтимоий фикрлар (ахлоқ-одоб, давлатни бошқариш масалалари) ҳам катта ўрин олган.

Табиат ва жамият ҳақидаги билимларнинг ривожланиб бориши алоҳида фанлар пайдо бўлишига, мустақил тадқиқот соҳалари ажралиб чиқишига олиб келди. Уйғониш давридан, айниқса, XVII асрдан бошлаб табиат ҳақидаги фанлар, жумладан, тажрибага асосланган табиатшунослик, астрономия, математика, физика, механика, кимё муваффақиятли ривожлана бошлади. Ижтимоий тажрибанинг, хўжаликнинг, айниқса, саноатнинг ривожланиши, савдо ишларининг ўсиши аниқ фанлар билан бир қаторда бир қанча ижтимоий-гуманитар фаиларнинг: тарих, тил, адабиёт, санъат, иқтисод, ҳуқуқ ва ҳоказоларнинг ҳам ривожланишига замин яратади.

Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида фалсафанинг эскирган мавқеини ва унинг предметини ўзгартиришга замин ҳозирлайДи. Эндиликда фалсафа фани табиатни яхлит ўрганиш муаммолари билангина эмас, балки фан тараққиётида илмий билишнинг аҳамияти, билиш жараёнининг асосий босқичлари, илмий билишда аниқ фанларда қўлланадиган услубларнинг роли, фан

тараққиётида маитиқ, тафаккурлашнинг қонуниятлари ва шакллари каби масалалар билан шуғулланади. Шунингдек, инсон ва жамият, инсоннинг эрки ва ҳуқуқлари, ахлоқ-одоб, давлат муаммолари ҳам кенг ўрин олади.

XIX асрдан бошлаб алоҳида фанлар томонидан ҳосил қилинган билимларни бирлаштириш ва умумлаштиришга эҳтиёж кучая борди. Хусусий фанларнинг эришган муваффақиятидан келиб чиққан ҳолда борлиқ ва билишнинг фалсафий масалаларига бўлган қизиқиш янада кучайди. Файласуфлар орасида фалсафий тизим яратишга интилувчилар кўпайиб кетди. Бунга мисол сифатида немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Гегель томонидан яратилган фалсафий тизимни кўрсатиб ўтишимиз ўринлидир. У ўзининг «Мантиқ илми» асарида диалектика қонунларига асосланган яхлит фалсафий тизимни яратган эди. Гегелнинг бу таълимоти ҳанузгача фалсафа фанига ўзининг таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Фан ва техниканинг доимий равишда тараққий этиб бориши ҳамда жамиятнинг турли соҳаларида рўй бераётган жараёнлар фалсафа фанининг ривожланишига ва унинг муаммолар доирасини кенгайтиришга ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги вақтда фалсафа фанининг эътибор марказида турган муаммо — инсон муаммосидир, яъни инсоннинг табиатга, жамиятга, кишиларнинг бир-бирига муносабати, уларнинг ривожланиш қонуниятларини онгли равишда акс эттиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг фалсафий тафаккур маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш фалсафа фанининг марказида турган асосий муаммони ташкил этади.

Воқеликнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг инсон онгида акс этиши йўлларини ўрганишга қаратилган фалсафа яхлит илмий билим тизимини ташкил этиб, муайян фундаментал қоидаларнинг йиғиндисига асосланади. Бу қоидалар фалсафа фанининг ўзагини ташкил этувчи диалектика назариясида ўз аксини топади, у ўз ичига бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги уч туркум, йирик муаммоларни қамраб олади:

1. Борлиқ ва унинг ривожланиш муаммолари. Борлиқ — инсон атрофини қуршаб турувчи воқеликни ифодаловчи тушунчадир. У мураккаб ва кўп қирралидир. Моддий борлиқ, идеал борлиқ, инсон борлиғи ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Моддий борлиқ нарса ва предметлар кўринишида бўлиб, материя ҳаракатининг ҳар хил шаклларида намоён бўлади ҳамда улар бир-биридан ўзаро фарқланади. Идеал борлиқ инсоният маънавий қадриятларини, фан ютуқларини ўз ичига қамраб олади. Инсон борлиғи эса ўзига хос манфаатга эга бўлган, маълум бир ижтимоий гуруҳлар ва синфларга тегишлидир.

Борлиқ, унинг келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятларини фалсафий мушоҳада қилиш инсонни доимо қизиқтириб келган ва ҳозир ҳам қизиқтириб келмоқда. Борлиқни илмий изоҳлаш, англашга қаратилган хилма-хил фалсафий йўналиш-

лар ва фикрдар мавжуддир. Уларни атрофлича ва батафсил ўрганиб чиқиш инсоннинг фалсафий дунёқарашини шакллан-тпришда катта аҳамиятга эга.

2. Диалектика назарияси борлиқ муаммоси билан бир қаторда *воқеликнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш конуниятлари. уларни инсон онгида акс эттириш тўғрисидаги таълимотдир.*

Нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва уларнинг доимий ривсжланиб туриши диалектика фанида унинг асосий қонун ва категориялари системасида ўз аксини тоиади. Демак, диалектика фйни борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланишини акс эттириш учун қонун ва категория тизимини яратади ва унинг ёрдами билан инсон атрофини қуршаб турган воқеликни акс эттиради. Инсон тафаккурининг шакли бўлган фалсафий қонун ва категориялар ёрдамида моддий оламни ўрганиш катта фалсафий муаммодир.

3. Воқеликни билиш назарияси. Борлиқни инсон онгида акс эттириш — мураккаб диалектик жараёндир. Уни атрофлича ва чуқур билиш учун фалсафа фани — инъикос назариясини ишлаб чиқди. Диалектиканинг қонун ва категорияларига асосланган инъикос назарияги билиш жараёнида субъект билан объектнинг алоқадорлиги, билишнинг асосий босқичлари ва шакллари, ҳақиқатга эришиш диалектикаси ва шунга ўхшаш кўпгина мураккаб масалаларни атрофлича англаб олишга ёрдам беради. Илмий билиш ва инсон амалиёти учун бу катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, диалектика бой ва чуқур назария бўлиб, айни пайтда борлиқнннг энг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганишга, уларни инсон онгида атрофлича акс эттиришга ва дукёни билишга қаратилган таълимотдир. Бу унинг бир вақтда ҳам диалектика, ҳам мантиқ, ҳам билиш назарияси эканлигидгн далолгт беради.

Юқорида кўрсатилган муаммолар фалсафанинг барча тарихий типлари ва йўналкшлари марказида турган муаммолардир. Антик давр, ўрта аср,янги давр ва ҳозирги замон файласуфларининг барчаси ўз асарларида борлиқ, унинг келиб чиқиши ва ривожланишн қонуниятлари тўғрисида, инсоннинг борлиққа муносабати, воқеликнкнг ривожланиш манбалари, уни билиш Қоидалари ва шу кабя мураккаб фалсафий масалалар тўғрисида турлича фикрлар айтганлар ва айтиб келмоқдалар. Бу эса фалсафанинг фунцаментал муаммолари давомийлиги ва уларнинг умуминсоний қадриятлар аҳамиятига эга эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, диалектика усулига муқобил бўлган, ҳар хил фалсафий таълимотларда кўп ишлатиладиган софистика, метафизика, эклектика ва бошқа услублар ҳам ҳозирги замон фалсафасида муайян ўрин олган.

Инсоннинг дунёқарашини, унинг онгини диалектика қоидаларига мувофиқлашткриб шакллантиришда жамият тарақ-

қиёти ва ривожлаииши қонуниятларини фалсафий англаб* олиш катта аҳамиятга эга. Жамиятда рўй бераётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳодисалар, уларнинг ке'либ чиқиши, ривожланиш йўналишларини фалсафий англаш мазкур жараёнларни атрофлича ва чуқур мушоҳада этиш билан бир қаторда, инсоннинг уларга қандай муносабатда бўлишини аниқлаб олиш имкониятини туғдиради. Шунинг учуи бу масалалар ҳам фалсафий таҳлил қилишни тақозо этадиган муаммолар қаторига киради. Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар. синфлар, миллат ва элатлар, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари, ўзаро алоқадорликларн, ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш шакллари, жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари ҳам фалсафий тафаккурни талаб этадиган муаммолардир.

Ҳозирги даврда инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги, инсоининг истиқболи, фан ва техника ютуқларидан: барча инсоният манфаати йўлида оқилона фойдаланиш, ҳар қандай урушнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза этиш, очарчиликнинг олдини олиш, инсониятни, унинг маданиятини сақлаб қолиш, жамият тараққиётини олдиндан кўра билиш ва шу каби масалалар ҳам фалсафанинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Фалсафа доирасидаги масалалар ҳаётдан ажралган мавҳум масалалар эмас, балки. улар инсон ва унинг ҳаётидан ке'либ чиқадиган долзарб, умуминсоний хусуснятга эга муаммо'лардир. Гегель таъбири билан айтганда, фалсафа — инсок тафаккурида акс этган бутун бир даврдир. Фалсафа фани вужудга келгандан бошлаб то ҳозирги кунгача ҳам ҳаёт юзага келтирган турли-туман масалалар, инсонни аввалдан қизиқтириб келаётган муаммолар доимо унинг диққат марказидадир.

Юқорида айтилган фикрлардан кўриниб турибдики, фалсафа фанининг предмети, муаммолари доимо ўзгариб, янгиланиб туради.

Фалсафанинг вазифаси хилма-хил бўлиб, уннкг энг муҳим хусусияти — кишиларда олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантиришга қаратилгандир. Шунингдек, фалсафа методологик характерга ҳам эгадир. У фан вакилларини илмий билишнинг асосий шакллари, услублари ва тамойиллари билан қуроллантиради.

Фалсафа гносеологик вазифани ҳам бажаради, яъни у теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билишнинг қонуниятларини, билиш жараёнида объект ва субъект диалектикасини атрофлича очиб беради.

Фалсафа шахснинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини шакллантиради. Шу билан бирга, у шахсда жамият олдидаги ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотади. Фалсафанинг мазкур хусусияти ҳозирги куннинг долзарб масалалари — ер юзида тинчликни сақлаш, уруш хавфининг олдини олиш, экологик ва-бошқа умумбашарий муаммоларни инсоният манфаатлари нуқ-

таи назаридан ҳал этиш зарурияти туфайли янада чуқур аҳа-
'ият касб этмоқда. Бу ҳозирги шароитда фалсафа инсонпарварлик моҳиятининг янада чуқурлашиб бораётганлигидан дадолат бермоқда.

Фалсафа ғоявии-сиесии, тарбиявии вазифага эга эканлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш лозим. Фалсафий тафаккур маданиятининг шаклланиши кишилар умумий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир.

## 2. Фалсафа ва бошқа фанлар

Фалсафани ўрганиш чоғида асосий эътиборни икки нарсага қаратиш лозим. Биринчидан, фалсафа — бу энг аввало фан. Барча бошқа фанлар сингари у ҳам ўзининг махсус предметига эга бўлиб, доимо ривокланишда. Иккинчидан, фалсафа, айни пайтда мафкура ҳамдир, у мафкуравий вазифани ҳам бажаради. Шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, узоқ йиллар давомида фалсафанинг мафкуравий вазифасига биринчи даражали аҳамият берилди-ю, аммо унинг илмий жиҳатига, фан эканлигига унчалик эътибор берилмади, яъни бирёқламаликка йўл қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида, айрим олимлар томонидан фалсафа фан эмас, у мафкура деган фикрни олға суришга туртки бўлмоқда. Лекин бундай хулоса қилишга ҳеч қандай асос йўқ.

Фалсафа фанга хос бўлган барча хусусиятларга эга. Маълумки, ҳар бир фаннинг ўзига хос обгекти ва предмети мавжуддир. Бу фалсафа фанига ҳам дахллидир.

Бизни қамраб олган, чексиз ва доим ривожланишда бўлган объектив оламни, унинг қонунларини билиш аниқ фанлар билан бир қаторда фалсафанинг ҳам вазифасидир. Фалсафанинг ҳам, аниқ фанларнинг ҳам ўрганиш объекти битта, у ҳам бўлса бизни қуршаб олган дунёдир. Аммо уларнинг тадқиқот предметлари турлича бўлиб, бу фарқ бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ эмас. Ранг-баранг дунё ва ундаги ҳодисаларда бир вақтнинг ўзида умумий ва хусусий қэнунлар амал қилади. Дунёнинг алоҳида олинган ва чекланган соҳаларида амал қилувчи ўзига хос хусусий қонунларни аниқ, хусусий фанлар ўрганади. Улар орасида амал қиладиган энг муҳим қонунлар эса фалсафанинг ўрганиш соҳасидир. Масалан, миқдорий муносабат ва фазовий ўринларни — математика, иссиқлик, нурланиш, электромагнит ва ядро жараёнларини — физика, ўсимлик ва ҳайвонот оламини — ботаника ва биология фанлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини, ишлаб чиқариш усул ва тақсимлаш кабилари — иқтисод фани Ўрганади. Фалсафа алоҳида фанлар сингари дунёнинг у ёки бу соҳасини эмас, балки уни бир бутунлигича ўрганади. Табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётлнинг энг умумий қонуниятларини тадқиқ қилиб, кишиларнинг назарий ва амалий Фаолиятини тўғри йўлга солади.

\

Фан тизимлаштирилган билимлар йиғиндиси бўлиб, у ўз навбатида фаннинг назария, қонун, тушунчалар туркумида ифодаланади, аниқ фанлар каби фалсафа фани ҳам ўзининг назариясига, қонун ва категорияларига (умумий тушунчаларига) эга. Уларнинг ёрдамида кишилар онгида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва тараққиёт қонуниятлари акс эттирилади.

Фаннинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, у тадрижий равишда тараққий этиб, ўз мазмунида илгари тўпланган маълумотларни сақлаб қолиб, унга доир янги билимларни қўшиб туради. Фалсафа фани ҳам, худди шунингдек илгари авлодлар томонидан тўпланган ғояларни улоқтириб ташламасдан, аксинча, уни сақлаб қолиб, доимо мазмунан бойнб, ривожланиб туради. Эски ва янги фалсафий ғоялар ўртасида ворислик мавжуд. Буни биз фалсафа тарихндан яққол кўришимиз мумкин.

Фаннинг барча қоидалари бир-бирини тўлдириб, бир-биридан мантиқий жиҳатдан келиб чиқиш имкониятнга эгадир. Фалсафа фанининг назариялари, қонун ва категориялари ҳам бир-биридан келиб чиқадиган, бир-бирини мантиқий тўлдирадиган яхлит илмий тизимдир.

Фан ўз қоидаларини асослаб бериш имкониятига эга. Бу фалсафа фанига ҳам тегишлидир. Аммо, агар аниқ фанлар ўз қоидаларини кундалик амалий тажриба ёрдамида асослаб берса, фалсафа мантиқ йўли билан асослаб беради. Шунинг учун ҳам фалсафа ўзининг аниқлиги ва оддийлиги билан тавсифланади. Форобий таъкидлаганидек, «Одамлар фалсафа йўли билан исбот этилган мавжуд нарса ҳақида тўла ишонч ва қаноатга эга бўладилар»[1].

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: Фалсафа аниқ фанларга хос бўлган барча хусусиятларга эга. Шундай экан фалсафани бошқа фанлардан ажратиш мумкин эмас. Ҳар бир фан оламнинг аниқ бир томонини ўрганар экан, демак, бу фаннинг ёлғиз ўзи олам ҳақида бир бутун илмий тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўла олмайди. Олам ҳақидаги яхлит илмий тасаввурни табиатшунослик фанларининг барчаси ҳам ҳосил қила олмайди. Табиатшунослик фанлари табиат ва унинг ривожланиш қонунларини ўрганади. Олам ҳақидаги ягона илмий тасаввур эса жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги билимларни ҳам ўз ичига олади. Демак, олам ҳақидаги энг умумий билим барча фанлар ўрганадиган муаммоларни системалаштириш, бир-бирига боғлаш ва умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Ана шу вазифани фалсафа фани бажаради. Бу фан барча фанларнинг амалий фаолияти жараёнида тўпланган далилларни бир тизимга солиш, уни билиш ва унга амалий таъсир кўрсатиш йўлларини очади.

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, Тошкент, 1993 йил. 189- бет.

Фалсафа — аниқ фанларнннг ютуқларига бефарқ қарамайди, балки энг янги кашфиётларни чуқур ўрганиш, назарий умумлаштириш заминида ўсиб, ижодий ривожланиб боради. Шу маънода фалсафанинг ижодий бойиши ва ривожланиши бу фанларнинг тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

Маълумки, диалектика илмий билишда муҳим методологик вазифани бажаради. Диалектика воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, оламда юз берадиган ҳодисани онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Фалсафа ҳамма фанлар учун зарур бўлган умумий илмий билиш усулидир. Ҳодисалар ўзаро боғлиқ ҳолда, ўзгариш ва ривожланиш ҳолида тадқиқ қилинган иайтдагина илмий билишни амалга ошириш мумкин.

Фалсафанинг аниқ фанлар соҳасидаги қатъий масалаларни таҳлил қилишдаги ижобий ролини тан олиш бошқа фанлардаги хусусий илмий масалаларни унинг қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этиш ва баҳолаш керак, деган маънони билдирмайди. Бу икки хил масалада, уларни бир-бири билан чалкаштириб бўлмайди. Афсуски, кўп йиллар давомида олимларимиз бунинг фарқига бормай келдилар. Натижада диалектик материализм ҳақиқатни акс эттирадиган яккаю-ягона фан деб ҳисобланиб келинди. Энди биз бу масалага ҳам янгича ёндошишимиз керак эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Диалектика табиатшунослар учун воқеликни ўрганишда энг умумий илмий усул бўлиб хизмат қилади, ўз навбатида, табиат илми ютуқлари ҳам диалектиканинг қонун-қоидаларини тасдиқлашда катта роль ўйнайди.

Кўриниб тургандек, фалсафий таълимотга асосланиш аниқ фанлар моҳиятини билишга, уларнинг кашфиётларини тўғри умумлаштиришга имкон беради. Илмий фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг истиқболини, моҳиятини чуқуррок била олади. Агар ҳар бир фан ўзича ривожлана борса, кашфиётлар бир-бири билан боғланмаса ва умумлаштирилмаса, у вақтда олам ҳақида ягона билим ҳосил қилиш, унинг моҳиятини қонун ва қонуниятларини чуқур билиш мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам аниқ фанлар билан фалсафанинг ўзаро алоқадорлигига бўлган заруият доим сақланиб ва кучайиб бораверади.

Ҳозирги давр муаммолари, фан ва техниканинг гуркираб ривожланиши фалсафа фани олдига янгидан-янги методологик масалаларни ҳал қилиш вазифасини қўймоқда. Чунки у ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланишни жадаллаштириш-Да, янги тафаккурлаш маданиятини ҳосил қилишда муҳим ўрин тутади.

## 3. Фалсафанинг мафкура ва сиёсат билан алоқадорлиги

Ф а л с а ф а — инсоииятнинг буюк маънавий бойлигидир. У авлод-аждодлар томонидан яратилган маданий, тарихий мероснинг барча дурдоналаридан бекаму кўст фойдаланиш, табиий, техникавий, ижтимоий-гуманитар фанлар эришган улкан муваффақиятларга суяниш асосида шаклланиб ва ривожланиб бориш билан бирга, кишиларда олам ҳақида бир бутун, яхлит дунёқараш шаклланишида назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам барча ижтимоий тузумларда ҳукмрон синфлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар фалсафа фанидан ўзларининг манфаатларини таъминлаш ниятида сиёсийлашган мафкуравий қурол сифатида фаол фойдаланиб келганлар. Айниқса, шўролар жамиятида 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида фалсафа маъмурий-буйруқбозлик тизимининг сиёсати билан чамбарчас боглиқ ҳолда, ўзининг фан хусусиятини аста-секин йўқотиб, асосан сиёсийлашган мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланиб қолган эди. Бу бежиз эмас, чунки фалсафа ва сиёсат, ижтимоий мафкуранинг асосий шакли сифатида бир-бири билан узвий боғлангандир.

Энг аввало, шуни эътиборга олиш керакки, фалсафа ҳаму сиёсат ҳам ижтимоий муносабатларнинг шаклидир. Маълумки, ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий ижтимоий муносабатлардан ташкил топади. Моддий ижтимоий муносабатлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, мафкуравий ижтимоий муносабатлар инсон онгидагина шаклланади.

Сиёсий онг — турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар синфларнинг давлат ҳокимиятига, партиялар, синфлар, миллатлар ва давлатлар фаолиятига бўлган муносабатларини ифода этувчи кайфиятлар, орзу-хаёллар, тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар ва назариялар йиғиндисидир.

Сиёсат ҳам, фалсафа ҳам систематаштирилган фикрлар„ гоялар тафаккурлар мажмуи бўлиб, уларнинг субъектини инсон, ижтимоий гуруҳлар, миллат, элатлар, сиёсий ташкилотлар ва оммавий характерлар объектини эса уларнинг кўп қирралн фаолияти ташкил этади.

Шунинг билан бир қаторда фалсафа ва сиёсат ўртасида фарқ ҳам мавжуддир. Фалсафа инсон онгида воқеликнинг энг умумий алоқадорлик ва ривожланиш қонуниятларни акс эттириб, унинг дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фандир. Сиёсат эса ҳам фаолият, ҳам мафкура сифатида инсоннинг, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатларнинг, муайян синфларнинг, уларнинг сиёсий ташкилотларининг давлат ҳокимиятига, жамиятга, унда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга, табиатга, бошқа мамлакатларга ва ҳоказоларга тааллуқли фаолияти йиғиндисидир. Бундан яққол кўриниб турибдики, агар фалсафа ғоялар мажмуини ташкил этса, сиёсат эса ҳам

^оялар, хам инсон фаолиятининг йиғиндисини ташкил этади.

Сиёсат инсон фаолиятининг йиғиндиси ҳамда мафкура сифатида иқтисодий муносабатлар билан чамбарчас боғланганднр. Сиёсий муносабатлар иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчи, чунки сиёсий тушунчалар, ғоялар, тасаввурлар ва уларга мувофиқ бўлган муассасалар иқтисодий базис устидаги усткурмадир.

Сиёсатнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, синфий жамиятда сиёсатнинг моҳиятини, унинг мазмуний йўналишларини синфий муносабатлар белгилайди, чунки у доимо муайян синфлар, миллатлар, элатлар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатига қаратилгандир.

Фалсафа эса фан сифатида (фаннинг асосий вазифаси — борлиқнинг ривожланиш қонуниятларини билишдан иборатдир) ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатларга, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва манфаатларига нисбатан бефарқдир. Лекин ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатлар ва уларнинг сиёсий ташкилотлари бошқа фанлар каби фалсафага ҳам бефарқ эмас. Аксинча, улар фалсафа ғояларини ўз манфаатларига мослаб фойдаланишга интиладилар. Фалсафа фани турли-туман оқимларнинг, йўналишларнинг, хилма-хил ғояларнинг тизимлаштирилган йиғиндисидан иборатдир. Шуни эътиборга олган ҳолда, ижтимоий синфлар, гуруҳлар, миллатлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўзларининг сиёсати — мақсадларига жавоб берадиган фалсафий фикр ва ғояларни назарий курол қилиб оладилар.

Фалсафа билан сиёсатнинг яна бир боғлиқ томони бор. Фалсафа фан сифатида нисбий мустақилликка эга, чунки фалсафий муаммоларнинг доираси, уларнинг келиб чиқиши, турли фалсафий мактабларда, йўналиш ва оқимларда хилма-хил ҳал этилиши, илмий ва амалий аҳамияти ва шу каби масалалар •сиёсатдан келиб чиқиб эмас, балки бу фаннинг ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида белгиланади. Лекин сиёсат бошқа фанлар каби фалсафа фанининг ривожланишига ҳам фаол таъсир этади. Фалсафа фанининг ривожланиши учун зарур бўлган маблағ, унинг ҳажми, илмий-техникавий ускуналар, моддий негиз, ишчилар сони ва уларга бериладиган маош ҳажми, ижтимоий шароитлар ва шу каби масалаларнинг ҳал бўлиши, у ёки бу жамиятни бошқариб турувчи давлатлар ва раҳбар, ижтимоий партияларнинг сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Бундан яққол кўриниб турибдики, фалсафа билан сиёсат бир-бири билан узвий боғланган ва хилма-хил алоқадорликДадир. Буларнинг ўртасидаги алоқадорлик шакллари ва унинг даражалари ҳар бир жамиятга хос бўлган иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Шу туфайли ҳар хил жамиятда фалсафага бўлган муно«абат ва унинг сиёсат билан алоқадорлик даражаси турличадир. Буни биз ўз тарихимиздан яққол кўришимиз мумкин.

Диалектик ва тарихий материализм фалсафасидаги партия-

вийлик ва сиифийлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсга сиғиниш йилларида фалсафий кураш — сиёсий курашнинг инъикоси, шунинг учун ҳам материалистик фалсафа қоидаларига қарши чиқиш, уларни тафтиш қилиш, партиянинг сиёсий чизиғидан четга чиқишдан бошқа ҳеч нарса эмас, деб ҳисобланиб, бунга йўл қўйган кишилар сиёсий хатоликда айбланди ва жазоланди. Бундан ташқари, синфийлик, партиявийлик тамойилидан келиб чиқиб, буржуазия мафкурасига қарши курашни кучайтириш ниқоби остида хориждаги фалсафий таълимотлар қораланиб, камситилиб келинди.

Ҳаёт шундан далолат берадики, ҳозирги замон фалсафасидаги барча фикр-мулоҳазаларни тўғридан-тўғри инкор этиш, уларни реакцион деб айтиш нотўғри, балки муҳокамада оқилона йўл тутиш, диалектик қарашларни мантиқий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Янгича сиёсий тафаккур мафкуравий мухолифликни таҳлил қилиш, душманлик кайфиятидан халос бўлишни, у ёки бу қарашларни холисона баҳолашни талаб этади.

Юқоридаги фикрлар шундан гувоҳлик берадики, сиёсат ҳар доим фалсафага ўз таъсирини ўтказиб келган. Марксистик фалсафа ишчилар синфининг тарихий вазифасини амалга оширишга қаратилган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келди ва ривожланди.

Фалсафадаги синфийлик ва парвиявийлик тамойили маъмурий-буйруқбозлик тизими томонидан кенг маънода талқин этилиб, ижтимоий фанлар каби табиатшунослик фанларига ҳам жорий қилиниб келинди.

Эски сиёсий ва маъмурий-буйруқбозлик тизими диалектик материализмни табиат, жамият, тафаккур ва шу каби фан тараққиётида ҳам намоён бўладиган воқеликнинг энг муҳим алоқадорлик қонуниятларини ўрганувчи ҳамда ўз фаолиятининг фалсафий-назарий асосини ташкил этувчи фан деб ҳисоблаб, барча фанларни амалиёт билан боғлаш, уларни идеализм, фидеизм, метафизика, догматизмдан ҳимоя қилиш ниқоби остида олимларнинг илмий ишларига қўпол равишда аралашиб, уларга партиянинг сиёсатини ўтказишга уриниб келди.

Сиёсатнинг фалсафа фани ривожига кўрсатаётган салбий таъсири тўғрисида сўз юритганимизда, энг аввало, жамиятимизда 70 йил мобайнида рўй бериб келган ижтимоий-сиёсий муҳит хусусиятларини ҳисобга олишимиз лозим.

Маълумки, ўтмишда жамиятимизда битта партия, битта мафкура, битта дунёқараш якка ҳокимлик қилиб келди. Давлат, партия ва ҳукмрон гуруҳларнинг манфаатлари инсон манфаатларидан устун қўйилди. Натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократия, ижтимоий адолат қоидалари қўпол равишда бузилди ва йўққа чиқарилди. Давлатимизнинг модий асосини ташкил этувчи мулкни яратувчи кишилар ўз

меҳнати билаи ишлаб чиқарган маҳсулотлардаи бегоналаштирилиб қўйилди. Маъмурий-буйруқбозлик давлат тизими жойларда ўз ҳукмини ўтказиб, ҳаммг нарсани олдиндан белгилаб, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуҳларини чеклаб қўйди.

Маданий соҳада ҳам кўпгина маънавий йўқотишларга йўл очилди. Халқимизнинг миллий маданияти, тили, урф-одатлари, анъаналари оёқ ости қилиндк, фуқаролар виждон ва дин эркинликларидан маҳрум бўлдилар. Фан ва маданиятга, жумладан, ижтимоий фанларга ҳам марксизм-ленинизм қоидаларини пойдевор қилиб сингдириш учун салбий ишлар амалга оширилди. Расмий мафкурага зид эркин фикр юритган олимларни партиявий жазолаш, улар ш партиявийликдан, ғоявийликдан чекинишда, синфий хушёрликни йўқотишда ва бошқа камчиликларда айблаш одатга айланиб қолган эди. Бундай вазият, албатта ижтимоий фанларнинг, шу жумладан, фалсафа фанининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келди ва ижодий фикрлашга имконият бермади. Ижтимоий фанхар ҳаётидан келиб чиқадиган долзарб муаммолар билан шуғулланиш ўрнига собиқ ижтимоий-сиёсий тязимнинг қўлидаги мафкуравий қуролга айланиб қолди.

Мустақиллик туфайли жамия"имизнинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан, маданий-маънавий соҳада ҳам рўй бераётган туб ўзгаришлар ижтимоий фанларнинг ривожланиши учун қулай имкониятларни туғдирмоқда.

### 4. Фалсафани сиёсийлашмаган фан сифатида ривожлантириш — давр талаби

Фалсафа фанини сиёсийлашмаган фан сифатида тиклаш, давр талабига жавоб берадигаг: даражада ривожлантириш учун нималар қилиш керак?

Фикримизча, фалсафа фанини янгича ривожлантириш учун, энг аввало, уни кўп йиллар давсмида тўпланиб қолган эски расмийлашган мафкуравий ғоялгрдан халос этмоғимиз, янги тафаккур моҳиятидан келиб чиқиб, давлат ва айрим сиёсий партияларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи фан сифатида эмас, балки умуминсоний қадриягларга жавоб берадиган таълимот сифатида ривожлантиришимиз даркор.

Фалсафани фан сифатида ривожлантириш учун унинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиб, янги ғоялар билан бойитиш лозим. Аввало, фалсафа фанининг асосий негизини ташкил этувчи диалектика назариясини ижодий ривожлантириб, уни ҳозирги давр талабига мувофиқ, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтариш керак. Шунингдек фалсафа фанининг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини янгича фикрлаш асосида асослаб бермоғимиз керак. Ҳаёт шуни кўрсатяптики, фалсафанинг асосий вазифаси дунёни ўзгартиришдан эмас, балки уни фалсафий англашдан иборат экан. Фалсафа — ғоя, унинг асосий вазифаси ҳаётни акс эттиришдир.

Утмишимиз шуни кўрсатдики, ғоя асосида ҳаётни ўзгартириб бўлмайди, аксинча ғоянинг ўзи ҳаёт ўзгариши билан ўзгариб боради. Бу билан ғоянинг ролини камситмоқчи эмасмиз, унинг жамиятдаги ҳақиқий ролини тўғри тушуниш керак демоқчимиз. Ҳаёт бирламчи, ғоя эса иккиламчидир, ғоя эмас, балки ҳаёт ғояни вужудга келтиради. Илмий ғоянинг қиммати ҳаётни ўзгартириш қонуниятларини, йўналишларини ўз вақтида сезиб, жамиятни илмий асосда бошқариш учун керакли тавсия, маслаҳатларни бериб туришдадир.

Афсуски, ўтган давр тақозоси билан биз ҳаётни ўрганиб, ундан фалсафий хулосалар чиқариш ўрнига, аксинча мавҳум фалсафий ғоялардан келиб чиққан ҳолда уни ўзгартирмоқчи бўлдик. Шу билан аравани отнинг олдига чиқариб қўйдик. Демак, фалсафанинг асосий вазифаси дунёни ўзгартиришдан эмас, балки инсонларнинг онгида табиат ва жамият ривожланиши қонуниятларини фалсафий жиҳатдан англаш маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу диалектик назариядан келиб чиқиб, табиат ва жамият борлиғида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни умумлашган даражага кўтариб, ана шу умумлашган жараёнлар қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни кишилар онгида батафсилроқ, чуқурроқ ва атрофлича англаш демакдир.

Янги тафаккурдан келиб чиқиб, фалсафанинг асосий масаласи нимадан иборат эканлигини ҳам қайтадан кўриб чиқмоғимиз керак. Ҳозирги пайтгача мавжуд бўлган адабиётларимизда фалсафанинг асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати деб таъкидлаб келинмоқда. Фалсафанинг асосий масаласига бундай ёндошиш онгни, руҳни инсондан ажратиб, инсон муаммосини, унинг табиатга, жамиятга ва борлиққа бўлган муносабатини фалсафа майдонидан четга чиқариб қўйиш демакдир. Шу пайтгача фалсафанинг эскича таърифидан келиб чиқиб, жумладан Н. Чернишевский, Л. Фейербахнинг, инсон — фалсафанинг асосий предметини ташкил этади, деган ғоясини танқид остига олиб, бундай фикрлар фалсафада антропологик қарашлар тамойилининг ифодаланиши деб ҳисоблаб келинди.

Фалсафа жаҳон маданиятининг таркибий қисми бўлиб, инсоннинг дунёқарашини, унинг онгини такомиллаштиришга қаратилган фандир. Шунинг учун ҳам фалсафанинг асосий масаласи инсондан ажратиб қўйилган—онгнинг, руҳнинг борлиққа, табиатга муносабатини эмас, балки Инсоннинг табиатга, жамиятга, кишиларнинг бир-бирига, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларга, қадриятларга муносабати, уларнинг тараққий этиш қонуниятларини онгли равишда билишдан иборат деб тушунмоғимиз керак. Фалсафанинг асосий масаласига биз кўрсатгандай ёндошиш унинг муаммолари доираси марказида инсон муаммоси туради деб қарашга имкон беради.

Фалсафанинг асосий масаласига берилган янги таърифдан келиб чиқиб, унинг партиявийлиги, синфийлиги тўғрисидаги эски қоидаларни янгича кўриб чиқмоғимиз лозим.

Биз ўтмишда фалсафанинг партиявийлиги, энг аввало, унинг бу фаннинг асосий масаласини ташкил қилиб келган тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласининг ҳал қилинишига қараб ажратиладиган икки асосий оқим — материализм ёки идеализмга бўлинишидан иборат деб ҳисобладик. Шундан келиб чиқиб, фалсафа тарихи ўша икки оқим ўртасидаги кураш нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб келинди. Материализм — бу ижобий оқим, у илғор синфларнинг дунёқарашини ташкил этади, идеализм эса салбий оқим, у реакцион синфларнинг манфаатини ифодалайди деб ҳисоблаб келдик.

Материализмни идеализмга, уни эса материализмга қарама-қарши қилиб кўрсатиб, биз диалектиканинг қонунига зид бўлган бирёқламаликка йўл очиб бердик. Материализм ва идеализм қарама-қаршиликларнинг бир-бири билан узвий боғланган ажралмас икки томонидир. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиб ҳам, бир-бирига қарама-қарши қилиб ҳам ёндошиш нотўғри. Афсуски, буни биз кечикиб тушундик.

Фалсафа фан экан, у бошқа фанлар сингари хилма-хил ғоялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Фаннинг асосий мақсади — воқелик қонуниятларидан келиб чиқиб, ҳақиқатни акс эттиришдир. Ҳақиқат эса инсонга, сиёсий партияларга, мавжуд давлат ва ижтимоий тузумга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Демак, фан ҳақиқат сингари инсон манфаатларига бефарқдир. Лекин инсон фанга бефарқ қарамайди, у фан ютуқларидан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин бундан фан муайян бир синфнинг, сиёсий партияларнинг, ташкилотларнинг мақсадини рўёбга чиқаришга интиладиган партиявий фан бўлади деган хулоса келиб чиқмайди. Партиявийлик фанга эмас, балки кишиларга хос хусусиятдир.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фалсафа атамасининг луғавий маъноси нима? Бу ҳақда Форобий фикрларини айтинг.

2. Фалсафанинг қулдорлик жамиятида келиб чиқиш сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий заминлари, сизнингча, нималардан иборат?

3. Фалсафанинг дунёқараш, методологик, гнесологик ва тарбиявий функЦиялари ҳақида фикрларингизни баён этинг.

4. Фалсафанинг асосий муаммолари таркибига нималар киради? Фалсафадаги ҳозирги умумбашарий муаммолар ҳақида қандай фикрдасиз?

5. Фалсафа билан хусусий фанларнинг ўзаро муносабати қандай?

6. Фалсафанинг ўтмишда собиқ совет сиёсий тузумининг мафкуравий Қуролига айланиб қолганлиги ва унинг салбий оқибатлари нималардан иборатлигини қандай изоҳлайсиз?

7- Сизнингча, мустақиллик шароитида фалсафани сиёсийлашмаган мустақил фан сифатида ўрганиш ва ривожлантиришнинг зарурияти ва моҳияти нималардан иборат?

## II БОБ. ДУНЁҚАРАШ ВА УНИНГ ТАРИХИИ ТУРЛАРИ

### 1. Дунёқараш тушунчаси ва унинг хусусиятлари

Фалсафа инсоннинг тафаккур маданиятини, дунёқарашинн шакллантирувчи фан. Дунёқараш эса, кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмуасидан иборат. Демак, дунёқараш бу олам ҳақидаги яхлит умумийлаштирилган билимлар тўилами-дир. Кишилар теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғриси-да қанча кўп маълумотларга, билимга эга бўлса, уларнинг дунёқараши ҳам шу даражада мукаммал ва пухта бўлади.

Дунёқарашнинг яна бир муҳим тамони шундан иборатки, у инсонни қуршаб турган воқеликни англаш, тушуниш билан бир қаторда уни баҳолаши ҳамдир.

Илмий билимлар дунёқараш таркибига қўшилиб баҳолан-гач, инсоннинг теварак атрофидаги ижтимоий ва табиий реал-ликда бевосита амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, дунёқараш инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилаб берадиган, онгли равишда тўпланган, изоҳланган ва баҳоланган билимлар мажмуидир.

Дунёқараш таркибига кишиларнинг оламни билиш ва ба-ҳолашга оид бўлган ншонч ва эътиқодлари, ният ва мақсад-лари, идеаллари, арзу-умидлари, улар фаолиятига маълум йўналиш берувчи барча қадриятлар ҳам киради.

Дунёқарашнинг субъектини айрим кишилар, ижтимоий гу-руҳлар, синфлар, сиёсий партиялар, жамиятни ҳаракатланти-рувчи турли оммавий кучлар, давлатлар ташкил этади. Улар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, воқеликдаги жараёнларга турлича ёндошади, баҳолайди ва таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, дунёқараш кишиларда олам ҳақида яхлит у.мумлаштирилган билимлар, ғоялар туркумини ҳосил қиладиган, уларни муайян ижтимоий гуруҳлар, синфлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, давлатлар мақсадидан келиб чиқиб баҳолайдиган ва шунга қараб ҳаётдаги ўз ўрнини, амалий фаолият йўналишларини, мақсадларини аниқлаб олишга имконият берадиган кўп қиррали ва сермазмун тушунчадир.

Дунёқараш тушунчаси, «дунёни ҳис қилиш», «дунёни ту-шуниш» иборалари билан узвий боғлиқдир. Бу бежиз эмас, ал-батта. Оламдаги нарса ва ҳодисалар бизнинг ҳиссий органла-римиз орқали кишиларда турли-туман ҳиссиётларни, кайфият-ларни юзага келтиради. Улар бизнинг тафаккуримиз ёрдамида мужассамлаштирилади ва ниҳаятда маълум фикрлар, тасав-вурлар, тушунчалар, қарашлар ҳосил бўлади.

Демак, дунёқараш ўз ичига дунёни ҳис қилиш, дунёни ту-шуниш жараёнларида ҳосил бўладиган ирода, идрок, кайфият-ларни ҳам қамраб оладиган тушунчадир.

Дунёқарашнинг иккита даражаси мавжуддир. Унинг, биринчисини, кишиларнинг кундалик ҳаётий амалий тажрибаси ҳамда касбий фаолияти асосида тўпланган билимлар, тасавьурлар, қарашлар ташкил қилса, иккинчисини эса илм-фан туфайли тўпланган назарий билимлар, ғоялар йиғиндиси ташкил этади. Уларнинг иккаласи бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Дунёқараш ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Унда ижтимоий турмуш акс этади ва у муайян тарихий даврда инсоният яратган билимлар даражасига ҳамда ижтимоий тузумга боғлиқ бўлади. Барча ижтимоий ҳоднсалар каби дунёқараш ҳам ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади У ишлаб чиқариш усули, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, ҳукмрон мафкура ва оошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқдир.

Дунёқараш, муайян ижтимоий гуруҳ, синфнинг, миллатнинг вакили сифатида аниқ ижтимоий муҳитда яшаб, меҳнат қилаётган инсондан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Барча ижтимоий ҳодисалар каби дунёқараш ҳам, ижтимоий шарт-шароитлар, ижтимаий муносабатлар мажмуи билан белгиланади.

Ҳар хил ижтимоий тузумларга ҳар хил дунёқараш шакллари мос келади. Ижтимоий мулкка асосланган ибтидоий жамоа тузумнинг оддий ишлаб чиқариш усули ривожланмаган мистик, коллектив дунёқарашини туғдирадики, у орқали ибтидоий одамнинг ўраб олган муҳитидаги ҳодисаларни инъикос этиши ва фикрлаб олиши амалга ошади. Француз олими Л. Леви — Брюь, «ибтидоий одамлар тафаккури ўз асосига кўра мистикдир «илоҳийдир», деган эди.

Синфий дифференцияси аниқ кўзга ташланган, хусусий мулкчиликка асосланган антагонистик ижтимоий тузумларнинг вужудга келиши дунёқараш шаклида ҳам муайян сифатли ўзгаришларни туғдиради. Энг аввало, хусусий мулкнинг келиб чиқиши ва жамиятдаги манфаатлари турлича бўлган кишиларнинг катта гуруҳларга бўлиниши атрофдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни акс эттириш ва фикрлаб олиш ибтидоий жамиятдагидек мистик, коллектив тасаввурлар орқали эмас, балки муайян мафкура шаклида гавдаланган синфий тасаввурлар, дунёқарашлар орқали амалга ошишига олиб келади. Модомики, ҳар бир синф ўз иқтисодий аҳволига мувофиқ келадиган алоҳида манфаатларни ёқлар экан, унинг дунёқа{)аши, тафаккур услуби ҳам турли мафкуравий моҳиятга, йўналишларга эга бўлади. Л. Фейербах таъбири билан айтганда, «қасрларда яшайдиганлар кулбаларда яшайдиганлардан кўра бошқача фикр юритадилар».

Олам моҳияти ва унинг асосида ётган қонуниятларни билиш зарурияти турли фалсафий дунёқарашларнинг вужудга келишига олиб келади. Улар маълум синфлар манфаатларини ифода этиб, етакчи дунёқараш ва методология сифатида инсон-

га атрофдаги оламии ва унинг ривожланиш қонуниятларини назарий ва амалий ўзлаштиришга хизмат қиладилар.

Эски тузумнинг емирилиб, мустақил давлатнинг вужудга келиши — ўз навбатида янги тасаввурлар, янги дунёқарашнинг шаклланишига олиб келди.

Куриниб турибдики, у ёки бу дунёқарашнинг вужудга келиши ва ҳукмронлик қилиши ижтимоий шарт-шароитлар билан узвий боғланган.

Дунёқараш қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган ўлик ғоялар йиғиндиси эмас. Жамиятнинг ўзгариши билан бир қаторда у ҳам доимо ривожланиб, мазмунан ўзгариб туради. Буни биз ўз жамиятимиз ҳаётидан яққол кўриб турибмиз. Мустақиллик туфайли эндиликда умуминсоний ва миллий қадриятларимизга асосланган, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган янги мафкура яратилмоқда ва унинг асосида кишиларда янгича тафаккур, дунёқараш шаклланиб рнвожланмоқда.

Дунёқарашнинг доимо ўзгариб ривожланиб туриши унинг тарихий турларининг алмашувида яққол намоён бўлади.

## 2. Мифологик дунёқараш

Мифологик (юнонча-мифос-нақл, ривоят, логос — тушунча, таълимот) дунёқараш — ижтимоий тараққиётнинг энг бошланғич даврига хос бўлган халқ оғзаки ижоди — нақл ва афсоналарда гавдалантирилган ижтимоий онгнинг асосий шаклидир.

Мифологик дунёқараш илм-фан тараққий этмаган вазиятда кенг тарқалган ижтимоий онгнинг шакли бўлиб, унинг келиб чиқиш сабабининг асосини инсоннинг ўзини қуршаб турган оламдан ажралиб қарашга ожизлиги ташкил этади. Шунинг учун ҳам мифологик дунёқарашда жамият билан табиат, жонли билан жонсиз нарсалар бир хнл тарзда ифодаланади.

Ривоят, афсоналар ташқи оламни изоҳлашга қаратилган бўлиб, унда дунё қандай пайдо бўлди, унинг асосини нима ташкил қилади, нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва бир-бирига айланиши ҳақида сўз юритилади. Буни биз бушменларнинг ойнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологиясидан яққол кўришимиз мумкин. Ривоят қилишларича, ёмғирдан кейин сеҳргар гулхан ёқиб, оёғидаги намланган сандални қуритишга қўяди. Кўп ўтмасдан қараса, битта сандали батамом куйиб кулга айла,ниб қолибди, иккинчисининг эса ярми куйиб битибди. Сеҳргар зарда билан ярми куйган сандални осмонга улоқтириб юборади. У эса фазога парвоз этиб осмонда ой бўлиб осилиб қолган эмиш.

Қадимги Миср мифологиясида Ра, Шу, Геб, Осирис номли худолар нур, ҳаво, ер, сувни ифодалайди. Марҳумнинг қабрига битилган ёдгорликларда шундай сўзларни ўқиймиз. «Ра сенга нур беради. Шу сенга ҳаво беради. Геб сенга яшашинг учун зарур бўлган ҳар хил маҳсулотларни беради. Осирис сенга ҳаёт кечиришинг учун Нилни бахшида этади».

Мифларда иисон ва табиат масалалари катта ўрин тутади. Уларга кўра, инсон табиат билан муносабатда бўлар экан, у айни пайтда табиагни севади ҳам, ундан қўрқади ҳам, табиатни севишиииг боиси шундаки, инсан табиат бешигидан чиққан, ундан қўрқишнинг сабаби, инсон табиат сирларини билиб олишга ожиздир.

Мифологик дунэқарашда қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши, бошқа цивилизациялар ва уларда ҳаётнинг мавжудлигн ҳақида фикр юритилади.

Қадимги Хитойдаги мифологик афсоналарга мувофиқ, дунё тараққиёти иккита космик қарама-қаршиликларнинг Инь ва Янь курашлари бклан белгиланади. Инь қоронғилик, совуқлик, намлик, ўлим манбаи, Янь эса ёруғлик, иссиқлик, олов манбаи. Инь аёллик, Янь эркаклик рамзи. Уларнинг бир-бири билан бнрлашиши гуфайли коинот вужудга келган. Инь ва Яннинг уйғунлиги коинот, фазо, давлат, оиладаги жисмоний ва руҳий мувозанатни ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси мифологик дунёқарашда фалсафий фикрларнинг мавжудлиги борлигидан, бошқача қилиб айтганда, мифологик дунёқараш фалсафий дунёқарашнинг дастлабки шакли эканлигидан далолат беради. Арастунинг фикрича, ким-ки афсоналарни севса, у муайян даражада файласуфдир, чунки афсоналар хаёлий фикрлаш асосида ташкил топади.

Мифологик дунёқарашнинг дастлабки кўринишларида нарса ва уларнинг жони, руҳи. бир-биридан ажралмаган яхлит ҳолда акс эттирилса, кейинчалик улар бир-биридан ажратилиб, алоҳида тасвирланадиган бўлди. Кишиларнинг олам ҳақидаги тасаввурларининг гобора кенгайиб бориши воқеликдаги нарса ва ҳодисалар шунингдек, уларнинг образлари (худолари) барча инсонга хос бўлган ҳиссиёт, кайфиятлар билан бир қаторда ақл-идрок ва бошқа инсоний фазилатларга мансуб деб тасвирланиш одатга айланиб қолади.

Мифолагик дунёқарашнинг хусусияти шуки, унда фазо, табиат ва жамиятдаги барча жонли ва жонсиз нарсалар ва ҳодисалар бири иккинчисида иштирокчи сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида табиат кучлари жонлантирилади, уларга инсондаги хусусиятлар тарқатилади. Шунинг учун ҳам у хаёлга кенг майдон очиб беради ва бу майдонда мифологик тарзда фикр қилуьчи киши ҳар қандай ўзгаришлар ва жасоратлар кўрсатиши мумкин бўлади.

Мифологик дунгқарашда табиат ва жамиятнинг, олам ва одамнинг ,бир бутун борлиқнинг умумий бирлиги, ички ва ташқи алақадорлиги, инсоннинг ички дунёсининг манзараси ўзининг дастлабки ифодасини топади.

Мифологик дунгқарашда бадиий дунёқарашнинг куртакларини кўришимиз мумкин, чунки, ундаги воқеалар бадиий образлар ёрдамида тасвирланган.

Ҳар бир халқда ўзининг ўтмишига, бой тарихига, анъанала-

рига, маданиятига хос ривоят ва афсоналари мавжуд. Уларда шу халқларнинг дастлабки дунёқарашлари, маънавий дунёси ўз аксини топган. Бунга мисол сифатида юнон афсоналари «Илиада», «Одиссея», ҳиндларнинг «Рамаяна», карело-финларнинг «Калевале», Эрон ва Марказий Осиё халқларининг «Авесто»ларини кўрсатиб ўтишимиз жоиздир.

Мазкур афсоналарда дунёнинг келиб чиқиши, унинг тараққий этиш қонуниятлари, фазо, табиат, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг уйғунлиги, бир-бири билан боғлиқлиги, уларнинг абадийлиги ҳақида сўз юритилади. Уларда оламнинг келиб чиқиши тадрижий йўл билан номаълум куч туфайли яратилган деган ғоя олға сурилади. Айрим афсоналарда дунёнинг ўткинчи, у муайян вақтда йўқ бўлиб кетиши ва қайтадан тикланиши баён этилади.

Шунингдек, барча халқларнинг мифологиясида жамият, инсон, уларнинг келиб чиқиши, қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Афсонанинг яна бир асосий мавзуси инсоннинг маънавий ютуқлари, жасоратига бағишланган бўлиб, унда кишилар томонидан бажарилаётган хайрли ишлар, олов-оташни қўлга киритилиши, ҳунармандлик, деҳқанчилик ишлари тасвирланади. Одатда, афсоналарда ўтмиш билан ҳозирнинг ҳамда келажакнинг боғланиши ҳақида, улар ўртасидаги узвий алоқа қайд қилинган бўлади.

Афсоналарда ифодаланган воқеалар кишилар томонидан аниқ воқеа тарзда қабул қилинган, чунки ибтидоий жамоа кишиларнинг тушунчаларига кўра, улардан олдинги авлодлар томонидан дунёни ҳис қилиш ва билиш жараёнида тўпланган тажрибалар, маълумотлар мужассамлаштирилган. Уларга шубҳа билан қарамасдан мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш уқтирилган.

Мифологик дунёқарашнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ундаги воқеалар, турли ҳодисалар, афсонавий худолар, қаҳрамонлар образлари жозибали ва жонли турда кишиларнинг ҳиссий аъзолари ва тасаввурларига қаттиқ таъсир кўрсатадиган шаклда берилган. Юнон мифологиясидаги худоларнинг худоси Зевс, барча денгиз, дарёларнинг худоси Посейдон, унинг ўғли Антей, ҳасилдорлик ва деҳқончиликни худоси Деметра, муҳаббат ва гўзалликнинг худоси Афродита, донишмандлик, илм-фан, санъатнинг худоси Минерва ва бошқаларнинг образлари шулар жумласидандир.

Афсоналарда кишиларнинг воқеликка бўлган қарашларидан ташқари уларнинг турли хатти-ҳаракатлари, санъати, рақси, урф-одат, анъаналари ҳам тасвирланган. Маълумки, урф-одат, удумлар, афсоналар билан бир қаторда кишилик жамиятнинг маънавий қадриятларининг таркибий қисмини ташкил этади. Дастлабки вақтларда афсоналар диний анъаналар, диний удумлар билан узвий боғлиқ бўлиб диний дунёқарашни ривожлантиришга асос солган. Кейинчалик мифолагик дунё-

арашларда кишиларнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий ва бошқа қарашлар куртаклари илдиз отади ва ривожланади. Ру эса мифологик, диний, фалсафий, сиёсий, бадиий қараш-ларнинг ўзаро туташиб кетганлигидан далолат беради. Айниқ-с2> бадиий образларда мифологик қарашлар кўпроқ ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлган ўрта аср халқларининг «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» каби эпосларида бадиий образлар афсонавий образлар билан туташиб кетган. Мифологик дунёқарашнинг кўринишлари ҳозирги даврда ҳам турли бадиий асарларда учраб туради.

Афсоналар бу халқларнинг дастлабки маънавий маданиятининг шакли бўлиб, уларда дастлабки билимларнинг куртаклари, фалсафий, диний, сиёсий, бадиий қарашлар ўз аксини топга.н. Афсоналар ижтимоий онгнинг яхлит ва умумий шакли сифатида намоён бўлган. Унда халқларнинг ўз даврига мос келадиган дунёни ҳис қилиши, билиши, қарашлари мужасгамлаштирилган. Мифларда барча халқларнинг маданий бой^иги, тафаккури, донолиги, ҳаётий тажрибалари ўз аксини топган.

Мнфологик дунёқарашда диний дунёқарашнинг ҳам кўринишлари мавжуд. Буни шундан кўришимиз мумкинки, мифология ҳам, диний таълимотлар ҳам, дунёнинг яратилишини афсанавий худолар билан боғлаб кўрсатади. Лекин уларнинг ўртасида фарқ ҳам мавжуд. Мифологияда нарса ва унинг образи, моддийлик ва маънавийлик бир-биридан ажралмаган яхлнт ҳолатда тавсифланса, диний дунёқараш буларни бир-биридан ажратиб тавсифлайди. Дин ягона дунёни табинй ва ғайри табиий турларга ажратиб қараса, мифологияда ҳақиқий ва ғайри табиий олам бир-бири билан қўшилиб кетган.

## 3. Диний дунёқараш

Днний дунёқараш мифология (афсона) негизида шаклланган ва ривожланган, воқеликнинг келиб чиқиши, ривожланиши, истиқболпни хаёлий образлар, тасаввурлар ва тушунчаларда акс эттирувчи дунёқарашдир.

Диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки худонинг қудрати билан тушунтиради. У ҳамма нарсада ва ҳар қаерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий кучи бор, деб уқтиради.

Диний дунёқарашнинг моҳияти диндорлар учун муқаддас бўлиб ҳисобланган адабиётларда ўз аксини топган.

Диний дунёқарашнинг шаклланиши тадрижий ва жиддий жараён бўлиб у ўз ичига фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм, анимизм кабиларни қамраб олади. Синфий жамиятга ўтиш Даврида политеизм халқ миллий динлари пайдо бўлади. Жамият тараққиётида феодал тизимининг қарор топиши билан жаҳон динлари: буддизм (эрамиздан аввалги VI—V асрларда Ҳиндистонда), христианлик (эрамизнинг I асрида Рим импе-

риясида), нслом (эрамизиииг VII асрида Ғарбнй Арабистонда) келиб чиқади.

Диний дунёқарашнинг асосини диний эътиқод ташкил қилади. Диний эътиқод бу илоҳий мавжудотларга сиғинишдир, Диний эътиқод динга ишонувчи кишилар руҳиятининг таркибий қисми сифатида интеллектуал, ҳиссий ва ирода томонларини ўз ичига қамраб олган мураккаб ҳодисалар. Диний эътиқоднинг маънавий кўриниши бу, динга ишонувчи кишилар онгида мавжуд бўлган диний тасаввурлар, образлардан ташкил топади ва улар динга ишонувчи кишилар томонидан ҳаётий зарур нарса сифатида қабул қилинади.

Диний эътиқодда ҳиссиёт тушунчаларн катта роль ўйнайди. Кишининг турли ҳиссиётлари (эмоцияси) қўрқиш, муҳаббат, завқланиш, эҳтиром, қувонч, умид ва ҳоказолар диний тасаввурлар билан қўшилиб кетиб, тегишли йўналиш, маъно, мазмун касб этиши мумкин, ана шундай ҳолларда улар «худога муҳаббат», «гуноҳкорлик, итоаткорлик», «бандалик туйғуси», «худо билан мулоқатда бўлиш қувончи», «нариги дунёдагн ажрга умид» ва ҳоказолар кечинмаларга айланади. Ҳиссиёт тушунчасини илоҳиётчилар инсон онгининг олий даражадаги кўриниши, олий ахлоқий қадрият, билишнинг ишончли шакли деб уқтиради.

Диний дунёқарашнинг асосий йўналишларини ифодаловчн диний ақидалар диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, муҳокама юритмасдан ишониш лозим бўлган диний эътиқод талабларида ўз акснни топган. Ислом динининг ақидаларнга мувофиқ, суннийликда шаклланган ва диний анъаналарда эътироф этиладиган ақидалар ёки имон талаблари 7 та: Оллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирнинг илоҳийлигига ва инсон ўлгандан кейин қайта тирилишига ишониш. Шиа йўналишидаги мусулмонлар 5 та ақидага: якка худо, пайғамбарлик, тақдир, охират ва имоматга ишонадилар.

Ҳар бир диннинг, шу жумладан христиан динининг ҳам ўзига хос ақидалари мавжуддир. Ақида қайси динда, қандай кўринишда бўлмасин, олам ҳодисаларини мутлақ илоҳий куч иродаси ва ихтнёри билан боғлаб кўрсатади.

Диний дунёқарашнинг яна бир таркибий қисмини диний сиғиниш ташкил этади. Сиғиниш бу одамларнинг кундалик ҳаётида улар устидан ҳукмронлик қилувчи диний образлар шаклидаги илоҳий кучларга тоат-ибодат қилишдир. Сиғиниш кишилар томонидан якка ёки жамоа бўлиб бажариладиган рамзий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Қурбонлик қилиш, худойи қилиш, қуръон ўқитиш, диний байрамларни нишонлаш кабилар ислом динида кенг тарқалган маросимлардир. Сиғиниш туфайли кишиларнинг диний эҳтиёжлари қондирилади.

Диний эътиқод диний онгнинг умумий белгиси, мезони бўлиб, у диний ғоялар, тасаввурлар, тушунчалар, афсоналарни

хақиқат сифатида қабул қилиш ҳамда илоҳий кучииг мав-^удлигига ишоиишни ўз ичига олади.

Диний дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишида **аиний** дастурларнинг ишлаб чиқилиши, шунингдек турлича диний байрамлар, маросимларнинг ўтказилиши катта аҳамият касб этади. Дин ўзининг тантанали байрамлари, ҳар турли маросимлари билан кишилар кўнглида кўтаринки кайфият, хурсандлик, хушфеъллик, раҳм-шафқат, сабр-тоқат, қаноатлилик, хамкорлик, виждон, бурч, поклик, одамийлик ва шу каби инсоний фазилатларни шакллантиради, маънавий камол топтиради.

Диний дунеқарашнинг таркибий қисмида «Муқаддас жойлар»**ни** зиёрат қилиш катта ўрин тутади. Масалан, ислом динида Макка, Мадинага бориб у ердаги «Муқаддас жайлар»ни зиёрат қилиб, турли диний урф-одат ва маросимларнн бажариш ҳамда қурбонлик қилиш, барча мусулмонлар учун фарздир. Шунингдек, ислом динида пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари, диний уламолар, сўфинлар, шайхлар каби муқаддас зотларни, уларнинг мозорлари, қадамжоларини зиёрат қилиш ҳам кенг тарқалган. Марказий Осиё ҳудудида бундай жойлар жуда ҳам кўп. Самарқанддаги Шоҳизинда, Гўри Амир, Исмоил Бухорий, Бухородаги Қиз биби, Хажа Баҳоуддин, Тошкент вилоятидаги Занги ота, Туркистондаги Аҳмад Яссавий, Сайрамдаги (Шимкент вилояти) Иброҳим ота, Қорасоч биби мақбаралари шулар жумласидандир.

Бундай муқаддас жойлар, қадамжолар, мақбаралар христиан, буддизм ва бошқа динларда ҳам мавжуд. Улар ҳанузгача кишилар онгига ўз таъсирини кўрсатиб, диний дунёқарашнинг, диний эътиқоднинг тараққий этишига сабаб бўлиб келмоқда.

Диний дунёқарашнинг яна бир афзаллик томони шундаки, унда ҳар бир инсон томонидан амал қилиниши лозим бўлган ахлоқий меъёр ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Масалан, биргина «Шариатда» кишилар амал қилиши учун ислам дини тарафидан буюрилган амаллар саккиз хил бўлиб (фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубох, ҳаром, макруҳ, мустакрах) улар жами 934 ҳукмлар ва низомларни ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, чунки, ислом ва шариат талаблари мавжуд шахсий ҳаётдаги ва умуминсоний энг зарур ва гўзал фазилатларни ўзида акс эттирган.

Диний дунёқарашнинг халқ онгига сингиб, унинг қалбида чуқур илдиз отиб кетишининг боиси шундан иборатки, улар оддий кишиларнинг руҳиятига мослаштирилиб, уларнинг ҳиссиёти, тафаккурига катта таъсир этадиган ва кўп вақтгача эсда сақланиб қоладиган ёрқин образлар, афсона ва ривоят•лар шаклида изҳор қилинишдадир. Ислам таълимотидаги ҳар бир афсона ва ривоятларда катта ҳикмат, фалсафий фикр, маъно мавжуддир. Шунинг учун ҳам улар барҳаёт бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб кетаверган ва бизнинг давримизгача

етиб келган. Бундай катта маънавий бойликка биз албатта зўр эҳтиётлик билан қарашимиз керак.

Дин кишиларнинг онгига ўз таъсирини ўтказиш билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам доимо катта роль ўйнаб келган. Ҳозирги даврда ҳам у катта сиёсий кучни ташкил қилади. Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари халқларининг аксариятини диндорлар ташкил этади. Улар ҳар хил динларга сиғинишади. Динларнинг орасида энг кенг тарқалгани ислом динидир. 30 дан зиёд Осиё ва Африка мамлакатларида ислом давлат дини сифатида расмий равишда қабул қилинган бўлса, яна қарийб 30 мамлакатнинг сиёсий ҳаётида у фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ичида Туркия, Миср, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Саудия, Арабистони, Жазоир ва бошқа мамлакатларни алоҳида тилга олиш жоиз. Сиёсатшуносларнинг фикрича XXI асрда ислом дини янада тараққий эта боради.

Христиан ва бошқа динлар ҳам турли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир узоқни кўра биладиган давлат, сиёсий нартиялар ва оммавий ҳаракатлар раҳбарлари дин ва диндорлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш кўришни ўзларига мақсад қилиб олишлари бежиз эмас, албатта.

Ҳозир диннинг фанга, унинг ютуқларига бўлган муносабати ҳақида ҳам янгича фикр ҳосил бўлмоқда. Утмишда биз дин билан фан бир-бирига зид бўлган, бир-бирини тубдан истисно қилувчи ижтимоий онгнинг шакли, инсоният маданиятининг тарихи дин билан фаннинг ўртасидаги курашдан иборат деб келган эдик. Аммо ҳаёт шуни кўрсатадики, фаннинг дин билан ўзаро муносабати ҳамма даврда бир хил ва бир текис бўлган эмас. «Уйғониш даври»да яшаган Ғарбий Европа олимлари, жумладан Джордано Бруно, Галилей, Коперник, XVIII аср француз олимлари Поль Гольбах, Клод Гельвеций, Дени Дидро ва бошқалар христиан динига очиқ-ойдин қарши чиқиб, унинг таълимотини инкор этган бўлсалар, Марказий Осиё мутафаккирлари фан билан ислом таълимотини бир-бирига қарама-қарши қўймасдан иккаласидан ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Синолар дунёни яратган Оллоҳ, Худо ташкил қилади деб эътироф қилса, Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида дунёни Тангри таоло бино қилган, одамни ҳам у яратган деган фикрни олға сурган.»[1]

Ҳозирги вақтда ҳам Ғарбий Европа мамлакатларида диний эътиқод билан фанни мувофиқлаштириб ривожлантиришга даъват этиб келаётган олимлар оз эмас. Масалан, католик черковининг расмий фалсафаси деб эътироф этилган неотомизм[2] таълимотининг намояндалари Маритен, Жильсон (Фран-

[1] **Мирзо Улуғбек.** Тўрт улус тарихи. Т., 1994, 15—22- бетлар.

[2] Неотомизм — католик черковининг расмий фалсафий таълимоти бўлиб, у Фома Аквинский таълимотига асосланади.

тя), Веттер (Австралия), ле Ремекр (Бельгия) ва бошқалар лнний эътиқод ва фан ҳаққатга эришишнинг икки манбаи, т0унинг учун улар бир-бирики истисно этмайди, аксинча тўлдиради деган ғояни илгарл суриб келмоқдалар. Уларнинг (Ьикрича, диний эътиқод ва билим ўртасида тўла уйғунлик мавжуд. Неотомистлар бнлим бўлмаган жойдагина эътиқод керак деб тан олади, уларни кўр-кўрона иррационал[1] эътиқод қониқтирмайди.

Дин ва диний дунёқараш хусусида сўз борганда шуни айтиш керакки, ўтмишда биз динга бир томанлама ёндошиб, унинг инсон манфаати соҳасида, кишиларнинг ахлоқий муносабатларини такомиллаштиришдаги ижодий ролини тўғри тушунмай келдик. Динга қарши курашиш ниқоби остида халқимиз асрлар мобайнида амал қилиб келган маросим ва урф-одатлар таъқиқланди, қанчедан-қанча масжид ва мадрасалар асоссиз равишда бузиб ташланди. Неча минглаб жилдларни ташкил этадиган нодир китоблар шахсга сиғиниш ва қатағон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ашишлар тузатилмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Ёпиб қўйилган масжидлар очилдк, кўплаб янги масжидлар қурилмоқда, диний адабиётларни нашр зтиш ижобий ҳал этилди.

Маълумки, мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудизи, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар эркин фаолият кўрсатмоқда.

Диний арбоблар одамларни тинчликни сақлашга, урушнинг олдини олишга инсоният ва унинг тили, қадимий тарихи ва маданиятини, маданий мероси ва ижобий урф-одат ва анъаналарини авайлаб-асрашга, меҳнатни севиш ва қадрлашга, экологик ва демографик муаммоларни ижобий ҳал этишга даъват этмоқдалар.

Ншларда шарқона ахлоқ-одоб маданиятини тарбиялашда ислом дини алоҳида ўрин тутади. «Ислом дини,— дейди И. Каримов,— бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар»[2].

Асрлар давомида дин одамларни энг улуғ мақсадлар йўлиДа бирлаштиришга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган. У ҳар доим кишиларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, умум халққа раҳнамо бўлган.

[1] Иррационал — ғалри ақлий.
[2] Каримов И. А. 3'збекистонғинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т„ 1995, 54-бет.

Уни оғир-оғмр синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга ин-| тилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган.

«Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксали-1 шига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим.»[1]

Ислом маданияти жаҳон маданнятининг ажралмас бир тар-. кибий қисмидир. Унинг ўрганишга ва оқилона, танқидий, ил-; мий, ижодий файдаланишга арзийдиган жуда кўп ижобий то- ] монлари бор.

Узбекистон Республикасининг Конституцпясида ёзиб қўйил-' ганидек, республикамизда «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод килиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.»[2]

## 4. Фалсафий дунёқараш

Диний дунёқараш фалсафий дунёқараш билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, табиат, жамият, инсоннинг келиб чиқиши, дунёни билиш, инсоният истиқболи каби масалалар диннинг ҳам, фалсафанинг ҳам диққат марказида турган муаммолар бўлиб ҳисобланади. Лекин буларнинг ўртасида фарқ ҳам мавжуд. Агар диний дунёқараш ўзининг асосий эътиборини инсон эътиқодига, инсоний ташвишларга, инсон ва унинг умидларига қаратса, фалсафий дунёқараш эса дунёни ақл ва билим асосида тушунтирувчи маънавий томонларига кўпроқ эътибор беради. Бундан, фалсафий дунёқараш инсон эҳтиёжларидан ажралиб қолган мавҳум қоидалардан иборат деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Фалсафий дунёқараш ҳаётий муаммолар билан бевосита боғлиқ бўлган, фан ва техника ютуқларига асасланган билимлар туркумидан иборат. Бундай дунёқараш ўзининг мазмуни, моҳиятига кўра аслида илмий-фалсафий дунёқарашдир.

Фалсафий дунёқараш — бу олам ҳақидаги яхлит ва систематизирилган билимлар йиғиндисидир. Мифологик ва диний дунёқараш ҳиссий аъзоларимиз орқали эришилган маълумотлар асосида шаклланса, фалсафий дунёқараш ҳиссий ва ақлий аъзоларимиз туфайли илм-фан ёрдамида тўпланган билимлар йиғиндисидир.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган оламни, дунёни ва

[1] Каримов И. А. Узбекистонниг сиёсим-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Узбекистон», 1995, 55-бет.

[2] Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992, 15-бет. 31-модда.

„нг тараққиёт қонунларили билиш мумкинлигкни, билиш эса ,ураккаб, зиддиятли жараёндан иборатлигини таъкидлайди. Л д!ифологик ва диний дунёқарашлардан фарқли равишда, Лалсафий дунёқараш табиат ва инсоният жамияти тараққиётининг қонуниятларини илмий асосда тушунтирио беради. Фалсаф,ш дунёқарашга мувофпқ, бутун мавжудот, органик ва ноорганик дунё доимо ҳаракатда, ўсиш, ўзгариш ва ривожланишдадир- Фалсафий дунёқараш асосида кишилар мавжуд оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ўзидан бошқа нарсалар билан ички, зарурий, муҳим ва асосий алоқадорликда, таъсир ва акс таъсирда эканлигини чуқур англаб оладилар.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у дунё қандай бўлса, уки шундайлигича, ҳеч бир ёт қўшимча ва уйдирмасиз, ҳеч қандай муболағасиз тушунтиради.

Диалектик тафаккур, фалсафий фикрлаш мавжуд дунёнинг нарса ва ҳодисаларни фақат ўзаро алоқада ва бир-бирини тақозо қилишда олиб қар&масдан, балки ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда деб ҳарашни ҳам талаб иилади. Табиат ва жамият ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлнги ва бир-бирига таъсир қилиб туриши уларнинг доимий ҳаракатда, ривожланиш ва ўзгаришда бўлиб гуришини кўрсатиб беради. Ҳамма ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Дунё абадий ҳаракат, ўзгариш ва риважланишда бўлади. Ривожланиш кўп қиррали жараёндир, унинг ҳамма томонлари инсон онгида акс этиши катта амалий ва илмий аҳамиятга эга.

Дунёни инсон онгида бир яхлит, узвий алоқадорлик ва ривожланиш тарзида акс эттириш фалсафий дунёҳарашнинг асосий хусусиятларини ташкил этади. Лекин бу унинг яккаю ягона мақсади эмас.

Фалсафий дунёқараш нарса ва ҳодисаларни инсон онгида бир яхлит акс эттириш билан бир қаторда, у кншиларнинг тафаккурлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини шакллантиради ва бойитади. Шунингдек, фалсафий дунёқараш кишиларга хос бўлган растгўйлик, поклик, инсонпарварлик ва бошқа олижаноб фазилатларни, ахлоқий меъёрлар, қадриятларни мужассамлаштиради. «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир,— деб ёзади Форобий,— шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лознм.»[1]

Фалсафий дунёқараш асосида кишилар жамиятнинг табиат билан узвий бирлиги, инсон ва инсоният тақдирларининг муштараклиги, турли-туман халқлар маданиятининг хилма-хиллиги ва бирлиги ҳақида ишонч ҳосил қилади.

Марказий Осиё мутафаккирларининг фикрича, барча инсонларда хос бўлган олижаноб фазилатлар энг аввало файласуфлар-Аа ўз аксини топмоғи лозлм. Форобийнинг фикрича, «Файла-

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 186- бет.

суфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ бўлишц керак. Шунингдек ўз халқининг раъйини ва ўз халқида бўлган энг яхши урф-одатларни қаттиқ тутган бўлиши керак.

Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва хислатларц билан айтилган бу шартларга жавоб бера олса, шундан кейиц у фалсафа билимини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин.»[1]

Фалсафа томонидан инсонларда ҳосил қилинадиган барча ахлоқий фазилатлар уларнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган интилишларнинг илмий асосини ташкил этиши лозим. Инсон ўз олдига қўйган мақсадларини энг аввало ахлоқий меъёрларидан келиб чиқиб баҳолаши керак. Йирик немис файласуфи И. Кантнинг фикрича, инсоннинг ўз фаолиятида ахлоқий қадриятларни асосий мезон қилиб олиши, фалсафанинг қимматини янада оширади.

Фалсафий дунёқараш ўзининг хилма-хиллиги билан ифодаланадн. Ҳар бир даврда ва ҳар хил мамлакатларда у ёки бу муаммо фалсафанинг марказида туради. Масалан, И. Кантнинг фалсафасида инсоннинг билиш имкониятларини чегараси асосий ўрин эгаллаб келса, диалектик ва тарихий материализм фалсафасида — тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласи унинг асосий муаммосини ташкил этади. Ҳозирги жаҳон фалсафасининг аксарият шаклларида инсон муаммоси, ядровий урушнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, турли касалликлар, очарчиликка қарши кураш олиб бориш каби умумбашарий муаммолар асосий ўринни эгаллаб туради.

Фалсафа ўз мавзусининг хилма-хиллиги билан турли фалсафий ғояларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, олам ҳақида ранг-баранг манзараларни яратишга олиб келмоқда. Дунёни илмий билиш ва илмий бошқаришда фалсафа фанининг роли тобора ошиб бормоқда.

Фалсафий дунёқараш илмий билишда муҳим методологик функцияни бажаради. Фалсафа фани воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқаси ва тараққиёти қонунларини акс эттиради, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларнинг тараққиёт қонунларини билиш ва оламда юз бераётган ҳодисаларни онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби натижасида фан мавжуд оламнинг энг мураккаб соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда. Шунинг учун ҳам хусусий фан вакиллари олдида фалсафий дунёқарашни ижодий эгаллаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Фалсафий дунёқарашни мукаммал эгаллаб олиш ижтимоий фанлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Табиат тарақ-

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 184-бет.

киёт қонунлари инсон онгида тўғри акс этишн фавқулодда мураккаб ва қийин жараён бўлиб, ижтимоий ҳодисаларнинг унда акс этиши эса ундан ҳам қийиндир. Ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда микроскопдан ҳам, кимёвий реактивлардан ҳам фойдаланиб бўлмайди, бу ерда уларнинг ўрнини инсон- |[инг мавҳумлик тафаккур кучи эгаллайди. Мавҳумлик усули ҳодиса, нарсанинг хоссаларинн, муносабатларини, тараққиёт босқичларини фикран билиш у;улидир. Бу усул воқелик ҳодисаларини чуқуррoқ, тўғрироқ, тўлароқ акс эттиради. Мавҳумлик усули аниқ воқеликнинг моҳияти ҳақидаги билиш воситасидир. Мавҳумлик усули тадқиқот қилинаётган нарсанинг энг муҳим алоқаларини ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиб олишга имхон берап,и.

Ижтимоий ҳаётдаги мураккаб ҳодисаларни чалкаштириб юбармаслик учун ижтнмоий фан вакиллари фалсафий дунёқараш билан қуролланишлари лозим. Ҳар бир олим ўз соҳасидаги тўғри йўлдан бормоғи, илиий тадқиқотнинг ўзига хос йўли ва методларини белгиламоғи учун унинг ўз фалсафий дунёқараши бўлиши керак.

Чунки фалсафа тараққиётнннг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлибгина қолмасдан, балки тафаккур тараққиёти ҳақидаги, инсонни қуршаб турган бу дунёни билиш қонунлари ҳақидаги фан ҳамдир.

Фалсафий дунёқараш фақат назарий билиш жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дунёқараш амалиёт учун қўлланмадир. Фалсафий дунёқараш табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодиеаларини тушуниш учун ёрдам беради. Кишининг амглий фаслиятида тутадиган йўли, унинг дунёқараши қандай эканлигига боғлиқ.

Инсон ўз амалий фаолияти ва илмий билиш жараёнида фалсафа фанининг ранг-баранглигини, барча томон ва хусусиятларини ҳисобга олиши, уларни аниқлаши ва англаши лозим.

Табиий ва ижтимоий фанларнинг энг кейинги ютуқлари мавжуд оламдаги ўзаро алоқалар , улар асосида ётувчи қонунлар жуда мураккаб ва кўп қиррали эканлиги, шунингдек, бу жараёнлар тўғрисидаги билимларимиз нисбий, ўзгарувчан эканлигидан далолат бермокда. Моддий оламдаги бу умумий алоқа ва қонуниятларнинг мураккаб шакллари фалсафанинг қоидаларида мумкин қздар тўла ва чуқуррoқ акс этишини ҳисобга олиш лозим. Бу илмий билишнинг ягона, тўғри ва зару-; Рий шартидир.

Фалсафий дунёқараш қотиб қолган ақида эмас, балки доимий равишда ўзгариб, ривожланиб, бойиб ва такомнллашиб борадиган дунёқарашдир. Табкатда, жамиятда бўладиган ўзгаришлар туфайли, биринчи навбатда, табиий, техник ва ижти- "оий фанлардаги кашфиётлар, ижтимонй ҳаётда тўхтовсиз равишда рўй бериб турадиган муҳим ўзгаришлар натижасида кишиларнинг мавжуд олам ҳақидаги илмий билим ва тасав- вУрларн, хусусан фалсафий дунёқарашлари олдингига нисба-

тан аича ривожланади, бойийди ва чуқурлашади. Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби туфайли инсон билимлари доирасининг беҳад кенгайиб, мазмуни чуқурлашиб ва мураккаблашиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир. Фалсафий дунёқарашнинг тўғри ва илмийлигини инсониятнинг бутун амалий тажрибаси, моддий, ижтимоий-сиёсий фаолияти очиқ-ойдин кўрсатиб ва исботлаб турибди.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инсоннинг тафаккурлаш маданияти, дунёқарашини шакллантиришда фалсафа фанининг аҳамияти ннмалардан иборат?

2- Дунёқараш ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазарингизни-баён этинг.

3- Дунёқарашнинг асосий типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Мифологик дунёқараш тўғрисида нималарни биласиз?

4. Диний дунёқарашнинг моҳияти, асосий элементлари нималардан иборатлигини айтинг. Утмишда дин ва диндорларга нисбатан олиб борилган сиёсат ва унинг маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз ривожида салбий таъсир этганлигини реферат маърузаларингизда кенгроқ баён этиб беринг-

5. Фалсафий дунёқараш олам ҳақидаги яҳлит ва тизимлаштирилган билимлар мажмуаси эканлиги ҳақида давра суҳбати ва илмий мунозаралар ўтказинг-

# 3-БОБ. ҚАДИМГИ ШАРК ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИИИНГ ФАЛСАФА ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ

## 1. Шарқ халқларининг илк фалсафий фикрлари

Жаҳон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган фалсафа фани дунёдаги алоҳида бир халқ, элат ва миллатники эмас, балки турли давр ва шароитларда яшаган, яшаб келаётган барча халқларнинг, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги, умумий ютуғи, башариятнинг асрлар жараёнида шаклланган, ривожланиб, сайқал топиб келган ақл-идрок ва тафаккурлари маҳсулидир. Фалсафа фани ривожланишига дунёдаги барча халқлар каби Шарқ халқлари ҳам ўзларининг бебаҳо улушларини қўшганлар.

Қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиийй, фалсафий қараш ва тасаввурлари, уларнинг мазмун ва моҳиятн ҳақида антик замон муаллифларининг асарларида, археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиёти, афсона, мифлар, достонлар ва ривоятларда акс этган.

Дастлабки фалсафий тасаввурлар Шарқнинг энг қадимгй мамлакатларидан бири—Бобил (Вавилония) да эрамиздан аввалги тўртинчи минг йиллик бошларида пайдо бўлган. Шу даврдаёқ одамларнинг дунёда рўй бериб турадиган хилма-хил ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабатлари ва қизиқишларини гарчи содда, юзаки, ибтидоий шаклда бўлса-да, ўзида акс эттирган фалсафий қарашлари намоён бўла бошлаган. Қадимгя Бобил адабиётининг кўзга кўринган машҳур асарларидан бирй «Гильгамеш ҳақидаги достон» бўлиб, унда тупроқ, сув, ҳаво,

иссиқлик инсои ҳаёти ва гириклигининг абаднй манбаи эканлигп Гильгамешнинг обиҳаёгг қидириб, бошидан кечирган саргузаштлари ва чеккан азоб-уқубатлари, одамларнинг табиий қонунлар асосида яшаши зарурлиги, ҳаёт'ва ўлим сирларини билишга азалдан интилиб келганлиги ҳикоя қилинган.

Гильгамеш ҳақидаги Бобил афсонасида қадимги кишиларнинг бахт ва фаровонликка, саломатлик ва бардамликка, ўлимни енгиб, мангу ҳаёт кечкришга, абадий умр ато қилувчи «обиҳаёт», ўсимлик турли хил мева ва маъданларни излаб топиш ҳақидаги орзу-ниятлари ўз ифодасини топган.

Адапа ҳақидаги достонда эса инсониятнинг абадий ҳаёт тўғрпсидаги фикрлари, абадий яшашга бўлган интилишлари ўз ифодасини топган. Унда <ўлган ва қайта тирилган» худоларга, жуМладан, Бобил худоси /Лардуққа нисбат берилган.

Инсон ўзини қуршаб олган табиий муҳит билан ўзаро алоқадордир. У шу муҳит, коинот ҳақида ўйлайди, фикр юритади, ер юзидаги ҳодиса ва жараёнларни коинот билан боғлашга цнтилади, самовий «сир-асрорлар» ҳақида хаёл суради, фараз қилади, ҳар хил эртаклар, ривоятлар, афсоналар тўқийди. Бобилликларнинг Этапа ҳақидаги афсоналари ана шу заминда пайдо бўлган.

Этапа ҳақидаги афсона ҳам юқорида айтиб ўтилган достонларда бўлгани каби одамлэрнинг Қуёш билан, Ой ва сайёралар билан қизиққанлиги, самозий ҳодисаларнинг сир ва сабабларини билишга қизиқишларини, Бобил халқининг табиий ҳодисалар моҳиятини, йилнинг фаслларга бўлиниб, ўзгариб туришини, йил давомида табиатда бўладлган ўзгаришлар боиси нимадан иборат эканлигини тушуниб олишга бўлган интилишларини, шунингдек, уларнинг дин ва эхлоққа доир фалсафий қарашларини илгари сурган асардир.

Қадимги бобилликларнинг яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик, бойлик билан қашшоқлик, ҳурлик билан хўрликнинг бир-бирига тубдан зид, қарама-қарши ва муросасизлиги ҳақидаги фалсаоий ғояларни ўзида маълум даражада ифодалаган *«Жафокаш авлиё ҳақида достон»* ва *«Хўжайиннинг Қул билан суҳбати»* деган асарлари мавжудлигини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Эслатилган биринчи достонда бахт ва бахтсизлик, адолат ва адолатсизлик тўғрисида, уларнинг сабаблари, бартараф этиш йўллари хусусидаги дастлабки фалсафий тасаввур ва ғоялар баён этилган. Кейинги асарда хўжайин билан қул ўртасидаги зиддият улар ўртасидаги диалогдаги ғоят кУчли сўзларда ифода қилинган. Асарда айтилишича, ҳар гал хЎжайиннинг истакларини ўринли ва асосли қилиб рад этишга важ топадиган қулдан кўнгли еовиган хўжайин ниҳоят: «Хўш, эВДи нима яхши?» деб хитоб қилади. Қул дадиллик ва истеҳзо билан бундай жавоб бергди: «Менинг калламни ҳам, сенинг каллангни ҳам узиб, дарёга ташлаш керак — энг яхшиси ана шУ- Осмонга етиш даражагида юксак, бутун ерни қоплаб олиш Даражасида катта одам борми, ахир!» Жаҳли чиқиб кетган хў-

х -яеайин даҳшат билан қулга қараб: «Эй қул, мен сени ўлдириш-
НЧ ва сени мендан олдин кетишга мажбур қилишни истайман»,— дейди. Лекин бунга жавобан қул хўжайинни огоҳлантнриб: «Ҳақиқатни олганда, хўжайиним, мендан кейин фақат уч кун умр кўрадилар»,— дейди[1].

Пшлаб чиқаришнинг ривожланиши ўртага қўйган талаблар ва инсон амалий фаолияти эҳтиёжлари асосида Бобилда табиат ҳодисалари мазмунини тушуниб олиш ва улардан турмушда фойдаланиш зарурияти тобора кучайиб борган. Маҳсулот ва молларнинг миқдорини, оғирлигини ўлчаш, ишчи кучлари сонини аниқлаш, бинолар ҳажмини белгилаш, далаларнинг ер сатҳини ҳисоблаб чиқиш зарурияти энг қадимги математик ҳисобларнинг пайдо бўлишига ва бу соҳада тегишли билимлар тўпланиши ҳамда дастлабки арифметика ва геометрия фанининг пайдо бўлишига олцб келган, вақтни ҳисоблаш зарурияти тақвим пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу эса одамлардан астрономия соҳаснда маълум билимларни талаб қилган. Бобилликлар Қуёш соатини, Қуёш кўрсаткичини ва куннинг 12 бўлакка бўлинишини азалдан билишган. Антик давр маълумотларига кўра, Бобилда математика, арифметика, геометрия, астрономия билан бир қаторда тиббиёт, тарих ва филология, мусиқа, тасвирий санъат, астрология ҳам секин-аста куртак ота бошлаган.

Қадимги Шарқ халқларининг маданиятлари сингари Бобил халқп маданияти, фалсафаси, ахлоқи, урф-одатлари, дунёқараши ҳам асосан диний ғоялар билан суғорилган. Одамларда диний эътиқод кучли бўлган. Қуёш, Ой, юлдузлар худо ҳисобланган, ибодатхоналарда уларга топинганлар. Халқларнинг, давлатларнинг, ҳукмдорлар ва одамларнннг келгусидаги тақдирини юлдуз ва сайёраларнинг вазиятига қараб «олдиндан айтиб бериш» қадимги Месопотамия ва Бобилда астрология номини олган.

Бобилликларнинг қадимги маданияти, диний эътиқодлари, фалсафнй қарашлари, адабий асарлари, афсона ва ривоятлари наслдан-наслга ўтиб Шарқдаги кўпгина халқларнинг маданий-маънавий тараққиётига, ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Миср маданияти жаҳон маданиятининг энг қадимгиларидан бўлиб ҳисобланади. Қаднмги Мисрда илк маданий ёдгорликлар эрамиздан 4 минг йил илгари вужудга келган. Қадимги Шарқ маданиятининг бошқа намуналари сингари Миср маданий ёдгорликларининг эртак, ривоят, мадҳия, дуо, дидактик асарлар, масал, эпос, ишқий лирика, хуллас, халқ донишмандчилигининг бошқа турларида ҳам ўша даврдаги ижтимоий муҳит, иқтисодий ҳаёт, табобат, урф-одатлар, табиат ҳодисалари, диний, ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий қарашлар гарчн юзаки тарзда бўлсада, ўз ифодасини топган.

Қадимги Миср мифологиясида ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган ва ҳамма нарсада ҳаво бор, дейилади. Шунинг

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент, 1964, 142-бет.

учун ҳам мисрликлар сувни одамга озиқ-овқат берувчи дастлабки УЛУҒ неъмат, деб билганлар. Сув улзрга бутуи табиатнинг асоси бўлиб кўринган. Мисрликлар, ҳгёт сувдан бошланади, деб билиб, сувсиз ҳеч қандай ҳаёт бўлмаслигини куриб, сувни улуғловчи қанчадан-қанча ривоят ва афсоналар гўқиганлар. Улар Нил дарёсини илоҳийлаштирганлар, уни «одамларга ҳаёт бахш этиш учун тошиб турадиган Нил», деб улуғлаганлар. Шунинг учун мисрликлар марҳумлар руҳига афсунлар ўқиб, унинг абадий яшашини таъминламоқчи бўлганларида худэга қуйидагича нола қилганлар: «Сен улуғ худога — Озирисга марҳамат айлаганингда унга Ннл келадиган бўлди, унинг учу I яйловларда ўт пайдо бўлди ва папирус ўсадиган бўлди. Худди шу сингари унга — марҳумга ҳам марҳамат айлагилки, у сенинг сувингдан баҳраманд бўлсин, у сенинг оқар сувларингдан ича олсин!»[1]

Мисрликлар ўзларининг дунёвий ва диний — фалсафий поэзияларида одамларни бу дунёнинг бутун ноз-неъматларидан тўла баҳраманд бўлиб яшашга, қувноқ, шод-хуррау ҳаёт кечиришга, ўлим, охират ҳақида ҳадеб ўйла;!вермасликка чақирган.

Мисрликларнинг илк фалсафий тасаввурлари ҳақида бирмунча маълумот берадиган қадимий манбалардан бири —«Насиҳатнома»да билимнинг хосияти ҳақида, билимдон кишининг қадр-қиммати тўғрисида айтиб ўтилган. «Агар се?: билимдон одам бўлсанг, айтганинг-айтган, деганинг-деган бўлади. Ёзиш-ўқишни чуқур эгаллаб, кўнглингга маҳкам жо қилиб ол, ана шунда ҳар бир айтган гапинг ҳаммага манзур бўлади. Мирзони қандай лавозимга қўймасин, у ҳамма вақт китоб бглан иш кўради.»[2]

Қадимги мисрликларнинг халқ оғзакн ижодиётида, айниқса, диний—мифологик асарларида табиат ҳодисалари ва табиат кучлари илоҳийлаштирилган. Усимлик *ва* дарахтларга топиниш Мисрда энг қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлган. «Ҳаёт осмон дарахти» тўғрисидаги қадимги афсонада ўсимликлар рамзи бўлган дарахт инсоннинг ер юзидаги ҳаёти учун зарурдир, деган фикр илгари сурилган. Мисрликларнинг табиатни, дунёни унинг ўзига асосланиб турнб тушунтириш учун қилган уринншлари ҳар ҳолда содда бўлса-да, ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди.

Қадимги Мисрда фалсафий фикр куртакларининг шаклланиши ва ривожида табиатшунослик фанларининг пайдо бўлиши Ҳам сабаб бўлган. Бундан бир неча минг йиллар илгари қадимги мисрликлар фалакиёт соҳасида баъзи бир билимларга эга бўлганлар. Осмондаги юлдузларни доим кузатиш натижасида сайёраларни юлдузлардан ажрата билганлар ва, ҳатто, улар юлдузлар харитасини ҳам тузганлар.

Мисрликлар ўзларининг фалакиётга оид билимлари асосида алоҳида тақвим "тузганлар. Тақвим йилн 12 ойга бўлинган, ҳар

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи. 329—330- бетлар.
[2] Уша асар, 367- бет.

бир ой 30 кундан иборат бўлган, йил охирига эса яна 5 та байрам куни қўшилган. Шундай қилиб, бир йил жами 365 кун бўлган.

Касалликларни келтириб чиқарган, авж олдириб, кучайтириб юборган сабабларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, инсон саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга бўлган зарурият қадимги Мисрда тиббиёт фанини юзага келтирди. Қадимги мисрликлар касалликларнинг жуда кўп турларидан, масалан, бош оғрнғи, дизентерия, сариқ касали, йўтал, зиқнафас, қон кетиш, бод, мохов, сувли темиратки ва бошқа ҳар хил касалликлардан хабардор бўлганлар. Миср табиблари мияга, умуртқа поғонасига ва кўкрак қафасига алоҳида эътибор берганлар ва уларни касалликлар уяси деб билиб, табиб бу ердаги касалликларни топиб йўқотиши керак, деб ҳисоблаганлар. Мисрликлар диагностпка — ташҳис соҳасида катта тажриба тўплаганлар. Мисрда жарроҳлик ва кўз касалликларини даволаш анча ривожланган. Улар инсондаги кўпгина касалликлар юрак қон айланиш тизимининг қандайлигига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлашган. Мисрда табибликнинг сири юрак ҳаракатини билишдан бошланади, томирлар бутун аъзойи баданга шундан тарқалади, деб ҳисоблашган.

Башарият тарихида қарийб биринчи цивилизация бешиги ҳисобланган Ҳиндистон фалсафаси ўзининг жуда қадимий ва бой тарихига эга. Ҳиндистонда эрамиздан уч минг йил аввал ерни сунъий суғориш тараққий этган, анҳорлар қазилган, кулолчилик, ёғочсозлик, тўқимачилик, заргарлик ривожланган, ёғоч ва металлдан жанг аравалари ясашган, пишиқ ғиштдан кўп қаватли бинолар қуришган, юнг ва зиғир толасидан матолар тайёрлашган, мис ва темирдан, қалайи ва қўрғошиндан қурол-аслаҳалар ясашган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» номли асарида айтилишича, Ҳиндистонда эрамизнинг биринчи асрларидаёқ, тиб, риёзиёт, илми нужум, дин, кимё, музика, поэзия, тарих, санъат, фалсафа каби илмлар ривожланган.

Айниқса, ноёб табиатга, сахий заминга, ажойиб ҳайвонот ва табобат оламига бой бўлган қадимий Ҳиндистонда фалсафа, бадиий адабиёт ўтмиш даврлардан бошлаб вужудга келган ва ривожланган. «Рамаяна», «Муҳобҳорат», «Калила ва Димна» каби машҳур асарлар шулар жумласидандир.

Юксак нафосат ва мангу ҳикмат хазинаси бўлган ана шу асарларда ҳинд халқининг урф-одатлари ва анъаналари, одоб-ахлоқи ва маданияти, дини ва тарихи, миллий қадриятлари, ижтнмоний-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий, фалсафий, диний қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ана шу нодир асарлар ўз навбатида қадимги ҳинд фалсафасини ўрганиш ва уларда илгари сурилган илғор ғоялар, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиб олишда илк манбалар бўлнб хизмат қилади.

Хинд маданняти ва фалсафасининг ана шу бебаҳо ёдгорликларининг ҳар бирида ақл-идрок, адолат, инсоф-диёнат, ҳалолл'ик, поклик, меҳнатсеварлик, миллий тотувлик, тўғри сўзлилик, ваъдага вафо қилиш тўғрисида, зулм ва зўравонликка, хиёнат ва риёкорликка, нафси бузуқлик ва очкўзликка, фитначилик ва каллоблнкка, худбинлик ва мунофиқликка қарши курашиш зарурлиги ҳақида жуда муҳим ва фойдали фалсафий ғоялар, ҳикматлар, ривоятлар, мақол ва нақллар баён этилганки, улар шакшубҳасиз, ҳам миллий, ҳам умуминсоний аҳамиятга моликдир.

Ҳиндистоннинг эрамиздан олдинги биринчи минг йилликлардаги дастлабки фалсафасини ўрганишда қадимги ҳиндларнинг «Веда» деб аталадиган диний тўпламлари ва иккита катта эпик достони—«Рамаяна» ва «Маҳобҳорат» ҳамда Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари муҳим аҳамиятга эгадир.

«Ҳиндистоннинг «Веда» деб аталадиган муқаддас китобининг маъноси билмаган нарсани билишдир. Ҳиндлар «Веда» китобини, олий тангриннng Бароҳим оғзидан айтилган сўзи, дейдилар.»[1]

«Веда» китоби Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталадиган тўрт катта бўлимдан иборат. Тўрт бўлимдан ҳар бирининг ўзига хос ўқиш йўли бор. Мазкур бўлимларнинг ҳар бирида муайян бир фалсафий ғоя илгари сурилган.

«Веда» ҳинд халқининг дини, афсоналари, урф-одатлари, поэзияси, илк фалсафий тасаввур ва билимларини ўрганиш учун айниқса кўп материал беради.

«Веда» да борлиқ, фазо, вақт, дунёнинг пайдо бўлиши, инсон ҳаётининг табиий асослари, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, илоҳий кучлар ҳақида фикр юритилади. «Веда китоби яхши ншларга тарғиб қилишни, ёмон ишлардан қайтаришни, амалларнинг чегарасини аниқ кўрсатиб қизиқтиришни, яхши мукофот ва ёмон жазоларни баён қилади. «Веда»нинг кўп қисми турли дуо-тасбеҳлар ва олов учун қилинадиган турли қурбонликлар устидаги сўзлардан иборатдир. Бу қурбонлик турлари санаб бўлмайдиган даражада кўп ва (қоидалари) қийиндир.»[2]

«Веда» китобини ташкил этган бўлимларнинг энг қадимийси Ригведада, ҳиндларнинг худолари бўлган парилар тўғрисиДаги афсоналар билан бир қаторда дунёдаги ҳар бир нарса табиий равишда пайдо бўлган, деган ғоялар бор. Ригведадаги дунё сувдан яратилган, деган фикр эътиборга сазовордир.

Қадимги Ҳиндистон дини ва фалсафасида сувнинг муқаддаслаштирилиши, уни дунёни ташкил этган унсурлардан бири сифатида қаралиши, бу ҳақда «Веда» ва Ригведада алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас, албатта. «Аммо ҳиндлар фикрича,— Дейилади Абу Райҳон 'Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида,— яратилган нарсаларнинг олдингиси сувдир. Чунки улар «тўзонга

[1] Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. II том, Тошкент, «Фан» нашРиёти, 1965, 106- бет.
[2] Уша асар, 106- бет.-

лион йилга яқин экаилигидан далолат беради. Марказий Осиё инсоният илк пайдо бўлган минтақалар қаторига киради.

Жуда кўплаб ҳужжатлар, муҳим оғзаки ва ёзма манбалар, турли асори-атиқа обидалардан маълум бўлишича, Днепрдан Олтойгача бўлган, жумладан, Марказий Осиёда скифлар, Закасмий текислигида массагетлар, улардан шарқроқда саклар, сўғдлар, бақтрияликлар, хоразмийлар, паряналиклар яшаганлар. Ҳозирги Марказий Осиёликларнинг ўтмишдаги ана шу аждодлари асримиздан бир неча минг йиллар илгари суғоришга асосланган деҳқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик-балиқчилик билан шуғулланганлар.

Ҳозирги тожик, ўзбек, туркманларнинг аждодларида суғорма деҳқончилик маданияти шу қадар ривож топганки, ҳатто биргина Аракс (ҳозирги Амударё) ҳавзаларида жуда кўплаб сунъий суғориш иншоотлари қазилиб, чўл ва саҳроларга сув олиб чиқилган. Шу тариқа моддий ва маънавий қадриятлар яратилган. Аждодларимиз яшаган ҳудудларда қадимда хилма-хил маданият ўчоқлари таркиб топган ва ривожланган.

Милоддан аввалги V минг йилликда, минтақамизнииг марказий ва шимолий районларида эса милоддан аввалги III минг йилликда қишлоқ хўжалиги билан бирга ҳунармандчилик, кончилик, мис ва темир эритиш, металлардан ҳар хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш, кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ҳам тараққий эта бошлаган. Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби дастлабки давлатлар, Тошкент, Хива, Мароқанд (Самарқанд), Кирополь (ҳозирги Уратепа) ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Марказий Осиё халқларининг энг буюк маданий муваффақиятларидан бири ёзувнннг ихтиро этганликларидир. Бу ерда ёзувнинг тарихи жуда қадим замонлардан бошланган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида масканимизда ва бошқа ўлкаларда оромий ёзуви кенг тарқалган. Искандар Зулқарнайн истилосидан кейин юнон •ёзуви ҳам кириб келган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Сўғд,. Кушан, Урхун-Енисей, уйғур ёзувлари вужудга келган. Езувнинг ихтиро қилиниши, инсон билим доираси ва дунёқараши кенгайиши ва чуқурлаша боришига хизмат қилган.

Кўриниб турганидек, Марказий Осиё халқларининг, хусусан, ўзбекларнинг маданияти, тарихнй илдизлари, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, бадиий қарашлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврларн қадим замонларга бориб тақалади.

Авлоду аждодларимизнинг ҳаёти, урф-одатлари ва анъаналари, маданияти, тили ва тарихини бадиий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар, афсоналар. қаҳрамонлар тўғрисидаги достонлар, тўй-сайилларда, халқ йиғинларида, байрам-

ларда, сафарларда айтилган қўшиқ ва лапарлар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар халқ оғзаки цжодиёти мадаииятининг узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир. Уларнинг ижодкори — барча моддий ва маънавий бойликларни яратган халқ оммасидир.

Мифлар, эртак ва ривоятлар, термалар, достонлар, барча фольклор асарлари ўтмишнинг энг катта тарихий ҳужжати, аждодларимиздан бизга қолган нодир бойликдир. Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиётининг энг қадимги тур ва жанрларидан бири — асотир-мифдир. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя дунёнинг бошқа халқлариникида бўлганидек, Марказий Осиёда вужудга келган мифлар учун ҳам характерлидир. Қайд этилишича, яхшилик оламига Ахура^азда, ёмонлик оламига эса Ахриман бошчилик қилади. Эзгулик мифларида Митра кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этадиган, душманларга даҳшат соладиган, кишиларни офатдан қутқарадиган Қуёш худоси сифатида, Ан&хита эса ер, сув ва унум маъбудаси, қаҳрамонларга куч-қувват ва муваффақият бахш этувчи тарзида тасвирланади. Шарқ халқларидаги ёвузлик, зулмат кучлари мифларда кўпинча дев, аждар, жинлар қиёфасида тасвирланади. Булар офат ва зулмат, қабоҳат ва разолат, ўлим ва кулфат, бахтсизлик, хонавайронлик, очлик-қаҳатчилик тимсолидир.

Марказий Осиёда бир неча асрлар оша юзага келган миф ва афсоналар инсоният маънавий маданияти тараққиётига, хусусан, қаҳрамонлик ҳақидаги достонлар пайдо бўлишига замин бўлиб хизмат қилди. «Тўмарис», «Широқ», «Зариадр ва Одатнда», «Зарина ва Стриангия», «Уч оға-ини ботирлар», «Манас», «Қаҳрамон», «Маликаи Ҳуснобод» каби қиссалар, «Алпомиш», «Қирққиз», «Гўрўғли», «Авазхон», «Чамбил қамали», «Ойсулув» снңгари достонларда ҳам мнллий, ҳам умуминсоний аҳамиятга эга бўлган фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Қаҳрамонлик ҳақидаги достонларнинг, эртаклар, ривоят ва афсоналарнинг фалсафий моҳиятини белгилайдиган, уларнинг асосий негизини ташкил этадиган умумий ғоя — инсон учун жонДан азиз ҳисобланган муқаддас даргоҳ — Ватаннинг истиқлоли, эрки ва мустақиллиги учун ажнабий душманларга қарши муросасиз курашиш жамият ҳар бир аъзосининг олий инсоний бурчи эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларднр. Марказий Осиё ^аладаринйнг Эрон аҳамонийлари босқинига қарши курашинн бадиий акс эттирувчи Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоятЛаР айтиб ўтган фикримизга мисол бўладн.

Тўмарис, ҳақидаги қиссада массагетлар маликаси Тўмарнс тимсолида Эрон босқинчиларига қарши курашдаги мардлиги, довюраклиги, жасорати, донишмандлиги, Ватанига садоқати,' ДУШманларга нисбатан зийрак ва хушёрлиги чуқур баён этплГан- Қиссада айтилишича, Эрон шоҳи Қнр массагетлар юртини

ўзига қарам қилиш, бойликларини талаш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб унга қайлиқ бўлишни, ўз элини қул қилибтопширишни истамаслигини қатъий қилиб айтадн. Шундан сўнг Қир очиқ тажовузга ўтади ва массагетлар томон қўшин тортади. Шоҳ дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Унинг бу хатти-ҳаракатларидан ха1бардор бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб шундай дейди: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишинг қандай тугашини билмайсан-ку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бпзни ҳам ўз ҳолнмизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб, овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил.»,

Малика Тўмарис раҳбарлигидагн массагетлар Эрон қўшинлари билан бўлажак қонли тўқнашувга, ҳаёт-мамот жангига ҳозирлик кўра бошлашади. Массагет қўшицлари беомон жангда эронийларни маҳв этиб, галабани қўлга киритишади. Жангда Кир ўлдирилади. Жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олиниб ҳалок бўлган ўғли Спарангиз доғида ўртанган Тўмарис ўз суворийларига ўлдирилган Кир калласини кесиб, олдига келтиришни, бир мешни эса қон билан тўлдиришни буюради. Шундан сўнг у соч-соқолига қон ёпишиб қолган каллани қўлига олйб, унга шундай деб хитоб қилади: «Эй номард, сен мени— жангда сени ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни — маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу.»

Ватанини ҳимоя қилиш, эрксеварлик, ватанпарварлик аждодларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги Широқ тўғрисидаги тарихий ривоятда ҳам чуқур ва ҳар тарафлама очиб берилганлигини эслатиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиёда яшаган авлод-аждодларимизнинг фалсафий фикрлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишимизда «Авесто», «Беҳистун», «Бундахишн», «Денкард» сингари ёзма ёдгорликлар муҳим тарихий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

«Авесто» да акс этган асосий фалсафий ғоялар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Зардушт (Зардўст) номи билан боғлиқ. Унинг номига нисбатан дин ҳам шундай ном билан, яъни зардуштийлик деб аталади.

Зардушт, манбаларнинг кўрсатишича, тахминан милоддан аввал 570- йилларда туғилган ва етмиш етти ёшида ибодат қилаётган чоғида душман коҳинларидан бири томонидан орқасидан ханжар санчиб ўлдирилган. Зардуштга қадар аждодлари^миз ҳар хил диний одатларга эътиқод қилиб яшаганлар. Диний эътиқодларнинг турли-туманлиги ибтидоий муносабатлар ўрнини (синфий жамият, қадимги қулдорлик жамияти ола бошла-

ган пайтда барча қабилаларнинг ягона мафкура асосида уюшншларига аллақачоноқ тўғаноқ бўлиб қолган эди. Улканинг турли қабилаларини бирлаштириш, уларни илк буюк давлатчил„к ғояси атрофида уюштириш зарурияти туғилиб қолган эди. Дна шундай зарурияtни тушуниб етган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт тарих саҳнасида пандо бўлди. Зардушт кўп худолилик тасаввурлари, табиат ҳодисаларига сиғинишга қаршн чиқиб, якка худолик ғоясини тарғиб қилди. Зардуштийлик жуда қадимий динлардан бўлиб, ибтндоий тузумдан қулдорликка ўтила бошлаган паГгларда Марказий Осиёда пайдо бўла бошлаган ва алоҳида диний дунёқараш сифатида шаклланган.

Зардуштийлик дининнng қонун-қоидалари «Авесто» да баён этилган. «Авесто» китоби эрамиздан бир неча асрлар илгари юзага келган. Манбаларнинг кўрсатишича, «Авесто» ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган экан.

Абу Райҳон Берунийнинг «Утмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу ҳақда шундай дейилган: «Доро ибн Доро хазинасида ўн иккм минг қорамол терисига тилло билан битнлган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни ванрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун «Авесто»нинг бешдан уч қнсми йўқолиб кетдн. «Авесто» ўтгиз наск (қисм) эди. Мажуситлар қўлнда ўн икки наск чамаси қолди.»

«Авесто» да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Марказнй Осиё, Эрон ва Озарбойжоннинг тарихи, ижтимоий-сиёсий, нқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, набототи, илм-фани ўз аксини топган. Унда қадимги Турон ўлкасининг иқлими, сувн, ҳайвонот дунёси, ер тузилиши, саҳролари, тоғлари Ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авесто» да Цаттиқ қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-икром каби одамлар ўртасида устувор бўладиган ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто»да одамларии иймонли бўлишга, доимо пок-тоза к>ришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, дпний угитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

«Авесто» да қайд этилган энг муҳим фалсафий фикрлардан бирц — инсонларни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиб тўқ, фаровон ҳаёт кечиришга даъват этнлганлигцдаднр. Зардуштийликда инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирда, тинмай ^еҳнат қилгандагина худонинг иноятига ноил бўлади, дейилади. ^ардушт худо Ахурамаздадан, ер юзидаги энг яхши жой қаер- деб сўраганида, у иғьсон қаердаки ўзига уй тиклаб, оиласи.

(хотини ва фарзандлари)га, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсаларн ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил, ўша гўша улуғдир, муҳтарамдир деб жавоб беради.

«Авесто» меҳнат қилиб, бойлик яратиб, янги жойларни обод қилнб, қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаб, суғориб ўзлаштирган, сут, гўшт-ёғ, дон-дун етиштириб жамият тараққиётига йўл очиб берган, фаровонликни таъминлаган деҳқонлар, чорвадорлар, овчиларни улуғлайди. Унда, масалан, ерга меҳр қўйиб меҳнат қилиш зарурлиги ҳақида айтилган. Кимда-ким, ҳам ўнг қўли билан, ҳам чап қўли билан ерга ишлов берса, ерга фойда келтиради! Ер ҳам ундан ўзининг ҳар хил ноз-неъматларини, знроатларинп, мўл-кўл ҳосилини аямайди, дейилади кнтобда.

Кимки ерга вақтида ҳам ўнг қўли, ҳам чап қўли билан ишлов бермаган, меҳнат қилмаған бўлса, ундай кимсаларга замин: «О сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан хилма-хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган: тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадулабад шундай бўлажак!»,— деб меҳнатга даъват қилади.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китобида дунёнинг моддий асоси деб ҳнсобланган ер, тупроқ, ҳаво муқаддаслаштирилади. Ер ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш гуноҳи азим ҳисобланган. Марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини махсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган.

Зардуштийлнк динига амал қилган Марказий Осиёдаги қабилалар сувга ва оловга сажда қилганлар, қуёшни илоҳий мавжудот даражасига кўтарганлар. Хоразмда, Самарқандда олиб борилган қазишмалар натижасида Марказий Осиё халқларининг Қуёш худоси ҳисобланган Митрага, ер, сув, унумдорлик худоси Анахитага сиғинганликларини исботлайдиган буюмлар топилган.

«Авесто» да деҳқончилик билан шуғулланиш ўн минг марта ибодат қилиш ва юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзал ҳисобланган. Унда айтнлишича, экин экиш — ердаги ёвузликларга барҳам бериш демакдир. Ғалла ердан уннб чиққанда»,— дейилади «Авесто»да — девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд қилади, ғалла янчиб ун қилинаётганда, улар қоча бошлайди, хамир қилинаётганда эса девлар маҳв бўлади. Ғалланинг мўл-кўл бўлиши, гўё девларнинг лабига қизйтилган темир босгандай уларни тумтарақай қилади.

Шундай қилнб, «Авесто» дунёда энг қадимги дин бўлган ЗарДУштийликнинг муқаддас китоби бўлиш билан бирга, аждодларимизнинг узоқ ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг комусий йиғиндисг:, тили, ёзуви, маданияти, фалсафаси адабий-бадиий манбаи ҳамдир.

Исломгача Марказий Осиёда буддизмнинг, ҳатто насронийлик ДИНИН1ШГ маълум даражада тарқалганига қарамай, диний эътиқод бобида зардуштийлик дини асосий ўрин тутган. Жаҳон динлари кейинги 2—2,5 минг йил ичида қанчалик такомиллашган, уларнинг маросимлари, урф-одатлари нечоғли хилма-хиллашган, бойиган бўлмасин, улар барчаси зардуштийлик динининг ворислари ҳисобланади.

VI—VIII асрларда яратилган, қадимий туркий тилда ўзига хос хатда битилгая Урхун-Енисей ёдгорликларида туркий халқларнинг фалсафик, ижтимоий-сиёсий қарашлари, эл-юртига муҳаббати, қаҳрамонликлари, хорижий босқинчиларга қарши нафрати ўз ифодасинг: топган.

Қадимий туркий халқларнинг тарихи, маданияти, тили, ижтимоий-фалсафий фикрлари билан танишишда Урхун-Енисей ёдгорлигидан Тунюқуқ, Култигин, Билга хоқон битикларининг аҳамияти айниқса каттадир. Буни иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтартиш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тунюқуққа бағишланган 712—716 йилларда ёзилган битигтош мисолида кўриш му^кин. Битигда туркийларнинг бир қанча душман қабилаларигг қарши кураши, Тунюқуқнинг халқ олдидаги хизматлари, донолиги, тадбиркорлиги, жасурлиги ҳикоя қилинади.

732 йилда ўрнатилган Култигин битигидаги барча воқеалар Култигининнг акаси Билга хоқон тилидан (асли исми Мўғилиён) баён этилади. Мўғилиён сўнгги турк хоқонларидан бири бўлиб, «Билка — Қсон»—«Улуғ хоқон» унвонини олган. Мўғилиён жуда кўп урушлар олиб бориб турк хоқонлиги давлати чегараларини анча кенгайтирган. Ҳарбий юришларнинг бирида улур хоқоннинг укаси Култигин зўр қаҳрамонлик кўрсатиб вафот этади. Билга хоқон — Мўғилиён ўзининг қилган ишлари тўғрисида Култигин битигида халқига қарата шундай дейди: «Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим, бахтим бор учун мен сизларга хоқон бўлдим. Хоқон бўлиб, йўқ қашшоқ халқни яхшилаб оёққа тур?аздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим. Е бу сўзимда ёлғон борми?! Турк беклари, халқи буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тузишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билннг, туркнинг эндиги халқлари, беклари.»

Култигиннинг оғаси Билга хоқон шарафига 735 йилда^ўрнатилган битигтошда хоқоннинг давлатни бошқарганлиги, кўпгина халқларни бирлаштирганн, мамлакатни ҳар жиҳатдан юксалтиргани тасвирланган. Шу билан бирга унда халқлар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, тотувлик давлатнинг куч-қудрати асоси эканлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Аввал қайд эгганимиздек, «Авесто», «Урхун-Енисей» ёдгор-

ликлари ва бошқа ёзма ёдгорликлар қадимги Марказий Осиё халқларииииг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти тили, қадрйятлари, фалсафий, ахлоқий, диниЙ қарашларини ўр.' ганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ёзма ёдгорликлар фақат ўтмишни тушуниш учунгина эмас, балки бизнинг бугунгц кунимизнинг, Узбекистон Республикаси давлат мустақиллиги маънавий масалаларини ҳал этиш, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш учун ҳам фойдалидир.

Милоддан аввалги 1 мингинчи аср ҳамда эрамизнинг I—Ц асрларида манихейлик ҳаракати ва таълимоти вужудга келган. Асосчиси Моний (216—217). Монийлик зардуштийлик ва христианликнинг синтезидир. Христианликларни монййлиқ мессианлик ғояларини олган. Мазкур таълимотга кўра, борлиқнинг иккита субстанция асосини — ёруғлик, яхшилик, руҳ олами ва зулмат, ёвузлик, материя оламини ташкил қилади. Монийлик таълимоти ҳукмрон руҳоний зодагонлар таълимотидан фарқли ўлароқ, муҳим маънавий қадриятлар — бошланғич адолат, эркинлик, меҳнатга интилиш кабиларни тарғиб қилди.

Ижтимоий-фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва намоён бўлиши хусусида юқорида қайд этнб ўтилганларнинг ҳаммаси айрим тадқиқотчиларнинг, фалсафий тафаккур Шарқ халқларида бўлган эмас, фалсафий таълимот улар учун мутлақо ёт, фалсафа тўла маъноси билан Ғарбда бошланғич, деган даъволарнннг пуч ва тарихнй ҳақиқатга тамомила зид эканлигини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

### 3. Ғрта аср фалсафаси. Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари

V—VI асрларга келиб ҳукмрон рухонийларга, зардуштийликка қарши қаратилган Маздак (470—529) бошлаб берган маздакизм таълимоти шакллandн. Эронда кенг тарқалган Маздакийлик таълимотига биноан, оламда бўладиган жараёнлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи ззгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғилик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади. Маздакизм деҳқонларни, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиб, тенглик, адолат ўрнатишга хизмат қилди.

Тарихдан маълумки, VI—VII асрларда шимолда Турк хоқонлиги вужудга келиб, у Эрондаги сосонийлар билан узоқ кураш олиб борди ва Марказий Осиё халқларини ўзига қаратди. Бу ерда қадимги турк тили тарқала бошлади. VIII асрга келиб мйнтақамизни араблар истило қилдилар ва улар ўзлари билан Ислом динини тарғиб қилдилар ва босиб олинган халқлар орасида турли йўллар билан уни тарқата бошладилар. Араб босқинчиларига қаршн Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ас Хориж, Рафи ибн Лейлар бошчилигида қатор халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка

опишди ва бу ерда биринчи феодал давлаги — сомонийлар укмронлнги шахлланди. Сўнг бу ҳудудда Хоразмшоҳлар, Ғазнарийлар, Салтуквйлар, Қсрахонийлар давлатлари фаоллик кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўҳна Урганч, Хива каби шаарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида дунёга танилди.

IX—XV асрларда Яқин ва Шарқ мамлакатлари, биринчи !!авбатда, Марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий тараққиётида, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, фалсафий, таълиуотларн ривожланишида кескин ўзгариш, туб бурилиш даври бўлдн. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётни қамраб олди_. Ижтимоий таргққиётнинг ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги. етакчи сафларида туршл даражасига кўтарила олдилар. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йкрик ва марказий учоқларидан бирига айланиши худди шу даврга тўғри келади.

Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари сафидан ўзининг ақл-идрокл ва тафгккури, қомусийлиги бнлан инсониятни лол қолдирган фан ва маданиятнинг сўнмас юлдузлари, жаҳонга машҳур бўлган математик, астроном, химик, минеролог ва тиббиётчилар, иоир, ёзувчи ва санъатшунослар, тасвирий санъат ва наққошлик илми арбоблари, дунё тан берган файласуф ва тарихчилар, сўз санъатининг тожи ҳисобланган адабиётчи ва тилшунослар, ғазал мулкининг султонлари, «муаллими соний» ва «Шайхур раис»лар саф-саф бўлиб етишдилар.

Буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди етишиб чиққан, олам узра довруғ таратган, жаҳонни илм, маърифат ва маънавкят нури билан ёритган давр, адолат талаби бўйича, Шарқ тарихида олтин аср ёки Уйғониш даври деб аталади.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийликлари, айни бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, мусиқашунос, ҳам мантиқшунос, жамиятшунос ва адабиётчи, тарихчи, шоир математик, хуллас, илмнинг ҳамма соҳасидан хабардорликлари, ижоднинг бир неча соҳаларида ўзларини кўрсатганликлари билан ажралиб турадилар. Шарқ улуғ сиймоларининг кишини лол қолдирадиган жиҳатларидан бири сифатнда бир неча тилДа бемалол ггплаша олганликлари, ўша тиллардаги илмий манбалар, асарлардан бекаму кўст фойдалана олганликларини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Илм-фан ва маданиятда улар шуғулланган соҳаларини санаб чиқишдан кўра шуғулланмаган соҳаларини санаш, аниқ айтиб бериш осонроқдир. Илмнинг Кайси масаласн билан шуғулланишган бўлсалар, ўша соҳада буюк кашфиётлар қилишди, ўтмишдошларидан ҳеч "бир аллома забт эта олмаган фаннинг нурафшон чўққиларини забт эта олдилар. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги фанда янгича йўиалишларни, янгича тафаккур услубини ихтиро қилдилар, илгари ҳеч ким айтмаган, тамомила лнги таълимотларни майдонга

ташладилар ва илмий асослаб бердилар. Буюк тафанкур алломалари томонидаи чуқур илмий асослангаи ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаган давр кўзгусигина эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий воқеа ва жараёиларни олдиндан айтиб бериш нуқтаи назаридан ҳам бебаҳодир. Донишманд боболаримизнинг илмий-фалсафий таълимотлари—умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотлардир. Шу нарса эътиборга сазоворки, Шарқ мутафаккирлари ўз даври долзарб ҳаётининг марказида бўлдилар, халқ ва Ватан манфаатини ҳимоя қилдилар. Бу уларнинг ҳақиқий баркамол инсон, оташин ватанпарвар, халқпарвар ва буюк аллома эканликларининг белгиси ва бош сабабидир. Ушбу буюк зотлар, қомусий ақл эгалари яшаган ва ижод қилган даврлардан бошлаб Шаркда, Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, фалсафа янада ривожлана бошлади. Бу ривожланиш, тўхтовсиз такомиллашиб бориш бир неча юз йилларни ўз ичига қамраб олди ва бизнинг давримизга етиб келди.

Марказий Осиёнинг жаҳонга машҳур олимларидан бири Л\уҳаммад ибн Мусо Хоразмий бўлиб, у тахминан 783 йилда Хоразмда туғилган ва IX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи 850 йилда Бағдодда вафот этган. Хоразмий илм-фан ва маданиятнинг қадимий бешикларидан ҳисобланган Хоразмда қомусий олим сифатида шаклланди, вояга етди ва шу ернинг ўзида унинг номи дунёга маълум бўлди. Мусо Хоразмий илмий-ижодий фаолнятининг жуда катта даври араб халифалигининг пвйтахтп Бағдод шаҳри билан узвий боғлиқдир. Хоразмий халифа Маъмун раҳнамолигида ислом Шарқининг Фанлар академияси—«Байтул-ҳикма» («Донишмандлар уйи»)да ишлади. Бу илм даргоҳида у жуда кўплаб астрономик кузатишлар олиб борди, математик ва астрономларнинг катта бир илмий жамоасига устозлик қилди ҳамда ўзининг кўпгина шоҳ асарларини ёзди. Хоразмийнинг Бағдодда яшаб ижод этган замондошлари орасида Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби алломалар, Марказий осиёлик олимлар ўрта аср нлм-фан ривожи ва ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган эдилар. «Байтул-ҳикма» да хизмат қилган ушбу йирик олимлар қадимда ҳисоблаб чиқилган Ер айланаси узунлигининг тўғрилигини текшириш мақсадида Ер меридиани бир градусининг узунлигинн ўлчашган. Барча тадқиқотларни ўтказишда Хоразмий бевосита иштирок этган.

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг кўп қиррали илмий қизиқишлари математика, назарий ва амалий астрономия, география, та^их ва бошқа кўплаб фанларга оиддир. Унинг номини тарихда абадий қолдирган асарларидан бири—«Ал-жабр вал-муқобала» дир. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимларига алгебра фани бўйича дастури амал бўлиб хизмат қилди, «Алгоритм» ва «Алгебра» деган атамалар Хоразмий номи билан боғлиқдир.

Алломанинг алгебра, арифметика, математика, геометрияга

асарлари асрлар давомида авлодлар қўлида меросни тақ-
°ммлашда, васиятномалар тузишда, мол-мулкни бўлиб олиш-
па суд ишларида, савдо-сотиқ муаммоларида, шунингдек, ер-
ларни ўлчашда, каналлар қазишда, бино қуришда катта хиз-
цат қилди.

Хоразмий айтиб утилган асарларидан ташқари «Қитоб су-
пат' ал арз» («Ер сурати») деган рисола ҳам ёзди. Асарда у
Птолемейнинг «География» номли китобини бутунлай қайта
цшлаб чиқди, шарқ мамлгкатлари ва халқлари тўғрисида кўп-
гина қимматли маьлумотлар берди. Унда мамлакатлар, ша-
харлар, уларнинг номлари, кўрсатилган ва бир неча изоҳлар
берилган, хариталар мавжуд. Бу китобда Орол денгизининг
тасвири ҳам берилган. Асарда бундан ташғ;ари 637 та муҳим
жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилот I, дарёлар, денгиз-
лар ва океанлар ҳавзасининг шакли. уларда жойлашган орол-
ларнинг муҳим координатлари баён этилган. Олимнинг бу ки-
тоби Шарқ мамлакатларида география фани ривожланишига
катта ҳисса қўшди.

«Астрономик жадваллар», «Қуёш соати гўғрисида рисола»,
«Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола», «Устурлаб қуриш ҳақида ки-
тоб», «Зиж» («Астрономик жадвал»), «Мусиқа бўйича рисола»,
«Тарих бўйича рисола» ва бошқа кўплаб нодир асарлар ҳам
Мусо Хоразмий қаламига мансубдир. Ана шу асарлар номи-
нииг ўзиёқ Хоразмийнинг илмий тафаккури бениҳоя кенглиги,
қомусий аллома эканлигини, нафақат ўз даврининг, балки ҳам-
ма замонларнинг энг буюк математик ва табиатшунос олими
эканлигини кўрсатади.

Хоразмий ўзинннг магематика, география, тарих, мусиқа,
астрономия ва бошқа фанларга бевосита тааллуқли бўлган
асарлари билан жаҳон фэни тараққиётига :<енг йўл очиб бер-
Ди, ўрта асрларда одамлар хаёлларига ҳам келтира олмаган
энг муҳим мураккаб масалаларни илмий равишда ҳал этди.

Муҳаммад Мусо Хоразмий илм-фан ва маданият оламида
нафақат буюк математик ва табиатшунос олим, балки машҳур
файласуф сифатнда ҳам маълум ва машҳурдир.

Хоразмий махсус фалсафий асар ёзган бўлмаса-да, лекин
унинг математика, геометрия, астрономия, география. тарих ва
мУсиқа илмига оид барча китобларида илгари сурилган, илмий
исботланган фалсафий фикр-мулоҳазалар, фалсафий ғоя, на-
зария ва таълимоглар сон-саноқсиздир. Унинг математика ва
бошқа табиатшунсслик фанлари илмий ютуқларига асосланиб
езишича, Оллоҳ томонидан яратилган дунёда, материяда ўз
Ҳолатини доимий равишда ўзгартирмай сақлаб турадиган ҳеч
^андап нарса ва ҳодиса йўқ ва бўлмайди. Материя тинимсиз
Усиш, ўзгариш ва ривожланишдадир. Унда нималар янгидан
иандо бўлади, маълум вақт мобайнида яшайди, кейинчалик
ооРиб эса у ҳам эскира бошлайди ва пировард-оқибатда ўз ўр-
Янни бошқа нарсгга қонуний равишда бўшатиб беради. Эски
Нарса ўрнини янги, ўлаётган нарса ўрнини туғилаётган нарса

эгаллаши, Хоразмий фалсафий таълимотида қайд этилишича, табиий-қоиуиий жараёндир. Бу жараён чексиз-чегарасиздир.

Хоразмий дунёдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса моҳиятида Ьир. бирини инкор этибгина қолмай айни пайтда бир-бирини ўзаро тақозо ҳам этадиган, бнр-бирисиз яшай олмайдиган икки қутб, икки қарама-қарши томон мавжуддир, тараққиёт улар ўртаси-] даги ана шу диалектик бирлик ва кураш асосида амалга ошади, деб кўрсатади ва ўзининг бу фалсафий таълимотини математика фани далиллари асосида илмий исботлайди.

Хоразмийнинг дунённнг асосини, моддий негизини нима ташкил этади, деган масала бўйича баён этган фикрлари ҳам эътиборга сазовордир. Буюк мутафаккир материя оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси, деб ҳисоблайди. Унинг тушунтиришича, дунё тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топган. Дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар ана шу унсурларнинг бирикиши, ўзаро таъсири остида ҳосил бўлади ва яшайди. Сув ва ҳаво ҳақидаги таълимот Хоразмий фалсафий дунёқарашининг ўзагидир. Орол денгизининг Марказий Осиё халқлари ҳаёти, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун нақадар муҳимлиги ҳақида буюк ватандошимиз томонидан бундан минг йил илгари қилинган башорат бунга мисол бўлади.

Хоразмий ноорганик дунёдан органик дунёнинг, ҳиссиз, туйғусиз, фикр қилмайдиган дунёдан ақл-идрок ва тафаккурга, фикрлаш имкониятига ўтиши, унинг моҳияти ва асосий сабаблари ҳақида ҳам ўзининг бебаҳо илмий-фалсафий таълимотини яратди.

Хоразмий чуқур илмий далиллар асосида материя билан шаклни, сабаб билан оқибатни, имконият билан воқеликни, миқдор билан сифатни, жамият билан табиатни ажратиб бўлмаслигини, улар ўзаро алоқадорлигини исботлаган эди.

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг билиш масаласига оид фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У моддий дунёнинг абадийлигиии, унинг ниҳоятда мураккаблиги, доимий равишда ўзгариб ва ривожланиб туришини таъкидлайди. Шу билан бирга у бу оламни инсон сезгиси ва билимининг манбаи деб билади. Унинг айтишича, оламни, жамиятни, улардаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли жараёндир. Лекин инсон бу масалада ҳам битмас-туганмас имкониятларга эгадир. Инсон ўзининг тиришқоқлиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Оллоҳ ато этган ақл-идрок, қобилият ва истеъдод билан,— дейди Хоразмий,—дунёни секин-аста била боради.

Хоразмий ўзининг билиш назариясида моддий олам инсон, унинг сезгиси, ақл-идрокидан олдин пайдо бўлган, инсон ва унинг ақли эса моддий олам ривожининг маҳсулидир, дейди. Айш? пайтда у инсон билиш субъекти, табиат, жамият, умуман моддий олам эса унинг объекти деб билади. Хоразмий ҳиссий ва ақлий билишнинг ўзнга хос хусусиятларини, моҳиятини, ўзаро алоқадорлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг айтишича, ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга келмайди. Ҳиссий би-

ш борлиқнинг ташқи томонлари ҳақида билим бериш манЛаидир. Ақлий билиш ёрдамида эса инсон нарса ва ҳодисалар1нг мураккаб ички тузилишини, моҳиятини, қонуниятини билиб олади. Ақлий билиш инсон билиш ривожининг юқори йоскичидир. Бунда биз Хоразмийнинг ақлий .билиш масалаларига алоҳида эътнбор берганлигини кўриб турибмиз. Билишда ннсон ақли ва амалиётнинг аҳамиятини кўрсатганлиги буюк ватандошимизнинг ажойиб хизматларидан бўлиб ҳисобланади.

Мусо Хоразмий дунёқарашида ижтимэий-фалсафий масалалар. хусусан, жамият ва унинг истиқболк ҳақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди. Жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг, одоб-ахлоқнинг, ислом дини, шариат қонунларининг катта ўрин тутиши ҳақида аллома томонидан баён этилган фикрлар ҳозирги давр учун муҳим аҳамият касб этади. Одамларнинг ақл-идроки, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, руҳан поклаш ва кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда фан ва маданиятнинг, диний қадриятларнинг муҳимлиги хусусндаги фикрлари таҳсинга сазовордир.

Буюк ватандошимиз Муҳаммад Мусо Хоразмийнннг нодир асарларн, яратган таълимоти, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳозирги авлод учун битмас-туганмас хазина, мустақиллигимиз учун хизмат қиладиган бебаҳо маънавий бойликдир. Жахрн илм аҳлининг 1983 йили Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг 1200 йиллигини зўр тантана билан нишонлаганлиги буюк ватандошимизга кўрсатилган чексиз ҳурмат ва эҳтиромдир.

Туркий забон адабиётининг йирик ва забардаст мутафаккирларидан бири Аҳмад Югнакийдир. Унинг биггача етиб келган ягона илмий мероси «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси»)дир.

Алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. «Ҳибатул-ҳақойиқ» асаридгн маълум бўлишича, шоирнинг номи Адиб Аҳмад, отасининг исми Маҳмуд, ватани Югнакдир. Тадқиқотчиларнинг тахминлгрига кўра адиб тавалЛУД топган Югнак шаҳри Самарқанд яқинида бўлган.

Аҳмад Югнакийни дунёга машҳур қилган «Ҳибатул-ҳақоиқ» асари ўша даврнинг кўзга кўринган улуғ амири Дод Сипоҳсоларга бағишланган. Бу китобни ёзилиш сабаби ва заруРияти ҳақида гапириб Аҳмад Югнакий, «Дунёда номи қолсин Деб, Сипоҳсоларбек учун бу ки^обни ёздим. Қитобимни ўқиган, кЎрган, эшитган киши шоҳимни дуо билан ёд қилсин деб ёзДим»[1]— дейди.

Аҳмад Югнакий ҳам ўзидан олдинги буюк мутафаккирлар сингари илм-маърифатни ёқлайди, илмли кишиларни, олимлар, фаиласуфлар, фозилу фузалоларни улуғлайди, маърифатпарварликни тарғиб қилади, кишиларни илмли бўлишга чақиради, 'лмнинг манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида куйиб-ёниб гапиради.

[1] Турди. Танланган асарлар. Тошкент, 1951, 21-бет.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» нинг «Илм манфаати, жаҳолатнинг за« рари ҳақида» деб аталган биринчи бўлимида муаллиф, «Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бах.т йў. лини изла. Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз, жоҳил киши қимматсиз мевадир. Билимлик киши билан бц-лимсиз одам қачон тенг бўлади, билимлик хотин киши — эр кишидир, билимсиз эркак — хот^ин кишидир»[1]—дейди.

Мутафаккир ўзининг сўз юритилаётган асарида ҳиммат ва сахийликни бахиллик ва зиқналикка қарама-карши қўяди. Унинг фикрича, халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф, мартаба ва камолатингни орттиради. Дунёда яхши ва нуқ. сонсиз ном сахийликдир.

Аҳмад Югнакийнинг ахлоқий-фалсафий таълимотида инсонпарварлик, одам-одам билан дўстона ҳаёт кечириши, дўстларга садоқат, вафодорлик каби ғоялар ҳам катта ўрин тутади. Дўстларни эҳтиёт қилиш, авайлаб-асраш, душман орттирмасликни зарурлиги ҳақида уқтириб, минг нафар дўст кам, бнтта душман эса кўпдир, дейди.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» да табиат ва жамият ҳодисалари тўхтовсиз ўзгариб ва ривожланиб туриши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига доимий равишда ўтиб туриши, инкорни-инкор ҳодисаси қатъий амал қилиши, жамият ўтмишдан келажакка томон юксалиб бориши сингари фалсафий масалалар ҳам талқин этилган. «Дунёнинг ўзгариб туриши ҳақида» деб номланган учинчи бўлимда бу ҳақда муҳим фалсафий ғоялар баён этилган.

Аҳмад Югнакий дунёнинг турланиб-тусланиб, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиб туриши, янгининг эскириши, вақти келиб инкор этилиши устида фикр юритиб шундай дейди:

«Бу дунё қўниб, яна кетадиган работдир, бу работга тушиб ўтувчилар қўниб кета беради...»

Айтилганлардан кўриниб тургандек, Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида баён этган фикр-мулоҳазалари билан Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий таълимотлар ривожида. ўзига хос бетакрор ўрин тутади.

Абу Наср Форобий (870—950) нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилган ва бениҳоя катта ҳурматига сазовор бўлиб келаётган буюк мутафаккири, қомусий олими, машҳур файласуфларидан саналади.

Урта аср фан ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган, ШарҚ Уйғониш даврининг донишманди ҳисобланган Форобий милодий 870 йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган ердаги Фороб деган жойда туғилган. у дастлабки билимни Форобда олкан. Унинг илм-фанга бўлган кучли қизиқиши ва интилишига

[1] **Қадимий ҳикматлар. Т.,** Ғ. Ғулом иомидаги Адабиёт ва санъат нашрнёти. 1987, 416- бет.

*зи туғилиб ўсган юртида олган бнлим кифоя қилмаган. Тошкентда, Самарқанд ва Бухорода, Марказий Осиёнинг бошқа ўлкаларида олган таҳсили унинг илм-маърифатга бўлган ташналигини қондира олмаган. Илмга жуда катта ҳаётий эҳтиёж сезган Форобий жаҳон илм марказларидан бири — Бағдодда кўним топади. Бу ерда у тинмай ўқиб-ўрганади, араб тили ва адабиётини мукаммал билиб олади. Кейинчалик Форобий Шом, Миср ўлкаларига бориб, ўз устида тинмай ишлаб, мударрислик қилиб йирик файласуф сифатида танилади, шогирдлар орттиради.

Форобий илмнинг барча соҳалари бўиича ижод қилди, буюк асарлар ёздн. Фан оламида энг нодир асарлар ёзган алломалардан биридир. XII—XIII асрларнинг йирик олнми ал-Байҳақийнинг фикрича, ислом ўлкалари олимлари орасида унга тенг келадиган одам дунёга келган эмас.

.Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқшунос, риёзатчигина эмас, шу билан бирга жамиятшунос, филолог, тиббиётчи, руҳшунос, мусиқа илмининг назариётчиси ва амалиётчиси ҳамдир. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?з>, «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Логикага кириш», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оҳанглар таснифи ҳақнда китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл тўғрисида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Давлат ҳақида» каби ва бошқа 160 дан ортиқ хилма-хил қимматли асарлар ёзди.

Форобий шуғулланган ҳар бир соҳа, у ёзган ҳар бир асар ўрта аср, янги давр ва ҳозирги замон олимлари таҳсини ва эътиборига сазовор бўлган. Форобий ёзган асарлар ўрта аср илмининг қарийб барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Унинг асарларини шунинг учун ҳам ўз даврининг кўзгуси, қомусй дейиш мумкин.

Қадимги юнон фалсафасини, хусусан, Арасту асарларини чуқур ва мукаммал билиш, таржима қилиш, илмий шарҳлар езиш, тарғиб-ташвиқот этишда Форобийга тенглашадиган ва унинг олдига тушадиган донишманд бўлган эмас. Форобий қаДимги юнон мутафаккирлари ва табиатшунослари йирик асар•"арининг умумий мазмуни ва йўналишини илмий таҳлил қилиб махсус асарлар яратди. Арастунинг «Метафизика», «Риторика», «Поэтика», «Категориялар», «Аналитика», «Этика» ва бошқа куплаб асарларини таржима қилди.

Форобий ўрта аср фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди, иринчи бўлиб ўз давридаги илмларни тасниф қилди, яъни ^Урларга бўлди. Узининг она тили — турк тилидан ташқарй Форс, юнон, сурия, араб ва яна бир неча тилларни мукаммал илган. Шарқнинг машҳур тарихчи олими Ибн Халликон и2Ц—1282) фикрича, тил билишда ҳеч ким Форобий эришган

даражага эришолмаган. Уннг сўзи билан айтсак, Форобий етмишдан ортиқ тил билган.

Арастудан кейин фалсафа фани оламида, хусусан, Шаркда Форобийга тенглаша оладиган улкан зот, буюк сиймо майдонга чиқмади. Форобий ўз билими, маърифати, фикр доирасининг кенглиги, қомусийлиги, жаҳон фани тараккиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси билан шу даражада катта шуҳратга эришдики, оқнбатда уни ҳаётлигидаёқ Арастудан кейинги йирик мутафаккир, «Муаллими соний»—«Иккинчи муаллим», «Шарқ Аристотели» номлари билан улуғлашган.

Уйғониш даврининг машҳур файласуфи Форобий худони «биринчи сабаб», «биринчи моҳият» деб изоҳлайди. Форобий сабаб-оқибат муносабатлари ёрдамида биринчи сабабни материя билан боғлайди. Материя ўз сабабига, яъни худога хос бўлган барча хусусиятларга эгадир. Материясиз, яьни оқибатсиз сабаб ҳам бўлиши мумкин эмас. Дунё, табиат худо томонидан қисқа муддат ичида яратилган эмас, дейди олим. Фикрини давом эттириб, дунё худодан бошқа моҳиятга эга бўлган борлиқ бўлмасдан, худонинг зуҳур этишидир, деб таъкидлайди. Табиатнинг бу ҳолга келишига қадар бир қанча вақтлар, жараёнлар ўтган. Шундай қилиб, Форобий барча мавжудотни, оламни, материяни биринчи сабаб—худодан келтириб чиқарадн. форобнй материя, унинг абадийлиги ва чексизлиги ҳақидаги фалсафий таълимотни ишлаб чиқди. Унинг таъкидлашича, материя оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосидир. Дунёнинг моддий асоси ёки материя тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмондан иборат бўлиб, Форобий таълимотича, осмон жисмлари ҳам, ердаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий, ҳамма нарсанинг умумий жинси оламдир, оламдан ташқари ҳеч нима йўқдир, дейди.

Форобий оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборатлигига, материя ва шакл бири иккинчисига сабаб бўлиши мумкин эмаслиги, аксинча, ҳар иккови ўзаро бирликда мавжудлиги хусусида ҳам ўз фикрини баён этади.

Алломанинг уктиришича, ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий оламдаги зиддият эса, .ҳаракатнинг манбаидир, оламдаги нарса ва ҳодисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат, ўсиш-ўзгаришнинг сабаби эса бошланғич моддий унсурларнинг турлича қўшилишидадир.

Форобий борлиқни қотиб қолган воқелик сифатида тушунмайди. Нарсалар ва ҳодисалар оламида чексиз ўзгариш, рнвожланиш жараённ бўлиб турадики, бунинг натижасида табиат ва жамият шу ҳолга етиб келган, дейди Форобий.

Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Билиш масаласига у инсон моҳиятини тушунтириб беришпинг таркибий қисми сифатида қарайди. У инсон /абиат тараққиётининг маҳсули бўлиб хайвонот оламидан фарқ қилади, инсон—билиш субъекти, табиат эса унинг объекти деб билади. Табиатнинг одамдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда

I жудлигига Форобий шубҳа қнлмайди. Объект субъектга қа-
маВ мавжуд бўлади. Сезилувчи нарса сезгиларга қадар мав-
-^3? бўлгани каби билинувчи нарса билишга қадар мавжуд-
^,Д дейди у. «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида
Д"бпатни билишнинг чексизлигини, билишнинг билмасликдан
л^пишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга қараб бори-
шини таъкидлайди. „

форобий билишда икки босқични — ҳиссий ва ақлии билиш-
ни фарқлайди: ҳиссий билишни борлиқнинг ташқи хоссалари
хақнда билим бериш манбаи деб қарайди. Шу билан бирга у
ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга кела олмаслигини уқ-
тиради.

Форобий томонидан таъкидланганидек, моддий олам инсон,
унинг сезгиси, ақлидан олдин мавжуд бўлган. Сезилувчи нар-
са, Форобий фикрича, сезгиларга қадар мавжуд бўлганидек,
билинувчи нарса ҳам унга оид бўлган билимга қадар мавжуд-
дир. Инсон ва унинг сезгиси, ақл-идроки ва моддий олам ри-
вожининг маҳсулидир. Инсон ўзини қуршаб турган моддий
оламни, материяни сезги аъзолари, ақл-идроки орқали била
боради. Инсон ва унинг ақли моддий олам ривожланишининг
олий маҳсулидир.

Форобий асарларида, инсоннинг билиш, руҳий қобилиятла-
рини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун за-
рур бўлган қон билан таъминлайдн, бу кувватлардан бирорта-
си ҳам материядан ажралган ҳолда яшай олмайди, деган ғоя
илгари сурилган.

Форобий эътиқодича, нарсалар биздан, ҳисларимиздан таш-
қарида туриб, бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этади, таъ-
сир этадиган нарсалар чексиздир. Инсон ўзининг ақлини, хаё-
лини ишга солади ва шулар воситасида билмаган нарсасини
билиб олади, уларга асосланиб билиш манбаи бўлган олам ва
Унинг моҳияти ҳақида чуқурроқ, атрофлироқ билим ва маълу-
мотга эга бўлади.

Форобий билишда инсон ақлининг ролига катта баҳо бер-
ган. Инсон ақл-тафаккур ёрдамида табиатни, борлиқни, мате-
Рияни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини, маъносини
билади.

Форобий ижтимоий ҳаёт, жамият масаласида ҳам анчагина
мУлИм фалсафий фикрларни ўртага ташлаган ва илмий ечи-
Мини берган. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» китобида ҳар
оИР инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва
ол"и даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга
УҲт?рж бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритол-
Маиди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж ту-
и*1ади, дейди. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бу-
Ун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эрншув
зарур бўлган нарсаларни етказиб беради.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда
онa бнр бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади.

«Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида камолотга бир кц. шинииг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз\ эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида вя унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида богц. қа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инооннинт аҳволи шу, у ҳар ҳандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳ. тож ёки мажбурдир, дейди. «Ҳар бир инсон ўз табиати билац шундай тузилганки,— дейди Форобий,— у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, улар. га эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради»[1].

Форобий давлатни ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни жо қилган кишилар ёрдамйда идора этиш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук, аҳолини илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги хаёлотни олға суради. «Фозил одамлар шаҳри» китобида Форобий давлатни бошқарувчи Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади.-

Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобидан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарларига, олимларга, зиёлиларга, талабаларга, каттаю-кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Форобийнинг илмий-фалсафии таълимоти инсониятнинг мислсиз маънавий • бойлиги ва маданий-маънавий камолоти йўлидаги дастури — амалидир.

Инсоният Абу Али ибн Сино (980—1037) ни жахрн фани ва маданиятининг юқори чўққиси, Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири сифатида билади ва эъзозлайди.

Буюк аллома бор-йўғи эллик етти йил умр кўрди, бу умР" дан ўн саккиз йили илм таҳсилига сарф бўлди. Умрининг кўп вақти зиндонда, талон-торож бўлиш ва ўлим хавфи остида ўт' ди. Аммо шу йиллар давомида бениҳоя кўп илмий ишлар ёзди- Ибн Сино тўрт юздан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм-фаннинг 'барча соҳаларига тааллуқлидир. ШундзЧ 242 таси бизга етиб келган. Аллома асарларидан 80 таси Фал" сафа, илоҳиёт, тасаввуфга, 43 таси табобат, 19 таси мантиқ!

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкеит, 1993., 186-бет.:

6 таси эса руҳшуносликка бағишланган. Уша даврдаги фанаРД[ан] бирортаси Ибн Сино эътиборидан четда қолган эмас. Илмнинг фалсафа, тиббиёт, астрономия, табиатшунослик, ма^ематика, мусиқа, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, адабиёт, тарих сингари ва бошҚ[а] соҳалари Ибн Сино томонидан қамраб олинган. Қомуеий олим асарларини илмлар тармоғи бўйича тақсимлаганда, лрта асрда маълум бўлган барча фанларни санаб чиқишга тўғри келади.

**Ибн** Сино ўз асарлари билан Марказий Осие халқлари ма**даниятини** дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам уни «Шайхур-раис» — «Олимлар бошлиғи» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асари «Китоб ат шифо» («Даволаш китоби»), «Донишнома», «Нажот», «Китоб ул инсоф» («Адолат китоби»), «Китоб ал-қонун фит тиб», («Тиб қонунлари китоби») дан иборат.

Ибн Синонинг китобларидан бир нечаси йигирма жил^лик, ўн саккиз жилдлик бўлса, беш китобдан иборат «Тиб қонунлари» эса юз йигирма беш босма табоқдан иборатдир. «Донишнома» деган ном билан машҳур бўлган фалсафий китоби беш хил илмни — мантиқ, табииёт, илми ҳайъат (астрономия), мусиқа, илоҳиётни ўз ичига олади.

Ибн Сино ўтмишдошлари ва замондошлари сингари худони эътироф этади, уни борлиқнинг биринчи сабаби ва манбаи деб тушунади.

Ибн Синонинг айтишича, фалсафа борлиқ ҳақидаги фандир. Борлиқ эса абадийдир, у шаклини ўзгартириши, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиши мумкин, лекин унинг ўзи, материя йўқолмайди. Материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан олдин мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтождир, деб кўрсатди.

Ибн Сино жисмлар тўрт унсурдан ташкил топган, дейди. Бу тЎрт унсур — ҳаво, сув, олов, тупроқ-—ўзаро боғлиқ, бир-бирига таъсир этади. Шундан у ёки бу нарса пайдо бўлади ёки йўҚолади. Лекин уларнинг асоси — тўрт унсур ўзгармайди, йўқодиб кетмайди.

оИбн Сино тўрт унсурдан иккитаси енгил ва иккитаси оғир, Аеиди. Енгиллари олов ва ҳаводан иборат бўлса, оғирлари сув ва ер — тупроқдир. Ер оддий жисм бўлиб, унинг табиий ўрни Ҳамгла жисмларнинг ўртасидир. Ернинг табиати совуқ ва куРУҚДир. Сув оддий бир жисм бўлиб, табиий ўрни билан, ер ва ҳаво ўз табиий ўринларида бўлганларида ерни ўрайди ва ҳа°га ўралиб туради. Сув совуқ ва ҳулдир. Сув ташқи таъсир[а]Р туфайли зарраланиб тарқалиши, бирикиши, турли шакл[о][а]Рга кира олиши мумкин. Оддий бир жисм бўлган ҳаво,— у"Мни.нг таъкидлашича,— табиатига кўра иссиқ ва ҳўлдир.

сувнинг усти, оловнинг тагидир.

Дй н Сино ҳамма нарсанинг моҳиятини материя ташкил этафа' МатеРИя турли-туман шаклларда намоён бўлади, деган лсафий қарашни ривожлантирди. Жисм материясиз бўлма-

ганидек, материя ҳам шаклсиз бўлмайди. Демак, жисм ва униЛ шакли бир-биридан ажралмас бўлганидек, материя ва шаЛ ҳам ўзаро ажралмасдир. Материя ҳаракат, фазо, замон билаЛ боғлиқдир.

Ибн Сино сўзларига қараганда, ҳар бир нарсанинг сабабц! ва оқибати бор, оламда, инсоният дунёсида ҳеч бир нарса ва| ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар қандай касаллиЛ муайян бир сабабнинг, гоҳо ташқи, гоҳо махфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш,— дейди аллТ.| ма,— у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиод! орқали ҳоснл бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда сор.| диқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғ-1 лиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий! бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр| юритиш билан етишилади»[1].

Ибн Сино инсон билимлари объектив воқеликни билиш асо-1 еида пайдо бўлади ва ривожланади, деб таълим беради. Ц]у| билан бирга у ҳиссий билиш инсон билими ривожланишининг! дастлабки босқичи бўлиб унда нарсаларнинг сиртқи, ташқи то-1 монлари аниқлашини таъкидлаганди. Нарсаларнинг ички то-1 монларини, моҳиятини билиб олишда инсон ақли ва тафакку-1 рига алоҳида аҳамият берди. Унинг таълимотича, ақл-фаол ижодий куч ва билиш қуролидир. У, ақл икки турлидир — ўзи билан биринчи сабаб орасида ҳеч қандай восита бўлмаган ақл ва ўзи билан биринчи сабаб орасида бирор восита бўлган аҳл,1 деб ёзган эди.

Абу Али ибн Сино инсон ақлининг ҳар томонлама ривожланишига, табиат еирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган эди. Шунинг учун ҳам олим одамларни бир-бири билан дўст-иноқ бўлиб яшашга чақирди. Одамлар соф-[1] дил, самимий дўст бўлиб яшаса, бир ёқадан бош чиқаришса ҳар қандай мушкул осон бўлишига қаттиқ ишонди.

Ибн Сино одамларга қарата «Рисолатут тайр» («Қуш рисо-: ласи») асарида шундай деган эди: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатнн очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан (тўсқинлик) пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, бйродарингиз сизлардан (ўзи билмаган) баъзи нарсаларни ўргансин ва бошқалари (бўлса) баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзинй камолотга етказсин».

Уша асарининг бошқа бир жойида Ибн Сино одамларнй дўстликнинг қадрига етишга, унинг тўла маъносини яхши тушуниб, уқиб олишга даъват этади. Оғизда дўстман деб, амалда дўстининг ҳолидан хабар олмайдиган, номигагина дўст бўляб юрадиган кишиларни танқид қилади. Одамларни эҳтиёт бўлишга ундаб, эҳтиёт бўлмаслик ёмон оқибатларга олиб кели-

[1] Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Тогнкент, УзР ФА нашриёти, 1954. 5—6-бетлар.

огохлантириб бундай ёзган эди: «Сирингни барчага ай-
Ш1<идан эҳтиёт бўл, чунки ақлли бўлиш деган сўз — эҳтиёткор
т« деган сўздир. Агар сирингни сақласаиг, у сенинг аси-
пнгдир, барчага ошкора қилсанг, сен сирингнинг асири бўлиб

^оЛ5уюк мутафаккир эслатиб ўтилган «Қуш рисоласи» да, бахт
о дўстларинг ёнингда яшаган, сен ҳар куни кўришиб туради-
ан бирга ишлайдиган ва ўз вақтингни хушчакчақ ўтказиб ту-
радиган дўстларинг билан бирга яшайдиган жойдадир, деб таъ-
кидлайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) на-
фақат Марказий Осиё ва умуман Шарқда, балки жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. Беруний ўз замонасидаги олимлар пешвоси бў-
либгина қолмай, балки ҳамма замонлар, даврларнинг ҳам^ энг улуғ ва мўътабар сиймосидир.

Беруний билан Ғазнада яшаган машҳур тарихчи Абул Файз Байҳақий (1077 йилда вафот этган) мутафаккир олимга баҳо бериб, бу одам илми адабда, нарсалар моҳиятини аниқлашда, ҳандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, унинг замо-
нида унга тенглашадиган ҳеч ким йўқ эди. XIII асрда яшаган йирик олим Ёқут Ҳамавий таъбири билан айтганда, замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади.

Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурпни ил-
му фан асосларини ўрганишга сарфлади. Шунинг учун ҳам Шарқда Беруний ҳақида, тинчликни машаққатдан, кечани кун-
дуздан ажратмаган, қўли қалам ушлашдан, мияси фикрлаш-
Дан, тили баён этишдан ҳеч қачон тўхтамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларидан унумли фойдалан-
ган, деган гап тарқалган.

Беруний — илмий мероси бой, илмий фаолияти кўп қирра-
ли қомусий олимднр.

Беруний 160 га яқин асар ёзган. Унинг асарлари астроно-
мия, математика, география ва геодезияга, картографияга, об-
х.аво масалаларига, минерология, физикага, доришуносликка, тарих ва этнографияга, фалсафага, динга, риторика ва муси-
Қага, адабиётга, хулласи калом, илмнинг ҳамма соҳаларига оағишланган. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгор-
^иклар», «Ҳиндистон», «Минерология», «Геодезия», «Қонуни ^асъудий» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беру-
Ний қайси бир фан билан шуғулланган бўлса, ўша соҳада ин-
;°«ият учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим фалса-
тНи ғояларни ўртага ташлаган, ўзидан кейинги ҳам Шарқдаги,
! Ғарбдаги олиму мутафаккирларга жуда катта таъсир кўр-
«атган

ТаБеруний табнат, унда чеисиз равишда рўй бериб турадиган ^аоиий ходисалар, жараёнлар хусусида муҳим илмий-фалсафий ^ 'Дарни илгари суради ва исботлаб беради. Оламда бўлиб "Радиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пай-

ганидек, материя ҳам шаклсиз бўлмайди. Демак, жисм ва униц шакли бир-биридан ажралмас бўлганидек, материя ва ша ҳам ўзаро ажралмасдир. Материя ҳаракат, фазо, замон билав боғлиқдир.

Ибн Сино сўзларига қараганда, ҳар бир нарсанинг сабабц ва оқибати бор, оламда, инсоният дунёсида ҳеч бир нарса ва ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар қандай касаллиЗ муайян бир сабабнинг, гоҳо ташқи, гоҳо махфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш,— дейди алло. ма,— у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиш орқали ҳосил бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда соғ. лиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Сор. лиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан етишилади»[1].

Ибн Сино инсон билимлари объектнв воқеликни билиш асоеида пайдо бўлади ва ривожланади, деб таълим беради. Шу билан бирга у ҳиссий билиш инсон билими ривожланишннинг дастлабки босқичи бўлиб унда нарсаларнинг сиртқи, ташқи томонлари аниқлашини таъкидлаганди. Нарсаларнинг ички томонларини, моҳиятнни билиб олишда инсон ақли ва тафаккурига алоҳида аҳамият берди. Унинг таълимотича, ақл-фаол ижодий куч ва билиш қуролидир. У, ақл икки турлидир — ўзи билан биринчи сабаб орасида ҳеч қандай восита бўлмаган ақл | ва ўзи билан биринчи сабаб орасида бирор восита бўлган аҳл, деб ёзган эди.

Абу Али ибн Сино инсон ақлининг ҳар томонлама ривожланишига, табиат еирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган эди. Шунинг учун ҳам олим одамларни бирбири билан дўст-иноқ бўлиб яшашга чақирди. Одамлар софдил, самимий дўст бўлиб яшаса, бир ёқадан бош чиқаришса ҳар қандай мушкул осон бўлишига қаттиқ ишонди.

Ибн Сино одамларга қарата «Рисолатут тайр» («Қуш рисоласи») асарида шундай деган эди: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан (тўсқинлик) пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, биродарингиз сизлардан (ўзи билмаган) баъзи нарсаларни ўргансин ва бошқалари (бўлса) баъзи нарсаларни ўрганнб, ўзини камолотга етказсин».

**Уша** асарининг бошқа бир жойида Ибн Сино **одамларнй** дўстликнинг қадрига етишга, унинг тўла маъносини яхши тушуниб, укиб олишга даъват этади. Оғизда дўстман деб, амалдз дўстининг ҳолидан хабар олмайдиган, номигагина дўст бўлиб юрадиган кишиларни танқид қилади. Одамларни эҳтиёт бу* лишга ундаб, эҳтиёт бўлмаслик ёмон оқибатларга олиб кели-

[1] Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Тошкент, УзР ФА нашриёти, 1954, 5—6- бетлар.

и огохлантириб бундай ёзган эди: «Сирингни барчага ай-
ш"цдан эҳтиёт бўл, чунки ақллн бўлиш деган сўз — эҳтиёткор г'ппш деган сўздир. Агар сирингни сақласанг, у сенинг аси-ингдир. барчага ошкора қилсанг, сен сирингнинг асири бўлиб

КюЛБуюк мутафаккир эслатиб ўтклган «Қуш рисоласи» да, бахт «з дўстларинг ёнингда яшаган, сен ҳар куни кўришиб туради-ан бирга ишлайдиган ва ўз ваитингни хушчақчақ ўтказиб турадпган дўстларинг билан бирга яшайдиган жойдадир, деб таъкидлайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) нафақат Марказий Осиё ва умуман Шарқда, балки жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. Беруний ўз замонасидаги олимлар иешвоси бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонлар, даврларнинг ҳам^ энг "улуғ ва мўътабар сиймосидир.

Беруний билан Ғазнада яшаган машҳур тарихчи Абул Файз Байҳақий (1077 йилда вафот этган) мутафаккир олимга баҳо бериб, бу одам илми адабда, нарсалар моҳиятинн аниқлашда, ҳандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, уиинг замонида унга тенглашадиган ҳеч ким йўқ эди. XIII асрда яшаган йирнк олим Ецут Ҳамавий таъбири билан айтганда, замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади.

Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурини илму фан асосларини ўрганишга сарфлади. Шунинг учун ҳам Шарқда Беруний ҳақида, тинчликни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, қўли қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тилн баён этишдан ҳеч қачон тўхтамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларидан унумли фойдаланган, деган гап тарқалган.

Беруний — илмий мероси бой, илмий фаолияти кўп қиррали қомусий олимдир.

Беруний 160 га яқин асар ёзган. Унинг асарлари астрономия, математика, география ва геодезияга, картографияга, об-
х.аво масалаларига, минерологня, физикага, доришуносликка, таРИх ва этнографияга, фалсафага, динга, риторика ва муси-Қага, адабиётга, хулласи калом, илмнинг ҳамма соҳаларига бағишланган. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгор-^иклар», «Ҳиндистон», «Минерология», «Геодезия», «Қонуни ^асъудий» каби йирик асарлари шулар жумласидакдир. Беру-нн" Қайси бир фан билан шуғулланган бўлса, ўша соҳада ин-^ония учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим фалса-фчн ғояларни ўртага ташлаган, ўзидан кейинги ҳам Шарқдаги, •ам Ғарбдаги олиму мутафаккирларга жуда катта таъсир кўр-«атган

тя Беруний табиат. унда чексиз равишда рўй бериб турадиган г®°ииГ{ ходисалар, жараёнлар хусусида муҳим илмий-фалсафий ^ -'арни илгари суради ва исботлаб беради. Оламда бўлиб уРадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пай-

до бўлиш ва йўқолишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳақида табиий-илмий ва фалсафий мулоҳазаларини майдонга ташлайди. Табиий жараёнларда бўладиган имконият ва воқелик, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, шунингдек, ирсият ва ўзгарувчанлик масалаларига катта эътибор беради. Одамларнинг ранг, сурат, феъл-атвор ва ахлақда турлича бўлишларининг асосий сабаби, олимнинг таъкидлашича, фақат насл-насабларнинг турличалигида эмас, балки табиий-иқлимий муҳитларнинг — тупроқ, сув, ҳаво ва жойларнинг турличалиги ҳамдир.

Борлиқнинг абадийлиги, уни доимий равишда ўзгариб туриши ҳақида ҳам Беруний ўз фикрини мукаммал баён этади, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, «Олам" азалий... фалак чексиз бўшлиққа жойлашган»,— дейди. Алломанинг фикрича, ер, табиат азалдан ҳозирги ҳолатида бўлган эмас, бундан кейин ҳам шундай ҳолатда қолмайди. Узоқ йиллар мобайнида, тадрижий ўзгаришлар туфайли еримизнинг ташқи қиёфаси, ҳайвонот дунёси, набототи, об-ҳавоси, иқлими бир неча бор ўзгарди, дарёларнинг оқиш йўллари, олдингидан бошқача бўлиб қолди, қуруқликда бир вақтлар бўлмаган кўллар, денгизлар ҳосил бўлди, баъзилари эса йўқ бўлиб кетди, тоғлар емирилди. Ана шу табиий сабаблар туфайли ўша жойлардаги шароитлар ўзгариб кетди.

Беруний ердаги иқлимнинг, мавсумларнинг ўзгариб туриши Қуёшнинг ҳаракатига боғлиқ эканлигига ҳам эътибор берган. «Астрономия калити» асарида Беруний Ернинг айланмаслиги ҳақидаги эскича тасаввурларни рад этади ва Ер айланади, унинг ҳаракати қонуний равишда ва астрономик ҳодисаларга мувофиқдир, дейди.

Мутафаккирнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида нур ва замон, нурнинг тезлиги, нур ҳаракати ва товуш ҳаракати, нур ва иссиқлик, нур ва қоронғулик, Ой нури ва Қуёш нури сингари масалалар ҳам баён этилган.

Беруний материя доим ўзгариб, ҳаракат қилиб, янгиланиб, турли шаклга кириб туриши, моддий нарсалар ва уларнинг ҳаракати абадий эканлигини алоҳида қайд қилади. Унинг фикрича, оламда нарсалар ва ҳодисалар доимо ривожланиб ва ўзгариб туради.

Беруний коинотда Ердан, бизнинг сайёрамиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисидаги ҳамда ҳаракат зиддиятга асосланиши ҳақидаги илмий фаразларни ҳам илгари суради. Унингча, табиатда маълум қонуният бор, табиатдаги ҳодисаларни ўша қонуниятларга, табиатнинг ўзига асосланиб изоҳлаш, тушуниш керак.

Беруний Ер Қуёш атрофида айланади, деган хулосага келиб, оламнинг гелиоцентрик назариясини ёқлашга интилди. Берунийнинг дунё олдидаги энг катта хизматларидан бири шундан иборатки, у Галилейдан бир неча аср олдин Ернинг думалоқ шаклда эканлиги ва Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фаразни ўртага ташлади. У астрономия, геология, гидростатика

география соҳасидаги ажсйиб илмий башоратлари билан За ериик. Леонардо да Внчн ва бошқа олимларнинг кашфи- - °„арини кўп жиҳатдан олдинроқ пайқаган эди.

еГ' Буюк мутафаккирнинг дулёни билиш му^кинлиги, унинг . ига хос хусусиятлари, табкатни билишнинг экспериментал У³тОдлари ҳақида.ги фалсафил таълимоти ҳам жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Беруний таълимотига кўра, табиатни билиш жараёни сезгиЛардан бошланиб тафаккурга кўтарилади, мгълум нарсалар-аан номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишга томон ривожланиб боради. Билиш жараёнида ҳиссий билиш —сезги, идрок, хотира кабиларга Беруний катта эътибор беради ва уларсиз табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Билиш жараёнида кузатиш, таққослаш муҳим аҳамият касб этишини, бу масалада инсон хотирасининг аҳамияти катталигинн Беруний бир неча бор қайд этган. Унинг таъкидлашича, хотираси яхши одам ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва осон эслаб қолади.

Беруний тарихий ҳодиса ва жараёнларни билишда инсон ёлғон-яшикларга, нотўғри маълумотларга, юзаки хабарларга асосланмаслигини, масалаларни ҳар тарафлама, мукаммал қилиб ўрганиши зарурлигини айтиб ўтган. «Ҳиндистон» номли асарининг муқаддимасида бу ҳақда қуйндагиларни таъкидлаган: «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғрндир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчн кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортикроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш вақти нарса бор вақтнинг бир бўлаги билан чекланади... **ЁЗИШ** хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин, қаламнинг абадиий излари бЎлмаганда, халкларнинг хабарларини қайдан билар эдик?!»[1]

Берунийнинг жамият, унннг истиқболи, келажак сари ри-во°жланиб боришида меҳнатнинг, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг, инсон омилининг роли ва аҳамияти борасида билдир-г,ан Фикр-мулоҳазалари ҳам бебаҳодир. Файласуф олим инсон Узидан бошқаларнинг ҳам бахт-саодатини ўйлаши зарурлиги ^ақида гапириб «Минерология» асарида бундай деган: «Инсон-инг қадр-қиммати ўз вазиф^асини аъло даражада бажариш-нборат. Шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси а Урни меҳнат билан белгиланади. Ннсон ўз хоҳишига мехнат «илан эришади».

Ил БеРУний жамият тараққиётини фан тараққиётида кўради, • ^^диний ва ҳудудий чегараларга қарамай инсон ва инсоният-

1 Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Тошкент. «Фан» нашриёти. 196. бет.

га, мамлакат халқларига хизмат қилиши керак, деб ҳисоблай ди. «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим, билимларни тарғиб қи] лишга қаратилган.чунки мен билнм орттириш лаззатидан бах' раманд бўлдим, буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисобла^ ман,—деб ёзган эди олим.

Юсуф Хос Ҳожиб — Шарқ халқларининг XI асрда яшаб ижод этган етук шоири ва файласуфи, қомусий олими ва давлат арбобидир. У ўзининг бизга қадар етиб келган ягона дидактик бадиий-фалсафий «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») номли достони билан жаҳонга маълум ва машҳурдир Аллома ўзининг ушбу асарини ҳижрий 462 йили (милодий 1069—1070) да ёзиб тугаллаган. Муаллиф достоннинг муқаддц. масида ёши элликдан ошганини уқтирган. Ана шунга асосланиб Юсуф Хос Ҳожибни XI асрнинг 20- йилларн арафасида туғилган деб тахмин қилиш мумкин. Асар мазмунидан маълум бўлишича, 1 у Боласоғунда туғилган.

Мутафаккир ўз асарини Қашқарда ёзиб тугатади ва Қорахоний ҳокими Тавғач Буғрахонга тақдим қилди. Шунинг учун ҳам Буграхон унга «Хос Ҳожиб», яъни хоннинг махсус маслаҳатчиси унвонини берди. Шундан нейин у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонди.

«Қутадғу билиг» ҳажм жиҳатидан анча катта. У 6500 байт ёки 13000 мисрага яқин шеърдан иборат. Инжулар хазинаси, ақл ва ҳикмат дарслиги, буюк илмий-фалсафий, тарихий ва бадиий ёдгорлик ҳисобланган «Қутадғу билиг» кириш, хотима ва 73 бобдан нборат.

Асарда ягона қўл остида бирлашган, марказлашган феодал давлати барпо этиш, мустаҳкамлаш, уни бошқариш йўл-йўриқлари, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий, таълимий, маърифий, маънавий масалалар, расм-русум, урф-одат, ўзаро муомала-муносабат қоидалари кенг ва атрофлича баён этилган.

«Қутадғу билиг»да одоб-ахлоқ, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тута билиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилнк қоидалари, турмуш тарзи ва инсон маънавий оламининг масалалари қаламга олинган.

Маънавият ва маърифат жарчиси бўлган Юсуф Хос Ҳожиб марказлашган кучли давлат барпо этиш учун курашувчи доииШманд, адолатли ҳукмдор қиёфасини ўз асарида чизади. Давлат ва ҳокимият бошлиғи ва унинг сарой аъёнлари, меҳнаткаш оммага муносабатлари қандай бўлиши лознмлиги ҳақида фикр* мулоҳазаларини аниқ-равшан баён этади. Адолатни юксак даражада эъзозлайди.

«Қутадғу билиг» қаҳрамонлари Кунтуғди, Ойтўлди, Уғду^л* миш, Узғурмишлар давлат бошлиғи, вазир, вазирнинг ўғли вз унинг қариндоши сифатида кўринса ҳам, уларнинг бош вазифаси Адолат, Давлат, Ақл ва Офият (саломатлик, қаноат) ки ра"-зий суратда акс эттиришга бўйсундирилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг асарида тасвирланишича, давлат боШ' лиғини улуғлайдиган, эл-юртда мартабасини оширадиган, қадр^и"

и кўтарадиган асосий нарса — аюлат шамчироғини иккала КУЛИД[3] баланд кўтариб юриши, унга асосланиб раҳбарлик қи- мамлакат иши ва ободонлигини билим, ақл-идрок ва за- 'ковват асосида олиб боришидадир. Билимли, оқилу доно, тад- бирккор, адолатли, эзгу хулқли кишиларгина бекликка муносиб- дидир дейилади асарда. Муаллиф, билимли беклар ҳақида бош- чилик қилади, заковат билан эл-юрт ишларини юритади, деб таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб, билимга яқгн бўлган бек — доно бекдир, дейди. Муаллиф халқ билан ҳокимлар ўртасидаги муносабат иасаласига жиддий эътибор беради. «Агар бек эл ҳақида ғам- хўрлик қилса, унинг фуқаролари худа бойнб кетади, унда бек- нинг ҳамма истаклари рўёбга чиқади. Агар халқ ўз ахлоқини такомиллаштириб борса, бек ҳам ахлоқ-одобда камол топиб боради, борди-ю бек ахлоқли, одобли бўлса у ўз халқи учун яхшилик қилган бўлади»[1].

Билим ва заковатнинг қиммати, фойдаси ҳақида фнкр юри- тиб, Юсуф Хос Ҳожиб, заковат қоронғи тундаги машъал каби- дир, билим эса нур таратувчи ёруғликдир, қадр-қиммат ва из- зат-эътибор билим туфайлидир, заковатдандир, кимда заковат бўлса, ўша асил одам бўлади, у мартабага эришади, дейди. Китобда, «мушк-анбар ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалар- дир, уларни ўзидан бўлаклардан яширнб сақлаб бўлмайди. Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошкор қилади, билимни яширсанг, уни тилинг ошкор қилади»,— деб таъкидланади.

«Қутадғу билиг»да кишининг билимдонлиги унинг тили ор- кали намоён бўлиши айтиб ўтилган. Унда айтилишича, заковат ва билимнинг очқичи тилдир. Юсуф Хос Ҳожнб, шунингдек, тил, маданий нутқ, ширин муомала одамни улуғлаши, бахтпёр қили- ши, шу боисдан айтилмоқчи бўхган ҳар сўз мазмунли, чуқур ўйланган бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Бу ҳақда глутафак- кир шундай дейди: «Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин. Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин... Бплиб сўзласа, сўз Донолик саналади. Нодоннинг сўзи ўз бошнни ейди... Кишн сўз тУфайли кўтарилади, малик бўлади. Кўп сўз бошни эгади... Ти- •1ингни ниҳоятда эҳтиёт қилгин, бош сақланади. Сўзингни қнсқа Қилгин, ёшинг узайтирилади... Киши ўзи икки нарса туфайли Наримайди: Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи»[2].

«Қутадғу билиг»да тилга олинган масалалар қамрови шу к-адар_ кенг, мазмунан бой ва чуқурки, уларни оддийгина санаш- нинг ўзиёқ бир неча саҳифаларни ташкил этади.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» номли шоҳ асарида халқ а Давлат, давлат бошлиғи ва фуқаро, олнмлар ва ҳокимлар, •Ушни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар, ҳукмрон абақаларнинг ҳокимият, халқ ва ватан олдидаги бурчлари

30₉ '.Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу бнлиг». «Фан» нашриёти, 1972,

^суф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». 87, 89- бетлар.

ҳақида ғоятда зарур муаммоларни ҳам илгари сурадн. улу олим ўта зийраклик ва донишмандлик билан мамлакатдаги бап. ча гуруҳ, тоифа ва табақаларнинг ҳаёт тарзлари, жамият тарақ. қиётида тутган ўрни ва аҳамияти, дунёқарашлари, одатлари ахлоқлари ҳақида фалсафий мулоҳазалар силсиласини яратдц'

«Қутадғу билиг» панд-насиҳатларга, таълим-тарбияга ҳамда муҳим фалсафий ўгит ва йўл-йўриқларга бениҳоя бой, мада. ният, маънавият ва маърифат асосларини, инсоний қонун-қоида. ларни, умуминсоний қадрнятларни чуқур ўзлаштириб олишга даъват этадиган ғоялар билан чуқур суғорилган том маънодаги қимматли бир илмий манба, бебаҳо қомусдир.

«Узбекистонда мустақилликнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий заминларини мустаҳкамлаш борасида Президент И. А. Қаримов раҳнамолигида улкан ишлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида баён этилган фалсафий ғоялар халқимизни, айннқса ёшларни ҳалоллик, иймон ва виждон билан иш кўришга, маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашда аҳамияти катта.

Маҳмуд Кошғарий Марказий Осиёдагина эмас, балки бутун инсоният оламида катта обрў ва эътибор қозонган, ҳозир ҳам номи ҳурмат билан тилга олиниб келинаётган тил илмининг донишманди, истеъдодли файласуф олим, буюк мутафаккирдир.

Ҳозирги жаҳон нлм-фани, маданияти ва маърифати тараққиётини Маҳмуд Кошғарийнинг илмий меросисиз тўла тасаввур этиб бўлмайди.

Маълумотларга қараганда Маҳмуд Кошғарий XI аср бошларида Боласоғунда (ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Тўқмоқ шаҳри яқинида) туғилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг илк ўрта аср маданиятининг йирик арбоби, нақадар буюк аллома, туркий тилларининг тенгсиз билимдони, қомусий олим эканини унинг дунёда яккаю-ягона нусхада сақланган «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар **тўплами**») асари мисолида кўриш мумкин.

«Девону луғотит турк»—XI аср фани, маданияти, тили ва тарихининг бебаҳо, нодир илмий-маънавий бойлигидир. У жаҳон халқларининг илмий хазинасидир.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»ни яратиш учун узоқ йиллар давомида илмий тайёргарлик ишларини олиб борди. Турли илмларни, хусусан араб филологиясини мукаммал ўр* ганди, туркий халқларнинг тилига, турли қабила, уруғ ва халқ' ларнинг турмуши, касб-кори, урф-одатлари, оғзаки ижодиётига. бадиий адабиётига катта қизиқиш билан қаради. Юқори ЧиндаЧ бошлаб, Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар ЧУ" зилган бепоён ҳудудни кезиб, турклар, туркманлар, ўғизлар-чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг луғатларини тўплади, турл хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқди[1].

[1] Н. М. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. ТоШкент, «Уқитувчи», 1976, 104-бет.

«Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балр;и бу ллардаги ҳар бир кичик фарқнн ҳам аниқлаш учун қилдим. кўлмаса мен тилда уларнинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг «шларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча дкққат **килдимки,** турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим»1,— деган эди Маҳмуд Қошғарий.

«Девону луғотит турк» да жанглар тасвири, қаҳрамснлар тавсифлари, табиат манзараларига оид, замон ва кишиларга м\носабат билдирувчи ахлоқий-таълимий шеърий парчалар бор. Уларда илм-фазилатнинг қадри, олимларга ҳурмат, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик улуғланади, илм-маърифат аҳлини қадрлаш зарурлиги таъкидланади. Бунга Маҳмуд Кошғарийнинг, «олимларга яқинлаш, баҳра олгил, тутиб дил», «Олим киши сўзидан олгил ўгит»,— деган сўзлари мисол бўлади.

«Девон»даги ахлоқий-фалсафий мазмундаги шеърларда ҳаётнинг абадий эмаслиги, шунинг учун дунё ғамини еявермаслик кераклиги, яхши фазилатлар касб этиш лозимлиги, кек сақламаслик, қасд олишга интилмаслик, балки кишиларга яхшилик қилиш кераклиги, ширин сўзлашга, майин, мулойим бўлишга, тилдан фақат яхши сўзлар чиқаришга одатланиш кераклиги қайта-қайта уқтирилади.

Маҳмуд Кошғарий китобда, «ёмон киши йўқолсин, ҳақ ва адолат қолсин», «Қўни-қўшни, қариндош кўрсин сендан яхшилик», деб кишиларни эзгуликка тарғиб этади.

«Девону луғотит турк»— фалсафий ҳикматларга, донишманд она сўзларга, панду насиҳатларга, халқ мақоллари ва афоризмларга беҳад бой нодир асардир. Унда «Ярқиратиб қиличингни, ёв бошин кес, мажақлабон қалқонини, бўйнини эз», «Қўрқма евдан, қарши чиқиб, тикка юргин», «Қўлдошингни ҳурмат қил», «Иш бошлашда ҳовлиқмасдан диққат-ла бок, чақмоқ тошни шошиб чақсанг ўчар чироқ», «Мол йиғишни сел келиш деб ҳисобла, мол эгасини тош каби юмалатар», «Туғилган зот дунёда мангу қолмас», «Қарға кучда, учишда ўзини ғозга ўхшатса, бут>1 синади», «Шохи кўп, шохлари ўралиб кетган дарахтга куш Қўнади, яхши кишига сўз (мақтов) келади», «Адаб ва фазилатнинг боши тил», деган ибратомуз фалсафий ҳикматлар, дурдона сўзлар истаганча топилади.

«Девону луғотит турк» да манманлик, кибру ҳаво, мол-дунё-Ҳирс қўйиш, бахиллик, очкўзлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ялЗДлик қораланади, ота-онани, устодларни, олиму уламоларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига қулоқ солиш, уларни ҳурмат Қилишга даъват этилади, табиатга меҳр қўйиш, табиатни

Т„ *^1Л[а]димий қадриятлар.* Ғ, Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. ' Р 61- бет. I

обод қилиш, ерни, туироқни, сувни нопок қилмаслик зарурлигц уқтирилади.

Темурийлар сулоласидан номи Шарқ мусулмон оламидагина эмас, Ғарбдаги христиан дунёсида ҳам бир неча асрлар мобай нида ёд этилиб ва эъзозланиб келинаётган буюк зотлардан би ри соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли набираси, Шоҳруҳ Мнр зонинг ўғли — Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбек (1394—1449 йиллар)дир.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтадиган бўлсак, Амир Темур наслидан чиққан Улуғбекдек султонни олам ҳали кўрган эмас.

Жаҳонда Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Тарағай 1394 йил 22 мартда туғилди. Бобоси Амир Темурниаг катта хотини Сароймулк-Бибихоним тарбиясини олиб улғайди. Амир Темур унга алоҳида эътибор билан қараган. Саройда бў-ладиган маслаҳатлар, олимлар билан бўладиган учрашувлар ва суҳбатларда, чет эллардан келганларни қабул қилиш, шу-нингдек, ҳарбий машқ ва юришларда Улуғбек иштирок этган. Амир Темур ўз набираси Улуғбекни қиличбоз саркарда эма балки буюк олим бўлиб етишишини орзу қилган ва шу йўлда унга раҳнамолик қилган.

Мирзо Улуғбек ёшлик пайтлариданоқ қаерда бўлмасин, олнмлар, шоирлар, санъаткорлар, диний уламолар, шайхлар, дунёга таниқли алломалар даврасида бўлган, илмий баҳслар дан маънавий баҳра олган, илҳомланган, улардан кўп нарса ўрганган, аста-секин кўзи пишиб, ақли теранлашиб, фикран бо йиб, дунёқараши кенгайиб ва чуқурлашиб борган.

Ута мураккаб, алғов-далғовли ва зиддиятли бир шароитда яшаган ва шаклланган Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисо дий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда илмий ишлар билан ҳам шуғулланди, олимларга раҳнамолик қилди, ўз устида № нимсиз ишлаб, ўтмиш илмий билим хазиналарини тинмай ўр-ганди, мутолаа қилди, илмий-фалсафий тафаккурини муттасил кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Улуғбек Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари ўтмишдошларининг фалсафа, мантиқ, тарих, математика, астрономия, табиатшунослик ва фиқҳга оид асар ларини катта қизиқиш билан ўрганди. Юнон олимларидан Платон, Аристотель, Птоломейнинг классик асарлари билан танишди. Илм-фан ва маданиятнинг, тарих илми ва фалсз фанинг Улуғбек эътиборидан четда қолгаи бирон-бир соҳас" қолмади. ^

Утмиш аждодлардан, хусусан, Марказий Осиё қомусий аҚ" эгаларидан қолган маданий мерос, умуминсоний мазмундагй маънавий қадриятлар Улуғбек илмий-фалсафий дунёқара"[1] ривожида манба бўлиб хизмат қилди. Улуғбекнинг билими в тафаккури замондошларидан бир неча бор ўзиб кетган эди.

Улуғбек бошқа кўпгина ҳокимлардан фарқли ўлароқ, х.а давлат арбоби, ҳам асил олим сифатида фаолият кўрсатД[1]'

ликни арбоблик, арбобликни олимлик билан қўшиб олиб ®»"и илму амал йўлини ўз фаолиятида бирлаштирди.

давлат арбоби сифатида қурилиш ишларини ҳаддан ташқа-ривожлантирди, пойтахтни меъморчилик санъати билан бе-Р"ди. улкан бинолар билан обод қилди, ўзигача бошланган қу-пили'шларни ниҳоясига етказди.

**улуғбек** замонида Самарқандда «Шоҳи Зинда», «Гўри Амир» 1ақбараси сингари йирик меъморий ансамбллари, Регистонда **1-атта** хонақо, бир қанча шифохона, ҳаммом ва кутубхоналар **курилди.** Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо ривожланди. **ўнинг** фармонига биноан 1420 йилда Бухоро ва Самарқандда, 2^32— 1438 йилларда Ғиждувонда мадрасалар қурилди.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат, тарих, фалсафа, тиббиёт, шеърият билан бир қаторда математика, астрономия сингари аниқ фанлар ҳам тез ривожланди.

**Узи** алломаи жаҳон ҳисобланган Мирзо Улуғбек фан ва ма**даният** тараққиётига алоҳида аҳамият бериб, атрофига ўз замо**насининг** энг буюк олимларини тўплаб, улар билан яқин илмий мулоқотда бўлиб, илмий йўналиш ва йўл-йўриқлар бериб турди.

Улуғбек даврда «Зубдат таворих» («Салномалар қаймоғи») номли ажойиб асар ёзган тарихчи Лутфулла Ҳофизи Абру (1431 йилда қазо қилган), «Ат-тарифати Журжоний» номли фалсафий рисола муаллифи Али ибн Муҳаммад Журжоний (вафоти 1413 йил), машҳур тиббиёт олими Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сирожиддин Басотойи Самарқандий (1412 йилда вафотэтган), Хаёлий Бухорий (1449 йилда вафот этган), 1409—1410 йилларда ёзилган «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи Бадахший Дурбек, қасида жанрида ижод қилган Саккокий (1465 ёки 1468 йилда вафот этган) ва бошқа кўплаб таниқли олим ва санъаткорлар яшаб ижод этишган.

Математика ва астрономия илмида ғоят билимли бўлган, «Афлотуни замон» тахаллусига сазовор бўлган Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, таниқли математик ва астроном Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд, унинг ўғли Мансур Коший, ўз даврининг «Птоломейи» деб ном олган Али Қушчи, Мирам Чалабий сингаР^ иирик олимлар ҳам Улуғбекнинг илмий раҳбарлиги остида самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Улуғбек фан ва маданиятда, айниқса, математика ва астрономия илмида мавжуд бўлган имкониятларни, илмнинг ҳамма -охаларибўйича ўта қобилиятли ва истеъдодли олимларнинг ооРлигини эътиборга олиб янги олий мактаб — илми тафаккур ,.'аРказини яратишга қарор қилди. Ана шу мақсадда, айтиб д.пганидек, кўплаб мадрасалар қурилди. Қуридган мадраса-"^аР ичида энг муҳташами ва машҳури — Самарқанд мадраса-з ДНР- 1420 йилда мадраса очилган куни биринчи бўлиб маъру-»« Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий мударрис сифачц^3, ^иган- Муҳаммад Ҳавофийнинг олимлардан 90 киши раТ"Р°кида ўқиган маърузасини ўта чуқур маъноли, жуда му-Каб, илм-фаннинг барча соҳаларини қамраб олганлиги ҳамда

муаммоли тарзда бўлганлиги сабабли унннг нозик қирраларица! Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмагац

Замонасининг дорилфунуни ҳисобланган Самарқанд мадра^ саси ҳамда бошқа мадрасаларда Қуръон, ҳадис, тафсир, фиı," (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бир қаторда риёзнёт ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг мор. фологияси каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Мадраса ўз даврининг йирик илмий марказига айланган. Улуғбек йирик олимлар ва кўпчилик шогирдлари билан бирга мунтазам илмий ишлар олиб борган.

Улуғбек 1424—1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори ёнидаги тепаликда расадхона қурдирди. Олимларнинг эътирофларича Самарқандда барпо этилган Улуғбек расадхонасига ўзининг жиҳози, илмий ютуқлари билан тенглаша оладиган расадхона на ундан олдин, на ундан кейин ҳам яратилган эмас. У аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат қозонган. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 қўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадваллари тузилган. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фан тараққиётида чукур из қолдирдн.

Қомусий билим эгаси бўлган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусиқашунослик, фиқҳ, тарих илмлари соҳасида ижод қилган. Мирзо Улуғбек ҳазратлари «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисоладар илми мусиқа», «Рисолаи йирик тарихий китобнинг ҳам муаллифидир. Улуғбек номини бутун дунёга ёйган, унга шон-шуҳрат келтирган бебаҳо асар «Зижи жадиди Кўрагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг йигирма йил давомида олиб борган астрономик кузатишларининг натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатдир. Улуғбек ўлимидан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан тенги йўқ ҳисобланиб келинган.

Мирзо Улуғбек ҳаёти, амалий фаолияти илм-фан тараққиётига бағишланган эди. У илм ёрдамида келажакни олдиндан кўр' ди. Улуғбекнинг астрономия ва бошқа фанлар соҳасидаги кашфиётлари ва илмий таълимотлари инсониятнинг кейинги илмии тафаккури ривожига фавкулодда муҳим замин тайёрлаб берд";

«Мирзо Улуғбекнинг,— дейди И. А. Каримов,—умумбашари" қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунД[3] ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Узбекистоннияг халқаро обрўсини оширнш йўлида катта хизмат қилмоқда»[1]-

Жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк мут[a]"

[1] Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Узбекистон» ^Эч 98- бет.

кк!ирлар орасида фахрли ўрин соҳиби Алишер Навоий (1441 — т501 йиллар)дир. Навоий XV асрда Марказий Осиё шароитида шаб ижод этиб, ўзининг кўп қиррали ижтимоий-сиёсий, бадиий, Япмий-фалсафий фаолиятини тўла намоён этди.

11 -руркийзабон шоир, олим ва мутафаккир Алишер Навоийнинг пмий дунёқараши, фалсафий таълимоти у яшаган ва ижод этран ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий муҳит ва шароитлар таъсирида шаклланди ва ривожланди.

Урта асрнинг, илк Уйғониш даврининг, бир қатор улуғ мутафаккирлари Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари диний алломаларда бўлгани каби, Навоий ҳам бутун олам, борлиқ, коинотни худо томонидан яратилганини эътироф этади. Бутун дунё, шу жумладан, табиат ва жамият ҳам, алломанинг фикрича, Оллоҳнинг намоён бўлиши, зуҳр этилишидир. Унинг бу фикри тасаввуф фалсафасидаги, худо бутун мавжудотнинг, борлиқнинг яратувчиси, қолган ҳамма нарса, жумладан инсон ҳам унинг зарраларидир, деган қоидага тўла асослангандир. Тасаввуф фалсафаси қоидасига кўра инсон худо томонидан яратилган бўлиб, бошқа маҳлуқотлардан фарқли ўлароқ илоҳий ақлга эгадир.

Оламнинг яратилишидан бош мақсад, олимнинг таъкидлашича,— инсондир. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Олам кўрки бўлган инсон вужуди табиатдаги бошқа нарсалардек ўтдан, сувдан, ҳаводан, тупроқдан ташкил топгандир. «Сабъаи сайёр» асарида: «Унсур ажзоси бўлса ҳокнишин, тупроғу ўту суву елга яқин»,— деб ёзган эди. Навоийнинг таъкидлашича, инсонда ҳис, руҳ, ақл бордирки, унинг бу руҳий ҳаёти ўша тўрт унсурдан таркиб топган жисм аъзолари томонидан ҳаракатга келтирилиб туради. Жон ва руҳни тан ва жисмдан ажратиб бўлмайди, улар ўзаро бир бўлганликлари учун тирикдир.

Алишер Навоий инсонга биологик ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот тариқасида қарайди ва баҳо беради. Ижтимоий мавжудот ҳисобланган инсоннинг хулқ-атвори, дунёҚараши, одоб-ахлоқи, маънавий қиёфаси, унинг ўринли қилиб аитишича, ижтимоий муҳитга боғлиқ. Инсон ижтимоий муҳит х.осили сифатида шаклланиб, камолотга эриша боради. Бошқа-'1а Қилиб айтганда, инсонни ижтимоий мавжудотга айлантирадирЭН Х,ЭЛ ^ИЛУВЧИ омил жамият, муҳит, ижтимоий шароитлар-

Навоий асарларида инсон юксак даражада улуғланади, олий 'авжудот деб таърифланади. Унинг тасвирлашича, инсон оламаги Ҳамма нарсалардан устун туради, дунёда унга тенг келадиГан мавжудот йўқ.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва унэлтирувчи бош масала — инсон, халқ, Ватан, унинг гуллабу Наши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва Ки'"г ТаҚДири, халқ ва унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик <<У,адиган кишиларни улуғлайди. Жумладан у шундай дейди: 1мнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг,

уни одам дема. Бировнинг ўлимидан севинган одам ё гўрков ё ювғувчи ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам табиатнинг кўрки нафрат билан тўлади. Лекин биров сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан сенга жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан буни ифодалай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши таъбига осойиш бағишлайди»,

Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи, деб билади. Бутун мавжудотниаг тожи, олий нуқтаси бўлган инсонни безайдиган гўзал хислат ва фазилатлар сифатида одоб-ахлоқли, камтар, мурувватли, ростгўй, меҳнатсевар, сахий бўлишни алоҳида таъкидлайди. Навоий меҳнатсеварликни текинхўрликка қарши қўяди, текинхўрликдан нафратланади..

Алишер Навоий билишнинг мазмун ва моҳияти, асосий босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари борасида ҳам ўзининг фикрларини баён этган.

Навоий инсон ўзининг беш сезги аъзолари орқали ташқи моддий дунё билан алоқа боғлайди ва у тўғрида аниқ маълумотларга эга бўлади, уларни миясида тафаккур ёрдамида умумлаштиради, қайта ишлайди, сўнгра муайян хулоса чиқаради, дейди.

Навоийнинг асарларида мазмун билан шакл, уларнинг бирбирита бўлган муносабати ҳақида ҳам қимматбаҳо фикрлар баён этилган. Унинг фикрига кўра мазмун ҳеч қачон шаклсиз бўлмайди. Шакл маъно учун хизмат қиладиган, унинг муваффақиятини, тақдирини ҳал этишда яқиндан иштирок этадиган бамисоли либосдир. Навоий шу тариқа мазмунни бир гўзалнинг танасига, шаклни эса кийган кийимига, либосига, уига бериладиган безакка қиёслайди.

Алишер Навоийнинг иқтисодий омиллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш, моддий бойликларни яратиш, фан ва маданият, таълим-тарбия, ижтимоий адолат, одоб-ахлоқ ҳақида баён этган фалсафий фикрлари ҳам эътиборга сазовордир.

Уз даврининг мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-снёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган йирик сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) дир. Уни жаҳон илм аҳли атокли давлат арбоби, истеъдодли саркарда, талантли ёзувчи, файласуф шоир ва адиб, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимон, илм-фан ва маданиятнинг буюк ҳомийси сифатида билади ва эъзозлайди.

Бобур жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини босиб ўтди. Тарихий шароит туфайли ўз юртида иши юришмаган Бобур Мовароуннаҳрни тарк этиб кетишга мажбур бўл* ди. Бобур ва бобурийларнинг тарихий ҳаракатлари туфайл" Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳа|' тида катта-катта ўзгаришлар рўй берди, илм-фан, адабиёт ва санъат юксалди, равнақ топди.

Бобур ҳар томонлама кенг ва чуқур билимга эга бўлган бу* юк сиймодир. У, аввало, ўз даврининг фарзандидир. Буюк м)"

факкир бобомизнинг асарлари, лирик шеърлари ва рубоиидзрида инсон учун Ватандан азиз, Ватандек муқаддас, Ватан-* н олий неъмат йўқлиги, одам учун неки муқаддас бўлса, барц2си Ватан билан боғлиқлиги айтиб ўтилади.

Бобурни дунёга танитган энг муҳим асари унинг «Бобурно-ма»сЯДИР- У қомусий асардир. Унда мураккаб ижтимоий-та-ихИЙ воқеалар билан бирга илм-фан, маданият ва маънавиятнинг, халқ оммаси ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли жуда кймматли фалсафий фикр-мулоҳазалар, ҳаётий тафсилотлар, лаълумотлар берилган.

ШарҚ Уйғониши даврида форс тилида ҳам жуда бой ва ра^г-баранг илмий-фалсафий адабиётлар вужудга келди, у жаҳо'н илм-фани ва маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшди. Бу даврда Абу Абдулло Рудакий ва Абулқосим Фирдавсий, Носир Хисрав ва Умар Ҳайём, Муслиҳиддин Саъдий ва Ҳофиз Шерозий, Хисрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби дунёга маълум ва машҳур сўз санъаткорлари, атоқли файласуф ол1! -лар ижод қилдилар. Тарих, поэтика, филология, фалсафа, бадиий адабиёт мисли кўрилмаган даражада юксалди, янги илғор ғоялар олдинга сурилди. Бугунги кунга қадар ўзининг илмий-амалий, таълим-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган, умуминсоний қадриятга эга бўлган, асарларининг моҳияти, жозибадорлиги, ўта таъсирчанлиги ва сеҳрли куч-қуввати билан кишини чуқур ўйга солувчи форс, араб, турк ва бошқа тиллардаги рубоийлар, ғазаллар, ҳикоялар, фалсафий байтлар, назмий ва насрий достонлар шу даврнинг илмий, бадиий, фалсафий маҳсулларндир. Бу давр дунё маданияти тарихида сўнмас из қолдирган, ўз жозибаси ва бой мазмуни билан ҳозирги авлодлар учун ҳам зўр завқ манбан бўлиб келаётган «Синдбоднома» ҳамда «Калила ва Димна», «Жўйи Мўлиён» ва «Қариликдан шикоят», «Шоҳнома», «Бўстон» ва «Гулистон», «Зафарлар калити» ва «Фалакнинг тўққиз гумбази», «Борлиқ ва бурчланмоқ тўғрисида рисола» ва «Уч саволга жавоб», «Борлиқ тўғрисида рисо-•ла», «Талаб бўйича китоб», «Рубоиёт» ва «Наврузнома», «Ирфон», «Чор унсур» ҳамда «Нуқот» каби классик тадқиқотлар, ғоятда нафис ва гўзал рубоийлар, етук фалсафий асарлар билан маълум ва машҳурдир.

Инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, маданият ®а маънавият ҳақидаги умуминсоний, умумбашарий қадриятлар тЎғрисидаги фалсафий қарашларни баён этиш форсийзабон Кпассик адабиёт намояндалари нжодининг марказида турган эди.

Форсийзабои мутафаккурларнинг ҳаммасига хос умумий-мУШтарак жиҳатлардан бири — тангри барча мавжудотнинг ярагувчисидир, у мангу барҳаёт бўлиб, ундан бошқа ҳамма Нарсалар ўткинчидир, деган диний ишонч ва эътиқоддир. Бун- ташқари уларнинг ҳаммаси бутун олам — осмон, сайёралар, ^абиат, жумладан инсоният дунёси ҳам ўзаро боғлиқ ва алоқа-

дорликда бўлиб, уларнииг асоси, моддний негизини тўрт ташкил этади, деб айтишади.

Фирдавсий «Шоҳнома» асарида дунё тўрт унсур (олов, суп ҳаво, тупроқ)дан яратилган, тўрт унсурнинг негизи Яздондцц.' дир, аввал ўт яралган, сўнгра қуруқлик, совуқлик, аниқ нар. салар, ҳаёт вужудга келди, инсон яратилди, дейди. Фирдавсий томонидан айтилишича, Аллоҳнинг қудрати билан ана шу бцр. бирига зид тўрт нарса инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлашди. Унингча, олам ҳар хил «ажойиб кўркамли» жисмлар билан тўла, «ер нур сочувчи бир ёнар чироғ бўлди», табиат гўзал бип бўстон сифатида яратилди.

Сўз юритилаётган адиб ва алломаларнинг илмий-фалсафий меросларида материянинг йўқолмаслиги, унинг бир суратдан иккинчи суратга ўтиб юриши, жонли ва жонсиз табиат ўртасида чегара йўқлиги, объектив дунёнинг киши онгидан ташқарида мавжудлиги, унинг абадий ва азалий эканлиги эътироф этилган. Умар Ҳайём (1048—1123) ана шу фалсафий таълимотни моҳирона баён этган, бадиий ифодалаган буюк алломадир. Буни унинг қуйидаги чуқур фалсафий маъноли рубоийсида кўриш мумкин:

*Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,*
*Айланган фалак ҳам бутун бор эди.*
*Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,*
*Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.*

Умар Ҳайём моддий дунё бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди, ўзининг қонуниятига асосан ўзгариб, ривожланиб, тусланиб туради дейди. Унинг айтишича, одам ўлгандан кейин тупроққа айланади, заминда инсон танасининг зарралари бор, улар ердан униб чиққан гиёҳлар, кўкатлар, экинлар тарзида яна одам танасига ўтади, материя шу тарзда айланиб, ҳаракат қилиб юради. Бу ҳақда у,—«ариқ лабидаги ҳар гиёҳ кўкат малайдай гўзалнинг юзидаги хат, бу сабза лоладек юзлар тупроғи, сабзага авайлаб оёқ қўй ғоят»— дейди.

Улуғ мутафаккир ўзининг машҳур рубоийларида биз босиб юрган ернинг ҳар бир гарди қачонлардир шоҳларнинг боши ё гадонинг қўли ёки гўзалларнинг кўз қорачиғи бўлганини моҳирона баён этади. Файласуф шоир юқоридаги фикрини кўза тимсоли орқали ёрқин ифодалайди. Одам вафот этиб танаси тупроққа айланиб кетгач, ундан бошқа нарсалар қатори кўзалар ҳам ясалиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Форсийзабон халқ адабиётининг шоир ва олимлари сингарй Умар Ҳайём ҳам ўз даври учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган илмий-фалсафий муаммоларни ечишга астойдил ҳаракат қилган. Инсоннинг дунёга келиб яшашдан мақсади нимадан иборат, деган саволга ўзича жавоб берган. Умр ғанимат, дунёда бир марта яшайсан, ҳамонки шундай экан, қўлингдан келса қайғу-алам чекма, шодликда яша, умрингни қувноқлик билан ўтказ, деб уқтиради.

Пунё доимий ўзгариш ва ҳаракатда, бузилиш ва янгиланиш- хаётдаги тамоман ҳар бир нарса ва ҳодиса ўзаро қарама- шйликда, бир-бирини рад этишдадир, деган муҳим фалсафий я Ф°Р$^{С}$ шеъриятининг «Одам Атоси» деб улуғланган Рудакий- г°н бошлаб Абулқосим Фирдавсий, Муслиҳиддин Саъдий ва д\ир30 Абдулқодир Бедилгача бўлган ҳамма мутафаккирларга хосдир- .

форсиизабон алломалар ўз асарларида инсонни ерга уради- ган хислатлар — дилозорлик, нодонлик, жоҳиллик, мунофиқлик, хиёнат, ҳасад, ғийбат, фирибгарлик ва текинхўрликни қаттиқ коралаган эдилар. Улар инсонда мардлик, жасорат, иймон-эъти- қоД бўлишини, Ватан учун фидокорлик кўрсатишни орзу қилган- дилар.

Инсоният бадиий фикрининг улуғ меваси, жаҳон адабиёти- нинг энг буюк достони бўлган Фирдавсий «Шоҳномаси» бунга яққол мисол бўлади. «Шоҳнома»нинг Кова, Жамшид, Рустам кабп афсонавий қаҳрамонлари қанчалик оғир, машаққатли бўл- масин ўз ғояларини ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга шай турадилар.

Шарқ мутафаккирларининг фикрича олам инсон сезгиси ва билиминипг манбаидир. Инсон дунёни тахминларга асосланиб эмас, балкн илмий билим ва тафаккур асосида билади, унинг моҳиятини секин-аста англай бошлайди. Рудакий одамлар қал- бининг чироғи билим, балодан сақланиш яроғи билим, деб айт- ган, ақл-идрокни ҳаммадан юқори қўйган, илм-донишга инти- лишга одамларни даъват этган. Рудакий ижодида эркин фикр- лилик, ҳаётдан олинган билим ва тажрибанинг қадрига етиш, ҳаётдаги нарсаларнинг ташқи кўринишидан ички моҳиятини аж- рата билиш масалаларига алоҳида эътибор берилганини кўра- миз. Энг катта муаллим ҳаётнинг ўзи эканлиги бошқа мутафак- кирлар томонидан ҳам қайта-қайта таъкидланган. «Ҳаёт энг катта устод» деган қоида улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида Ҳам илгари сурилган.

IX—XV асрларда ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса Қўшган Исмоил ал-Бухорий, ал-Марвазий, аш-Шоший, ас-Са- марқандий, Жамолиддин ан-Насафий, Имом ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали сингари буюк алломалар ижод этдилар.

Булар орасида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810— 870) ёшлик давридаёқ ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва кучли хоти- Рага эга бўлиб, барча илоҳий ва дунёвий билимларни чукур ўр- ганишга киришадилар. У буюк зот ўзларининг асосий эътибор- Ларини ҳадис илмини зўр иштиёқ ва ҳафсала билан ўрганишга ^аратадилар.

. Исмоил Бухорий ислом динига оид йигирмадан ортиқ асар езганлар. Ул зоти шарифнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонар- Ли тўплам») деб номланган тўрт жилддан иборат ҳадпслар тўп- Лами Шаркда қарийб ўн икки аср давомида Ислом таълнмоти-

да Қуръони Карнмдан кейинги асосий манба сифатида юқопй баҳоланиб келинмоқда.

Урта асрлар мусулмон Шарқида, бнринчи навбатда, Марка. зий Осиёда тасаввуф[1] номи билан аталадиган диний-фалсафэд таълимот ҳам шакллана бошлади. Тасаввуф — инсоннинг камо. лотга етиш, илоҳий хислатларга яқинлашиш йўлидир. Тасаввуф. нинг бошланиши — илм, ўртаси — иш, охири — Оллоҳнинг беп. ганидир.

Улкамизда тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши жуда ҳам узоқдан бошланади. «Ҳужжатул ислом» («Исломнинг ҳужжати») лақабини олган мусулмон калом фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммад Ғаззолий (1058—1112) ўз асарларида тасаввуфни тарғиб қилди. Имом Ғаззолийнинг асар. лари, мана, тўққиз асрдирки, қўлдан тушмай, қайта-қайта ўқилмоқда. Ислом оламида бу улуғ зотга муносиб баҳо берилган: «Ғаззолийга ваҳий келмаган, холос. Ваҳий келганпда эди, у пайғамбар бўларди. Бошқа сифатлари етарли!» Унинг шоҳ асарларидан бири «Диний илмларни тирилтириш» ҳақида ҳам ўз вақтида юксак баҳо берилган. Унинг диний-фалсафий ғоялари Шарқ мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ғоят катта таъсир кўрсатди.

Олимларнинг айтишларича, тасаввуф оқими Мовароуннаҳрда XII асрнинг йирик олимларидан бири Юсуф Ҳамадоний мактабидан бошланган. У Бухоро ва Самарқандни душман ҳужумидан ҳимоя қилишда қатнашган. Унинг мактабидан турлп тариқатлар пайдо бўлган. Юсуф Ҳамадоний ўз издошларини меҳнатга, касб-ҳунар эгаллашга ундаган. Унинг таълимоти кишинпнг ҳар бир нафасида онг, ақл-идрок бўлмоғи, босган ҳар бир қадамида диққат-эътибор сезмоғи, ўз Ватани ишқи билан банд бўлмоғи, яъни уни билмоғи, халқ билан алоқада бўлиб, бирга ҳаёт кечирмоғи керак, деган ғоядан иборатдир.

Тасаввуф фалсафасининг негизида инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий камолотига ёрдам берувчи ғоялар устунлик қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал хулқ-атворли, фазилатлй қилиб етиштириш мумкин.

Тасаввуф футувват билан узвий боғлиқ. Футувват тасаввуф босқичларидан бирини ташкил этадиган тариқатнинг бир бўлагидир. Чунки, футувват асослари билан тасаввуф, тариқат ғоялари ўзаро мувофиқ, ҳамоҳангдир.

Тасаввуф сингари футувват ҳам Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарида айтилишича, ннсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни, бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмасликни, қалбни кибру ҳаво, гинакудурат, қасд-ғазабдан покиза тутишни, ҳамма вақт халқ хизма-

[1]-Тасаввуф, Воиз Кошифий таъкидлашича, холи бўлмоқ, қалбни бўшат* моқ ва яхши, мақталган ахлоқ, руҳий бегонадан тозалаш, нафасни жиловлаш, одоб-ахлоқ йиғиндисидир. Тасаввуф — ботинан ҳам, зоҳиран ҳам иЛЮ" ҳий ахлоқдир.

а бўлишни, барчага мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса Гl'\аб қилмасликни тарғиб этади. Тасаввуф ҳам, футувват ҳам тЯ '.ш, нк йўлида жондан кечишга тайёр, фидойи қалб эгаси бў-ЯХтшга, дўстларга наф етказиш, дўстларни душман зараридан л моя'этишга даъват этади. Уларнинг муҳим талаблари қатори-\ яна ёлғон, бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тилни тийиш, ножўя, нома; оул сўзлардан, ғнйбатдан қулоқни беркитиш, кўрнш но-ояз хисобланган нарсалардан кўзни юмиш, ҳаром нарсалардан **КЎЧНИ** тортиш ҳам киради. Ман этилган жойларга бориш, ҳақо-оат ва гуноҳга сабаб бўладиган ишларни қилиш, ҳаром овқат-парни ейиш, зинога йўл қўйиш, оқибатини ўйламасдан иш тутнш, бош алардан ўзини устун деб ҳисоблаш, камтарликни унутиб, мануанлнк йўлига кириб кетиш тасаввуф сингари футувватда хам қораланади.

Халққа, бева-бечораларга шафқат, мурувват кўрсатиш, кишилар гуноҳини кечиш, қанчалик катта, улуғ иш қилган бў-лишига қарамасдан ҳеч қачон ғурурланиб кетмаслик улар ҳар иккаласининг ҳам асосий ғояларидан бўлиб ҳисобланади. Иймон-эътиқод, ақл, илм, парҳез, мурувват, шафқат, шнжоат, хайр-эҳ-сон, вафо, сабр-тоқат, нафсни тийиш, олиҳимматлик, сирни бе-китиш, раҳмдиллик, ота-она ҳурматини бажо келтириш, устод хизматида бўлиш, ҳамсоя ҳақини адо этиш ва бошқа шунга ўх-шашлар тасаввуф ва футувват фалсафасининг шартлари жум-ласига киради.

Тасаввуф ва футувватнинг айтиб ўтилган устунлари ва шарт-ларидан ташқари ман этадиган, таъқиқлайдиган нарсаларни ҳам бор. Булар яхшиларнинг орқасидан гапириш, бировларни мазаҳ қилиш, гап ташиш, кўп кулиш, ваъдага хилоф иш қилиш, ҳасад қилиш, зулм ўтказиш, алдаш, одамлардан айб қидириш, бетга чопарлик, ёлғон қасам ичиш, таъмагирлик, хиёнат қилиш, нотўғри гувоҳлик беришдан иборатдир.

Ислом диннида, хусусан тасаввуф фалсафасида одамларни иймон-эътнқод, ахлоқ, днёнат, маданият, маърифат, маънавият-га чорлайднган, меҳр-оқнбатли, номусли, ориятли бўлишга, нз-зат-икром қоидаларига риоя этишга ундайдиган ўгитлар, ғоя-лар шу қадар беҳисобки, уларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб Ўтишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтиришга, ёмонликлар-Дан халос бўлишга чақирган. Дин ҳар бир алоҳида инсонга оила, Жамоа, минтақага доимо раҳнамо бўлган.

Маълумки, тасаввуфда Оллоҳ раҳматига етишнинг, инсон маънавий камолот йўлининг тўрт босқичн мавжудлиги тасдиқ атилади. Булар шарнат, тариқат, шунингдек, маърифат ва ҳақи-Катдан иборат.

Шариат — диний қонун-қоидалар ва маросимларни, Қуръони арим ва ҳадиси шарифдаги ахлоқий, илоҳий кўрсатмаларни ^Ухта ўзлаштириш, айнан, изчил суратда бажариш, худога пбо-Дат Қи.тишдир. Шариат худони идрок билан танишни кўзда ту-аАи. Шариат талаблари, қоидаларини бажармасдан тариқатга

ўтиш мумкин эмас. Тариқат—ер юзидаги лаззатлардан воз Кр! чиб, нафсни тийиб, хилватда яшаб, фақат худо ҳақида ўйлац хаёл суриш, эслаш, уни қалбдан севишдир. 'Маърифат—ҳамм. нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси худо эканини билиш, аник лаш ва шу тариқа худога етиш демакдир. Маърифатда олам юлдузлар, Ой, Қуёш, одамлар, ҳайвонлар, қушлар, капалаклап' бошқа жамики нарсалар худонинг зуҳуротидан иборат, 0дам Оллоҳ қуёшининг зарраси дейилади. Ҳақиқат — ўзпни худоннинг даргоҳига эришган, васлига етган, ҳатто у билан қўшилиб кетган деб билншдир.

Тасаввуфнинг оқимлари, асосий йўналишлари ниҳоятда кўц ва хилма-хил бўлиб, турли даврларда дунёдаги кўпчилик мамлакатларда унинг ҳар хил йўналишларн пайдо бўлган ва ёйилган. Бизнинг юртимиз — Турон заминида ва мусулмон Шарқида тасаввуфнинг бир неча буюк тариқати — таълимотлари пайдо бўлди. Булар XII асрда Туркистонда майдонга келган яссавия ва сухравардия, XII аср охирида Хоразмда вужудга қелган кубровия, XIV асрда Бухорода юзага келган нақшбандия ва бошқа тариқатлардир.

Тасаввуф фалсафий таълимотининг таркибий қисмлари бўлмиш яссавня, кубровия, нақшбандня ва бошқа тарнқатларида умумий жиҳатлар билан бирга, уларнн бир-биридан фарқлаб турувчи томонлар ҳам кўп. Лекин бу тафовутлар уларнн бирбирига қарама-қарши қўйишга, бирини яхши, бирини ёмон, деб баҳолашга олиб келмаслиги керак. Тасаввуф таълимотининг ҳар бир шакли, асосий оқими ўз даврининг маҳсули, муайян шароитлардагн талаб-эҳтиёж, имкониятларнинг ифодасидир. Тасаввуф тарқатишнинг ҳар бир шаклинннг аҳамияти ўз давридаги талаб ва эҳтиёжга жавоб бера олгани, келажакдаги маънавии камолотга қанчалик таъсир кўрсатгани билан белгиланади. Қези келганидан фойдаланиб, тасаввуфнинг Туркистон заминида вужудга келган асосий йўналишлари ўзаро бир-бирларини инкор қилган тарзда эмас, балки янги тарихий шароитларда бир-бирини тўлдирган, ўзаро бойитган, янги босқичга кўтарган, бир-бирларининг қонуний давоми ва такомиллашиши снфатида юзага келганини айтиб ўтишга тўғри келади.

Энди тасаввурнинг Турон заминда пайдо бўлиб Шарқнинг кенг худудлари бўйлаб тарқалган йирнк уч тариқатининг ҳар бирига қисқача тавсиф бериб ўтайлик. Уларнинг биринчиси, Алишер Навоий томонидан, Туркистон мулкининг шайхул машойихи, Туркистон аҳлининг қиблаи дуоси, деб юксак баҳоланган Хожа Аҳмад Яссавий (1041 — 1167) номи билан боғлиқдир[1]. I

Яссавий тариқатининг биринчи ва асосий фазилати — уиин халқчиллигидир. Унда ҳам Оллоҳ, ҳам инсан мадҳ этилади- Яссавий ўзининг «Ҳикмат»ларида инсонни қадрлайди, уни адо* латсизликдан, зулмдан ҳимоя этишга чақиради. Бу ҳақда, Қ[31]"

[1] Қаранг: **Хожа Аҳмад Яссавий,** Чимкент, 1992 й. 11-бет.

та кўрсанг кўнгли синуқ, марҳамат бўлгил, андоғ маздум йўл-
1а колса, ҳамдам бўлгил, дейди.

5уюк мутафаккирнинг асосий мақсади одамларни Оллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга даъват этиш, инсонни худонинг днг азиз бандаси сифатида аъзозлаш, адолатсизликни қоралаШ, ^у Дунёнинг доғларини инсонга юқтирмасликдан иборатдир.

Аҳмад Яссавий инсан ўз азалий иоклигини сақлаши, гуноҳ орттирмаслиги учун нима иш қилиши керак деган саволга ҳам ўзича жавоб беради. Яссавий инсон ўзининг азалий поклигини сақлаши учун бу дунёдан юз ўгириши, умрини одамлардан узоқда, ёлғизликда, узлатда тоат-ибодат билан ўтказиши лозим, деб ҳисоблайди. Буни у Оллоҳга яқин бўлишнинг, ўзига фоний бўлиши учун шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат каби у дунёда саодат таъмин этишнинг шартларидан бири деб билади.

Яссавийнинг фикрича, инсоннинг худо васлига етиши, унда босқичларни бирма-бир басиб ўтиши, дунёдан, ўзлигидан воз кечиши, ўзини хилватга тортиб, ҳам фикрини, ҳам зикрини худога бериши керак. Агар одам жонини қийнаб бўлса-да, ибодат қилса, нафсини ўлдириб қаноат қилишга одатланса, хўрлаш ва маломатларга бардош берса, ўшанда худонинг дийдорига етади, дейди. Яссавий тариқати ва фалсафий таълимотининг асосий жиҳатлари ана шулардан иборат.

Абдулхолиқ Ғиждувоний яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакилларидан биридир. У устоди Хожа Юсуф Ҳамадоний ва биргаликда таълим олган замондоши шайх Аҳмад Яссавийнинг ишини давом эттирибгина қолмай, улар яратган тариқатни мустақил, янги юқори босқичга ҳам кўтарди. Буни унинг фарзанди учун махсус ёзилган «Васиятнома»сида баён этилган фалсафий ғоялардан кўриш мумкин. «Васиятнома»нинг бутун мазмуни, моҳияти одоб-ахлоқ масалаларига қаратилгандир. Тариқат аҳлининг бош вазифасини Яссавий Оллоҳга яқинлашиш учун жамиятдан узоқлашишини, унинг ташвишлаРидан юз ўгириш, узлатга кетиш, тарки дунё этиш деб тайинлаган бўлса, Абдулҳолиқ Ғиждувоний «Васиятнома»сида жамоатга мулозим бўлиш, жамиятга хизмат этишни муқаддас вазифа — Оллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли деб ҳисоблайДи. Шу билан бирга у одамларни хонақоҳда ҳадеб ўлтиравермасдан, Оллоҳга тоат-ибодатни ҳаддан ташқари ошириб юбоРабермасдан меҳнат қилиш ва ҳалол яшашга даъват этади. Ҳалол егил ва шубҳадан парҳез этгил, яъни ҳалоллиги шуб*али овқатдан қўл тортгил, дейди. Бу дунёда одамлар хаётида Фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя қилиш Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан таъкидланганидек,—Оллоҳга яқинлашишнинг асосий йўлидир.

Тасаввуф фалсафасининг йирик сиймоларидан яна бири хоРазмлик Нажмиддин Кубро (1145—1221) эди. Тасаввуфдаги

махсус кубравия тариқати униг томонидан асосланган. Шай Нажмиддин Кубро ўз замонасининг йирик олимларидан ҳисоб! ланган. «Фавоих ал-жамол ва фавотих ал-жалол» («Жамола* нинг муаттарлари ва камолотнинг эгалари»), «Ал-усул ал-аша* ра» («Унта қонун ва қоидалар») номли асар ва рисолалар ган.

Нажмидднн Кубронинг ватанпарварлик, халқпарварлцқ ҳақидаги фалсафий таълимоти шунчаки қуруқ сўз, шиор, ғоя бўлиб қолмасдан унинг шахсий ҳаётида ҳам ўзинннг тўла тасдиғини топган. Еши етмиш олтига чиққан бўлишига қарамай Нажмиддин Кубро Хоразм ҳимояси учун мўғулларга қарши жангга киради ва шаҳид бўлади. Улар пайтида у бир мўғул аскарининг сочини—кокилини шундай маҳкам тутиб оладики вафотидан кейин ўн киши ҳам унинг қўлидан унинг кокилини айириб ололмайди. Охири ўша кокилни кесишиб, қўлдан ажратадилар.

Тасаввуф фалсафаси XIV асрда накшбандия таълимотида янада ривожланди. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган сулук накшбандия деб аталади. Накшбанд сўзи у буюк зотнинг лақаблари бўлиб, матога гул — накш солишни билдиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд кишилар ҳаётда гўшанишинлик, хилватчилик — таркидунёчиликда ҳаёт кечирсин деган хулоса чиқармайди, балки бу дунёда, табиатда шод ва хуррам яшаш керак, дейди. Бу нарса унинг фикрича, худони. келажакни унутиб қўйишга олиб келмаслиги лозим. У жамиятдан, инсонлардан ажралган ҳолда яшаш, яккаликда кун кечириш, хилватхоналарда маскан қилиб олиб ҳаёт кечириш инсон учун номақбул деб билади, хуррам ҳаёт кечиришга даъват этади. Ундан ташқари Баҳоуддин «киши зоҳирда одамлар билан, ботинда (ичдан) эса худо билан бўлиши керак»,— дейди. Уз қўл кучи билан, ўз меҳнати билан, ўз меҳнатидан олинадиган даромад билан кун кечириш, тирикчилик ўтказишни тарғиб ва ташвиқот қилган.

Шундай қилиб, ислом дини сингарн тасаввуф фалсафаси ҳам одамларни иймон, одоб-ахлоқ, диёнат, маданият, маънавият ва маърифатга даъват этган. Одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламаган. Одам боласини ҳар доим хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, инсофли-тавфиқли бўлишга, ўзидан яхши из қолдиришга ундаган. Шунинг учун ҳам кишилар тасаввуф фалсафаси қоидаларини жон-жон деб қабул қил* ганлар ва унинг яхши ўтитларига ҳали-ҳануз қатъий амал қилиб келмоқдалар.

«Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатлариниИ кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, уму» халққа раҳнамо бўлган. Уни синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-кувват бағишлаган,

одасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини

«Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган жа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмид-**ЙН** Кубро каби зотлар асос солган муқаддас ғоя ва тариқат-д рнинг Ватани ҳам Туркистон заминидир»[1].

Л ШарҚ мутафаккирларининг, ислом ва тасаввуф фалсафаси -лломаларининг, буюк муҳаддисларнинг асрлар давомида одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлшнга чақирган ғоя ва ўгитлари мустақил Узбекистон Республикаси тараққиёти учуи ижобий таъсир этмоқда.

## 4. XVI—XX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар

XVI—XX асрларда Марказий Осиё халқларининг фан ва маданияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланди.

Феодаллар ўртасида бўлиб турган даҳшатли жанглар илм аҳлига қанчалик кулфатлар келтирган бўлмгсин, у илм-фан, санъат ва адабиёт ривожини тўхтатиб қўя олмади. Инсон даҳоси ва заковати не-не машаққатлар билан бўлса-да ривожланишда давом этди, санъат, адабиёт соҳасида истеъдодли кишилар етишиб чиқди.

Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мужрим Обид, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Шариф Гулханий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Мнрзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар ўша мураккаб тарихий даврнинг эл-юрт назарнга тушган фан арбоблари, атоқли шоир ва ёзувчи-олимларидир.

Узбек маданияти ва шеърияти ривожига ўз асарлари билан катта ҳисса қўшган сиймолар ҳақида гап кетганда Турди (тахаллуси Фароғий) номини ҳам зўр мамнуният билан айт-Ма|сдан ўтиб бўлмайди. Турди (XVII аср охири, XVIII аср боши) Бухорода туғилган. Турди Фароғий аштархонийлардан Нодир Муҳаммад ' (1642—1645), Абдулазиз (1645—1680) ва Субҳонқулихан (1680—1702) ҳукмронлиги даврида яшаб, кўр-Ган-кечирганларини, шахсан гувоҳи бўлган воқеа ва ҳодиса-ЛаРни, мамлакатнинг ўша даврдаги ҳаётини, халқнинг турмуш ^ароитини, маданий даражаси, маънавияти ва маърифатини Уз асарида акс эхтирди.

XVII аср ўзбек поэзиясининг атоқли вакилларидан ҳисоб-• анган Турди Фароғийдан бизгача кичик бир шеърий тўплам тиб келган бўлиб, унда 400 мисрадан ортиқроқ 17 та шеър бор. т, Турди ўз асарларида феодал тарқоқлик, ўзаро низо ва қон К'|Шлар мамлакатнинг оғир аҳволига сабабчи бўлганлигини ^^ий-фалсафий акс эттиради. Манманликка берилган бек-

[1] Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, «Узбекистон», 1995, 206-207- бетлар.

ларни аҳилликка, бир ёқадан баш чиқариб, дўст-бproducer бў либ ҳаракат қилишга даъват этади. '

Турди мамлакатни ҳамжиҳатлик билан бошқариш ўрнигя уруғ-аймоқчилик анъаналарини авж олдириш, уруғ бошлиқ. ларининг мансаб ва мартаба учун уруш-жанжал қўзғаганликларини кескин қоралаб қуйидагиларни ёзган эди:

Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, тенглик қилинг.
Бирни қипчоқ, хитою, бирни юз, наймон деманг,
Қирқу Юз, Минг сон бўлиб бир ойинлик қилинг.
Бир яқодин бош чиқариб, барча бир тўнга кириб,
Бир унгирлик, бир тиризлик, бир яқо енглик қилинг.
Қим қўйибдур, ундайи ўз мулкингиздан чиқмайин, '
Икки, уч, тўрт даъвосин этмакни, кўтоҳлик қилинг.

Турди Фароғий асарларида илгари сурилган бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғоялар Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигига ҳамоҳанглигини кўрсатади.

Боборахим Машраб (1657—1711) Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутади. Машраб яшаган даврда феодаллар ўртасида урушлар авжига минган, халқ оммасининг аҳволи ниҳоятда оғирлашнб кетган эди. Тўхтовсиз давом этган урушлар, ички низолар, тинка-мадорни қуритадиган солиқлардан юрак бағри хун бўлган меҳнаткаш халқни қўллаб-кувватлаш Боборахим Машрабнинг асосий мақсади, ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Машраб қашшоқ ва ҳуқуқсиз меҳнаткашлар аҳволига доимо ачинди, умрбод уларни ҳимоя қилиш ташвиши билан яшади. Буни биз унинг «Девони Машраб» тўпламидаги дард-алам билан тўлиб-тошган шеърларида кўришимиз мумкин.

Машраб жамиятда мавжуд бўлган, халқ бошига тушаётган жабр-ситамлар, ижтимоий адолатсизликлардан дод-фарёд чекди, уларнинг негизи, манбаи нимадалигини чуқур очиб беришга ҳаракат қилдн. Ижтимоий адолатсизлик, **ҳақсизлик,** тенгсизликнинг бош ва асошй сабаби зўравонликда, деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни, шахслар ва муллаларни танқид остига олди. БОоорахим Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга, шариат пешволарига мутлақо ёқмади. Машраб қаттиқ тазйиқ остига олинди. МаШ* рабдан ўч оладилар. 1

Аштархонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бўлган Мад' муд Қатағоннинг фармони билан Машраб 1711 йилда ҚУндУ], шаҳрида дорга осиб ўлдирилади. Мутафаккир шоирнинг Қа этилиши Ўша даврнинг катта фожиаси бўлди.

Марказий Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашл и тараққиётида бекиёс катта ўрин тутган мутафаккирлардан ойР Мирзо Абдулқодир Бедил (1644—1721) дир. Уз даврининг ато*

лайласуфи ва шоири ҳисоблангаи Бедил Марказий Осиё халқ-
л'яр11 маданияти ва фалсафаси ривожига улкан ҳ.исса қўшган
АуОК санъаткор сифатида юксак эҳтиромга сазовор бўлди.

Бедил адабиёт ва фалсафа соҳасида ўзидан қимматбаҳо йлмий мерос қолдирди.

Мирзо Бедил фалсафий фикри негизини обърқтив олтяпу! „авжудлигини эъгироф этиш ташкил этади. Унинг таълимотига кўпа табиат^ЗбаЖй, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ хамда дунё ҳамкша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. у ўзининг «Чор унсур» («Тўрт унсур») китобида табиат абадий ҳақиқатдир, яъни абадий бордир, унинг навлари, шакллар п, кўриниши хилма-хиллиги ҳам ўзидандир. Бизлар — инсон- лар эса бу оламга келиб-кетувчи, йўқ бўлувчилармиз, дейди.

Олам,— деб таъкидлайди Бедил,— сифат жиҳатдан ҳам, сон жиҳатдан ха:л бир лаҳза бўлса-да бир ҳолатда турмайди. Бедил абадий мавжуд бўлган материяни шакл бнлан биргаликда олиб қарайди. Буни унинг шаклларсиз материя мундарижаси кўринмайди, материя пардани очмаса, шакллар ифодаланмайди, материя шакллар жаҳонида яшири-ндир, шакллар материяда имконият ҳолатидадир, деган сўзларидан билиб олишимиз мумкин. Бедил агарда материя шаклларсиз бўлса, шакллар қаердан келиб чиқади, шакл билан материянинг диалектик бирлиги устида фикр юритиб, аввал материя, кейин шакл — сурат, шу суратдан ташқари маъни йўқ, бўла олмайди,— деб таъкидлайди.

Бедилнинг фалсафий қарашлари унинг «ваҳдати мавжуд» (мавжудот бирлиги) деган таълимотида чуқур ифодаланган. Унда айтилишича, модда билан руҳ, тан билан жсн бир-бнрига боғлиқ.

Жнсмлардан ташқари руҳлар олами бор дейиш нотўғридир, Деган эди Бедил. Жисмлар оламини руҳларсиз тушуниш ҳам тўғри эмас. Тан қуввати тан саломатлигидадир. Агар тан кувватига зарар етса, руҳнинг қуввати ҳам зарар кўради.

Бедил инсон ўз вақтида овқатланиб турмаса қувватдан кетади, меҳнат қобилиятини албатта йўқотади,— деган эди. У ўз фикрини давом эгтириб, тарки дунё қилганлар, гадойлар ўз-ларини азоб-уқубат чекишга мажбур қиладилар, ўз таналарини мурдага айлантириб, бу дунёдаги ҳамма ноз-неъматлардан воз кечадилар, натижада уларнинг руҳлари сўнади, бун- кишилар кўз олдиларида парилар, жинлар гавдаланади, .атижада улар аҳлдан озиб, жинни бўлиб қоладилар, худди Гп озайиб бориб, бирдан ялт этиб, сўнгра ўчиб кэлувчи шам Ингари ўладилар. деб огоҳлантирганди.

ли ^ ДИл нуқтаи назари билан қараганда, тўрт унсурнннг тур- биррикмаларидан ноорганик дунё пайдо бўлган, кейин ун- а н органик дунё — ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамзод вужудкелган.

^едилнинг тушунтиришича, жисм нарсалар таркибида

заррачалар ўзгариб туради, натижада янти нарсалар келиб чиқади, бу ҳайратга солувчи сирли ҳодиса зарурият ҳукмц билан бўлади, бу зарурият нарсаларнинг ўзида ва уларнинг ўзаро муносабатларида мавжуддир. **ЁҒ, ПИЛИК** ва олов бирла. шиб, зарурият ҳукми билан ёруғлик беради. Узоқ вақт яшаш ва овқатланиш натижасида ҳайвонлар қорнида тошчалар тў| ланади. Бу ҳам зарурият орқасидандир.

Бедил «Ирфон>>да ҳамма мавжуд нарсаларнинг илк зами ни, барча мавжудотлар ижодкори ҳаводир, деб ёзади. Бедцд ҳавони табиатнинг ўзидан пайдо бўлишини, ўсимликлар, **ҳай**-вонлар, одамзод учун сув, ҳаво, ёруғлик зарурлигини таъкид. лаган эди.

Бедилнинг, дунёдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса ўзидан бош қа нарсалар билан зарурий алоқадорликдадир, деган **фикрла**-ри ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бедилнинг таълимотича, инсон сезги органларига таццу олам таъсир этади, инсон нарсалар моҳиятини ақл-заковати ёрдамида билиб олади. Объектив олам билиш манбаи эканини у ҳар доим таъкидлаган. Одам ҳис қилиш органлари ёрдами билан ташқи дунё таъсирини идрок қилади, тафаккури билан эса буюмларнинг моҳиятини билиб олади.

Инсон атрофдаги нарса ва ҳодисаларни, моддий дунёни I фан ёрдами билан билади, деган ғоя Бедил фалсафий таъли-1 мотининг асосини ташкил этади. У фанни ривожлантириш за-1 рурлигини ёқлаб умр шамларини фан билан ёритган кимса-нинг умри боқийдир, дейди. Фаини ишлаб чиқариш, ҳаёт билан боғлаб олиб бориш масаласига ҳам Бедил катта эътнбор бер-ган эди. Амалиёт билан, тажриба билан боғлаб олиб борил-майдиган илм-фан файласуф олимнинг фикрича, инсоннинг: қалби, юрагига етиб бормайди. «

Бедил одамларнинг олам сир-асрорларини билиб олишида билим ҳаётда кўмакдош бўлишини таъкидлаб, кимки, ҳаёт ша-мин илмга ёкди, ҳаёти асрлар сўнмади, балқди, деган эди. Унинг! сўзи билан айтганда, илм инсоният гавҳаридир.

Мирзо Бедилнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари| ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бедил ижодиётида инсонга! ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, унинг келажагини ўйлаШ! устуворлик қилади. Уэининг асарлари ва шеърларида ҳалол! еб, ҳалол яшашга, тамагирлик қилмасликка даъват этади. ^ одамларга қарата, меҳнат қилиб тер тўккил, раҳмат булути **бў'**| либ тупроққа ёққил, дейди. Иш қилмасдан мукофот истаШ.1 унингча, уятдир.

Беднл дангасалик, ёлғончилик, кеккайиш, очкўзлик, макр ВЯ хиёнатни танқид қилиб, камтарлик, сахийликни, меҳнатсевзр I лик, одоб-ахлоқ, иймон-эътиқодни юксак даражада қадрЛ3 1 ди. Бу ҳақда унинг, яхшилардан бегона бўлмайман, ажр3^ майман десанг, ёмон сўзловчилар, ғийбатчилар билан ошноЛ»Ч қилма, ўзингни тўғри кўрмокчи бўлсанг, ойнанинг орқаС'^1 боқма,— деган фалсафий-ахлоқий фикрлари ҳозирги давр У4'•

а аҳамиятга эга. Очкўзликни қоралаб, қаердаки ҳирс ўти "аангаласа, ўша жойда одамгарчилик ўтин ўрнида ёниб кул ^цади, деган эди. У яна бир шеърида, ҳунар эгалламагунна иши Ир£а икбол эшиги очилмайди. дёйдиким, бу ҳар бир ь,1сон учун жуда катта фалсафий ўгит, пандномадир.

и доуҳаммад Шариф Гулханий (XVIII асрнинг охири —XIX боши) ўз замонасидаги сўз санъатининг йирик вакиллари аторидан ўзига муносиб ўрин олади. Гулханий жуда оғир ва уураккаб даврда яшади, ижад этди.

' Гулханий ўз асарларида халқнинг ниҳоят даражада оғир мехнати, шароити, ҳуқуқсизлиги ва эзилганлигини, инсэн қадр-кимматининг поймол этилганлигини бадиий анс эттиради.

Гз замонасининг талантли шоири Махмур (XVIII асрохири— 1844 йиллар) ўзининг ҳажвий асарларида феодал тузумнинг адолатсизлигини фош этди.

Буюк туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқули (тахаллуси Фироғий, 1733—1793 йиллар) ўз асарларида тенгсизликни, адолатсизлик, туркман халқининг маънавий қиёфасини, фикр-туйғулари, орзу-истаклари, умидларини ифодалайди. У рўй бераётган ҳар бир воқеага, сиёсий, иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлган масалаларга халқ тамонидан туриб баҳо берди ва уларни асарларида бадиий акс эттирди. ГАйни вақтда иҳтисодий тушкунлик, моддий қолоқлик, туркманларнинг уруғ, қабила, тоифаларга бўлиниши, уруғлар ўртасидаги адоватлар уларнинг аҳил бўлиб яшаши учун имкон бермаслигини тўғри, ҳаққоний кўрсатиб берди.

Маҳтумқули дунё абадий бўлиб, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини, у доимий равишда ривожланиб, ўзгариб турсада, аммо тараққиёт ҳеч қачон тўхтамаслигини йирик файласуф олим сифатида ёритади.

Утмишдаги бошқа мутафаккирлар каби Маҳтумқули ҳам ўз даврининг фарзандидир. У жамиятнинг тараққиёт қонунларини илмий равишда тушуниб етмади. Шунга қарамасдан у Уз халқининг фожиали аҳволда яшаётганлигини кўриб қайғуглам чекди, унинг порлоқ истиқболи ҳақидаги ўз фикр-мулоҳ.азаларини асарларида атрофлича ифодалади.

Маҳтумқулининг адабий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий меРос» нафақат Марказий Осиё халқларининг, балки умумбашаРчятнинг ҳам бебаҳо маънавий хазинасидир. Чунки унда ҳам чллий, ҳам умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган ва коак даражада эъзозланган.

Минтақамизда фалсафий қарашларнинг таргққий этишига Тта ҳисса қўшган олим, маърифатчи-демократ, тарихчи, эт-]'^РаФ Чўқон Чингисевич Валиханов (1835—1865) дир. у 0лг7—1853 йиллари Омск шаҳрида кадетлар корпусида таълим ган^п Марказий Осиё ва Хитой экспедицияларида иштирок эт-Ва , -етеРбург шаҳрида 1859—1861 йиллари рус демократлари Нов! ИеЛИлари ®илан таниш бўлган. Чўқон Чингисевич Валиха-Инг фикрича, моддий дунё бирламчи, чексиз ва абадийдир.

Дунённ билиш, инсон учун зарурийдир. Жамият табиат каб» доимо қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга ривожланиб ту. ради. Жамият тараққиётинннг асосий мақсади — кишиларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдир. Инсоннинг барча хатти-ҳаракати мавжуд ижтимоий муносабатлар билан белги. ланади.

Валиханов ўз асарларида қозоқ халқини рус халқи билан ҳамкорликда бўлишга чорлаган. Шундагина биз иқтисоди^ ва маданий қолоқликдан халос бўлишимиз мумкин, деб ҳисоб. лаган.

Валихановнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари Ибрай Алтинсарин (1841—1889) томонидан тараққий эттирилади. у Оренбург (1860—1869 йилларда) шаҳрида рус-қозоқ мактабида муаллим бўлиб ишлаган. Буюк маърифатчи-демократ, ёзувчи ва этнограф ўз асарларида олам Оллоҳ томонидан яратилган, деб ҳисоблаган. Жамият тараққиётининг манбаини у ақл ва маърифатда, деб билади. Инсоннинг олам ҳақидаги билимлари тажриба асосида, илм-фан ёрдамида шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун илм-фанни, жумладан, рус халқининг маданиятини ўрганиш зарур деб ҳисоблаган. У рус-қозоқ мактабларини таъсис этишда бевосита қатнашган. Рус адабисти асосчиларининг асарларини қозоқ халқи ўртасида тарқатишда фаол иштирок этган.

Қозоқ адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир Абай (Иброҳим) Қўнонбоев (1845—1904 йиллар) Семипалатинск шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олиб юрган кезларида Навоий, Саъдий, Фирдавсий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз каби Шарқ классиклари асарларини севиб ўрганди. Сукрот, Арасту, Форобий, Гегель фалсафасидан, Байрон, Гёте ва бошқа мутафаккирларнинг ижодидан ҳам баҳраманд бўлади. Уларнинг ҳаммаси унинг билим савиясининг ўсиб, ижтимой-сиёсий, фалсафий қарашларининг шаклланиб ва ривожланиб боришида катта таъсир кўрсатди.

Абай ўзининг асарларида халқни илм-маърифатга, инсонийликка, меҳнатни севишга, касб-ҳунарни эгаллашга даъват этди.

Абай инсон шаънига тўғри келмайдиган, одамни ерга ура' диган хислатларни — дилозорлик, нодонлик журъатсизлик, танбалликни кескин фош этади. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди: «Одамзодни хор қиладиган учта нарса бор, шундан эҳтиёт бўлмоқ керак. Биринчиси — нодонлик, иккинчиси—эринчоқлик ва учинчиси — золимликдир. Нодонлик—билимсизлик ва дунёдан хабари йўқликдир. Билимсизлик эса — ваҳшийликдир- Эринчоқлик — дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душмаШ'" дир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик, каМ' бағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқаДи- Золимлик—бу инсонликнинг душманидир. Одам золим бўлД11'

Ғ^ у одамгарчиликдан айрилади, инсон қиёфасини йўқотади "" гшртқич ҳайвондан фарқи қолмайди.»[1]

ва дбай оташин ватанпарвар шоир эди. У уруғлар ўртасидаги - яро жанжаллардан юрт вайрон, халқ хор-зор бўлганлигини иниб, куйиб-ёниб, қозоқ уруғларини бирлашишга чақиради, а ғлар ўртасидаги келишмовчиликларни тугатишга ундайди.

-\байнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини маҳаллий халқ-р ўртасида кенг тарғиб этишда унинг истеъдодли шогирди ШокаРим Қудайбердиев (1858—1931) нинг роли алоҳида эътиборга сазовор.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмида истиқомат қилган қозоқ халқининг буюк мутафаккир олимлари, жамоат арбоблари, таниқли маърифатчилар Ахмет Байтурсунов (1873—1938), Исфандияр Кубеев (1878—1956). Жусупбек Аймаутов (1889—1931), Мағжан Жумабаев (1893—1938) ва бошқалар ўзларининг бадиий ва илмий асарларида, мақолаларида маҳаллий халқни саводсизликдан холи бўлишга, илм-фан, ҳунармандчиликни эгаллашга қизғин даъват этадилар. Улар минтақада янги мактаблар сонини кўпайтириб, маориф илм-фан, маданиятни ривожлантириш йўли блан аҳолининг билим, сиёсий онгини ошириб, минтақада ягона Туркистон республикасини барпо этишни орзу этганлар.

Мпнг афсуслар билан шуни айтиш керакки, мазкур ғоялари учун улар шўролар ҳукумати томонидан миллатчиликда айбланиб, қатағон йиллари отиб ташланганлар.

Маърифатчилик ғояларининг кенг авж олиб кетишида буюк кирғиз ёзувчиси Тоқтогул Сотилғонов (1864—1933) нинг ҳиссаси катта. У қирғиз халқининг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини орзу этган, унга эришишда маданият, маърифатнинг катта роль ўйнашлигини уқтириб ўтган. Унинг фикрича, жамиятдаги ижтимоий адолатсизликнинг макбаи чоризм тузумидир.

Тоголоқ Молдо (1860—1943)—қирғиз халқининг ёзувчиси, устози Тоқтогул Сотилғоновнинг ғояларини олға суриб, ўз асарларида оддий меҳнаткашларни улуғлаган, уларнинг эркин ^а фаровон ҳаёт кечиришини орзу қилган. Барпи Алимқул Усенбаев ва бошқа қирғиз адибларининг асарлари демократик ғоялар билан суғорилган.

Тожик мутафаккири Тошхожа Асири (1869—1915) барча "жтимоий тузумларнинг асосий вазифаси — меҳнаткаш оммаинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдадир, унинг учун Нг аввало ҳукмрон синфлар қишлоқ хўжалиги ва сув иншоотарининг тараққий этишига эътиборларини қаратмоғи лозим, То х.^сoблаган. Шунга ўхшаш демократик фикрларни буюк Ла])ИК езувчисн Карим Девон ва бошқалар ҳам изҳор этган-

РиР ' Абай Кўнонбоев. Танланган асарлар. Узбекнстон бадиий адабиёт нашти> Тошкент, 1961, 197- бет.

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827—1900) Қорақад_ поқ мумтоз адабиётииинг ва прогрессив ижтимоий-фалсафцў фикрларининг энг йирик вакилидир. Бердақ XIX асрда феодa» муносабатлар ҳукмрон бўлган, Туркистон чор Россияси томд. нидан босиб олинган мураккаб тарихий шароитда яшаб иж« этди.

Бердақ башланғич таълимотни ўзи туғилган овулдаги дн.] ний мактабда олгач, сўнг Қорақум эшон мадрасасига ўқиш-"' га киради. Моддий аҳволи ночор бўлганлиги сабабли мадрa. сани ташлаб кетади. Уқишни мустақил равишда давом этти". ради.

Бердақ ижодининг чуқур томирлари бор. У қорақалпоқ халқининг ўзигача бўлган тарихи, маданияти, адабиёти, санъати фалсафасини, халқ урф-одатлари ва миллий қадриятларини севиб ўрганади ва ўзи мансуб бўлган халқнинг севимли шоири, файласуфи сифатида майдонга чиқади. Бердақ илм-фан, ада^ биёт майдонига чиққан вақтида унинг қаршисида ўзбек халқининг, буюк мутафаккири Алишер Навоий қолдирган буюк мерос, озарбайжон классиги, Шарқ лирик поэзиясининг доҳийси Фузулийнинг инжу хазинаси турар эди. Атоқли туркман шоири Маҳтумқули асарларини Бердақ жон-дили билан севиб ўрганди. Лутфий, Атоий, Бобур ва бошқа алломаларнинг асарлари, маданий, фалсафий меросларига катта ҳурмат ва самимият билан қаради. !Бердақ қорақалпоқ ва ўзбек ёзувчилари, умуман Шарқ халқлари яратиб қолдирган бутун маданиятнинг, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрларнинг илғор томонларини ижодий ўзлаштирди, янги ғоялар билан бойнтди ва янада ривожлантирди. Навоий, Фузулий Маҳтумқули ижодидаги энг яхши, энг илғор анъаналарни қабул қилган, улардаги гўзал фикр-мулоҳазаларни давом эттирган ҳолда Бердақ ўзининг асосий диққатиии қорақалпоқ халқи ижодига, унинг битмас ва туганмас чашмасига жалб этди. Ундаги олижаноб хислатларни қабул қилди ва ўзига хос, ўзига мос бўлган янги поэзия, янги фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғояларни дадиллик билан яратди. Узининг «Излар эдим» шеърида булар ҳақида айтиб ўтган эди.

Бердақ қорақалпоқ халқининг бир неча юз йиллар оша бошидан кечирган фожиали тарихини, эл-юрт ободончилиги йўлида кўрсатган буюк жасоратию, сарф қилган меҳнатини, модди" ва маънавий маданиятини, инсон ақл-идроки ва тафаккури меваси бўлган дурдоналарни ўз асарларида мадҳ этди.

Қорақалпоқ халқининг улуғ фарзанди Бердақ ўз асарларй' да тенг ҳуқуқлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларинн ифодалади, золимларни фош этди. Бердақ халқнинг бахтсаодати, келажагини орзу қилди, ватандошларини ўз бахт" учун курашга чақирди.

" Халқимизнинг туб манфаатларини, озодлик, мустақилликка бўлган интилишлари, орзу-ниятларини ўзида акс эттирган янг» ижтимоий-фалсафий тафаккур — маърифатпарварлик Турки$^{c}$'

1 -а XIX асрнинг охирларидан бошлаб пайдо бўла бошлади.
* тнинг дунёқарашлари ана шу мураккаб, ўта зиддиятли иж-
У* рйй тарихий шароитларда шаклланди ва ривожланди.
т,1Тарихимизда маърифатпарварлар деб аталадиган аҳли до-
**шларнинг** барчасига хос бўлган умумий томонлар мавжуд.
й!1- такатни мустамлакачилик қуллигидан абадий қутулиб,
л оД ҲУР, Мустақил бўлишини кўриш — халқимиз асл фар-
н**длари,** адиблари, илм-фан, маданият арбобларининг ҳам-
асига хос бўлган умумий тамонлардан бўлиб ҳисобланади.

Узининг бутун ҳаёти ва борлиғини, ақл-идроки ва тафаккур упратини халқи ва Ватани истиқболи йўлига тиккан олиму Аузалоларнинг диққат марказида турган, уларнинг ҳаммасига бир хилда дахлдор бўлган умумий томон ва асосий мақсад,- лардан яна бири — халқни илмли, маданиятли, миллий онги ва ғурурини ўстириш асосида эл-юртни якдил, яктан қилиб бпрлаштириш, одамлар кўзини ғафлат уйқусидан очиш йўли билан Ватанимиз мустақиллигини, миллатимиз эркинлиги ва озодлигини таъминлашдан иборат эди.

Чор амалдорлари минг бир макр-ҳийла ишлатиб, зўрлик-зўравонлик қилиб, одамларни алдаб, қўрқитиб, масжиду мадрасаларни беркитиб, миллий маданий-маънавий, бойликларимизни талаб кетиб, халқни жаҳолат сари судраб, илм-маърифат йўлига тўғаноқ бўлиб турган бир пайтда халқимизнинг маърифатпарвар фидойи фарзандлари бунга қарши халқни билимли, онгли бўлишга, жаҳолатдан йироқ туришга даъват этдилар.

Маърифатпарварларни ўз даврининг жасур, халқпарвар, миллатпарвар, ватанпарварлари деб аташ мумкин. Элим, юртим деб яшашни ўзлари учун юксак мақсад деб билмаганларида бошларидан кечган азоб-уқубатларга, тазйиқларга, камситишларга, қувғинлару дарбадарликларга, ўз Ватанларида бегоналардек бўлиб яшашларига чидай олмаган бўлар эдилар. Халққа, Ватанга қўлларидан келганича, озми-кўпми хизмат ^мишни ўзлари учун шон-шараф, буюк мақсад деб билдилар. Ана шу ниятда улардан бири ўзининг ўткир сатирик асари билан, бошқаси чуқур маъноли шеърлари, ғазаллари, ўта таъ-
СиР"ан публицистик мақолэлари, фалсафий асарлари билан
10Рт қайғуси, халқнинг дарду ҳасратини имкони борича баён
ЭтДилар. Келажак орзу-умидлари йўлида ижод қилдилар. Юк-
Сак савияли илмий-фалсафий, бадиий, тарихий асарлар ёзди-
•тар.

_ Маърифатпарварларнинг, халқимиз асл фарзандларининг
н арлари, илмий-фалсафий, маданий мерослари улар яшаб
КабоД этган **мУР**аккаб даврнинг мазмунини, моҳиятини, мурак-
ган к'Клари ва зиддиятларини ўзида чуқур ва тйниқ акс эттир-
д бамисоли тарихий кўзгудир. Улардан бизларга илмий, ма-
ний мерос бўлиб келаётган, миллий маънавий бойлигимиз-
Нг таркибий қисми ҳисобланган бадиий, фалсафий асарлар,

ҳикоялар, одоб-ахлоқ мажмуалари, рубоийлар, назмий ва на рий мактублар, достонлар, хотиротларни ўқиб, мазмуни бил танишиб, халқимнзнинг дарду ҳасратини, орзу-армонлари$_{н}$Г кечмиш тарихини кўрамиз. "

Асарлари орқали халқ дардини чуқур баён этган, Ватан ишқи ва қайғуси, эл-юрт истиқболи ташвишлари билан х$_{ап}$ доим куйиб-ёниб яшаган ажойиб инсон, йирик олимлард'$_{а}$|, бири Аҳмад Донишдир. Билими чукур, ақли тийрак, дуне,,$_{а}$ раши ниҳоятда кенг бўлганлиги сабабли замондошлари том$_{0}$. нидан Дониш— Каллали деган лақабни олган Аҳмад 1827 йил да Бухорода туғилиб, 1897 йилда шу ерда вафот этган.

Аҳмад Дониш астрономия, фалсафа, тарихга оид асарлар ёзиб қолдирган мутафаккир олимдир. «Бухаро амирларининг тарихи», «Наводирул вақое» Аҳмад Дониш номини дунёга; машҳур қилган асарлардир.

Аҳмад Дониш «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») ноҳм ли машҳур тарихий, илмий-фалсафий асарида оламнинг абадийлиги, ернинг юмалоқ-шарлиги, сайёраларнинг ҳаракат қи ли1б туриши мумкинлиги тўғрисида гапирган. «Ер қимирлаши сабабсиз бўлмайди,— дейди у,— бунинг сабаби эса ҳароратлик, унинг ер марказида юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи жойлари бўшашиб кетганлигидир ... Ер остида тиқилиб-сиқилиб ётган буғларнинг кучи, ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади. Бундан тағ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб сув булоқлари оқади; ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда ундан каттиқ садоли товуш чиқади. Тоғ тепаликларининг оралари ажралиб уларда ўнгир, тешиклар пайдо бўлади.» Шунингдек, Ой ва Қуёшнинг тутилиш сабабларини ҳам табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини айтиб ўтади. Агар бпз билишга интилсак,— дейди бу ҳақда А. Дониш,— Ой ва Қуёшнинг тутилиши биз учун билиб бўладиган, тушуниладиган нарсага айланади.

Аҳмад Дониш машҳур астрономдир. Астрономияга оид тузган ахборотларида ўрта асрнинг буюк алломалари Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайёмнинг анъаналарини ижодий давом эттириб, табиат ҳодисаларини **илмий** асосда англаш ва изоҳлашга ҳарақат қилди. У Ой ва Қуёш тутилиши ҳақида ўз фикрларини баён қилди, унинг сабаби **таби**атнинг ўзида эканлигини, табиатдан ташқарида ҳеч нарса бўла олмаслигини тушунтиришга уринди.

Аҳмад Дониш инсон бахти ва келажагининг асоси **меҳнат**да эканлигини таъкидлаб, агар инсон тақдирга ишониб ишл$^{а}$' маса, у янглишади, бундай одам ақлсиздир, дейди. Шу бил$^{аН}$ бирга у одам ўз ғайрати ва ҳаракати билан мақсадига эриШ$^{а}$ олади, деб айтган эди.

Аҳмад Донишнинг илғор фалсафий ғояларини ўз ватан» нинг содиқ фарзандлари бўлган Фурқат, Муқимий, кейинчали^ Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби замондошл$^{2}$ ри давом эттирдилар.

Гзбек халқи ва бошқа қардош халқлар ижтимоий-фалсафий кплари ривожланишида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фур-^^ (1858—1909 йиллар) нинг ўрни бошқа мутафаккирларни- асло кам эмас. Унинг асарларида илгари сурилган ил-кП ғ0ялар, фикрлар шу қадар кўп ва хилма-хилки, уларнинг 'яммасини бирма-бир кўрсатишнинг ҳеч иложи йўқ. Ватанни *еВйШ) унинг ўтмиш тарихи ва маданиятини, тили, адабиёти ва **санъатини** ҳурматлаш, уларни катта ҳурмат ва қизиқиш билан «рганиш ҳақида Фурқат шу қадар бебаҳо фикрлар айтганки, унинг бу ноёб фикрлари ҳамон эъзозланмоқда. Фурқат оддий иеҳнаткаш халқни, моддий ва маънавий байликлар ижодкорларини дил-дилидан севган, улар учун беҳад ачинган ажойиб инсонпарвар шоирдир. Фурқат чор амалдорлари, маҳаллий бойлар ва руҳонийларнинг манфаатпарастликлари, халққа ўтказаётган зулм ва ситамларини ўзининг ўтли ҳажвий сатрларида чуқур очиб ташлайди.

Халқимизнинг буюк адиби Фурқат ўзининг асарлари ва шеърларида зулмат ўрнига нурни, жаҳолатга қарши маърифатни, бидъатга қарши илм-фан, ақл-идрок ва тафаккурни мадҳ этди. Одамларни эскилик ботқоғидан чиқишга, илм-фан ва техникадаги янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлишга, бунинг учун илмни севишга, бир эмас, бир нечалаб хорижий тиллар ва маданиятларни билишга ундади.

Фурқатнинг «Илм хасияти», «Гимназия», «Виставка», «Нағма», «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» сингари шеърларида турмушга улуғ дастёр бўлган илму фан техникани, ҳар хил ҳунарларни, ихтироларни, мусиқа илмини, чет тилларни, араб, юнон, рус, француз халқлари адабиёти, санъати ва маданиятини билиб олишга чақиради.

Фурқат «кўнгулларнинг еурури», «кўрар кўзларнинг нури»—» жавҳари бўлган барча ижобий ва фойдали илмларни ўқиб-ўрганишии ўз халқига тавсия қилади, чунки уларнинг «ҳар қайсиси ўз вақтида даркор бўлади», дейди.

^збек классик шоирларидан бўлган Муҳаммад Амин Мир-3ахўжа ўғли Муқимий (1850—1903 йиллар) ўз ижодини ўзбек «ЛҚИ тарихида энг мураккаб ва мудҳиш пайтларда бошлади. Муқимий яшаган даврда ўзбек халқи майда-майда хонликлар-Га бўлиб юборилган, бу хонликлар ўртасидаги тинимсиз кураш ^наткаш халқни хонавайрон қилиб турган, Туркистон чоризм °чонидан мустамлака қилинган эди.

%юк инсонпарвар шоир Муқимий мустамлакачилик шароитчда ўзбек халқининг бошига келган бало-қаза ва фалокат-аРнинг жонли шоҳиди бўлди. Мустамлакачи жаллодларнинг бaлққа қилган жабр-ситамларини ўз кўзи билан кўриб, қал-н бцдан чуқур ҳис этиб, ўз шеърлари, лирикаси, ғазалларида ?РНИ ЧУҚУР акс эттирди.

'Уқимийнинг асарлари, хусусан инсон сезгисининг энг °3ик томонларини ҳам оча биладиган лирикаси ниҳоятда чу-^Р ижтимоий маънога эгадир. Уларнинг ҳар бирида замондан

норозилик руҳи, алам ва фарёд руҳи лиммо-лимдир. МуцимиЯ аеарларини, у яшаган ижтимоий муҳитнинг, ўша қора ва'му![И] ҳиш даврнинг айбномаси деб аташ мумкин.

Муқимий ўз асарларида ҳаётда рўй берган воқеа-ҳадиса I ларни, феодал тузум иллатларини, ҳукмрон синфлар кирдикоол ларини очиб ташлайди, келажакка умид билан қарайди. Униаг'1 келар охир сенинг ҳам йўқлагудек бир замон яхши, деган умиа ва ишонч билан тўлган фикри ҳануз халқ ўртасида машҳупЛ дир.

Убайдулло Солиҳ ўғли Завқий (1853—1921) ўзининг илғор маърифатпарварлик ғоялари билан ўзбек халқи маданияти тарихи, фалсафий, ижтимоий, сиёсий тафаккури ривожида' алоҳида ўрин тутади.

Завқий дунёқарашининг шаклланишида, ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожланишида Шарқ халқларининг ўтмиш маданияти, тарихи муҳим аҳамият касб этди. Авлод-аждодларимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган ижтимоий-фалсафий фикри ва маданиятининг қимматли ютуқларини ўзлаштирди ва янги ғаялар билан бойитди. Завқий Лутфий, Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил ва бошқа мутафаккирларнинг асарларига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қаради. Ҳофиз, Махмур, Гулханий асарларидан кўп нарсаларни ўрганди. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий сингари маърифатпарварлар изидан бориб, ўз асарларида эксплуататорларнинг халққа қилган зулм ва зўравонликларини фош этди.

Халқ бахти учун .миллатимиз истиқболи, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда Завқий иккиланиш нима эканлигини билмади, ўлимга тик боқди. Унинг асарлари, ҳажвий шеърларида келажакдан умидворлик, исёнкорлик руҳи бўртиб туради. Умуман, Ватанга, халққа муҳаббат ва халқ дарди, оташин ватанпарварлик ва халқпарварлик Завқий ижодидаги марказий масалалардан биридир. Бу масалада ҳам у ўзбек адабиётини яна бир юқори поғонага кўтарди.

«Каждор заманда», «Қарз», «Қулоқ солинг, ёронлар», «Пашшалар» ва шу каби асарларида Завқий меҳнаткаш омманинг оғир ҳаётини моҳирлик билан тасвирлайди.

Аваз Утар (1884—1919 йиллар) донишманд инсон сифатяда халқ ўртасида маълум ва машҳурдир. У Хивада таваллуД топди. У ёшлик кезлариданоқ фан, санъат, адабиёт билан жуда қизиққан. Навоий, Лутфий, Фузулий, Мунис, Комил, Хоразмии Огаҳий каби адибларнинг илмий-адабий, фалсафий мерослар'[1]' ни катта қизиқиш билан ўрганди. Натижада истеъдод соҳиои Аваз Утар ўғли жуда эрта Хоразм воҳасининг номдор шоир" бўлиб кўзга кўринди. 1

Аваз Утарнинг «Халқ», «Уламоларга», «Сипоҳийларга ' «Ҳарб вахшийлари», «Мактаб», «Тил», «Ҳуррият», «Фидои халқим», «Тапар экан қачон» каби шеърий асарларида уни"

пцфатпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва демо-
ғоялари жуда моҳирона ифодаланган.
к^ад.ваз Утар ўзи яшаган хон тузуми давридаги иллат ва ма-
I яарии халқчил шоир сифатида танқид қилади, халқнинг аҳ-
Раз-;; ва унинг келажагн тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини
этишдаи заррача чўчимайди. Унинг, йўқ жаҳон мулкида
йиздек ожизу бечора халқ, зулм тиғи бирла бўлган бағри юз
инг пора халқ, деб айтган сатрлари ўша замонда ҳоким бўл-
мaн разил ижтимоий кучлар устидан, уларнинг жирканч иш-
лари устидан чиқарилган айбномадек эшитилади.

Ватанпарвар, халқпарвар шоир миллатни маърифат орқали
5каҳонда ҳар томонлама ривожланган эллар қаторига олиб чи-
кишни истайди. Узининг бу ғоясини шеърларида акс эттиради.

Дамият равнақи, халқнинг билимли, маърифатли ва мада-
ниятли бўлишида ўз она тилидан ташқари бошқа тилларни
хам билиш лозим ва зарурлигини, болаларни илму фан уйига
юбориш муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Аваз Утар ана шу
фикрини давом эттириб, яна, ҳар тилни билув энди бани одама
жондур, тил васитан рабитаи оламиёндур, дейди.

Аваз Утар «Мактаб» номли шеърида мактаб очиш орқали
халққа билим — маърифат бериш ншига ҳар бир инсон қўли-
дан келган ҳимматини аямаслиги керак, дейди. Чунки, унинг
фикрича «мактаб миллат вайроналигини тугатиб», «уни обод
қилишнинг», одамларни «ғам-қайғудан озод этиш» йўлларидан
биридир.

Аваз Утар ҳар доим меҳнаткаш халқ томонида туради,
уни ўзининг узвий бир бўлаги деб ҳисоблайди. Адиб томони-
дан таъкидланишича, илм-маърифатли бўлган киши онгли,
ақл-идрокли бўлади, айни чоқда, маърифат, озодлик душман-
лари билан онгли тарзда курашувчи даражасига кўтарилади.

Аваз Утар маърифатпарвар, миллатпарвар адиб сифатида
халқ оммасининг бахтиёр кунларга етишига, Ватанимизда
Ҳуррият, Озодлик, Эрк куёши "барқ уришига астойдил ишонди.

XIX асрнинг охирлари —XX асрнинг ўрталарида яшаб ижод
^тган Садриддин Айний (1878—1954) ўзбек ва тожик халқлари
маданиятининг атоқли адибидир. Садриддин Айний инсонпар-
ВаР, халқпарвар инсон сифатида машҳур бўлган файласуф
°лим ва мутафаккирдир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—'1929) Шарқ адабиёти,
Саньати, маданиятини, Алишер Навоий асарларини, Бедил ва
^х.мад Дониш фалсафий таълимотини катта қизиқиш билан
УҚиб-ўрганди

Ҳамза инсон феъл-атвори, шаклланиши ва ривожланиши-
«а ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия катта ўрин тутади, деб
^Исоблаган. Ижтимоий тенгсизликнинг асосий сабабини омма-
гИнг нодонлиги саводсизлигида деб билганлиги учун камба-
алликдан, аянчли ва кулфатли ҳаётдан қутулишнинг энг яхши
**Улц** — маориф-маърифатдадир деб билди, халқни илмли —
аърифатли қилишда мактабнинг аҳамияти катта эканлигини

тушуниб етди. Унинг фикрича, мактаб миллат макони, гавҳап ёқутнинг кони, мактаб бўлмаса битар миллатнинг **ному** „ шони. 1 "а

У жамиятнинг келажаги, халқнинг маданияти ва маънавия тининг қандайлиги, ВатанНинг иқболи ва истиқболи инсонпят нинг тенг ярмини ташкил этадиган хотин-қизларга қанчалик эътибор берилганлиги, уларга кўрсатиладиган иззат-икром ҳурмат ва мурувват билан белгиланади, деб уқтиради. ' '"

Ҳамза бошқа Шарқ мутафаккирларидек Ватани билан фахрланган, Ватан ишқи ва ташвнишида куйиб-ёнган, Ватани учун бутун борлиғини, зарур бўлиб колгудек бўлса, тан ила жонини фидо қилишга тайёр турган фидойи инсон эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон халқлари сафидан ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук ва баркамол, замонавий асосда бемалол фикр-мулоҳаза юрита оладиган, келажакни олдиндан кўрадиган, эл-юрт қайғуси 'билан куйиб-ёниб яшайдиган, миллий истиқлол учун курашга ҳамиша шай турган олимлар, адиблар, файласуфлар, фан ва маданият арбоблари кўрина бошлайдилар. Тарих майдонига кириб келган тараққийпарвар зиёлилар ўзларининг ўта таъсирчан асарлари, шеърий достонлари, ўткир публицистик мақолалари, драмалари, фалсафий рисолалари билан Туркистон халқлари ижтимоий-сиёсий онгининг ўсиши ва миллий ўзлигини англаб етишнда ижобий таъсир кўрсатдилар.

Халқимизнинг зукко фарзандлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Ф. Хўжаев, А. Икромов, Шоислом Шоаҳмедов, Бобоохун Салимов, Полвонниёз Юсупов, Турор Рисқулов каби ватанпарварлар чор мустамлакачилик сиёсати туфайли, Туркистон забун аҳволга тушиб қолганини, эл-улус жаҳолат ва нодонлик қўйнида эрксизлик туфайли иккиёқлама эзилиб ётганини чуқур англаб етдилар ва бундай ҳаётни ўзгартириш, тамомила янгилаш, миллий истиқлолга эришнш зарурлиги ҳақидаги фалсафии ғояларни олға сурдилар. Улар халқ бахтини ўз бахтлари Де& билдилар. Халқимизнинг кўкрагига озодлик, ҳуррият шабадаси тегадиган бахтли кунлар, саодатли дамлар етиб келишини зўр интизорлик билан кутдилар. Халқни маърифатлн қилиш, билим савиясини кўтариш, фикр доирасини ўстирнш, милли» нстиқлолга эришишнинг зарур шартларидан бири деб тушун* дилар ва ана шу олижаноб ниятларини амалга ошириш УЧУ тинмай ҳаракат қилдилар. Туркистоннинг келажак тақдир тўтрисида, миллатнинг истиқболи ҳақида тинмай қайғурД лар, изландилар, миллий истиқлолимизга замин яратдилар-

Узбекистон Республнкаси Президенти томонидан таъкид^ ланганидек, «Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг боши тушган оғир кунларда қатағонга учраб, гуноҳсиз қурбон бу

минглаб забардаст, унутилмас фарза,ндлари тамал тош-
Г>« й қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида хал-
Лимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонлар-
К"!нг номлари бирин-кетин тикланяпти. Абдулла Қодирий ва
?бдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби
пятанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб
сиймоларнинг маънавий меросларн бугун халқимиз бисотига
кайтмоқда»[1]-

Самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) асримизнинг биринчи чорагидаги Туркистоннинг энг машҳур кишиларидан ҳисобланарди. Тараққийпарварларнинг устози ва пешвоси бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг муборак номи ва илмий асарлари Туркистондагина эмас, Кавказ, Волга бўйи халқлари, кўпчилик мусулмон мамлакатларида ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Беҳбудий Туркистондаги жадидлар ҳаракатининг йирик намояндаси, унинг назарий асосчиларидан бири, таниқли ёзувчи, журналист ва жамоат арбобидир.

Беҳбудий ўз даврининг буюк донишмандидир. Илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳалари, айниқса, Шарқ фалсафаси ва Европа адабиётидан чуқур билим ва маълумотга эга бўлган. «Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтларидаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак»-,— деб ёзган эди Ф. Хўжаев.

Умуман олганда, Беҳбудийнинг Туркистонда янги усулдаги мактабларни ташкил этишдаги ва жадидчилик ғояларини матбуот орқали тарғиб қилишдаги хизматлари ғоят катта.

Беҳбудий 1903—1904 йилларда ўзбек ва тожик тилларида «Қисқача умумий география» асарини, янги усулдаги мактаблар учун дарслик ва қўлланмаларни ёзди. «Беҳбудий» номли нашриётни ташкил этиб, унда ўзбек тилида дарсликлар босиб чиқарди. Самарқандда маҳаллий аҳоли учун қироатхона очишга бошчилик қилди.

„ Беҳбудий 1913 йилнинг апрелида «Самарқанд» газетасини, УШа йилнинг август ойидан бошлаб эса «Ойна» газетасини чиҚаришга киришди.

Маҳаллий халқдан биринчи бўлиб харита тузган, ўз уйида кУтубхона очган, тарихга, ислом ҳуқуқига оид асарлар, ўқув «итоблари ёзган ҳам Беҳбудийдир.

Аёлларнинг илм олиш ҳуқуқини ҳимоя қилган, дунёвий фанларни ўрганишга ундаган, табиат ҳодисаларини, Ернинг дУмалоқлиги, ўз ўқи атрофида айланиши ва муаллақ туриши,

то ' 11 А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. а «Узбекистон», 1993, 85- бет.
РиРт, ,айзУлла Хўжаев. Танланган асарлар. I том. Тошкент, <Фан» наш- 1976, 84- бет.

Ой ва Қуёш тутилишини илмий нуқтаи назардан тушунтипи ' га ҳаракат қилган ва булар ҳақида энг кўп ёзган ҳам БеҳЛ дий бўлган. •У"

Беҳбудий фавқуладда қобилият ва истеъдодга эгалиги. ц0 ] дасининг кучлилиги, зиёлилар ва халқ оммаси билан алокас! нинг мустаҳкамлиги, ўткир назариётчилиги ва амалиётчилаг | ҳар ларсани ҳаётдан ола билиши, ўтмишни чуқур тушуниши в I келажакни олдиндан кўра билиши ила замондошларидан айп«1 либ, ўзига хос ўрин тутарди.

Беҳбудий Туркистонни чор мустамлакачилиги зулмидД қутқазиш ғоясини ўз асарларида илгари сурди. Халқни мил^ лий истиқлол учун курашга чорлади. Миллат тараққиёти ва истиқболи, Туркистоннинг келажаги ҳақида ўйлар экан, халк. ни жаҳолат ва нодонлик, эрксизлик ва қашшоқлик ботқоғидан қутқариб олишнинг бирдан-бир йўли илм-маърифатли бўлишдир, деган хулосага келди. Халқ ҳозирда ҳукм суриб турган 1 бидъат, хурофотдан халос бўлса, келажакка умид кўзи билан қараб, илм-фан эшикларини кенг очса, яхшилик томон юз тутса, болаларини Оврупа дорилфунунларнга юборса, улардан адвокат ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса —нақадар олий ва гўзал иш бўлур эди, деб кўнглидан ўтказарди. Беҳбудий фикрича, халқдан маблағ йиғиб ўқишга, илмга рағбати бўлган, аммо ота-онаси қурби етмайдиган Туркистон ёшларини чет эл дорилфунунларига юбориб ўқитиб, миллатнинг ривожи ва истиқболи учун зарур бўлган муҳандис ва муаллимларга, Оврупа бозорларида савдо-сотиқ қиладиган, хорижлилар тилини биладиган замонавий илмий ходимларга эга бўлиш керак. Алломанинг юқоридаги фикрларн ўз аҳамиятини ҳозирги даврда тўлалигича сақлаб турибди.

Халқ оммасини илм-маърифатли қилишнинг миллатимиз ва Туркистон истиқболи учун қанчалик муҳим аҳамият касб этиши Беҳбудийнинг 1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмасида ҳар томонлама кўрсатилган. Беҳбудий томонидан **таъкидланганндек**, ўқимоқ-ўрганмоқ, билнмли — маърифатли бўлмоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотин бўлсин фарздир.

Беҳбудий қарамликдан қутулиш, миллатни ҳалокатдан сақлаб қолишнинг энг муҳим омнлларидан бири Туркнстон халқини ғафлат уйқусидан уйғотишдадир, деб тушунади.

Беҳбудий бу ҳақда «Падаркуш»да Зиёли номидан шунДа дейдн: «Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонда илм в , ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлнда кетгандек, ахлоқ ва обрўси ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини Ҳа заиф бўлур. т·

Маҳмудхўжа Беҳбудий халойиқни диний ва ахлоқий зкиҳ дан тарбиялашда исломий илмларнинг аҳамияти хусусида у Ч нинг фикр-мулоҳазаларини баён этгандан сўнг дунёвнй иЛ • ларнинг муҳим ва зарурлигини ҳам алоҳида уқтиради. у

«Олимий замани бўлмоқ учун,— дейди Беҳбудий,— 60 %

нИ аввало мусулмони хат ва санодини чиқариб, зарурияти ']инйй ва ўз миллатимиз тилини биладуғондан сўнгра ҳукума-;„М03НИ низоми мактабларннда бермоқ керакдур: яъни гимна-Т1|Я ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғанларидан сўнг, ^етербург, Москов дорилфунунларига юбориб, докторлик, за-конЧилик, инженерлик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, ]ПМИ ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозим- „р... Ҳаттоки, шул тариқа ўқиган мусулман болаларини Фа-раНгистон, Омриқо ва Истамбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур.

' 'Беҳбудий «Падаркуш» асарида чор мустамлакачилик сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли, ва айниқса, ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, маиший бузуқчилик, қиморбозлик, ўғрилик, порахўрлик, товламачилик, безорилик сингари мутлақо зарарли расм ва одатлар тарқала бошлаганлигини, натижада одамлар ўртасида меҳр-оқибат сўна бошлаб, ака билан ука, ата билан бола бир-бирига ёв-душман бўла бошлаганини, падаркушлар кўпайиб бораётганлигини қаҳр-ғазаб ва нафрат билан тасвирлайди.

Асрий миллий-урф-одатларимиз, шарқона анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни қўлдан бой бермаслик, одамлар ўртасида мурувват, саховат, одамийлик сингари хислат ва фазилатларини кучайтириш, мустамлакачилик юзага келтнрган «байналмилалчилик» урф-одатларидан кутулиш йўллари ҳақида Беҳбудий ўз мулоҳазаларини «Падаркуш»да шундай баёи этади: «Илмсиз ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлпк алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирь ва бандга ва рёматга жаҳаннамга қолмас эди. Агар булар ичкилик ичма-са эди, дунё ва охиратда ила ал-абад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмликдир. Бизларни хонавайрон, °ачагирён ва беватан ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳо-^атдир; беватанлик, дарбадарлик, фақир ва зарурият ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликни меваси ва на-тижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила зраққий қилади. Асир ва забун бўлганлар-да беилмликдан. °Домики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаимиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо •Укмфарма бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ^нтмакдан бошқа илож йўқдур. Оллоҳу таалло бошқаларга Ми ибрат ва сизларга сабр бергай».

Ра еҲбудий ўзининг 1914 йили ёзган «Иккн эмас, тўрт тил кебий* МаКоласида Туркистон халқларининг туркий, форсий, арам„5Ва РУсий тилларни ўрганишга тарғиб этиш учун тарихий Лар„ ЛаРга мурожаат этиб, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳам ўзэт,Га Га ғоявий душман бўлган яҳудий тилини ўрганишга амр 1ликларини эслатиб ўтган.

и

Ҳажман кичик, мазмунан чуқур ушбу мақолада Бе\бул I тнл билишнинг, айниқса, хорижий тилларни ўрганиб шахснинг маънавий камолоти, миллатнинг маданий риво Нг илм-фани тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга экаилиг;! "' аниқ мисоллар орқали исботлаб беради. Уннпг алоҳнда ук^!' рншича, «Форсий билган киши Фирдавсий Бедил, Саъд,,-' Саноийдан қандай лаззат алса, туркий билганлар Фузулий^ Навоий, Боқий, Сомий, Абдулҳақ Ҳомид, Акрамбек,' Усто* Ноид, Ҳожийлардан, яна Толстой, Жюль Верн ва уламо за мони асарини туркий таржимасидан шундай лаззат оладур^"

Муаллиф мақоласида эслатиб ўтилган тўрт, яъни арабиУ русий, туркий ва форсий тилларни билишнинг ўзига хос фазилатларини ҳам чуқур илмий таҳлил этган. Арабий тил дин учун не даражада лозим бўлса,— дейди,—русий ҳам тирикчилик ва дунё учун лозимдир. Арабий билмасак дин, русча билмасак дунё қўлдан кетар, туркий ва форсийнинг кераклигнга сўз йўқтур. Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бир-бирила анинг ила сўйлашур. Ул фаранса тили ва хатидур. Ғайри диннинг илм ва хатини ўрганмоқ шариатга дурустдир.

Беҳбудий, ўз нафимиз учун русча билайлик, ҳукумат мактабларида ўқийлик, давлат мансабларига кирайлик, ватанимизга ва ўзимизга хизмат этайлик, мусулмон бўлиб турнб тараққий қилайлик, чунки бу замонда саноат ва мамлакат ишлари хорижий тилларни билишга боғлиқдир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек тилининг давлат тили бўлиши масаласини ҳам ўзи яшаб ижод этган тарихий шароитда биринчилардан бўлиб кўтарган сиймолардан биридир.

Беҳбуднй илм-фан, маданият, маънавият ва маърифат тараққиёти учун нима иш қилган, қандай. фаолият кўрсатган, қанчадан-қанча асар, рисола, пъеса, мақолалар ёзган, кутубхона ва қироатхоналар очган, мактаблар очиб дарсликлар битган бўлса, ҳаммасини асосан, туркий халқларнинг келажагн, миллий истиқлол, Ватанини озод ва о.бод бўлиши учун қилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий истиқлол йўлида шаҳид кетган буюк сиймодир. Унинг муборак номи, миллий истиқлолим"3 йўлида қилган бебаҳо хизматларн халқларимиз қалбида аоадий сақланади. Я

XX аср ўзбек адабиёти, санъати, маданияти, ижтимоий-фал* сафий фикр тараққиётининг йирик олими ва назариётчиси, та| ниқли жамоат арбоби Абдурауф Фитрат (1886—1938) нин серқирра ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳозирги з \ мон ва келажагимиз ҳақидаги ғоялар баён қилинган. Фитр ўзбек халқи илм-фани ва маданияти тарихида самарали ^ қолдирган сиймолардан, истиқлолимизни олдиндан кўра олг ^ фидойиларидан бўлиб ҳнсобланади.

1 «Ойна» журнали. 1913 йил, 1-сон.

Абдурауф Фитрат фавкулодда қобилият ва истеъдодга эга .»лгаН сиймодир. Ушшг илмий-фалсафий мероси ғоятда бой, илма-хил ва чуқур маънолидир. Фитратнинг «Бизда шарқ сиё-
* «Узбек классик музикаси», «Туркистонда руслар», «Ҳинд
с т11лофчилари», «Абулфайзхон», «Уғизхон»; «Арслон», «Сай-
иа>1 «Қиёмат», «Чин севиш», «Аруз ҳақида», «Адабиёт қоидалар'и» Деган йирик қимматли асарлари, драмалари, шеърий онсолалари, Умар Ҳайём, Бедил, Бобуршоҳ, Яссавий, Фирдавсий, Навоий, Машраб, Турди ҳақидаги назарий жиҳатдан бакувват мақолалари, қанчадан-қанча таржималари халқимизнинг бебаҳо илмий-фалсафий бойлигидир.

дбдурауф Фитрат асарларида чор Русияси томонидан Туркистон зўрлаб босиб олиниб мустамлакага айлантирилганлиги, халқимиз учун мустақиллик ўтмишга айлана бошлаганлиги кескин қораланган. У бу ҳақда ўзининг «Юрт қайғуси» шеърий тўпламида «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир»[1],— деб ёзган эди.

Чор ҳукумати Туркистонни ярим асрдан кўпроқ мустамлакa сифатида ушлаб турди. Босқинчилар ўлкамиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларига ёвузларча қўл чўзишди. Уз эрки ва мустақиллигидан маҳрум этилган халқимизнинг, кўрмаган жабр-жафоси, чекмаган азоб-укубатн, бошидан ўтказмаган хўрликлари қолмади. Абдурауф Фитрат томонидан куйиб-пишиб айтилганидек, «эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди...»[2].

Рус чоризми Туркистоннинг табиий-иқтисодий бойликларини талаш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг мустамлакачилик сиёсатида тобе халқларни бўғишга, уларни сиёсий онгсиз ҳилиб қўйишга, сиёсий фаолиятдан умуман четлаштиришга зўр бериб уринди.

Талантли ташкилотчи шахслар, арбоблар халқни ўз орқаларидан эргаштириб кетади, деган қўрқув, ташвиш-таҳлика остида чор маъмурлари ундайларни зимдан йўқотди, сиёсий фаолиятга йўлаттирмади.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб негизи ва моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётанлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу Д°но фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор мустамлакачилик сиёсати моҳиятини фош этган, халқни эрк ва °Дликка. билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятла-

[1] Ҳ®мидулла Болтабоев. Юрт қайғуси. «Шарқ юлдузи», 1992, 4-сон, 181-бет

[2] Уша асар, 182- бет.

римизни қўллаб-қувватлаган, шу йўлда ҳалок бўлган б^^ қалб эгаси Абдурауф Фитратдир. '

Фитрат ҳамма иллат ва касофатнинг, ҳар қандай зулм истибдоднинг, ўз юртида бегона бўлиб азоб-уқубатда "яш-[8а] нинг асоснй сабаби мустамлакачиликда эканини кўрсатЛ' қуйидагиларни баён этганди: «Рус капиталистлари билан 0 1 пўпларининг содиқ ва ишончли қоровуллари бўлғон эскй Ру^ ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болалаЛ нинг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими?

Мана шул саволга —«йўқ»дан бошқа бир жавобимиз йўу дир. Юртимиз эллик йиллик бир идорайи аскарийа остида туп! диғи учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўшод" олмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан исти фода қилолмадиқ. Бизнинг кўзларимизни очдирмаслик учун фикри очиқ татар қариндошларимизнинг дахн Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари манъ этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдирмоқ тилаги билан Устраумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда ғазита чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни англатмоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва ғазиталар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми ғасб этилди. Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вағон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлғон рус ва арманидан тубанда тутилди.»[1]

Абдурауф Фитрат насрий асарлари ичида 1912 йилда Истамбулда нашр этилган «Ҳинд сайёҳи қиссаси» алоҳида ўрин тутади. Қисса Бухорога келган ҳиндистонлик мусулмон сайёҳ тилидан ҳикоя қилинади., Уз замонасининг донишманди ва илғор файласуфи ҳисобланган Фитрат Бухоро аҳолисини уч тоифага — уламо, умаро ва фуқарога ажратади ва уларни бирбиридан ту"б фарқини кўрсатади.

Қиссада Фитрат Бухорони азал-азалдан олиму фузалоларни саф-саф қилиб етиштиоган доною донишмандлар маскани, илм-маърифат ўчоғи эканлигини зўр фахр-ифтихор билан эслатиб ўтади. «Маълумки,— дейди бу ҳақда у,— Бухоро қадимдан ўта доно ва зукко фузало аҳлини тарбиялаб, вояга етказган. Ҳар куни бир Абу Али, Форобий ва бошқаларни жахонга ҳадя этиб, шу тариқа ўзининг шарафли довруғини дунё халқ-1 ларининг қулоқларига зирак этиб таққан. Аммо, мана икки йилдирки, ўзининг илмий қимматини йўқотди»[2].

Фитрат Бухоро уламо ва руҳонийларининг илмдан мутлР^ хабарсизликлари, ўзларининг шахсий манфаатларидан боШЬ I

[1] Абдурауф Фитрат. Туркистонда руслар. «Шарқ юлдузи», 1992 ия • сон, 184-бет. о.СоИ'

[2] Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳи қиссаси. «Шарқ юлдузи», 1991, о 7- бет.

ани ўйламасликлари, миллат, эл-юрт, ватан тақдири ва йарС-боли уларни асло қизиқтирмаганлиги туфайли «маданият йст"нпнинг порлоқ юлдузи, инсоният китобининг нурли саҳи-осМо бўлган Туркистон дўсту душман олдида уятлик бир ҳол-ФаСl' бтало бўлди, ҳалокатга етди», дейди.

№ улм-фан ва техника тараққиёти соҳасида Бухоронинг, уму-н Туркистон ўлкасининг Европа мамлакатларидан беҳисоб М пажада орқада қолиб кетганлигини Фитрат очиқ-ойдин баён ^тади: «Оврупо мамлакатлари ўзларининг йирик шаҳарларида 3 кончнликка оид мактаб очганлар. Уз фарзандларини шу мактабларга киритиб, қишлоқ хўжалигига оид фанлардан таъпим берадилар. Бухоро деҳқонлари эса ерларига қувват бериш учун энг аввало битта от ва арава ёки бир неча эшак сотиб оаишга мажбурлар ... Шунинг учун ҳам бухороликлар ердан унумли фойдаланиша олмайди»[1].

«Ҳинд сайёҳи қиссаси» да Фитрат Бухоро амирлигига қарашли ерлардан унумли фойдаланишга, мамлакат ободонлигига эришишга ундайди. «Қарши ва Қитобнинг бирон-бир олача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан-оёқ зар-зеварларга ботар эди. Бу бечораларнинг эса ейишга нони йўқ. Агар Шаҳрисабз ерлари Епон элида бўлганида эди, зар экиб, зар ундирардилар»[2],— деб ёзган эди.

Ватанни озод, обод ва эркин, халқни ҳар қандай истибдод кишанларидан холи кўриш орзуси Фитратнинг барча асарларида устиворлик қилади.

Фитрат истиқлол учун кураш мустамлака истибдодидан эзилган халқимизни оёққа турғазишини, миллий руҳи уйғонишига сабаб бўлишини башорат қилиб бундай деб ёзган эди:,

*Олдимизни тўсган булут парчаси*
*Кучли бир ел кўргач, йиртилар.*
*Умид куни биз учун ҳам туғар,*
*Қайғурмагил сира эй, «Ҳақ» туйғуси.*

Профессор Абдурауф Фитратнинг «Темур сағанаси» номли ^аҳна асарида Амир Темур даврида дунёни титратган, кейинчалпк парчаланиб кетган улуғ Турон ўлкасини қайтадан бирашишга, ғафлат уйқусида ётган миллатларнинг кўзини очиш-^а қарата айтган қуйидаги ҳайқириқ — нидоси ҳозирги даври-

из У^Ун Ҳам тўла ҳамоҳангдир:

**ЧУ** * Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди! Не->к кунларга қолдинг?

Ри! К ТемУРларнинг, ўғизлар оилаларининг шонли бешикла-

• .^уллик чуқурларига недан тушдинг?

^^Унёнинг «уроҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли

[7]" бет ^бдУРаУФ Фитрат. Ҳинд сайёҳи қиссаси, «Шарқ юлдузи», 1991, 8-сои,

[2] асарда, 31- бет.

болаларинг қанн? Ер тупроғини кўкларга учиратурғон т ] гавдали ўғлонларинг қани? ...

Ер юзининг буюк салтанатини сен қурмадингми? Ҳиндас тоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ хоқонларини сен юборма' дингми? Эй хоқонлар ўчоғи Қани у чақмоқ чопишли ботиц хоқонларинг? Қани аввал ўқ юришли отли бекларинг? ... ®

Эй, Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси Қайғурма! Эски давла тинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдир.

Ёлғиз ... Оҳ, ёлғиз ... тарқалмишдир»[1].

Абдурауф Фитрат Туркистоннинг муқаддас тупроғини лимларнинг оёқлари остидан тозалаш учун элни иттифоқ бў. лишга чақиради: «Бугун ер юзида саксон миллион боланг бар Буларнинг томирларидаги қон Темурларнинг қонидир»[2].

Фитрат турк улусининг кучи дунёнинг ҳар томонига тарқалиб кетганлигини афсус-надоматлар билан эслатади. Темур сағанасига бош уриб, Турк юртининг қайғулари тарихидан сўз очади: «Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, ҳоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган қонли кўз ёшларим этакларингга тўкарга келдим. Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгали келдим. Номусини бад кишиларнинг оёқлари остинда кўриб турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тумуғ оловлари каби сачрагай. Лекин ўз кучсизлигини англаб қайтиб ўтнрган ва қон йиғлаган турклик ҳолини арз этарга келдим, ҳоқоним»[3]

Абдурауф Фитрат Ватанини озод ва мустақил, халқини ҳур ва эркин кўришни вужуд-вужудила орзу қилганди. У жондан азиз севган, ардоқлаган Ватанининг мустабид тузум ша роитидаги қисмати, мустамлакачилик аҳволига ачиниб «Юрт қайғуси» асарида, «ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга» деб мардона хитоб этганди.

Халқимиз ўзининг донишманд фарзанди, файласуф олими Абдурауф Фитратни мустақиллик пойдеворига тамал тошни қўйган, элим, юртим деб куйиб-ёниб яшаган фидойи фарзанди сифатида қалбида мангу сақлайди. Мустақиллик туфайли унинг мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлао ўчирилган муборак номи тикланди, илмий-фалсафий мероси халқимиз бисотига айланди. Абдурауф Фитрат — Ватанимиз миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларД[3] биридир.

Уз жонини, ақлу заковати, истеъдодини Ватанимиз эркн лиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахт-саодати йўлида Ф

[1] Қаранг: «Маърифат», 1995-йил, 30 август.
[2] «Шарқ юлдузи», 1992. 4-сои, 182-бет.
[3] Уша жойда.

килган улуғ зотлардан бири — ўзбек халқининг асл фар-
ᴬᴼ,.ᴰᴾ Абдулҳамид Чўлпон (1897—1937 йй.) дир.

33 Дбдулҳамид Чўлпон ёшлигидаёқ араб, форс, турк тиллари-
мукаммал эгаллайди, Шарқ фалсафаси, Шарқ адабиёти ва
**арихини** севиб қолади, Форобий, ибн Сино, Беруний, Фирдав,-
Ч Ҳофиз, Саъдий, Умар Ҳайём, Жалолиддин Румий, Бедил,
«авоий сингари буюк мутафаккирлар асарларн, илмий-фалса-
онй меросларнни катта қизиқиш билан ўрганади. Европа илми-
Фани, маданияти, адабиёти ва санъатига бўлган қизиқиш унда
**айниқса** кучлн бўлган. Ҳам шарқона, ҳам европача пухта ва
хар томонлама билим ва маълумот олган Абдулҳамид ўн ол-
**тн** — ўн етти ёшларидаёқ илғор фнкрли зиёли бўлиб етишади[1].

Абдулҳамид Чўлпон машҳур тарихчи, етук файласуф, шарқ-
шунос олим, адабиёт, санъат ва маданият илмининг буюк до-
**нишманди** сифатида роман ва драматик асарлар, қатор рисо-
лалар, эсдалик ва хотиралар, адабий ва танқидий санъатга оид
**,,лмий**-назарий мақолалар, кўплаб ҳикоялар, икки юзга яқпн
шеърлар, бир қанча таржималарнинг муаллифидир. Унннг
«Кеча ва кундуз» номли романи, «Ерқиной» деб аталмиш дра-
матик асари, «Адабнёт надур?», «Мирзо Улуғбек», «Тилпмиз-
нинг ишланиши» номли мақолалари, «Шарқ нури», «Шарқ
қизи», «Узбегнм», «Туркистонлик қардошларимизга», «Одам ва
қуш», «Халқ», «Бузилган ўлкага», «Қилич ва қон», «Кишан»,
«Эркинлик истаги», «Яиа ўт» номли шеърлари ижтимоий-фал-
сафий фанларимиз тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга-
дир.

Миллий уйғониш, миллнй мустақиллик, эркинлик ғоялари,
табиийки, Чўлпон ижодида катта ўрин эгаллади. Чўлпон ўз
асарларида миллатни равнақ топтириш, мустамлака асорати-
дан халос этиш учун халқ ўзини-ўзи таниган, ўзаро бирлашган,
миллий ҳамжнҳатликка эришган, миллий ифтихор туйғусига
эга бўлган, ўз юртининг оташин ватанпарварига айланган
бўлмоғи лозим ва зарур, деган фалсафий ғояни дадиллик би-
лан илгари суради. Унинг буюклиги, ўз халқи ва Ватанининг
фидойи фарзанди эканлиги ҳам ана шундадир.

Чўлпон Туркистоннинг тақдири, миллатининг истиқболи ҳа-
'\ида чуқур қайғурди, элим деб, юртим деб яшади, Ватанини
^аъба санаб, унга таабад сажда қилди, эркинлик, ҳуррият,
Устақиллик йўлида жонини фидо этди.

Чўлпон — ўз халқи куч-қудрати ва имкониятига астойдил
ишонган, халқининг буюк ақл-идроки ва тафаккурига ихлос
идап қараган, мустамлакачилик кишанларини йўқ қилади-
ан, Ватан мустақиллигини таъминлаб миллий истиқлол ва
Стиқбол йўлини очадиган ҳал қилувчи куч халқ оммаси экан-

1%,' „Қаранг: Озод Шарофиддинов. Чўлпон. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти.
• ' 8- бетлар.

лигига бутун вужуди ила ишонч билан қараган ажойиб инс$_0$ дир. Унинг буюк халқпарвар адиб, етук файласуф олимдц[4]'' энг аввало «Халқ» деб аталган файласуфона шеърида яқ$_к$[Г]" кўринади. Чўлпон халққа буюк эътиқод билан сиғинади, ха^ қа астойдил .ишонади. «Халқ денгиздир, халқ оловдир, хал кучдир», деб таърифлайди. Агар халқ қўзғалса, ғазабла оёққ! турса уни тўхтатиб қоладиган, халқ истагин йўқ этадиган куъ[4]| ват дунёда йўқса топилмайди, деб кўрсатади.

Чўлпон ўша машҳур шеърида агарки ҳалқ истаса тож ва тахтларни, салтанатларни муқаррар равишда йўқ қила **олиши** мумкинлигини башорат қилади:

*Халқ «истаги» озод бўлсин бу ўлка,*
*Кетсин унинг боихидаги кўланка,*
*Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,*
*Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*
*Иўқликни-да, очликни-да йўқ этар,*
*Уз юртини ҳар нарсага тўқ этар.*

Эркинлик, ҳуррият ҳар бир инсоннинг, айниқса, ўз эркидая маҳрум этилган, бўйнига мустамлакачилик кншанлари кийдирилган халқ учун буюк орзу-армондир. Чўлпон шеъриятида одамларнинг қўл ва оёқларидаги, юрак ва тилларидаги кишан занжирларини парчалаб ташлаш, ҳур яшаш, мустақилликда ҳаёт кечириш ҳақидаги фалсафий ғоялар етакчи ўрин тутади. Ана шу чуқур маънони фалсафий фикрни Абдулҳамид Чўлпоннинг 1922 йилда ёзган «Кўнгил» шеъридаги қуйидаги исёнкор сатрларидан кўрамиз:

*Тириксан, ўлмассан,*
*Сен-да одам, сен-да инсонсан:*
*Кишан кийма, бўйин эгма,*
*Ки, сен ҳам ҳур туғилгансен!*

Абдулҳамид Чўлпон томонидан қайта-қайта таъкидланганидек, эркин бўлиб яшаш инсон учун ҳамма нарсадан азиз ва мўътабардир, лекин инсон эркинликка оппа-осон эриша олмаиди, эркинлик қурбонсиз, катта ва қонли курашларсиз бўлмаслигини ҳам ўз асарларида баён этади.

Абдулҳамид Чўлпоннинг 1920 йилда ёзган «Биз билган ўл* кага» номли шеърий достони ўзининг мазмун-моҳияти, фалсафий ғояларга ниҳоятда бойлиги, халқни миллий **истиқлолга** даъват этганлиги ва бошқа муҳим жиҳатлари билан киши эътиборини ўзига тортади. Унда халққа қарата, «Нима учун **оо-,** шингда қуюқ булут кўланка?», «Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?», «Нима учун тунларингда бўриларнин < қорни тўқ?», «Нима учун ёвларингни бир замон йўқ қилгуД[е] I темирли ўч йўқ сенда?» деган оташин — ўтли даъвату **хитабно*.** малар баён этилган. Достоннинг ҳар бир сатри ва жумлас халқни оёққа турғазишга қаратилгандир. Чўлпон ўша достоН

халққа, юртини талаб, кўкрагига оёқ қўйиб келаётган, эр-"чн тупур$^{огинда}$ яшашга ҳеч ҳаққи бўлмаганларга сен нима $^{к'}$ун баланд товуш билан «кет» демайсан, деб уқтиради.

^ Туркистон халқларининг севимли адиби, файласуфи, озод-[К ва истиқлол куйчиси ҳисобланган Абдулҳамид Чўлпон $^{л}$„змий ва ласрий меросида жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб :-тган Шарқ ўлкаларн мавзуи етакчи ўрин тутади. Чўлпон ШарҚ $^{ва}$ шарқликлар тақдирида ўзини ва ўзлигини кўради. «ШарҚ нури» шеърида дунё тарихини ёзган муаррихлар йўқсул Шарқ тарихини ақалли бир бет бўлса-да ёзмадилар, ун'и назар-писанд қилмадилар деб қаттиқ ўксинади. Шарқ ҳақида гап кетганда фақатгина «йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш эсланилади», деб афсусланади. Таъкидланганидек, бир замонлар ер юзида улуғ маданият ва маънавиятни яратган ул гўзал Шарқ кейинчалик чет эллик босқинчилар исканжасига тушиб қолади. Аллома адиб фахр-ифтихор билан «кун ҳам Шарқдан, Ой ҳам Шарқдан чиқадир» деб ёзади.

Шарқ тақдирини ўз тақдири деб билган Абдулҳамид Чўлпон бир кунмас, бир кун Шарқнинг уйғонишига, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши ва алангаланишига, мустамлакачилик занжирларининг тилка-пора қилинишига астойдил :1Шонади, бир умр ана шу орзу-умид билан яшайди.

Минг афсуслар 1бўлсинким, Абдулҳамид Чўлпон орзу-армонлари рўёбга чиққан, Узбекистон Давлат мустақиллигига эришган тарихий кунларни кўролмади. Узбек адабиёти, маданияти ва санъатининг улкан арбоблари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Усмон Насир, Элбек, Ботулар қаторида Абдулҳамид Чўлпон ҳам адолатсизлик қурбони бўлди.

Ватанимиз, миллатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҚУрбон бўлган халқимиз азиз фарзандларининг бебаҳо асарлари, назмий ва насрий мерослари, ижтимоий-фалсафий ғоялари ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий Қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида хизмат қилиб, авлодлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини $^{Та}$рбиялаб келмоқда.

Муборак номлари фахр-ифтихор ила эслатиб ўтилган фози-У Фузалолар фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон алқларининг ҳам севимли адиблари, озодлик ва истиқлол куй-$^{ЧИл}$ари ҳамдир.

т Мустақиллик туфайли ул мўътабар инсонларнинг номлари кланяпти, таваллуд топган кунлари тантанали нишонлана-Л- асарлари қайта-қайта чоп этилаяпти.

пд $^{к}$.$^{о}$рида номлари эслатиб ўтилган маърифатпарвар, халқ-ф „ » ° р > ватанпарварларнинг асарларида баён этилган фалса-сисЬ ^$^{Ик}$Р$^{ла}$Р халқимизнинг маданий-маънавий қадриятлари Фатида ҳанузгача сақланиб келмоқда.

## 5. Ватанимиз ҳозирги даври фалсафаси

Инсоният мадаинияти таркибий қисми ҳисобланган фалсаф шўро даврида ўзининг фан хусусиятини аста-секин йўқ$_{0т}$^$^{а}$ сиёсийлашган мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланнб қолг$_{г1}$1 эди.

Бу даврда фалсафа фанига аниқ, мавжуд воқеликни қ$_{а}$д даражада ҳаққоний, илмий ва холис акс эттирганлигпга қараб эмас, балки ҳокимият тепасида турган кучлар ва «биринчи д$_{а}$. ражали олий раҳбарларнинг мақсадлари», манфаатларига мувофиқлигига қараб баҳо берилган.

70 йил мобайнида марксизм қоидалари, ақидалари барча ижтимоий фанларга, жумладан, фалсафага асосий пойдевор қилиб олинганди. У белгилаб берган «илмий йўлдаи» ЧИҚИШ-га, бошқача ўйлаш ва фикрлашга на бирон-бир олим ва зиёлининг, на бирон-бир файласуфнинг ҳаққи йўқ эди. Расмий тафаккурдан, таълимотдан четга чиқиш, уларга зид йўлдан бориб, эркин фикр горитмоқчи бўлган олнм ва зиёлиларни партиявиГг жазолаш, партиявийлик, ғоявийликдан чекинишда, синфий хусусиятларни йўқотишда ва бошқа камчиликларда айблаш одатга айланиб қолган эди. Бундай вазият, албатта, ижтимоий фанларнинг, биринчи навбатда фалсафа фанининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди ва ижодий фикрлашга имконнят бер мади.

Барча фалсафий таълимотлар коммунистик мафкура томо нидан чекланган, аҳамиятсиз, ғайри-илмий деб баҳоланди Шарқ фалсафасига етарли эътибор берилмади. Аҳвол шу да ражага бориб етдики, Ислом дини билан боғлиқ бўлган мукам мал фалсафий асарлар ва таълимотлар ўқиб-ўрганилмай яроқ сиз бир мерос сифатида қораланди. Шу сабабли Марказнй Оснё халқларининг фалсафий меросини чуқур ўрганиш имконият лари ҳам деярли йўққа чиқарилди. Баҳоудднн Нақшбанд имом Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Исо Термизий, Хожа Ахрор ва шунга ўхшаш алломалар кескин танқид қилинди.

Уша замонларда Навоий, Бобур, Машрабдан ва қатор шои ру адиблардан зўр бериб даҳрийлик, атеистик ғоялар излана бошлади. Агар «топилгудек» бўлса, уни ёлғон-яшиқларга ўР$^{а}$" бўрттириб ва кўпиртириб халққа етказилди. Қайси бир шоирУ адибдан даҳрийликни топишмаса, уларни таркидунёчи, эзуғ$^{4}$" синф ҳимоячиси, деб ҳақоратланди. Энг ачинарлиси шунд$^{ан}$ иборат бўлдики, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, Сўфи Олл°* ёр, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий, Ҳувайдо Юсуф Сарёмий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир $^{с}$" гари буюк аллома ва адибларнинг асарлари «диннй ғоялЧ билан ^суғорилганлиги», «миллатчилик руҳида бўлганлпги» У$^{Ч}$У фойдаланишга рухсат этилмади. 1

Шуни таъкидлаш керакки, мафкуравий тазйиқ ва чекл* қўйишларга қарамай, Узбекистон Республикаси Фанлар ^

ясП, унинг қатор институтлари, бўлимлари ташкил этилдеХ кўпл'аб университет ва институтларда, эса фалсафа кафедД«- „ очилди. Ижтимоий-фалсафий тафаккурни ривожланР3рпш, илмий кадрларни ўстириш, республикамизда ижтимоий 1 нларни янада тараққий эттирнщда «Узбекистонда ижтимоий Аянлар» номли академик илмий журнал катта ўрин тутиб келокда. Республикамизда фалсафа фанини риважлантириш, "'плархннг фалсафий билимлари, фалсафий тафаккурлаш маеаниятлари ва дунёқарашларини ўстиришда олимларимиз томонндаи яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-усяубий асарлар муҳим аҳамият касб этди.

Утган давр мобайнида республика файласуф-олимларининг дналектика ва билиш назаргшси, диалектиканинг қонун ва категориялари тизими, тил ва тафаккур бирлиги, табиат фанларининг фалсафий масалалари, Марказий Осиё ва Шарқ алломаларининг фалсафий таълимотлари, фалсафа, инсон ва шахс, маданият, маънавият ва қадрият, маданий мерое муаммолари бўйича олиб борган чукур илмий тадқиқот асарлари эътиборга сазовордир.

Республикамизда ижтимоий фалсафа ва социология, ахлоқ, нафосат, табиатшуносликнинг, фан тарихи ва тилшуносликнинг фалсафий муаммолари, маданият, миллий муносабатлар, урф-одатлар, ақлий ва жисмоний меҳнат диалектикаси, ахлоҳий тарбияга доир ва башқа соҳаларда ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Узбекистон, Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг табиийилмий, ижтимоий, фалсафий фикрлари тарихи ва маънавияти мероси бўйича ҳам ибратли ишлар қилинди.

Узбекистон файласуфларининг узоқ йиллар давомида олиб борган самарали меҳнатлари натижаси сифатида Форобий, ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий, баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд аз-Замахшарий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Улуғбек, Навоий, Бедил, Нажмиддин Кубро каби мутафаккирларнинг дунёқарашлари, ижтимаий-фалсафий, диний-ахлоқий таълимотлари, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Завк.чи, Беҳбудий сингари машҳур олим ва адибларнинг табиийилмий, фалсафий фикрлари тадқиқоти бўйича ажойиб қўлланМалар, рисолалар яратилди.

Республикамиз файласуфлари Марказий Осиё ва Шарқ •алқларининг ўтмишда яратган бой илмий-фалсафий, диний-®ХлоҚий меросини ва маданий-маънавий ёдгорликлари ҳамда ^адриятларини ҳар томонлама ўрганиш ва халқимизга етказиш ^Расида ҳам жуда катта куч сарфладилар. Улар Абу Али ибн д-^нинг беш томлик «Тиб қонунлари»ни, буюк файласуф олим Да» асР Форобийнинг «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисидб • ^Фозил шаҳар адамлари қарашлари», ватандошларимиз " Райҳон Берунийнинг «Утмиш авлодлардан қолган ёдгор-

## 5. Ватанимиз ҳозирги даври фалсафаси

Инсоният маданияти таркибий қисми ҳисобланган фа,' шўро даврида ўзининг фан хусусиятини аста-секин йўқотвдЗ сиёсийлашган мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланиб қолгаи эди.

Бу даврда фалсафа фанига аниқ, мавжуд воқеликни қай даражада ҳаққоний, илмий ва холис акс эттирганлигига қараб эмас, балки ҳокимият тепасида турган кучлар ва «биринчи да. ражали олий раҳбарларнинг мақсадлари», манфаатларига мувофиқлигига қараб баҳо берилган.

70 йил мобайнида марксизм қоидалари, ақидалари барча нжтимоий фанларга, жумладан, фалсафага асосий пойдевор қилиб олинганди. У белгилаб берган «илмий йўлдап» чиқишга, бошқача ўйлаш ва фикрлашга на бирон-бир олим ва зиёлининг, на бирон-бир файласуфнинг ҳаққи йўқ эди. Расмий тафаккурдан, таълимотдан четга чиқиш, уларга зид йўлдан бориб, эркии фикр юритмоқчи бўлган олим ва зиёлиларни партиявшг жазолаш, партиявийлик, ғоявийликдан чекинпшда, синфий хусусиятларни йўқотишда ва бошқа камчиликларда айблаш одатга айланиб қолган эди. Бундай вазият, албатта, ижтимоий фанЛарнинг, биринчи навбатда фалсафа фанининг ривожланишнга салбий таъсир кўрсатди ва ижодий фикрлашга имконнят бермади.

Барча фалсафий таълимотлар коммунистик мафкура томонидан чекланган, аҳамиятсиз, ғайри-илмий деб баҳоланди. Шарқ фалсафасига етарли эътибор берилмади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Ислом дини билан боғлиқ бўлган мукаммал фалсафий асарлар ва таълимотлар ўқиб-ўрганилмай яроқсиз бир мерос сифатида қораланди. Шу сабабли Марказин Осиё халқларининг фалсафий меросини чуқур ўрганиш имкониятлари ҳам деярли йўққа чиқарилди. Баҳоуддин Нақшбанд. имом Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Исо Термизий, Хожа Аҳрор ва шунга ўхшаш алломалар кескин танқид қилинди. 1

Уша замонларда Навоий, Бобур, Машрабдан ва қатор шон ру адиблардан зўр бериб дахрийлик, атеистик ғоялар пзлан[2] бошлади. Агар «топилгудек» бўлса, уни ёлғон-яшиқларга ўр[а"'] бўрттириб ва кўпиртириб халққа етказилди. Қайси бнр шоирУ адибдан даҳрийликни топишмаса, уларни таркидунёчп, эзуР[ч,г] синф ҳимоячиси, деб ҳақоратланди. Энг ачинарлисп шунд[аН] иборат бўлдики, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, Сўфи Олло* ёр, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Ра(бғузий, ҲувайД[0,] Юсуф Сарёмий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир [с"н] гари буюк аллома ва адибларнинг асарлари «диннй ғоялай билан суғорилганлиги», «миллатчилик руҳида бўлганлиги» У[ч"]1 фойдаланишга рухсат этилмади. Я

Шуни таъкидлаш керакки, мафкуравий тазйиқ ва қўйишларга қарамай, Узбекистон Республикаси Фанлар

{яси, унинг қатор институтлари, бўлимлари ташкил этил-
кўплаб университет ва институтларда, эса фалсафа кафед-
Ш.арн очилди. Ижтимоий-фалсафий тафаккурни ривожлан-
^пиш, илмий кадрларни ўстириш, республикамизда ижтимоий
Аанларни янада тараққий эттиришда «Узбекистонда ижтимоий
Аанлар» номли академик илмий журнал катта ўрин тутиб кел-
оКДа- Республикамизда фалсафа фанини риважлантириш,
"шларнинг фалсафий билимлари, фалсафий тафаккурлаш ма-
аниятлари ва дунёқарашларини ўстиришда олимларимиз то-
Д[онидан яратилган дарсликлар, ўкув қўлланмалар, илмий-ус-
тубий асарлар муҳим аҳамият касб этди.

Утган давр мобайнида республика файласуф-олимларининг диалектика ва билиш назариявси, диалектиканинг қонун ва категориялари тизими, тил ва тафаккур бирлиги, табиат фанларининг фалсафий масалалари, Марказий Осиё ва Шарқ алломаларининг фалсафий таълимотлари, фалсафа, инсон ва шахс, маданият, маънавият ва қадрият, маданий мерое муаммолари бўйича олиб борган чукур илмий тадқиқот асарлари эътиборга сазовордир.

Республикамизда ижтимоий фалсафа ва социология, ахлоқ, иафосат, табиатшуносликнинг, фан тарихи ва тилшуносликнинг фалсафий муаммолари, маданият, миллий муносабатлар, урф-одатлар, ақлий ва жисмоний меҳнат диалектикаси, ахлоқий тарбияга доир ва башқа соҳаларда ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Узбекистон, Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг табиий-илмий, ижтимоий, фалсафий фикрлари тарихи ва маънавияти мероси бўйича ҳам ибратли ишлар қилинди.

Узбекистон файласуфларининг узоқ йиллар давомида олиб борган самарали меҳнатлари натижаси сифатида Форобий, нбн Сино. Муҳаммад Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳ-
"УД аз-Замахшарий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос
Хожиб, Улуғбек, Навоий, Бедил, Нажмиддин Кубро каби му-
Тафаккирларнинг дунёқарашлари, ижтимаий-фалсафий, диний-
ахлокий таълимотлари, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Зав-
Ки"' Беҳбудий сингари машҳур олим -ва адибларнинг табиий-
"лмий, фалсафий фикрлари тадқиқоти бўйича ажойиб қўллан-
малар, рисолалар яратилди.

Республикамиз файласуфлари Марказий Осиё ва Шарқ
алҳларининг ўтмишда яратган бой илмий-фалсафий, диний-
хлоқий меросини ва маданий-маънавий ёдгорликлари ҳамда
_ Фиятларини ҳар томонлама ўрганиш ва халқимизга етказиш
^ Расида ҳам жуда катта куч сарфладилар. Улар Абу Али ибн
Ав;°н..нг беш томлик «Тиб қонунлари»ни, буюк файласуф олим
Да» Р Форобийнинг «Илмларнинг келиб чиқиши тўғриси-
Аби' пФ?зил шаҲаР адамлари қарашлари», ватандошларимиз
У Райҳон Берунийнинг «Утмиш авлодлардан қолган ёдгор-

ликлар», «Ҳиндистон», «Геодезня», «Қонуни Масъудий» асал! лари, Наршахий, Байҳақий ва бошқа мутафаккирларнинг асао ларини ўрганиш, ўзбек тилига таржима қилишда фаол ишти рок этдилар.

Хуллас, ўзбекистонлик файласуф олимларнинг тазйиқу Дaцl номларга қарамай олиб борган чуқур илмий-тадқиқотлари на тижасида Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда ижтимоий-фад сафий фикр ўзининг узоқ тарихга эга эканлиги, донишманд бобамиз Амир Темур ва темурийлар даврида ўлкамизда илм-фан, фалсафа, диний, ахлоқий қадриятлар, маданият, маънавият, маърифат гуллаб-яшнаганлиги, Шарқ Ғарбдаги Уйғониш даври учун илмий замин яратнб берганлигини инкор этиб бўлмайдиган далиллар асоснда исбот қилинди.

Тобелик ва қарамликка асосланган тоталитар-буйруқбозлик тузуми тугаб, Узбекистонда давлат мустақиллигига эришилгандан кейин, фалсафа фани тараққиёти учун илгари бўлмаган янги имконият ва шарт-шароитлар юзага келди.' Фалсафа фанини сиёсийлашмаган мустақил фан сифатида ўрганиш] фалсафий муаммоларни ҳақиқий, холис ва одилона тадқиқ этиш, синфийлик ва партиявийлик иллатларидан батамом қутулиб умумиисоний қадриятлар устиворлигига асосланиб ривожлантириш имкониятлари туғилди.

Янги тарихий шароитда фалсафа фани назарий асосларини янгилиш, янги ғоялар билан бойитиш зарурияти кун тартибида пайдо бўлди.

Маълумки, ҳар қандай илмий, бадиий, тарихий, сиёсиЗ, фалсафий асарларнинг эл-юрт назарига тушиб обрў-эътибор қозонишига сабаб бўладиган томонлари бўлади. Агар қайси бир асарда одамларнинг юраги, қалбининг тўрида турган муҳим, ўта долзарб муаммолар, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ўзининг илмий ечимини топган бўлса, кишиларда унга ннсбатан катта қизиқиш ҳосил бўлади. Ана шундай асарларни кенг жамоатчилик юксак даражада эъзозлайди. Одамлар **ўзларининг** назарий билимларини бойитиш ва чуқурлаштиришда тарихий тараққиётнинг моҳияти ва асосий йўналишларини илмий англаб олиш ҳамда ҳозирги даврнинг асосий муаммолари **нима**лардан иборатлигини тушуниб етиш, чуқур идрок этиш, фалсафий мушоҳада юритишда бундай асарлардан қўлланма сифатида фойдаланадилар.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», **«Узбекис**тон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «^3' бекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Истиқлол ва маънавият»> «Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Узбекистан иқтисодий ислоҳотларн чуқурлаштириш йўлида», «Ватан саждагоҳ каби **муқаддас»** в бошқа асарлари ҳозирги долзарб даврнинг муҳим дастурл ридир.

' энг аввало шуни мамнуният билан айтиш керакки, Ислом ^аримов асарлари Узбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаётида уб бурилиш ясаган буюк воқеа — Мустақилликка, унинг иай- . д бўлпш тарихи, диалектикаси, ривожланиш қонуниятларига, ^нннг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий ислоҳот-парни чуқурлаштиришнинг зарурлиги, моҳияти ва аҳамияти ^1ирари ва бошқа масалаларни чуқур илмий далиллар, ёрқин далиллар асосида ёритганлиги билан киши эътиборини ўзига т0ртадн. Уларда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, бозор пктисодиётига босқичма-босқич, ўтиш, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш ва мустаҳкам-лаш, келажак пойдевори бўлмиш юксак маданият, маънавият ва маърифатни қарор топтириш ва улардан Ватанимиз равна-ки йўлида фойдаланиш, Узбекистанни келажакда буюк дав-латга айлантириш сингари муҳим масалалар ёритилган.

Президентимиз асарларида Узбекистонда амалга оширил-ган иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг асосий якун-лари ва сабоқлари ва унинг иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари чуқур ва атрофлича ёритилганлиги ҳам эътиборга сазовордир. Мазкур асарларда Узбекистон дав-лати ва халқининг узоқ ўтмиши, унинг ҳозирги ҳаёти, истиқ-боли хусусида чуқур фалсафий фикр-мулаҳазалар баён этил-гандир.

Сўз юритилаётган асарларда инсон моддий ва маънавий, ғоявий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий, диний, бадиий, ҳуқуқий ҳаё-ти ва фаолиятининг ҳамма томонлари тўла қамраб олинган.

Ислом Каримов асарларида ёрқин келажагимиз башорат ҳилиниб кишиларда порлоқ истиқболга жуда катта ишонч, орзу-умид ёритилган, одамларни Ватанимиз бахт-саодати йўли-Да меҳнат қилиш, моддий-маънавий бойликлар яратиш, илм-фан асосларини, замонавий технология, хорижий тилларни му-каммал ўрганиш, ишбилармон, фидойи, маънавий баркамол кишилар бўлишга даъват этади.

Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқларида, тарих, ҲУҚуқшунослик, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, тнл ва адабиёт-шУнослик, этика, эстетика ҳамда барча табиий-техник, ижти-моий^фанлар негизидаги фалсафа фанига ҳам катта эътибор бериб келинаётганлиги кенг илмий жамоатчиликка маълум.

Ислом Каримов асарларида биринчидан, Туран заминида ^Шаб ижод этган авлод-аждодларимизнинг, Шарқ буюк мута-факкирларининг диний-ахлоқий, фалсафий таълимотлари, ил-Ии меросларига энг катта бойлик ва маънавий қадрият сифа-• Да Қарашимиз зарурлиги уқтирилган. Иккинчидан, ўтмиш аланий-маънавий, тарихий, фалсафий меросимиз, миллнй ва У^Уминсоний қадриятлардан қандай фойдаланишнинг йўл-"Риқлари, методологик асослари чуқур ёритилган. Учинчидан,

миллий истиқлол фалсафаси, уиинг қоида ва илмий хулосад рини ҳаётга жарий этиш, давр талаби асосида иш тутиш, соби тузум мафкура, ақида ва андозаларида,н батамом воз кечиц сннфийлик, партиявийлик иллатларидан тамомила четга чиқиД зарурлиги ва лозимлиги рўй-рост таъкидланадн. Тўртинчидаи истиқлол фалсафаси олдида турган долзарб муаммоларни ҳЛ этишнинг назарий йўл-йўриқлари белгилаб бернлган.

Президент томонидан Узбекистон Республикаси ижтимои^ фанлар вакиллари, файласуф олимлар олдида турган улкан вазифалар белгилаб берилди. Бой маънавий меросимиз, халқимизнинг тарихий, ахлоқий, фалсафий, қадриятларини, До'Но фикрларини ўрганиш, асраш, улардан ижодий, оқилона буюк ақл соҳибларининг меросий асарларини синчиклаб ўрганиш нашрга тайёрлаш, ёш авлодлар онгига сингдириш олимлар' биринчи навбатда файласуфларнинг вазифасидир.

Фалсафа фанига ҳозирги шароитда янгича мезонлар асосида ёндошиш, мамлакатимиз мустақиллиги, унинг ривожланиш қонуниятлари, мустақилликнинг қонуний ўсиш, ривожланиш жараёни эканлиги, унинг ўзига хос муаммолари, қийинчиликлари, ҳаракатлантирувчи кучлари мавжудлигини кўрсатиб берадиган илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор бериш лозим. Инсонни фалсафий-ахлоқий таҳлил этиш, маданият, маънавият, қадриятлар, уларни тиклаш ва ривожлантиришнинг назарий-фалсафий муаммоларини фалсафий тадқиқ этиш, миллий нстиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга жорий этиш зарурлигини ҳар бир инсон онгига етказиш, Узбекистон келажаги буюк давлат эканлиги асосий шарт-шароитлари ва имкониятларини кўрсатиб ва исботлаб бериш, шулар асосида улуг халқимиз ва давлатимизнинг истиқболи порлоқ эканлигини баён этиш республикамиз файласуфларининг олижаноб вазнфаларидир.

Республикамиз файласуф олимлари Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларида кўрсатилган вазифаларни бэжариш бўйича дастлабки натижаларини қўлга киритдилар. «Ҳаёт фалсафаси», «Истиқлол ва тараққиёт мафкураси», «Мустақилликнинг маънавий заминлари», «Мустақиллик ва миллий манфаатлар», «Мустақиллик ва миллий тикланиш», «Мустақиллик масъулияти», «Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар», «Буюк сиймолао, а.лломалао» сингапи ва бошқа йирик қўлланма ва рисолалар шулар жумласидандир.

Ватанимиз файласуфлари томонидан чоп этилаётган асарлаР ёш авлодни маънавий камол топтиришда, жамиятимизни маънавий қайта тикланишида катта аҳамият касб этиши шак-шу°* ҳасиздир.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

**1- Шарқнинг энг қадимий мамлакатларидан бири — Вавилонияда лабки фалсафий фикрларнинг пайдо бўлишини асосий сабаблари ва на бўлиш шакллари қаидай?**

2. Қадимги Миср мифологиясидаги фалсафий ғоялар ҳақида нималар ,ея оласиз.-[1]

з- **Ҳиндистондаги** дастлабки фалсафий фикрлар, уларнинг «Веда» ман-йаС:1да ифодаланиши ҳақида сўзланг. Ҳиндистондаги Локаята ва Чорвака " 1с-афасидаги асосий ғоялар нималардан иборат?

4. Эрамиздан олдинги IX—VII асрларда Хнтойдаги фалсафий таълимот-,аР дайсизм фалсафин оқими ва конфуцийчилик ҳақида фикр-мулоҳазала-„ннгизни баён этинг-

' 5- **Минтақамиздаги** дастлабки фалсафий фикрларининг мифлар, ривоят-**р Тўмарис** ва Широқ ҳақидаги достонларда, зардуштийлик дини **ва** 'дэестоада ифодаланиши ҳақида сўзланг. «Урхун-Енисей» ёдгорликларидаги **лалсафий-ахлоқий** ғоялар нималарда ўз ифодасини топган?

**6. Урта аср** даврида Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафаси **тараққиётига** қўшган буюк ҳиссалари нималардан иборатлигн ҳақи-**пеферат ва** маърузалар тайёрланг, мулоқотлар ўтказинг-

7. **Марказии** осиёлик буюк алломалар яратган илмий-фалсафий таъли-мот **ҳамда** диний-ахлоқий қараш ва ўгитларнинг Узбекистон давлат мустақиллигининг маънавий заминларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор беринг, илмий мунозара ва баҳслар гашкил этинг.

8. Тасаввуф фалсафасининг туб моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, назаряй асосчилари, асосий оқимлари — Сизнинг фикрингизча нималардан иОорат?

9. Тасаввуф фалсафасидаги асосий ғояларнинг ҳозирги давр ешларни ахлоқий **камолотга** етказиш ва маънавиятимиз заминларини мустаҳкамлашдаги ролн **ҳақида** нималар дея оласиз?

10. XVI—XX асрларда Марказий Осиё фани ва маданияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти хусусида нималар дейсиз?

11. **«УзбекистОн** Республикасида фалсафа фанининг тараққиёти» **ҳамда** «Мустақиллик жараёнида республикамизда фалсафа фанининг ривожланиши ва **унинг** асосий муаммолари» мавзулари бўйича реферат тайёрланг, давра **суҳбати** ўтказинг.

# IV БОБ. ҒАРБИЙ ЕВРОПА ХАЛҚЛАРИ ФАЛСАФАСИ

## 1. Қадимги Юнонистон ва Римдаги фалсафий фикрлар

Бутун жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми °Улган фалсафа фанининг тараққиётига Шарқ мутафаккирла-Р[и] бнлан бир қаторда Ғарбий Европа олимлари ҳам катта ҳис-[са] Қўшганлар. '

Шарқ билан Ғарб халқларини боғлавчи «Ипак йўли» мар-^[зи]да жойлашган Марказий Осиё минтақаси Ҳиндистон, Хитой, [есопо]тамия, Юнон, Рим мамлакатлари билан савдо-сотиқ °Қаларини ривожлантириб келган. Шунинг натижасида ўлмизга бошқа мамлакатларнинг, жумладан Юнонистон халқ-Рининг маданияти ҳам маълум даражада кириб келган ва [с]инча, Урта Осиёнинг маданияти қадимги юнон халқлари ^Даниятига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, Александр МаС«[с]««й, Климент Александрский Ксенофонт, Страбон, ПтоРнг[еи'] [Ге]Р°Дот эсдаликлари, асарларида Марказий Осиё халқла-[а] хос маданият, урф-одат ва анъаналар, афсоналар келтири-

лади. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги бундай ўзаЛ алоқадорликни фалсафа фани соҳасида ҳам кузатишимиз айУзаги кин. Айниқса, Шарқ мутафаккирлари, алломалари томонит4" IX—XII асрларда ривожланган бой ва ранг-баранг маданД9 илмий, фалсафий мерос Ғарб мамлакатларида XV—XVII эс! ларда Европа ренессансининг вужудга келишига замин яратик беради. 1 85|

Ғарбда фалсафа мустақил фан сифатида эрамиздан олдив ги VI асрда Юнонистонда ибтидоий жамоа қулдорлик жамиятв билан алмашган даврда шаклланади. ч

Қулдорликнинг вужудга келиши ўз навбатида ишлаб чика4 рувчи кучлар, савдо, ҳунармандчилик, саноатнинг ривожига шунингдек, физика, математика, астрономия, география, ада. биёт, фалсафа ва бошқа фанларнинг ривожланишига замиа яратади. 1

Қадимги Юнонистоннинг дастлабки файласуфлари Ер, Қу_ ёш, юлдузлар, ҳайвонлар ва одамнинг келиб чиқишини бир бутун, яхлит тасаввур этишга ҳаракат қилган мутафаккир эдилар. Шунинг учун ҳам уларни физиклар — табиатшунослар (юнонча, рЬуз18 — табиат) деб атаганлар. Улар мифологик ва диний дунёқарашларга қарши кураш олиб бордилар. Маълумки, юнон мифологиясида асосий эътибор дунёнинг келиб чиқишини изоҳлаб беришга қаратилган бўлиб, унда асосий ўринни дунёни ким яратган деган савол эгаллаб келган эди. Юнон файласуфлари эса асосий эътиборни дунё нимадан яратилган деган саволга жавоб беришга қаратганлар.

Қадимги Юнонистонда йирик савдо ва маданият маркази бўлиб келган Милет шаҳрининг вакиллари таниқли мутафаккир Фалес (мил. авв. 624—567 йиллар) ҳамма нарса сувдан келиб чиққан ва сувга айланади, деб ҳисоблаган бўлса, Анаксимандр (мил. авв. 610—546 йиллар) дунё ноаниқ материя — апейрондан ташкил топган дейди. Нарсалар, унинг фикрига кўра апейрон ҳаракати ҳамда совуқлик ва иссиқлик, намлик ва қуруқлик каби қарама-қаршиликларнинг натижасида пайд» бўлади. Анаксименнинг (мил. авв. 588—525 йиллар) фикрича ҳамма нарса ҳаводан ҳосил бўлган ва ҳавога айланади. Эфес шаҳрининг вакили Гераклит (мил. авв. 530—470 йиллар) оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси оловдан иборат де» ҳисоблаган. _

«Дунёни худолар ҳам, одамлар ҳам, ҳеч ким яратмаган, У қонуниятли тарзда алангаланадиган ва қонуниятли тарзда Уча" диган абадий барҳаёт олов бўлиб келган, ҳозир ҳам шундаи в^ бундан кейин ҳам шундай бўлади», деб таъкидлайди Герак^ 'лит. Табиат оловдан ҳосил бўлган, доимо ўзгариб, ривожлани турувчи абадий жараёндир. Оламда мавжуд бўлган барча нар^ са ва ҳодисалар оловдан пайдо бўлади ва йўқ бўлиб, яна қа та оловга айланади. Оловнинг йўқ бўлиши ҳавонинг туғилиШ

хавонинг йўқ бўлиши, сувнинг туғилишидир, ернинг йўқ дйР> * сувнинг туғилишидир, сувнинг йўқ бўлиши ҳавонинг ^'пншидир, ҳавонинг йўқ бўлиши — оловнинг туғилишидир туГ!'ксинча, деб уқтиради Гераклит.

ва г-ераклит таълимотининг аҳамияти шундаки, у ўзининг дунё-
моддийлиги ҳақидаги фикрини нарса ва ҳодисаларнинг Н»нг 1ши ва ривожланиши каби қонуний жараён, деб эътироф •о3Гппдлдир- Мазкур абадий ва анг умумий қонуниятни Гераклит этИос1 деб тасвирлайди. Гераклитнинг логос ҳақидаги фикри ЛоГой фалсафасидаги дао ғоясининг янгича тавсифи десак уякиқатга хилоф бўлмайди.

Гераклит фалсафасининг яна бир муҳим томони воқелик-,аги нарса ва ҳодисаларга диалектика[2] нуқтаи-назаридан ён-^аш\'видадир. Унинг фикрича, нарса ва ҳодисалар доимий ўз-гаришда, ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда, бир-бирига ўтиб туради. Оламда ўзгармайдиган, доимий бўлган бирон-бир нар-сани топиш мумкин эмас. «Оқиб турган дарёнинг суви доим янгиланиб туради, шунинг учун бир дарёнинг суви ўзига икки маротаба тушиш мумкин эмас».

Нарса ва ҳодисаларнинг доимий ўзгариб, ривожланиб тури-шининг манбаи қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва уларнинг ўзаро курашидадир. Гераклитнинг фикрича, қарама-қаршилик-лар ўзаро ўрин алмашиб туради, ҳамма нарса мавжуддир ва айни замонда мавжуд эмасдир, чунки ҳамма нарса оқиб тура-ди, ҳамма нарса доимо ўзгариб туради, ҳамма нарса доимо пайдо бўлиш ва йўқолиш жараёнидадир. Совуқлик иснйди, иссиқлик совийди, намлик қурийди, қуруқлик намланади ва ҳоказо. Шунинг учун ҳар бир нарсага маълум томондан ёнда-шиш зарур. Денгизнинг суви тоза ҳам, ифлос ҳам. Балиқлар-га у тоза ва фойдали, одамларга эса у ифлос ва зарарли.

Гераклит онг (жон, руҳ) билан материя (тана) бир-бири билан чамбарчас боғланган деб ҳисоблаб, уни оловнинг кўри-нишидан бири деган эди. Англаш туфайли инсон дунёни би-лишга қодир. Билиш ҳиссий органлардан бошланиб тафаккур билан якунланади. Ҳиссий органларнинг ёрдамида биз нарса

Ҳодисаларни бир-биридан ажратиб турган томонларини иламиз, уларнинг моҳияти ва тараққиёт қонуниятларини би-таФаккурлаш орқали эришамиз.

саф ет ваоЭфес мутафаккирларининг мазкур фикрлари фал-СатадиИНГ кейинги ривожланишига катта ижобий таъсир кўр-

йИлСамос оролининг вакили Пифагорнинг (мил. авв. 580—500 Ўзап^' ФикРича, бутун олам рақамларнинг уйғунлигидан ва тУрт мУНосабатларидан иборат. У рақамларга жон бағишлаб, -—___хоссалар, адолат, ақл, идрок, муваффақият ва ҳоказо-

1 Д

Да ял'пио Г о о ~(юнонча 1одоз — сўз, фикр, ақл, қонун) дастлабки пайтлар-
[2] ДнаМУМИ'''' қонунни, оламнинг асосини билдирувчи атама.

**ТаРаққиетиектика 'Рекча сўз бўлиб, табиат, кишилик жамияти ва тафаккур 8^60 нниНГ УмУмий қонуниятлари ҳақидаги фандир,**

лар рақамларга тегишли деб ҳисоблагаи. Сонлар коннот тартибнинг ифодасидир. Дунёни билиш унн бошқару вчи Тц ларни билишдир. " " со,,.

Пифагорчилар соннн материядан ажратнб унн ила.\ипЛаЯ тнрган бўлсалар-да, математика фанининг ривожлантцр,'!Ш' лари, машҳур Пифагор теоремасининг яратилиши билан {ьЯ тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. 1а"

Элей файласуфи Парменид (мил. авв. VI асрнинг охири V асрнинг боши) диалектик тасаввурга зид келувчи ғоялапЛ олға суриб, қўзғолмайдиган умумий ягона борлиқ ҳақиқий мавжудликдир, деб ҳисоблаган. Бу ҳақиқий, мавжудлнк,' УнинД ча, фикр билан айнийдир. Табиатда ўзгариб турадиган,' турЛи ту.ман кўринишдаги ҳодисалар, Парменидннинг таълимоти бўйи'. ча «ёлғон фикрлар»нинг маҳсулидир, билим эса фақатгина ақд ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин. ^

Зенон (мил. авв. V асрнинг ўрталари) ҳам Парменид сингари «ҳақиқий борлиқ» ҳаракатсиз бўлади ва уни ақл билан бнлиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Эрамиздан олдинги V асрда пифагорчилар ва элеатларнинг фалсафасига қарши курашган файласуфлар орасида Анаксагор, Эмпедокл, Левкиппларни алоҳида таъкидлаш керак.

Анаксагор (тахминан мил. авв. 500—428 йиллар) Клазомен шаҳри вакили дунёнинг асосини кичик заррачалар — гомеомерийлар (нарсаларнинг уруғи) ташкил қилади, улар сифат жиҳатдан бир-бнридан фарқ қилиб, доимий ҳаракатда бўлади, деб айтган.

Эмпедокл (тахминан мил. авв. 490—430 йиллар) Снцилия оролидан. У ўзининг «Табиат тўғрисида» номли асарида воқеликдаги барча нарсаларнинг асосини тўртта унсур, яъни тупроқ, сув, ҳаво, олов ташкил қилади деган ғояни олға сурган. Мазкур унсурларнинг бир-бири билан қўшилиши ва ажралншининг сабаби уларнинг ўзаро тортиши ва итаришларидир деб ҳисоблайди.

Левкипп (тахминан мил. авв. 500—440 йиллар) дунёнинг асосини мутлоқ бўшлиқ, атом ва сабабият ташкил этади део ҳисоблаган. Унинг фикрича оламда барча нарса сабабий боғлиқликда яшайди. Ҳеч нарса сабабсиз пайдо бўлмайди, ҳамма нарса маълум бир асосга мувофиқ қонуний равишда вужудга келади. 1

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики. Анаксагор, Эмпедокл ва Левкипплар дунёни материалистик нуқтаи-назаридан изоҳлаб бериш билан бир каторда нарса в ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига диалсктик нуқтаи-назаридан ёндашганлар. Я

Қадимги Юнонистоннинг энг машҳур файласуфларидз бирн Демокритдир (мил. авв. 460—370 йиллар) унинг асосв асари бўлган «Буюк диакосмос» бизгача сақланиб қолмаг^ Демокритнинг нуқтаи-назарича, дунё моддий бўлиб, руҲ. 0 ; матернянинг маҳсулидир. У Левкиппнинг қарашларини рив°

ири<5, дунёнинг асоси атомлар ва бўшлиқлардан нборат, ла"т 1 ва' ҳодисаларнинг ранг-баранглнги атомлар бирикиш ^лтарининг турли-туманлигидан келиб чиқади, деб ҳисоб-УсУ 'п Демокрит материя ва ҳаракатнинг ажралмаслигини, ҳалаИат фазонинг ҳам худди материя сингари объектив мавжуд Ракки ['игини тан олиш лозим дейди. Лекин у ҳаракатни атом-эКонинг бўшлиқдаги оддий ўрин алмашиши деб қарайди, ҳакатнинг ўзини эса атомларнинг фазода ўзаро тўқнашуви на-Ра асида ҳосил бўлади деб ҳисоблайди. Демокрит атомистик т детерминизм тамойилини ўзининг космогоник назариясига татбиқ этади. Атомлар ўзларининг фазодаги тартибсиз ҳаракатлари жараёнида бир томондан, ўзаро тўқнашиб, бирбирйни парчалаб баради, иккинчи томондан, бир-бирига қўшилиб тупроқ, сув, ҳаво, олов ва улардан қуюн шаклида ҳаракатланувчи кўп дунёларни вужудга келтиради.

Демокрит табиатдаги ҳамма воқеа, ҳодисаларнинг доимо ўзгариб туришини зарурият ҳисоблаб, табиатдаги тасодифни тан олмас эди. Унинг фикрича, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабабиятни билмаслик тасодифни тан олишга олиб келади. Сабабий боғланишларни текширишни у фанларминг асосий вазифаси деб ҳисоблар эди.

Демокрит онг ва руҳ ҳам атомдан иборат деб ҳисоблаган. Демокрит оламни билиш мумкинлигини таъкидлаб, уни қоронғи ва ҳақиқий билимлардан иборат дейди. У билиш жараёнида ҳиссиёт ва тафаккурнинг ролини ҳам кўрсатиб ўтади.

Ҳиссий билиш орқали биз нарсаларнинг (атомларнинг қўшилиши туфайли мавжуд бўлган) сифат ва хусусиятларини билсак, ақлий билиш орқали сезгиларимиз билан бевосита сезиб бўлмайдиган ҳодисаларни била оламиз. Ақл ёрдами билан атомлар (нарсалар) нинг моҳияти белгиланади. Демокрит фал( тарихида биринчи бўлиб билиш жараёни инъикос эканлиги ҳақида фикрини айтади. Унинг фикрича, кишиларнинг беш турли сезгилари ва тушунчалар нарсаларнинг образидир.

Демокрит қадимги Юнонистоннинг қомусий олими эди. У Фаннинг турли соҳалари: фалсафа, физика, математика, биология, тиббиёт, педагогика, руҳшунослик, филология, этика, санъат сиёсат, мантиқ, ижтимоий ҳаёт масалаларига доир Фчкрларни баён этган эди. Демокритнинг меросида инсонни ^•аР томонлама камол топтириш, унда инсонпарварлик, ватанпар-аРлик туйғуларини шакллантириш, одоб-ахлоқ, эътиқод, виж-Дон вт бошқа олижаноб инсоний фазилатларни шакллантириш-, "имматбахо фикрлар мавжуддир. Улар ҳозирги кунда ' ,.Ў3 аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Мо Мг" юнон файласуфларининг бир қисми диний таълизид бўлган (Ьикрларни илгари сурган бўлсалар, ик-^иси эса у,ни қўллаб-қувватлашади.

347 ^Улдорлик жамияти даври вакили Платон (мил. авв. 427— ниллар) эди. У ўз асарида юнон файласуфларининг, айниқ-

са Гераклит ва Демокрит фш<рларини қаттиқ танқид килля Платон оламда «ғоялар дунёси» бирламчи бўлиб, МОДДПЙ"193 эса иккиламчи, «ғоя дунеси»нинг маҳсули, соясидир, деб лайди. Унингча, «ғоялар дунёси» фазо ва вақтга боғ май, абадий ҳаракатсиз ва ўзгармасдир; у «ҳақиқий дуц^ .

Платоннинг билиш назариясига кўра, билиш объектй 1Ди лар дунёси»дир, моддий дунё ва ундаги нарса ва ҳодиса ҳиссий билишнинг манбаидир. Ҳиссий билиш ҳақиқат эй чунки у орқали кишилар ғояни эмас, балки моддий буД ларни сезадилар, улар тўғрисидаги тасаввурга эга цД дилар. Моддий буюмларнинг асоси ва моҳияти бўлган «ғоят дунёси»ни фақат соф тафаккур ёрдамида билиш мумкин. 1

Платон Юнонистондаги қулдорлар аристократияси Давла! тини энг адолатли ва идеал деб ҳисоблади. У жамиятни ^ табақага бўлади. 1. Давлат арбоблари—файласуфлар; 2. С?ии. лар (ҳарбийлар); 3. Деҳқонлар ва ҳунармандлар; Унингча дав. лат файласуф — аристократлар қўлида бўлиши лозим, ҳарбий лар эса аристократия давлатини мустаҳкамлаш учун хизмат! қилишлари керак, давлат зўрлик ва зулм мажмуидан иборат бўлиб, қулдор учун зарур бўлган шароитни яратишдан иборат.

Уз навбатида Платоннинг ғоя ҳақидаги таълимоти қадим ги дунёнинг энг буюк мутафаккири Арасту (мил. авв. 384—3 йиллар) томонидан танқид остига олинади. Унинг кўрсатиши ча, моддий олам абадий ва объектив хусусиятга эга бўлиб, ҳеч қандай «ғоя»ларга муҳтож эмас. Табиат моддий асосга 1 эга бўлган нарса ва ҳодисалар йиғиндисидап пбчр у ҳарI доим ҳаракат ва ўзгаришдадир. Арасту ҳам Демокрит сингари| моддий дунёни, табиатни билишнинг предмети ва сезгиларп-мизнинг объектив манбаи, киши онгидан ташқаридаги моддий I олам сезгиларни вужудга келтиради, деб таъкидлайди.

Арасту ўз асарларида ҳамма нарсанинг асосида материя I ётади, деб, моддий дунёнинг объектив мавжудлигини эътироф этади. Нарсалар материя ва шаклдан пайдо бўлади. Ҳар бир нарса шаклланган материядир ва шакл борлиқнинг моҳиятп-дир. Материянинг ўзида ривожланишининг фақат имкониятп бор, холос, у шакллантиришга муҳтождир. Шакл туфайлигина | материя имкониятдан воқеликка айланади. Ҳақиқий борл11К. унинг фикрича, материя ва шаклнинг бирлигидир. Булар б"Р' бирига ўтиб туради, шаклсиз материя йўқ. Демак, шакл ва м3' терия тушунчалари нисбий характерга эга. л

Арасту фикрича дунёда тўрт хил сабаб бордир: 1. МоДДй 1 сабаб ёки материя (масалан, уй бунёд этиш учун зарур б_Ўлга1Д қурилиш материаллари). 2. Шаклий сабаб ёки шакл (уй таРЛ хи). 3. Вужудга келтирувчи сабаб (уй қурувчи бинокорл санъати). 4. Сўнгги сабаб ёки мақсад (битказилган бино)-

Арасту қадимги дунёдаги содда диалектик фикрни энг қин ифодалаган мутафаккирлардан бири эди. Қадимги файласуфларининг ҳаммаси оламнинг умумий манзара1-тўғри изоҳлаб берган содда материалистик ҳамда туғма ™

• диалектик эдилар. Улар орасида Арасту диалектикаси •^«ла ажралиб турар эди.
3 А ясту табиатни онгли ўзгаришда, ривожланишда деб қа- . • буни у материянинг шаклга эга бўлиш жараёни, имко- айД й в 0 келикка айлана бориши деб тушунади. Бироқ унинг иият" п 10тида диалектикага зид фикрлар, қарашлар ҳам мав- таЪ, \расту материя пассив, шаклсиз нарса. Шакл эса актив ','••^6 нарсани нарса қилувчидир. Бу унинг идеализмга томон бериши эди.

Драсту шаклнинг активлиги ҳақидаги қарашни давом этти- ,5 хамма шаклларнинг шакли — худанинг, дунёвий руҳиннг, •тастлабки турткининг» ижодий ролини таъкидлайди. Бу ма- сзпада у Платонга яқин эди.

Билиш назариясида Арасту Демокритнинг тарафдори эди. Унилгча, моддий дунё билишнинг, сезгиларнинг, тажрибанинг асосидир. Сезгилар бизга айрим аниқ нарсалар ҳақида маълу- лот берса, ақлимиз эса умумлаштирилган маълумотлар бериш- га қодир деган эди.

Арасту мантиқ фанининг барча муҳим масалаларини ишлаб чиқди. у мантиқ билиш учун зарур бўлган тафаккур шакллари ва исботлаш тўгрисидаги фандир,— деб ёзади. Фикрлар боғ- лиқлиги Арастунинг нуқтаи-назарича, мавжуд объектив олам ҳодисалари боғланишларининг инъикосидир.

Арасту категориялар, тушунчалар, мулоҳаза ва хулосалар тўғрисидаги таълимотларни кашф этди, фалсафа тарихида би- ринчи бўлиб категариялар тизимини ишлаб берди. Шунинг билан бирга у категорияларнинг бир-бири билан алоқадор- лигпаи, бир-бирига ўтишини исботлаб берди.

Арасту қадимги юнон файласуфлари орасидаги энг етук 1нм сифатида жамиятга оид масалалар ҳақида ҳам ажойиб Фикрлар билдирган.

Қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфи Эпикур (мил. авв. 341—270 йиллар) Демокритнинг атомистик назариясини Рчвожлантнради.

Демокрит атомларнинг асосан шакл ва миқдор жиҳатдан |аРҚинн таъкидлаган бўлса, Эпикур эса уларнинг ҳажми ва ["Рлиги жиҳатдан фарқини таъкидлайди ва атомистик мате- 'элизмни яна бир қадам олға сурадИ. Эпикур таълим бера- Иан11, атомлаР доим бўшлиқда ҳаракат қилади, ҳаракат эса тўг гУДиР- Атомлар оғир бўлганидан ҳамма вақт пастга томон °КибИ ^аракат Қилади. Бундан ташқари улар ўзаро тўқнашув •1ип°атида ТЎГРИ йўлдан чекиниб, ён томонга ҳам ҳаракат қи- шиэ мумкин.

яц!а-ПикУР олам чексиз, сон-саноқсиз бўлиб, баъзилари биз У /-ан дунёга ўхшайди, баъзилари ўхшамайди деган эди. фик Нниг ашаддий душмани бўлиб, Худо ҳақидаги турли лЛаРни пуч деб ҳисоблаган.

фаниадимги юнон сиёсий мустақилликни қўлдан бергач, фалса- г Ривожланиш жараёни Римга ўтади.

Римдаги илғор файласуфлардан Лукреций Кар (мил ] ] •99—55 йиллар) Демокрит ва Эиикурнинг атомистик наза[368,] сини қўллаб-қувватлайди ва кўп жиҳатдан уни тўлдиради [Ич,]

Лукрецийнинг фикрича, ҳамма нарса абадий мавжуд к» ган материядан пайдо бўлади. Материя бўшлиқда ҳаракат 3 лувчи атомлардир. У бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб ^ ради. Лукреций материянинг сақланиш қонуни ҳақида фа,Э қилган эди. Материянинг миқдори ўзгармайди, у ҳамма ва[3] бир хнлдир. Ҳеч нимадан ҳеч нима пайдо бўла олмайди. . 1

Лукреций онг ва сезгини моддий ҳисоблаб, жон майда ҳао I катчан атомлардан ибарат, жон ташқи таъсирни қабул қилиЯ киши танасига таъсир ўтказади, жон билан тана доим бнрга' дир дейди. Жон, руҳ киши танаси билан бирга ўлиб, йўқ бўлиб кетади. У Платоннинг «ўлмас жон» ҳақндаги таълимотини" рад этади.

Лукреций диний ғояларнинг асосини табиат қонуниятларц. ни билмаганликда деб Ҳисоблаб, табиат абадий, ўз қонуният-лари билан ривожланади, Худо ҳақидаги гаплар уйдирмадал бўлак нарса эмас деган эди. .

Лукреций таълимотига зид келувчи ғояларни танқид қилиб Плотин (мил. авв. 270—204) Римда ўзининг фалсафий макта-' бини яратади. Плотин бутун борлиқнинг асаси ва манбаи деб ягона илоҳий кучни — Худани ҳисоблайди, қолган нарсалар шу илоҳий кучнинг бирин-кетин оқишининг (эманациясининг) на-| тижасидир. Плотиннинг фикрича, Қуёш ўзидан нур чиқаргани каби илоҳий куч (Худо) ҳам ўзидан коинотнинг бутун борли-гини чиқариб юборади, бунга руҳ ҳам, матерня ҳам киради. Инсон жон ва тана бирлигидан иборат. Инсон ҳаётининг олий мақсади — ўз жонининг илоҳий куч (Худо) билан қўшилишига эришувидир. Қиши бунга экстаз ҳолатида эришади, бу ҳолатда кишининг жони, руҳи ҳиссий дунёдан ва танадан халос бўлади-

Қадимги юнон файласуфларининг хилма-хил фикрлари Ғарбий Европа ва Шарқ мамлакатларинннг маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказган. Масалан, Арасту фалсафаси **Форобии** учун катта маънавий озуқа бўлса, неоплатонизм ислом динида-ти тасаввуф (сўфизм) учун манбалардан бири бўлган.

## 2. Ғарбий Европа халқларининг ўрта асрдан то янги давргача фалсафаси

Қулдорлик ишлаб чиқариш усулидан феодализмга Ў[тили]йл' билан жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкур[ав] Ч ва маънавий ҳаёти тўлиқ феодалларнинг қўлига ўтади. К[а]-[1]' ' ^ ги цивилизация, қадимги, фалсафа, сиёсат ва юриспруде" (ҳуқуқшунослик) ер билан яксон қилинади. Маънавий бил __ ихтиёри поплар қўлига ўтади. Диний расм-русумлар ва [к].[сп]^Й. лар ҳар қандай тафаккурнинг бошланғич нуқтаси ва асоси 1 либ қолади. йс-

Христнан догмаларининг асосларини ифодаловчи —«патр •

унннг йнрик вакилларн Тер Тулиан (150—222), Августин 430) ва христиан фалсафаси шаклланиб, Ғарб мактаб-НIIНГ мажбурий дарслигига айланган схоластика (юнонча .таР[1] _мактаб) бир неча Гшллар давомида ҳукмрон мафкура 5Ь° б қолган эди. Фалсафа тўла равишда днnга бўйсундириб ^'•пчган эди. Табиатни ўрганиш, ҳур фикрлаш гуноҳ ҳисобла-К'Й цнквизиция (черков суди) буйруги билан жазога тортила-""! 'кувғин килинади.

' дммо фан тараққиётига диннинг ҳар қанча тўсқинлик кЦ-лншига қарамай феодализм даврида маданий-маънавий тарақ-'.„ёт ривожланиши тухтамади.

феодализм схоластик фалсафасида, X—XIV асрлар давоми-а иккн асосий оқим — номинализм[1] ва реализм[2] ўртасида кес-КIIН кураш давом этди. Бу икки оқим ўртасидаги курашнинг асосий масаласи умумий тушунчалар моҳияти масаласи эди.

Номнналистлар Иоани Росцелин (тах. 1265—1308 йиллар), Иоан Дунс Скотт (тах. 1265—1308 йиллар) ва Уильям Оккам (тах. 1300—1350 йиллар) алоҳида предметларгина реал мав-жуддир, умумий тушунчалар (универсалиялар) эса номларни нфодалайди ва улар иккиламчидир, деб ҳисоблаган бўлсалар, реализм вакпллари (Ансельм Кентерберийский (1033—1109 йиллар) ва бошқалар умумий тушунчалар объектив мавжуд бўлнб, аниқ нарсалар уларнинг ифодаланиш шаклларидир, деб хнсоблаганлар. Номинализм ўрта аср схоластикасидаги мате-риалистик йўналишнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши эди. Та-биатдаги нарса ва ҳодисаларнинг объектив мавжудлиги ҳақи-даги номпналистлар таълимоти черков обрўйининг пасайишига, дунёнинг худо томонидан яратилганлиги, руҳнинг бирламчили-ги ва моддий ҳодисаларнинг иккиламчилиги ҳақидаги диний ақидаларга путур етказишга олиб келар эди.

ХШ асрда италиялик художўй файласуф Фома Аквинский (1225—1274 йиллар) реализмнинг мўътадил намояндаси сифа-тида майдонга чиқди ва Худонинг бирламчилиги, руҳнинг ўл-маслиги каби ғояларни тарғиб қилувчи томизм фалсафаснга асос солди. Фома Аквинский Арастунинг шакл бирламчи, бош-•танғич ва фаол ижодий куч, моддий предметлар эса шаклнинг 'Цсули ва (пассив) кучдир, деган фикрини давом эттириб, дунё-турли шакллар бор, жон ҳам шу шакллардан биридир, акллarнинг шакли эса Худодир, деб эълон қилди. Унинг таъ-'"м°тига кўра дунё фазода чегараланган вақтда чекланган «лпб, у фақат табиатдан ташқаридаги куч орқали ҳаракат •• лпши мумкин. Табиатдагн мавжуд нарса ва ҳодисаларни би-^^^Умкин, уларни сезгилар воситасида ақлга жойлаш мум-

[1] *оминализм- (лттча потеп* — **ном) ўрта аср фалсафасидаги бир** *эрн бўлиб, у умумий тушунчаларни фақат айрим предметларнинг ном-з р" ҳисоблапдй.

•^ıпı**Реализм — Урта аср схолостикасидаги умумий тушунчалар аниқ мавжуд-Чиц * Ташкил этади, аниқ нарсалар эса уларнинг (универсалиялар) ифодала-аклидир, деб ҳисоблайдиган фалсафий йўналиш.**

кин, лекнн одамнинг моҳияти, яъни умумий тушунча —.у ^ ни билиш мумкин эмас.

XIX асрнинг 70- йилларида Фома Аквинскийнинг бу ф. д фий таълимоти католик черковининг расмий назарияси 1са, эълон қилинди, уни билиш ҳар бир диндор учун мажбурнд '^5 либ ҚОЛДИ. '

XV аср охири ва XVI аср бошларида Ғарбий Европа мамл! катларида феодализм емирилиб, капиталистик ишлаб чиқапи! муносабатлари шакллана бошлади. Янги географик йўлдЗ нинг очилиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантирди, х3 нармандчиликдан мануфактурага ўтишни таъминлади, бу эД машина техникасининг ривожланишига олиб келди.

Маънавий ҳаётда бу давр табиатни ўрганишнинг кучайиши черков, дин таъсирига қарши курашнинг авж олиши, фалсафа ва бошқа гуманитар фанларнинг равнақи билан тавсифланади Бу даврни одатда Ренесанс — Уйғониш даври деб атайдилар. Уйғониш давридан бошлаб фан ғоят тез суръатлар билан ри-вожлаиа бошладн. Табииётни илоҳиётдан холи қилиш ана шу вақтдан бошланади. Ер ва осмон жисмлари механикаси, шу билан бирга унга хизмат қилувчи математик усулларни кашф этиш ва такомиллаштириш соҳасида буюк ишлар қилинди. Аналитик геометрия, логарифмлар, дифференциал ва интеграл ҳисоб жорий қилинди. Сайёраларнинг ҳаракат қонуни очилди. Суюқ ва газсимон жисмлар механикаси «Уйғониш даври» охирида тўла ишлаб чиқилди. Шунингдек бу даврда материализм-яинг янги хили, фалсафанинг схоластикага зид йўналиши шакллана бошлаган, табиатнинг экспериментал математик тадқнқот усуллари вужудга келган эди.

Поляк астрономи Николай Коперник (1473—1543 йиллар) оламнинг гелиоцентрик системасини яратди. Бу назарияда айтилишича, оламнинг маркази Қуёш бўлиб, унинг атрофида бошқа сайёралар билан бир қаторда Ер ҳам айланиб туради. Унинг бу таълимоти Птоломейнинг геоцентрик системаси билан алоқанинг узилишини билдирарди. Бу назария, шунингдек, оламни худо яратганлиги ҳақидаги диний афсонага ҳам зарба берди. Коперникнпнг гелиоцентрик назарияси материалистик дунёқараши умумий ривожининг табиий илмий замини бўлди-

Немис астрономи Иоганн Кеплер (1571—1630) гелиоцен* тризм назариясидан келиб чиқиб, сайёралар ҳолатини кузатиш асосида сайёралар ҳаракатининг уч қонунини кашф Қйл* ди. Бу Коперникнинг Қуёш системаси тузилиши манзарасин аниқлаштиришга ва бутун оламнинг тортилиш қонунини 0411 га имкон беради. Шунинг билан бир қаторда Кеплернинг ка фиётлари дунёга диний нуқтаи назардан қарашга путур етка ди. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Кеплерни дунёқараши диний идеалистик тушунчалардан ҳам х0 тм эмасди. „

Италян олими Жордано Бруно (1548—1600 йиллар) «Уйғониш даври»нинг йирик вакилларидан бўлиб, схоласт

афага ва Рим католик черковига қарши кураш олиб бор-
Фал бруно, Коперник кашфиётидан фойдаланиб, мазкур фалса-
фий ғоидаларнинг физик ва астрономик мазмунини аниқлаш-

у тупроқ, ҳаво, сув, олов ва эфирдан иборат Ер билан
тяру оламнинг физнкавий якка жинслигини тасдиқлайди, деб
Йврали- - « ,
Куно таълнмотича, моддии олам бирламчи булиб, онг эса
•киламчидир: моддий олам мангу, у ҳеч қандай худо томони-
дам яратилган эмас: бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди; у чек-
сиздир; моддий олам чексиз турларда ифода этилади, лекин
Д чексиз нарса ва ҳодисалар бир-бири билан ўзаро алоқада,
'нрликдадир. Қуёш системасидан ташқари яна саноқсиз дунё-
лар, қуёшлар, ерлар мавжуд, дунё — бепоён, моддий олам унинг
кичик бир қисмидир, ер эса бепоён оламнинг заррачасидир.

Брунонинг таълимоти, унинг хатти-ҳаракатлари черков то-
монидан қаттиқ танқид остига олиниб, черков судининг ҳукми
билан 1600 йил 17 февралида Римдаги Гуллар майдоннда гул-
ханда ёндирилган.

Италян олими Галилео Галилей (1564—1642 йиллар) ҳам
«Уйғониш даври»нинг буюк олимларидан биридир. У оламдаги
барча нарса ва ҳодисалар моддий асосга эга, олам бенйҳоя,
материя абадий, табиат ягона бўлиб, механика қонунларига
бўйсунади, деб тушунган.

Галилей Қадимги юнон мутафаккири Демокритни устоз деб
тан олиб, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моддий асосини
атом ташкил қилади деган ғояни қўллаб-қувватлаган.

Галилей инсон ўз онгида табиат қонуниятларини билишга
қодир, кузатиш, тажриба табиатни билишнинг бошланғич нуқ-
тасидир, ҳодисаларнипг ички моҳиятини билиш эса билишнинг
олий босқичидир, билиш жараёни эса ҳиссий ва ақлий билим-
дан иборат, деб ҳисоблайди.

Илмий тажрибага асосланган математик усулнинг асосчи-
ларидан бири бўлган Галилей механика ва астрономия соҳаси-
да муҳим дунёқараш аҳамиятига эга бўлган бир неча илмий
кашфиётлар қилган. Унинг кашфиётлари гелиоцентрик наза-
риянинг тўғрилигини, оламнинг чексизлиги ғоясини, ер ва
осмон жисмларининг моддий жиҳатдан бир-бирига ўхшашли-
гини, табиатнинг мавжуд қонунлари ва уларни билиш мумкинли-
гини исботлаб берган. Галилей 1632 йили *«Олам тузилишининг
икки асоси — Птоломей ва Коперник системаси ҳақида диалог»*
асарини нашр қилади. Унинг асари нашрдан чиққан-
дан кейин Галилей черков судига берилган. Инквизициянинг
тазйиқи остида Галилей мажбурий равишда ўз ғояларидан кеч-
гани ҳақида сўз берган.

XVI ва XVII асрлар Ғарбий Европа тараққиётида янги давр
бошланади. Бу даврларда Англия, Франция ва бошқа Европа
мамлакатларида капиталистик муносабатлар тез суръатлар
билан ривожлана бошлайди. Капиталистик ишлаб чиқариш
усули янги ишлаб чиқарувчи кучлар эҳтиёжига мувофиқ та-

биатни илмий билиш жараёииии тезлаштиради. Денгизда с11 ,муносабатларинннг ривожи, кем^асозликшшг тараққиётц шаҳафлар қурилиши, аспрономияга, математика ва механц»! бўлган эҳтиёжнн кучайтиради. Мазкур фанларнинг тараққи табиат ҳодисаларига аналитик қараш кераклигиии тала-б 1 эди. Бу пайтда табиат ҳодисаларини ўрганишнинг асосий усу далиллар, тўплаш, уларни ҳар томонлама таҳлил этиш, тд риба ўтказишдан иборат эди. Қадимги даврдан бошлаб Г|Иг, ган табиат тўғрисидаги билимлар умумий мазмунга зга § либ, у янги даврнинг тажрибаси ва фан талабига жавоб бег олмайди. Шунинг учун янги давр табиатшунослари табиатдя ҳодисалар, далилларни йиғиш ва ўрганиш, чуқуррок бичи мақсадида уларии бир-биридан ажратиб ўргандилар. Бу \ текшириш усули табиатшунослик тараққиётида ижобий хизма қилган бўлса-да, лекин у олимлар диққатини дунёнинг ум мий кўринишидан, унинг бир бутунлигидан, нарса ва ҳодис лар ўртасидаги ички алоқа ва боғланишлар борлигидан, ула нинг бир-бирига ўтиб турншидан четга тортди, олам қоиб қолган, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган тасодифий ҳодисалар 1'шғиндисидан иборат бўлиб кўринди.

Шундай қилиб метафизик[1] усул вужудга келди. Табиат дисаларини метафизик ҳолатда текшириш фалсафанинг мета физик шаклини вужудга келтирди.

Янги давр фалсафасининг яна бир хусусияти шундан ибо ратки, у асосан механика ва математика фанлари ютуқларидап келиб чиқиб ва уларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб механистик характерга эга бўлди. Шунинг учун ҳам бу дав' нинг олимлари механика қонуниятларини, жумладан И. Ньютоннинг механик сабабият назариясини табиатдаги барча сир ларни очйо берувчи калит деб ҳисобладилар.

Метафизик механистик материализмнинг йирик вакилларн дан бири инглиз олимн Френсис Бэкон (1561—1626) дир- Бэкон инглиз материализмининг асосчиси бўлиб фалсафа та рихига кирган. У ўрта аср схоластик фалсафасига ва дин та" лимотига қарши фаол кураш олиб борди. Ҳақиқий фалсаф Бэкон фикрича, амалиёт билан мустаҳкам алоқада бўлиш, кч шилар меҳнати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. ', :

Бэкон ўзининг *«Янги органон»,* *«Янги Атлантида»* ном.т асарларида ўрта аср схоластикасини танқид қилди ва таб»з ни материалистик тушунишни асослади. Билишнинг бирД[а] бир тўғри йўли унинг фикрича, тажриба (эксперимент), таҳли^ дир. Шунингдек билиш алоҳидаликлардан, яъни хусусий Д, лиллардан умумий илмий назариялар томон йўналиш асосВД бўлишини уқтирди. Демак, Бэкон таълимотича, билишда а » сий усул <u>индуктив</u> усулдир. У мавжуд бўлган барча нарса •

[1] ***Метафизика*** (юнонча те1а 1а рЬуз1ка) бўлиб, маъноси даставвал зикадан (табиат ҳақидаги фан) кейин келадиган нарса деб эътироф [3] янги замонда метафизика диалектикага зид усул сифатида **тушунилади-**

аларга индуктив усул асосида ендашиш ғоясини илгари ҳоД"с' 5цроқ иидуктив усулининг ролини улуғлаган Бэкон де-СУРДв **усулнинг** аҳамиятини тўлиқ тушуна олмади. У эмпи-дгКТ"сулга ортиқча эътибор бериб, мақсадга мувофиқ (рацио-Р"к,- сУлнинг ролини пасайтириб юборди.

на \1егафизик материалист бўлган Бэкон билиш жараённда **сий** билиш билан ақлий билишнинг ўртасидаги алоқадор-дцалектикасини тўғри очиб бера олмади.

лп **Бэконнинг** фикрича, моддий дунёнинг асосини материя таш-килади. Унинг таъбирича, материя хилма-хил сифатга эга г'1иб, унинг миқдори ўзгармасдир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса ужудга келмайди, ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Материя-нинг умумий миқдори ҳеч қачон ўзгармайди, у камаймайди хам, кўпаймайди ҳам.

Бэкон материализмининг яна бир хусусияти шундаки, у ма-терияни тўхтовсиз ҳаракатда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради, деб ҳисоблаб, ҳаракатнинг 19 шаклини атрофлича **таърифлади.** Лекин у материя ҳаракати турларини ҳаракат-нинг механик шакли билан айнийлаштириб қўяди.

Томас Гоббс (1588—1679 йиллар) Бэкон материализмини бир тизимга солиб, унинг таълимотини ривожлантирган механис-тик усулга асосланувчи материалистдир. Материяни бирламчи, онгни эса иккиламчи, деб ҳисоблаган Гоббс фақатгина бор жиактар мавжуд, қолганлари эса тўқиб. чиқарилган тасаввур-лардир, деб ҳисоШШГди. У «Тафаккурни фикр қилувчи мате-риядан ажратиш мумкин эмас» деган ғоят муҳим фикрни илга-ри суради.

Материя абадий, айрим жисмлар эса вақтинчалрк кўри-нишга эга, улар вужудга келади ва йўқ бўлади. Гоббснинг фикрича, олам механик ҳаракат қонунларига бўйсундирилган жисмлар мажмЗшЗттр: "

Гоббс дин инсонларга таъсир этишнинг алоҳида услубидир, деб ҳисоблайди. У математик эди, шунинг учун ҳам ҳар қан-даи тўғри чизиқ нуқталардан иборат деб, материянинг ранг-оаранглигини ҳисобга олмай, табиатдаги барча нарсаларни ометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирар эди.

Ьилим тўғрисидаги таълимотида Гоббс Декартнинг «туғма ялар» назариясини танқид остига олиб, барча тимсолларни 3г"лардан келтириб чиқариб, ғояларни таққослаш, бирга қў-ш па таққослаш йўли билан қайта ишлаш ҳақидаги ғояни **Уивожлантирди.**

Рон ° билиш назариясида эмпирик эди: «Киши ақлида би-скц а.,тУшУнча йўқки, даставвал у сезги аъзоларимизда қисман г тула вужудга келган бўлмасин».

Келиг",0С Жамият ҳаётини таҳлил қилишга уриниб, давлатнинг ла"Ди чиКиши ва Унинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қи-Хусус, ННнг фикрича, давлат пайдо бўлишининг асосий сабаби сцДа мулкчиликнинг келиб чиқиши оқибатида кишилар ўрта-и курашнинг кескннлашиб кетишидадир. Жамият киши-

лар бир-бирини ўлдирпб юбормасликлари, таламасликля учун ижтимоий шартнома асосида давлатни барпо этади вД ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун унга ўтказиб беради. г0к мутлақ монархияни давлатнинг энг. яхши шакли деб х,.„ лайди. л Ч"

XVII асрнинг энг йирик мутафаккирларидан яна бири циялик Рене Декарт (1596—1650 йиллар) эди. Декарт Ик хил субстанция: материя ва руҳ ўзаро ёнма-ён равишда ма жуд бўлиб, улар ГГдога Ьўйсунадилар, деб тушунтирган х0л]1 дуалистик нуқтаи назарда турди. У чексиз ва абадий бўлгаэ таоиат инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожлан»! ди ва мавжуд, деб ҳисоблайди.

Декарт ўзининг «Усул ҳақида мулоҳазалар» номли асари.1 да математика, механика ва геометрияга асосланиб билиш" нинг^дедуктив угулини, ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. У мулo. ҳазакорлик (рационализм) нинг асосчиси ҳисобланади. Унингча бизнинг сезги аъзоларимиз ҳамма нарсага шубҳа қилиши мумкин, бироқ менинг фикр қилаётганимга шубҳа қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб, «Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудман» деб хулоса чиқаради.

Декарт томонидан яратилган дедуктив усулнинг талаблари қуйидагилардан иборат: 1. Билиш аниқ, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада бўлиши керак. 2. Текшириладиган муаммоларни имкони борича майда қисмларга бўлиб ўрганиш лозим. 3. Фикр юритганда энг олдин оддий нарсадан бошлаб сўнг мураккабига ўтиш керак. 4. Билиш жараёнида тадқиқотларни шарҳини тўла олиб бориш керак, ҳеч нарсани қолдириш мумкин эмас.

Декартнинг бу фикрлари фанни схоластикадан тозалаш даврида ижобий роль ўйнади.

Декартнинг фикрича, ташқи оламдан ажралган туғма.10Ялар бор (Худо, руҳий ва жисмоний ғоялар). Улар орқалиумумий қоидалар, қарашлар кашф этилади, деб ўйлар эди. Унинг бу қарашлари Гоббс, Локк ва Спиноза каби мутафаккирлар томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди.

Декартнинг фалсафий қарашлари унинг материалистик космологияси ва физикаси билан боғлиқдир. МатематикаДа у аналитик геометрияни яратувчилардан биридир. МеханикаДа у ҳаракат ва осойишталикнинг нисбийлигини кўрсатди ва боШ' қа кашфиётлар қилди. Космологияда у фан учун янгилик бул ган Қуёш системасининг табиий ривожланиши ғоясини олг сурган. Ш

Унингча, коинот энг аввало материянинг оловсимон, сршн ва тупроқсимон элементларининг қўшилмасидан п бўлган. Секин-аста биринчи элементдан Қуёш, иккинчисид Ҳаво ва учинчисидан — Ер ва Қуёш системасининг бошқа эл ментлари вужудга келган.

Голландиялик Бенедикт Спиноза (1631—1677 йиллар) л

£ иЙ файласуфларининг кўзга кўринган вакилидир. Спи-
зСр "••з фалсафасининг мазмуни ва қонун-қоидаларини геомет-
11033 \сиома ва теоремалар шаклида баён қилган. Унинг дунё-
а'"да .субстанния хақидаги таълимот асосий ўрин эгаллайди.
қара ц'ия; табиат битта бўлиб, у ўзининг ажралмас ху-
°ятлари 'орқали намоён бўлади. Субстанция, модуслар (ўт-
<усИ нарсалар) га эга бўлиб, модуслар табиатнинг, субстан-
к«нЧ 1г холатини тавсифлайдиган, пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб
и"я тпган нарсаларнинг хосса ва хусусиятларидан иборат.

кеТСпинозанинг фикрича, табиат уз-ўзининг сабабчисидир
1С пзазш) бошқа кучга мухтож эмас. <Олам абадин бўлиб, хеч
яосага бўйсунмайди. Декартнинг «туғма ғоялар»ини танқид
субстанция, табиат биттадир, икки субстан-
цпяннng бўлиши мумкин эмас дейди. У субстанцияни табиат
ёки Худо деб атади.

Спиноза фалсафаси метафизик усулга асосланган эди. Унингча, субстанция харакат қилмайди ва ривожланмайди.

Спиноза материя ва онгнинг муносабатини таҳлил қилар экан, тафаккур бутун материянинг хусусияти, у материядан ташқарида унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшаши мумкин эмас дейди. Инсон оламни фақатгина тафаккур орқали, ақл орқали билиши мумкин, деб ҳисоблайди. Спиноза Декарт сингари билишда сезгиларнинг ўрнига етарли баҳо бера олмайди. Унингча «Ҳақиқий билиш», ўрганиш тафаккур орқали, ақл орқали вужудга келади.

Спиноза барча ҳодисалар табиий сабабларга эга, деб ҳисоблаб, эркинлик — билиб олинган зарурият эканлигини биринчи бор айтган эди. Унинг фикрича, оламда тасодифий нарсалар йўқ, барча нарса ва ҳодисалар заруратдан келиб чиқади ва ривожланади, бошқасига айланади.

Сиинoза ўз асарларида динни кескин танқид қилиб, унинг моҳиятини илмий асослашга уринди.

Спиноза диннинг вужудга келиш асосий сабабини одамларнинг нодонлиги деб ҳисоблар эди ва маърифат тарқалиши лан дин барҳам топади деб билди, аммо диннинг гносеологчк ва ижтимоий илдизларини тушуна олмади.

Инглиз олими Жон Локк (1632—1704 йиллар) ҳам XVII
/•Р материализмининг йирик намояндаларидан биридир. У
шилар билимининг асосий манбаи тажрибадцр, деб ҳисоб-
Нди- Тажриба, унинг фикрича, иккига бўлинади: ички ва
х , тажриба. Ташқи тажриба ўз мазмунига кўра мавжуд
Ма "СИЯТГа эга бўлса, ички тажриба эса бизнинг руҳий кечин-
•1аримиздан иборат. Локк киши руҳий кечинмасини муста-
Деб эълон қилади.
ли я оКК йилда ёзган «Инсон акли ҳақида тажрдба» ном-
Йўк СаРИда Декартга қарши чиқиб, ҳеч қандаи «туғма ғоялар»
Сил'а Ҳисоблайди. Унинг таълимотига кўра, билиш инсон
н табиат орасидаги муносабат жараёнидан иборат бўлиб,

киши ғояларииинг, тушунчаларининг моддий олам пред\,ет ] мос келиши ҳақиқатдир. ! ш

Локк Йирламчи ва иккиламчи сифатлар мавжуд, Деб ! шунтиради. "Бирламчи с^^атла^р^.лред^етларн^Х--Дажми ц/Ч ли, ҳолати, ҳаракати кабилардир. Ранг, ҳид, таъм каби,Л иккиламчи сифатлардир. У бирламчй сифатлар инсонга, у„д хоҳишига "боғлиқ эмас, иккиламчи сифатлар эса инсовнц, субъектив кечинмаларига боғлиқ деб нотўғри фикр юрнТади

**Локк ўзининг** ижтимоий-сиёсий қарашларида табиий ҳОла 1 даН фуқаролик ҳолатига ва давлатни бошқариш **шаклариД** ўтиш ғояларини ривожлантиради. Локкнинг фикрича, давЛат нинг мақсади — эркинликни ҳамда меҳнат воситаси била| орттирилган мулкни сақлашдир. Шунинг учун ҳам давлат ҳо-кимияти ўзбошимча бўлиши мумкин эмас. Бу ҳокимият Локк-нинг фикрича: Ь...Конун чиқарувчи. 2. Ижро этувчи. 3. ИттиФпИ Федераттш ҳокимиятига бўлинади. Локкнинг "мазкур^ғояларЭ ўз аҳамиятинТГ ҳанузгача йўқотгани йўқ.

Локкнинг, агар мавжуд ижтимоий тартиб шароитида шахс ло^им даражада тарбия ва камолотга эга бўлолмаса, у вақтда кишиларнинг ўзлари мавжуд тартибни ўзгартиришлари керак деган ғоялари катта аҳамиятга эга эди.

Немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646-1716) Спинозанинг фикрига қарши чиқиб, материя субстанция бўла олмайди, чунки материя кўламлидир ва шу сабабли бу-линувчидир, субстанция эса мутлоқ басит бўлмоғи лозим. Унинг фикрича, дунёнинг асосини монодалар — бўлинмас ру-.мтп^убстаншшла^Рташкил қилади. **бутун** коинот ана~птўлар-дан~ таркибтопган. "Монодалар~сЪни чексиздир, улардан ҳар бири идрок ва интилишга эгадир, бу эса, Лейбницнинг фикрича, субстанциянинг ҳаракатчанлигини, фаол ҳаракатини таъмин-лайди. Унинг таълимотининг диалектикаси ана шундан иборат-дир. Лекин бу идеалистик[1] диалектика эди. Чунки унинг фик-рича, монодалар бир-бири билан жисмоний суратда ўзаро таъсир кўрсатишмайди, лекин шу билан бирга улар ягона рй' вожланувчи ва ҳаракатланувчи оламни ташкил этади ва бу олам олий монодага (мутлакқа, Худога) боғлиқ бўлган олДэН' дан белгиланган уйғунлик билан тартибга солинади.

Билиш назариясида Лейбниц Локкнинг материалистик сен-суализмига қарши чиқиб, ўзиғинг Инсон акли тўғрисидя янг тажрибалар» деган асарида билимнинг яккаю-ягона манбасин ҳиссиёт эмас, факат акл таШ-Кил этади, деб даъво Қила^.,

Ҳақиқатга эришиш учун Леибницнинг фикрича, ^кци-н^-^Д даларига амал қилинса бас. Унинг илмий меросида мантиДО оид^асарлар катта ўрин тутади. У математика, физика, г0®, 5 гия, биология ва бошқа фанларнинг ривожига катта ҳисса ҚУ 1 ган.

[1] Идеализм руҳий, номоддий нарсани бирламчи, моддий нарсани еш4 ламчи деб билади.



'ъектив идеализмнинг[1] йирик вакили Жорж Беркли СГ'°1753 йиллар) Локкнинг иккиламчи сифатлар ҳақидаги ^Вгидан ўзининг идеалистик қарашларини асослашда И&танди У ўзининг «Киши билишининг асослари ҳақида Ш : ,» асарида субъектни бирламчи деб ҳисоблаб, барча нар-онгнинг ҳолатидан, сезгилар мажмуидан иборат деб ,13р I беради. Беркли материяни, объектив реалликни бутун-лйМ танН олмас эди. У оламда «Мен» ва менинг сезгиларимдан Елга -хеч нарса йўк, оламдагн нарсалар менинг сезгиларим-I гяна мавжуд. агар мен сезмасам, уларнинг мавжудлигн ҳа-г_а гап бўлиши мумкин, эмас, деб ҳисоблайди.

5еркли солипсизм[2]дан қочишга уриниб, руҳий субстанция-Ьярнииг кўплиги ҳамда «ниҳоясиз руҳнинг», худонинг мавжуд-ШИН эътироф этади.

Беркли материяни, объектив реалликни бутунлай тан ол-май, г,:ен қабул этадиган бутун ҳиссий тасаввурларни менда чоддий предметлар эмас, балки руҳ пяйдо қилади. шу руҳ эса кдолар дегап эдп. У материя тушунчасини ички томондан зид-диятлн ва бнлиш учун бефойда деб танқид қилади.

Бсд клц Локкнинг бирламчи ва иккиламчи сифатлар тўғри-сидагн ғоясинн рад қилиб, барча сифатларни субъектив деб эълон қилади. У фаннинг дунёқарашидаги аҳамиятини инкор килиб, олимнинг вазифаси «ҳамма нарсани, фақатгина жисмо-нии сабаблар билан изоҳлашни даъво қилмасдан, балки яра-тувчининг тилини ўрганиб олишдан иборат», деб ҳисоблaрди.

Субъектив идеализмнинг яна бнр йирнк вакили Давид Юм ;1711—1776 йиллар) дир. У объектив реалликнинг мавжудли-ига шубҳа билан қаровчп скептицизмнинг асосчиларидан бнри бўлиб ҳисобланади. Унинг нуктаи-назарнча, дунё қонунлари убъектив хусусиятга эга бўлиб, бизнинг одатларимизга боғ-ЛиҚ, сабабият ва зарурият сезгиларимизнинг тартибидан, кет-'а-кетлигидан бошқа ҳеч нарса эмас. Шундай қнлиб Юм скеп-гидизмни агностицизмнинг турларидан бири сифатида моддий 1Унё қонуиларини билишни инкор қилади ва фан тараққиёти-"" чеклашга ҳаракат қилади.

рм объектив оламнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигн дега" масалани ҳал қилинмайдиган масала, деб ҳисобларди.

Билимнинг вазифасини Юм борлиқнн пайқашда деб эмас, а-1ки амалий ҳаёт учун қўлланма бўлиш қобилиятида деб би-Мя^"' ^нинг фикрича, ишончли билимнинг ягона предмети ^«тематика объектларидир; тадқиқотнинг бошқа ҳамма пред-ТаТлаРи мантиқий жиҳатдан исботлаб бўлмайдиган асосларга ,Та ЛлУҚлидир, улар фақат тажрибадан хулоса қилиб чиқари-Юм тажрибани идеалистларча тушуниб, вокелик

[1] Субъектив идеализм фалсафий оқим бўлиб, унинг вакиллари объектив оламни субъектнинг фаоллиги билан белгиланади деб ҳисоблайдилар.

[2] Солипсизм (лат. Solus — ягона, ipse — ўзим) тарафдорлари фақат индивиднинг ўзи мавжуддир, объектив олам фақат индивиднинг онгидагина мавжуд деб ҳисоблайди.

фақат «таассуротлар» оқимидир, уларнииг сабабларн номат. ва уларни пайқаб бўлмайди дер эди. ' "У*

Этик масаласида Юм утилитаризм[1] назариясини риво)к^1 тирдн, фойдаликни ақл-одоб мезони деб эълон қилдц фалсафасида у, коинотдаги тартибот сабабларининг ақл би • бир қадар ўхшашлиги бор деган фараз билан чекланди, ле"]ав шу билан бирга худо ҳақидаги ҳар қандай диний ва фалса(Ь 1 таълимотни рад қилди, у тарихий тажрибага асосланиб, ди] нинг ахлоқ-одобга ва фуқаролик ҳаётига таъсирини зарап11' деб эътироф қилди.

XVII аср материализми ўртага қўйган барча фалсафпя фикрлар XVIII аср француз материализми томонидан янад11 ривожлантирилди. Ламметри (1709—1751 йиллар), Гельвевд (1715—1771 йиллар) Д и д р о (1713—1784 йиллар), Гольбах (1723—1784 й.,) ва Р о б и н е (1735—1820) унинг йирик намояндалари эдилар.

Француз материалистлари ҳамма моддий жисмлар ўзгармайдиган ва бўлинмайдиган атомлардан (Гольбах) ёки молекулалардан (Дидро) ташкил топган, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг айримлари, масалан, Гольбах материяни объектив реаллик сифатида фалсафий изоҳлашга ҳаракат қилади.

Гольбахнинг фикрича, «материя бизнинг ҳиссларимизга бирор тарзда таъсир кўрсатадиган нарсаларнинг ҳаммасидир». Материя ўзгармас ва бўлинмас атомлардан иборат бўлиб, бу атомларнинг асосий хоссалари кўламлилик, оғирлик, шакл ва ўтказмасликдир.

Француз материалистларининг материя ҳақидаги фалсафии таълимотни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари шу бўлдики, улар материяни ҳаракатсиз, ҳаракатни эса материясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобладилар. Уларнинг таълимотига кўра ҳаракат материянинг мавжудлик усулидир, материя ҳаракати абадий ва мутлоқ. Француз материалистларинннг материянинг ички фаоллиги ҳақидаги таълимоти XVII аср материалистларининг материя ва ҳаракат ҳақидаги қарашларига нисбатан олға қўйилган йирик қадам эди. Аммо улар ҳаракат шаклларининг турли-туман эканлигини ва сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишини тушуна олмадилар. Улар ҳара" катни жисмларнинг фазода оддий ўрин алмашиши кўринишиД тасаввур қилиб, ҳаракатнинг сабабини ташқи таъсирларД3 қидирган эдилар. Шу сабабли улар ҳаракатнинг фақат бнтт шакли — механик ҳаракатни тан олар эдилар.

Шу билан бирга, француз материалистлари баъзи эвол цион гояларни ҳам олға сурганлар, улар органик дунё н0°Рг £ ник дунёдан, юқори организмлар қуйи организмлардан кел чиққан деган фикрларни айтганлар.

[1] **Утилитаризм—(лотинча иШНаз — фойда, наф, манфаат) тарафД°Рл фойдаликни ақл-одоб мезони деб ҳисоблайдилар.**

**дунёни** билиш масаласида француз материалистлари сенлист эдилар. Улар барча билимларнинг манбаини моддий с>3' метларнинг сезги аъзоларига таъсири натижасида ҳосил п?ад11ган сезгилардан иборат деб билдилар. Сезгисиз, ҳис 6УЛ шсиз билиш жараёни ҳосил бўлмайди, деб ҳисоблар эди **г'пьбах.** Сезги, унинг фикрича, мияда содир бўладиган фарқ Г2увчи ўзгаришлардир, онг эса бу ўзгаришларни идрок қилиш-

^""гельвеций ўзининг «Ақл ҳақида» асарида ақл бизнинг зриларимизнинг йиғиндиси деб таъкидлайди.

° француз материалистлари •ҳақиқат ва унинг мезони масалаcн бнлан ҳам алоҳида шуғулланганлар. Ҳақиқат, уларнинг таълимотнга кўра, фикрлар, ғояларнинг предметлар ва улар **орасидаги** боғланишларга доимий мос келишидан иборат. **Улар** ҳақиқатнинг мутлақ ва нисбий томонларини ҳисобга олмадилар.

**Инсон** фикри ва ғояларининг манбаи ташқи дунё эканлиги **нуҳтаи** назаридан туриб, француз материалистлари Декартнинг «**туғма** ғоялар» назариясини ҳар томонлама танқид қилдилар. **Улар** кишиларда ҳеч қандай «туғма ғояларнинг» бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай фикр ва ғоя ташқи дунёнинг инсон **миясига** таъсиридан кейингина ҳосил бўлади, деб ҳисоблар эдилар.

Француз материалистлари изчил детерминист эдилар, уларча, оламда бирорта сабабсиз воқеа, ҳодиса мавжуд эмас. Улар объектив оламда фақат зарурият мавжуд деб тасодифни бутунлай рад этдилар. П. Гольбахнинг фикрича, табиатда ҳеч нарса тасодифнй юз бермайди, ундаги ҳамма ҳодиса маълум бир қоиунга амал қилади, бу қонун маълум оқибатнинг сабабий ва зарурий боғланишидан иборат. Табиатдаги бутун воқеа, ҳодисалар олдиндан белгиланган, бошқача тарзда бўлиши мумкин эмас, инсон зарзуриятнинг қулидир, у ҳаётда бир дақиқа ҳам эркин эмас. Уларнинг бу фикрлари тақдирга тан беришга олиб келади.

Француз материалистлари ўзларининг кўпгина асарларида Л"нга қарши чиқиб, унинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни ҳа-'."Да бир қанча фикрларни баён этадилар. Уларнинг фикрича, н одамларга табиат, жамият ҳақида тўғри тасаввур ҳосил сайишга, ижтимоий адолатсизликларнинг ҳақиқий моҳияти, олнабини англашга, уни бартараф этиш йўлларини билиб кулшга йўл Қўймайди. Шу билан бирга дин меҳнаткашларни тиликка ва оч-яланғочликка маҳкум этадиган подшо ҳокимия-,иби Нўллаб-қувватлайди. Улар дин пешволарини танқид қила', кишиларнинг қўл-оёғини кишанлаб қўйган дин занжирлозини парчалаб, инсоний, ижодий қобилиятга кенг йўл очиш "1ап М Де® ҳисоблайдилар. Гольбах таъкидлаганидек, «кишиНц тМанФаати худди шу диний фикрларнинг йўқ қилинишитиш^аб этмоқда ва соғлом фалсафа ўзини шу диний чалғи-,'аРнинг йўқ этилишига бутунлай бағишлаши лозим».

Француз материалистлари ижтимоий ҳодисаларни тушун Я да ҳам бир қатор қимматли ғоялар,ни илгари сурдилар. у!""[1], НИНГ фикрича, КИШИ ИЖТИМОИЙ муҳитнинг ижти' Ч-муҳит қандай Йулса, киши ҳам шундай бўлади. Демак, жа^0^ ҳаётини яхшилаш учун мавжуд муҳитни, шароитларни тириш керак. Бу вазифани уларча, фақат маърифатнингрп^ жи орқалигина амалга оширнш мумкин.

Француз материалистларининг фикрича, ҳар бир инсон э кнн туғилади, шунинг^учун_замм_а _бахтга, озодликкя, адолатг' баб-"5аравар ҳақлидйрГБу уларнинг табиий, туғма ҳуқуқидип ШўнТшТ учун бўлажак жамиятнинг асосий вазифаси — ҳамма кишиларни^ц^олатли равишда ба_хт,ҳуқуқи билан таъминлаш дир. Аммо ф^нцўз~\Гатериалистлари ижтимоий муҳит маъно" сида мавжуд сиёсий тузумни, унинг қонунларини, устқурмаси. нигина тушунар эдилар. Натижада фикр жамиятни бошқаради кишиларнинг фикри, онги қандай бўдса, жамият ҳам, ижти' моий муҳит ва унинг тузилиши ҳам шундай бўлади деган идеалистик хулоса келиб чиқади.

Француз материалистлари табиат ва унинг ҳодисаларини фалсафий изоҳлашда материалист ва атеист бўлсалар-да, лекин жамиятни идеализм нуқтаи назаридан тушунтирганлар. Улар инсонга табиий мавжудот сифатида қараб, дунёни ақл идора қилади деб ҳисоблаб, жамият тараққиётида моддий ишлаб чиқариш усулининг ҳал қилувчи ўрнини тушуниб етма-1 дилар.

Шундай қилиб, XVII—XVIII асрлардаги мутафаккирлар фалсафа фани тараққиётига катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда баъзи бир хатоликларга ҳам йўл қўйдилар. Бу камчиликлар улар томонидан яратилган материализмнинг метафизик, механик мушоҳадачиликка асосланганлигида ҳамда жамият тараққиётини идеализм нуқтаи назаридан туриб талқии қилганликларида яққол кўринади.

### 3. Немис классик фалсафаси

Фалсафа фанининг ривожланишида немис файласуфлар[и'] нинг ҳам ҳиссаси катта. ^ 1

XVIII—XIX асрларда Германияда фалсафий фикрларни^ шаклланишида, бир томондан, 1789—1794 йиллардаги франиу | инқилоби ва унинг кишилик жамнятининг доимо ўзгариб [Т]УР ши ҳақидаги хулосаси катта аҳамиятга эга бўлган бўлса, »1 кинчи томондан, ўша давр Германиядаги ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатди. Германия бу даврда нисбатан ко Ч| мамлакат бўлиб, немис буржуазияси инқилобдан қўрқар. билан бирга капитализмнинг ривожланишидан манфаат^ эди. Немис буржуазиясининг бу иккиёқламалиги ўша Д"М фалсафасида ҳам ўз ифодасини топди. \ -аиТ

Немис классик фалсафасининг асосчиси **Иммануил** [141] ^ (1724—1804 йиллар) бўлиб, унинг қарашларида идеалисти

„алистик таълимотлар биргаликда учрайди. Кант фалса-
матенПНГ хусусияти шундаки, у материализмни идеализм
*аС"и келиштиришдан ҳамда бир-бирига қарама-қарши бўл-
сЬалсафий оқимларни бир системада бирга қўшишдан ибо-
гаН Унинг фалсафасини икки даврга: танқидий фалсафага-
ратД >'
Ра 1бўлган (XVIII асрнннг 70-йилларигача) давр ва танқидий
43 1саФа даврига бўлиш мумкин. Кант ўз фалсафасииинг даст-
'даврларида асосан табиатшуносликнинг фалсафий маса-
ри билан шуғулланди. У 1785 йилда ёзган энг йирик асари
Лгутун умумий табиий тарих ва осмон назарияси»да Қуёш
'истемаси коинотдаги бошланғич катта туманликни айланма
с ракат қилиши натижасида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Бу жараёнинг сабаби «дастлабки туртки»' эмас, балки ўзаро тортилиш ва итарилиш орасидаги зиддиятдир. Шу сабабли Қуёш системасидаги барча сайёралар, жумладан Ер ҳам Кант таълимотига кўра, узоқ давом этган табиий тарихий тараққиёг-нинг маҳсулидир. Кантнинг бу хулосаси унинг табиат ҳодиса-ларини диалекТик тарзда тушунганлигидан далолат беради. Лекин у илмий материалистик қарашларини дин билан боғ-лашни лозим топади. Унингча, табиат ҳодисаларининг маълум тартибга, муайян қонуниятга бўйсунишида Худонинг каромати бор.

XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кант фаолиятининг иккинчи даври бошланди ва «Соф ақлни танқид» (1781), «Про-легоменлар» (1783), «Муҳокама қобилиятини танқид» (1790) каби асарларида ўзининг трансцендантал ёки танқидий идеа-лизм тизимини асослайди. Бу асарларида у ўз эътиборини инсоннинг билиш қобилияти ва имкониятларини таҳлил қилиш-га қаратиб, объектив реалликнинг мавжудлигини эътироф этади ва уни «нарса ўзида» деб атайди. Лекин унингча «нарса ўзида»ни билиш мумкин эмас.

Кантнинг фикрича, «нарса, предметлар бизнинг онгимиз-
Дан ташқари мавжуд, бироқ улар нимадан иборат эканлигини
б,|з билмаймиз ва ҳеч қачон била олмаймиз ҳам... Биз объект-
ларни бизнинг сезгиларимизга қандай туюлса шундай били-
шчмиз мумкин, аммо аслида улар қандай, буни бнз била ол-
наимиз».

Кант инсон билимини икки гуруҳга ажратади: 1. Тажриба
,осиДа ҳосил бўладиган билимлар (апостериори). 2. Тажри-
гача ёки унга боғлиқ бўлмаган билимлар (априори). Фазо,
ЛибТ, са®аʌият каби тушунчалар априор билимлар шакли бў-
. булар тажриба натижасида ҳосил қилинадиган билимлар-
Они устун тУради. Тажрибавий билимлар алоҳида-алоҳида
Таж"Ган, бир-бири билан боғланмаган ҳодисаларни ифодаласа,
Даг 1л'багача бўлган априор билимлар эса ҳодисалар ўртаси-
ЧИят умумий сабабий ва зарурий боғланишларни, яъни қону-
ларни ифодалайди.

Кан Қонунларининг объектив хусусиятга ега эканлигини
| т Мутлақо тан олмайди. Унинг фикрига кўра, кишиларнинг

идроки табиатга қоиуилар ато қилади, шунинг учун ҳам 1 сон ақли табиатга мослашиши керак эмас, балки табиат IIII ақлига мослашиши лозим.

Кантнинг фалсафа тараққиётидаги хизматларидан бирцС бўлдики, у кейинчалик Гегель томонидан диалектикани тишда асос бўлиб хизмат қилган антиномияларни кўрсятЯ ўтди. V

Кантнинг таълимотига кўра, инсон ақли табиатан антин миялидир, яъни зиддиятларда иккиланувчидир. Шунинг қарама-қарши фикрларни баб-баравар (исботлаш йўли била 1 асослаб бериш мумкин. Масалан, олам ҳам ниҳоялидир ва ҳя] чегаралари йўқдир, бўлинмас заррачалар (атомлар) бор бундай зарарлар йўқ ва ҳоказо. Унингча, бу зиддиятлар ҳа| қандай ҳолда фақат зоҳирийдир.

Кант ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор берди. Унинг нуқтаи назарича, жамиятдагн ҳар бир кишининг'хулқ-атворя иродаси объектив реалликдан тамомила ажралган ва ўзгар' масдир. Ахлоқнинг асоси эса кишилар онгидаги ўзгармас амр. фармондир.

Кант мутлақ буйруқни (қатъий императив) этиканинг асосий қонуни деб эълон қилди. Бу буйруқ унингча, хатти-ҳаракатнинг мазмунига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда хулқ-атворнинг ялпи умумий қонуни бўла оладиган қоидага амал қилишини талаб этади.

Кант буржуа ахлоқий қонун-қоидаларини мутлақлаштиради, уни ҳамма давр синф ва ижтимоий гуруҳлар учун умумий деб эълон қилади.

Кантнинг жамият ҳаётининг тарихий жараёнида антогонизмларнинг роли, абадий тинчликни барқарор қилишда турли давлатлар учун ўзаро фойдалн алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги таълимоти фалсафанинг кейинги ривожланишига гоят катта таъсир кўрсатди.

Иоганн Готлиб Фихте (1762—1814). Немис субъектив идеализмининг йирик намояндаси Кантнинг «нарса ўзида» **ҳақидаги** таълимотини улоқтириб ташлаб, билиш шаклларининг бутун хилма-хиллигини бир субъектив идеалистик ибтидодан **келтй'** риб чиқаришга уринган. Бу ибтидо шундан иборатки, файла* суф қандайдир мутлақ субъектни «Мен»ни назарда тутиб, Унга бениҳоя актив фаолият беради, шундан кейин у **оламни** яра тади. Бошланғич «Мен» бу ўзига хос «Мен» эмас, бал онгнинг ахлоқий фаолиятидир. Ана шу мистик бошланғ I «Мен» алоҳида «Мен»ни келтириб чиқаради. Уни Фихте мутлақ)5| эмас, балки чекланган инсон субъекти ёки эмпирик «Мен» Д тушунади ва бунга табиат, яъни эмпирик табиат қарама-Қ гШ ши туради. ойГ

Фихтенинг фикрича, абсолют субъект «Мен» ва таоиат, ва нарсалар бир-бири билан узвий боғланган, уларнинг бирини айрим равишда билиб бўлмайди.

1| те таълимотидаги диалектик фикрлар унинг ижобий то-
«ни хосил қилади.

1,4 АОИДР[их] Вильгельм Иозеф Шеллинг (1775—1854) немис сик фалсафасининг йирик намояндаси — Кант ғояларидан кла ЛеГ.бницнинг тирик монодалар ва табиатнннг мақсадга му-в[а] ' кучлари ҳақидаги таълимотидан фойдаланиб, табиат , 'унчасига тараққиёт ғоясини киритади. У Фихтенинг субъек-т <<Мен»га асосланган фалсафасига ўзининг объективлик бир-т11В.ч1, деган фикрини қарама-қарши қўяди. Шеллинг объектив Ла еализмниит янги шакли — айният фалсафасини яратади. лбъект билан субъектнинг айният ғояси Шеллинг таълимо-инининг асосий муаммосини ташкил қилади. Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар унингча, мутлақ руҳнинг ифодасидир. Материя унингча, онгдан ташқари мавжуд бўлган реаллик эмас, балки мутлақ руҳнинг алоҳидаги ҳолатидир. Шунинг учун материя ва руҳни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас.

Билиш Шеллингнинг фикрича, «Мен»нинг ўз-ўзини англаш деганидир. Демак, билишнинг объектини онг ташкил этади ва унинг ёрдамида «Мен» ўзлигини англайди. Руҳ, жон ва уларнинг тасаввурлари ўзининг фаолиятини, ўзлигини билишга қаратилгандир.

Шеллинг фалсафасида идеалистик диалектика ғоялари ҳам мавжуд.

Мутлақ руҳ, «Мен»' унинг фикрича, объективлик ва субъективлик каби қарама-қаршиликнинг бирлигидан иборат. Уларнинг кураши табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракатининг манбаидир. Унингча, руҳ субъектив ва объективлик бирлигидан иборат бўлган руҳ (тезис), тараққиёт жараёнида табиатнинг шаклланишига олиб келади (антитезис) ва ниҳоят табиатдан яна объективлик ва субъективликнинг бирлиги бўлган юқори даражадаги руҳнинг тараққиётига олиб келади (сннтез).

Метафизикларнинг фикрига қарши чиқиб, у табиат доимо Хаaccording ракатда, унинг манбаини қарама-қаршиликларнинг бирлиги кураши ташкил қилади деган ғояни олға суради. Табиатда амма нарса бир-бири билан чамбарчас боғланган, шунинг УЎн ҳам уларни бир-биридан ажратиб қараш нотўғри. Фазо а вақт бир-бири билан боғланган.

н Шеллингнинг мазкур фикрлари немис классик фалсафаси-Рила "ИрИК намояндаси Гегель томонидан янада ривожланти-

Ри \[е]ту[ЛЬ] ([177]0—1831 йиллар) фалсафаси XVIII асрнинг охи-асрнинг бошларидаги немис идеализмининг чўққиси ва д^ясидир. Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафаси-Т],а' пкки томонни — диалектик усул ва метафизик консерва-Да оИстема сини фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзи-ГаЕ, Р^ВДонал мағизни»—тараққиёт тўғрисидаги таълимотда вцСт[алан]тирган фалсафа шакли бўлса, унинг догматик идеа-сисимаси эса консерватив тараққиётнинг тўхтаб қоли-

объектив оламии инсои ва унинг тафаккуридан ташқарида тақил мавжуд эканлигини эътироф этиш, билиш жараёни V с' дий дунёнинг инсон онгида акс этишини тан олишдан ибора

Фейербах материалистик сенсуализм фикрида туради ^ кин у сезгини ижтимоий-амалий фаолият билан боглай олм ди. Мавҳум тафаккурдан норози Фейербах ҳиссий кузатит мурожаат қилади, лекин у ҳиссиётни тажрибавий, инсон хисс фаолияти каби тушунмади. Бу ерда Фейербах материализм"[1] нинг суст, кузатувчанлик хусусияти аниқ қилиб кўрсатилган[1]

Фейербахнинг асосий камчиликларидан бири унинг ўз Мат' риализмини жамият соҳасига татбиқ қила олмаганидадир. ў фақат табиат ҳодисаларини изоҳлашда, яъни «пастдан» мат риалист, жамият ҳодисаларини изоҳлашда, яъни «юқоридан» идеалист эди. Бундан ташқари маълумки, Фейербах атеист эди. У «Худо одамларни эмас, балки Одамлар худони яратган» деган фикрни билдирган эди. Лекин у динни бутунлай тугат моқчи эмас, балки мавжуд христиан динининг ўрнига янги дин-ни яратмоқчи бўлади.

Буюк немис классик фалсафасининг асосчилари Гегель ва Фейербах ўз ўтмишдошларига нисбатан диалектика ва материализмга оид бир неча янги фалсафий ғояларни ишлаб чиқиб, ,бу фанни янада юксак босқичга кўтардилар.

XIX асрнинг 40- йилларидан бошлаб, немис халқининг буюк фарзандлари, ишчилар синфининг доҳийлари Карл Маркс (1818—1883) ва Фридрих Энгельс (1820—1895) томонидан диалектик ва тарихий материализм фалсафаси ишлаб чиқилади.

Диалектик ва тарихий материализм фалсафасининг вужудга келиши муайян ижтимоий-иқтисодий, назарий ва табиийилмий заминларга боғлиқ эди. Унинг иқтисодий-ижтимоий замини капитализмнинг ишлаб чиқариш усулига хос **зиддиятлар** билан боғлиқ бўлса, назарий заминини — Гегелнинг диалектикаси ва Фейербахнинг материалистик ғоялари ташкил этади. Илмий манбаини эса —XIX асрнинг биринчи ярмида қилинган буюк илмий кашфиётлар, яъни ҳужайра назарияси, энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчисига ўтиш қонуни, Дарвиннинг эволюцион назарияси ва бошқа кашфиётлар ташкил этади. *Ш*

Диалектик ва тарихий материализм фалсафасининг хусусияти шундан иборатки, унда диалектика, мантиқ ва били назарияси, шунингдек, жамият тараққиётининг асосий қонуниятлари яхлит тарзда асослаб берилган.

## 4. Рус фалсафаси

Рус фалсафаси тараққиёти иккита бир-биридан сифат ҳатидан ажралиб турадиган давр мавжудлиги билан тавс ч ланади: 1) XI—XVII асрлар; 2) XVII аср охиридан XIX гача бўлган вақтни ўз ичига қамраб олади.

КЙОИНЧИ даврда асосан диний-фалсафий қарашлар тарақ-
• тиб, унда олам Худо томонидан яратилган, инсоният та-
Кйх худониинг марҳамати билан иблиснинг қора нияти ўртаси-
Р"х" 'к\ рашлардан иборат, инсон ҳаётининг ўткннчи, руҳнинг
Даг" слиги, абадийлиги ҳақидагн ғоялар ўз аксини топади.
рДа қадимги Рус ўлкалари томонидан христианликнинг
Ш қилнниши бу ерда фалсафий фикрнинг шаклланиши ва
ожланишига катта таъсир кўрсатади. Бу борада киевлик
Соополит Илларионнинг «Қонун ва яхшилик ҳақида сўз»,
л']бодат» каби асарларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Шунинг-
* «Игорь полки ҳақида сўз» (XII аср), «Уткинчи йиллар қис-
Дяси» (XI—XII асрлар) каби ва бошқа адабий ёдгорликлар
оус халқининг тарихи, унинг маданияти, ижтимоий-фалсафий
карашлари тўғрисида қимматбаҳо манбалар бўлиб ҳисобла-
нади.

XVII асрнинг охиридан бошлаб рус фалсафаси тараққиёти-
да янги давр бошланди. Бу давр Пётр I нинг Европа мадания-
тини, фан ва техника ютуқларини Россияга сингдириш ҳара-
катлари билан узвий боғланган бўлиб, у табиат ва жамият та-
раққиётига илм-фан нуқтаи назаридан ёндошишга қаратилган
илмий-фалсафий фикрларнинг вужудга келиши билан тавсиф-
ланади.

Россия материалистик фалсафасининг асосчиси бўлиб рус
қомусий олими М. В. Ломоносов (1711—1765) ҳисобланади.
Ломоносовнинг ижодий фаолияти ниҳоятда ҳар томонлама бў-
либ, у кимё, физика, филология, поэзия, тарих ва бошқа фан-
ларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Изчил материалист бўлган Ломоносов ушбу давр фани ва
маданиятида ҳукмрон бўлган сафсатабозлик қарашларига қар-
ши чиқди. Идеалистик назарияларга у табиат жисмларининг
табиий келиб чиққанлиги ғоясини қарама-қарши қилиб қўйди.
«Ер қатламлари» асарида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг эво-
люцияси ҳақидаги фаразни илгари сурди ва табиатни ўрганиш
заРУрлигини исботлаб берди.

Ломоносовнинг фикрича, табиатдаги ҳамма нарсалар мате-
Р"ялан (атомлардан) ташкил топган. У қадимги атомистик на-
зарияни қўллаб-кувватлайди. Барча нарсалар атомлардан
ашкил топган бўлиб, улар ўз навбатида майда заррачалар
' °РпУскулалардан) иборат. Корпускулалар ёки молекулалар-
инг турлича қўшилуви нарсаларнинг хилма-хиллигини белги-
лаЧДи.

Р Табиат ўз қонунига эга бўлиб, жисмлардан тортиб атомлар-
барча ҳодисалар ва ўзгариш жараёни ана шу қонуниятга
кд сУнади, унга мувофиқ вужудга келади. Шунинг учун улар
Дайдир ташқи кучга муҳтож эмас.

^ 'омоносов материя доимо ҳаракатда, ривожланишда деган
Қон' 5, 0Лга сУРтан, у материя ва ҳаракатнинг сақланиш умумий
'га Уиини кашф этади. Бу қонунни у 1748 йил 5 июлда Эйлер-
езган мактубида таърифлаб берган эди. Унинг бу кашфиёти

XVIII аср табиат фанларида ҳукмрон бўлган илмга салб! •• рашларга қатъий зарба беради. Қа

Ломоносов «Иссиқ ва совуқнинг сабабн ҳақида ўйлап» | рида у иссиқлик яратувчи материянинг алоҳида турлн си-к^' даги теплород тушунчасини рад этади ва иссиқлнк жара"Тн' ринннг сабабини материя зарраларининг ҳаракатидан изт ""13' керак деб кўрсатади. Унинг фикрича, материянинг асосий л салари: кўламлилик, инерция кучи, форма (шакл), ўТКаз,хос- лик ва механик ҳаракатдан иборат. Шунингдек, Ломоно'30 «биринчи туртки»ни ҳам табиатнинг ривожланиш сабабла"08 дан бири деб ҳисоблайди.

Билиш назариясида ҳам Ломоносов материалистик фикпл эди. Унингча, сезгиларимизнинг манбаини ташқи олам хоси қилади. У Декартнинг «туғма ғоялар»и билан Локкнинг «иккя! ламчи сифатлар» таълимотига қарши чиқди. Предмет ва ҳоди" саларнинг ички сабабини билиш учун Ломоносов фикрича тажриба билан тафаккур бирлиги зарур ва назарий хулосалар орқали текширилиши лозим. Ҳиссий қабул қилиш ва илмий тушунча бирлиги моддий оламнинг турли қиёфасини беради. !

Ижтимоий ҳодисаларни тушунишда Ломоносов маърифатчилик нуқтаи назарига қўшилади ва жамият ҳаётини фақат маориф воситаси билан ва хулқ-атворни такомиллаштириш йўли билан яхшилаш мумкин деб ўйлайди.

А. Н. Радишчев (1749—1802) крепостнойлик тузумига ҳарши ғояларнинг асосчиси, Россияда илғор фикрлиларнинг вакилларидан бири, материалистик ғояларни илгари сурган мутафаккир.

Радишчевнинг фалсафий қарашлари «Инсон, унинг З^И ва ўлмаслиги ҳақида» асарида акс эттирнлган. У моддий дунё объектшГмавжуд, у турли хил сифат, хусусиятларга: оғирлик, шакл, ҳаракат, ранг ва бошқаларга эга, материя ва ҳаракат бир-бири билан узвий боғлиқ деган эди. У инсон ҳаётида_К|И гандан кейин руҳнинг янтаути мумкинлигидай~далолат берув411 ҳеч нарса йўқлигини курсатади. Билиш назариясида ҳам Радишчев материалистик ғоялардан келиб чиқиб, киши ҳамма билимларни сезгилар ёрдамида оламдан олади деб ҳисоблаган. Декартнинг «туғма ғоялар»ига қарши чиқиб, инсон билиминнинг манбаини ташқи олам деб ҳисоблаган.

Материализм ва днлектикани ижодий ривожлантириш в бойитишда XIX асрда ижод қилган рус демократлариД2 В. Г. Белинский (1811—1848), А. И. Герцен (1828—1««^] Н. Г. Чернишевский (1820—1880), Н. А, Добролюбов (183& 1861), Н. П. Огарев (1813—1877) ва бошқаларнинг хизматл» ри алоҳида аҳамиятга эга. Улар М. В. Ломоносов, А. дишчев ҳамда немис файласуфлари Гегель ва Фейербахн^ илмий фалсафий меросларини атрофлича ўрганиб, янги Фл в фий таълимот яратдилар. Аммо улар Ломоносов ва Радпи1дЗ нинг, Гегель ва Фейербахнинг оддий издошлари эмас эДй^Ч

немис классик фалсафасиниг фақат илғор томонларини ^амчиликларини қаттиқ танқид қилдилар.
ол' т' ицл материализм нуқтаи назарида туриб, материя бир-
й:;" _..Г. хпкгак ЛЯПЯЖЯЛЯ ТЯШКИЛ ТППГЯН МЯТРПИЯНИНГ мях-
мЧИ. хуфайли у иккиламчидир, деб ҳисоблайдилар. Добро-
сУл"'0 дунёдаги барча жисмлар ҳаракат ва ривожланишда
. °ан ягона материянинг турли-туман ҳолатларидан иборат:
абадий, у ҳеч ким томонидан яратилмаган ва йўқолиб
ма1майди, У фақат ўзининг шаклини ўзгартиради, холос, дунё-
**материядан** ажралган ҳеч қандай куч йўқ, деб таъкид-

лаИрус маърифатпарварларининг катта ютуғи шу бўлдики,
р табиат қонунларининг объектив хусусиятга эга эканлиги-**ни** илмий асосладилар. Уларнинг фикрича, фақат табиатгина эмас, уни бошқариб борувчи қонунлар ҳам объектив мавжуддир. Чернишевский Кант ва унинг издошларининг қонунлар фақат бнзнинг онгимизда мавжуддир, деган хулосасига қарши чнқиб, табиат қонунлари инсон ақлининг маҳсули эмас, улар онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, дейди.

Чернишевский идеализмни ҳар томонлама чуқур танқид қилади. Унингча, табнатдан ғояларни излаш самарасиздир, чунки у ҳар хил сифатга эга бўлган турли-туман материядангина ташкил топган. Инсон материя тараққиётининг умумий занжирида жойлашган. Тошдан ўсимликкача, дарахтдан ҳайвонот дунёсигача, жумладан инсон ҳам материянинг турли туйғун бирикмаларидир, деб таъкидлайди.

Герден материя ва руҳ чамбарчас боғланган, шунинг учун уларни бир-биридан ажратишга ҳожат йўқ, деб кўрсатади.

Рус илғор демократлари динга қарши кескин кураш олиб бордилар. Уларнинг таъкидлашича, дин халқ оммаси онгини заҳарловчи, ҳукмрон синф манфаатларига хизмат қилувчи воситадир. Дин кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлигидан келиб чиққан.

^ Рус демократлари дунёни билиш мумкин деб ҳисобладилар. ^ларнинг фикрича, билиш жараёни ҳиссий ва мантиқий жиҳатлардан ташкил топган. Материалистик билиш назарияси нуқ-
аи назарида турган мазкур файласуфлар объектив дунёни
ЛИш мумкинлигини тан олмайдиган скептик ва агностиклар-
Қаттиқ танқид остига олдилар. Белинский скептизм ва
но стицизмни оғир ва хавфли касалга ўхшатиб, «фикрнинг па-
НиЛич бўлиши» деб тавсифлайди. Чернишевский кантчилик-
Ка г <<нарса ўзида»ни билиш мумкин эмас, деган даъволарига
^РШи курашди.

Лект.ЛаР кУрашчан материалист бўлиш билан бир қаторда диа-
бй;ика масалалари бўйича ҳам бир қатор чуқур фикрлар
чл«Рганлар. Гегель диалектикасини юқори баҳолаш билан
рй1 к-атоРда унинг таълимотндаги камчнликларни кенг ва ат-
^Ича очиб ташладилар.

Рус илғор демократлари метафизикага қарама-қаршд рок табиат ва ижтимоий ҳаётни доимо ривожланишда ва ^Ла-1 ришда, деб ҳисобладилар. Ҳаёт, Белинскийнинг кўрсатиш ,Га'" бетиним ҳаракат қилувди .ва ривожланишдадир. «Яшаш '^3, қараб ривожланишдир» деган "қоидага асосланиб", Г;;ел]р£з| «доира бўйилаб тараққиёт» таълимотига қарши чиқдилар. ЙИ

Ҳаракат ва ривожланишнинг сабабини рус илғор демокп I лари нарса ва ҳодисаларнинг ўзидан қидирдилар. Улапвд таъкидлашича, ривожланишнинг манбаи ички қарама-қарцЛ ликлар курашидир. ' Ч

Рус тараққийпарварлари фалсафа тарихида биринчи либ, фалсафий таълимотларнинг синфлар ва сиёсий партиялап кураши билан суғорилганлигини кўрсатдилар. Улар сиёсий ва фалсафий назариялар ҳар доим ҳам юз бераётган ҳодисалап таъсирида бўлишини, булар эса ҳаёт ҳодисалари юз беришина тезлаштиришга ёки секинлаштиришга қаратилганини таъкид. ладилар.

Рус илғор демократларининг фалсафа тарихида тутган ўр. ни шундаки, улар дунё ҳодисаларини тушунтиришда XVII аср материалистларига нисбатан бир қадам олдинда эдилар. Шу, нингдек уларнинг фалсафаси олдинги материалистик таълимотлардан фарқли ўлароқ, жамият аъзоларини ҳаракатга, жамиятни ўзгартишга ундайдиган таълимот эди.

Рус фалсафасида материалистик дунёқараш билан бир қаторда бошқа диний фалсафий оқимлар ҳам тараққий этди. Улар марказида эътиқод ва билим асосий ўрин эгаллади.

Диний фалсафанинг йирик намояндаларига В. Соловьев (1853—1900), Бердяев (1870—1948) ва бошқалар киради. Славянофиллар фалсафасининг тарафдорлари С. Н. Булгаков, П. А. Флоренский ва бошқалар эдилар. Кантчилик гуруҳига эса Н. О. Лосский, С. Л. Франк, Г. Г. Шпет ва бошқалар киради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус фалсафаси тараққиётида учинчи давр бошланади. Бунда Г. В. Плеханов (1856—1918) катта роль ўйнади. Плехановнинг **фалсафии** фикрлари унинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир», «Материализм тарихига оид очерклар»» «Тарихда шахснинг роли масаласига доир» ва бошқа асарларида баён этилган. 1

Плеханов тарихни материалистик ғоялар асосида таҳлил этиб, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг муносабатларинин мураккаблигини кўрсатди; у диннинг келиб чиқиши, жамиятД , тутган ўрни ҳамда унинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллар | билан алоқадорлиги ҳақида ўз фикрларини баён этди. 1

Россияда диалектик ва тарихий материализм фалсафаси , тарғиб этиш ва ривожлантиришда В. И. Ленин (1870— фаолият кўрсатди. У XIX аср охирида табиат фанлари соҳас^ да рўй берган туб ўзгаришларнинг сабабларини таҳлил^ҚИ-1' ' физикавий идеализмнинг моҳиятини очиб берди. У Ў311Н

Ць ярида диалектика назарияси, диалектика ва метафизи-
асарл[а]1 карама.қаршилиги, идеализмнинг гносеологик илдиз-
кан„11гшуиингдек тарихий материализмга оид бир қанча маса-
Л«Р[я]'ин ёритиб берди. Мазкур фалсафий фикрлар кўп йиллар
л3'й[3]1нида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асосий мафку-
"I куроли вазифасини ўтаб келди ва кўпгина салбий оқи-
раВ?арнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Юкоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Қадимги Шарқ, Марказий Осиё ва Ғарб фалсафасининг марказида Борлиқ, Табиат Онг, Инсон, Жамнят, уларнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, бнр-бирига таъсири ва ўзаро алоқадорлиги, воқеликни билиш йўллари каби муаммолар асосий ўринни эгаллаб келган. Мазкур муаммолар ҳозирги давр фалсафасининг ҳам диққат марказида турибди. Лекин, аввалги даврларга нисбатан, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ҳозирги кунда кенг ва чуқурроқ қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг боиси шундаки, фан тараққиёти ва амалиёт бизга мазкур масалаларнинг янги томонлари, мураккаб қирраларини очиб бермоқда, улар эса ўз навбатида янгича фалсафий ёндошишни тақозо этмоқда. Мазкур дарсликнинг кейинги бобларида ана шу муаммолар устида, уларнинг ҳозирги мавжуд фалсафий таълимотларда қандай талқин қилиниши тўғрисида тўхтаб ўтамиз.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Милоддан олдинги асрда Юнонистонда қулдорлик даврида фалсафанинг фан сифатида шаклланиши ва унда дунёнинг асоси нималардан иборатлиги қандай баён этилганлигини айтинг. Демокрит томонидан моддий Дунёнинг асоси, ҳаракати ва уни билиш мумкинлиги ҳақидаги асосий фал-[са]фий ғоялар нималардан иборат?

2. Урта аср давридаги номинализм ва реализм, «Уйғониш даври»даги Ф[ан] тараққиёти, XVII—XVIII асрларда Ғарбий Европада фан тараққиёти-"ьнг фалсафага кўрсатган таъсири ҳақида сўзланг-

3- XVIII аср француз файласуфларининг фалсафий қарашлари нима-[а]РДан иборат?

4- Немис классик фалсафаси ва унинг илмий ютуқлари ва тарихий чек-"[а]нганлиги ҳақида ўз фикрингизни баён этинг-

5. Рус фалсафасининг моҳняти ва ўзига хос хусусиятларини айтиб берИнг

## *II БУЛИМ.* БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

### V Б 0 Б. БОРЛ **ИК.** СУБСТАНЦИЯ, МАТЕРИЯ — ФАЛСАФА **КУЗГУСИДА**

#### 1- §. Борлиқ тушунчаси. Дунёнинг моддий бирлиги

Юқоридаги бобларда айтилганидек, борлиқ[1] муаммоси бап ча фалсафий таълимотларда асосий ўрин эгаллаб келган к бежиз эмас, албатта. Кишилар азалдан ўзини қуршаб тургаи оламни фалсафий нуқтаи назардан тушунишга интилиб ке^ ган. Борлиқ тушунчаси оламни фалсафий англаш учун ишлаб чиқилган асосий тушунчадир.

Илмий фалсафа нуқтаи назардан Борлиқ тушунчаси сермазмун, кўп қиррали бўлиб, инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни ифодалаш, акс эттириш учун ишлатилади. Борлиқ тушунчаси ёрдамида кишилар ўз онгида дунёнинг мавжудлиги, унинг чексизлиги, абадийлиги, яхлит ва бир бутунлиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлади.

Борлиқнинг асосий турларини моддий предметлар, жараёнлар борлиги; инсон борлиги; маънавий борлиқ; ижтимоий борлиқ ташкил этади. ***Ш*** **,**|

Моддий предмет борлиги туркумига табиатдаги барча нарсалар, энг майда заррачалардан тортиб то Ер, Қуёш, коинотгача киради. Шунингдек моддий борлиққа кишилар томонидан яратилган «иккинчи табиат», яъни ҳар хил моддий неъматлар (завод, фабрика, бинолар, турли машина, механизмлар, асбобускуналар ва ҳоказолар) ҳам киради.

Инсон борлигига эса муайян бир ижтимоий гуруҳ, табака, синфга мансублик, ўзига хос манфаатга эга бўлган, ўзлигини англай биладиган шахслар киради.

Маънавий борлиққа инсон томонидан яратилган қадриятлар мажмуи — яъни маданият, тил, илм, фан, ахлоқ-одоб қоидалари кабилар киради. Ижтимоий борлиқ жамият **ходисала**рининг барча турларини ўз ичига қамраб олади. Борлиқни илмий тушунишнинг моҳияти фақат унинг объективлигини эътироф этишдангина иборат эмас. Борлиқнинг энг муҳим **белгиси** унинг моддийлигидадир. ^

Диний таълимотларда оламнинг асоси, унинг моҳияти илоҳий куч, руҳ билан боғлаб қўйилади. Илк Борлиқ бу **оламдаг** барча нарса ва ҳодисаларни яратувчи Худодир. Илк Борлн* яъни биринчи мавжуд — Тангри Оллоҳ барча **мавжудот** борл I гининг биринчи сабабидир дейилади. ***Ш***

«Илк Борлиқ, яъни Тангри,— дейди Форобий, **ўзининг** моҳияти билан бошқа барча нарсалардан фарқлидир: у [a] лийдир. Чунки модда ҳам эмасдур, субъект ҳам эмасдур- У[н] |

[1] ***Борлиқ*** — онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив ни ифодаловчи фалсафий тушунча.



| и ҳам бўлмайди, унинг бир ўзи бу борлиқда яккаю ягосу[в]Рр у шу жиҳатдан ҳам биринчидир»[1].

й[аД]|-^ель таълимотига кўра, оламдаги ҳамма нарсалар ва ҳо- ' аР **«мутлақ** ғоя»нинг маҳсулидир. Бинобарин, оламни ".вчи шу гоя ундаги нарса ва ҳодисаларнинг бирлигини яР;[1] "5елгилайди, дейилади идеалистик таълимотларда. Шунинг- х.ан". бошқа диний ва фалсафий қарашларда ҳам дунёнинг мод- **бирлиги** барча нарсалар ва ҳодисаларнинг Худо томони- * **яратилганлигида** деб тушунтирилади.

д Субъектив идеалистлар ташқи олам предметларини инсон- инг ички дунёсидан, унинг сезгилари, идроклари ва шу каби**лардаи ҳосил** бўлган қандайдир нарса деб қарайдилар. «Чун**ки** юқорида кўрсатилган объектлар,— деган эди инглиз файла**суфи Беркли,**— биз сезгиларимиз воситаси билан идрок **этадиган** нарсалар бўлмай нима ўзи?» «Хўш, биз ўз идеалла**римизни,** яъни сезгиларимизни идрок этмасдан нимани идрок **этамиз?»** «Нарсаларни, идрок этувчи кимсага боғламасдан **туриб, уларнинг** мутлақ мавжудлиги тўғрисида сўзлаш мумкинлигини мен мутлақо тушунолмайман», дейди у. Берклининг **фикрини** бошқа файласуфлар, жумладан Мах, Авенариус ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

Дунёнинг моддий бирлиги масаласини тушунтиришда дуалистлар ҳам катта чалкашликларга йўл қўядилар. Уларнинг фикрича, оламнинг асосида абадий мавжуд бўлган икки мутлақ асос ётади, яъни материя билан руҳ. Демак, улар барча нарсаларни материядан иборат эканини тан олсалар-да, материя билан онгнинг боғлиқлигини нотўғри ҳал этганликлари учун оламнинг моддий бирлиги масаласини тўғри тушунтириб бера олмайдилар.

Метафизик материализмнинг вакилларидан бўлган Е. Дюринг ҳам дунёнинг моддий бирлиги масаласини асослаб бермоқчи бўлади. Унинг кўрсатишича, дунёнинг моддий бирлиги, унинг борлигида эмиш. Гарчи оламнинг борлиги унинг бирлиги У[ч]ун зарур шарт бўлса-да (чунки олам бир бўлишдан илгари мавжуд бўлиши лозим), оламнинг бирлиги унинг борлигида эмасдир. Оламнинг ҳақиқий бирлиги унинг моддийлигидадир.

Илмий фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, бизни курШаб турган олам доимо ҳаракат қилувчи Борлиқ, Материя ва ™нг турли хилдаги шакллари ва кўринишларидан иборатдир. ламда ҳеч нарса йўққи, у Борлиқнинг, Материянинг аниқ акли, унинг муайян ҳолати ёки хоссаси, унинг қонуниятли Р[га]ришининг, тараққиётининг маҳсули бўлмасин. Ҳатто энг [Вх].ум ғоялар ва тушунчалар ҳам (сезгила|р, идроклар ҳақиси гь ўтирмаса ҳам бўлади) моддий аъзо — инсон мия-

Фаолиятининг натижаси ва моддий нарсалар хоссаларининг На [Ико]сидир. Оламда бор мавжудотнинг, воқеликдаги барча [рса] ва ҳодисаларнинг бирдан-бир универсал негизи бўлган

1 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 130- бет.

материя тушунчасида Борлиқнинг энг умумий моҳияти «А ланади. ' ^й^Родэ.

Дунёнинг моддий бирлигини қуйидагилардан яққол <• \ шимиз мумкин: " ' ^к^Урц.

1) Борлиқ, материя объектив реалликдир, у инсон 0 ^ ифодаси, хоҳиши ва истагидан ташқарида реал мавжудл! Демак, дунёнинг моддий бирлиги иисоннинг сезгилари ва шунчаларига боглиқ бўлмай, бу бирлик инсон онгидан таш?' ридаги ундан мустақил ва абадий мавжуд бўлган материяни'3' хусусиятлари билан ифодаланади.

2) Дунё моддийдир, барча нарсалар ва ҳодисалар мат риянинг турли шаклларидаги кўринишдан иборат. Оламда (Ь' қат материя ва унинг аниқ сифати ва хусусиятлари мавжуд' Масалан, оддий чанг заррасидан сув томчисигача, мураккаб молекуладан минералга қадар бўлган нарсаларни олиб кўрайлик. Булар турли кўринишга, сифат ва хусусиятга эга бўлиб бир-биридан жуда фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси материянинг муайян бир кўринишидир, буларнинг заминида ҳамма жисмлар учун умумий бўлган субстанция — материя ётади. Мана шуни бирлик деб атаймиз. Бундай бирлик ёлғиз бизнинг сайёрамиздагина эмас, балки чексиз коинотнинг барча бепоён томонларида, ҳамма жойларида объектив мавжуддир.

3) Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар қандай мазмунга, шаклга эга бўлишидан ва коинотнинг қайси ерида жойлашишидан қатъи назар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир. Бу боғлиқлик оламнинг шундай бир умумий ва зарурий томоники, табиатдаги бирор предмет ёки жамиятдаги бирор ҳодиса шу боғланишдан четда қола олмайди. Барча мавжуд нарсалар ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги бу боғланиш ҳам оламнинг бирлигини кўрсатувчи далилдир.

Дунёнинг моддний бнрлиги илмий фалсафанинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, унинг моҳияти оламдаги хилма-хил I нарса ва ҳодисалар асосида бир бутун ягона субстанция—мате- I рия мавжудлигини эътироф этишдан иборатдир. Бизни қуршаб I турган дунё ғоят турли-тумандир, ҳамма нарсалар ва ҳоднса- I лар ўз хусусиятлари, хоссалари, сифати жиҳатдан айнан Ў^х^ I шаш эмас. Органик ва ноорганик табиат, физик ҳодисалар 33 I кимёвий жараёнлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бир-бирига I қанчалик яқин алоқа ва боғланишда бўлмасин, барибир у-43?' I нинг ҳар бири ўзининг алоҳида қонуний сифати ва хусусият- I ларига эгадир. Илмий фалсафа оламдаги нарса ва ҳодисалар I қанчалик бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан улар ЎР1^а^*1 сида бирлик борлигини очиб беради. Бу бирлик шундан I ратки, оламда юз берадиган барча хилма-хил ҳодисалар | риянинг турли хоссалари ва кўринишларидир. **Уларнинг** Х^а^- маси моддий, яъни онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаг^2^ ҳолда мавжуддир.

Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилиб **турувчи** ^ терия бутун мавжудотнинг негизи ва манбаидир.

I ол янинг моддий бирлиги масаласи табиатшунослик фан- энг янги ва чуқур кашфиётлари билан исботланди. яаРттКнёнинг моддий бирлиги, табиатда юз берадиган жараён- лаРнинг бир-бирига боғланишини исботлашда, айниқса, уч буюк катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш жоиз- кашфиёт дйРу,арвиннинг эволюция назарияси тирик организмларнинг зоқ тарихий жараён натижасида пайдо бўлганлигини исбог- лад

Пунёнинг моддий бирлиги масаласини исботлашда энергия массанинг сақланиш қонунининг кашф этилиши ҳам катта вз аҳамиятга моликдир. Бу қонун материянинг бордан йўқ бўл- ^"аслигини, йўқдан бор бўлмаслигини, бир шаклдан иккинчи наклга ўтиб туришини, шу жараёнда турли сифатга, хусусиятга эга бўлган нарсалар, ҳодисалар пайдо бўлиб ва ўзгариб туришини ҳам исботлаган эди. М. В. Ломоносов бу қонунни шархлаб кимёвий жараёнлар вақтида масса йўқолмаслигини, балки бошқа ҳолатга ўтишини кўрсатиб берган эди. Демак, оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг умумий асоси бўлниш материя ҳаракат жараёнида турли шаклларда намоён бўла боради, лекин ўзининг умумий массасини йўқотмайди. Бизнинг асримизда эса шу икки қонунга таяниб масса билан энергиянинг бирлиги қонуни кашф этилди.

Моддий бирлик тирик организмлар ўртасида ҳам мавжуддир. Организмлар материя тараққиётининг турли босқичларида туради. Улар ўзларининг сифат ва хусусиятлари, моҳияти ва имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Лекин шунга қарамай, онг оддий организмдан бошлаб одамга қадар ҳаммаси ҳужайралар, оқсил моддалар ва бошқа мураккаб кимёвий бирикмалардан ташкил топганлиги маълум. Усимлик ва ҳайвон организмларининг ҳужайрадан тузилиши тўғрисидаги таълимот оламнинг яна бир муҳим соҳасида — органик дунёда ҳам моддий бирлик мавжуд эканини кўрсатади.

Моддий бирлик органик олам билан ноорганик олам ўртасида ҳам мавжуддир. Органик оламнинг асосий хусусияти ташқи муҳит билан модда алмашишдир. Модда алмашиш организм ташкилий тузилишининг маълум чегарасига қадар давом этади, холос. Агар организм таҳлил қилиниб маълум чегарага қадар бўлинса, унинг тузилиши бузилади ва модда алмашиш тўхтайди. Шу чегарадан кейин давом этадиган таҳлил органик оламнинг ноорганик олам билан умумий бўлган томонларини очиб беради.

Моддий оламдаги нимаики нарсани олиб текширсак, ҳаммаси материянинг турли шаклдаги кўриниши бўлади, уларни таҳлил қилсак, таркибида албатта молекулалар, атомлар ва зарралар борлиги аниқланади.

Лозирги замон табиатшунослик фанлари оламнинг моддий бирлигини исботлаш учун янада янги далиллар бермоқда. Оламни ўрганиш, унинг ички қонунларини кашф этиш бу

•соҳада анча аҳамнятлндир. Электрон, протон, нейтрон м 1 кабилар материянинг шундай шаклларидирки, уларни ола!:3оЧ ги ҳар бир нарса ёки ҳодисани ташкил этган заминнинг б^ часидан топишимиз мумкин.

Моддий бирлик бутун борлиқнинг умумий қонунидир. Олм лар бепоён коинотнинг узоқ жараёнларидан келган косм нурларда ҳам позитрон, мезон сингари зарарлар мавжудлиги айтмоқдаларки, бу нурларни тажриба йўли билан ерда ҳосил қилиш мумкин. Оламнинг қайси бурчагига назар ТШД майлик, ҳамма жойда материянинг бизга маълум бўлган туп" ларини, уларнинг физик, кимёвий хусусиятларини, **умумиб** қонуниятларини пайқаймиз. Узоқ юлдузлар таркибининг спек траль таҳлили ҳам буни исботламоқда.

Фалсафанинг моддий олам бирлиги тўғрисидаги **таълимоти** жамият ҳодисаларига ҳам дахлдордир Жамият **тараққиёти** асосида ҳам моддий ҳаёт шароитлари унинг ижтимоий, **сиёсий** ва маданий тараққиётини белгилайди. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса жамиятнинг ўзи табиат тараққиётининг зарурий оқибатидир. Органик оламнинг тараққиёти маълум бир давр ва шароитларда одамнинг келиб чиқишига, **унинг** жамоа муносабатлари ва меҳнат жараёнида ўсишига, сўнгра кишилик жамиятининг ташкил топишига олиб келган. **Шунинг** учун ҳам табиат билан жамиятни бир-биридан ажратиб қараш, уларни қарама-қарши қилиб қўйиш нотўғри.

Дунёнинг моддий бирлиги тўғрисидаги таълимот мавжудликнинг ҳамма томони моддийдир, материядан иборатдир деган маънони билдирмайди. Оламдаги барча мавжудотнинг материя ва унинг хусусиятларидан иборатлиги шубҳасиздир, албатта. Лекин материянинг хусусияти фақат моддий шаклдагина эмас, руҳий-маънаюий шаклда ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, тафаккур материянинг ана шундай руҳий хусусиятидир.

## 2. Субстанция ва материя, уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Борлиқ тушунчаси субстанция[1] категорияси бнлан узвий боғлиқ. Бу фалсафий категория одатда моддий субстрат ва нарса ўзгаришларининг бошланғич асоси сифатида ифодаланади. ]*Ш*

Фалсафа тарихида дастлабки вақтларда субстанция ҳамма нарсани ташкил этадиган модда деб тушунилларди. Масалан. атом Демокрит таълимотида, Урта аср Шарқида **Фороби"**-Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида ҳам субстанция тушунчаси моддий асос, моҳият сифатида талқин этиларди. А

Форобийнинг фикрича, «Уз зоти мавжуд (нарсалар) ни сУ станция (жавҳар) деб аталади, масалан, олма ва **шунга У** •

[1] Субстанция (лотинча *5иЬ$1апИа* — моҳнят) бутун мавжудотнинг •"'Ч дий асосини ифодаловчи фалсафий атама.

' бзрча жисмлар. Уз зоти билан мавжуд бўлмаган (нар-
Ш[аШ] , ,1и акциденция (ораз) деб атаймиз, масалан, олманинг
[саЛ]птиги ва шунга ўхшаганлар. Бундан келиб чиқадики, бар-
К[1,3]";-жудга келтирилган нарсалар ёки субстанция (масалан,
[1,а] ёки акциденциялар (масалан, олмадаги қизиллик) дан
олма) экан»

"^°Янги замонда Декарт субстанция муаммосини энг кескин
либ қўйди. У икки хил субстанция — материя ва руҳ параллел
ранишда мавжуд, уларнинг ҳар иккаласи эса Худога бўйсуна-
ди деб ҳисоблайди. Спиноза табиатни яккаю-ягона субстанция
деб кўлам ва тафаккурни ягона бир субстанциянинг атрибут-
лари ҳисобларди ва субстанцияни ўз-ўзига сабабчи деб қарар-
ли Кантнинг фикрича, субстанция «шундай бир доимий нар-
саки, фақат унга нисбатангина ҳамма вақтли ҳодисаларни
**аниқлаш** мумкин. Гегель «мутлоқ ғояни», «ҳар қандай янада
ҳақиқий ривожланишнинг негизи» деб таърифлайди.

Метафизик материалистларнинг фикрича, агар нарсалар-
нинг пайдо бўлиб ва йўқолиб, турли ўзгаришларга дучор бў-
либ, бир-бирига айланиб туриши мумкин бўлса, субстанция эса
бир зайлда тураверади ва ўзининг туб негизи жиҳатидан ўз-
гармасдир, унинг фақат ташқи шаклларигина ўзгаради. Шу
билан бирга субстанция кўпинча бўлинмас, тузилишп ўзгар-
мас атомлар билан айнан бирдай қилиб қўйилади. Шу тариқа
атомларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги фикр оламнинг субстан-
циявий негизи бўлган материя ҳақидаги фикр билан айнан
бирдай қилиб кўрсатилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турганидек, субстанция
ўта мураккаб ва кўпқиррали тушунча. Одатда у дунёнинг
дастлабки моддий асосини ташкил этувчи, нарса ва ҳодисалар-
нинг хоссалари учун омил ёки «тиргак» бўлиб хизмат қилувчи,
материя тавсифномасининг умумий шаклининг бирлиги, нарса-
ларнинг ўзгармас барқарор моҳиятини очиб берувчи тушунча
сифатида ишлатилади.

Уз мазмунига кўра субстанция материя тушунчасига яқин
ва маълум даражада унга мос ҳамдир. Аммо бу тушунчалар-
ни бир-бири билан тўлиқ айнийлаштириб бўлмайди. Субстан-
материя ва унинг ҳаракатининг барча кўринишлари бир-
нгини ифодалайди, лекин у материя тушунчаси билан айнан
№иаш эмас. Субстанция материя тавсифномасининг умумий
б[а]нтиқий шаклларидан бўлиб, унинг ўзгаришининг фаол са-
очисидир. Демак, материя субстанцияга нисбатан кенгроқ
'УШунча.

Материя ҳақида фалсафада ва табиат илмида кўпгина чу-
авк ^нкРлаР айтилганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бу
га,[3ло] барча ҳодисаларнинг умумий субстанциал негцзи бўл-
за\ МатеРия ҳақидаги, уни яратиб ва йўқ қилиб бўлмаслиги,
[0н]Да абадий мавжудлиги ва маконда ниҳоясизлиги, унинг

Наср Форобий. Фознл одамлар шаҳри, 180- бет.

объективлиги, оигга боғлиқ эмаслиги, материя билан ҳаn Ш нинг ажралмаслиги ҳақидаги қоидалардир. Улар табиа 'Ч ҳамма ҳодисаларини ўзаро алоқадорликда ва бир-бирнн қозо қилишда, табиий ва ўзгармас қонуниятларга бўйсуни ' Тз, олиб қарар эдилар. Утмишдаги файласуф-материалистлап !д, терияни сўзсиз билиш мумкинлиги, унинг ҳодисалари в. Мз, НУНЛЯПИ л/тя по гКоп1/,7т,п1,г,л. 3 - -Г и — пя - НСо«
уларни пайқаб олиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларга асо ланардилар. Мазкур фикрлар ҳозирги замон билимида ҳам аҳамиятини сақлаб қолмокда.

Ҳозирги илмий фалсафада материя тушунчаси барча нарсй ва ҳодисаларга хос бўлган энг умумий хусусиятни **белгилай** диган мавҳум тушунчадир. Демак, материя тушунчаси ифода". лайдиган дунёдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белгиси, хусусияти шундан иборатки, улар бизнинг **онгимиздан** ташқарида, мустақил равишда, онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Ҳамма нарсага хос бўлган умумий хусусият фалсафий категория билан материянинг ягона хусусиятидир.

Юзаки қараганда масаланинг бу таҳлитда қўйилиши уни тушунишни қийинлаштирадиганга ўхшайди. Аслида бундай эмас. Биз объектив оламда от, ит, эчки, мол, туя, бўри, тулки, айиқ ва бошқаларни учратамиз. Буларнинг ҳаммасини «ҳайвон» деган умумий ном билан ифодалаймиз. «Ҳайвон» умумий тушунча. Аммо оламда умумий «ҳайвон» йўқ, балки алоҳида ит, эчки, мол ва бошқалар мавжуд. Бу ўринда ҳайвон тушунчаси барча ҳайвонларда бор бўлган умумий сифат ва хусусиятларни ифодалайди. Демак, ҳар қандай умумий тушунча аниқ нарса ёки ҳодисалар бор бўлгани учунгина мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасида бир бўлган умумий сифат ва хусусият ларни ифодалайди. «Дарахт», «уй», «инсон» сингари умумий тушунчалар ҳам худди шундай. I

Демак, материя объектив реалликни ифодалайдиган фалсафий категория бўлиб, бу объектив реалликни инсон ўз сезгилари билан идрок қилади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, бизнинг сезгиларимиз ундан нусха олади, сурат олади, уни акс эттиради^ Ҳақиқатан ҳам, материя сезги аъзоларнинг яккаю-ягона манбаи эканлиги ва уни билиш мумкинлигини кўрсатади. **Материя** тушунчаси гносеологик нуқтаи-назардан қаралганда, ДУН_ объектив равишда биздан ташқарида мавжуд, у сезгиларимизда акс эттиради, деган фикрни билдиради. 1

Материянинг фалсафий тушунчаси фақат ҳозирги даврД^ фанга маълум бўлган объектларнигина эмас, балки келгусиЯ кашф қилинадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, бу ма^йл, да унинг методологик аҳамияти каттадир. Материянинг Фа*1 сафий тушунчаси фақат табиатнигина акс эттириб қолмасда | балки жамиятнинг моддий ҳаётини ҳам акс эттиради, чунк!: - ҳам кишиларнинг онгига боғлиқ бўлмаган объектив реалли | дир. Н



•яй фалсафа нуқтаи назаридан материя абадий, бепоён, 11лХ"хеч қачон йўқолмайди. Материянинг абадийлиги унинг ,,еКс113, омонидан яратилмаганлигини, ҳамиша мавжуд бўли- "я кИМ ТимиииА" "Г ^ЯЧТЖНРТ тм Iяйни -IНИНГ янги томонлаои *,рЦ к4> ҳар бир стиг янги кашфиёт туфайли унинг янги томонлари

? и % » ни бплднради -

**Материя** ҳақида гап кетганда, қуиидаги масалага эътибор иш зарур- У шундан иборатки, материянинг фалсафий ту- ^нчасини унинг тузилиши ҳақидаги табиий-илмий тасаввур- ШV билан алмаштириб юбормаслик керак. Материянинг гно- оюгик маънодаги мазмуни кенг, умумий ва абадийдир, аммо <ни"нг хусусиятларини ва тузилишини аниқ фанлар соҳасида талкин килиш эса нисбийдир.

Ҳозирги замон фан кашфиётлари материянинг битмас-туганмас хусусиятларини очишда, унинг катта фалсафий аҳамият касб этаётганлигини тасдиқламокда.

Қишилик жамиятининг ижтимоий-тарихий амалиёти, инсо- нният билимининг бутун тарихи — дунёнинг моддийлиги ва унинг объектив реаллигини таъкидлайди. Умуман, табиат илмий ва ижтимоий фанларнинг жами кашфиётлари, ютуқлари, илмий фалсафий дунёқарашни асослаб бериш учун далилдир. Айниқса, материя хусусиятларининг ҳозирги замон фанлари томонидан ўрганилиши унинг сермазмунлиги, бошқа фанлар учун методологик асос эканлигини исботлайди. Янги кашфиётлар материя тузилиши ва унинг хусусиятлари ҳақидаги эски тушунчаларнинг камчиликларини бартараф қилиб, унинг бойиб, кенгайиб боришини кўрсатади.

Бундан икки минг йил илгари Левкипп, Демокритларнинг бўлинмас зарра — атом ҳақидаги фаразлари материя тузилиши ҳақидаги бошланғич фикрлар эди. Рус олими М. В. Ломоносов ва итальян олими Лавуазьеларнинг турли моддаларнинг кимёвий ва физик хоссалари ҳақидаги назарияси материя ҳаРдаги билимларнинг чуқурлашиб боришига сабаб бўлди. Кимё фанида А. Бутлеровнинг молекулаларнинг тузилиши соҲасидаги кашфиётлари, Д. И. Менделеевнинг «Элементлар даврий системаси қонуни»нинг очилиши материянинг тузилиши Ҳақидаги ҳозирги замон таълимотига асос бўлди. XIX аср охри ва XX аср бошларидаги физикадаги энг янги кашфиётаР, чунончи электроннинг очилиши, уран ва бошқа атомлар Р Диоактивлик хусусиятининг, рентген нурларининг кашф қи- [ ,а«иши, атом ҳақидаги қарашларда бурилиш ясади. Электрон гаокат тезлигининг ўзгаришига қараб унинг массаси ҳам ўзИР®*® туришининг аниқланиши $E=Mc^5$ материянинг ҳозирги да/ум бўлмаган янги хусусиятларининг очиб берилганлиги- ' моДДаларнинг бир турдан иккинчи турга айланишида диа- ^к жараён борлигидан дарак беради.

объе - "ИКа Фани эришган бу ютуқлар материя тушунчасининг гицсКТ ав Реаллликни ифодаловчи хусусиятининг тўғри эканли- "Нгц Ис®отлаДи. Бу кашфиётлар атомнинг бўлинишини, унинг хУсусиятлари, айниқса, масса хусусиятларининг сифат жи-

• I .

ҳатдан аввалгн хусусиятидан фарқ қилншини кўрсатади. фй ларни бу нарса ўйлантириб қўйган эди. Бундан фойдала И!(' махчилар массанинг ўзгарувчан хусусиятини материянинг л лиши деб нотўғри хулоса чиқардилар.

Аслида эса, материя эмас, балки материянинг биз ҳозн | ча билган чегараси йўқолган эди, бизнинг билимларимиз с.Га да чуқурлашиб, материянинг янги хусусиятларини очиб беп Ка эди. pгаа

Материя тузилишининг ҳар бир шаклида ҳаракат ва тапя ' қиётнинг ўзига хос қонунлари бўлиб, бу қонунларнинг ҳа бири атомнинг мураккаб ва туганмас хусусиятини, демак и І териянинг тузилиши ва хоссалари мураккаб эканлигини кўрся"| тади. Электрон билан позитрон бирикиши натижасида фотой. нинг ҳосил бўлиши ҳам материянинг тузилиши мураккаблига' ни кўрсатади.

А. Эйнштейннинг $E=mc^2$ формуласида м — масса ва Е~ энергия орасидаги боғланиш материя ўзининг ҳаракат шаклини энергияга айланишини кўрсатмайди, балки бир турдаги масса ва энергиянинг иккинчи турдаги масса ва энергия билан боғлиқлигини кўрсатади. Демак, материянинг фалсафий тушунчасини тинч массага эга бўлган физик объект билан тенглаштириб бўлмайди. Зарра қандай кўринишда бўлмасин, у массага эгами ёки йўқми, барибир инсон онгидан ташқаридадир. Демак, объектив реал зарраларнинг бир-бирига таъсирида, уларнинг бир-бирига айланиши натижасида модда нурланади ёки электромагнит квантларини ҳосил қилади, улар моддалардан ҳосил бўлгани учун қандай кўринишда бўлмасин моддий деб биламиз. Бу ерда махчилар материянинг физик тузилиши ҳақидаги масалани унинг фалсафий тушунчаси билан алмаштириб юборган эдилар. Моддий объектлар қандай кўринишда бўлмасин, қандай хусусиятга эга бўлмасин, улар биздан ташқарида объектив равишда мавжуд, билимларнмизнинг ўзгариб, кенгайиб ва ривожлана бориши реал дунённнг объективлигини ҳеч қачон инкор қилмайди. Буни ҳозирги замон фани тўлиқ тасдиқламоқда. Материянинг янгидан-янги хусусиятлари ва тузилишига оид бўлган таълимотларни тасдиН" ловчи кашфиётлар қўлга киритилмоқда. Атом ядросини ў'Рга'| нишга оид нисбийлик назарияси, квант механикаси элементар зарралар физикасидаги ҳар бир ютуқ бунинг исботидир. «^Э ментар зарралар» физикаси ҳозирги вақтда атомнинг ички ту; зилишига оид янги фикрларни ҳам бермоқда. |я

Элементар зарралар бу хусусиятларнинг очилиши матер тузилиши ва хусусиятлари ҳақидаги билимларимизнинг че раси ҳеч қачон бўлмаслигини кўрсатади. Физикадаги бу ка 1 фиётлар материянинг икки асосий кўринишда мавжуд эка 'дц гини—модда ва майдон кўринишида мавжудлигини кўрсат .. Материянинг модда ва майдон кўриниши баъзи бир Ху сиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Модда кЎРиН сйг» даги материя тинчлик массасига эга бўлиб, булар жумл

I нейтрон, электрон ва познтронларнн, улардан ташкил 0Р°Т° 'атом ва молекулаларни киритиш мумкин. Молекулатопган таРКИб топган микроскопик жисмлар ҳозирги замон берган маълумотларга асосан, ҳар хил ҳолатда бўлишФа!П уумкин: суюқ, қаттиқ, газсимон, плазма, эпиплазма, филаР'вакуум ҳолатда. Материянинг майдон кўриниши модда кўз1К 1шп1ан ҳаракатдаги массага эга бўлиши ва ёруғлик тезлиР"Н' яқин тезлик билан ҳаракат қилиши орқали фарқ қилади. г,1гатр0магнпт майдон, ядро майдони, гравитацион майдон, 6.лар материянинг майдон кўринишидир. Материя майдон кўинишининг мавжудлиги, унинг сифат ва хусусиятларининг Р1дда кўриниши билан алоқадорлиги, фарқи, электромагнит майдонининг тўлароқ ўрганиши асосида очиб берилади.

' Еруғлик оқими — электромагнит майдон тўлқинидан иборат бўлиб, у ҳаракатдаги массага эга бўлган заррача — фотон•!ардан ташкил топган. Фотон эса секундига 300 минг км тезликда ҳаракат қилади. Материянинг майдон кўриниши ана шу хусусиятига кўра модда кўринишидан фарқ қилади. Ёруғлик масса ва энергияга эга, демак электромагнит майдон ҳам массага, ҳам энергияга эга, бу материянинг модда кўриниши билан майдон кўриниши хусусиятига кўра ўхшашлигини кўрсатади.

Ҳар қандай модда — масса ва энергияга эга. Тажрибалар материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланишини аниқлади. Демак, материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланиши зарралариинг зарра ва антизаррадан ташкил топганлигини кўрсатади.

Материянинг бениҳоятлиги ва чексиз тузилиши мураккаб хусусиятлари ҳақидаги масала моддий оламнинг сифат жиҳатидан битмас-туганмаслигини ўз ичига олади. У органик жиҲатдан дунёнинг моддий бирлиги принципи билан боғлиқ.

Илмий фалсафа «бирламчи материя»нинг энг сўнгги ўзгармас моҳияти сифатида мавжудлигини рад этиб, материянинг субстанциявийлигини худди у (онг эмас, бирон-бир ғайри таоинй нарса эмас) ҳодисаларнинг турли хилдаги хоссаларининг "РДан-бир умумий негизи эканлиги ва теварак атрофимиздати 0ламнинг бирлигини белгилаб беради. Оламни, моддий маеРилни бизнинг онгимиздан ташқйрида мустақил объектив Р®аллик битмас-туганмас деб билиш, уни қандай бўлса шунт ',ЛИгича, қўшимчаларсиз тушунишга йўналтиради. Бу фикр ил Иа„тшУносларга идеализм ва агностацизмга қарши курашда, дан" тадҚи^°т йўлида вужудга келадиган қийинчиликларНил чиқишга, турли-туман ҳодисалар занжирида асосий ҳалқара^ан,1Қлаш учун муҳим бўлган тарихий ёндашишга ёрдам бе-

Тад^мнй фалсафанинг материя ҳақидаги таълимоти илмий ха,, '*К°тлар учун, яхлит илмий дунёқараш ишлаб чиқиш учун тал.!а Фаннинг кашфиётларини воқеликка мувофиқ равишда қилиш учун методологик негиз бўлиб хизмат қилмоқ-

мокда, воқеликни тобппГ » Укам маллашиб ( тукупл Е^Н теп..я
риялар ва №„ Р туларок акс эттирувчи
бу воқелик бизнинг окда, аммо шуниси х^ ^
ҳамиша мураккяйп^ Д укамм ал барча тасаввупЛ бор
ч мураккаброқ булаверади. гасавв УРлари м{3

### 3. Ҳаракат ва ривожланиш тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари

Ўзаро^ъгипг, тм хамма нарса ҳапакатдя •
тупган хяпХо ВЗ Урин алмашишдадир Хеч йнп . УЗГа Р"Шд^;
бўлиб"' у'лар биои Дагн нарЙар^ »
ли й V Р-оирига аиланади бипи ^ „ „ ^Ракат»
заррад ан топт иб исидан пзйдо булади ^Бу Ц л „
Куёшгяня „„ , ЭНГ катта «исмларгача кум ппиЛ, ЭНГ ...
зодга а до^о найЛ хужайрал ни^)^ н ^ У ^ ^ б
Тўхтов *хапяк* булиш ва йўқ бўлиш *узлТкг,* одам
Теваоак- *>илин ва ўзгариш ҳолатини кечириш мавжуд эканмиз, унда
ўзгармайдиган хеч нарса йўқлигини, ҳамма нарса ҳаракатда
бўлиб, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туришини кўр-
рамиз. Барча моддий объектларда элементар зарралар, атом-
лар, молекулаларнинг ҳаракати содир бўлиб туради, ҳар бир
объект уни қуршаб турган муҳит билан ўзаро бир-бирига таъ-
у сир қилиб туради, бу ўзаро таъсир эса у ёки бошқа турдаги
ҳаракатни ўз ичига олади. Ҳар бир жисм, ҳатто Ерга нисбатан
осойишта турган жисм ҳам у билан бирга Қуёш атрофида ай-
ланади, Қуёш билан Ер эса Галактиканинг бошқа юлдуз сис-
темаларига нисбатан ўрин алмашиниб туради ва ҳоказо. !

Агар қаттиқ жисмлар олиб қараладиган бўлса, уларнинг
тузилиши ва шаклининг барқарорлиги, уларни ташкил этувчи
микрозарралар ўртасидаги муайян ўзаро таъсирга боғлиқ экан-
лигини кўриш мумкин. Фазо ва вақтда кенгайиб борувчи ҳар
^андай ўзаро таъсир эса ҳаракат сифатида юзага чиқад".
худди шунИнгдек, ҳар қандай ҳаракат ҳам материя турли эле-
ментларининг ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Айрим файла-
суфлар ҳаракатни материядан ажратиб унга материяга таш-
қаридан берилган куч деб қарайдилар. Чунончи, механикани
фан сифатида шаклланишига асос солганлардан бири Ньютон]
сайёралар Қуёш атрофида доимий ҳаракат қилиб туради Де'
тўғри таъкидлаш билан бирга бу ҳаракатнинг манбаини ил
ҳий биринчи туртки деб ҳисоблар эди. XIX аср немис метаф
зиги Е. Дюринг эса материя авваллари котиб қолган ҳолда
бўлган, кейинроқ у механик ҳаракатга эга бўлди, деб таък 1
лайди.

Материя барча ўзгаришларнинг субстанциявий негизи г
Материядан ажралган ҳаракат, «соф ҳаракат» йўқ. XIX а 3|
нинг иккинчи ярмида йирик немис физиги В. Оствальд Ўзий \



ва ҳаракатнинг боғлиқлигини инкор этувчи энергетизм
бпияси билан чиқди. Энергетизмнинг вакиллари материясиз
пакат мавжуд бўлиши мумкин, деган^ фикрни илгари сурди-
лУлар материядан ажралган қандайдир номоддий нарсага
лган «соф энергия»ни барча ўзгаришларнинг бир-
бир негизи деб ҳисоблар эдилар. Ҳақиқатда эса энергия
-риянинг хоссасидир, бу хосса ҳаракатнинг миқдорий меъё-
и « иборат бўлиб, моддий системаларнинг ички ўзгариш-
^гила муайян ишни амалга оширишга қобилияти бор-
^Р" „ иАодалайди. Энергия материядан айрим ҳолда мавжуд
Кгини ифодалавди. хпегалаби
йДИ ва ҳамиша моддий жисмларнинг бошқа хоссалари
а" биргаликда юзага чиқади.

Метафизик материализм ҳаракатнинг фақат механик шак-
ягн.. оддий кўчиш, маконда алмашишни тан олиб материя-
га'ташқи турткининг берилиши билан олам ҳаракатга келади
! ҳаракатни материядан ажратиб қўяди. Шунингдек, улар
табиат ва жамиятни бир-биридан ажратиб, табиат қонунлари
билан жамият қонунлари орасидаги умумий боғланишни кўра
олмаганлар, механика қонунларини ҳамма соҳанинг ривожла-
нишқонуни деб билганлар.

Илмий фалсафа таълимотига кўра, ҳаракатнинг фалсафий
иаъноси шуки, у материянинг борлиқ шаклидир. Материя ҳа-
ракати қандай шаклда бўлмасин, у объектив равишда мате-
риядан ажралмаган ҳолда содир бўлади. Материянинг мав-
жудлик шакли бўлганлиги учун ҳаракатнинг объектив реал бўлиш
хусусияти материянинг ҳам хусусияти ҳисобланади.

Ҳаракат ҳам материя каби объектив — реалдир. Материя
узига хос ички қарама-қаршиликларга кўра ҳаракат қилади,
ривожланади. Материя ҳаракати ҳеч қандай ташқи турткига,
ғайритабиий кучга муҳтож эмас. Материя ҳаракати ва тарақ-
қиётининг манбаи ички қарама-қаршиликлардир.

Ҳаракатнинг фалсафий мазмунини материя ҳаракати шакл-
лари тўғрисидаги табиий, илмий тасаввурлар билан аралаш-
тирмаслик зарур.

Илмий фалсафа нуқтаи назаридан ҳаракат материянинг
муҳим атрибути - мавжудлик усули. У табиат ва жамиятда
юз берадиган ҳамма жараёнларни ўз ичига қамраб олади Энг
Умумий тарзда ҳаракат — умуман ўзгаришдан, моддии оОъект-
ларнинг ҳар қандай ўзаро таъсиридан иборат.

Ҳаракатни ривожланиш тушунчаси билан адаштирмаслик
Дап^' ^аракат реал воқеликда рўй берадиган ҳамма ўзгариш-
^рни ўз ичига олади. Ривожланиш деганда эса жадал суръат-
йож лан илга рилаб борувчи ўзгаришлар тушунилади. Ри-
РИт ланиш сифат ўзгаришларининг натижаси бўлиб, бу ўзга-
Дагц нарса ва ҳодисалардаги қарама-қарши томонлар ораси-
Да ^УРашнинг натижасидир. Бундай ўзгаришлар натижаси-
°Ддг"кининг ўрнида янгиси пайдо бўлади, қуйидан юқорига,
идан мураккабга ўтиш содир бўлади. Шунинг учун «ҳара



1

кат» тушунчаси, «ривожланиш» тушунчасига қараганда 1 роқ тушунилади.

Ҳаракат материянинг ички моҳиятидан келиб чиқап 1 объектив жараён, у икки турда намоён бўлади: 1. Нарса!Я нинг мавжуд сифатини сақлаб қолиш асосида рўй берадиЯ ўзгаришлар. 2. Нарсаларнинг мавжуд сифатининг емирилиш асосида содир бўладиган ўзгаришлар.

Ҳаракат турли-туман кўринишларда бўлади. Илгари ҳаА катнинг асосий шаклларига: а) механик ҳаракат; б) физик!1 ракат; в) кимёвий ҳаракат; г) биологик ҳаракат; д) ижтимом! ҳаракат киради, деб ҳисобланарди. \/

Ҳозирги замон фани макрожисмларнинг оддий механик ҳа| ракати, ҳаракатнинг бошлангич шакли эмаслигини кўрсатия беради. У микрозарралар ҳаракатига нисбатан **«юқорироқ,|** туради. Микрозарралар ҳаракати эса макрожисмлар ҳарака-1 тининг асосини ташкил қилади. Микрозарралар ҳаракатпнинг! асосида эса янада чуқурроқ жараёнлар ётади. **Микрозарралар!** ҳаракати квант механикаси қонунларига бўйсунади. Микро.| зарралар ҳаракати узунлиги, массанинг катталиги ва масса| ҳаракатининг тезлигига боғлиқ бўлган тўлқин билан боғлиқ-| дир. «Элементар» зарралар ва майдонлар даражасидаги ҳара-1 катнинг ўзига хос хусусиятли фарқларидан бири электромаг-1 нит ҳаракат шаклидир. Унинг моддий асоси электромагнит майдон ва унинг зарраси — фотонлардир. Электромагнит майдондаги ўзаро таъсирнинг тарқалиши тўлқин қонунларига ва ёруғлик тезлиги доимийлиги қонунига бўйсунади. Фотонлар электромагнит майдон квантлари бўлиб доимий бирликда бўлган ҳаракатдагина мавжуддирлар. Бу ҳаракат материянинг мавжудлик шаклидир деган фалсафий қоидани тўла тасдиқ,- лайди.

Электромагнит майдондан ташқари яна физик майдонлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳаммасига ҳаракатнинг алоҳида шакля мувофиқ келади. Ядро ҳаракати элементар зарралар ва майдонлар ҳаракатига нисбатан анча мураккабдир. Ҳаракатнинг ядро шакли нуклонларнинг (протон ва нейронлар) ҳаракати| асосида вужудга келади. Бу ҳаракат шаклидан ҳам мураккаб роғи атом ичидаги ҳаракатдир. Унинг сифат хусусиятини ядро ва электронлар, шунингдек электронларнинг ўзлари ўртасида ги ўзаро таъсир ташкил қилади.

Демак, ҳаракатнинг физик шакли иссиқлик, электрон, ма ] нит, атом ичидаги ва бошқа жараёнларни қамраб олади. УД фақат молекуляр жараёнлар билан боғлаб тушунтириШ тўғридир.

Материя ва унинг ҳаракат шаклларининг мураккаблан'* бориши, янги ўзига хос ҳаракат шакли атом ёки химик Л лига олиб келади. Унинг ташувчиси атом ва молекулаларД^Я Ҳаракатнинг химик шакли турли-туман атомларнинг бирик ларида ва ажралишларида, молекулалар ички тузилишии Ц



ишида, уларнинг турли кимёвий жараёнларда ўзаро ўз-^шларида намоён бўлади.

Материя ҳаракатининг мураккаброқ шакли бўлган биоло-I **ҳаракатнинг** бошқа шакллардан сифат жиҳатдан фарқи гик организмларнинг озиқланиши ва модда алмашув туфай-^кимёвий таркибини ўзлари секин-аста янгилаб боришлари-

^Материя ҳаракатининг энг мураккаб шакли ижтимоий ҳа-катдир- Бу ҳаракат шакли инсоннинг пайдо бўлиши туфайра келиб чиқади. Унинг ўзига хос хусусияти моддий ишлаб чиқариш жараёни, шунингдек, ишлаб чиқариш усули хусусиятидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодисалар, синфий, миллий, оилавий ва бошқа кишилар ўртасидаги муносабатлардир.

**Юқорида** айтилганларни эътиборга олиб, айрим олимлар **ҳаракатни** қуйидаги уч шаклга ажратиш ҳақидаги фикрни **илгари** сурмоқдалар: 1. Жонли табиатдаги ҳаракат; 2. Жонсиз **табиатдаги** ҳаракат; 3. Ижтимоий ҳаракат. Булар бир-бирини **тўлдириб,** юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг барча шаклларини ўз ичига қамраб олади.

Материя ҳаракатининг ҳамма шакллари ўртасида маҳкам ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бу ўзаро алоқадорлик аввало материянинг тарихий тараққиётида ва ҳаракатининг нисбатан қуйи шакллари асосида юқори шаклларининг пайдо бўлишида **намоён** бўлади. Ҳаракатнинг юқори шакллари улардан илгари ўтган ва уларнинг пайдо бўлишига асос бўлган кўпгина қуйи формаларнинг ўзгарган шаклларини ўз ичига олади.

Ҳаракат шаклларининг ўзаро муносабатини ўрганганда юқори шаклларини қуйи шакллардан ажратиб қўйишдан ҳам, тартибсиз равишда юқори шаклларни қуйи шакллардан иборат қилиб қўйишдан ҳам сақланиш муҳимдир.

Юқори шаклларни қуйи шакллардан ажратиб қўйганда Уларнинг келиб чиқишини изоҳлаб бўлмайди. Масалан, биологияда бундай ажратиб қўйиш витализмга — идеалистик қарашга олиб келади. У ҳаётий фаолиятнинг ҳамма жараёнларини Уё тирик организмларда жо қилинган алоҳида номоддий факторларга —«энтелехия», «яратувчи куч» ва шу кабилар амалиётига боғлаб изоҳлайди. Витализмнинг бош манбалари Платоннинг гўё ҳайвонлар ва ўсимликлар оламига жон бағишлайдиган — жон ҳақидаги таълимотига ҳамда Аристотелнинг телехия ҳақидаги таълимотига бориб тақалади. XVII—XVIII _ Рларда таркиб топган витализмнинг намояндалари Г. Шталь, Р рталанфи, А. Венцель ва бошқалар тирик табиатнинг т фат жиҳатдан ўзига хослигини далил қилиб кўрсатиб, хаё- Лог 'аолият жараёнларини моддий физикавий-кимёвий ва био- с Ик к.онуниятлардан ажратиб қўяди. Жонли табиатни жон- т Табиатга ҳаддан ташқари қарама-қарши қилиб қўйиш, ви- м', „змни жонли нарсанинг жонсиз нарсадан пайдо бўлиши лигини инкор қилишга олиб келади. Масала бу тахлита қўйилганда ҳаётнинг илоҳий келиб чиқишини ёки унинг

абадий мавжудлигиии тан олиш қолади. Ҳозирги замон **А** I ҳаётнинг тарихан пайдо бўлиш қонунларини ва унинг Жаl -[Ні] ларини ҳаракатнинг физикавий-кнмёвий шаклларига боғ " эканлигини очиб бериб, витализмга зарба беради. Ч

Ҳаракатнинг юқори шаклларини қуйи шаклларидан **СИА**Д жиҳатдан фарқ қилишини эътиборга олмаслик механициз?,[ат] олиб боради. У табиат ва жамият тараққиётини, яъни ҳарак : нинг юқори шаклларини матерпя ҳаракатининг қуйи шакли б$] ган механик шакли қонунлари билан изоҳлайди. Ҳозирги вак да механицизмнинг кўринишларини баъзилар томонидан тафя! курни кибернетик машиналарда содир бўладиган ахборот жа" раёнлари билан бирдек қилиб кўрсатишга уринишларида. куЛ тишимиз мумкин. 1

Олий материя ҳаракат шакллари нисбатан қуйи шакллап асосида тарихан пайдо бўлади ва уларни мураккаброқ тизимнинг ривожланиш тузилиши ва қонунларга мувофиқ равишда ўзгартирилган шаклда ўз ичига олади. Улар ўртасида материя ҳаракат шакли қуйи шакллардан сифат жиҳатдан фарқ қилади ва уни қуйи шаклдан иборат қилиб бўлмайди.

Ҳаракат шаклларининг ўзаро таъсирини билиш оламнинг моддий бирлигини, материянинг тарихий тараққиёт **хусусиятлари**ни очиб бериш учун катта методологик аҳамиятга эгадир.

Ҳаракатнинг кўриниши қандай шаклда бўлмасин, у моддий асосга эга. Олам ҳодисалари доимо ўзгаришда, ўсишда, қотиб қолган нарса йўқ. Демак, материя ҳаракати шакллари ҳар **хил** бўлмаснн, улар бир-бирига боғлиқдир. Материя **ҳаракатининг** ҳар бир шакли ўзининг қонуниятига эга. Масалан, механик ҳаракат классик механика қонунига, иссиқлик ҳаракати **термоди**намика қонунига, кимёвий ҳаракат моддаларнинг ажралиш ва бирикиш реакцияси қонунига, биологик ҳаракат ассимиляция ва диссимиляция қонунига асосланади. Ҳаракатнинг ҳар бир шакли бир-биридан ўзига хос қонунияти билан сифат жиҳатдаи фарқ қилади.

Илмий фалсафа ҳаракат билан бир қаторда мувозанат тушунчаси борлигини инкор этмайди. Тинчлик ҳаракатнинг ифодаси, ўлчови натижасидир. Тинчлик нисбий ва вақтинча, ҳар[а]* кат эса мутлоқдир. Ҳаракатнинг кўриниши қандай шаклда бул* масин, у нисбий ҳаракатга эгадир. Масалан, ерда тинч туР[га]Ч бир жисмни олайлик. У жисм фақат бошқа ҳаракатланув Ч предметларга нисбатан тинч, холос. Ердаги жисм тннч тург Ч бўлиб кўринса ҳам, у ер билан бирга унинг ўз ўқи атрофв ҳаракатланади. Ундан ташқари, бу жисм ўзининг муайян си!» тини абадий сақлаб қолмайди, унинг таркибида физик ва к" • вий ўзгаришлар' доим содир бўлиб туради, бу ҳол натижаш ўша жисмни сифат жиҳатдан ўзгаришга олиб келади. ^

Ҳеч бир нарса бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлма^в табиат азалдан мавжуд.

Ҳаракатни материядан ажратиш, тафаккурни борлиқдан , ратиб уни бирламчи деб эътироф қилишдир. Бу эски идеал» "Ш



**ўзгинасидир.** Ҳозирги замон физикасининг асосчиси Гейзен- && сингари физиклар бу масалани тушунтиришда энергетизм Ія)йни кенгайтирадилар. Гейзенберг ўзининг «Ядро физикаси- г фалсафий муаммолари» китобида ҳамма нарсанинг асоси [нНН]та субстанциядан иборат, бу субстанция энергиядир, деб ^идлаиди-

[1] **Метафизика** материянинг ҳаракатсиз мавжудлигинн эътироф ади. Бунга қарама-қарши диалектик материализм материя ҳаракатнинг бирлиги, уларнинг ажралмаслигини фан каш- Аиётлари билан боғлаб илмий жиҳатдан асослаб берди. Ҳара- **•атсиз** материя, материясиз ҳаракат бўлиши мумкин эмаслигини хозирги табииёт ва ижтимоий фанлар ҳам исботлайди.

4. Фазо ва вақт. Материя, ҳаракат, фазо ва вақтнинг бирлиги

1 Материя чексиз равпшДа содир бўлиб турадиган ҳаракат, ўсиш, ўзгариш ва тараққиёт ҳамиша фазо билан вақтда юз беради. Ҳаракат сингари фазо ва вақт ҳам материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Демак, ҳаракатни материядан ажратиш мумкин эмас экан, шунингдек, фазо билан вақтни ҳам материядан ажратиб бўлмайди.

Ҳаракат фазо билан вақтнинг моҳиятидир. Бошқача айтганда, ҳаракат фазо билан вақтнинг бирлигидир. Фазо билан вақт ўз табиатининг мавжудлигини материя ҳаракатида очнқ-ойдин кўрсатади.

Фазо ҳаракатдаги материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Фазо тушунчаси моддий объектларнинг биргаликда мавжудлигини ва бир-биридан узоқлигини, уларнинг кўламини, бир-бирига нисбатан жойлашиш тартибини ифодалайди. Табиатдаги ҳамма жисмлар, жумладан, инсоннинг ўзи ҳам объектив оламда содир бўладиган ҳамма моддий жараёнлар фазода ўрин тутадилар, муайяи масофага эга бўладилар. Оламда мавжуд бўлган предметлар бир-биридан сифат жиҳатидангина эмас, Узунлиги, кенглиги, ҳажми, баланд-пастлиги, катта-кичиклиги, Урин жиҳатидан ҳам фарқланади. Уларнинг ҳар бири бир-бири- [Га] "исбатан яқин ёки узоқ, қуйи ёки юқори, чап ёки ўнгда жой- [Ла]шган бўлади. Буларнинг ҳаммаси фазо тушунчасида ифодаланади.

Вақт ҳам материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жа- ^ [е]нларнинг кенг ёйилиши изчиллигини, бу жараёнларнинг тур- оосқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давом эти- •С[г][нИИ]* Уларнинг ривожланишини билдиради. Ҳар бир нарса ўз б[и];[:1Ши], ҳозири, келгусига эга. Нарса, ҳодисаларнинг баъзи **туц**[Лари] аввалроқ, бошқалари кейинроқ бўлади. Булар эса вақт Уичасини ифодалайди.

зо[д] Л [би]"Р моддий объект вақтда бўлмасдан туриб фақат фа- бўлиши мумкин эмас. Ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳар

қандай жнсм фазода ҳам, вақтда ҳам мавжуддир. Бунинг маЯ носи фазо билан вақт бир-бири билан узвий боғлиқ демакди|

Фазо ва вақт ҳам материя каби объектив хусусиятга эгЧ ТЛпаппилтти Дчпол пл пш/ттигпп дт/тнопигтш» ИИУПп т/тш «дилап Улар фазо билан вақт онгда мавжуд булган қандаидир нарсадц деб исботлашга ҳаракат қиладилар. Чунончи, Кант нуктаи цазЛ рига кўра, фазо ва вақт ҳиссий мушоҳаданинг қандайдир аппи1 ор (тажрнбагача) шакллари бўлиб, улар онгимизнинг ўз табна"1 ти тақозоси билан вужудга келган. Унингча, инсон онги бўлмас" фазо ва вақт ҳам бўлмайди. Беркли, Мах фазо ва вақтни субъектив ҳиссиётлар шакли, фақат сезгиларимиз қаторининг тартибга солинган тизимларидир, деб ҳисоблайдилар. Гегель фалсафасида фазо ва вақт «мутлақ ғоядан» туғилган бўлиб, удаа бу ғоя тараққиётнинг муайян босқичида пайдо бўлади. Аммо у фазо ва вақтни бир-биридан ажратиб қўяди ва натижада табиатнинг фазо ичида, лекин вақтдан ташқарнда ривожланиши тўғрисидаги фикрни илгари суради. Бундай тасаввурларнинг нотўғрилигини одамларнинг бутун ҳаётни тажрибаси, фаининг тараққиёти рад этиб келмоқда. Фазо ва вақтнинг объективлигини инкор қилиш, назарий жиҳатдан чалкашликдан, амалий жиҳатдан эса фидеизм олдида таслим бўлнш, ожиз қолишдан иборатдир. Ҳар қандай борлиқнинг асосий шакллари фазо ва вақтдир. Илмий фалсафа таълимоти идеалистик фикрларга қарамакарши ўларoқ, фазо ва вақтнинг объективлигини, яъни инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмаслигини, онгдан ташқарида ва мустақил эканлигини эътироф этиб, улар ўртасида умумий ўхшаш томонлар ҳамда айрим фарқлар мавжудлигини таъкидлайдн: биринчидан, фазо билан вақтнииг объективлиги, инсон онги, иродаси ва ғояларига боғлиқ эмаслиги, улар ўртасидаги умумийликнинг муҳим томонларидан бирини ташкил этади. Иккиичидан, фазо билан вақт абадий, азалийдир. Фазо билан вақтнинг абадийлиги материянинг абадийлигидан келиб чиқади. Учинчидан, фазо билан вг^кт чексиз, чегарасиз ва бепоёндир.

Фазонинг ўзига хос хусусияти ва вақтдан фарқи унинг уч ўлчовга эга бўлишидир. Бу уч ўлчов материя бўйига ва баландлигига қараб унинг чексиз эканлигини кўрсатади. У турли нарса ва ходисаларда ҳар хил бўлади. Ҳозирги замон физикасинмн нисбийлик назариясида тўрт ўлчовли геометрик фазо ҳақид сўз боради. Бунда тўртинчи ўлчов сифатида вақт олинган.

Вақт фазо билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин ўзинид айрим хусусиятлари билан ундан фарқ қилади. Вақтнинг муҲ• хусусияти унинг бир ўлчовлигидадир, қайтарилмаслигидаД Моддий нарсалар фазода ҳар хил жойлашишлари, турли томонга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин вақтга келганда улар ФЛ қат бир томонга қараб йўналишда бўлади, вақт ҳеч качон ^ қага қараб ҳаракат қилмайди. Утган замоннинг қайтарилиш I ҳозирги замоннинг йўқ бўлиши мумкин эмас. Л

Вақтнинг ўзига хос томонларидан яна бири унинг чексизв

иР Вақт чексизлигининг маъноси шуки, моддий дунёнинг гид ҳам, охирп ҳам йўқ ва бўлмайди.

^фазо ва ,а^тга ички зиддият хосдир. У шундан иборатки, ва вақт ўз табиатига кўра ҳам мутлоқ, ҳам нисбийдир. Фазо ва вақт материя мавжудлигининг умумий объектив шакли каби мутлоқднр, чунки бу шакллардан ташқари ҳеч қандай моддий жисмларнинг бўлиши мумкин эмасдир. Шунингдек, ва вақт нисбийдир, чунки уларнинг аниқ хоссалари ўзга... материянинг хоссаларига боғлиқдир. Зиддият шундан -птки, фазо ва вақт ниҳоясизлик билан ниҳоянинг бирлиги ташкнл этади, фазонинг ниҳоясизлиги айрим моддий объектлонинг ниҳояли кўламларидан таркиб топади, вақтнинг ниҳоясизтиги эса айрим моддий жараёнларнинг ниҳояли узлуклилардан таркиб топади.

Фазо ва вақт узлуксиздир ва шу билан бирга узлукли (дискрет)дир* Фазо шу маънода узлуксизки, унинг ҳар қандай тарзда олинган (катта ёки кичик, жуда яқин ёки узоқ) элементлари орасида бир элемент ҳамиша реал суратда мавжуд бўлади ва б\- элемент уларни ягона фазовий кўламга бирлаштиради; бошкача қилиб айтганда фазовий кўлам элементлари ўртасида ҳеч қандай мутлоқ алоҳидалик, бўлинишлик йўқ; улар бир-бирига ўтнб туришади. Яъни вақт шу маънода узлуксизки, унинг ҳар қандай икки оралиғи ўртаснда ҳамиша реал суратда бир вақтли узунлик мавжуддир.

Фазо ва вақтнинг узлуксизлиги шундан иборатки, улар ўзларининг ички хоссаларига моддий предметлар ва жараёнларнинг сифат тафовутига мувофиқ тузилишига кўра фарқ қилиб турадиган унсурлардан таркиб топган.

\лбатта, материянинг инъикос хоссаси турли шаклда намоен ййлади ва материя тараққиётида қуйи босқичдан юқорироқ йоскичга ўтиш билан сифат жиҳатдан ўзгаради. Масалан, одам-нНг сезгиси ва тафаккури юксак даражада тузилган материя-нинг хоссаси бўлиши билан бирга акс эттиришнинг мураккаброқ шаклларидир. Жонсиз табиатда эса акс эттириш қобилияти бирмунча содда, механик, физик, кимёвий жараёнларда ,намоён бўлади. Акс эттиришнинг бу шаклларини (таъсирланувчанлик, пзгиробланувчанлик, сезувчанлик) онг билан тенглаштириш яраМайди, чунки булар акс эттиришнинг мураккаброқ шакллари ҳисоблаиади.

Материя ҳаракатининг юксакроқ биологик шаклининг келиб чиққанлиги акс эттиришнинг сифат жиҳатдан янги шакли — таъсирланувчанликка ўтиш учун зарур шарт бўлди. Таъсирла-нувчанлик эса ҳаёт билан бирга пайдо бўлган ва тирик мате-риянинг энг муҳим "хоссаларидан бири ҳисобланади. Тирик протоплазма бўлган ҳар бир жойда изтиробланиш реакцияси мавжуддир. Изтиробланиш хоссаси барча тирик организмларда бор. Бу тирик материянинг асосий хоссаси модда алмашинуви билан муқаррар боғланган. Тирик оқсил вужудга келган ҳамоноқ дарров таъсирланувчанлик кўринади. 1Бу тирик оқсил билан му-ҳитнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади. Барча мавжудотлар ташки таъсирга жавобан бир қадар мустақил таъсирланадиган бўлади.

Тирик табиатнинг тарихий тараққиёти натижасида сезгилар вужудга келди, аммо ўсимликларда сезги йўқлиги маълум. Усимлик дунёсининг ҳаёт шароити сезгига зарурат туғдирган эмас. Усимликлардаги таъсирчанликнинг энг тарқалган шакли—• бУ улардаги тропизм хоссасидир. У ғоятда хилма-хил бўлади, Масалан, унинг турларидан бири фототропизм шунда кўринади-ки, яъни ўсимлик Қуёш нурларининг таъсирига жавобан реак-

кўрсатади. Яшил ўсимликлар ҳаётида ёруғлик жуда катта Роль ўйнайди. Еруғлик — яшил ўсимликлар учун энергия ман-аНдир. Усимликлар мумкин қадар нур энергиясини олмоқ учун РУҚҚа интиладилар. Уларнинг баргларига офтоб нурлари қай-ўсадоМ0НДан КўПр0^ тУшса> барглар асосан ўша томонга қараб

Ҳайвонот дунёсида таъсирланувчанлик хоссаси тараққиёт-&нНгпмУайян босқичида сезгиларнинг келиб чиқишига олиб кел-таг , астлабки энг оддий сезгиларнинг майдонга келиши тирик иат тараққиётидаги янги давр бўлди.

Акс эттиришнинг муайян шакли бўлган сезгилар ҳайв I дунёси тараққиётининг илк босқичларида келиб **чиқиши** бирга одамда кўпроқ тараққий топди ва камолга **етди.** ("Лан объектив оламнинг субъектив образидир. Материя **бизнинг** с!3Ги аъзоларимизга таъсир этиб, сезги ҳосил қилади. **Сезги** Ми'3Г|1 нервларга, кўз тўр пардасига ва шу кабиларга, **яъни** муа^3, суратда тузилган материяга боғлиқ. Материянинг мавжуд ,Иян эса сезгига боғлиқ эмас.

Одам мияси ва кишиларнинг ижтимоий табиатга кўра I роқ тараққий топган асаб тизими ҳайвонларнинг сезгилапЯ қарама-қарши ўлароқ, одам сезгиларининг янги сифат хусусцЯт 1 ларини келтириб чиқаради. Ҳайвонларнинг сезгилари" ХаlД одамнинг сезгилари ҳам табиатда мавжуд бўлган нарса ва ҳо-| дисаларнинг инъикосидир. Аммо одамнинг сезги аъзолари акс эттира оладиган ҳамма нарсани ҳайвонларнинг сезги аъзолари] акс эттиришга қодир эмас. Масалан, бургут одамга **қараганда** анча узоқни кўради, лекин одамнинг кўзи буюмларда бургут-нинг кўзига қараганда анча кўп нарсани ажратади. Одамга нисбатан ит бирмунча нозикроқ ҳид билиш қувватига эга, **лекин** у одам учун турли нарсаларнинг муайян белгиларидан иборат бўлган ҳидларнинг юздан бир ҳиссасини ҳам фарқ қила ол-майди.

Фан одам билан ҳайвонот дунёси ўртасида биологик-физио-логик маънода ўтиб бўлмайдиган чегара йўқлигини исботлади. Энг юксак даражада тузилган мавжудот — одам жонли табиат тараққиётининг энг юксак маҳсули ҳисобланади.

Ҳайвонлар руҳиятининг муҳим хусусияти инстинктлардир. Инетинктлар — ҳайвонлар муайян турининг эволюция жараёни-да тўпланган онгсиз ҳаёти, «тажрибаси»дир. Улар мутлақо ўз-гармас нарса эмас, акснnча, эволюция жараёнида ҳаёт шароп-тига қараб ўзгаради, янги инстинктлар билан алмашинади. Ин-стинктлар мураккаб шартсиз рефлекслар бўлиб, организм-нинг ташқи таъсиротга жавобан туғма ҳис-туйғу, **сезгидаи** иборат. Инстинктларда ҳеч қандай ғайритабиий сир йўқ. УлаР турли ҳайвонларда турлича намоён бўлади. Ҳайвонларнинг жуда мураккаб сезги ҳаракатлари маълум, масалан, асалар'1' лар олти қиррали, чумолилар кўп қаватли уялар қуради, **ҚУш'** лар доимий ҳаво йўлларидан учиб ўтади, балиқлар ўзи вақт тухумдан чиққан жойига тухум ташлайди ва бошқа кўп гина мисоллар мавжуд. Демак, ҳайвонларга хос бўлган рУх. ҳодисалар улардаги ҳар хил сезги ва инстинктларда **кўринаД** Юқорида айтилганидек, инстинктлар мураккаб шартли нишлар сифатида юзага чиқади, ҳайвонларнинг **юриш**-туР и ана шу боғланишлар асосида вужудга келади. Аммо юК-он3 даражадаги ҳайвонларнинг руҳияти шу ҳодисалар биланг чекланмайди.

Уларда идрок фаолиятининг элементлари, онг **бошлан?'**1 • . ри, англаб билиб акс эттиришнинг дастлабки энг **оддий** ^ I

борлигини фан далиллар асосида исботлади. Бу эса одам л'Р"яТИ тасодифий, фавкулодда ҳодисадир, деган қарашларнинг р)л-' 1и эканлигини исботлаб беришда катта аҳамиятга эга бўл-

^'Хайвонларда онгли, режали суратда ҳаракат қилиш қобн-**х'и асаб** тизимининг тараққий этишига мувофиқ равишда •1П^оЛ<ланади ва бу сутэмизувчи ҳайвонларда анча юксак дара-Р" а тУради. Масалан, тулки ўз кетига тушганлардан яшири-уцун ўзига таниш жойдан яхшигина фойдалана билади.

"" {**Оқори** даражадаги ҳайвонлар одамга боғланиш, суяниш. -/йғуларини намоён қила олади. Маймунларнинг одам хатти-^аракатларига хос қандай яхши тақлид қилиши маълум. Кўп-ґцна ҳайвонларнинг ажойиб хотираси бор. Ит эгасини бир неча **йилдан** кейин ҳам таниб олади.

Юқори даражадаги ҳайвонларда элементар «тафаккур», асосан анализ ва синтез шаклида кўринади. И. П. Павловнинг **фикрича,** асаб тизимининг асосий фаолиятларидан бири янги боғланишларни вужудга келтириш бўлса, иккинчи асосий функ**цияси** теварак-атрофдаги дунёни таҳлил қилиш, мураккаб элементларни оддий элементларга парчалашдан иборат.

Юқори даражадаги ҳайвонларда таъсирланувчиларни уларнинг сифат хусусиятларига қараб ажратиш, фақат муайян таъсиротларни идрок этиш қобилияти бор. Ана шунинг ўзи анализдир. Ҳар хил ассоциациялари вужудга келтириш, уларни мияда қайд қилиш қобилияти билан бирга анализ қилувчи фаолият юқори даражадаги ҳайвонларда «тафаккур» жараёнининг асосини ташкил қилади.

Бу илмий далиллар ҳайвонларда онг бошланғичлари борлигини кўрсатади. Аммо ҳайвонларнинг руҳияти билан одам тафаккури ўртасида сифат жиҳатдан жуда катта тафовут борлигини унутиб бўлмайди.

Одамнинг келиб чиқиши ҳақида Марказий Осиё мутафаккирларининг фикрлари алоҳида эътиборга сазовордир. Масалан, ибн Синонинг фикрича аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик, •\айвонот ва тараққиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан нутқи ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қилади.

«Тил ва тушунча соҳиби бўлган тирнк зотдан ортиқроқ мукаммал бўлган бирор зот йўқдир»[1],—дейди Форобий.

Онгнинг вужудга келиши ва ривожланишида меҳнат ҳал қи• Увчц омилднр. Инсоният ўзининг маълум мақсадга қаратилган , Гли меҳнати туфайлигина табиатдан ажралиб чиқди. Инсон йнинг меҳнати натижасида ижтимоий ҳаётни тубдан қайта куода"Та К-0ДИР бўлган ягона кучдир. Шунинг учун ҳам меҳнат амнинг бебаҳо бойлиги, унинг яшаши ва ҳаётининг асосий за-

Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 144- бет.

мини ҳисобланади. Инсоният кундалик эҳтиёжи учун заруп1(в ган нарсаларни топиш жараёнида табиат предметларцгд келиб уларнинг хоссаларини била борган, уларни бир-бигГ лан таққослаб ажрата бошлаган. !

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат қуролларини I ёрлаш ва такомиллаштириш жараёни онгнинг ривожланиш^ катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир. Меҳнат курол", "Га нинг авлоддан-авлодга ўтиб келиши, ўз навбатида олди] Ра- лоднинг ишлаб чиқариш тажрибасини, билими ва онгини ги авлодларга ҳам олиб ўтган. Кейинги авлод эса ўз аждодИ"' рнннинг меҳнат қуролларини тайёрлаш ва улардан фойдалани3' усулларини билиб олиб, уларни янада такомиллаштирган. Онг« ана шу тариқа меҳнат билан тафаккурнинг бирлиги асосш/ такомиллашиб борган.

Инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни,— деб ёзган эди Беруний,— меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига мех- нат туфайли эришади.

Меҳнат инсон онгини шакллантирган ва камолга етказган асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кишиларнинг меҳнат фаолияти тафаккур органи бўлган миянинг ривожланишига ҳам ҳал қи- лувчи таъсир кўрсатади.

## 2. Онг, тафаккур, ирода, ҳиссиёт. Онг ва тил

Онгга гносеологик жиҳатдан ёндашиш унинг фаолиятини, оламни билиш воситаси эканлигини эътироф этиш демакдир. Онгнинг муҳим белгиларидан бири шуки, у тушуниб етилган билимдир. Инсон мия ёрдамида фикр қилади. Онгнинг маъноси предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. Онг фақат объектив олам инъикосини эмас, балки ин- соннинг ўз руҳий фаолиятини англашини ҳам ўз ичига оладн- Онг воқеликнинг ҳам оқилона, ҳам ҳиссий ннъикосини қамраб олади. Шунингдек, у инсон ҳиссиётлари, иродасини ҳам ўз ичига олади.

Ирода — инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсадни амалга **оширишда** У4' райдиган жами тўсиқлар (қўрқинч, журъатсизлик, шубҳа)ларн енгишга бўлган қобилиятдир. Ирода амалий фаолият жара нида шаклланади ҳамда инсоннинг ҳам ташқи олам предмет рини, ҳам ўз шахсий имкониятларини билишга асосланади. ИР"| дани шакллантириш ва мустаҳкамлашда **кишиларнинг** ама- фаолияти, меҳнат катта ўрин тутади. Иродpoints онгдаги Ф лияти ҳаракат мақсадини белгилашда, бу мақсадга эр"1 воситалари ва йўл-йўриқларини олдиндан аниқлаб маълуй рорга келишда намоён бўлади. Узини тута билиш, ДадИ;"|1ар қатъийлик, чидам ва тоқат, мустақиллик ва бошқа шу тар- иродани муҳим белгиларидир. Иродани кучи шу сифа нинг қай даражада намоён бўлншига қараб белгиланади-

Карча РУХ.ШI жараёнлар снгарн ҳиссий-эмоционал ҳолатлар Гмия фаолиятининг натижасидир. Ҳиссий ҳолатларнинг пай-'булишига ташқи оламда юз берадиган ўзгаришлар сабаб • п Инсоний ҳис-туйғулар ҳаётнинг ижтимоий шароитлари лаи ўзгаради. Бошқача айтганда, у ижтимоий шароит билан ^ғлик"ҳолда намоён бўлади.

дмоцияларнинг (ҳис, туйғу) ифодаланиши, биринчидан, ифопи ҳаракатлар (мимик ва пантомимик ҳаракатлар)ни; ик-"•шчидан, организмдаги турли ҳодисаларни, яъни ички аъзолар Гаолиятининг ва ҳолатининг ўзгариши (кўпчилик ҳолларда бу 'зГариш эмоция кечираётган одамнинг ташқи қиёфасида намо- **бўлади);** учинчидан, гуморал характердаги, яъни организмнинг қон таркибидаги ва бошқа кимёвий ўзгаришларни, шунинг билан бирга модда алмашинувида бўладиган янада чуқур ўзга- **рншларни** ўз таркибига олади.

Эмоционал жараёнлар ва ҳолатлар ёки эмоциялар ҳиссий кечинмаларнинг одатдаги асосий шаклидан иборатдир. Эмоция қандайдир бир ҳиссиётнинг бевосита кечирилишидир. Баъзи **холларда** эмоциялар таъсирчанлигн билан ажралиб туради. **Бундай** эмоциялар одамни ҳаракатларга, мулоҳазалар айтишга ундовчи кучга айланади.

Эмоциялар қилинаётган ҳаракатларнинг мавзуси бўлиш билан бирга, баъзан фаолиятни ташкил қилувчи жиҳатга, баъзан эса фаолиятни бузувчи жиҳатларга айланади. Инсоннинг ҳақиқатни излашлари ҳеч вақт инсоний ҳисснётларсиз бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас эди. Бошқа томондан олганда, ортиқча эмоционаллик жуда кўп ҳолларда объектларни нотўғри акс эттиришга, хулоса чиқариш ва баҳолашда мантиқсиз ҳолатларга олиб келади.

Тафаккур алоҳида тарзда тузилган материя — миянинг олий маҳсули, объектив оламнинг тушунчалар, муҳокамалар, назариялари ва ҳоказолардаги инъикосининг фаол жараёнидир. Бошқача айтганда, тафаккур объектив оламнинг инсон миясида мавҳумлашган, умумлашган, тил билан ифодаланадиган акс этишидир. Тафаккур аввало ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ-ДНР. у ўзининг пайдо бўлиш хусусиятлари жиҳатидан ҳам, фао-л»ят усули жиҳатидан ҳам, ўз натижалари жиҳатидан ҳам иж-™моий маҳсулдир. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб Ч1Цариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва воқеликнинг ®°ситали инъикосини, унинг қонуниятли алоқаларини очиб беРИШни таъминлайди. Абстракция, анализ ва синтез, муайян вазиФэларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш, ипотезаларни, ғояларни илгари суриш каби жараёнлар тафак-^РГа хос хусусиятлардир. Тафаккурнинг воқеликни умумлаштиР 6 акс эттириши инсоннинг умумий тушунчалар тузиш қоби-ятида ифодаланади.

В&Инсон онгининг тараққиётида нутқ, тил ғоят муҳим аҳамият-

га эгадир. Тилиинг пайдо бўлиши бевосита меҳнат билац равишда боғлиқ. Одамнинг ўзини ҳам, тилини ҳам ижтим меҳнат яратади.

Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон нутқи ^ маса, тил воситалари бўлмаса, фикрлаш ҳам бўлмайди.' фикрлаш қуролидир. Тафаккур бўлмаса нутқ, тилнинг хам лиши мумкин эмас. Тил ва тафаккур бир-бирисиз мавжуд гР' маса ҳам, бироқ, улар айнан бир хил нарса эмас. Тафаккуп объектив реалликнинг инъикосидир, тил эса фикрни ифода эхи~" қуроли, уни қайд қилиш ва бошқа кишиларга етказиш, билдп[1] риш воситасидир. Тил фақат тафаккурнинг ифодаси эмас, балки унинг таянчи ва тараққиёт қуроли ҳамдир. Кишилик жамияти томонидан яратилган ва кашф этилган барча нарсалар, ҳодисалар, тушунчаларни ўзида акс эттирувчи тил буюк умумлаштирувчилик ролини бажаради.

Жамиятнинг тараққий этиши билан тафаккур сингари тил ҳам тараққий қилиб боради. Тил ҳам онг каби **қадимийдир** Тил — амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир, бинобарин, тил онг сингари бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли, муомала қилиш зарурлиги туфайли пайдо бўлди.

Кишиларда нутқ меҳнат фаолияти жараёнида бир-бирлари билан алоқа қилиш воситаси сифатида ривожланди. Ҳайвонларда эса нутқ йўқ, бошқача айтганда, ҳайвонлар гапирмайди. Уларнинг ҳаёт шароити шундайки, натижада уларда сўзлашишга зарурат ва имконият йўқ. Ҳайвонларнинг алоқа қилиш, воситаси ҳар хил сигналлар бериш бўлиб хизмат қилади. Бу сигналлар товуш чиқариб ёки имо-ишора билан бериладИ. Маймунларда бу ҳол айниқса яққол кўринади. Аммо «сигнал бериш системаларига» нутқ бошланғичларининг вужудга келиши учун ягона шарт-шароит деб қараш керак. Нутқ — алоқа қилишнинг сифат жиҳатдан янги воситаси бўлиб, фақат одамга хосдир.

Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш **воситаси** ва фикрнинг бевосита ифодасидир. Кишилар фикр айирбошламаса, умуман зарур моддий бойликларни ишлаб чиқара олмаган, табиат кучларига қарши биргаликда кураша олмаган бўлур Фикр айирбошлаш эса фақат тил ёрдамида юзага чиқиши мУм" кин. Тил тафаккурнинг борлиқ шакли, тафаккур эса тилняч | мазмунидир. ***Ш***

Демак, тафаккур ва онг инсон миясининг маҳсулидир. Онгй* тафаккурни фикрлаш органи бўлган миядан ажратиб бўлма[1]' Аммо **бу** муносабатга асосланиб онгни моддий деб **ҳисоблаш** м) кин эмас. Онгни моддий деб ҳисоблаш, тафаккурни **матер'** нинг кўриниши ёки унинг бир **бўлаги** деб **ўйлаш мутлақо** ,|0Т-'1а. **ридир. Онгни моддийлаштиришга уринувчи вульгар** матер листлар фикр моддийдир деб даъво қиладилар. Унинг **на**

I аН Молешотт, Бюхнер, Фогтлар эса жигар зардоб сингари мия ҳам фикр ажратади деган эдилар. зДОР нгнН материядан иборат қилиб қўйиб, уни материя билан '•^аштприб, фикрни борлиқнинг моддий кўриниши деб ҳи- ^Гайдилар ва ШУ тариқа материя билан онг ўртасидаги, с ддпи ҳодиса билан идеал ҳодиса ўртасидаги фарқни инкор

ИлмЛийР фалсафа онгни вульгар материалистик тушунишни этиш билан бирга онг, тафаккур бутун материяга, табиат- Р-„ 5арча нарса ва ҳодисаларда сезувчанлик, тафаккур ва Гшка **ҳаётий** функциялар бор деган гилозоизм (Бруно, Рабине °**а бошқалар)** таълимотига ҳам қарши чиқади. Бу ғоянинг хато- - **шундаки,** у жонсиз материя билан жонли материя ўртаси- лаги фарқни ҳисобга олмайди.

Аниқ ифодаланган шаклдаги сезги материянинг юқори орга- ник шаклларигагина хосдир, ҳолбуки бутун материя инъикос эт- тирнш хусусиятига, яъни ташқи муҳит таъсирига муайян жавоб бернш қобилиятига эгадир. Бу хусусият маълум даражада сез- ги билан ўхшашдир, лекин у билан бирдай эмас, шу туфайли тафаккур, онгни бутун материяга хос бўлган хусусият деб бўл- майди.

Ҳозирги даврда фаннинг янги соҳаси бўлган кибернетиканинг музаффақиятлари муносабати билан жонсиз табиат предмет- ларнда ҳам фикрлаш қобилияти бор деб кўрсатишга уриниш кучаймоқда. Турли бошқарувчи системаларни ва бошқарув жа- раёнларини ўрганувчи кибернетика фани асосида ажойиб ма- шиналар яратилди. Улардан айримлари тайёраларни, поездлар- ни ёки мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини бошқара олса, бошқалари матнни аниқ ва тез бир тилдан бошқа тилга таржи- ма қилади, энг қийин математик топшириқларни бажаради ва х;оказо. Бу машиналар ташқаридан турли маълумотлар олишга, Уларни «эсда сақлаб қолишга» лаёқатлидир. Бу эса айрим олим- ларнинг «ақлли» машиналар сезиш ва ҳатто, фикрлаш қоби- лиятига эгадир, деб айтишларига баҳона бўлди.

Кибернетика базасида амалга оширилаётган тафаккур функ- Ц»яларини моделлаштириш катта фалсафий аҳамиятга эга. Аозирнинг ўзидаёқ бир қатор тафаккур функцияларини қайта қиладиган кибернетика қурилмаларининг яратилиши нл- Фалсафанинг асосий қоидаларидан бири, яъни алоҳида суръ- Да ташкил топган материянинг функциялари бўлмиш та- ШиКкУР Ҳақидаги қоидани исботлаб бермоқда. Кибернетик ма- НалаРни такомиллаштиришнинг чегараси борми? Машиналар «Р^Увчиси бўлган инсондан ўзиб кетиши ва ундан ақллироқ бахс"11И мУмкинми? Бундай саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Бу т} :арда турли нуқтаи назарлар таърифи мавжуд. Киберне- кат асосчиси Н. Винер ҳисоб машиналарининг имкониятларини ^аштириб юбормаган ҳолда уларнинг фаҳм-фаросатга ўх- хислати бўлиши керак деган фикрни айтган эди. Академик

А. Колмагоровнинг фикрига кўра, автоматлар энг муп Л системалар, масалан тирик организмлар ва ҳатто **инсон** д ККа5 дек барча асосий хоссаларга эга бўлиши мумкин. ШуНииг"ЯС|1 бундай системалар учун автоматлар деган сўзнинг **ўзи** бир шартли бўлиб, биз уларни асосан «тирик мавжудотлап "Н4а аташимиз мумкин бўлади. Деб

Невролог Поль Косса «Инсон ясаган машина унинг ишт Я кисиз ҳеч нарса қила олмайди. Машина инсон хоҳлаган .\о-!Ро" далигича, яъни ажойиб қурол ҳолидагича қолаверади. Маш»31 да фикр қилиш қобилияти бутунлай йўқ бўлиб ижодчисиц"* фикрини акс эттиради, холос. Чунки у онгдан батамом маҳр^Л дир, деган фикрни айтган эди. Академик А. Берг эса кибернети' ка саноатда ҳам, фанда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам инсон ўрну ни боса олмайди, ҳеч қачон машина жамияти мавжуд бўла ол" майди, деб таъкидлайди.

Инсоният неча асрлардан бери мия фаолияти ҳақидаги билимларни тўплашга уриниб келди ва келмоқда. Мия кишига билиш, яратишдек катта бахт келтиради, коинот қаърига чиқиб боришга, бепоён ва бениҳоя атом сирларини билишга имкон беради.

Мия мураккаб биология маҳсули бўлиб, унинг ўртача вазни 1000—1400 грамм чамаси келади. Одам миясининг мутлоқ вазни қарийб барча ҳайвонларнинг мияси вазнидан катта. Мия вазнининг гавда вазнига нисбати жиҳатдан эса инсон умуман барча ҳайвонлардан анча юқори туради. Инсон миясида 14 миллиарддан ортиқ нерв ҳужайралари бўлиб, уларнинг катталиги 5—200 микрон чамаси келади. Инсон хотираси мураккаблиги, самарадорлиги жиҳатдан машина хотирасидан анча устун туради. Кибернетик машинанинг «электрон мияси» иссиқда, совуқда, намликда, силкинишда ишлай олмаган ҳолда инсон мияси эса бундай шароитга осонликча мослаша олади. **Шунингдек,** инсон мияси тежамли ишлашидан ташқари жуда пухта **система**дир. Кибернетик машинанинг бирон жойи ишдан чиқса, бутун машинанинг иши тўхтаб қолиши мумкин.

Кибернетик қурилмада онг бўлиши мумкинми?

Фан ва техниканинг ҳар қандай тараққиёти, шу жумлад3 > кибернетик машиналар тараққиёти ҳам инсонлар амалий фа'.1 лиятининг натижаси бўлиб, улар объектив дунё қонунларид фойдаланади. Фикр ва сезги, ирода ва феъл-атвор, умум^н » соннннг руҳий фаолиятини ташкил этган ҳамма нарса тао оС. маҳсули, юксак ташкил топган матерпя — инсон **миясининг** сасидан иборатдир. Мия эса ўз ҳолича фикр қила олМ ,а' вут Кибернетик қурилма билан инсон мияси ўртасида катта бор. Инсон мияси кимё, физик қонуниятлар билан бнр *аТ.арга биология қонуниятларга, шунингдек, ижтимоий қонуниятТ"маса. бўйсунади. Инсон жамиятдан ажралган ҳолда яша11 ол муД- ҳар қандай кибернетик машина эса муайян шароитларД3

I §лҒЙЗ мавжуд бўла олади ва ўз «қобилиятларига» зарар ;,айди. Инсон онги эса нжтимоий муносабатлар донрасига лдагина пайдо бўлади ва ривожланади.

Пемак, инсон онги барча ижтнмонй муносабатлар билан чам-0час боғланган бўлиб, у ҳақиқатда ҳам жамият тараққиётн-г маҳсули ҳисобланади. Шундай экан, онг фақат инсон ЧИЙСЙ фаолиятининг маҳсули бўлиб, бундай нарса кибернетик " 11лманинг «электрон мия»сида ҳеч қачон бўлмаган ва бўли-Ш хам мумкин эмас. Машинанинг нмкониятлари қанчалик .енг'ва чексиз бўлмасин, уларга ижтимоий қонуниятлар мансуб эмас. Кибернетик машиналар билан инсон миясида содир бўладиган айрим жараёнлар ўхшаш бўлса-да, лекин улар ўртасида жуда катта фарқ бор. Инсон табнатнинг энг улуғ, ажойиб, қудратли ижодидир.

Шундай қилиб, пировардида инсон ақли кибернетик машиналарни анча такомиллашган ҳолда қуришга имкон берди. Бундан инсон яратган машиналар инсондан устун туради деган хулоса чиқармаслик керак: чунки инсоннинг ўзи «ақлли» машиналарни яратади ва уни бошқаради. Машина инсонсиз ўлик бир нарсадир.

Инсон онги теварак-атрофдаги воқеликнинг тараққиётида фаол ижодий роль ўйнайди. Инсоннинг онги маълум бир мақсадга қаратилган жараёндир. Инсон ташқи оламга боғлиқ бўлиб, ташқи олам инсоннинг бутун фаолиятини белгилайди, бироқ у ннсонни қаноатлантирмайди. Шунинг учун инсон ўз амалий фаолияти билан ташқи оламни ўзгартиришга ҳаракат қилади, воқеликнинг ривожланиш қонуниятларини билишга интилади. Онгнинг фаол роли шундаки, у объектив дунё қонуниятларини акс эттиради, англайди, уларни билиб олади ҳамда улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Инсоннинг амалий фаолияти асосида вужудга келадиган онг ундан илгарилаб кетиши ва амалнётни йўналтириши, унга раҳбарлик қилиши мумкин. Онг инсон амалий фаолиятининг мақсади, усуллари ва хусусиятларини белгилайди. Айни вақтда идеал нарса ҳеч қачон ва ҳеч бир ^ароитда моддий нарсанинг ўрнини боса олмаслигини айтиб утиш лозим. Масалан, бинокор миясидаги, хаёлидаги бино бу Ҳали амалда қурилган бино эмас, фақат инсоннинг амалий фаолияти натижасидагина идеал нарса моддий нарсага айланиши Умгсин. Ғоялар умуман ҳеч нимани амалга ошира олмайди. ларни амалга ошириш учун ўз амалий кучини ишга сола биадиган инсон талаб қилинади. Инсон маълу.м бир мақсадни Узлаб табиатга таъсир этар экан, уни ўз манфаатлари йўлида д3гаРтиРади. Инсон табиат сирларини тобора чуқурроқ англай-®а унинг қонунларинн билиб боради.

^ Ишлаб чиқариш усули ривожланиши ва такомиллашуви би-н. инсоният билимлари ўсиши билан одамнинг табиатга таъ-Ри кучая боради. Кишиларнинг меҳнати билан бунёд этилади-ИА Моддий ва маданий бойликлар кўпаяди. Кишилар табиат ва Т!'моий тараққиёт қонунларини қанча чуқур ва мукаммал

билиб олсалар, уларнинг иш фаолиятларн шунча режали « хато бўлади, улар ўзларининг меҳнат самараларини ри ва ҳар томонлама ҳисобга оладилар. а

### 3. Ижтимоий ва алоҳида онг, уларнинг диалектик алоқадорлиги. Ижтимоий руҳият, мафкура

Онгга ижтимоий жиҳатдан ёндашиши унинг ижтимоий ху I сиятларини, моҳиятини очиб беришни тақозо этади. Онг ўз биатига кўра ижтимоийдир. ' Та,

Ижтимоий онгнинг моҳияти, унинг ривожланишини ижти моий борлиқ белгилайди ва унга нисбатан бирламчидир. Ижти" моий борлиқ бу жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш муиоса" батлари йиғиндиси, тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, иж" тимоий борлиқ бу кишиларнинг ишлаб чиқариш системасида тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатлари, жамиятдаги мавқеидир.

Ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, жамиятнинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис, туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидир. У жамиятдаги сиёсий ва ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади.

Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан бирламчи эканлигининг икки сабаби бор. Биринчидан, инсонни қуршаб олган моддий борлиқ абадий мавжуддир. Ижтимоий онг бўлса, кишилар жамоаси ўртасида маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар вужудга келган даврда келиб чиқади. Иккинчидан, ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга нисбатан мустақилдир. Ижтимоий борлиқнинг мавжуд бўлиши учун ижтимоий онгнинг бўлиши зарурий шарт бўла олмайди. Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан ҳал этувчи роли тўғрисидаги қонуи умумсоциологик аҳамиятга эга бўлиб, у барча **ижтимоий**-иқтисодий тузимларда ўзига хос шаклда амал қилади.

Ижтимоий онг — ижтимоий борлиқнинг инъикосидир.

Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга боғлиқ бўлмаган ҳолд» яшайдиган объектив реалликдир. Кишиларнинг ижтимоий бо{Н лиғи, моддий ҳаёт шароитлари қандай бўлса, ижтимоий онгл ^ ри ҳам шундай бўлади. Лекин ижтимоий борлиқ билан ; моий онгнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг айнан тенглигини оили дирмайди. ,

Ижтимоий онг ижтимоий борлиққа ннсбатан н.исбии м> қилликка эгадир. Ижтимоий онгнинг нисбий **мустақиллиги** } ижтимоий борлиқдан, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва си ^ фаолиятидан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши **шаклида** ҳа\ Я моён бўлиши мумкин. ,аний-

Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги унинг шидаги ворисликда ҳам кўринади. Жаҳон тарихн, б1!"01!^ганн халқлар ва миллатлар тарихи бир-бири билан **боғланиб** к •

I я ^араёнлардан нборат. Агар тарнхга кириб келган ҳар халҚ- -.аР я;:гп авлод ўзидан илгари яшаган авлодлар- ^гфани ва техникасидан, ишлаб чиқарувчи кучларидан, меҳ- -уролларидан, моддий ва маънавнй ютуқларидан ижодий аланмасдан уларнинг ҳар бирини ўзича яратишга кириш- %Та эди, уВДа ижтимоий тараққиёт ҳам, тарих ҳам, бинобарин, ' оп л/птасидаги ЗЯПУПИЙ ялпкаппппик- УЯм Ичлмяс чпп лодлар ўртасидаги зарурий алоқадорлик ҳам бўлмас эди. "В 1иш авлодларнинг қўлга киритган ютуқлари янги авлод учун нг катта бойликдир. Бир авлод иккинчи авлоднинг ютуқлари- \н фойдаланганлиги туфайли, ворислик туфайли, авлодлар ^птасида боғланиш содир бўлади, тарихда узилишлар бўлмай- ли ҲаР ^ИР авлод илгариги авлод яратган ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлиши ва бу ишлаб чиқарувчи кучлар унга янги ишлаб чиқариш учун асос бўлиши туфайли кишилик тарихида боғланиш ҳосил бўлади, кишилик тарихи ҳосил бўлади.

Утмиш авлодлардан сақланиб қолган адабий, маданий, тарихий ёдгорликларга, ғоявий меросга тарихда турли синфлар турлича муносабатда бўлганлар. Жамиятдаги илғор синфлар маданий мероснинг қимматли томонларини ўзлаштиради, уларни танқндий ўрганиб, ижодий ривожлантнради, унинг фойдасиз, эскириб қолган жиҳатларидан воз кечади.

Фалсафа таълимоти ҳам инсониятнннг бир неча минг ниллар мобайнида тўплаган илмий билимларининг қонуний давоми сифатида юзага келади.

Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги ғояларнинг жамият тараққиётидаги фаол роли орқали ҳам намоён бўлади. Илғор ғоя ва назариялар жамиятдаги илғор кучларнинг манфаати учун хизмат қилади, жамиятнинг олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, етнлган ижтимоий масалаларни ҳал қилишга кўмаклашади, халқ оммасини эскириб қолган ижтимоий тузум ва сннфларга қарши уюшишга, онгли равишда ҳаракат қилишга, жасорат кўрсатишга ундайди. Янги ғоя туфайли омма сиёсий курашда ўзининг мақсад ва вазифаларини англаб олади, Ундан куч-қувват олади. Агар уларнинг ташкилотчилик, сафарбаР этувчанлик, ўзгарувчанлик роли ва аҳамияти бўлмаса, жамият ҳаёти ривожланишидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Ижтимоий онг — объектив воқеликни акс эттирувчи ғоялар, ^аРашлар, ижтимоий туйғулар, одатлар ва ахлоқнинг йиғинди- ^идан иборат бўлса, алоҳида онг эса — муайян бир синфга, ижби"ОИ" гУРУҲга. халқ, миллатга ва элатга мансуб бўлган аниқ Р кишннинг онгидир. У алоҳида бнр кишининг миясида объекр в воҚелнкнинг акс этиши жараёнида юзага келадиган фикрлан , туйғулари ва бошқа руҳий сифатларининг йиғиндисидир. !1и0Ҳ"Да онг ҳам ижтимоий онг каби моддий ҳаёт шаронтлари- Кд г' ижтнмоий борлиқнинг инсон миясидаги инъикосидан бош- Ма Нарса эмас. У воқеликни бирор шахснинг миясида, унинг Хь: СаДи ва манфаатлари билан боғлиқ акс этишидир ва киши тининг ўзига хос шароитларига қараб шаклланади.

Алоҳида онг билан ижтимоий онг ўртасидаги ўзаро батларда ижтимоий онг асосий томон ҳисобланади. Пж-"10с онг инсон моддий ҳаёт шароитлари ва табиатни алоҳид-,"^0® нисбатан бирмунча чуқур, мукаммал ва ҳар томонлама а.оНГГа тиради ва унинг мазмунини бойитиб, тўлдириб туради Т^ Эт- алоҳида онг ижтимоий онгнинг ажралмас бир қисмидир ЫЧа,с» ўзаро диалектик бирликдадир.

Воқеликни акс эттириш даражасига қараб ижтимоий 1 кундалик ҳаёт онги ва назарий онгга бўлинади. Кундалич №-г онги кишиларнинг кундалик тажрибаси асосида стихияли да вужудга келган хулосалар, қарашлар йиғиндисидир. Наз3* рий онг мутафаккирлар, назариячилар, олимлар томонидан **иш3** лаб чиқилган назарий бнлимлар тизимини ташкил этади. 1

Ижтимоий онгнинг структурасига ижтимоий руҳият, психо-] логия ва мафкура киради.

Ижтимоий руҳият — кишилар, синфлар, айрим ижтимоий гуруҳлар ва миллий ҳаётнинг бевосита меҳнат ва турмуш кундалик шароитлари таъсирида вужудга келадиган ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, фикрлар, хаёллар ва шу кабиларнинг тартибга тушмаган, назарий жиҳатдан асосланмаган, системалашмаган йиғиндисидир. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ижтимоий руҳият ижтимоий борлиқнинг инъикоси снфатида кишиларнинг амалий фаолияти таъсири остида юзага келади ва ривожланади. Ижтимоий руҳият ҳам ижтимоий борлиқни **акс** эттиради. Уни синчиклаб ўрганмасдан ва тушуниб олмасдан туриб у ёки бу жамиятда яшайдиган кишилар турмуш тарзини ўрганиб бўлмайди.

Ижтимоий руҳият воқеликни, кишилар ижтимоий борлиғинн акс эттиришнинг биринчи, қуйи даражасини ташкил этади. Буни оддий онг деб ҳам аташ мумкин. Оддий онг воқелик ҳақида кенг илмий хулосалар чиқариш учун кифоя қнлмайди. У **онглилик**нинг энг содда, илмий системага тушмаган шаклидир, маълум маънода олганда, у алоҳида онгга бирмунча яқин туради. Бироқ оддий онг воқеликни акс эттирншнннг юқори шаклн бўлган илмий системалашган онгнинг ташкил топиши ва **ривожлани**шига материал бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий руҳият кундалик турмуш шароитларн таъ? ри остида вужудга келади ва шаклланадн у ҳиссиёт, кайф!К 1 кечинмалар, ирода, қизиқишларда намоён бўлади.

Мафкура — ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, ' сий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкнлотл-г давлат ҳокимиятининг, ижтимоий синфларнинг, сиёсий, ҳуНУ ге'. ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий каби қарашларининг С1 ,т. малаштирилган илмий билимлар йиғиндисидир. Мафкура - қурманинг бир қисми бўлиб, жамият моддий ҳаёт шароит. ^ ^ дан вужудга келади ва иқтисодий муносабатларни акс эТТИ|;' р^ У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қилади. ЬУ V 1

„ иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сингари стихияли юзага келмайди, балки инсон онгли фаолиятининг маҳ-
РаВ''' сифатида, тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. ^кура воқеликни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва
• ч'акс эттиради ва у сиёсатчилар, зиёлилар, олимлар, фай-чУ^флар, содиологлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи кабилар то-Лпнидан ишлаб чиқилади.

Мафкура Ҳар қанча жозибали бўлмасин, агар у омманинг химоий, сиёсий тажрибаси билан қўшилиб кетмаса, ўз-ўзидан ва фаол дунёқарашни шакллантира олмайди.

Синфий жамиятларда ижтимоий онг шакллари каби мафку-хам синфий хусусиятга эгадир, яъни ҳукмрон синфлар ғоя-р, ҳукмрон мафкура бўлади. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Биринчидан, моддий ишлаб чиқаришга ҳукмронлнк қилувчи синф маънавий ишлаб чиқариш воситаларининг ҳам эгасйдир. Иккинчидан, ҳукмрон синфлар ҳар қандай йўллар ва воситалар билан ўз иродалари, қарашлари ва тасаввурларини мазлум оммага зўрлаб сингдирадилар. Ҳукмрон синфларнинг барча мафкуравий аппарати ҳам уларнинг манфаатларини акс эттиради. Қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятларда ягона, яъни барча синфларга бир хилда тенг хизмат қиладиган мафкура бўлиши мумкин эмас. Жамиятда қайси синф хукмрон бўлеа, ўша синф мафкураси ҳукмрон бўлади. Синфий жамиятда эзувчи ва эзилувчи синфлар ўзаро қарама-қарши бўлганларидек, улар мафкураси ҳам муросасиз бўлади.

Синфий мафкурадан фаркли ўлароқ, миллий мафкура муайян жамиятдаги барча миллат ва элатларни битта асосий мақсадга ундайдиган ғоялар тизимидан ташкил топади. Бунга Узбекнстон республикамизда кенг илдиз отиб келаётган миллий истиқлол мафкураси мисол бўла олади.

Мамлакатимизда ҳозир таркиб топаётган умумхалқ миллий мустақиллик мафкурасн «Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳнда тарбиялашн, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлнкни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тар-"чялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим»[1],— дейди **И.** Каримов.

## 4. Ижтимоий онг шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги

?жтимоий онг шакллари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ижтимоий онг шаклларидан

[1] Каримов И. Ўзбекистон иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995, 152- бет.

бири сиёсий онг бўлиб, у воқеликни, ижтимоий борлиқнв•' хос усулда акс эттириши билан тавсифланади. ' [1] Ў³Иг₉

Сиёсий онг турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат '] миятига, сиёсий ташкилотларга, уларнинг жамият ц ролига, бошқа давлатлар ва миллатлар билан муносабатп-[1Даг11] шу кабиларга қарашларининг систематаштирилган ; а [Е а] ифодасидир. -[3а]Рив

Сиёсат давлат фаолиятида ифодаланади ва бу гЬяг,п,,,, д бош йўналишини ташкил қилади. Сиёсий ҳокимият **учун** куг'[Инг] да, муайян сиёсий тартибни ва унинг иқтисодий негнзла ҳимоя қилиш, асослаб бериш ва мустаҳкамлашда жуд$_а$ му!л курол бўлиб хизмат қилади. "

Сиёсат—иқтисодиётнинг жамлаштирилган ифодасидцр, унии • умумлашуви ва охирига етишидир. Турли ижтнмоий гуруҳлао табақаларнинг иқтисодий манфаатлари худди шу сиёсатда тўл$_а$' ва ҳар томонлама ифодаланади. Сиёсат иқтисодиётга, иқтисодиЯ базисга фаол таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Шунинг учун кишиларнинг сиёсий онгини шакллантириш ва ривожлантипиш катта аҳамият касб этади. «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт,— дейди И. Каримов,— жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир».[1]

Бугунги кунда буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун сиёсий етук, маърифатли, ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифадир.

Ҳуқуқий онг ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари кишилар ижтимоий борлиғини ўзига хос кўринишларда акс эттиради. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгни жамиятнинг иқтисодий аҳволи белгилайди. Ҳуқуқий онг давлат томонидан белгилаган ҳуқуқий нормалар ва муносабатларга, қонунларга, суд, прокуратура масалалари ва ҳоказоларга бўлган қарашларнинг систематаштирилган назарий ифодасидир. Ҳуқуқ инсон ҳаётининг айрим томонларини эмас, балки унинг жамиятдаги бутун ҳаётини у[3] ичига олади. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан белгиланган ва одамлар зиммасига юкланган ўзини тутиш ва хулқ-атвор қоидаларидан иборатдир. -Ш

Давлатдан ташқари ҳуқуқнинг бўлиши мумкин эмас. Давл органлари ҳуқуқин норма ва қоидаларни белгилайди, бекV қилади, ўзгартиради, мажбур қилиш чораларнни қўллаш и> билан уларнинг бажарилишини таъминлайди. Мажбурл[0] "1 давлат аппаратисиз ҳуқуқ ҳеч нарса эмасдир. Бинобарии, Д^ лат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ давлатсиз яшай олмайди. Давлат ҲуҚУ-^ нормаларни икки усул билан, яъни ўзига зарур бўлган туР

[1] Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994, 59- бет.

оларини белгилаш ёки уларни тасдиқлаш йўли билан яра-
цоиД ' '

<,зир биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши ло-
**бўлган** ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Шундай
з"м жамиятимизда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қирра-
эКавДСНтасига айланиши зарур. Бунинг учун халқнинг ҳуқуқий
'"яаниятини юксалтиришимиз даркор. «Ҳуқуқий маданият да-
М жаси, дейди И. Каримов,— фақатгина қонунларни билиш, ху-
РакіЙ маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас.
Йоқунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти де-
макднр- У- оДил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларинн ҳи-
моя **қилиш** учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир»[1].

Ахлоқ ҳам ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида киши-
тэрнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш нормалари, принциплари, қоидалари, шунингдек, улар-
нііНГ ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга бўл-
ган муносабатларини ифодалайди. У ижтимоий онг шакллари-
дан, жумладан ҳуқуқий фарқ қилади. Ҳуқуқнинг ахлоқдан асо-
сий фарқи шундаки, ҳуқуқ нормаларининг бажарилишини давлат таъминлайди, ахлоқ қоидаларига риоя қилишни таъмин-
лаш эса жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одат-
да ишонтириш кучига таянади.

Ахлоқ жамият тараққиётининг илк босқичида пайдо бўлгдн. Унинг пайдо бўлишида кишиларнинг меҳнат фаолиятларн, иқ-
тисодий муносабатлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Инсон ҳаё-
тидан, уларнинг моддий ҳаёт шароитларидан ажралиб юзага келган ахлоқ бўлмайди. Ахлоқ жамиятда кишиларнинг хатти-
ҳаракатларинп, хулқ-атворларини тартибга солувчи эҳтиёжлар мавжуд бўлганлиги учун келиб чиқади.

Халқ оммаси моддий ва маънавий бойликларнигина эмас, шу билан бирга инсоният ахлоқнй қадриятларининг ҳам ижодкори, авайлаб-асровчиси ва ривожлантирувчисидир. Жамият тарақ-
Рёти йўлида хизмат қилиб келаётган умуминсоний маданият, одоб-ахлок, меҳнаткаш инсоннинг амалий фаолияти жараёнида Ривожланиб борган. Халқ оммаси томонидан бир неча минг иилллар давомида яратилган мақоллар ва маталлар, ривоятлар
фалсафий асарларда ҳалоллик ва поклик мадҳ этилган, Л1Ровларнинг ҳақига хиёнат қилиш, меҳнат қилмасдан кун кў-
Риш, ўғирлик, порахўрлик, таъмагирлик қаттиқ қораланган, У3идан катталарни ҳурмат қилиш, беморларга ёрдам бериш, 01нқа миллатлар ва халқларга мансуб бўлган кишиларнинг ти-
тарихи, маданияти, илғор удум ва анъаналарига ҳурмат би-
' н Қараш, табиат ва унинг бойликларини эъзозлаш уқтирнлган, Устлик, аҳиллик, ўзаро ҳамкорликда ҳаёт кечириш, тинчлик
кУрашиш, урушларга, бесабаб қон тўкишлар ва хунрезлик-

вЧн Кг>Римов И. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболи-
,з асосий тамойиллари. Т., 1995, 29- бет.

ларга йўл қўймасликка даъват этилган. Шунинг учун хам^и инсоний маданият, ахлоқ ва ахлоқий қадриятлар ўз ахам' " ҳеч қачон йўқотмайди, улар инсониятнинг энг катта 'Ма Ияти Нц хазинасидир. Умуминсоний ахлоқий қадриятлардан фой 'Нав ий масдан туриб инсоний муносабатларни мустаҳкамлаб, |п Ла'1аЧ ва маданиятни ривожлантириб бўлмайди." ' м Фач!

Ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар қотиб қолган **эмас 1** доимо ўзгариб туради. Кишиларнинг ҳаёт шароитлари, да УЛар вал моддий ҳаёт шароитлари, улар яшаб турган ижтимоиГ38' зум ўзгариши билан ахлоқ ва ахлоқий тушунчалар ҳам ўзга' т-; такомиллашиб боради.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом таълимотц I Шарқ фалсафасида ўз аксини топган умуминсоний аҳамиЯт Ва молик одоб-ахлоқ қоидалари мустақиллик шарофати била3 янада тикланиб халқимизнинг маданий-маънавий покланиши ва юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Ижтимоий онг шаклларидан яна бири — эстетик онг воқеликни бадиий образларда акс эттиради. Санъат — дунёни бадиий ўзлаштиришнинг муҳим усулларидан ҳисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадиий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади ҳамда бадиий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг меъморчилик, декоратив, амалий санъат, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, графика, мусиқа-хореография, театр, цирк, телекўрсатув, кино, бадиий адабиёт сингари турлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш ва боғлиқдир.

Санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида **фикр** юритилганда шуни назарда тутиш керакки, инсон бадиий **фао**лияти пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнининг манбаи— меҳнат, иқтисодий муносабатдир. Санъат кишиларга табиат **куч**ларига қарши курашда ёрдам берган, меҳнат қилишга, моддий ва маънавий бойликлар яратишга ундаган. Меҳнат туфайли инсон воқеликни эстетик идрок қилиш имкониятига эга **бўлди**, табиий ва ижтимоий гўзалликдан завқланадиган, **гўзаллик қо**нунларига мувофиқ ҳаёт кечирадиган, байтлар ва **мусиқалар**дан ҳузур қиладиган бўлди. Санъат асарларининг, **айниқса мил**лий қўшиқ ва мусиқанинг инсоннинг руҳий-ахлоқий **камолотига** кўрсатган таъсири шу қадар кучлики, буни сўз билан тасвир лаш амри маҳол. Шарқнинг буюк файласуфи Абу Наср Ф°Р°1 бий ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши» деган машҳур асаР да мусиқа илмининг куч-қудрати **ва** хосияти **ҳақида бунд^** атини деган эди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у **ўз мувозан**ликка йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, **мукаммал.** етмаган хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда **бўлган** 0 ^ г лар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тана**саломатлиги** учун **ҳам** фойдалидир, чунки тана касал бўлс^, ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа **учраиД** |

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 176- бет.

Саяъатнинг манбаи — воқеликдир. Санъат объектив воқелик-кс эттириш шаклидир. Воқеликнинг санъатда акс этишп н" аккаб, зиддиятли жараён; бадиий инъикос суст эмас, балки МУРл жараёндир, санъат воқеликни билиш ва ўзлаштириш воси-Шддийр; амалиёт бадиий тасвирнинг ҳақиқий эмаслигини билиш Гезонидир- „ „

Санъат жамият моддии ҳает имкониятлари асосида ривож-нади ва унга хизмат қилади. Унинг ўзига хос хусусиятлари-» бири ворислик асосида боришидир. Ҳар қандай янги давр Санъати ўзидан олдинги давр санъатида бўлган ҳамма илғор с„рсаларни қабул қилиб олади ва ривожлантиради.

" Эстетик онг ижтимоий онгнинг сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ва бошқа шакллари билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга улардэн маълум жиҳатларига кўра фарқ ҳам қилади. Эстетик днг фандан шу билан фарқ қиладики, унда воқелик, ижтимоий борлиқ инсон миясида хулосалар, тушунчалар воситаси билан эмас, балки бадиий образлар воситасида акс этади. Бадиий образ илмий ва фалсафий тушунчалардан аниқ ҳиссий далилда кўриниши, ҳаётнинг муҳим томонлари умумлашган тарзда акс этиши билан фарқ қилади. Санъат асарлари одамларга кучли таъсир этиб, уларда фикр, ҳис, туйғу, шодлик, ҳузурланиш, роҳатланиш, азобланиш, ғазабланиш каби ҳиссий кечинмаларни уйғотади.

Фан, санъат, маданият ва бошқа ижтимоий онг шаклларининг ривожланишига сиёсат ва мафкура кучли таъсир кўрсатади. Кейинги вақтларда илмий ва ижодий зиёлиларнинг муайян қисми фан, адабиёт ва санъат, сиёсат ва мафкурага боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши керак, деган фикрни ўртага ташламоқдалар. Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, эски тоталитар тузуми раҳбарларининг узоқни кўра олмайдиган сиёсати туфайли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётимизда кўпгина муаммолар, қийинчиликлар вужудга келдн. Бунинг оқибатида мафкурага нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди. Лекин бу сиёсат ва мафкурадан воз кечишимиз керак, деган Маънони билдирмайди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, сиёсат, мафкура, адабиёт ва санъат бир-бири билан узвий боғлиқдир, уларни қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятда мавжуд бўлган сиёсат ва мафкурадан етда туриш мумкин эмас.

Ижтимоий онгнинг туркумига диний онг ҳам киради. Бу тўғрида иккинчи бобда сўз юритилгани учун ҳозир тўхтаб ўтирмай-

Ижтимоий онг шакллари хусусида фикр юритганда қуйидаларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

э "жтимоий онг шакллари кишилар ижтимоий борлиғини акс "Рибгина қолмасдан, нисбий мустақилликка ҳам эга.

н[ Ижтимоий онг шаклларининг ўзаро мустақиллиги ҳар бири-нг Узига хос хусусиятларга эга эканлиги, уларнинг диалектик

бпрликда эканлигини, ўзаро бир-бирига таъсирини, бири I чисини мазмунан бойитиши ва тўлдиришини инкор эт"К*йн' Ижтимоий онг шаклларидан ҳисобланган сиёсат ва ҳуқуқ, Ма"Аи. нинг ахлоқий ва фалсафий онгга, уларнинг эса ўз навб' оНг' диний ва эстетик онгга таъсири ва акс таъсири "бунгя " ЭТНда бўла олади. } 3 Ми%

Ижтимоий онгнинг барча шаклларида умумилмий, уМу -1 шарий аҳамиятга эга бўлган чуқур мазмун, муҳим ғоя ва и ний қадриятлар мавжуддир. Ижтимоий онг шаклларидан ҳаНСо" бирини олиб кўрмайлик, унда алоҳида бир халқ ва миллатнг" эмас балки бутун инсониятнинг асрлар давомида қўлга киритгя^ авагглаб-асраб келган билим бойликлари, бой ҳаётий тажрибН' лари, амалий фаолиятлари якунлари акс этганлигини ҳам куря миз. Ҳар қандай табиий ва ижтимоий фан, маданият ва техника ютуқлари умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ахлоқий норма ва қоидалар, жаҳондаги алоҳида бир халқ ва миллатнинг тор доирадаги кишилар гуруҳининг меҳнати самараси эмас, балки умуминсониятнинг амалий фаолияти якунидан иборатдир.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида фан ва маданиятнинг, ахлоқ, дин ва фалсафанинг, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг синфий ва партиявийлиги хусусида ҳаддан ташқари зўр бериб гапирилди, аммо уларнинг умуминсоний аҳамиятга эга бўладиган жиҳатлари хусусида деярли фикр юритилмади. Эндиликда бундай бирёқламаликка чек қўйилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «Мустақил Узбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Узбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир»[1].

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Онг нима? Онгнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги и... маълумотлар нималардан иборат?

2. Инсон онги, тафаккурининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ... нат ва тил қандай аҳамият касб этган? Онг ва тил, онг ва ўз-ўзини англ... деганда асосий эътиборни нималарга қаратиш керак?

3. Ижтимоий онг ва унинг моҳиятини қандай изоҳлаб берасиз? ... да онгнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг ижтимоий онг билан алоқ... лиги қандай? Онгнинг фаоллиги ва ижтимоий онгнинг нисбий мустақ... моҳиятини ёритинг.

4. Ижтимоий онг шакллари, уларни ўзаро алоқадорлиги ва ф... маларда кўринади? ...

5. Мустақиллик шароитида ижтимоий онг ролининг ошиб бор... ги ҳақида давра суҳбати ўтказинг.

[1] Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият, 5- бет.

## ,Ц БОБ. ФАЛСАФАНИНГ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ — еОРЛИҚНИНГ ИНСОН ОНГИДА АКС ЭТГАН ҚОНУНИЯТЛАРИ

### ) фалсафада услуб муаммоси. Диалектика ва унинг муқобиллари

Кунёни фалсафий англаш — мазкур фаннинг тушунчалари, **идалари** ёрдамида инсон онгида борлиқни ҳеч қандай қўшим- қандай бўлса шундай акс эттнриш демакдир.

4 Дунёни фалсафий англашда диалектика усули катта аҳами- касб этади. Диалектика атамаси дастлаб қадимги юнон фай- ^асуфлари Сукрот ва Платон томонидан қўлланилган бўлиб, [аъноси баҳс ёрдамида ҳақиқатга эришиш демакдир.

Диалектика усули оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг узаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзгариш ва ривожлани- шннинг сабабларини ва моҳиятини очиб берадиган илмий мето- дологик қуролдир.

Фалсафа тарихида турлича тафаккур услуби ҳақиқатни очиб бера оладиган универсал услуб ўрнини босишга ҳаракат қилар эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий тараққиёт жараёни- да давр талабига жавоб бера олмаганлиги учун инкор этилди. Софистик тафаккур ҳам шулар жумласидандир. Антик дунёда шаклланган софистик тафаккур ўрта асрларда, айн^қса, кенг тараққий қилди. Дастлабки даврларда қадимги Юнонистонда бирон-бир соҳани, жумладан ҳунар, мусиқа ва ҳоказоларни мукаммал эгаллаган кишиларни софистлар деб атардилар. Қейинчалик эса бу сўз аста-секин бошқача мазмун касб эта бошлади: нотиқлик ва донишмандликда ном чиқарган файласуф- ларни софистлар деб атай бошладилар.

Софистлар табиий тилнинг қатор камчиликлари, жумладан, омонимия, амфиболия, сўзларни нотўғри боғлаш, икки маъноли талаффуз, фикрни ифодалашнинг грамматик шакллари ва ҳо- казолардан фойдаланиб, ёлғондакам ҳақиқат ниқоби остида Ҳақиқий билимларни ёлғон билан алмаштиришга уринадилар.

Ал-Форобий логиканинг ҳақиқатга эришиш қуроли сифатида- ги ролини асослашга бағишланган рисолаларида, софистик та- факкурнинг асоссизлигини аниқ кўрсатиб берган.

Софистика атамаси, Форобийнинг таъкидига кўра, суф (до- нолик) ҳамда истияс (ёлғон) сўзларидан олинган бўлиб, «Сохта Донолик» маъносини англатади. «Софист,—деб ёзган эди Фо- робий,—(борлиққа) тескари бўлган (йўқ) нарсаларни тасаввур қилишга мажбур этиш орқали тингловчини адаштиради, шун- қилиб у (тингловчи) бор нарсани йўқ, мавжуд бўлмаганни мавжуд, деб тасаввур қилади».[1]

Софистик тафаккур, Ал-Форобий фикрича, ўзига хос усул- лардан ташкил топган бўлиб, улар ўрганилиши лозим бўлган ^Рсаларни ўрганишда ақлни тўғри йўлдан чалкаштиради ва

[1] Аль-Фараби. Логические трактм. Алма-Ата, 1975, с. 531.

ёлғонни рост шаклда тасаввур қилишга мажбур қилади, уп мокчи бўлган кишини тўғри йўлдан адаштиради. "1Гаан

Форобий мантиқ қонунларига қатъий бўйсуниладиган бV инсон ақли софистик тафаккурдан халос бўлиши мумкин"ЛСа таъкидлаган эди. «Силлогизмларни ўрганадиган бўлсак, на Де ларнинг бир-бирларидан фарқларини ишонч билан топа'ол?Са ва агар биз эътироф қилсак, мунозараларда англашилмов1Нз ликларга ва чалкашликларга йўл қўймаймиз»[1].

Кўриниб турибдики, софистик тафаккур тушунчалар, сўзл ва улар маъноларининг иккиёқламалигидан келиб чиқар эк'3^ демак у ўз-ўзидан келиб чиқмаган, унинг ўзига хос гносеологи' илдизлари бор.

Маълумки, инсон тушунчалари ҳаракатчан, ўзгарувчан, их чам, ўзаро алоқадор, зиддиятли, бири иккинчисига ўтиб туради Агар ана шу тушунчалар ихчамлиги инсон томонидан ўз ҳоли-ча, субъектив фойдаланилса, осонгина софистикага тойиб кети-ши мумкин.

Софистик тафаккурда бир хил тушунчалар, сўзлар, ибора-ларнинг бошқалари билан формал боғланиш зарурияти бирин-чи галдаги вазифадир. Бу аслида маъносиз тушунчалар ўйини-дан бошқа нарса эмас. Софистик тафаккур предметли асосга эга бўлган сўзлар, тушунчалар билан қизиқмайди ҳам, ташвиш-ланмайди ҳам. Шунинг учун ҳам у (софистика) тушунчалар дои-раси билан чегараланиб қолади. Ф. Бэкон таъбири билан айт-ганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда эса улардан ҳеч қандай наф йўқ. Софистик тафаккур формал таърифлар билан чекланганлиги учун ҳам у нарсалар тарақ-қиётини бошқарадиган чуқур ички жараённи тушунишга қодир эмас.

Софистика ижтимоий-синфий илдизларга ҳам эга. Софистик усул ҳақиқатни атайлаб бузиб, ёлғонни ҳақиқат деб кўрсатиб эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя қилади.

Софистика гносеологик ва ижтимоий илдизларга эга бўлган-лиги учун ҳам софистик тафаккурнинг асоссиз эканлигини ёрит-моқ учун, бир томондан, айтилаётган қоиданинг ҳақиқийлиги ва асослилигини қандай усул билан таъминланишини **кўрсатиш,** иккинчи томондан, у ёки бу софистик қоида қайси синф ман-фаати учун фойдалилигини очиб бериш керак бўлади.

Муҳокама юритилаётган нарсанинг моддий асосини ҳисобга олмайдиган мавҳум тушунчалардан иборат софистик тафаккуР' дан фарқли ўлароқ, метафизик тафаккур, асосан, нарсала.. билан фикр юритади. Мана шу маънода тафаккурнинг метаф зик услуби софистик тафаккурни инкор этади.

Илмий билишнинг асосий мақсади табиатдаги нарса ва ҲоД салар моҳиятини билишдан иборат. Шунинг учун ҳам нарсал н ни ўрганишда метафизик усул дастлаб табиатшунослик зами

[1] Аль-Фараби. Логические трактати. Алма-Ата, 1975, с. 438.

• пкпб топа бошлаган. Софистик тафаккурга қарши ўлароқ дз т*!дга келган метафизик усул фан ривожланиши тарихида яраша ижобий роль ўйнаган. Табиатшунослик йиғма, тўп-Р^чй Ф а Н с и Ф а т и д а кўринган даврларда буюмларни ўрганиш *» и бўлган метафизика мавжуд воқеликда алоҳида олинган

салар ҳақидаги жуда кўп аниқ материалларни тўплашда млapта ёрдам берди. Табиатдаги аниқ нарса ёки жараёнлар-Ђл "билмасдан туриб, дунёнинг умумий кўриниши тўғрисида та-""ввУР қилиш мумкин эмас. Масалан, ўсимликларни туркумлаш %0 ҳар бир турни алоҳида ўрганишни талаб қилади. Бунинг 1,«н мавжуд шароитда яшаётган ўсимликлардан танлаб оли-иб тажрибахонага кўчирилади. У ерда фиксацияланиб (қоти-Н|п'иб) таҳлил қилиш йўли билан унинг ички тузилиши, кимёвий тарқнби ҳамда бошқа томонларн ўрганилади.

Табиат предметларини мукаммал ўрганиш уларнинг моҳия-тини чуқурроқ очиб боришга интилиш — метафизик тафаккур **услубининг** ижобий томонини ташкил этади. Унинг улкан та-рихий ҳаққонийлиги ҳам шундадир. Бу шу билан тавсифлана-дики, метафпзик тафаккур услубидан фақат табиатшуносларги-на эмас, балки XVII—XVIII файласуфлари ҳам унумли фойда-ланганлар.

Метафизик тафаккур услубининг асосий камчилиги шундан иборатки, табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бир-бири билан ўзаро боғлиқликда, уларнинг узлуксиз ўзгариш^ва ривожланиш-да эканлигини кўра бўлмаслиги ва кўришни ҳам истамаслиги-дир. Метафизик бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган қарама-қаршиликлар воситаси билан фикр қилади, унинг сўзи «ҳа-ҳа, йўҳ-йўқ». Унинг назарида буюм ё мавжуддир, ёки мавжуд эмасдир ва худди шунингдек, био буюм айни замонда шу буюмнинг ўзи, яна бошқача нарса бўлолмайди.

Бундай йўл билан тушуниш, кундалик, одатдаги турмуш миқёсида маълум даражада мувофиқ келса-да, ҳақиқий илмий билишда эса номувофиқ, ғайри илмийдир, чунки бизни ўраб тУрган воқеликда ҳар бир нарса воқеликдаги бошқа нарсалар билан ўзаро чамбарчас боғланган. Улар узлуксиз ҳаракатда, Узгаришда, ривожланишдадир. Шу жараён натижасида эса пРедметлар ўзининг қарама-қарши томонларига ўтадилар. Ма-Салан: ҳар қандай жонли мавжудот ҳам маълум вақтда ўз мо-х.чятини сақлаб турса, маълум вақтда эса ўз моҳиятини сақлай °лмайди, чунки, маълум вақтда ташқи муҳитдан олган ҳаётий заРУратни қайта ишлаб, ўзидан бошқа модда чиқаради. Ҳар бир Дак.иқада баъзи бир ҳужайралар ўз фаолиятини тугатсалар, т а ъ з и бпрлари эса ўз фаолиятларини янгидан бошлайдилар. Шу аРиқа оз ёки кўп вақт давомида организм таркибидаги модда-•хаР янги атомли моддалар билан алмашинади. Шунинг учун лам органик мавжудот ёки жисм бир пайтда ҳам шу жойда, ҳам У ^койда бўлмайди. Аммо шу таҳлитда тушуниш метафи-

зик тафаккур ғайри илмий бир томонлама, чекланган тасЬ I.
услубидир. к%р

Табиий илмий билиш доирасида метафизика шундай "
ниш усулики, табиатдаги нарсаларни бир-биридан алоҳида Га,
ҳида ҳаракатланмайдиган, қотиб қолган ҳолда ўрганади. ало"

Фалсафий тафаккур усулига айланган метафизика бироз *
маънода, яъни диалектикага зид усул сифатида қўлланила
лайди. Метафизика ана шу тариқа кўп томонларига эга &Щ
тадқиқ этиш илмий билиш ва амалиётда муҳим аҳамиятга Г"4

Эклектика кенг тарқалган тафаккур услубларидан бўл!"-'
дастлаб юнон фалсафасининг охирги босқичларида юзага кел*
ган. Эклектик тафаккур услуби ўрта аср ва янги замон фалса"
фасида кенг қўлланган. Ҳозирги замонда ҳам эклектиканинг турли кўринишлари бир-бирига зид нарсаларни келиштиришга қаратилган уринишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Эклектика («танлайман»— деган юнон сўзидан олинган) муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва иккинчи даражали боғланишлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олмайдиган, нарсаларнинг турли-туман, кўпинча қарама-қарши томонларини, тамойилсиз қўшиб юборадиган методологик услубдир. Эклектика нарса ва ҳодисаларнинг турли томонлари ва хоссаларини механик равишда бириктиради ва «бир томондан», «иккинчи томондан» деган усулга амал қилади. Объектив дунё нарса ва ҳодисалардаги алоқа ва муносабатлар мажмуидан аниқ тарнхий алоқадорликда, аниқ ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда асосий ҳал қилувчи алоқадорликни ажрата билмаслик, эклектик тафаккурнинг асосий методологик нуқсонидир.

Шаклан мантиқ қонунлари асосида ҳосил қилинадиган тафаккур эклектик фикрлашга тубдан қарама-қаршиднр. Эклектик тафаккурдан фарқли ўлароқ, мантиқий тафаккур моҳият эътибори билан субъектив нотўғри талқинни истисно этадиган, мантиқий алоқадорлик асосида бир фикрдан иккинчи фикрга ўтишда, яъни тўғри фикрлашга асосланган тафаккурга ўз диққатини қаратади. Логика (мантиқ) муҳокама (фикрлаш) жараёнида фикрларимиздаги ҳал қилувчи алоқадорлик қонунларини таҳлил қилади, уларга кўра ҳақиқатни ҳосил қилиш учун асосланишимиз лозим бўлган қонун-қоидаларни **шакллантиради-** тўғри фикрлаш ҳақиқат ҳосил қилишнинг зарурий шартидир-

Шу билан бир қаторда формал логика тафаккур шакллар
(тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар)ни таҳлил қилар экан, Ула^
ни инсон амалий ва билиш фаолияти тараққиётидан келтир
чиқарган тарихий жараёндан мустасно ҳолда олиб қараид •
Шаклан мантиқий тараққиёт муаммосини, шу билан бир к-аГ0^
да тафаккур шакллари тараққиётини ўрганишни мақсад қи. ^
қўймайди, балки у фикрларни аниқ англатган мазмундан '\а ^
назар, унга қандайдир, тайёр тугалланган ҳолда олиб қаР '
шу асосда тўғри фикрлаш қонунлари ва шаклларини ЎРгаН,каТ

Шаклий мантиқдан фарқли ўлароқ дналектиканинг Дн ь1 1

1 казида тараққиёт муаммоси туради. Бу шуига асосланади- ^Р^цринчидан, тараққиёт моддий оламдаги ҳамма нарса ва иcаларга, шунингдек инсон тафаккурига хос, мос, иккинчи- Ҳод "ҳодисаларга жараёнлар сифатида қарайди, улардаги ҳа- ^аН'атан муҳим, асосий томонни кўриш имкониятини беради. (йасалан, тушунча ҳақида гап кетганда шаклан мантиқий пред- РпНИ моҳиятли белгилари орқали акс эттириш лозимлигини ^алаб қилиш жуда ўринлидир. Лекин қайси белги моҳиятли Тисобланади, у муҳим бўлмаган белгидан нимаси билан фарқ- ланадн? Бу борада формал мантиқ кўрсатмалари фақат умумий ва формал бўлиб қолиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам бундай кўрсатмалар, агар тараққиёт муносабати билан илгари муҳим ва асосий ҳисоблангаиларнинг номуҳим ва иккинчи да- ражалилиги ва «аксинча» бўлиб қолиши мумкинлиги ҳисобга олинса, асло етарли эмаслиги аён бўлиб қолади. Бу масалани ҳал қилмоқ учун вужудга келган янгича шароитни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш талаб этилади, бу эса формал мантиқ доирасидан чиқиб кетади.

Диалектика шаклий мантиқдан фарқли ўлароқ ҳар бир та- рихий давр мазмунини ёритишни ва шу асосда унинг моҳиятли белгиларини янгидан аниқлашни талаб қилади. Шундай қилиб, диалектикада умумий тушунча ўз мазмунининг бойлиги билан иамоён бўлади.

Диалектик мантиқ инсон тафаккури формаларини, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва тараққиётида олиб ўрганншни мақсад қилиб қўяди. Диалектика табиат ва жамият тараққиёти асоси- да ривожланаётган тушунчалар ва фикрларнинг бошқа шакл- ларида қандай акс этишини ҳам кўрсатиб беради. Бундай вази- фаларни ҳал қилиши орқали диалектика жадал суръатлар билан ривожланаётган табиатшунослик ва жамиятшунослик фанларининг талаб ва эҳтиёжларига мос бўлиб тушади

Шаклий ва диалектик мантиқ орасидаги муносабатни тўғри тушуниш, уларни ўзаро зид қўймаслик имконини беради. Шак- лий мантиқ мантиқий муносабатлар, фикрнинг таркибий қнс- мининг тузилиши, структурасини таҳлил қилгани учун ҳам унинг Қонун ва қоидалари тафаккурнинг ҳамма томонлари учун ўз кУчинн сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, фор- мал мантиқ диалектик тафаккурни эгаллашда дастлабки бос- к.ич сифатида муҳимдир. Диалектик тафаккур формал мантпқ талаблари мажбурийлигини инкор қилмандигина эмас, балки аксинча унинг ўзи муҳокамада ниҳоятда аниқликни, кетма-кет- ликни талаб қилади ҳамда мантиқий хатоларнинг қандай бўл- масин ҳеч бири билан келишмайди.

Формал мантиқни ўрганиш ва унинг қонун-қоидаларнга ^атъий риоя қилиш инсон тафаккури, фалсафий маданиятини оцlнришнинг зарурий омили ҳисобланади. Мантиқ фанинп эгал- олиш мураккаб муҳокама жараёнида аниқликка, асосий- Ликка эришиш имконнятннн беради. Тафаккур жараёнпда, тур-

лича ҳаётий шароитларда илмий билиш ва амалий фаолият бу иарса катта аҳамиятга эга.

Диалектик тафаккур услуби ё моддий асосидан ажратцт 3 курук тушуичаларни бир томонлама бўрттирувчи ёки нарса ган тушунчаларнинг ҳаракати диалектикасини ҳисобга олмаг-' . • софистик ва метафизик тафаккур услубидан фарқ қилиб ц'ЭН салар ва уларнинг фикрий образларини узвий бирликда о қарайди. Шунинг учун диалектик тафаккур софистик ҳамда », тафизик тафаккурга хос камчиликлардан ҳолидир. **Бундай т 1** факкур услуби, турли муносабатларда бўлган турли **нарса ва** тушунчаларни тамойилсиз ва тасодифан бирлаштирувчи **эклек-**тик қарашга ҳам тубдан қарама-қаршидир. Диалектик **тафак"**курда нарсалар билан уларнинг мантиқий образлари бўлган тушунчаларнинг айнилиги, билишнинг табиий ҳаракат **формаси** бўлиб, бунда субъектив диалектика объектив диалектиканинг инъикоси сифатида намоён бўлади.

Диалектиканинг нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама ва ўзаро муносабатда таҳлил қилиш талаби қандайдир ҳодисани ёки унинг айрим томонини бирёқлама ажратиб қабул қилувчи софистикага тубдан қарама-қаршидир. Софистлар масаланинг иккинчи даражали томонларини биринчи ўринга қўйиб масаланинг моҳиятини у билан ўраб қўядилар.

Диалектика фақат ҳодисаларнинг ҳамма томонлари алоқасини эътиборга олмайдиган софистикага қарши бўлмасдан, балки муҳим ва ҳал қилувчиларини ажрата олмасдан турли алоқа ва муносабатларни механик равишда қўшувчи эклектикага ҳам қаршидир.

Софистика ва эклектикага зид бўлган нлмий фалсафа нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилишда ҳамма алоқа ва воситаларни ҳисобга олишни талаб қилади. Худди шундай ёндошиш инсон билиши ва амалий фаолияти муваффақиятининг шартидир.

Диалектик тафаккур метафизикага қарши ўлароқ нарса ва ҳодисаларни фақат ўзаро алоқада ва бир-бирини тақозо қилишда олиб қарамасдан, балки ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда қарашни талаб қилади.

Диалектик тафаккурнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, ихчам, ҳаракатчан, ўзгарувчан тушунчалардан Ф011* даланиш орқали объектив борлиқ, нарса ва ҳодисалар тараҚ* қиётининг қонуниятларини инсон онгида акс эттиради.

Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти УлаР нинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятл рини фалсафий қонунлар, тушунчалар (категориялар) Т113И> „ ёрдамида очиб беради. Диалектиканинг қонун ва тушунчалар^ воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини а эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб оор|' уларнинг тараққиёт қонунларини билиш ва оламда юз берад 1 ган ҳодисаларни онгли таҳлил қилиш имкониятини яратад11- *Я*



*Л*

дйрим олимлар ҳозирги замон нлмий-техника инқилоби ЭНР тафаккур усули—«система — структура» усулини яратади, В®^- фикрни илгари сурмоқчи бўладилар. Уларнинг бу қара- дсгаи _ диалектик тафаккурнинг эскирганлиги, шунинг учун у сйстема — структура» усули билан алмаштирилиши лозимлиги *якидаги фикр ётади. Аммо бундай ҳукм чиқариш асоссиздир. ^Система — структура» усулиии диалектик тафаккурнинг тар- *ибий қисми десак янглишмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам ю зий қ /ларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш нотўғридир. Ҳозиргп замон илмий техника инқилоби диалектика илмий тафаккурнинг самарали усули эканлигини ва шундай бўлиб қолишини яна бир карра исботламоқда.

Диалектика энг умумий қонун ва тушунчалар тизими сифатида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга ҳар томонлама ёндошишни талаб этади. Инсон ўз амалий фаолияти ва илмий билиш жараёнида диалектиканинг ранг-баранглигини, хусусиятларини хисобга олиши, уларни аниқлаш лозим, яъни у диалектиканинг ўзига диалектик усул билан ёндоша билиши керак.

Табиий ва ижтимоий фанларнинг энг кейинги ютуқлари объектив оламдаги ўзаро алоқалар, улар асосида ётувчи қонунлар мураккаб ва кўп қиррали эканлигидан, шунингдек бу жараёнлар тўғрисидаги билимларимиз ҳам нисбий, ўзгарувчан эканлнгидан далолат бермоқда. Моддий оламдаги бу умумий алоқа ва қонуниятларнинг мураккаб шакллари диалектиканинг қонун ва категорияларида мумкин қадар тўла ва чуқурроқ акс этишнни ҳисобга олиш лозим. Бу илмий билишнинг ягона, тўғри ва зарурий шартидир.

Диалектиканинг қонун ва категориялари биргаликда олинганда, ягона системани ташкил қилгандагина дунёни билишнинг муҳим усули вазифасини бажаради. Агар улар алоҳида бирбирига боғлиқ бўлмаган ҳолда олинганда, нарса ва ҳодисалар Ҳақида яхлит, бир бутун тасаввур ҳосил бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири умумий алоқадорлик ва ривожланишнинг қандайДир аниқ томонини ифодалайди. Улар биргаликда олинган тақДирда бир-бирларини тўлдиради, натижада моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва тараққиётнинг яхлит, бир бутун манзарасини ҳосил қилади.

## 2. Диалектиканинг асосий қонунлари

Диалектика умумий қонун ва категориялар системасидан "^орат бўлиб, уларнинг йиғиндиси дунёнинг бир бутунлигини йФ°далайди ва у доимий ўзгаришда, ривожланишдадир. Қонун ^еганда нима тушунилади? Бунга жавоб беришда шуни ҳисобга ^лмоқ лозимки, энг умумий шаклда қонун моддий оламдагн УРли хил нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ва воқеалар ўртаси- муносабатлар, ўзаро алоқадорликда демакдир. Лекин бун- ^ан цонун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулоса чич Рмаслик керак. Масалан, муҳим ва муҳим бўлмаган, тасоди-

фий ва зарурий, барқарор, ва беқарор, умумий ва хуеусий сабатлар бор. Қонун бу муносабатларнннг барчасинн к олмайди. Турли-туман алоқалар, боғланишлар ичидан\ ^аа аввало, муҳим алоқаларни яъни, шундай муносабатларнц энг далайдики, булар ташқи шароитлардан эмас, балки нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, унинг ички алоқаларидан келиб чиққан бўлади.

Шунингдек, қонун зарурий муносабатдир. Чунки табиат жамиятдаги ҳар қандай қонунга хос белги зарурийлик хпсова-ланади. Қонун тушунчасининг ўзи мажбурийлик, зарурийликт билдиради. Зарурийлик қонуннинг муҳим белгиси сифатипИ ундан келиб чиқадиган натижаларнинг мажбурий йўналишинв кўрсатиб беради.

Қонуннинг муҳим белгиларидан бири — нарса ва ҳодисалап-даги умумий муносабатларни ифодалашдир. Агар қонун шак-шубҳасиз юз бериши мумкин бўлган (зарурий белгиси) муноса-батларни ифодала^) экан, табиий равишда бу муносабатлар бир хил шароитда доимий ва ҳамма жойда (умумийлик) намоён бўлади. Ана шу маънода қонун умумий муносабатлардир.

Қонун нисбий барқарор муносабатлардан иборат, зеро у муайян ҳодисаларнинг ички табиатидан, унинг моҳиятидан ке-либ чиқадиган моддий дунё, нарса ва ҳодисаларнинг алоқала-рини ифодалайди. Қонун гоҳ вужудга келиб, гоҳ йўқолиб кета-диган алоқаларга асосланиши мумкин эмас. У нисбий барқарор муносабатларни тақозо этади. Қонуннинг нисбий барқарорлиги шу билан изоҳланадики, у бир хил шароитларда муҳим хусу-сиятлари сифатида табиатдаги нарса ва ҳодисалардагина эмас, балки ижтимоий ҳаётдаги воқеаларда ҳам яққол кўзга ташла-нади.

Шундай қилиб, қонун кўп қиррали алоқалар ва муносабат-ларнинг йиғиндиси бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим зару-рий, умумий, нисбий барқарорлигини ифодалайди. Бу билан қонуннинг таърифини етарли дейиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас! Чунки, биринчидан, биз қонун — бу муҳим, зарурий, уму* мий, барқарор муносабатлар дер эканмиз, қонунда ифодала-ниб, унинг объектив асосини ташкил қиладиган алоқаларнинги-на кўрсатиб ўтган бўламизу, аммо бошқа категориялар ҳара* катидан фарқ қилиб, ўзига хос ҳаракатда намоён бўладига шу қонуннинг хусусиятларига тўхталмай ўтамиз; иккинчида » муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар қонундагпи .эмас, балки фалсафий категорияларда, жумладан сабабия зарурият, мазмун, моҳият ва бошқаларда ҳам ифодалана. ^ Шубҳасиз, юқорида санаб ўтилган белгилар ҳам қонуннДд ўзига хос хусусияти ҳақидаги тасаввурни тўла очиб бера ^ майди; учинчидан, қонунга таъриф берганда, юқоридаги ° ^ ектив алоқалар шаклларини оддий тарзда санаб ўтадигап сак, уни қонун билан мазкур объектив алоқалар турлариш Т динлаштирган бўламиз.

ц]унинг учун қонуннн таърнфлашда унинг шундай хусусня-
I и ажр атнш керакки, у мазкур категорияпнг бошқаларндан
қиладиган ўзга хос томонини белгилашга имкон туғдир-
**В** н Бу хусусият шундан иборатки, табиат ва жамиятдаги ҳар
Иьндзй қонун воқеаларнинг ривожланиш хусусияти ва йўнали-
•«• „„ белгилаб беради, воқеаларнинг оқими қатъий, аниқ йўна-
И"[1] шда бўлишини тақозо этади. Маълум бир шароитда бўлиши-
а қарамай, бир ўринда бир хил, иккинчи ўринда бошқа хил
рзда содир бўладиган жараёнлар ва воқеаларни қонуний
яеб бўлмайди. Биз бу жараён ёки воқеа қонун кучига эга дер
эканмиз, ундаги муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муноса-
батларнинг ифодаланишинигина эмас, балки муайян воқеалар
екимини, қатъий натижалар тақозо қилинишини назарда ту-
тамиз.

Қонун воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини **бнлдирар** экан, у ўзининг аниқлиги билан фарқ қилади. Шу**ннпг** учун қонуннинг пировард, оқибати кишиларнинг муваф**фақиятли** фаолиятининг зарурий шарти бўлган ҳар томонлама **ҳисоб,** унга мувофиқ келадиган талаб тарзида зоҳир бўладн.

**Қонун** муайян бнр шароитда намоён бўлади, моддий олам**даги нарса** ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиши **учун** маълум шароит қонуннинг кўриниши, ҳаракати учун ҳам мажбурийдир. Шароит деганда воқеликдаги нарса ва ҳодиса**ларнинг** яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив **омиллар** йиғиндиси тушунилади. Қонун ва шароит бир-бири **билан** узвий боғлиқдир, айни бир вақтда уларни бир-бирига **қориштириб** ёхуд айнанлаштириб юбормаслик керак. Шароит**нинг** ўзгариши бир қонуннинг бошқаси билан алмашинншига, **унинг** ҳаракат доирасини торайтириш ёхуд кенгайтиришга **олиб** келади.

Илгари мавжуд бўлган шароит тўла йўқолиб кетган так**Дирда** уннпг заминида амал қилган қонунлар ўз ўрнини янги **шароитга** тўғри келадиган янги қонунларга бўшатиб беради; аиРим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароитлар қулайроқ бўлмаса, эски қоиунлар ўз ҳаракатини давом эттиради, аммо **Унинг** кўриниш доираси чегараланган бўлади ва ниҳоят, айРим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароит анчайин қулай **6Улса,** қонунларнинг амал қилиши учун хам кенг уфқлар очи**лади.**

1 У ёки бу қонун амал қиладиган объектив шароитларни би-
^иш катта амалий аҳамиятга эга. Маълумки, кишилар объек-
Нв Қонунлар талабларидан келиб чиқиб, уларга таянсалар,
У[3] Фэолиятларида уларни ҳисобга олсалар тўғри ҳаракат қила
лэдилар. Бироқ қонуннинг ҳаракати кўзга ташланса-да, бу
^акатнн қандай бўлса шундайлигича ҳис қилиш мумкин
ас- Лекин кишилар, у ёки бу қонун намоён бўладиган ша-

роитни билар ва унга таъсир этар эканлар, бу билан V Ш
истаган натижаларга эриша оладилар. • ЗлаРи

Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай ко '3
ўзининг учта томони билан тавсифланади, чунончи: а) 'Ун"
объектив асосга эга бўлнб, муҳим зарурий, умумий ва б
рор муносабатларни ифодалайди; б) қонуннинг ҳаракатц V3"
га хос хусусиятларга эга бўлиб, воқеалар ривожланишн ка '
ий муайян йўналиш натижасида туғилади; в) қонун маъл I
бир шарт-шароитларда намоён бўлади. Бу жиҳатларни 'хисоб
га олган ҳолда қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкиЗ
**Қонун — муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг" хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий на" тижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса** ва **ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларидир.**

Қонун илмий назарий ва амалий фаолиятда объектив ўзаро алоқаларнинг барча шаклларини синчковлик билан ҳнсобга влишни тақозо этади. Бу эса уларнинг ичида муҳим, **зарурий** умумий, барқарор алоқаларни белгилашга ёрдам беради, айни замонда объектив қонунларни тушунишимизга имкон беради.

Қонун муайян бир натижаларни туғдириб, воқеалар ривожланишининг хусусияти ва йўналишини белгилаб берар экан, бу нарса илмий ва амалий фаолиятда объектив қонунлар асосида ҳаракат қиладиган муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносабатларни кўрсатибгина қолмай, балки келажакда улар ривожининг йўналишларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлар экан, у илмий билиш жараёнида ва амалий фаолиятда муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар маълум бир натижаларни қўзғаши мумкинлиғини билишга имкон туғдиради.

Моддий воқеликдаги қонунлар кўп қирралилиги билан тавсифланади. Табиат ва жамият қонунлари объектив жараёнларни акс эттиришига қараб бир-бирларидан фарқланади.

Табиат қонунлари ер юзида инсон бўлмаган даврда ҳам мавжуд бўлган. Жамият қонунлари эса инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда юзага келган. Жамият қонунлари кишиларнинг ижтимоий мУ* носабатларидаги энг умумий, муҳим боғланишнн кўрсатади- Яна бир фарқи шуки, жамият қонунларига нисбатан табиат қонунлари аста-секинлик билан ўзгариб боради. Ижтимоий қонунлар эса маълум давр мобайнида амал қилиб сўнгра, У ўрнини янги қонунларга бўшатиб беради, баъзилари ўз КУ41" йўқотади. Ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодал ва питалистик тузумларга хос қонунларнинг ўзгариши бунга & сол бўлиши мумкин. ^

Ҳаракат қилиш доирасига қараб қонунлар: энг умум |

I ,ци< ва хусусийларга бўлиниади. Моддаларнинг сақланиши „1ланиши қонуни, энергиянинг бир турдан иккинчи турга қонуни умумий қонунларга, хусусий қонунларга эса, маУ" и физикадаги Кулон қонуни, химиядаги Менделеевнинг Рмёвий элементларнинг даврий системаси кабилар киради.
К" фанда динамик ва статистик хусусиятга эга бўлган қонунйяр ҳам мавжуд. Статистик қонунлар мутлоқ маънодаги заЕпий қонунлар эмас, улар эҳтимоллик сабабига мувофиқ бўл?ан боғланишларни ифодалайди ва динамик қонунлардан фарқ китади. Статистик қонунлар маълум шароитда бўлиш эҳтимолини билдиради. Динамик қонунлар сабабий боғланиш шакли бўлиб, бунда системанинг муайян ҳолати унинг кейинги ҳамм'а ҳолатларини бир маъноли тарзда аниқлайди. Бунинг натижасида бошланғич шартларни билиш системанинг ялпи ривожланйшини олдиндан аниқ айтиш имкониятини беради. Динамик конунлар ташқи таъсирларга камроқ боғлиқ бўлиб, нисбатан озроқ сонли бўлакларга эга бўлган барча системаларда ўзига хос тарзда амал қилади.

Энг умумий қонунлар туркумига диалектика қонунлари киради. Булар: миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни; қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни; инкорни инкор қонунларидир.

## 2.1. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни

Мнқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни дналектиканинг асосий қонунларидан биридир. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-бириДан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат — нарсаларнинг ички муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлпгидир. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича аниқлаб беради. Нарсаларнинг сифати эса уларнинг хоссалари орқали намоён бўлади. Хосса нарса сифатининг бошқа нарсалар оилан ўзаро алоқадорлигидаги ташқи намоён бўлишидир. Биз варсаларнинг ички сифатини маълум бир хоссаларда намоён "ўлиши орқали биламиз. Ҳар бир нарса кўплаб хоссаларга, яъни асосий ва иккинчи даражали хоссаларга эга бўлади. Ма^алан, металл зичлик, сиқувчанлик, иссиқлик, ўтказувчанлик, Ўзилувчанлик каби хоссаларга эга. Сифат — жисмнинг барча °ссаларини биргаликда боғловчидир. Демак, сифат нарсанинг УМумийлигини, яхлитлигини унинг нисбий барқарорлигини, "Р бирига ўхшашлигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаарнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва Сса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг

ўзгариши муқаррар суръатда хоссаниинг ўзгаришига **олнб** к 1
ди, бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзга,
га таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг" сиф ,
таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат пре'!"'3
нинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади ~

Ҳар бир нарса муайян системада бир-бири билан боғл 1 бўлади. Нарса қайси боғланишлар системасига кирса, шу с,Пк-темага боғлиқ равишда турли сифатларга эга бўлади. ЧуноЯ чи, «стол» муайян табиий материалдан, яъни дарахтдан ясатгаЛ бўлиб, табиий сифатга эга. Шунинг учун у табиий **қонуниятД** ларга бўйсунади. Айни замонда стол муайян инсон меҳнатннинг! натижаси бўлиб, ижтимоий сифатга ҳам эга ва ижтимоий қсЗ нуниятларга бўйсунади. Ижтимоий сифатлар ўз навбатида нкки гуруҳга: биринчи тартибдаги ижтимоий сифатларга ва **иккинчи** тартибдаги ижтимоий сифатларга бўлннади. Худди ўша стол модомики, инсоннинг муайян эҳтиёжини қондирар экан, «анпқ (амалий) ҳис» этиладиган нарса сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан, стол, модомики, қийматга эга экан, у товар сифатида гавдаланади. Бу ўринда стол «ҳаддан ташқари ҳис этиладиган нарса» тариқасида гавдаланади. Бу эса иккинчи тартибли ижтимоий сифатларга мансубдир.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳоднсалари каби ижтимоин ҳодисалар ҳам миқдорнй томонга эга. Чунончн, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражаснга эга, бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучларн тараққиёти, суръати даражаси, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам фарқ қилади.

Нарса ва ҳодисалардаги миқдорий ва сифатий томоилар доимо бир-бирини тақозо қилиб, бирликда бўлади. Ҳар қандаи нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табнатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган нарса йўқ. Шунинг учун ҳам^нарсага миқдорий ва сифатий томондан берилган тавсиф тўлиқ бўлади.

у/" Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёр бу миқдорий муносабатлар в3
объектив сифатга мос тузилмаларнинг мувофиқлигидир. Оръ-,
ектнинг миқдори ушбу сифат доирасидан чиқмасдан муаияш
ораликда ўзгаради. Бу оралиқ чегаралари эса предмет муа I
янлигини, сифат ва миқдор бирлнги сифатида меъёрнн
лайди. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бу Я
маган ҳолатга олиб келади. Меъёр ҳар бир нарса ва Х0-1'1^
даги миқдор билан сифат ўртасидаги ўзаро муносабатни иФ°
этади. Бу ўринда ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос Ўлч0В0р
эга бўлади, чунки ушбу сифат хусусияти ҳар қандай миҚД

Н н эмас, балки муайян миқдор билан уйғунлашади. Ушбу ^'Ла<тга х°с бўлган миқдорий ўзгаришлар донрасидан чиқиш ^бъектга хос бўлган меъёрнинг бузилишига ва унинг янги * °тга ўтишига олиб келади.

с<еъёрнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, назарий билим-спстемасида у қуйидагиларга ажратилади: 1) оддий меъ-''^Галоҳида ўз-ўзича олинган предмет ўлчови; 2) системали, цияли меъёр — ушбу системанинг элементи, бўлаги бўл-сУ дмет ўлчовн; 3) аниқ меъёр — барча ҳақиқий муноса-ттар йиғиндиси бўлган предмет ўлчови. Ижтимоий ҳаёт қои-"алари Ҳам гоят турли-туман меъёр муносабатларига эга.

" Бир меъёрдан иккннчи меъёрга ўтиш жараёни бир ҳолатдан пккинчи ҳолатга ўтиш негизи (ёки нуқтаси) дейилса, бир миқ-орнй сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишнинг барча ҳалқаси эса меъёрнинг марказий тугуни дейилади.

Сифат, миқдор ва меъёр тушунчаларида кишиларнинг онгига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг объектив ва энг умумий тавсифи пфодаланади. Шунинг учун ҳам айрим файласуфларнинг нарсалар сифатини субъектив тушунча деб таъкидлашлари назарий жиҳатдан асоссиздир.

^Диалектика миқдор ва сифатни бирликда, доимий ҳаракатда деб қарайди. Миқдор сифатга ва, аксинча, маълум шароитда сифат миқдорга ўтади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифати вбъектив бўлса-да, нисбийдир, чунки улар ўртасидаги чегара ўзгарувчан бўлиб, уларни мутлақлаштириш мумкин эмас. Худди шунингдек, нарсаларнинг миқдорий муайянлиги ҳам ўзгарувчандир. Модомики, объектив олам доимий ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда экан, нарсаларнинг миқдорий ва сифатий муайянлиги, уларнинг хоссалари ҳам ўзгариш ва ривожланишдадир. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг аниқ ҳолатини билиш фан ва ижтимоий амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлар билан сифат ўзгаришлар ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича '•фодаланади: миқдор ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайерлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини ^ириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг "фат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш масасига, ўз навбатида, қадимги файласуфлар ҳам эътибор бер-^ нлар Қадимги юнон файласуфларининг «ялтироқ бош» ва Р-- номи билан келтирган мисоллари маълумдир. Суҳбат-•часГЭ ^"идаги савол берилади: агар бошдан бир дона соч тодо и юлиб олинса бош ялтираб қоладими, агар ғарамдан бир Йўка УРУг олинса, у ғарамлик ҳолатини йўқотадими? Натижа, эёа Леган жавоб бўлади. Бу ҳол бош ялтирамагунча, ғарам х.оди ®Ўлмагунча давом этади. Қадимги файласуфлар бу каби саларни энг умумий қонуниятларнинг намоён бўлиши на-

тижаси деб эмас, балки соф мантиқии ғанри табиий ЧЛИК д^
қарар эдилар.

Миқдор ўзгаришларинннг сифат ўзгаришларига ўтиши * ^ "Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида ҳау Д^а^а маълумотлар мавжуддир. Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Иби г^ИНа Беруний, Улуғбекнинг математика, алгебра, астрономия г 'Н фия, тиббнёт ва бошқа соҳаларга оид асарларида миқдоп^е(оГр билан сифат ўртасидаги алоқадорлик ва унинг ҳаётий ах ти ҳақида батафсил тавсифлар берилган. «Мен,—деб ёзад;'д'Я' Хоразмий,— арифметиканинг оддий ва мураккаб масалала ўз ичига олувчи «Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида Р"Нв* қача китоб» ни тасниф қилдим, чунки мерос тақсим қилиш васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишлариМ савдо ва ҳар қандай битимларда ва шунигдек, ер ўлчаш к! наллар ўтказишда (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир»[1].

Уларнинг фикрича, миқдор ва сифат ўзгаришларининг \з. аро алоқадорлигини нафақат табиат ва жамият ҳодисаларида балки руҳларда ҳам кузатиш мумкин.

«Руҳларнинг сифатларининг ... ўзаро қўшилнши оқибатида уларнинг (ақлий) қувватлари миқдор жиҳат'дан ҳам тобора ортади»[2], деб ёзади Форобий.

Миқдор ўзгаришларндан туб сифат ўзгаришларнга ўтиш қонуни объектив бўлиб, реал воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хосдир. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришлардан бошланади. Миқдор ўзгаришлар муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига (турғунлигига) таъсир этмайди. Миқдор ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натнжада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Бу эса айнан мнқдор ўзгарншларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни табиат, жамият ва тафаккурнинг тараққиётида амал қилади. Бу ҳолни биз кнме фанида яққол кўришимиз мумкин. Масалан, икки атом водород билан бир атом кислород сувнинг молекуласини ташкил этади. Агар бу элементларни бошқача нисбатда, яъни икки ато. водородни икки атом кислород билан бириктирсак, У ^хи^Л, ! бир янги нарса — водород пероксиди ҳосил қиламиз

Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат у • у^ ришларига ўтиш билан бирга сифат ўзгаришлари миқдор > ришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари натижасида . жудга келган янги сифат муайян вақтга мувофиқ ке,лз-[яНЙ барқарорликка эга бўлиб, шу миқдор ўзгаришлари жара^е давом этиши учун шароит яратиб беради. Бу сифат уз^г V Т ларининг миқдор ўзгаришларига ўтишидир. чаУ,-

Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзар^0

[1] Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар, Т., 19^3,
[2] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, Т., 1993, 163- &^е •

боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи:

биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдор ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришга ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача предметга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимига 100°С гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди. Сифат ўзгариш-

йнтиришии т;п.| 1.м.К1Ди;

учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин ўтади ва кўп •опарда (муайян давргача) сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаоишлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади;

тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгаришлар ҳисобланади.

Мнқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонунининг моҳиятини диалектика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш бу қонунни метафизик таҳлил қилишга тубдан зиддир. Айрим файласуфлар миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришларини ажратиб бир-бирига қарама-қарши қўядилар, айримлари эса фақат миқдор ўзгаришларнигина тан олади.

Миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёнини таҳлил қилар эканмиз, назарий ҳамда амалий фаолиятда амалга ошаётган ўзгаришлар механизминигина эмас, балки уларнинг чуқурлиги ва аҳамиятини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Шунга асосан рўй берадиган ўзгаришларни инқилобий ва тадрижий (эволюцион) га ажратиш мумкин.

Бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш сакраш йўли билан амалга ошади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларни англатадиган фалсафий тушунчадир.

Сакраш тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган шаклдир. Бу тараққиётнинг жадал суръатли даври бўлиб, эски, умри тугаганлари қайта ўзгартириб, янгилари учун, тараққиётнинг энг юқори босқичига ўтиш учун йўл очади.

Диалектик сакраш миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш доим аста-секинлик билан миқдор ўзгаришлари натижасида тайёрланади. Бундан шуни назарда тутиш керакки, миқдор ўзгаришлар нарса ва ҳодисани бир текисда оддий кўпайтириш ёки камайтиришдан иборат эмас. Миқдор ўзгаришлар нарса ва ҳодисаларнинг ижтимоий томонларнни аста-секин ўстириб, ривожлантиришни ҳамда салбий томонларини аста-секин сусайтиришни тақозо этади.

Сакраш шунингдек, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишидир. Сакраш натижасида эски сифат билан унинг асосида ҳаракат қиладиган қарама-қаршиликлар

•бирлигини тугатиш ва янги қарама-қаршиликлар бирлиг I бўлган янгн сифатнинг вужудга келиши содир бўлади "Га 3„д

Ниҳоят, сакраш — эски сифатнинг инкор этилиши в I сифатнинг қарор топишидир. Ҳар қандай нарса ва ҳодис3 ЯНгч лик бунёд бўладиган, эскилик барҳам топадиган элемент Явг"' _ўз ичига олиб, икки қарама-қарши томонларга бўлинади Ларни ~раш илғор томоннинг ғалабаси ва консерватив (мутаассц- моннинг ҳалокати, тугатилишидир. Сакраш натижасида То" дан янгига ўтиш амалга ошади. Шунга кўра нарса ва 'г/СКи' ларнинг ривожланиши илгарилаб боради. >ДИСа_

Шундай қилиб диалектик сакраш қуйидаги жиҳатларга э

биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошалЯ ган объектив ва қонуний жараёндир; д"'

иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзга ришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;

учинчидан, сакраш эски қарама-қаршиликлар бирлигини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни хал қилишдир;

тўртинчидан, сакраш нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янгн спфатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Амалга ошиш муддатнга боғлиқ равишда аста-секинлик билан ифодаланадиган сакрашдан, бир зумда шиддат билан содир бўладиган сакрашни фарқлаш керак. Бинобарин, кимёвнн элементларни бириктириш жараёнида туб сифат ўзгаришлар шиддат билан, жуда тез содир бўлади, аммо ҳайвонлар билан ўсимликларнинг ривожланиш жараёнида эскн сифатдан янги сифатга ўтиш бирмунча секин содир бўлади. Тез содир^ бўладиган сакрашлар билан аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли оилан содир бўладиган сакрашларнинг бир-биридан фарқ кил" шини ҳисобга олиш керак. Тез сакраш шундай хусусиятлар эгаки, у биринчидан, ҳал қилувчи зарбанинг бирдан-бир "Ф0^3-. сифатида бажарилади. Бу сифатий ўтиш бўлиб, даставвал 1М данига эски тугатилади ва сўнгра янги бунёд этилади. Ик^ЭД чидан, у бехосдан тез содир бўлади. Ижтимоий ҳаётда тез _ рашга эски ижтимоий тузумни тугатиб, янги тузумни ўрнат | ган инқилоблар мисол бўла олади. бўтаД"'

Аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли билан содир . 0қ ган сакрашлар эскини бир йўла тугатиш билан эмас, балки „ТТППИП| ОИ"з" вақт давомида эски сифатни янги сифатга айлантириш тавсифланади. Бундай сакрашга ҳаётнинг, инсоннинг паид лиши ва ҳоказолар мисол бўла олади. иl[1ц1й

Демак, сакрашлар турли-туман шаклларда амалга 0 I

ин Бунда нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан иккинчи- ^К ўтиШ шаклларининг турли-туманлиги нимага боғлиқ? де- с"ГЗ савол келиб чиқади. Утиш шаклларининг турли-туманлиги, Ғк [нни]идан, **нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва хусусиятлари-** Ч я **иккинчисидан унга мувофиқ келадиган шароитга боғлиқдир**. Г.-ан, ижтимоий ҳаётда содир бўладиган миқдор ўзгариш табиатдаги сакрашлардан тубдан фарқ қилади.

Ғхо^ирги шароитда жамиятимизнинг ижтнмоий-иқтисодий, -сиИ маданий, маънавий ҳаётида рўй бераётган жараёнлар ,С'!\мохпятига кўра туб сифат ўзгаришларга киради. Шулар ятижасида давлатимиз янги бир юксак босқичга кўтарилади. Булар ўз-ўзидан эмас, балки кенг халқ оммасининг ижодий фаолияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасида амалга оширилади- Бу туб ўзгаришлар мавжуд муаммоларни аста-секин бартараф этиш асосида кечади. Шунинг учун ҳам айрим пайтларда жамиятимиз тараққиёти секинлашиб, кетиши ҳам мумкин. Лекин пировард — оқибатда диалектика қонунларига биноан унинг янги сифатга ўтиши муқаррардир. Кўриниб турибдики, бу қонун жамиятимизни илмий бошқариш ва унинг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

## 2.2. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни

**Қарама**-қаршиликлар бирлиги ва курашн қонуни диалектика **қонунлари** ичида марказий ўринни эгаллайди. **Бу қонунга мувофик ҳар бир нарса бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини истисно этувчи қарама-қарши томонларга,** кучларга **эга. Бу қарама-қарши томон ва кучлар ўртасидаги** кураш **тараққиётнинг манбаини ифодалаб, эскининг йўқолиши** ва **янгининг пайдо бўлишига олиб келади.**

Маълумки, нарсалар турли-тумандир. Ҳамма томонлари билан айнан ўхшаш бўлган икки нарсанинг ўзи йўқ. Нарсаларнинг тафовут даражаси ҳам бир хил эмас: муҳим ва номуҳим тафовутлар мавжуд.

Нарса ва ҳодисалардаги тафовутлар қарама-қаршиликлар зсосини ташкил этади. Қарама-қаршиликлар деб шунга айтиЛадики, табиатдаги нарса ва ҳодисаларда мавжуд бўлган томонлар, хоссалар ва йўналишлар бир-бирини инкор қилади, бир аНтнинг ўзида бир-бирини тақозо ҳам қилади. Масалан, магитдаги шимолий ва жанубий қутблар, электрнинг манфий ва Усбат зарядлари, атомдаги тортилиш ва итарилиш, ижтимонй ^„етДаги ёвузлик ва эзгулик ўзаро бир-бирини инкор этади, ни вақтда бири иккинчисини тақозо этади.

Нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари ўртасиДия" м^носабат зиддият деб аталади. Тўқнашув тушунчаси зидто./Дан фарқли ўлароқ, нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши яШа°нлар„ кескинлашиб, уларнинг эски чегарада биргаликда лэп Ши мумк'ин бўлмай қолган ҳолатини белгилайди. ЗиддиятГ ^ Ҳамма вақт ҳам тўқнашув билан тугамай, балки алоҳида

шароитдагина шундай ҳолда бўлиши мумкин. Мана ....а муносабатлар қарама-қаршиликлар бнрлиги ва кураш к да акс этиб, диалектнканннг моҳияти ва мағзини ташкил

Ҳамма нарса ва ҳодисалар ички зиддиятларга ва бип -Ди-га қарама-қарши бўлган томонларга эга.

Қуёш системаси ҳам қарама-қаршиликлар бирлигиниц раккаб намуналаридан ҳисобланади. Сайёралар системась Му маркази ҳисобланган Қуёш билан бошқа сайёралар ўтар ... шундай алоқадорлик мавжудки, бу алоқадорлик марказга Да тилувчи тортиш кучи ва марказдан қочувчи — итарилувчи к",Н лар таъсирида юзага келади. Шу қарама-қарши кучлар ўрГ" сидаги кураш Қуёш системасининг яшаши ва ривожланиши' нинг асосий қонуниятларини белгилайди.

Агар атомни олсак, бир атом моддаси ҳам, аввало, **мусбат** ва манфий электр зарядлари, протон ва электрон каби мураккаб қарама-қарши томонларнинг йиғиндисидир. Атом ядросининг ўзида тортилиш ва итарилиш каби қарама-қарши **кучлар** мавжуддир.

Органик дунёдаги ривожланишни ҳам қарама-қаршиликлар курашисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳаётнинг ўзи шундай зид, қарама-қарши жараёндирки, унда яратилиш ва емирилиш, ассимиляция ва диссимиляция каби қарама-қарши муносабатда бўлган томонлар мавжуд.

Организм яшаб турган вақтда унинг ҳужайралари тўхтовсиз ўлиб, ўрнига янгилари пайдо бўлади. Мана шу икки қарама-қарши йўналиш организмнинг яшаши учун зарур шароитки яратади. Бу жараённинг тўхташи организмнинг ҳалок бўлишига олиб келади. Жамиятда ҳам ўзига хос зидднятлар мавжуд. Ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги зиддиятлар ижтимоий зиддиятлардан ҳисобланади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни билиш **жа**раёнида ҳам ўз ифодасини топади. Маълумки, билиш жараёни бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ҳиссий ва рационал **билишдан** иборатдир. Ҳиссий билиш орқали инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи томонлари ва хусусиятлари тўғрисида маълум^0^ олади, мавҳум тафаккур орқали эса уларнинг ички муносаба ларини белгиловчи қонуниятларни билади. Бу ерда **ҳиссий вя** рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бирридан фарқ қилувчи муҳим томонларидир.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг У мийлик хусусияти моддий дунёдаги ҳамма нарса ва **ҳодисал н** га хос эканлигидагина эмас, балки зиддиятлар нарса ва Ҳ° саларга, уларнинг пайдо бўлишидан тортиб ҳалок бўлишиг ^ бошидан охиригача сингиб кетган. Бир моҳиятнинг туР'1" монларини ифодалагани учун ҳам қарама-қаршиликлар бир ги қуйидаги шароитларда юзага келади:

инчидан, қарама-қаршиликлар бир нарса ва ҳодисада-ЖмавжуДДиР- чунончи, аналнз ва синтез, индукция ва де-нация, тафаккурга мансубдир;

-кинчидан, қарама-қаршилик ўзаро боғлиқ, бири иккинчи-" тақозо қилади, бири бўлмаса иккинчиси мавжуд бўлол-' ёки, аксинча, масалан, эзувчи синфларнинг яшашига 'аб унга қарама-қаршн бўлган, ўз меҳнати билан буржуазия Ец қўшимча қиймат яратган меҳнат аҳлининг мавжудлнгидир. .ддп',' шунингдек, базис ва устқурма, ишлаб чиқариш ва теъмол каби тушунчалар ҳам бири иккинчиси мавжудлигини •акозо қилади;

'учинчидан, қарама-қаршиликларнинг бири иккинчисига ўта-ва ўзаро бир-бирига сингиб кетади. Масалан, позитрон ва мектрон маълум шароитда фотонларга айланади. Бу билан материянинг бошқа тури келиб чиқади.

Қарама-қарши томонларнинг бирлиги нисбий, ўткинчи хусусиятга эга бўлиши билан бирга улар ўртасидаги кураш мутлақдир. Давр ўтиши билан курашнинг баъзи аниқ шакллари йўқолиши мумкин, аммо қарама-қарши томонлар ўртасидаги кураш ҳар доим бўлган ва бўлаверади. Шу билан бир қаторда, қараиа-қарши томонлар тараққиёт давомида турли хил вазифани бажаради. Қарама-қаршиликнинг мутаассиб томони нарса ва ходисани қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолишга интилса, плғор томони уни ўзгартиришга, ёки уни барбод қилиб, яигисини вужудга келтиришга ҳаракат қилади.

Қарама-қаршиликлар ҳақида Форобийнинг фикри алоҳида зътиборга молик. Форобийнинг фикрича, фақат Оллоҳнинг шериги йўқ, шунинг учун илк борлиқнинг зидди бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин бошқа ҳар бир нарса қарама-қарши ҳаракатда бўлади. «Қарама-қарши бўлган ҳар бир нарса, бирга бўлса,— дейди Форобий,— у албатта, бузилишга ва ўз йўли айнашга олиб келади. Зидларнинг ҳар бирининг табиати шундай бўладн, улардан бирининг қай ерда бўлишидан қатъи назар бирининг йўқлиги иккинчисининг борлигини тақозо этади. Зидди бўлиши мумкин бўлган ҳар бир нарсада аҳвол шундайдир»[1].

*Диалектик зиддиятлар ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антогонистик ва ноантогонистик, умумий ва хусусий, заруРий ва тасодифий, имконийлик ва ҳақиқийлик шаклларидан иборатдир.*

Нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат моҳиятидан келиб чиқадин зиддиятларга ички зиддият деб айтилади. Ташқи зиддиятР Деб турли нарса ва ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликр^а айтилади.

д ^**иддиятларни** ички ва ташқи зиддиятларга бўлиш нисбийбоц Ч^нки **Улар** бир-бирига ўтиб туради. Маълум бир зиддият бат К,а наРса ва ҳодисага нисбатан ички ёки бошқа бир муноса-^^^тзшқи зиддият бўлиб қолиши ҳам мумкин. Диалектика

.. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 133—134-бетлар.

ички ва ташқи зиддиятларнинг бирлигиии ҳисобга олиш д -бирга, уларнннг тараққиётидаги ўрнига баҳо беришда б"'1а н монлама ёндошишни талаб қилади. аР То.

Метафизиклар фақат ташқи зиддиятларни тан олиб, на I ходисаларда ички зиддиятлар мавжудлигини инкор эта^038® Улар тараққиёт манбаини нарса ва ҳодисаларнинг бипм^Ила Р-қарама-қарши тўқнашувидан келиб чиққан ташқи зидд,."РИГа иборат деб қарайдилар. ' "ят Дац

*Асосий зиддиятлар* деганда ҳодисанинг мавжудлиги ва гЛ вожланиши, вужудга келиши ва йўқ қилиниши ёки янги сисЬ РИ' нинг туғилишини ўз ичига оладиган, энг чуқур моҳиятини иЪ Т далайдиган зиддиятлар тушунилади. *Асосий бўлмаган. зидди лар* эса маълум бир тараққиёт босқичида нарса ва ходисалТ моҳиятининг у ёки бу томонини акс эттириб, уни белгилаш ёки ўзгартириш кучига эга бўлмаган зиддиятлардир. 4

Асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлардан *бош* ва *бош бу маган* иккинчи даражали зиддиятларни фарқлаш лозим. *Бош зиддиятлар* деб ривожланишнинг у ёки бу босқичнният мохиятини белгилаб берадиган зиддиятларга айтилади. Ҳодисалар тараққиёти босқичида бош ва бош бўлмаган зиддиятлар ўрин алмашиши, яъни бир шароитда бош бўлган зиддият янги бир шароитда бош бўлмаган зиддиятга айланиши ҳам мумкин.

Зиддиятлар ўз хусусияти жиҳатдан *антогонистик* ва *ноантогонистик* бўлиши мумкин. Жамиятда антогонистик зиддиятлар бир-бирига қарама-қарши бўлган синфлар, табақалар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиши мумкин. Бундан келиб чиқиб антогонистик зиддиятларни фақат синфий муносабатларга хос деган хулоса чиқариш нотўғри. Тарихий тажриба, ижтимоий амалиёт шуни кўрсатяптики, бундай зиддиятлар жамиятнииг барча томонларида намоён бўлиши мумкин. Улар фақат синфий негизда эмас, балки этник, миллий, диний, ирқий ва шунга ўхшаш негизларда ҳам вужудга келиши эҳтимол. Бундай антогонистик зиддиятлар жамият ва алоҳида шахслар ўртасида, турли давлатлар, ижтимоий-сиёсий системалар, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар ўртасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Антогонистик зиддиятларнинг муҳим хусусияти уларни Ҳа-этишда мавжуд ҳолатни бузишга олиб келадиган воситаларн қўллашдадир. Худди мана шундай кенг маънодаги антогонн ст зиддиятлар бугунги кунда мавжудлиги ҳақида турли ҳуДУД-1 " даги ҳолатлар гувоҳлик бермоқда. дЦ

Ижтимоий ҳаётдаги ноантогонистик зиддиятларга туб фаатлар ва мақсадларн умумий бўлган табақалар, 1|ЖТ"М лий) кучлар ўртасидаги муносабатлар, шаҳар бнлан қишлоҚ, а 1 «Я меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги мавжуд бўлган ^ фовутлар ва бошқалар мисол бўла олади. Уларни бартараФ . лиш ҳам антогонистик зиддиятлар сингари кураш асосида а^.. га оширилади, лекин бу кураш шакли, хусусияти бошқачароқдир. Ноантогонистик зиддиятлар синфий тўҚн Т

инкилоб шаклида бўлиб, балки эски сифат элементлари-секин-аста йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг Кўдга келиши билан бартараф қилинади.

"У Зиддиятлар хилма-хил шаклларда бартараф этилиши мум-уларидан бири эскининг емирилиб, янгининг қарор топиши-' яъни халқ хўжалиги, иқтисодиётнинг эскиси емирилиб, кинлик билан бозор муносабатларига асосланган янги иқтисо-^йстДиР' Шунингдек, қарама-қаршиликларни ўзаро онгли равиш-^ кўшиб, улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, шу дoсда тараққиётда илгарилаб боришдан иборатдир. Зиддиятлар-ни бартараф этишнинг самарали шаклларидан яна бири — кон-сенсус (ўзаро келишув) дир. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртаси-даги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларидан бўлиб ҳисобланади. У халқларимизни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир. Консенсус мулоқотлар, референдумлар, оммавий ахборот воситалари ор-қали энг муҳим қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш ва ҳо-казо йўллар билан амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, диалектик зиддиятларни ҳал этишнинг хусусияти ва йўлларини тўғри тушуна билишлик амалий фао-лиятимизда тўғри мўлжал олишга имкон беради.

## 2.3. Инкорни инкор қонуни

Диалектиканинг мазкур қонунига мувофиқ объектив воқе-ликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнида эски-нинг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ эски-лик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади. Ривожланиш бурама шаклда, маълум нисбий такрорланишлар асосида, оддийдан мураккабга, пастдан юқо-рига қараб боради.

Метафизик йўналиш инкорнинг ижодий яратувчилик ролини тан олмайди, янгилик ҳеч қачон эскиликни енгиб ўта олмайди, деб ҳисоблайди. Бундан фарқли ўлароқ, диалектик қараш эски нарсани янги нарса инкор қилишини илгари суради. Оламда ҳеч бир соҳада ўзининг илгариги яшаш шаклларини инкор этмайди-ган ривожланиш содир бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир жараён инкор қилиш жиҳатига эга. Ички зиддият-лар туфайли тараққиёт жараёни эртами-кечми эски нарсанинг емирилишига ва янги нарсанинг вужудга келишига олиб кела-. Вужудга келган бу янги нарса эскининг инкор қилинишидир. .«Ҳар бир қарама-қаршиликда бўлган нарса,— дейди Форо-бий — бошқа томонидан буздирилиши лозим бўлади, биринчи -., Ўз табиати билан қарама-қарши томонидан инкор этилган -адн. Бу эса унинг аслида (субстанциясида) мавжуд бўлган ^лади».1

1 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 133—134- бетлар.

Эскининг янги томонидан инкор қилиниши натижасидя Ц дий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг илгарилама хараи^{од}' содир бўлади. ' Кат и

образини ҳосил қилади. Тасаввур — мавҳум тафаккурга.ўтишт
даги охирги босқичдир. У нарса ва ҳодисаларнинг аввалги таъ-
сири натижасида хотирамизда қолган таассуротларнинг қайта-
дан эсга олиниши билан боғлиқдир. Тасаввурдагн янги образ-
лар илгариги образлар билан таққослаш орқали юзага келиши
мумкин. У мавҳум тафаккур учун асос бўлади.

Идрок қилинаётган нарсалар ва ҳодисалар ички қонуният-
ли боғланишларни очиш учун мавҳум тафаккурга ўтиши керак.
Мавҳум тафаккур эса воқеани чуқур билишга имконият ярата-
ди. Ҳиссий билиш аниқ нарсалар образини ҳосил қилади, лекин
У ҳодисалар моҳиятини очиб бера олмайди. Демак, ҳодисалар
моҳиятнни билйш учун айрим нарсаларга эмас, кўп нарсаларга
хос бўлган умумийликни топмоқ керак.

Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан сифат жиҳатдан фарқ
Қилади. У бевосита аннқ битта предметдан узоқлашиб, бир иеч-
тасига хос бўлган умумийликнинг моҳиятини аниқлаб беради,
Уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Масалан,
грамматика айрим сўзлар орқали умумийликни белгилаб берув-
чи инсон тафаккурининг мавҳумловчи ишидир.

Г'-Шундай қилиб, ҳиссий билиш билан мавҳум тафаккур бир
бутун билиш жараёнининг сифат жиҳатдан турлича бўлган ва
айни вақтда бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичларидир. Мав-
№| тафаккур ҳисснй билишдан келиб чиқади, жонли билиш
эса қонуният билан ўсиб, мавҳум тафаккурга асос солади. Ман-
тиқий билиш — билишнинг ривожланишидаги сифат жиҳатдаи
янги, юқори поғонасидир. Мантиқий билишда инсон мантиқий
^афаккур ёрдамида воқеликнинг ривожланиш қонуниятларини
билиб олади. Объектив реалликни билиш диалектикасида сезги
ва идрокнинг юзаки образлари тасаввур образларидаги абстрак-

ция элементлари билан бирлашиб мавҳум тафаккурга Қао йўналади. Тафаккур эса гарчанд жонли мушоҳада матерцал„а5 « рига асосланса-да, билиш жараёнининг сифат жиҳатидан **м 1** раккаб бўлган юқори босқичидир.

Бизга маълумки, сезги образлари ташқи оламнинг инъи 1 сидир, яъни ташқи олам сезгимизга қандай таъсир қилса шКо" дайлигича акс этилади. Лекин тафаккур образларида бошқа1"" рок, унда ташқи оламнинг ички моҳияти, алоқа ва боғланишл3 1 ри ҳамда ривожланиш қонун ва қонуниятлари акс этали" I Тафаккур образларининг учта асосий хусусияти бор.

1. Тафаккур образлари мавҳумлик хусусиятига эга, яъни та-факкур образлари ҳосил бўлиши учун ифода қилинаётган **ташқи** олам бевосита кўз олдимизда бўлиши шарт эмас. Тафаккурга хос бўлган ана шу жараён абстракция дейилади.

2. Тафаккур образлари умумлашган хусусиятга эга. Умум-лаштириш эса бизга таъсир этаётган нарса ёки ҳодисаиинг барча сифат ва хусусиятларидаги муҳим бўлмаган иккинчи даражалиларини четга суриб, асосий томонларини таққослаш ва фикран бир-бири билан боғлашдир.

3. Тафаккур образлари тил билан боғлангандир. Билиш жа-раёнида пайдо бўлаётган ҳар бир тушунча тил орқали рўёбга чиқадиган онг омилидир.

Мавҳум тафаккур шакллари тушунча, муҳокама, хулосадир. Тушунча тафаккурнинг алоҳида шакли бўлиб, у ташқи дунё нарса ва ҳодисаларининг умумий, зарурий томонларини акс эттиради. Тушунча — аниқ нарса ва ҳодисаларнинг сифати, мо-ҳияти ва муайянлигининг мияда алоҳида шаклда акс этишидир. Унда ҳодисадаги асосий томонлар умумлаштирилади. Масалан, материя тушунчаси умуман материянинг белгиларидан қатъи назар, уларнинг асосий белгиси — моддийлиги материя тушун-часида акс эттирилади. Жумладан, дарахт деганда тол, терак, олма ва бошқа дарахтлар турлари ва белгиларидан фикран узоқлашамиз ва улар учун энг умумий белгиларни оламиз. Фандаги тушунчалар ҳам худди шундай.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос тушунчалари бор. Масалан, аст-рономияда коинот, сайёра каби тушунчалар, биологияда оқсил, ҳужайра, насл каби тушунчалар бор. Ҳар бир фанни билиш, ту-шуниш фандаги тушунчаларни билиш демакдир. Тушунча маз-мунан объективдир. 1

Муҳокама орқали объектив дунёдаги қонуниятлар онгда ак эттирилади. Якка муҳокама айрим далилларда _ўз аксини топса, умумий муҳокама умумий қонунларни ифода этади. Масалан, энергиянинг айланиши шакли ёки ҳар бир ҳаракат шаклини биридан иккинчисига ўтиши ҳақидаги қонунлар. Биринчи мисо- • табиатиинг айрим томонига тўғри келса, иккинчиси умумии Қ«\| нунни акс эттиради. Демак, муҳокама бирор нарса ёки ҲОД ^ ҳақида бирор нима дейиш, уни тасдиқлаш ёки инкор этишд г Масалан, «ёмғир ёғди», «самолёт учди», «Аҳмад кулди». МУ* 1

Ц д3 хушунча бнр-бири билан боғланиб, улар ўртасида муно-к3'!зт пайдо бўлади. Унда тушунчаларнинг бизга боғлиқ бўлма-с3С| кандайдир воқеалари акс этади.

г3' рафаккурнинг учинчи шакли мантиқий, ақлий хулоса чиқа-яшдир- Хулоса бир ёки бир неча ^муҳокамадан келиб чиқувчи р" нмдир. У орқали илгари маълум бўлган билимлар асосида янги билим пайдо бўлади. •

Мантиқий, ақлий хулосада муҳокамалар мажмуаси бир-би-йга боғланиб, янги бир хулоса келиб чиқади. Бундай хулосага асос бўлган икки муҳокама далил деб аталади. Демак, ақлий ху.поса фикрни таққослайди, боғлайди, мавҳум тафаккур содир бўлиш жараёнини ифодалайди. Шундай қилиб, инсониятнинг барча билимлари сезги материалларини умумлаштириш орқали хосил бўлади.

Билнш жараёни мураккаб, кўп қиррали жараёндир. У албатҳа субъектнинг қобилияти, изланувчанлиги, мантиқий тафаккурнинг хусусияти, воқелик ҳодисаларини кузатиш, унинг моҳиятини очишда ҳам бир нарса ва ҳодисага ижодий ёндошишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам билишда ижод катта ўрин эгаллайди.

Ижод инсоннинг фан, техника, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиш, кашф этиш фаолияти бўлиб, мураккаб руҳий жараёндир. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Абу Наср Форобийнинг таъбирича, ижод — билиш жараёнида шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларни ишга солиши керак.

Ижод жараёнида бошқалар томонидан қўлга киритилган билимлар чукур, атрофлича, танқидий равишда ўрганилади, таҳлил этилади, кузатишлар, ҳисоблашлар ўтказилади, мантиҚий хулосалар чиқарилади. Хулосаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тажрибада синалади. Агар хулоса нотўғри бўлса, тажриба натижаси аввалги билимга мос тушмайди, демак, хулоса Қайтадан ўрганилади. Ижодий изланиш натижасида келиб чиқк.ан билим мазмуни турли шаклларда — бадиий асар, математик формула, назария қонун ва бошқалар орқали жамиятга такдим этилади. Улардан жамият баҳраманд бўлсагина ҳақиЦип, тўлиқ ижод бўлади. Ижод — фан, техника, маданиятни ойитадн, билимни ривожлантнради.

В Ижодни шаргли равишда икки турга бўлиш мумкин: илмий жоД ва бадиий ижод. Илмий ижод мавҳум тафаккури устун Ривожланган кишиларга хос. Бадиий ижод эса табиат ва инсон лаетидаги турли оҳанглар, манзаралар, туйғуларни нозик идрок рилувчи, ҳисснётли кишиларга хос.

К Олимлар фаолияти илмий ижодга, ёзувчилар, санъаткорлар к5олияти бадиий ижодга киради. Баъзи кишиларда ҳар икки ^од ривожланган бўлиши мумкин. Илмий ижод жараёнида

табиат ва жамият ҳаётиииг объектнв қонуниятлари акс этс бадиий ижодда маънавий ҳиссий муаммолари, санъаткорнци'[1] субъёктив, ўзига хос қарашлари, ҳис-туйғулари акс этади. Ба Г дийй ижодда ўзига хослик бўлмаса, бундай ижоднинг ижтимоий ва эстетик қиммати йўқолади.

Тасаввур ҳиссий билишнинг юқори босқичи бўлиб, инс • амалий фаолияти натижасида мақсадга'мувофиқ равишда х < сил бўлади. Тасаввурнинг йлмий, бадиий, диний шакллари м'ав" жуд. Олимнинг тасаввури орқали фаҳмлаш, илмий тажриба" моделнинг шаклланиши учун ғоя вужудга келади, бу эса билиш учун ёрдам беради. Тасаввур айниқса бадиий ижодда катта аҳамиятга эга.

Ҳақиқатни далил билан исботламасдан туриб, тўғридан-Нғ-ри, бевосита билиб, англаб олиш қобилиятини қадимги файла-суфлар интуиция (ҳиссий билиш) деб қараганлар. XVII аср файласуфлари интуициянинг ўзигина ишончли билим бермайди фақат интеллектуал интуициягина ҳақиқий билим беради, деб' ҳисоблаганлар. Ҳозирги замон файласуфлари (Бергсон, Фрейд) интуицияни бутун ижодий фаолиятни белгиловчи яширин, қоронғи, онгсиз бошланғич ижод деб қарайдилар. Бундай қараш эса нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш мумкйн эмас дейишга олиб келади.

Интуиция билишнинг алоҳида босқичи эмас, балки жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур билан узвий боғланган, ёрдамчи роль 'ўйнайдиган шаклидир. Дунёни тажриба ва тафаккурга таянмасдан, фақат интуиция ёрдамида билиш мумкин деб даъво қилувчй фалсафий оқим — интуитивизм бўлиб, унинг тарафдорлари интуицияни онгнинг ижтимоий амалиёт ва тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида хусусияти деб тушунтирншга уринадилар. Диалектика эса билиш жараёнида, яъни билимларнинг вужудга келишида интуиция аҳамиятга эга деб таълим беради.

Ҳиссий билиш билан мантиқий билишни ажратиб бўлмайди ва бундай ажратиш муқаррар равишда билиш жараёнпни нотўғри тушунишга олиб келади.

Эмпиризм (юнонча «эмпнрия»—тажриба сўзидан) намояндалари билишдаги абстракт тафаккурнинг ролига етарли баҳо бермайдилар ва, ҳиссий тажрибагина инсонга дунёнинг чинакам манзарасини яратиб беради деб ҳисоблайдилар.

Рационализм (лотинча «рационалис»-— оқилона сўзидан) намояндалари сезги аъзоларига ишонмайдилар ва ақлни, абстракт-тафаккурни ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи Де биладилар. •

Модомики, ҳиссий билиш билан мантиқий билиш бирликДЯ майдонга чиқар ҳамда бир-бирини тўлдирар ва бойитар экаИ_' билишда сёзгилар берадиган маълумотларга ҳам, ақлий хулоса-ларга ҳам менсимаслик билан қараш мумкин эмас.

Сезги органларимиз орқали биз нарсаларнинг хоссасини,

йятларини ҳис қнламиз, ақлий билнш туфайли биз уларнинг ,дий асосини, моҳиятини билишга муяссар бўламиз.

«Билки,— деб ёзади,— Абу Наср Форобий, (оламда) субстан- (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда й'.'бстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан йошка ҳеч нарса йўкдпр.

Дкциденцияни беш сезги ҳис этади, улар ўртасида ҳеч қан-ай восита йўкдир, масалан, кўриш ўзича рангни ҳис этади, шу йилан у оқ ва қорани бир-биридан фарқ қилади; эшитиш ўзича ба"панд ҳамда паст овозларнинг фарқини сезади; таъм-маза сез-гиси турли таъмларни қабул қилади, ширин ва аччиқ таъмлар-яинг фарқини ажратади; тери сезгиси предметларнинг ҳолатини сезади ва уларнннг юмшоқ ёки қаттиқлик ҳолатини фарқ қила •олади.

Субстанциянн фақат ақл қабул қилади ва бунда акциденция акл учун восита бўлиб хизмат қилади. А^л ранглар остида шу рангга эга бўлган нарса борлигини, овоз кетида овози келаётган нарса мавжудлигини билади, ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шунннг кабидир»[1].

Ибн Синонинг фикрича, «Ақл тарозисида ўлчанмаган ҳар кандай билим чин бўлолмайди, демак у ҳақиқий билим эмас».

Ҳиссий ва ақлий билиш жараёнининг диалектик бирлиги ҳа-қиқатта эришишнинг яккаю ягона йўлидир.

### 3. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги

Билиш назариясида ҳам бошқа фан соҳаларидагидек, диа-лектик тарзда мулоҳаза қилиш лозим, яъни билиш жараёнини тайёр, қотиб қолган ҳолда эмас, балки тўла бўлмаган, ноаниқ билимларимиз қандай қилиб тўлароқ ва аникроқ билимга ай-ланишини аииқлаш керак.

Олам доим ҳаракатда, ўзгариш ва тараққиётда. Тараққиёт-нинг, ҳаракатнинг ҳар бир янги боеқичида моддий оламдаги Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг янги сифат ва хусусиятлари ву-жудга келади. Шунинг учун оламни ва унинг тараққиёт Конунларини билиш учун имконият чексиз. Ҳар бир тарихий Даврда инсон ўзининг амалнй фаолияти натижасида объектив оламни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи билимга эга бўлиб боради. Билим эса объектив мавжудликка мос келадими ёки йўқми? % масаланинг ҳал қилинишида ҳақиқат тўғрисидаги Таълимот У3 ифодасини топади. Бу таълимот эса ўз-ўзидан ҳақиқат нима, Деган масалани ҳал қилишни талаб қилади. Бу масалани ёри-Тишда фалсафада турли фикрлар мавжуд. Ҳақиқат масаласини илмий асосда ҳал қилишнинг ягона йўли инсон билимлари би-^ан объектив оламдаги реал нарса ва ҳодисалар, уларнинг си- ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатни ёритишдир. Шун-

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 174-бет.

дай экан, ҳақиқат объектив воқеликка мос келувчи нарса 1 ва ҳодисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини, сифат ва x сиятларини тўғри акс эттирувчи ҳамда амалиётда синал-^" билимлардир.

Сезгилар инсонни ташқи олам билан боғловчи воситал 1 дир. Инсон сезгилари унинг онгидан ташқарндаги объекшД оламнинг инъикосини ҳосил қилади. Объектив оламнинг ма«Я жудлигини эътироф этиш билан унинг тўғри инъикосинин" ҳосил бўлиши объектив ҳақиқатдан иборатдир. Дналектц/ объектив ҳақиқатни эътироф этиш билан уни бирданига билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Объектив ҳақиқатни билиш "фан тараққиёти, амалиёт асосида амалга ошиши мумкин. Ҳақиқатни билиш доимо пастдан юқорига қараб ривожланувчи жараёндир.

Объектив ҳақиқат инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган объектив реалликнинг тўғри инъикосидан иборатдир. Бу инъикос инъикос этувчи реалликка мос келиши керак. Табиат илмининг ер инсониятдан бурун мавжуд эди, деган фикри объектив ҳақиқатдир. Табиат ва жамият қонунлари объектив ҳақиқатдир. Бу қонунлар инсонга боғлиқ бўлмаган, ундан ташқарида мавжуд бўлган ички, зарурий, муҳим боғланишларини ифодалайди, бу қонунларни инсон бекор қила олмайди, ўз ихтиёри билан ўзгартира олмайди.

Айрим файласуфлар (Богданов ва бошқалар) объектив реал дунёни инкор этиб, уни сезгилар мажмуаси деб билади ва ҳақиқатни ҳам субъектив шаклда тасвирлайди. Уларнинг фикрича, ҳақиқат — мафкура шакли ёки инсон тажрибасини ташкил этувчи шаклдир. Унинг бу даъвоси, фидеизмга, унинг даъволарига ишонишга олиб келади.

Худди шундай фикрни ҳозирги замон фалсафасида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра ҳар қандай диний хурофотларни ҳимоя қилиш объектив ҳақиқатни инкор этишдир.

Диалектика билимларимиз абадий бўлмай, улар такомиллашиб боради, билмасликдан билиш томон боради, нисбий ҳақиқатдан мутлоқ ^ақиқатга боради деб тушунтиради. Ҳақиқатдан ҳам оламда инсон билиб ололмайдиган нарса йўқ. Шунинг учун ҳам билиш жараёнининг ривожланиши чексиз, у бирор чегарада тўхташи мумкин эмас. Инсон эришган янги билими аввалги билимининг юқорисида бўлса, келажак учун у чегара эмас, у янги билим учун зарурий босқич ҳисобланади. Демак, мутлоқ ва нисбий ҳақиқатлар диалектик муносабатда бўлади-

Ҳар бир нисбий ҳақнқатда мутлоқ ҳақиқат элементи, зарраси бор, чунки унда моддий дунёнинг маълум томонлари акс этади. Нисбий ҳақиқат объектив оламнинг инсон онгида нисбатан тўғри инъикос этишидир. Амалиёт ва фан тараққиётидч бу ҳақиқат тобора такомиллашиб боради. Демак, объекти оламни тахминан тўғри инъикос эттирадиган, тўла ва.аНл» бўлмаган, инсон билимининг сўнгги тараққиёти жараёнид аниқланиши ва чуқурлашиши тобора тўлароқ бўлиб борадиг

„й билимлар (қоида, тушунча ва назарнялар) ннсбий ҳа-

• Нисбии ҳақиҳатни эътироф қнлиш мутлоқ ҳақиқатни инкор ш эмас. Чунки бизнинг билимларимиз тайёр ёки қотиб қол* эТ', билим бўлмай, мутлоқ ҳақиқатни билиш нисбий ҳақиқат-га ояи билиш билан боради. Мутлоқ ҳақиқатни бирданига би-о бўлмайди, балки тўлиқ бўлмаган тахминий, яъни нисбий л кикатлар орқали билинади. Демак, билиш билмасликдан йилишга, мукаммал бўлмаган билимларнинг мукаммаллашиб, ник бўлиб боришини акс эттирувчи чексиз жараёндир.

3 Олам чексиз, ундаги нарса ва ҳодисалар доим ҳаракатда. Пемак, инсоннинг билиш имконияти ҳеч қачон охирига етмай-дп. Масалан, материянинг тузилиши тўғрисидаги билимлари-иизни олиб кўрайлик. Илгари материянинг энг кичик зарраси атом бўлинмасдир, деб ҳисобланарди. Бу нисбий ҳақиқат, чунки у материя тузилишининг тахминий тўғри инъикоси эди. Бунда мутлоқ ҳақиқат материя ҳақиқатдан атомлардан иборат, деган тасаввур эди. Материя тузилиши тўғрисидаги билимлар ривожланиб, XIX асрнинг охирида электрон—атомнинг таркибий қисми кашф қилинди. Бу кашфиёт материя тузилиши тўғрисидаги тасаввурга мутлоқ ҳақиқатнинг янги заррасини қўшиб, инсоннинг материя тузилиши тўғрисидаги билимини янада чуқурлаштирди. Ҳозирги замон табииёт илми атомнинг мураккаб тузилишини очиб бермокда. Демак, фан соҳасидаги ҳар бир янги қадам илгариги назарияга қараганда чуқуррок, тўла ва аниқ билимни беради, аммо бу билимни бутунлай, мутлоқ билим деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай инсон билими мазкур тарихий давр чегарасидан чиқиб кетмайди. У илм-фаннинг айрим соҳаларида ўз даври тафаккур тараққиётинн ўн, ҳатто юз йиллаб ортда қолдириши мумкин, аммо ўз даври фарзанди бўлиб қолаверади.

Инсон ҳамма вақт табиатни охиригача билиш томон яқинлашиб боради. Лекин у моддий олам қонун ва ҳодисаларини. тўла-тўкис билиш даражасига эриша олмайди. Бунинг сабаби шУки, табиат чексиз, у тўхтовсиз ҳаракат қилади, ривожланиш-Да. ўзгаришда. Инсон билими эса ҳеч қачон моддий оЛамни бу-тУнлай қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам инсон билимининг мУтлоқ ҳақиқатга яқинлашуви нисбийдир. Бундан бизнинг ^а«ма билимларимиз нисбий экан, уларда объектив мазмун иУк. экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар қандай лақиқат нисбийлигига қарамай унда мутлоқ ҳақиқат элемент-ари сақланади. Мутлоқ ва нисбий ҳақиқатларни бир-бирига ^арама-қарши қўймай, балки уларни ажралмас бир бутун мя оЛН ЎРганмоК зарур.

б]] ^Утлоқ ва нисбий ҳақиқатларнинг диалектик муносабатини лиш догматизм, агностицизм, релятивизм ва волюнтаризмга ^ РШи курашда катта аҳамиятга эга. Релятивизм инсон билим-Рини нисбий деб қараш билан бирга объектив ҳақиқатни бу-

тунлай инкор этади. У .билиш жараёнига диалектикани бик эта олмаганлиги учун фақат нисбий ҳақиқатни эъп этади ва уни мутлоқлаштиради. Унинг асл мақсади мутлоқ ҳақиқатни, шу билан бирга объектив ҳақиқатни инкор этиш.

Инсон объектив оламни ўз амалий фаолиятида маълум тарихии ва илмии имкониятлар асосида билади, имконият ҳамма вақт тўла бўлмайди. Илмий ҳақиқатлар аниқ тарихий шароит билан боғлиқ бўлиб, аниқ шаклда намоён бўлади. Шунинг учун ҳақиқат мавҳум эмас, аниқ бўлади.

## 4. Илмий билиш, унинг хусусиятлари ва усуллари

Фан олам ҳақидаги назарий жиҳатдан системалашган билимлар йиғиндиси. Фаннинг асосий вазифаси ўзи ўргаиаётган нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Инсоният тараққиёти жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай фан ўз предмети ва тадқиқот усулларига эга. Ҳар бир фан назарий жиҳатдан тизимлашган билимлар йиғиндиси сифатида тадқиқот жараёнида хилма-хил илмий усуллардан фойдаланади.

Воқелик ҳодисаларини билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топпш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларнинг вужудга келишидан иборатдир. Билим инсоннинг тарихий, амалий фаолияти негизида вужудга келади. Табиат ва жамиятнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг .ҳодисаларининг ҳақиқий мазмунини, моҳиятини, ривожланиш қонунларини билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқот ва изланишнинг йўналишини ифодалайди.

Илмий метод (усул) нима? Илмий усул илмий билиш жараёнида қўлланиладиган мавҳум билиш йўллари ҳамда воситаларини ифодалайди. Илмий билиш усули инсон амалий фаолияти негизида юзага келади. У табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри, объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради. Илмии билиш усули тадқиқот турларининг мазмун ва изчиллигини ўз ичига олгани ҳолда амалда бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Усул — илмий билишнинг таркибии қисми бўлиб, унинг объекти, таҳлил мавзуи, тадқиқот вазифалари, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган воситаларни ифодалайди.

Ҳар бир фан объектини ўрганувчи предметнинг аниқ изланиш усули бўлиб, бу усул хусусий, умумий ва энг умумий усулга бўлиниши мумкин. Илмий билиш масаласида усул муаммоси билан энг қадимги фалсафада Аристотель шуғулланган. Биринчи марта фанни усул тизими асосида ўрганиш масаласи инглиз файласуфи Ф. Бэкон илгари сурган. У илмий билишни индуктив ва эмпирик усулига асос солган. Р. Декарт эса илмда объект билан субъект муносабати масаласида таф

;„нг ўзига хос хусусиятларини кўрсатган. И. Кант билишни шаклларига эга бўлган ўзига хос фаолият сифатида ^лил қилишга асос солди. Бу масалани ҳал этишда айниқса Ьгель қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. У билишнинг, ^уман маънавий фаолиятнинг умумий усули — диалектиканинг Нарлиг* -гарчн идеалистик асосда бўлса-да, кўрсатиб беради.

"Йлмий тадқиқот жараёнида билишнинг аниқ шакли ва усул- „дан фойдаланиш орқали илмий билимлар вужудга кела- л« рийожлантирилади. Ҳар бир билим системасида илмий тад- ЧІКОТ жараёнида келиб чиққан муаммо ёки масаланинг қўйи- пнши ва ҳал қилишда махсус усуллардан фойдаланилади. Улар эса тарихий аниқ билиш жараёнида вужудга келадн, ри- вожланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фаннинг ўз предмети ва тадқнкот усули мавжуддирки, улар ўзи ўрганаётган объектга нисбатан махсус амалий ва назарий тадқиқот усули асосида ёндашади.

Демак, илмий билиш жараёнида ҳар бир фан ўзининг мах- сус хусусий усулларини ишлаб чиқиши зарур, шу билан бирга ўзининг маълум тадқиқот объектига эга бўлиши керак. Лекин баъзи бир фанлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг ту- шунча ва қонунлари ҳам бир-бирига яқиндир. Шу сабабга кўра, уларнинг тадқиқот усулларн ҳам бир-бирига яқиндир ва тат- биқ қилиш чегарасига кўра бир-бирига самарали фойда кел- тириши мумкин. Демак, билишда хусусийлик ва умумийлик вазифасини бажарувчи усуллар ҳам мавжуддир. Кўпчилик фанларда қўлланадиган усуллар умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланиши доирасига кўра умумий, лекин ўз мах- сус вазифасига эга.

Бизни ўраб турган дунё нарса ва ҳодисалари кўп қиррали, кўи сифатлилик хусусиятига эга. Уларни бирдан тушуниш, билиш мумкин эмас. Шунинг учун билиш методологняси бизга билишнинг умумий усули ва тафаккур усулини ривожланиш Қонунларини асослаб беради. Ҳар бир аниқ фаннинг ўзи қўл- лайдиган хусусий усуллари асосида билим системаси чуқурла- шиб борса, умумий усулни татбиқ қилиш орқали эса билиш Доираси янада кенгайиб боради. Масалан, физика, кимё, ^чология сингари фанлар хусусий усуллари орқали изланиш оилан бу предметлар доираси чуқурлашса, изланишнинг Умумий усули (масалан, модда тузилишига кўра, эиергиянинг ^ақланиш ва айланиш назариясига кўра) орқали эса уларнинг "Илим доираси янада кенгаяди. Фан тарихида табиий, ижти- **Моий,** техник фанлар тизими ва ҳар бир тизимни ташкил ^тУвчи аннқ предметлар вужудга келган экан, уларнинг ҳар "Ри 'аниқ тадқиқот усулига эга. Уларнинг тадқиқот усуллари- эса умумий, ўхшаш томонлар бўлиши мумкин.

Е Илмий билишнинг ҳамма фан- учун тегишли бўлган умумий ^сУлларига анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, антиқийлик ва тарихийлик, мавҳумликдан аниқликка бориш

ёки, аксинча, ва бошқалар киради. Илмий билишнинг бу м 1 лари фан тараққиётида гарчи умумий ҳисобланса ҳам, То"Д- тик усулга нисбатан хусусий бўлиши мумкин. Лекин 'бу лар (хусусий ҳолда) диалектик (умумий) усул билан боғ л" гандир. Х-усусийлик билан умумийликнинг богланиши қоц^и Н» жараендир. "

Ҳар бир аниқ усул илмий билиш жараёнида бир-бири бил боглиқ ёки бир-бирига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун бир усулни қўллаш билимнинг ҳақиқий билим эканлиги исботлашда ва шу усул орқали билим янада чуқур ва кенг ма зни мун асосида бойиб боришини кўрсатади. Масалан, классик фи" зиканинг ривожланиши натижасида нисбийлик назарияси, квант механикаси, элементар зарралар физикаси келиб чиқди. Д\ик. рофизика қонунларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни классик физика татбиқ этишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Шундай қилиб, билиш жараёнида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва энг умумий усуллари мавжуд бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Диалектик усул реал оламни илмий билишнинг энг умумий усули бўлиб, у барча фанлар учун методологиядир. Диалектик усул хусусий фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиб, уларнинг усуллари билан биргаликда ривожланади, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Хусусий, умумий ва энг умумий усуллар тадқиқотнинг яхлит системасини ташкил этади.

Ҳозирги замон фан тараққиёти билимларнинг тез ўсиши, унинг сифат ва миқдор жиҳатдан салмоғининг ошиб бориши билан тавсифланади. Бу жараённинг икки томони бўлиб, биринчидан, илмий билиш туфайли табиий ва ижтимоий воқеликнинг тобора мураккаб объектлари ўзлаштирилмоқда. Бу ҳол илмий билиш жараёнида тадқиқот усуллари ҳақидаги масала билишнинг муҳим масаласига айланаётганлигини исботламоқда. Иккинчидан, илмий техника инқилоби шароитида илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари, тартиб-қоидалари, мантиқи ва тузилмаси фанда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш имкониятларини яратиши керак.

Ҳозирги замон илмий билиш жараёнида қуйидаги усуллар кенг қўлланади: кузатиш, ўлчаш, таққослаш, илмий тажриба (эксперимент). Ш

Кузатиш — воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни муайян мақ" садга мувофиқ қаратилган ҳиссий билиш усулидир. Кузатич нинг қай даражада бўлиши қўйилган мақсаднинг аниқлигиг . кузатилаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида олдиндан билн^ эга бўлишга боғлиқдир. Кузатишда субъект асбоблардан Ф^ даланади. Асбоб кузатиш даражасини кенгайтиради, кузатиётган нарсани идрок қилиш қобилиятини кучайтиради. Кузатиш бевосита (асбобсиз) ёки воситали (асбоб билан) олиб бори

® т/узатиш жараёнида субъект объектнинг миқдор ва сифат В атларини инъикос эттиради ва аниқлаб олади.
""'ўлчаш — билиш жараёнида нарсанинг миқдор тавсифнома-
I аНцқлаш усулидир. Улчов одатда ўрганилаётган предметни қайд этилган хосса ва белгиларга эга бўлган бошқа ?00Я-бир предмет билан нисбатлаш йўли орқали амалга оши-лаДИ- Улчаш усули орқали предметларнинг хоссаларини, ма-лан, мустаҳкамлигини, мураккаблигини ва бошқа томонла-пини аниқлаш мумкин.

Таққослаш — билиш фаолиятида татбиқ қилинадиган усул **й?либ,** билимларнинг шаклланиши, ривожланишида алоҳида бир босқичдир. Объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларни «кайта ўрганиш» жараёнида маълум бўлган билимлар билиш аМали бажарилаётган вақтда олинган билимлар билан тақ-қосланади. Изланувчи аввалги маълум билимларга таянган холда изланаётган объектга хос бўлган ўхшаш ва фарқли то-монларни таққослаш орқали аниқлайди. Бу усул маълум дара-жада физика, математика, кимё, геология, биология ва бошқа фан соҳаларида кенг қўлланади. Таққослаш бир нарса ёки ҳо-дисанинг иккинчи бир нарса ёки ҳодисадан фарқли ва ўхшаш томонларини ҳамда уларнинг муносабатларини ўрганиш усули ҳисобланади.

Эксперимент — тажрибада синаб кўриш орқали фанда ҳо-дисаларни бплиш фаолиятида тадқиқ қилиш, ўрганиш усули ҳисобланади. Эксперимент кузатишга қараганда юқорироқ да-ражадаги билиш усулидир. Эксперимент объектини тегишли тажриба мосламаларини татбиқ қнлиш орқали объектга таъ-сир кўрсатиш, изланувчи эксперимент усулни қўллаш орқали ўзини қизиқтирган объектнинг томонларини ўрганиши учун унга фаол таъсир кўрсатади, бунинг учун сунъий шароитлар яратади, шу шароитда текшириш олиб боради, маълумотлар тўплайди. Эксперимент усули ҳодисаларнинг муҳим белгилари ва хусусиятларини, уларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан мУносабати, алоқа ва боғланишларини чуқурроқ ўрганишга имконият яратади. Бу усул изланувчига табиий шароитда ку-затиш орқали ҳосил қилиш мумкин бўлмаган билимларни олиш "мкониятини беради. Кузатиш эксперимент билан узвий боғ-ланган. Илмий тадқиқотнинг соҳаларига қараб, тадқиқ қилинув-и предметларнинг табиатига қараб экспериментлар фикрий сиеримент ҳам бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда ижтимоий ^Дисаларни ўрганишда эксперимент усулининг зарурлиги ке-о чиққанлиги ва қўлланилаётганлиги таъкидланмоқда. Биз Уриб чиққан билиш усуллари деярли билимнинг эмпирик да-***га хос бўлган усуллардир. Объектни фақат тажрибада к' балки бевосита мавҳум тафаккур йўли билан ҳам хосил ®«лиш мумкин.

м Абстракция (мавҳум тасаввур)—предметларнинг муайян ц «сабатдаги муҳим хоссаларини билиш усулидир. Абстрак-ац] ҳодиса, нарсанинг хоссаларини, муносабатларини та-

ракқиёт босқичларини фикран билиш усулидир. Абстракци '
усули анализ (таҳлил қилиш) ва синтез (умумлаштириш) ЛЛац1
таларини ўз ичига олади. Аналнз ва синтез дунёни билиш ВОСи
раёнида ишлатиладиган ўзаро бир-бири билан боғланган у^"
. лардир. . " •

Анализда ўрганилаётган нарса ва ҳодиса, фикр майда
' лакларга, яъни элементларга бўлинади- ва улар ўртасил
боғланишлар ўзаро муносабат ва таъсир ўрганилади. Тап3"'
бий қисмларни синтез қилиш учун анализ қилинади. ЭлеменИ"
ларни яна қайтадан бирлаштирганимизда анализ натижалэп"
ўрганилади. Инсоннинг атрофини ўраб турган объектив боп"
лиқ мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, аниқ нарса ва **ҳодисалап'**
дан иборат. Улар хилма-хил хусусият ва сифатларга эга. 'дНа
•шу кўп қиррали, мураккаб нарса ва ҳодисаларни ўрганиш ва билиш, улар тўғрисидаги тушунчаларимизни чуқурлаштириш учун шу нарса ва ҳодисаларни таркибий қисмларга ажратиш анализ қилиш керак. Лекин бу усул билан шу нарсаларни тўла билиш мумкин эмас, шунинг учун у синтез йўли билан тўлдирилади.

Синтез анализнинг натижаларига суяннб, нарса ва ҳодисаларнинг бнр бутун сифатини ўрганади. Синтез анализ натижасида фикран бўлинган элементларни қайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлИтликни фикран вужудга келтириш усулидир.

Анализ тадқиқот жараёнида билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи ҳисобланса, синтез уни якунлайди. Анализ ва синтез натижасида умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади, улар ёрдамида ўрганилаётган сифат ва муайян қонуниятлар аниқланйди, шаклланади.

Билиш жараёнида индукция ва дедукциянинг ҳам роли катта. Индукция ,ва дедукция ақлий хулосанинг асосий шакли бўлиб, билиш жараёнида маълумдан номаълумга томон бўлган фикр ҳаракатини ифодалайди.

Индукция айрим фикрий билишдан умумий, хулосалар чиқаришда қўлланиладиган муҳокама усули. Хусусийликни ўрганио, умумийлик билиб олинади. Умумийлик нарса ва ҳодисалар бн-1
лан узвий алоқада бўлади". Билишда индуктив усул асосиД .
қонуниятлар очилади, тушунчалар майдонга келади. Бу УСУ |
нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини текшири
усули ҳисобланади. Индукция дедукция билан мустаҳкам
ланган. Ш

Дедукция умумийликдан ҳусусийликка олиб борувчи ^
тиқий усул. Фандаги назариялар дедуктив усул натижас^
юзага келади. Бу усул асосан далилий материаллар тўп _
натижасида уларни чуқур ўрганиш, тизимга солишда ҚУ;'
нилади. Дедуктив усул турли шакллар: аксиоматик, гипоте ^
дедуктив усул шаклида учрайди. Дедуктив усул ақлий ху
чиқаришнинг барча шакллари билан, биринчи навбатда, 1 ^„р.
ция билан боғлангандир. Индуктив ва дедуктив усуллар I

• и билан диалектик боғлаиганднр, улар бир-бирларини тўл-б"у1ДИ. Шунинг учун уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш I ажратиб қараш асло мумкин эмас.

^ Аналогия (мослик, айнанлик, ўхшашлик) нарса ва ҳодиса- _ бирор хусусиятларининг ўхшашлигини ўрганиш усули. Бу ёрдамида икки предметнинг ўхшаш хусусиятлари ўрганилади- , •. '

Идеаллаштириш билиш жараенида ооъектни кулаилашти-ОЙШ усули. Бу усулда реал объект идеал объект билан алмаштирилади. Бу усул табииёт фанларининг тадқиқот усули ҳисобланади. Масалан, физикада шундай усул орқали физнк объект-лар: идеал газ, мутлоқ қаттиқ қисм, мутлоқ қора жисм, геометрия фани ўрганаётган объектлар, тўғри чизиқ, квадрат, шар ва бошқаларни идеаллаштирилган объектлар деб қараш мумкин. Идеаллаштириш усули реал предмет эга бўлмаган хоссаларни ўрганиш усули ҳисобланади. У реалликнинг нисбатан ишончли манзарасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу ҳол амалий мақсад учун етарли ҳисобланади. . •

Моделлаштириш борлиқни билвоСита ўрганишга асосланга'н илмнй усулдир. Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасйдаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади. Моделлаштириш усули илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, баъзи ҳолларда мураккаб объектларни ўрганишнинг ягона воситаси ҳисобланади. Бу усул ўрганиш ҳийин бўлган объектларни тадқиқ этишда қўлланилади. Масалан, йирик физик Борнинг атом модели атомнинг мураккаб хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Бу усул объектнинг фақат маълум хусусият ва муносабатларинигина эмас, балки янги хусусият ва муносабатларини ҳам аниқлаш усули ҳисобланади.

_Моделлар икки хил: моддий ва ғоявий бўлиши мумкин. Моддий нарсалардан ясалган моделлар моддий моделлар дейилади. Бу моделлар объектларнинг тараққиёт жўшқинлигини, Уларнинг моҳиятини ифодаловчи зарурий, қонуний алоқаларни, муносабатларни қайта ҳосил қилади. Ғоявий моделлар эса ғоя шаклйда мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, математик моделлаш физик жараёнларнинг математик ифодаларидир. Математик моделлаш объектни яхлит текшириш ва тадқиқ кўламини Урганиш имконини беради. Кибернетйк мосламалар, ЭҲМлар РУ Усул асосида вужудга келган.

1 Ҳозирги илмий билиш жараёнида кенг қўлланиладиган Усул — тизимлаш усулидир. Мураккаб объектларни илмий билишда бу усул қўлланилади. Тизимлаш усули ўз ичига муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этаётган унсурлар мажмуини ўрганишни олади. Бу усул асосида ўрганилаётган ёки изланаётган объектнинг бошқа объект билан умумий боғланишлари, муносабатлари очилади. Ҳар бир тадқиқ объекти ва уни ташкил этувчи унсурлар бир бутун I им деб олинса, шу тизимни ташкил этувчи ҳар бир унсур

бир-бири билан ўзининг тутган ўрни, вақти ва имкониятл I кўра функционал боғланган. Бу унсурлардан бирининг ?Ига риши иккинчисининг ҳам ўзгаришнга олиб келади. Ц]у учун ҳам бу унсурларни ўрганиш тизимлаш усулига асос! ИНг ди. Ҳар бир тизимни ўрганишда уни бошқа тизимлар (лаНа" биргаликда олиб қараш керак. Лекин бу тизимларнн бирд'аЛан га, бир вақтда билиш мумкин эмас, лекин уларни билиш б"" биридан ажратиш, ўзаро боғлиқликда олиб қараш **мумкин**

Билимнинг назарий даражасида илмий тадқиқотнинг кр ] маънода қўлланиладиган мавҳумлик ва аниқлик усуллапГ мавжуддир. Аниқлик усули тадқиқот объектининг хоссаларн алоқалари, муносабатларининг кўи қиррали бирлиги сифатидя назарий умумлаштириш воситаси ҳисобланади. Бу усул аник ҳодисалар ҳақидаги барча алоқа ва муносабатларни ўз ичига олган воқелик ҳақидаги билимни юзага чиқаради. Аниқ воқеликнинг моҳияти ҳақидаги билиш воситаси мавҳумлик усулц ҳисобланади. Тафаккурнинг ўзинн тасаввур воситаси билан воқеликни билиш усули деб қараш мумкин.

Тасаввур предметни билиб олишнинг энг муҳим усулидир. Тасаввур воситаси билан муайян муносабатдаги муҳим хосса-муносабатлар моҳияти очилади. Тасаввур усули воқелик ҳодисаларини чуқуррок, тўғрирок акс эттиради. Бу усул асосида тадқиқ қилинаётган объект фикран таҳлил қилинади, мавҳум таърифларга бўлинади. Бу таърифларнинг тузилиши янги аниқ бнлимга эришиш воситасидир. Фикрнинг бу ҳаракати мавҳумликдан аниқликка томон юқорилаб бориш усули ҳисобланади.

Аксиоматик усул тақиқотнинг аксиомаларга асосланиб назарий хулосалар чиқариш усулидир. Асос қилиб олинган аксиомалар эса муайян назарий тизимда исботланмай ҳақиқий деб қабул қилинади. Назарий билимлар тўла равишда аксиомалардан дедуктив йўл билан чиқарилади. Аксиоматик усулга мувофиқ натижалар сифатида улардан хулоса чиқарилади.

Аксиоматик усулга яқинроқ бўлган, лекин ундан фарқ ки* лувчи гипотетик-дедуктив усул бўлиб, бу усулнинг асоси аксиома эмас, балки тажриба маълумотлари мажмуидир. Гипотеза усули тажриба орқали илмий тадқиқотларда тасдиқланиши ёки нотўғри бўлиб чиқиши мумкин. Гипотеза илмий тадқ"к.оТ жараёнини маълум йўналишда йўналтиради, янги-янги далилларни ва маълумотларни тўплашга ёрдам беради.

**Назария** муайян шаклда ривожланган объектив борлиқнинг асосий томонлари муносабатларини билиш жараёнида кели чиққан, бой, чуқур маънодаги билимлар йиғиндисидир. Назарй аниқ фанларнинг тараққиёти натижасида қўлга киритилга билимларни умумлаштириш орқали янги илмий тадқиқотлар йўл очиб беради. Бу тадқиқотлар ўз навбатида янги қонунл *V* ва назарияларнинг шаклланишига олиб келади. Янги қонун назарияларнинг шаклланишида тарихийлик ва мантиқиил усуллари асос бўлади.

Тарихийлик ва мантиқийлик объектнв дунё тараққиёт жа-йиинг муҳим хусусиятларини билиш усулидир. Тарихийлик Я^, нарса ва ҳодисанинг рўй бериш вақтн, даври, аниқ ву-^ага келиши, ривожланишини билиш усулидир. Ҳар бир яисани тарихий нуқтаи назардан, аниқ тажриба асосига ғлаб ўргаимоқ зарур. Тарихийлик усулининг ўзига хос хусу-"°яти тарихий ҳаракатни унинг бутун бойлиги билан пайқаб ^цшга интилишдир. Ҳар бир нарсанинг тарихини очиб бериш "нинг тараққиётидаги асосий тарихий босқичлар, уларнинг 'юкаларнни ажратиб кўрсатишни талаб қилади. Бунннг учун эса унинг моҳияти ҳақида назарий билим бўлиши керак. Мангикий усул предметнинг мазмунини назарий шаклда тадкиқ қичиш усули ҳисобланади. Бу усул тадқиқот объектининг энгууҳим алоқаларини билиб олишга имкон беради.

" Мантиқий билиш усули объектив реалликни, унинг алоқа-1з3рининг бутун ранг-баранглигини акс эттириш вазифасини бажаради. Тафаккур услуби орқали вужудга келган назарий билимлар нисбатан тугалланган билимлар тизим бўлиб, бу тизим ўз тараққиёти жараёнида ўзгариб боради. Мантиқий тафаккур услубида кўр-кўрона ҳаракат бўлмайди, балки у билимларни умумлаштиради, айниқса тарихийликни тасодифий четлашишлардан сақлайди.

Тадқиқотнинг тарихийлик ва мантиқийлик усуллари ўзаро диалектик боғланишда. Тарихийлик ва мантиқийлик диалектик бирликда аниқ тарихий билимлар асосида ҳар бир воқелик тарихининг асосий йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мумкинлигини таъкидлайди.

Билиш жараёнида ҳосил бўлган билимларимиз аниқ мазмунининг ифодаланишида бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирига нисбатан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи ҳамда ўзига хос хусусиятга эга бўлган билим даражаларига эътибор беришимиз керак. Улар эмпирик ва назарий билим даражаларидир. Би-•чимнинг эмпирик даражаси асосан тажриба билан боғланган билим бўлиб, у асосан асбоб орқали кузатиш, эксперимент асосида олинган маълумотлар натижасида вужудга келади. "Илишнинг назарий даражасн эса эмпирик даражадан фарқ к.илиб асосан назарий тафаккур орқали ривожланади. Назарий Даража эмпирик даража билан бевосита ёки билвосита боғланган.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

Билиш нима? Билишнинг асосий босқичлари нималардан иборат? Рйнгий Ва, а^лий билишнинг роли ҳақида Форобий фикрларини айтиб бе-

с. 2- Ҳақиқат нима ва нисбий ҳамда мутлоқ ҳақиқатларнинг ўзаро муно-"атлари қандай? Билишларимизнинг ҳақиқатлиги қандай текширилади?

3- Илмий билишнинг йўллари ва усуллари нималардан иборат?

5 Ти 4- Фан инсон билишининг махсус шакли эканлиги ҳақида давра суҳ-ўтказинг.

улар ўртасида қарама-қаршилик юзага келиб, инсон ва V Л манфаатлари эътибордан четда қолиб кетгудек бўлса, жа'"'Нг тараққиётини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Улкан ижтимоий-тарихий вазифаларни ҳал этишда интич Я қатъийлик, талабчанлик муҳим аҳамият касб этади. одамлардан қилинадиган талабчанлик ва қатъий интизом га кўрсатиладиган меҳр-шафқат ва эътибор билан қўшиб ол^к борилиши керак. Инсонларни юқоридан бериладиган қарорля 1 ва кўрсатмаларни шунчаки ижро этувчн иродасиз ва туйрусм темир роботлар деб тушунмаслик лозим. Ҳар бир инсонда о/ номус, нафсоният, ғурур мавжуд. Агар талабчанлик фавқулод. да дағал, айрим ҳолларда ўта қўполлик билан бирлашиб кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, унинг мақсад ва ниятлари, талаб-эҳтиёжларини баён этилишига йўл қўйилмайдиган даражада бўлса, бу муқаррар равишда ишончсизликка умидсизликка олиб келади, инсоннинг ижодий фаолиятини' мустақиллигини сусайтиради. Бундан жамият, халқ, миллат катта зарар кўради.

Инсон мавжуд экан, унинг шахсий манфаатлари ҳам албатта мавжуд бўлади. Ҳар бир инсон жамиятдагн бошқа одамлар билан бирга умумий бўлган манфаатларга эгадир ва айни замонда, унинг ўта шахсий, фақат ўзигагина хос бўлган талаб-истаклари, қизиқишлари ҳам бор.

Жаҳон фалсафасининг таркибий қисми бўлган Шарқ фалсафасида инсонда икки қарама-қарши асос: модда ва руҳ мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб бўлиши, бири устуворлик қилиб, бошқаси орқада қолиб кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб моддийлик руҳдан устун келиб, руҳ жисм қулига айланиб, унга хизмат қилгудек бўлса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча, руҳий-маънавий томонлари тараққий этган инсонларда ақлу заковат, инсофу диёнат, одобу ахлоқ, илму маърифат, мол-дунёга берилиш, ҳайвоний нафсларга қул бўлиш сингари хато ва нуқсонлардан устуворлик қилади. Руҳиимаънавий жиҳат — инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган фазилатлардир.

Маънан, руҳан, ахлоқан камол топган инсон, нафсининг қулига айланиб қолмайди, таъмагирлик қилмайди, еб-ичишни, бойлик тўплашнн ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсад Де0 тушунмайди. Бундай инсон олам сир-асрорларидан хабарД°Р бўлади, ўзи ва ўзгаларни ҳурмат қилади, қадрлайди, ўзлигин англаб етади, миллий тили, тарихи, маданияти, урф-одатлар". қадриятларини юксак даражада эъзозлайди, улар билан ФаХР ланади. Руҳий-маънавий бойлик инсонни беҳад гўзаллаштир ди ва айни пайтда уни ёмон хислатлардан қутқаради, нотўғР йўлдан қайтариб тўғри йўлга бошлайди, адолат учун куранги га, халқ йўлида камарбаста бўлишга даъват этади. л.

Инсон вужуди, амалий фаолияти, феъл-атворида РУ^11

иавий томонлар кейинга суриб ташланиб, бемаъни ҳислар [1,8] цафс лаззатларига берилиши ғолиблик қилса, ундай инсон [в3]4[1С]'тузоғнга илинган, нафси эса унинг энг хатарли душмани, мдаги ғанимига айланган бўлади. Агар нафс тўхтовсиз ри- даниб бораверса, унга вақтида қаршилик қилинмаса, у йшини кундан-кунга тўғри йўлдан оздираверади, расвои-жа- [к] н қилади. Ҳожа Аҳмад Яссавий таъбирича, «нафс йўлига \рган киши расво бўлур, йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ ^ .ур. Ётса, турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...»

Нафсига эрк берган киши, Шарқ мусулмон фалсафасида кайд этилишича, беҳисоб азоб-укубат, кулфатларга гирифтор **буладн.** Нафсга эрк бериб, мол-дунё тўплашга берилиб кетган, ўзгаларни ўйламайдиган, бошқалар ташвиши билан куйиб-ён- майдиган одам одамийликдан чиқади, эл-юрт эътиборидан чет- па қолади. Нафс ҳоким бўлган кўнгиллардан руҳ-маънавият чекинади. Кўнгил бутунлай нафс диёрига айланади. Бу кўнгил хеч кимга яхшилик келтирмайди. Барча разилликлару зўра- вонликлар, барча инсофсизликлару макру ҳийлалар ва оқибат- сизликлар, буларнинг ҳаммаси нафс туфайлидир, нафс банда- си бўлиб қолишнинг оқибатидир. Нафс — ҳийлакорликнинг, **қувлик** — шайтонликнинг, учига чиққан маккорликнинг асоси- **дир.**

Одамни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш мумки- ну, аммо нафсига эрк берган, очофат кишининг кўзини мол- дунёга тўйдириб бўлмайди. Ҳадиси шарифда айтилишича, «Инсонга бир водий тўла молу дунё берилса, у иккинчи во- дийнинг ҳам берилишинн хоҳлайди. Иккинчидан кейин учинчи- сини ва ҳоказо, унинг нафси тўймайди. Инсоннинг кўзини фа- Ҳат тупроқ (қабр тупроғи) тўйдиради... Банданинг молу дунёга қўпган ҳирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажо- вузидан кўра зарарлироқдир. Зеро, бу билан ўз дини-иймонига путур етказади».

Инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб фазилатлардан бири — ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг ҳа- кига заррача бўлса-да хиёнат қилмасликдан иборатдир. «Тур- [к]истон мулкининг шайхул машойихи» Хожа Аҳмад Яссавий эътиқодича, «Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасдан». Ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик [к].илиш, ҳаром-ҳаришдан жирканиш, ҳаромхўрликни энг катта ғУноҳи азим ва ахлоқсизлик деб билиш — булар Шарқ файла- г^фларниинг энг муҳим ғояларидан бўлиб ҳисобланади. Шарқ- «инг буюк файласуфлари, биринчи навбатда диний алломалар, ^эйхлар, сўфийлар ҳалол еб ичиб, покиза яшашни тарғибот, эшвиқот этибгина қолмасдан, бу масалада ўзлари шахсан ^на.муна ҳам бўлганлар. Илмий ва диний алломалар ҳаром та- : Мнн ёқтирмаганлар, кўплари ҳатто шоҳу амирларнинг туҳфа- г ин ҳам қабул қилмаганлар ва бой-амалдорларнинг мол-мул- Ч[1Ни]Ҳаромдебэълонқилганлар.КЎ[ли]данишкеладиганҳар олиму фузало, сўфию шайх фойдали меҳнат билан шуғул-

ланган, фақат ўз меҳнати билан топилган ноннн ҳалот ***Ш*** билишган. Масалан, Аҳмад Яссавий деҳқон бўлган, Иброҳим Озарий ғишт терувчи, Шайх Баннон ҳаммоллик - ган, Шайх Абулҳасан дурадгорлик билан шуғ.улланган,'Ба'-Л" вуддин Нақшбанд кнмхобга гул нақшлаган, Баҳовуддцн ^0' пири Саид Кулол кулолчилик қилган ва пахса урган. Шай\ 7НГ ва уламолар'атрофидаги дарвишлар, шогирду муридлар • бирГалашиб кўрГон курганлар, вақф ерларни ишлаганлар, бо" 1 дорчилик, чўпонлик билан шуғулланганлар. Уларнинг ҳаммас! 1 тасаввуф фалсафасининг «луқмаи ҳалол» қоидасига қатъи I амал қилганлар. -^И

Фалсафа борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини 1 ўрганиб, кишиларда олам ҳақида яхлит илмий тасаввур, дун£. ] қараш ҳосил қилади. Фалсафий дунёқараш кишиларга инсонни қуршаб турган моддий оламда рўй бераётган хилма-хил ҳодц- са ва жараёнлар моҳиятини билиб олишда катта ёрдам беради Фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон ўзига ишониб топ- ширилган вазифага кўр-кўрона равишда эмас, балки онгли ва ижодий ёндашади, ақл-идрок асосида иш кўради, жамият, **халқ** ва миллат олдидаги бурчи ва масъулияти нимадан иборатли-' гини чуқур ҳис этади, ўтмпш авлод-аждодлари билан фахрла- нади, миллий урф-одатлар, миллйй қадриятлар, шарқона одоб- | ахлоқ ва маданиятни тиклаш ва ривожлантириш ўзининг **ша**- | рафли вазифаси эканлигини тушуниб етади. Фалсафий **билими** | ва дунёқараши ривожланган инсон ҳеч қачон м.иллий манфаат- | лар қобиғида ўралиб қолмайди. Миллий қадриятлар билан **ки-**. фояланиб, жаҳон мадайияти, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини ўрганишдан бутунлай воз кечиш мумкин **эмас.** • Дунёдаги бирор халқ ўз миллий маданияти бойликлари доира- ! сидагина ривожлана олмайди. Миллий худбинлйк йўлидан бориш ҳеч кимга наф келтирган эмас. Миллий манфаат, **мил**- лий маданият қобиғида чекланиб қолган инсон ўзини ҳам, **хал**- қини ҳам тўла камол топиш имкониятидан маҳрум қилади. Фақат миллий маданиятлардан, уларнинг имкониятларидан бошқа нарсани кўра олмаслик ғоятда хатарлидир. Фалсафйи дунёқараш ва маданиятга эга бўлган инсон миллий қадриятлар билан умуминсонйй қадриятларни бир-биридан ўзаро ажратио -1 ташламайди, уларни диалектик бирликда. олиб қарайди. ШЯ сабабли ана шу бирлик, ўзаро бойиш ҳисобигагина жаҳон халҚ' ларининг маданиятлари, умуминсоний қадриятлар ривожлани- | ши мумкин.

фалсафа фани инсоннинг маънавиятга эга эканлигига ха* | алоҳида эътибор беради. Маънавият инсоннинг асосий фаз" 1 латларидан бўлиб ҳисобланади. Маънавият Президентпми Я айтганидек, «тақдирнинг эҳсони», инсоннинг туғмл ХУСУС"Я*Л эмас, Маънавият фақат инсонга хос хусусиятдир. Маънавият_• эга бўлганлнги туфайдигина одам фарзанди инсон деган бу»Ч ва шарафли номга муяссардир. _-т

Инсонни инсон қилган асосий фазилат еб-ичиши, зурР

Въриши, табпнй эҳтиёжларини қоидиришида эмас, балки *°хнат қилиши, ақл-идрок ва тафаккурга эга бўлиши, фикрлай К,и| маданият ва маънавият соҳиби бўлганлигидадир.

°"[1]Сир[т]Д[ан] қараганда иқтисодиёт билан маънавиятнинг ўзаро касИ йўқдай бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса бунинг [1] момила тескарисидир. Жамият ҳаётида иқтисодиётсиз маъ-[т]я'аият, маънавиятснз иқтисодиёт йўқ.

й Маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини ҳеч қаЧоН инкор эт-/айди. **балкн** бир-бирини ўзаро қўллаб-қўлтиқлайди,- биридан иккинчиси таъсирланади. **«Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий** тикланиш, **иқтисодий ривожланишни,— дейди И. А. Қаримов,— шаънавий ўнгланиш, маънавий покланиш ҳаракатлари билан** тамомила **уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қарата қурамиз ва уни тўла тадбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтиМоий майдонларда** собит **турадиган бўлсинлар»[1].**

Инсонда маънавият асосйда яшаш ва фаолият кўрсатишгина эмас, балки шу билан бирга уни эгаллаш, ривожлантирнш ва такомиллаштириш қобилияти ва истеъдоди ҳам мавжуддир. Маънавият ўз-ўзидан пайдо ҳам бўлмайди, ривожланмайди ҳам. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун- у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат ҳилиши керак.

Маънавият инсоннинг ҳаёт тажрибаси, меҳнати, билими, ахлоқ ва одоби, авлодлар тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналпш беради. Маънавият инсоннинг ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқурроқ билиш ва .тушуниб етишига ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам, ^алқ, элат ва миллат учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам ўта зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, ахлоқан пок ва мукаммал инсонларсиз жамият [в]а миллат ҳам .бўлмайди.

Маънавнят инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат тараққиётининг ҳам асосий омилларидан биридир. «Маънавият,— дейди И. А. Каримов,—• инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг, куч-кудратидир. [у] Иўқ жой^а ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»[2].

& Инсон' маънавияти жамият, давлат ва миллат маънавияти илан узвий алоқадордир. Инсон ва жамият маънавияти мо-•лИят жиҳатидан яқин бўлиб, бир-бирйни ўзаро бойитса ва тўллирса-да, лекин улар айнан тенг эмас. Инсон маънавияти милг [ат]. давлат ва жамнят маънавиятининг таркибий қисмидир, |Ғ_}лос. Инсрннинг маънавияти, шахснинг маънавнй камолоти

2 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир,- 198-бет.
Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. 9- бет.

жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, дж л моий-иқтисодий, сиёсий имконият ва шарт-шароитлар а'1:тИч шаклланади ва амалга ошади. Миллат ва мамлакатнинг м "Да ний-маънавий тараққиёти инсон маънавий камолотига асосЭ-Э» лади. У"

Маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарур. Маънавият I бу жиҳатлари И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўзии'НГ яққол ифодасини топган: «Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булок"НГ чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам нёча-гс.?Н азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини из-тя4,3 ди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳуп! мат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъно" си ана шундай кенг»[1].

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч ва қудрат бахш этади.

Жамиятнинг, давлат, халқ ва миллатнинг, жамият аъзоси бўлган инсон шахсининг маънавнятга бўлган эҳтиёжи шу қадар катта ва бениҳояки, уни ҳеч қачон иккинчи ўринга суриб қўйиш ҳам, шунингдек, маънавият масаласига иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлгандан кейин ўтиш мумкин, деб ўйлаш ҳам, тамомила хатодир. Дарҳақиқат, маънавиятга интилиш инсон учун моддий неъматларни ўзлаштириш, ейиш, ичиш, кийинишга нисбатан ҳам муҳимроқдир.

Маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти юксак бўлмайди. Дунёга келишдан мақсад еб-ичиш, қорин тўйдириб, бойлик орттиришдан иборатдир, деб ҳисоблаган одам юксак маънавият соҳиби бўла олмайди. Маънавий қашшоқ бўлган одам тўқ, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Маънавияти етук инсонлар келажакни олдиндан кўришга, қийинчиликларни енгишга, оғир шароитда ҳам юксак мақсадни олдинга қўйиб, уни иймон ва эътиқод билан енгишга қодир_ бўладилар.

Маънавият инсоннинг ўзлигини англаб олишда унга ёрдам беради. Узлигини англаган инсонгнна, ўзлигини англаган миллатгина, кучли давлат, адолатли жамият барпо эта олади.

Миллий жиҳатдан ўзлигини таниган инсон миллатини, Ватанини, унинг ўтмиш тарихини, адабиёти, санъати ва маданиятини билиб олади. Узлигини англаган инсон, ўзлигини англаган миллат улуғ аждодларининг ақлу заковати ва ула.рнинг ҳаётбахш меросларига муносиб бўлишга ҳаракат қилади, Ватанини ўзгача меҳр билан севади, у билан чексиз фахрланад". юртим деб, элим деб яшайди.

Маънавият инсон ҳаётини гузаллаштиради, турмушга мун ва моҳият бағишлайди. Юксак маънавият ва мадани

[1] Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. 8- бет.

„ҳйби бўлган инсоннинг қалби пок, сўзи билан иши бир бў-

Внсон онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши шаклладои, талаб-эҳтиёжларининг қондирилиши ижтимоий-иқтисо-^ сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва ха-
[1] ктерига бевосита боғлиқ. Жамият қандай бўлса, ижтимоий 'уносабатлар мажмуи бўлган инсон ҳам унга мос бўлади. Де- инсоннинг инсон сифатида шаклланиши, ўзини намоён ..цлиши, маънавий камолоти, қобилияти ва истеъдодини рўёбга Шриши учун жамнят ўзининг барча жабҳаларида инсоний-]ашмоғи лозим.

Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишсниб, асо£ий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг иаданиятини, инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишини ўйламас экан, у албатта, инқирозга юз тутади.

Мустақил Узбекистон Республикаси эълон қилинган биринчи қадамлариданоқ инсоннинг одоб-ахлоқи, билими, дунёқараши, маънавияти ривожига катта аҳамият берилганлиги унинг келажаги буюк эканлигига яққол далилдир. Маънавий камолот, билим, одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, фалсафий дунёқараш ннсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойликдир.

## 2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — Яр унинг ғоявий-маданий юксалишининг омили

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўп қиррали муаммо бўлиб, ўз ичига кишиларнинг фуқаролик, шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб олади.

Кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари устида сўз юритганимизда шуни эътиборга олишимиз керакки, халқимиз тарихида биринчи марта Узбекистон Республикаси ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди. Конституциямизда Узбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фу-^ароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди, деб кўрсатилган. Шунингдек, унда Узбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши ҳам қайд этилган. "

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар масалаларида ҳам Конституциямизда жуда кўп янгиликлар киритилган, унда кўрсатилгани-Дек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, инсон ^аётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

^ Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг ши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг

айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда I наётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароцт'1а' таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравон!13'1 ка, шафқатсиз ёкн инсон қадр-қимматини камситувчи бош^*] тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким^а унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиш3 тақиқланади.

Ҳар ким ўз шаънн ва обрўсига қилннган тажовузлардан шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахт,! сизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказнши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Узбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан нккинчи жойга кўчиш, Узбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгилангаи чеклашлар бундан мустаснодир.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод қилиш, ўзи истаган **ахборотни** излаш, олиш ва уни тарқатнш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституцпявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун **билан** белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва **бошқа** сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Узбекистон Республикасининг барча давлат органларн, **жамоат** бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга **уларнинг** ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, **қарорлар** ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланди. Ҳар бир **инсон** хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Конституцияда ҳознрги давр талабидан келиб чиқиб ҳар **бир** инсоннинг **сиёсий ҳуқуқлари** тўла-тўкис ва атрофлича очиб **берилган**. Унга мувофиқ, Узбекистон Республпкасининг **фуқаролари** жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. БУН' дай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар **ўтказиш** ва давлат органларини демократик тарзда ташкил **этиш** йўли билан амалга оширилади.

Жамиятимизда иқтисодий ва бошқа соҳаларда рўй бераетган жараёнларнн, жумладан, бозор муносабатига ўтиш ҚоНУ" ниятларини ҳисобга олган ҳолда, унда ҳар бир инсоннинг иҚ**тисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари** аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан каф латланади. ,|и

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолат-

хнат шароитларида ишлаш ва қоиуида кўрсатилган тартиб- ^ 'цшсизликдаи ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Зарча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгаднрлар. Иш вақти . ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан йелгиланади.

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунинг- чек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутил- 'ан' бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам ва бошқа турларнинг микдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш чуқуқига эга.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари дав- лат назоратидадир.

Ҳар кимга илмий, техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Конституциянинг яна бир афзаллик томони шундан иборат- ки, унда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари атрофлича очиб берилиши билан бирга у инсон ҳуқуқлари ва эркинликла- рини таъминлаш йўллари, кафолатларн аниқ кўрсатнб қўйил- ган.

Конституцияда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахс- лар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракат- лари устндан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, деб таъкидланади. Унда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, хотин- Ҳизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидпрлар, деган муҳим қоидалар Ҳам мавжуддир.

Айтиб ўтилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унинг ин- сон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир. Инсоннинг инсон сифатидаги ана шу ва бошқа табиий эҳтиёж- дари, ҳуқуқлари, эркинликлари бўғиб қўйилмаслиги керак. Шу иарсани афсус билан айтиш мумкинки, жаҳоннинг айрнм мам- •"акатларида мазлум омманинг инсоний ҳуқуқлари ва эркин- ликларини чегаралаб қўйиш, поймол қилиш ҳамон давом эт- моқда. Миллий, диний камситишлар, ирқчилик, баъзн бир халқлар ва мамлакатларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, ма- Даний мерослари, миллий қадриятларпни назар-писанд қил- •маслик, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, суверенитети- га шу тариқа жуда катта зарар келтириш ҳануз тугатилган эмас. Бу оддий бир камчилик эмас, балкн бутун инсоният ва Тарих олдидаги энг оғир жиноятдир.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жа- мият ва инсоният олдидаги бурч ва масъулияти ҳам мавжуд-

дпр. Муайяи бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятиинг кон 1 қоидалари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмас^'Н" унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш я "К' мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг Конституциясида бе лаб қўйилган қонунларга амал қилиш, унинг тарихий, маън и Я вий меросини авайлаб-асраш, қонун билан белгиланган соли^Я лар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ва бошқа шу кабиля 1 шахснинг бурчи ва масъулиятидан иборатдир.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ, умуминсоният манфаатларигя тўла тааллуқли бўлган бурчлари ва масъулиятлари ҳам бўла-1 ди. Буларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгерликларни сақлаш тўғриси-да ғамхўрлик қилиш, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликнн ривожлантириш, ялпи тинчликни сақ-лаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари бурчлар киради.

### 3. Инсон маънавий камолотида ватанпарварлик, юксак одоб-ахлоқ тарбиясининг аҳамияти

Инсоннинг ғоявий-сиёсий етук ва баркамоллиги, шахснинг маънавий, ахлоқий камолоти ўз Ватанига бўлган муҳаббати, ҳурмати, садоқати билан белгиланади.

Ватан деган буюк илоҳий эътиқодни қалбида тўла-тўкис жо қилмаган инсонда иймон ҳам, диёнат ҳам бўлмайди.

Инсон учун Ватан азиз ва мўътабар, Ватандан муқаддас ва қутлуғроқ туйғунинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам.

Ватан бизнинг томиримиз, ўқ илдизимиз, таянч нуқтамиз, ҳаётимиз манбаидир. Ватан бизнинг узоқ ўтмишимиз ва порлоқ истиқлолимиз, бахтли келажагимиздир. Ватан — қиёси йўқ бе-баҳо бойликдир.

Ватан деганда ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, таълим-тар-бия олиб вояга етган, неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақлу идроклари, меҳнатлари сарф этилган му-қаддас юрт кўз олдимизга келади. Ватан бу ота юрт, аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, мада-нияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, чу-қур илдиз отиб, ўсиб, камолот топиб борадиган заминдир. Ва-тан муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У ин-соннинг киндик қони тўкилган жой, ҳар кимнинг борлигини қадрловчи замин, маънавий камол ва фуқаролик майдонндир-Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўз дард-аламини, орзу-умиД' ларини Ватан тақдири билан боғлаб келган. 1

Инсон учун Ватан ягонадир. Ватаннинг яхши-ёмони ҲаМ-бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан биз-нинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди. тан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватан ҳар бир фуҚа" ро учун муқаддас ва бетакрордир.

Ватанни севиш, она диёрнинг қадрига етиш, унинг камол ти, гуллаб-яшнаши, осойишталиги учун қайғуриши заруряНГ нинг ёшлигимиздан бошлаб онгимизга сингдирилишида чуҚУИ

аъно бор. Чунки ҳар қандай инсон Ватанн, ота-боболари ўтган укаддас замин билан фахрланиб яшайди.

- Ватанни севнш, унинг ҳар бир қарич ерини, ҳар бнр сиққм ^упроғини муқаддас билиб қадрлаш, кўзга тўтнё қилиб суртнш, Елқимизга с хусусият бўлиб, бу авлод-аждодлар мероси **сифатида** йиллардан-йилларга, асрлардан-асрларга ўтнб, давоМ этиб, сайқал топиб келмокда.

1г Ҳамид Олимжон «Мен ўзбск халқи номидан сўзлайман» деган мақоласида бу ҳақда шун^дай деган эди: «Меиимг халқим ^з кипдигининг қони тўкилган тупроқнп ўз онасидай азнз кўради. Менинг халқим ўз боболари кўмилган тупроқни ўпади, ш•• тупроқни ҳаром', нопок қилган одамни ўлдиради. Қаднм ўзбек ботирдари узоқ сафарга кетганларида бнр ҳовуч Ватан тупроғини доим ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз турплган ерларини эслатиб турган, халқ олдида мчган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир иафас ҳам унуттирмаган».

Ватавдан анриликда яшаган, ўзининг бутун борлиғи, ғояси тану жонини миллатига бахш этган кишиларни Шўро матбуоти, комфирқа мафкураси ва сиёсатн узоқ йнллар давомида «Ватан хоинлари», «Ватан гадолари» деб бадном қилди. Уларга қарши қанчадан-қанча китоблар, мақолалар ёзилди, туҳматлар, иғволар уюштирилди.

| Айтилганлардан кўриниб тургапидек, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини кўриш истаги ва орзуси фақат бизлардагина эмас, балки мусофир юртларда сарсон-саргардонликда юрган азиз ватандошларимизнинг дилларида ҳам аллақачонлардан бери тўлиб-тошиб келаётган эди.

Буюк бобокалонларимиз, авлоду-аждодларимиз зўр интизорлнк билан кутган кунни, Ватанимиз озод, эркин ва мустақил бўлганини кўриш ҳар биримиз учун энг катта қувонч, буюк бахтдир.

Мустақиллик — жамиятимиз аъзоларп онгидаги миллат, Ватан, она-замин ҳақидаги тушунчалар ўзининг асл маъноларчга қайтмоқда. Мустақиллик туфайли биз ўз Ватанимизга эга бўлдик. Жаҳон харитасида Узбекистоп аталмиш мустақил давтат пайдо бўлди.

Уз халқининг эрки, озодлиги ва мустақиллиги, бахт-саодаТи, севинчи ва қувончи республикамизда нстиқомят кплиб келаётган қозоқлар, қирғизлар, руслар , туркманлар, корейслар, татарлар, уйғурлар ҳамда бошқа мамлакатлардаги халқлар 8а миллатлар билан самимий дўстлик ва қардошлигндадпр.

• Тарих ўзбек халқининг знммасига ғоят буюк, муқаддас ва31!фани юклади. Бу — Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, Унинг довруғини олам узра ёйиш, шуҳратига-шухрат қўшнш-Дир. Ватанини бутун борлиғи ила севмаган, Ватан эрки, юрт ^зодлиги учун ҳаётини тикмайдиган кишини ватанпарвар деб "Улмайди.

Мустақил Узбекистонимизнннг равнақи, истиқлоли ўсиб ке-

лаётган навқирон авлод тарбияси ва таълимига кўп жиҳатд 1
боғлиқ. Ёшлар — Ватанимизнннг, миллатимизнинг келажаги | 4
Ватанимиз тақдирпни уларга ишониб топширамиз. Бунинг
улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб ва -масъулияД
ли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, ҳис қидииД
лари, унга ўзларини ҳезирданоқ тайёрлашлари лозим.

Ешларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантирлш ва ривожлантиришда оила тарбияси катта ўрин тутади. Л<амц-1 ятнинг, давлатнинг, инсонййиг келажаги оиладан бошланали

Инсонда юртга, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч умид туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Абдулла Авлоний бу ҳақ. да «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат. ё фалокат масаласидир» деб ёзган эди.

Улкамиз халқларининг ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, маънавий камол топтириш имкониятлари битмас-туганмасдир.

Узбек халқида дунё халқи тан олган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. Оила аъзоларининг жамулжам бўлмаса овқат емай туриши, оила бошлиғини одоб саҳлаб кутиш, ота-онани ўрнидан туриб кутиб олиш, уларга ҳар доим илтифот кўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга ме:ршафқат, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларга, маҳалладошларга, таннш-билишларга ёрдамнн аямаслик ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Узндан катталарни, биринпи навбатда, кекса боболар нуроний оналарки ҳурмат қилиш, эъзозлаш, улар учун қўлдан келган ёрдамини аямаслик ўзбек халқининг анъанавий удуми бўлиб, у ўзбек оиласида ёшликдан болалар онгига, қон-қонига, вужуд-вужудига сингиб кетган фазилатдир.

Мустақил Узбекистон Республикасининг • Конституциясида одоб-ахлоқ масаласида, хусусан фарзандларнинг жамият, оила ҳамда ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятларн нималардан иборатлиги тўғрисида миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидалар давр талабига биноан белгилаб берилган.

Билимни севиш ва ардоқлаш, олиму фузалоларни, устозларни ҳурмат қилиш, мардлик, одамийлик, камтарлик, адолат, ҳалоллик, ва ҳақгўйлик каби инсоний фазнлатларни улуғлаш борасида ҳам бошқалар ибрат олиши мумкин бўлган ажойиб қадриятларимиз кўп.

Билим ва заковатнинг қиммати, жамият тараққиёти ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти учун аҳамняти шу қадар каттакн, уни таъриф қилган билан адо қилиб бўлманди. Билим энг катта бойлик эканлиги, дунёда ундан қадрлироқ ҳеч нарса йўҚлЧ ги тўғрисида қадимги ҳинд халқининТ «Калила ва Димна». Низомул-Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рўшнома», Юсуф Хос Ҳожнбнинг «Қутадғу бидиг».

11 ,ял Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавиининг впни хнкмат», Алишер Навоийнинг «Хамса» каби жаҳон «ларининг эътиборини ўзига тортган машҳур асарларида 5 биридан муҳим, бир-биридан сермазмун фикрлар баен „тилган.

Бизнинг илм-фанимизда, маданиятимиз ва тарихимизда ин-нни илм асосларини билиб олишга даъват этмаган, билим-Синг хосияти ҳақида куйиб-ёниб баён этмаган шоиру ёзувчи, плиму фузалолар бўлмаган десак муболага бўлмайди. Мисол «чун Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг, Абу Наср Форобийнинг, Хҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сийонинг, Алишер Навоийнинг муборак номларини эслашнинг узи кифоя қилади.

XII асрнинг истеъдодли шоири ва донишманд мураббийси Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») асарида нлмли билан билимсизни, олим билан жоҳилни қиёслаб баён этган қуйидаги фикри бунга мисол бўлади: «Билим тўғрисида сўзламоқдаман, сўзимни яхши тингла, билимдон кишнларга ўзингни боғла. Билим билан бахт-саодат йўллари ўрганилади, билим эгаллаб саодат йўлини тои. Билимли киши қимматли олтиндир».

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, заковат қоронғи тундаги машъал кабидир, билим эса нур тарқатувчи ёруғликдир. Кимда заковот бўлса, ўша асл одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эрншади. Одам заковати туфайли аслдир, билим жавҳар каби бнр ерда тўпланиб туради, у заковатнинг конидир, бир ерда жамланиб ётадир. Мушк-анбар ва билим бирбирига ўхшаш нарсалардир, уларни ўзидан, бўлакларидан яшириб сақлаб бўлмайди. Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошкора қилади, билимни яширсанг, уни тилнг ошкора қилади. Билим ўз соҳибини қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас бойликдир, ўғри ва қаллоблар уни ҳеч қачон ўғирлаб ололмайдилар.

Мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда Диний ғоялар ва қадриятлардан, айниқса, одоб, ахлоқ борасида ислом дини таълимотидан оқилона ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ислом динида нафақат миллий, балки Умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда ҳам ўз қимматини тўла сақлаб келаётган энг муҳим ахлоқий қоидалар, Фалсафий фикр-мулоҳазалар беҳисобдир. Ислом одамларнинг Динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро ҳурмат-иззатда бўлишга, бир-бирини моддий, маънавий, руҳий қўллаб-қувватлашга Ундайди. Миллат ажратиш, бошқа миллат вакилларини камситиш ислом динига тамомила ётдир.

I Ислом динида бировларнинг ҳақига кўз олайтириш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик каби қабиҳ ишлар билан шуғулланиш, фоҳишабозлик, порахўрлик қаттиқ қораланади.

Дин одамларни тўғри юриш, инсофли, диёнатли **бўлиш** й ^ дан яхши из қолдиришга даъват этади. ' -,3и-

Тарбия, одоб, ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қап дош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-окп,-"4' ҳаллолик, поклик, адолат сингари иисоиий қадриятлар исломлТ' кенг ташвиқ қилинади. Бунинг аксича, разолат, кибр-ҳаво, ал ват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби инсоний" лик шаънига доғ туширадиган разил сифатлар эса кескин қ0* раланади.

Имкони борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган, маърифатингни зиёда қил, деган ғоя ислом дининиг мағиз-мағзига чуқур сингдириб юборилганлигини Ҳадиси шарифдан олинган мисоллардан кўриш мумкин: «Илмни Чин мамлакатида бўлса ҳам талаб қилинглар», «Бешикдан то тобутгача илм ўрган».

Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби инсоний фазилатлар қанчалик авайлаб-асралса, ҳаётга кенг жорий этилса, инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти шунчалик кучайиб, такомиллашиб боради.

### 4. Инсои бунёдкорлик фаолиятининг ўсиши — маънавий камолот мезони

Жамият тараққиёти қуйи босқичдан юқори босқичга, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб борган сари ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётда халқ оммасининг роли, ғайрати, уюшқоқлиги ортиб ва чуқурлашиб, инсон амалий фаолияти жадаллашиб боради. Бу — умуминсониятга хос қонуниятдир.

Тарихий мақсадлар кўлами кенг, инсон шахси баркамол бўлса, у виждонан меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, жамиятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустаҳкамланади. Инсоннинг ижодий ташаббуси, жонлп ижодиёти жамиятимизнинг кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб бўлган инсон шахсини юзага келтирганидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш, уни ўзгартириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кўр-кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият **қонунларин">** ўз ҳаёти шароитларини билиб олган, маълум мақсадга қаратилган фаолиятини амалий кўрсатиш йўли билан **ижтимоий** муҳитни, жамиятни ўзгартира олади. Инсон фақат шароит ва **тарих**нинг маҳсулигина бўлмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Тарихий жараёнда халқ оммасининг қанчалик фаол **иштирок** этшч'1' ғайрат ва ташаббус кўрсатиши моддий ва маънавий бойликл *V* ижодкори бўлган меҳнаткаш инсоннинг шижоатига, онглнл * даражасига, ўзига топширилган ишларга қанчалнк масъул'

йялзн ёндоша билиши, ижодий ташаббускорлигига кўп жиҳат-аН боғлиқдир. Бу фикр ижтнмоий тараққиётимизнинг ҳозирги Крихий босқичига ҳам бевосита тааллуқлидир. Мустақилликни луваффақиятли равишда амалга ошириш ҳар бир инсон шаҳ-**сидан** ўз бурчини кўр-кўрона бажаришни эмас, балки онгли, цпмий асосда ёндошишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ҳар бир киши, ҳар бир шахсни ғоявий-сиёсий жи-**хатдан** чиниқтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишига эришиш, сиёсий, маданиятли қилиш мамлакатимизни равнақ топтириш, демократияни ривожлантиришнинг асосий шартла-**ридан** бўлиб қолди.

Ҳозирги демократиялаштириш босқичида инсон ролининг кучайиб бораётганлиги муаммосининг бир неча жиҳатлари бор. Бир томондан, у ижтимоий ишлаб чиқариш ходимини камол топтиради, уни рағбатлантирадиган омилларни белгилаб берадн. Иккинчи томондан, одамларнинг меҳнат ғайрати малакасини оширишга қайта таъсир қилади, унинг тараққиётини жадаллаштиради.

; Инсон шахсининг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида рўёбга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик шахс фаоллигининг бошқа ҳамма шаклларига қараганда белгиловчпдир. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки айни шу соҳада инсоннинг олган билими, орттирган тажриба ва малакаси ва бошқалар амалда қўлланилади, намоён бўлади.

Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар аввало инсоннинг ижтимоий тафаккурида шаклланади, кейин эътиқодга айланиб, фаолиятига йўналиш беради. Инсоннинг ҳар қандай амалий фаолияти, меҳнати маърифий, тарбиявий, мафкуравпй тадбирлар асосида амалга ошади. Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъдодн, ақл идроки ва тафаккури намоён бўлади. Инеон ақли, қўли билан нимаики қилмасин, унинг заминида фикр, тушунча, билим, истеъдод, қобнлият сифатида шаклланган маънавият ётади.

Меҳнат жамоасида инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ақлий ва жисмоний фаолияти шаклланади , юзага чиқаДи. Моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули инсоннинг маънавий, ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги иштирокига сабаб бўлганиДек, шахснинг меҳнат соҳасидаги фаоллиги ҳам ўз навбатида унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавнй, ахлоқий ривожланишнга ўз таъсиринн кўрсатади.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш ҳозирги даврнинг туб муаммоларидан бирнднр. Ҳаёт ўртага қўяётган улкан вазифаларни юқоридан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун меҳнаткаш инсонннинг бевосита иштироки, унинг моддний ва маънавий бойликларни яратишга қаратилган ижодий меҳнати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарурдир.

Ҳозирги долзарб вазифаларни амалга оширишнинг зарур

шароитларидан яна бири—инсон руҳиятини ўзгартиришдан ратдир. Инсон онгини, ижтимоий руҳиятини қонун **чикап°°*** йўли билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, к ! "[1и] қуриб бўлмайди. Қишилар онгида ўтмишда рўй бергац ' [1Та] ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашпа[10] тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш тарбиявий **иш** ни мунтазам равишда олиб боришни, барча салбий **ҳодисалаЯ** ни таг-томири билан тугатишни, ижтимоий адолатни сўзля эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади. Аввало, кпшиларнинг моддий ҳаёт шароитларини яхшиламасдан **туриб"** уларнинг онгини ўзгартириб бўлмайди.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, яигичасига фикрлаш **ва** ишлаш истаги ҳамда маҳорат ҳосил қилинмаса иқтисоднётда бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бирон-бир нарсани ўзгартириш амри маҳолдир.

Ҳозирги даврнинг инсон шахсига берган ажойиб неъматларидан бири демократия, ижтимоий адолатнинг аста-секин тикланишидир. Демократия яратиб берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий истакдан ташқарн юксак сиёсий маданият, вазминлик, маънавнй поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқнчида ннсоннинг бунёдкорлик фаолияти республикамизда демократияни ривожлантириш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда кучлироқ намоён бўлмоқда. Биз ҳозир шунчаки демократик жамият эмас, балки демократик одил жамият қурмоқдамиз. Узбек халқи демократик одил жамият ҳақида жуда қадимий анъаналарга эга. Уз давлати тизимини «куч—адолатдадир» шиори остида тузган Амир Темур тарихи бунга ёрқин мисолдир. **Европанинг** бирон-бир давлатида ҳали қомус ҳақида оддий тушунча ҳам бўлмаган даврларда Амир Темур ўз давлатини қомусий қонунлар мажмуаси —«Тузуклари» асосида адолат йўли билан бошқарган эди.

Инсоннинг бунёдкорлик фаолияти негизида барпо этилаётган демократик одил жамиятнинг асосий хусусиятлари, моҳияти нимадан иборат? Адолатли жамиятнинг биринчи талаби — аҳолининг турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир. Иккинчи талабига кўра, эл улуснинг ҳақ-**ҳуқуқ**[ла]" ри тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб **чиқиш** лозим. Учинчиси, барчанинг фаровонлигинн таъминлаш **билан** бпрга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва **ҳуКУ"** қига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратиШ- ^ дан иборатдир. Тўртинчи талаби, айримларнинг бошқалар натипнг роҳатига шерик бўлишига йўл қўймасликдир.

Адолат—'бу тенглик ва азодлик, ҳақиқат ва қонуннннг У[сТЙ]" ворлиги, иймон, инсоф, маърифат тантанаси, порахўрлик, ноҚ[0]^ нуний савдо-сотиқ, уюшган жиноятчилик, ахлоқсизликка ^У ?

I аК° "Ўл қуймаслик, уларии томири билан суғуриб ташлаш, йримларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетиши, бошқаларнинг эса з^а кам<">"1 ^С1.1.1_________асло йўл бермасликдир.

^ Ддолат қоидаларига асосланган одил, демократик жамият-щцнг вужудга келишидан ғоят манфаатдор бўлганлиги учун аМ) республикамиз меҳнат аҳли бу масалада ташаббус кўр-сатмоқда.

Меҳнаткашлар оммасининг яратувчнлик, бунёдкорлик фао-чияти мустақиллигимизнинг сиёсий негизларини мустаҳкам-пашда, хусусан, давлатни бошқаришда ҳам кўзга яққол таш-ланг,:оқда. Бизда халқимизнинг меҳнати ва жасорати билан ту-знлган ҳуқуқий-демократик давлат халқнинг ўзи томонидан бошқарилмоқда. Шундай қилинмаса, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг фаол ижтимоий-сиёсий фао-лияти, ўз-ўзини бошқарншнинг тўхтовсиз авж олиб бориши жумҳуриятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Буни, биринчи навбатда, жамият ҳаётинннг асоси бўлган моддий бойликлар яратиш, меҳнат унумдорлигини оши-риш, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, турли корхоналар, уюшмалар, биржалар, фондларнинг ташкил этиши ва бошқа соҳаларда кўриш мумкин.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи меҳнаткаш-лар оммасининг хўжасизликка, тўрачиликка, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга, кўзбўямачиликка ва уюшган жиноятчиликка, порахўрликка, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асоси-да иш битказувчиларга, хуллас, ижтимоий адолат принципла-рига тубдан зид бўлган ҳаракат ва интилишларининг ҳар қан-дац турлари ва кўринншларига қарши курашни авж олдириб юборганлиги билан характерланади.

Жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш даражаси кишилар онги-нинг ўсиши, тафаккур мадапиятининг етуклиги билан узвий боғлиқдир. Маълумки, одамлар демократия ва ошкораликдан оқилона фойдаланишга ҳам ғоявий, ҳам маънавий жиҳатдан тайёр бўлсаларгина жамиятимиз олдида турган вазифаларни Ҳал қилишга ёрдам берадилар. Бунинг учун юксак маданият [в]а маънавият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий, маданий [ет]уклнк ва поклик, янгича фнкрлаш имкониятларидан фойда-[л]ана билиш зарур.

Ҳозирги ижроия ҳокимиятининг роли кундан-кунга ортиб ораётган бир пайтда жойларда ўз-ўзини бошқаришни кепг *°Рий этиш билан бир қаторда, барча бошқарув органларидан Триб интизомни сақлашни талаб қилиш ҳам катта аҳамият Касб этади. Чунки, жойларда ннтизом бўшашиб кетиши оқиба-[7и]Да Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти-"[Из]. ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарор-[Ла]Р. фармойишлар баъзан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмай ^оляпти. Ижроия ҳокимиятининг кучи интнзомга қатъий риоя

этишни таъминлашдадир. Интизом йўқ жойда ҳокимият I бўлмайди. Бу тарих тажрибасида синалган ҳақиқатдир Хам

Халқ хўжалигини барқарорлаштириш, иқтисодий муам ларни бартараф этиш, бозор муносабатларига ўтишни ама ошириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни таком 3 лаштириш, жамиятнинг барча соғлом кучларини жипслашт^Л" ришга қаратилган қатъий сиёсат келажагимиз учун жудс та аҳамиятга эга.

Инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавнйлик ва инсонпарварлик қоидаларини қарор топтириш йўлида жамиятни демократик негизларда янгилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмокда. Республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни, барча миллат ва' элатлар учун муносиб турмуш шароитини амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси Узбекистоннинг ҳозирги даври ва **келажаги** учун муҳимдир.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. **Инсон ва** унинг **онги, маънавияти ва дунёқарашини** фалсафин **таҳлил қилишнинг моҳияти нимадан** иборат?

2. **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — умумнисоний кадриятларнинг таркибий қисми эканлигини айтиб беринг.**

3. **Сизнинг фикрингизча, инсон маънавий камолотида ватанпарварлик, юксак одоб-ахлоқ тарбиясининг аҳамияти нималардан иборат?**

4. **Мустақиллик шароитида инсон бунёдкорлик фаолиятининг тўхтовсиз ўсиб боришининг асосий сабаблари ва туб моҳияти ҳақида Узбекистен Президенти асарларида баён этилган фалсафий ғоялар бўйича мунозара ва мулоқотлар ташкил этинг, маърузалар тайёрланг.**

## XI БОБ. МАДАНИЯТ. КАДРИЯТЛАР, УЛАРМИНГ ИНСОН МАЪНАВИИ КАМОЛОТИДАГИ УРНИ

### 1. Маданиятнинг моҳияти, турлари ва ўзаро алоқадорлиги, ўтмишдаги аҳволи

Комил инсон дунёқарашини шакллантиришда маданият ва қадриятлар катта аҳамиятни касб этади.

**Маданият** — энг умумий тарзда инсон ва жамиятнинг ўзгарувчилик фаолиятининг барча турлари ҳамда шу фаолият **на**тижаларининг мажмуидир. I

Маданият жамият ва инсон тарихий тараққиётининг муа^йя* бир даражаси, кишилар .ҳаёти ва фаолиятининг турли кур^й" нишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва **маънави** бойликларда ифодаланади. Маданият тушунчаси муайян т рихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий тузумлар, муайян & - миятлар, элат ва миллатлар тараққиёти, моддий ва **маънав**

аёт даражасини, шунннгдек, инсон фаолияти ёки турмушнни **Ьоҳлаш** учун қўлланилади.

Маланият жуда мураккаб ва кўп қиррали нжтимоий ҳоди- бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, нқтисодий, ижти- йопй. сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг 1',|Г)ча самараларини ўзида қамраб олади. Халқ оммаси томони- «ан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар мада- нйятга тааллуқлидир.

Маданият, аввало, жамиятнинг ижтимоий тараққиёти турли куринишларини, улар яратадиган моддий ва маънавий бойлик- ларни ифодалайди. Маданият тушунчаси муайян тарихий, иж- **тимоий**-иқтисодий даврлар, миллатлар тараққиёти, моддий ва маънавий ҳаёт даражаси, инсон фаолияти ва турмушнинг ўзига хос ссҳаларини изоҳлаш учун қўлланилади. У одамзод ақл-ид^ рокининг энг юксак чўққиларигача бўлган туйғуларнинг ҳамма- сини қамраб олади.

Маданият муайян тарихий даврда жамият тараққиётининг маънавий савиясини ифода этувчи, кишиларнинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдаги бутун ижодий фао- лиятини акс эттирувчи кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир.

I Маданият тушунчаси билан ижтимоий ҳаёт тушунчасн ай- нан бир хил эмас. Ижтимоий ҳаёт маданият тушунчасидан ан- ча кенг. Ижтимоий ҳаёт тушунчасига маданиятдан ташқари ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатларн, син- фий ва миллий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий ташкилот- лари, тил ва тафаккур сингарилар ҳам кнради. Маданият ин- сон фаолиятининг фақат моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга кишиларнинг меҳнат жараёнида жамланган билим бойликлари, тажрибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

I Моддий ишлаб чиқаришнинг икки асосий тури — моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб, маданият ҳам йирик икки турга — моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Мада- ниятнинг бу турлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра бир- биридан ўзаро фарқ қилади. Моддий маданият деганда — меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек, иш- лаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хиз- мат қиладиган барча бойликларни англаймиз.

Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у инсон- •"ар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадиий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шаклларини, тафаккурнинг барча шакллари ва дунёқа- Рашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотлар- "и. бадиий асарлар, эстетик қарашларни ҳам қамраб олади, ®Ундан ташқари маълумот бериш, таълим-тарбия, фалсафа, дин, **Ҳуқук,** этика, эстетика, санъат ва адабиёт сингарилар ҳам ки- Ради. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий Мафкура, фалсафа, ахлоқ, санъат соҳасидаги ва бошқа бойлик-

лар, яратилади. Маънавий бойликлар олимлар, мусаввип ^ бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас оммаси томонидан яратилади ва истеъмол қилинади. Маън бойликлар авлоддан авлодга — бир тузумдан иккинчи туз\л мерос сифатида ўтади ва жамият тараққнётига катта таС^ кўрсатади.

Маориф, фан, ахлоқ, театр ва кино томошаларн, тасвирий санъат асарлари, мақоллар, маталлар, ривоятлар, қўшиқ му 1 сиқа, аруз ва байтлар, лапар ва рақслар, умуман халқ ижодиё ти — маънавий фаолиятнинг муҳим .бўлакларидир. Мактаб в» олий ўқув юртлари, кутубхона ва музейлар, матбуот, радио телевидение ва бошқалар ҳақида ҳам шу фикрни аптиш мумкин.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, моддийлик билан маънавийликни ўзаро ажратиш ҳам, қарама-қарши қўйиш ҳам, бирини муҳим ҳисоблаб, иккинчисииинг аҳамиятини пасайтириш ҳам ножоиздир. Иқтисоднёт маънавиятсиз, маънавият эса иқтисодсиз бўлмайди, ривожлана олмайди. Узбекистон Президенти И. А. Каримов айтганидек, «маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Мнллнй камолот йўли мангу».

Инсоннинг амалий фаолмятида, моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий маданият органик равпшда бирлашади. Биронта ҳам меҳнат куролинн, моддий бойликнинг биронта ҳам турини инсон ақл-идроки ва тафаккурисиз, ақлий меҳнатнсиз яратиб ва такомиллаштириб бўлмайди. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айни бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнати объектив равишда иштирок этади. Ижтимоий ишлаб чиқарнш кишилар маънавий ҳаётининг негизидир. Инсон миясида ҳеч қандай фикр, ҳеч қандай қараш ва тушунча ўз-ўзидан туғнлмайди ва ривожланмайди, балки уларнинг ҳаммаси моддий шароитлар, табиий омиллар, ташқи таъсирлар билан узвий боғланган ва жамиятдаги моддий жараённинг маҳсули сифатида вужудга келгандир.

Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кншилик жамиятининг энг қадимий босқичларига бориб тақалади. Бошқа; ча айтганда, маданият инсоннинг келиб чиқиши бнлан узвии ( алоқадордир. Маданият тарихи жамият тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, жамиятдаги ижтимоии-иктисодий муносабатлардан, моддий бойликлар ишлаб чиқари ' усулидан ажратиб олиш мумкин эмас. И

Маданий тараққиётнинг умумий қонунларидан бири — УнИ тўхтовсиз равншда бойиб бориши ва ривожланишидан ибора • дир. Маданият тараққиётида моддий ишлаб чиқаришнинг РиВ([_ жи асос бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг ишлаб ч •

карцш усулларининг алмашинувига қараб маданият ҳам снфат ^иҳатдан ўзгариб туради. Жамиятнинг тараққий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қилади, маданиятнинг янгиданйши эса ўз навбатида жамиятнинг тараққий қилишнга сабаб бўлади.

Барча моддий ва маънавий маданият дурдоналари — инсон акл-идроки, истеъдоди ва меҳнат маҳсулиднр. Халқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, балки уни тўхтовсиз равишда бойитувчи, ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга зтказиб турувчи ҳамдир.

Ғ Ҳар бир ижтимоий тузум тараққиётида маданият ўзига хос белгн ва хусусиятларга эга. Кишилик жамиятининг ҳар бир тарихий босқичи ўз маданий бойликларини яратади ва шу тариқа бошқасидан фарқланиб туради.

Ижтимоий-иқтисодий тузумлар умумсоциологик қонунлар асосида бир-бири билан узвий боғланишда бўлганидек, маданиятнинг тарихий кўринишлари ҳам диалектик алоқадоолик ва ўзаро боғланишдадир. Маданиятнинг бир тарихий туридан иккннчисига ўтиш ўтмишда эришилган маданий ютуқларнинг барча қимматли томонларини улоқтириб ташлаш, деган сўз эмас. Ҳар бир авлод ўзи учун махсус янги моддий негиз ташкил этмайдн, илм-фан ва маданиятни янгидаН яратмайди, балки ўзидан олдинги авлодлар томонидан яратилган манбадан, ишлаб чпқариш кучларидан, моддий ва маънавий маданият ютуқларидан фойдаланади. Олдинги авлодлардан қолган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, маданий бойликлар кейинги авлодларнинг яшаши ва тараққий этиши учун модднй ва маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Утмишда қўлга киритилган тажрибани эгалламай ва ижодий ўзгартирмай туриб, олға томон ривожланиб бўлмайди. Ҳар бир авлод илгарига қараб қилган ҳаракатида ўзидан олдинги барча авлоднинг йўлини давом эттиради. Янги авлод олдинги авлодлардан қолган тажрибага ўзининг хусусий тажрибасини қўшади. Жаҳон тарихи шу йўсинда барпо қилинади. Бунга инсониятнинг кулдорлнк даврида яратган маданий бойликлари мисол бўла олади. Қадимги юнон маданиятининг Гомер ва Геродот, Демокрит ва Софокл, Платон ва Арасту сингари мутафаккирларнинг тарпх ва фалсафа, адабиёт ва санъат, астрономия ва математика, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик каби илм-фан ва маданиятнпнг турли соҳаларига доир асарлари инсониятнинг энг катта маданий бойлигидир. Улар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди. Қадимги юнон адабиёти, санъати ва эпоси ҳозир ҳам кишиларга бадиий завқ беради ва маълум жиҳатдан энг юксак иамуна бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, уннг тарихи бнр неча минг йилларни ўз ичига олади. Халқимиз маданияти ҳам жаҳон маданиятидан бақамти, ёнмаён юзага келган ва ривожланган. Биронта халқ маданияти, ўз

мамлакати доирасидагина, тор миллий биқиқликда **эмас** б ]
бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқадорликда,' ;а,1Кн
боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс этиш асосида ривожлана Эро

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи маданияти фақат милл •
асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъ
ри остида ҳам ўсди, ривожланди. аъси"

Унга Хитой, қадимги дунё ҳамда Рнм даври маданняти, » ҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини' куЭ" сатди. Уз навбатида Марказий Осиё халқлари ҳам бош?" халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданпят тараққиётига ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Урта аср ма* даниятининг буюк намояндалари Хоразмий, Абу Наср Форо! бий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар таълимотлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади.

Узбек халқи жаҳон моддий ва маънавий бойликларини яратиш ва ривожлантиришда улкан ҳисса қўшган халқдир. У ўзининг тафаккури, қобилияти ва истеъдодн билан Марказий Осиё фан ва маданиятини, адабиёт ва санъатини, ахлоқ-одоби, фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланишида катта ўрин тутади. Шу билан бирга, у тарихнинг ҳақиқий ижодкори сифатида жамиятнинг маданий-маънавий тараққиётига кенг имкониятлар очиб берди. Унинг умуман маданият, хусусан, бадиий адабиёт соҳасидаги хизматлари ҳам бебаҳодир. Достон ва эртакларнинг, мақол ва маталларнинг, қаҳрамонлар ҳақидаги ривоят ва афсоналарнинг яратувчиси ҳам, авайлаб-асровчиси ҳам унинг ўзидир.

Узбеклар ўзининг инсонни лол қолдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадиий дид ва маҳорати асосида ишланган ҳунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача ҳам дунё халқлари ўртасида шон-шуҳрат қозониб келмоқда. Ҳунармандчилик санъати бизнинг халқимпз авлод-аждодлари томонидан сақланиб келаётган мерос, бебаҳо қадриятдир.

Узбек халқи амалий санъати, ҳунармандчилик илдизлари узоқ ўтмишга бориб туташади. Узбек халқ ҳунармандчилиги тарихига ҳозирги замон нигоҳи билан назар ташлайдиган^бўлсак, манбалар, ўтмишдан сақланиб қолган ёдгорлик ва обидалар эрамиздан аввалги мингинчи йилларда яратилган санъат дурдоналари ҳақида шаҳодат беради. '3

Узбекистон ҳудудида бўлган Шош, Чағаниён, МароканД» Урганч, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларининг қадимги ўрнида олиб борилган қазилма тадқиқотлар ота-боболаримиз яратга | ҳунармандчиликнинг ўлмас обидаларини кашф этди. Ёзма манбалар қадимий Марказий Осиё аҳолисининг конларда ишла" ганини, мис ва темирдан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуролл ри ясаганликларини, тикувчилик, бинокорлик, заргарлик бошқа ишлар билан шуғулланганликларини кўрсатади.

: Двлод-аждодларимиз ўтмиш даврлардаи бошлаб наққош-«нк, ўймакорлик, тикувчилик, заргарлик, зардўзлик, гилам-ўзлик, мискарлик, сангтарошлик, кулолчилик, мусиқа асбоб-Ерини ясаш ва бошқа соҳаларда катта маҳорат кўрсатганлар. улар нозик ва гўзал, жаҳонда тенги йўқ накш устаси бўлган-«ар, фақат ёгочга эмас, шунингдек, мармар тошга, металлга лта'нозик ва гўзал накш солишлари, гилам ва матоларга ранг-**бзранг** гуллар тўқишларига қараб ота-боболаримиз, момолари-ми**знинг** маҳоратлари ва дидларига қойил қоламиз.

| Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманган, Қўқон ва Тошкентда-ги халқ усталари ганч ўймакорлиги соҳасида катта шон-шуҳ-оатга эга бўлганлар. Бу санъат намуналарини қадимий бинолар, цу.хташам саройлар, аркларнинг ички ва ташқи безакла-рида, девор пештоқларидаги ўсимлик ва ҳайвонлар тасвир-**ларида,** ложувард кошинларда кўриш мумкин. Нозик ўймакор-лик санъатини мукаммал эгаллаб олган юксак дидли усталар нафақат ганчга ўйма нақшлар бериш, балки жимжимадор пан-жаралар ва гўзал гулдонлар ҳам ясай билганлар.

Мусиқа санъати — энг қадимий ва шу 1билан бирга ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган, унинг турмушига чукур сингиб кетган соҳалардан биридир. Мусиқа кишиларнннг ҳис-туйғу-ларини, фикрларини ва кайфиятларини ўзига хос тарзда ифода этади.

Мусиқа санъати кишига бутун бир юксак туйғулар, завқ-шавқ, янги ғоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жиҳатдан бой, соф ва баркамол қилади. Мусиқа туфайли ин-сон ўзида янги, илгари сезмаган куч топади, ҳаётга ўзгача муносабатда бўлади. Мусиқа инсонни ҳаётни севишга даъват этади.

Мусиқа, рақс, байт, куй, ғазал оингари қўшиқлар ҳам халқ ҳаёти билан шу қадар яқинлашиб, қўшилиб кетганки инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи ва борлиғини усиз тасаввур этолмайди.

Мусиқа ва қўшиқнинг инсон ҳаётида бу қадар кенг ўрин олиши, узоқ яшаши, такомиллашиб, мазмунан бойиб ва чуқур-лашиб боришининг сабаблари бор. Чунки қўшиқ инсонни меҳ-'•ат қилишга, қийинчиликларни енгишга, руҳан тетик, бардам бўлишга, дўстларга вафодорлик, душманларга нисбатан шаф-к.атсизликка ундайди. Киндик қони тўкилган она Ватанни се-вишга, унинг барча бойликлари билан фахрланишга даъват этади. Миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан бўлган мехр-муҳаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожлани-ши ҳам маълум даражада унга боғлиқ.

Маданият инқирозга учраб халқнинг маънавияти барбод "Улса, одамлар эътиқодларида халқпарварлик, ватанпарварлик каби туйғулар сўна бошлайди. Бундай жойда омманинг оло-монлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик бошланади, мил-л"й мансублик, миллий ифтихор аста-секин барбод бўла бош-

лайди. Ана шундай давлатни мустамлакачилик кишанлап 1 узоқ вақтлар давомида ушлаб туриш, халқни итоаткор 'г,"Ла айлантириш мумкнн. Миллий ғурури сўндирилган, маданийЛГа тили камситилган, ҳақ-ҳуқуқи, эрки, иззат-нафси ерга уриг/к' руҳан эзилган халқ ва миллат — мустамлакачилар учун таи'°' ўлжадир. Чор амалдорлари буни яхши билганликлари учу^! ерли халқни маданият ва маърифатдан беба.ҳра қолдириш м ! саласига биринчи даражали аҳамият бердилар, бу йўлда хе"! нарсадан тап тортмадилар, раҳм-шафқатни бутунлай йиғиш[4] тириб қўйдилар.

Шўро тузуми — миллий бирлик ғоялари !билан суғорилган миллий онг ўсиши йўлида турли ғовлар ташкил этди, **милпий** бирдамлик, миллий туйғунинг ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаради. Буни ўзбек халқининг тили, тарихн маданияти, халқ оғзаки ижодиётига қилинган қатағончилик сиёсати мисолида кўриш мумкин.

Агар дунёда бирон-бир муқаддас, абадий ва ҳаётий туйғу бўлса — бу ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий онгидир, миллий ўзлигини англашдир. Миллий ўзлигини англашнинг биринчи белгиси—миллий тилдир. Тил бирлиги—миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида энг муҳим шартлардан биридир. Эл бўлмаса, миллат бўлмаса, турган гапкн, тил ҳам йўқ бўлади. Тил — миллат тириклигининг, унинг яшаб турганлиги ва фаолият кўрсатаётганлигининг асосидир.

Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг нжтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир.

Тил — шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради, унда миллий фахр-ифтихорни шакллантиради ва ривожлантиради. Бирон-бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса, миллат ҳам бора-бора йўқолиб кетади, миллпй ўзига хослигидан маҳрум бўлиб қолади. Чунки миллат ва элатларнинг бир-биридан фарқланиши, бир-биридан ажралиб туришн, биринчи галда тил орқали намоён бўлади. Шундай бўлгач, бирон-бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равишда ҳалок бўлишига олиб келади. Агар тил яшаса, халқ ҳам яшайди. Тили яшаб турган халқнинг, миллатнннг келажаги бўлади.

## 2. Мустақиллик шароитида маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсон маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамияти

Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин ўтган ҚИСКа тарихий муддат ичида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, '1>кТ _ моий ва маънавий жиҳатдан жуда катта ўзгаришларни бо дан кечирди. Мустақиллик халқимиз маданий-маънавий таР

„ётига ҳам кенг йўл очнб берди, топталган, камситилган миллщй ғуруримиз, инсоний шаънимиз, миллий урф-одатларимиз Га анъаналаримизга қайта ҳаёт бағишлади. Мустақилликка ;тпш жараёнида биринчи навбатда одамларнинг дунёқараши (•згарди, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайди, ҳаётра, меҳнатга, Ватанга, эл-юртга муносабат ўзгача тус олди, миллий-маъиавий муҳит соғломлашди, миллий ўзлигини англаш кучайди. Бир вақтда сунъий равишда камситилган шарқоца урф-одатлар ва анъаналар яна одамлар ҳаётидан ўрин ола бошлади, ўзбекона меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, меҳр-мурувват, ^згалар дардига ҳамдардлик қилиш сингари олижаноб фазилатлар қайта тиклана бошлади, авлод-аждодларимиз меросига эгалик қилиш ҳисси кучайди. Бошқача айтганда, маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди.

Халқнинг бойлиги, ақл-идроки ва тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида, ёзма ва оғзаки адабиётида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда тил халқнинг қалби,. тану жондир.

I Узбек тилини астойдил муҳофаза қилиш, унга давлат тили мақомини бериш, бу тилни аслидагидай қилиб тиклаш ва тобора рнвожлантирнш ва шу тариқа уни жаҳондаги энг бой ва етук миллатлар тнллари даражасига кўтариш зарурати туғилиб етилганди.

Шуни очиқ-ойдин айтишимиз керакки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг бернлиши осонлик билан, сип-силлиқ бўлмади. Узбек тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши масаласи бўйича Узбекистонда баҳслар, мунозаралар, тортишувлар узоқ давом этди.

' Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамалардан сўнг Узбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрида «Узбекистон ССР Давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилинди.

Узбекистонда Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қабул килинишн ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи бошқа халқларнинг ҳам маданий-маънавий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ғоят муҳим воқеадир.

Қонунга биноан, **ўзбек тили — Узбекистон Республикаси-**"инг **Давлат тили** деб эълон қилинди. Бу халқимизни **беҳад?** ЦУвонтирнб юборди, миллий ғурурни кучайтирди.

Тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, бутун маънавий ҳаёти-"из тазйиқ остига олинганлиги, диний, ахлоқий, миллий қад-Риятларимиз оёқ ости қилинганлигидан қанчалик азият чекканлигимизни ҳали унутган эмасмиз.

[ Узбекистон Республикаси ўзбек тили ва маданиятинн бутун ч°ралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий-"Қтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал **Нилинишини** таъминлайди. Бу ҳақда Қонунда айтиб ўтилган.

Узбек тилининг қўлланиш соҳаларининг кенгайиши бошқа ^илларни ривожланиш имкониятларини чекламайди.

Тил ҳақида Қонуи қабул қилиниши натижасида корхо 1 муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб ва молия ҳужжатля[43]' республика давлат тилида олиб бориладиган, нотариал иш фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳ[P]' датномалар ўзбек тйлида ёзиладиган бўлди. Яқин-яқинларга'ч ҳам ана шу масалалар бўйича ўзбек тилига менсимасдан кя " раш одат тусига кириб қолганди.

Республикамизда илмий ишларни ўзбек тилида тақдим этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланганлиги, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлидаги энг катта ютуқлардан бўлиб ҳисобланади.

Ғзбекистонда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар даврий хабарномалар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг асосан давлат тилида нашр этилиши, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларн кўпинча ўзбек тилида олиб борилиши халқимизнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, миллий онгини ўстиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. {

Узбекистон давлат мустақиллигининг асосий мақсадларидан бири шахсни ҳар томонлама камолоти учун барча имкониятларни яратиб беришдир. Бу эса авваламбор, ҳозирги замон фани, техникаси ва маданиятининг ҳамма ютуқлариии эгаллашни тазоқо этади. Бу вазифани ҳал этишда фақат она тилининг ўзини билиш кифоя қилмайди. Дунёдаги бошқа халқлар ва миллатларнинг тилларини билиш ҳар бир шахснинг ҳар томонлама ривожланишн учун, жамиятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зарур омилга айланиб бормоқда.

Бошқа тилларни билиш ҳар бир маълумотли кишининг кўркидир. Ҳар бир тил миллатнинг тарихини, маънавий бойликларини, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва руҳиятини янада чуқуррок эгаллаб олиш учун хизмат қиладиган олтин калитдир. Тил билган тақдирдагина миллатнинг руҳини, унинг қадрқимматини тушуниш ва баҳолаш мумкин. Кимки бошқа миллат ва халқ тилини билса, у шу халқнинг дилини ҳам англаиди. Халқ ўртасидаги бирлик, аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳурматини унинг тили ва маданиятини билишдан бошланади.

Ҳаётда биттагина тилни билган киши битта, иккита тилни билган кишини икки киши, уч тилни билган кишини уч киши дейиш мумкин. I

Кўп тилни билиш ўзини маданий киши деб ҳисоблашни орзу қиладиган ҳар бир инсон учун фарздир. Инглизча, арабча, немисча, французча ёки италянча тил билиш дунё маданияти хазинасига йўл очади. Шу тилларни билмаслик илғОИ фан, техникани, халқлар маданиятини ўрганишда анча мУ[ш] куллик туғдиради. ^ ,

Узбекистон Республикасида ҳозирги пайтда ёшлар макта с. I лар ва олий ўқув юртларида рус, инглиз, француз, **немис,** 1 I пан тиллари билан бир қаторда бизга қадимдан мадания^ • динн, тарнхн ва урф-одатлари яқин бўлган Шарқ халкл[3]"

**,,лларини** ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Араб, 1орс, ҳинд, хитой тилларини билиш Эрон, Афғонистон, Покис-»он, Ҳиндистон, Хитой сингари дунёнинг бир неча миллиард аҳо'лиси яшайдиган мамлакатлари билан муносабатимизни яқинлаштириш ва яхшилашга сабаб бўлади.

Р Даҳон фани ва маданиятининг бебаҳо хазиналаридан баҳ**раманд** бўлиш ўзбек халқи тили ва маданиятини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар цегизида кучайтиришда беқиёс ўрин тутади. Буларнинг ҳамцаси Узбекистон давлат мустақиллигининг иқтисодий, сиёсий, цаданий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда ўзининг ижо-5ий таъсирини кўрсатади.

Тил ҳақидаги Қонунда Узбекистонда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элат вакилларининг давлат тилига катта ҳурмат ва эътибор билан қарашлари, уни ўрганишлари зарурлиги таъкидланган.

Узбекистон кўп миллатли давлатднр. Ҳозир Узбекистонда яшаётган қардош халқлар ва миллатлар вакилларининг ўзбек халқи тили, тарихи, маданияти, анъаналарини, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк улушини ўрганишлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиляпти.

Узбек тилига давлат мақоми берилганлиги бошқа миллат ва миллий тил соҳибларининг Конституциямизда белгиланган ҳуқуқларини заррача камситмайди.

. Узбек тили инсон фаолиятининг ҳамма соҳалари учун, энг мураккаб илмий тушунчаларни ва инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ифодалаш учун бой имкониятларга эга бўлган тиллардан биридир.

Узбек тили бу қадар қадимий ва етук, имкониятлари битмас-туганмас бўлмаганда, унда илмий, фалсафий, бадиий тафаккурнинг бунчалик кўп ва жозибали дурдоналари яратилмас эди. Бунга буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг она тилининг хазиналарини очиб, бу тилнинг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой ва тўла имкониятларига эга эканлигини намоён қилиб, сўз санъатининг «Хазойинул маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр», «Маҳбубул-қулуб» каби ўлмас оби-Даларини «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзан» ва «Муҳокаматул-луғатайн» сингари қимматли илмий асарлар ёзиб қол-Дирганлиги мисол бўлади.

Маданият ва маънавият ўз халқининг тарихини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айлана-Аи. Тарих халқ хотирасидир. Хотирасиз баркамол инсон бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўл-Майди.

Тарих — халққа билим, маърифат, таълим-тарбия беради. Тарих одамларни ўйлашга, воқеаларни чуқур илмий таҳлил Қилишга, содир бўлган воқеа ва жараёнлардан бугунги кун ва истиқбол учун тегишли хулосалар чиқариб олишга ёрдам бе-Ради. Ота-боболаримиз донолигини тушунишимизда кўҳна та-

рихимиз, оетакрор маданият, маънавий меросимиз, ажой ғаройиб обидалару асори-атиқаларимиз қимматли манба бу [И] хизмат қилади.

Ғзбек халқи ўзининг 3 минг йиллик бой тарихи билан қанча фахрланса арзийди. У жаҳон фани ва маданияти тапа ^ ҳиётига шу қадар кўп ҳисса қўшганки, буни дунё аллакачо[1] тан олган. Мовароуннаҳр халқлари дунёга Абу Нае[Н] Форобий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобуп еингари алломаларни етиштириб берган. Аҳмад Яосавий Исмоил Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Термизий, Хўжа Ахрор каби уламолар халқимиз ғуруридир.

Узининг юксак маданияти, буюк алломалари, довюрак саркардалари билан дунёга маълум ва машхур бўлган Туркистон халқларининг, жумладан ўзбекларнинг тарихи мустабид тузум даврида ҳаддан ташқари сохталаштирилди.

Бу борада, Амир Темур бобомизга бўлган муносабатни, темурийлар даврмга берилган сохта, ғайри-илмий баҳо нимадан иборатлигмни олиб кўрайлик. Афсуски, асримиз бошларидан мустақилликка эришгунимизга қадар ҳам Амир Темурга нисбатан «қонхўр», «жаллод», «босқинчи», «эл-юртни талаган» дея жар солинди. Улуғ бобомиз шахси ва фаолнятига берилган бундай «илмий баҳолар» китоблардан-кнтобларга кўчаверди. Ҳатто шундай «мукаммал» илмий, бадиий, фалсафий-тарихий асарларга катта-катта мукофотлар ҳам берилди. Амир Темур ёвузликда Наполеон ва Гитлерга тенглаштирилди. Унинг Европа ва Осиё халқлари, бутун дунё олдидаги буюк тармхий хмзматлари ҳақида лом-мим дейилмади. Амир Темур шахсига баҳо берилганда тирноқ остидан кир қидириб, фақат салбмй томонларини кўришди. Ҳолбуки, Марказий Осиёнинг мўғуллар зулмидан озод қилиниши ва қайтадан марказлаштирилиши, ўзаро феодал урушларининг тугатилиши, илмфан, маданият, адабиёт ва санъатнинг, ҳунармандчилик, савдо-сотмқ, зироатчилнкнинг гуллаб-яшнаши, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабзда, умуман Мовароуннаҳрда, Эрон, Афғоиистон, Ҳиндистон, Туркия, Арабистонда қанчадан-қанча бииолар, қасрлар, масжид-мадрасалар, ҳашаматли меъморчилик обидаларм қурилиши, ажойиб боғлар, расталар, сув иншоотларннинг ташкил этилиши, савдо йўлларининг очилиши Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ.

Жаҳонгир Амир Темур барпо этган қудратли марказлашган давлат туркмй миллатнипг бмрлашиши ва жипслашишига таянч бўлиб хизмат қилди, миллатнинг равнақ топишига, миллий туйғунинг уйғонишига ёрдам берди, унннг маданияти нэксалишида мислсиз аҳамият касб этди. Бу даврда туркий халҚлар тарихига доир Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома». Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажм баҳрайн», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуар[0]^ Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳни

мир Темур тарихи» каби машҳур асарлари ёзилди, Мирзо «„уғбекнинг астрономия мактаби иш олиб борди ва «Зижи ^адиди Кўрагоний»<си дунёга келди.

Амир Темур ва темурийлар даврида пойтахт шаҳар Самарцанднинг шон-шуҳрати дунёга ёйилди, курраи заминнинг еайкалпн деб баҳоланди. «Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатида, Аббосийлар даврида Бағдод қанча тараққий қилган бўлса,— деб ёзган эди Фитрат,— Темур ва Улуғбеклар замонида Самарқанд шунча тараққий қилган эди».

Амир Темурнинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари хакида оғиз кўпиртириб гапирдилар-у, лекин унинг Тўхтамиш хукмронлигнга — Олтин Урда давлатига қақшатқич зарба бериш билан Россиянинг мўғуллар асоратидан озод бўлишини тезлаштпрганини ёки 1402 йили Туркня султони Боязид Иилдиримни тор-мор келтириб, Болқон ярим оролидаги халқларни Усмонли" турклар истибдодидан қутқариб қолганини ҳисобга олмадилар.

' Узбек адибларининг тарихий мавзудаги асарларига душманлик кўзи билан қаралди. Фитратнинг «Ҳинд ихтилофчилари», «Абулфайзхон», «Темур сағанаси», «Або Муслнм», Чўлпоининг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», Ойбекнинг «Навоий», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» каби асарларига «миллатчилик» тамғаси ёпиштирилди. Суюкли шоирларимиз Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов ўзбеклар ва Узбекистон ҳақида шеър ёзганликлари учун бошларига не-не ташвишлар тушганлиги ҳали ёдимиздан кўтарилган эмас. Академик Иброҳим Мўминов «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни» рисоласи учун бадном этилди.

Натижада нафақат Амир Темур тарихи, балки Марказий Осиёнинг XV—XVI асрлардаги тарихи деярлиўрганилмай қолди.

Шахсга сиғиниш даврининг қонуний давоми бўлган турғунЛИК йилларнда буюк давлат арбоби, довюрак саркарда, беназр олим ва санъаткор, дунёда таниқли адиб ва шоир ЗаҳиРиддин Муҳаммад Бобурнинг шахсига қаршн ҳужумлар қилинди. Бобур фаолиятининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилиб ва таҳқирланиб, у «золим» ва «босқинчи» сифатиДа баҳоланди.

Буюк мутафаккир ватандошимиз Бобур аслида бизлар учун ўзининг нодир «Бобурнома» асари билан қадрлидир. У ҳар ДОим ва ҳамиша Ватан ишқи билан яшади. Ҳиндистонда бўлган пайтларида 700 дан ортиқ мустақил жамоани ягона давлатга бирлаштирди, юртни обод қилди, маориф ва маданиятни Ривожлантирди. Бобур асос солган буюк бобурийлар сулоласи ҳинд халқи тарихи ривожига бениҳоя катта улуш қўшди. Шуйинг учун ҳам улар Бобурни Ҳиндистоннинг асл фарзанди сифатида улуғлашади. Ҳиндистоннинг давлат арбоби ва файласуфи Жаваҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва

«Дунё тарихига бир назар» китобларида Бобур шахсияти бобурийларга юксак баҳо бериб, Бобур дилбар шахс эди у$^{Ва}$ ғониш даврининг ажойиб султони, кучли тадбиркор киши п" лйб, санъатни, гўзалликни севарди», деган эди.

Мустақиллик бизга маънавий мулкимизни, тарихимизн 1 улуғ боболаримиз руҳини шод этиш имкониятини қайтапиб берди. Истиқлол туфайли ўтмиш тарихимизга муносабат пжо бий томонга ўзгарди. Аллома боболаримиз меросларини ўр$_{Га}$^ ниб идрок этмоқдамиз.

Бугунги кунда улуғ бобокалонларимиз имом Ал-Бухорий имом Ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддиц Нақшбанд, Нажмиддин Кубронинг инсонни маънавий етуклик-ка чорловчи диний, ахлоқий ва фалсафий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Бугунги кунда авлод-аждодларимиз тарихи тикланаётган-лигн мустақиллигимизнинг ажойиб самарасидир. Узбек халқи-нинг бир неча минг йиллик тарихига оид дарсликлар яратил-моқда. Халқимизнинг кечмиш тарихи ва ҳаётини ўзида мукам-мал акс эттирган асарларнинг ўз она тилимизда илк бор нашр этилаётганлиги қувончимизга қувонч қўшмоқда. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюн-нома» китобларини зўр интизорлик билан кутардик. Абу Тоҳир хожа Самарқандийнинг қаламига мансуб бўлган «Самария», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Исҳоқжон Жунайдуллохўжа ўғли Ибратнинг «Фарғона тарихи» номли нодир китобларини му-толаа қилиш имкониятига эга бўлганимиз сабабли халқнмиз-нинг узоқ ўтмиш ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар, қизи-қарли воқеалар, тарихий ҳақиқатни билиб олмоқдамиз.

Ёшларимиз мактаблар ва олий билимгоҳларда ўзларининг жонажон тарихини катта қизиқиш билан ўрганиб, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Дукчи Эшон, Намоз сингари халқимиз сафидан чиққан миллий қаҳрамонларнинг фаолиятлари, 1916 йилги Жиззах қўзғолони, Қўқон мухторият-ти тарихи билан танишмоқдалар.

Эндиликда ўтмишимизнинг кўпгина саҳифалари ҳужжат-лар, қўлёзма материаллари, биринчи манбалар асосида ёрИ-тилмоқда. Тарихий ҳақиқатлар асл манбалар асосида тикла-наяпти.

Мустабндлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ў$^{чИ}$" рнлган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тиклана-япти. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир кабн Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлао сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотига қайтмоқда.

Қатағончилик авжига минган йилларда қатъиян ман этил-ган Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «'УР' кистонда руслар», «Қиёмат» номли асарлари ва кўплаб шеър

' рк, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи, «Ер-Жноп» помлп драматпк асарн, «Узбегнм», «Халқ», «Бузилган ллкага» номли ва бошқа кўплаб шеърлари, Усмон Носнр ва Аб .улла Қодирнй асарлари ҳозирги мустақиллик даврида халқймизнинг кўлдан кўймай ўқиб ўрганаднган асарларидан бўлйб қолдн.

Пок номлари тикланган минглаб кишнлар орасида Узбе-кйСтонга кўп йиллар самарали хизмат қилган, мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўйган, халқимизнинг атоқли фар-зандн Шароф Рашидовнинг ҳам номи борлиги оқилона сиёсат ватижасидир.

Мустақиллик шарофатила тикланиб қаддини ростлаётган, тўхтовсиз ривожланиб бораётган миллий маданиятимизнинг жампятимиз тараққиётини тезлаштириш, инсонни маънавий, ахлоқнй жиҳатдан тарбиялаш ва камол топтиришда аҳамияти бенкҳоя катта.

! Халқимизнинг қаддини ростлаб олиши, ўз-ўзини англаши, тарнхни ҳаракатга келтирадиган буюк кучга айланиши мада-ний-маънавий тараққиётга, жумладан, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотига ҳам маълум даражада боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

| Жамиятимизда рўй бераётган маънавий юксалиш, инсон-нипг ахлоқий, ғоявий, сиёсий камолоти мамлакатимизда амал-га оширилаётган миллий маданий тикланиш, миллий уйғониш жараёнлари билан узвип алоқадорликдадир.

* Пнсоннинг маънавий, ахлоқий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун-моҳияти жиҳатидан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади.

Г' Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва за-**рур** шароитларидан бири сиёсий маданиятининг ўсиб бориши-**дир.** Агар ҳар бир миллат вакилида, ҳар бир инсонда юксак **сиёсий** онг, сиёсий билим ва маданият, сиёсий зийраклик бўл-**маса** мустақиллик барқарор бўла олмайди.

Сиёсий маданият ўзида ҳалоллик ва покликни, ишчанлик ва Узоқни кўзлаб иш тута билиш фазилатларини ўзида мужаосам этган одамларнинг ғоявий-сиёсий етуклиги, назарийбилимларни истиқболни ёрқин тасаввур этган ҳолда амалда қўллай билиши, кун тартибидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий муаммоларнн кенг миқёсларда ҳал этиш маҳорати демакдир. Сиёсий маданият айтилганлардан ташқари инсондаги фаоллик ва ташаббускорликни, юксак ахлоқийлик, қатъий иродалилик, хУшмуомалалилик, катта маъсулият, зийраклик, узоқни кўра би-Лпшликни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллигимиз даври муаммоларини, миллий истиқлоли-^изнинг назарий масалаларини юзаки билиш, уларнинг туб мо-Ҳнятига тушунмаслик ёки уни сўздагина шунчалик қайд этишни Сиесий онглилик ҳам, сиёсий маданият ҳам деб бўлмайди. На-^арий билимлар мустақилликнинг амалий масалалари билан ооғланган, ҳар бир инсоннинг иймон-эътиқодига, фаолияти ва

хатти-ҳаракатининг мазмуннга айлангандагина сиёсий мя I ниятиинг асоси бўлиб юзага чиқади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир каттаю кичик инсон, меҳнаткашл оммаси, ўсиб кетаётган ёш авлод мустақил Узбекистон дав ^ ти ички ва ташқи сиёсатини чуқур тушунишларн, ўзлаои[а] " миллий истиқлолимиз муаммоларини бажариш йўлида сафа " бар эта билишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ч

Юксак сиёсий билим ва маданиятга, иймон-эътиқодга эга бўлган инсон жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз ва **миллати** мизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

Маънавий баркамоллик ҳуқуқий онгни ҳам ўз ичига олади Инсон муайян жамиятда яшар экан, унинг ахлоқи ва **одоби**нинг шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан боғлаимоғи керак. Инсондаги фгаоллик у хоҳлаган ишни қила **беришдан** иборат эмас. Фаоллик жамият қабул қилган қонун ва қоидалар чегарасида бўлмоғи керак. Жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунлар чегарасидан чиқиб кетган фаоллик бебошликдир, жамоат ва давлат манфаатларини менсимасликдир.

Етук, маънавий, руҳий баркамол, миллатпарвар, халқпарвар кишилар, Ватани учун хизмат қилишни ўзи учун олпй мақсад деб биладиган одамлар, ўз шахсий мақсад ва манфаатларипи умумхалқ, давлат манфаатларидан устун қўймайди, бебошлик ва итоатсизлик, ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштиришнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб боради.

Жамият қабул қилгаи қонунларнн ҳурмат қилнш, унга асосланиб иш кўриш, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва мезонларнииг бузилишига йўл қўймаслик маънавнй камолот, ахлоқий поклик белгисидир.

Инсонда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, унинг ҳуқуқий билими ва савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ўша• қонунларнинг кўрсатилган соҳаларда тўла ижро этилиши билан белгиланади.

Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланганидек, «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҲУ' кукий маълумотлардан хабардор бўлишдангина нборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У—одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдиР- Ҳуқуқий маданият дегани—турли можароларни ҳал қилишд[3] қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»[1]. я

Инсонда ҳуқуқий онг ва маданият ўз-ўзидан шаклланмаиди. У жамиятда, оилада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарби натижасида шаклланади. Ншларда ҳуқуқий бнлим ва мада-

[1] **Каримов И. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий** истиқбол **нинг асосий тамойиллари, 29- бет.**

Е>ятни шакллантприш ва ривожантиришда умумтаълим мак-г блари, техникумлар, олий ўқув юртларида амалга ошири-ьₐётган таълим-тарбия ишларининг аҳамияти катта.

Таълим-тарбия олдида турган асосий мақсад ўсиб кела-₋ₜгган ёш авлод онгида кекса авлод доно тажрибасини сингди-йш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожланти-риш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва маъсулиятни ҳис қи-лишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор ^оптиришдан иборатдир.

Маданиятнинг инсон маънавий, ахлоқий камолотидаги аҳа-ₘияти айтиб ўтилганлардангина иборат эмас. Уз эркини қўлга ₖирнтган мамлакатимиз халқлари фаолиятида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг қарор топтиришдаги аҳамия-ₜи ҳам беқиёсдир. Мустақил давлатнинг асосий ишлаб чи-қарувчи кучи бўлган халқда етук миллий онг бўлмаса озодлик, эркинлик, ҳурриятни қўлда ушлаб туриш беҳад муш-куллашади.

Миллий онг, миллий манфаатларни ўзида ифодалаган маънавиятдир. Миллий онг миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. Миллий онг миллий манфаатнинг чўққисидир. Мил-лий онг миллий маданиятнинг миллат манфаати билан, мил-лат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммо-ларининг инсон онгидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши анча мураккаб жараён. У ииллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мум-кии Миллий маданият миллий онгнинг асосий негизи-ни ташкил этади. Миллий маданият қанчалик юксак бўлса, миллий онгнинг шаклланиши учун имкониятлар шу қадар кенг бўлади.

. Миллий маданият ва миллий онг айнан тенг эмас. Миллий каданият мазмун жиҳатдан анча кенг бўлиб, миллат маънавий камолотининг барча томонларини ўз ичига олади. Миллий онг эса миллий маданиятнинг маълум даврдаги ижтимоий онгда акс этган шаклидир.

Мнллий маданиятнинг таркибий қисми бўлган миллнй онг Ўз навбатида миллий маданият тараққиётига катта таъсир кўр-ˢатади. Миллий онгнннг' ривожланиши миллий маданиятни тўлароқ тушунишга, унинг истиқболи билан боғлиқ бўлган янги }|мкониятларни тоиишга имкон беради.

Агар халқларда юксак миллий онг бўлмаса миллий ман-Фаатларни англаш, ҳимоя қилиш қийинлашади. Миллий онги ᵉᵀарли даражада ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бир-ᵈамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда и)ктимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт жуда сустлашиб ке-ᵀади.

• Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллат та-Р^хини холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадр-"Ташга, миллий одоб-ахлоқ ва бошқа маъиавий хислатларни

сақлашга хизмат қилувчи томонлари миллий онгнинг уз Ж
ташкил этади. -гини

Миллий онгимиз ўсиб бормас экан мустақиллигимиз \
таҳкам бўлмайди. Миллий онг мустақиллигимиз мохияп
мақсадларини чуқур тасаввур қилишда кишиларга кўмаг -Ва
ради.

Миллий онги ривожланган, ўз-ўзини англаб етган--ха
ни тўғри йўлдан оғдириш, лақиллатиш, алдаш, эътикол^"
дан қайтариш мумкин эмас. Халқнинг куч-қудрати унинг сони
эмас, балки сиёсий онгининг етуклигидадир.

Инсонни маънавий-ахлоқий камолоти муомала маданияти
да ҳам кўринади.

Маънавий баркамол инсон ақл-идрок асосида ҳаракат килади. Ватанига, халқи ва миллатига тўла содиқ, садоқатли бўлиш ҳам маданиятлилик, маънавий баркамоллик, ахлоқий поклик белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Бировлардан кўрган муруввати ва яхшилигини унутмаслик ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлардан бўлиб ҳисобланади. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш энг катта инсоний бурчимиздир. Яхшилик дўстлик, биродарликни, қавм-қариндошликни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.' |

Жисмоний бақувват, маънавий, ахлоқий, илмий жиҳатдан етук бўлмасдан туриб шахс баркамол бўлолмайди. Маънавий, жисмоний соғлом авлодларни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади.

Халқимизда соғлом танда, соғ ақл, деган доно нақл бор. Соғлом тан ижтимоий-шахсий камолот заминига айлана олади. «Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдамн бордур», дейди Абдулла Авлоний. «Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабиларки, ҳарвақт устидаги кир ичига урадур»

Фикр тарбияси учун соғлом бир вужуд керакдир. Инсоннинг маънавий камолотида жисмоний ва бадан тарбиясидан ташқари ақлий ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқии, виждоний, руҳий диний тарбиянинг ҳам аҳамияти шак-шуб*.3'
сиздир. в

«Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир аХлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқ°"
на ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромда^
ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён оу"
лнши керак», дейди Президентимиз И. А. Каримов.

Инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик, хушмуом3-1
лилик ва хушхулқлилик—булар инсон маънавий баркамолл ц
гининг намоён бўлиш шаклларидир. й·

Шарқона урф-одат ва маданиятда одамлар хушхулқли, 1
рин сўз, олижаноб бўлишга даъват этилади. Одамлар халЛ£а.
миз урф-одатларига қатъий амал қилиб хулқларини туза 1

оилаларида, жамиятда хушмуомала, меҳрибон, олижаноб •лсалар, жуда катта олқишга сазовор бўладилар. Қуръони К,цмда Оллоҳ таоло пайғамбарнмнз Муҳаммад алайҳисса-*уга қарата: «Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабаб-К уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар лпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар»,—дейди.

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамокдамиз. Ҳар кангай миллий тикланиш миллий уйғониш заминидагина му--аффақиятли амалга ошади. Миллий уйғониш асосан маъна-вият соҳасида, миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камо-лотида юз беради. Маънавий камолот фақат ўтмишни тўла тушуниб олишгина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам йборатдир. «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб техноло-гияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мус-тақнл тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият—маърифатли инсоннинг икки қанотидир»[1].

### 3. Қадриятлар, уларнинг турлари, ўтмишдаги аҳволи ва ҳозирги даврда тикланаётганлиги

Қадриятлар дейилганда фақат ўтмиш даврлар учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, ҳозирги кун ва келажакдаги тараққиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган, кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий, маънавий, табиий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа бойликлар маж-муи тушунилади.

Кишилик жамияти тараққиёти ва истиқлоли учун аҳамият-ли бўлган ижтимоий, маънавий ҳодисалар қадриятлар жумла-сига киради. Қадрият деган тушунча қадр-қиммат, деган маъ-нонн билдиради.

Ҳар қандай қадрнят инсон фаолиятининг маҳсули, унинг объектив оламга нисбатан бўлган муносабатининг ифодаси-лир. Қадриятлар жамият ижтимоий ва маънавий тараққиёти-чинг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир давр, Шарфит ва эҳтиёжнинг маҳсули бўлиш билан бирга, унинг кўз-Усн ҳамдир.

' Қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятга кўра бир неча Урларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қад-Риятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар: ер ва ер ости бойликлари, Ув. ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Қадриятларнинг бу турига иқлим шароити, табиат гўзал-

[1] **Каримов И. Узбекистоннинг сиёсин-ижтимоий ва иқтисодий истиқболи-"йнг асо;ий тамойиллари, 46- бет.**

ликлари, давлат аҳамиятига эга бўлгаи қўриқхоналар, тэ5и нинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган таби ЭТ»~ шароит ва имкониятлар ҳам кнради. Инсон табиат ва таб!"'»' имкониятларсиз яшай олмайди. Инсон табнатдан ажралч'."" дир. Инсон табиатнинг жонли қисмидир.

Қадриятлар яна моддий ва маънавий қадриятларга ҳам б\/ линади. Моддий қадриятларга кишиларнинг моддий **эҳтиёж!** ларнни бевосита қондирувчи нарса (ишлаб чиқариш воситалари меҳнат куроллари, меҳнат предметлари, моддий **неъмат'** лар ва бошқалар) кирса, маънавий қадриятлар сиёснй, ҳуқуқий, бадиий, диний, эстетик, фалсафий, ахлоқий қадриятлардан иборатдир. Одамларнинг яшаши ва ривожланиши учун моддий ноз-неъматлар қанчалнк зарур бўлса, маънавнй қадриятлар ҳам жуда муҳимдир.

Одоб-ахлоқ, урф-одатлар, маросимлар шаклида намоён бўладиган қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кишиларнииг ўзаро муносабатларида, юриш-туришида, ахлоқи ва **одобида** кўзга ташланади.

Одоб-ахлоқ, урф-одатлар соҳасидаги қадриятлар халқимизнинг энг қимматли бойлигидир. Қадриятнинг ана шу тури инсоннннг ички маънавий эҳтиёжларига айланса, кишилар томонидан ўзлаштириб олиниб ҳаётга оқилона татбиқ этилса, катта ижтимоий кучга айланади.

Яхшилик, ҳалоллик, поклик, хайрихоҳлик, ҳамкорлик, бурчга содиқлик удумларига асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар мавжудлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Инсон фақат еб-ичиш, зуррнёт қолдириш, табиий эҳтиёжларни қондириш билангина тирнк эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кншилар бнлан ижтнмоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, қобилият, талант ва истеъдодларини намоён қилади.

Эстетик қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар киради.

Қадрнятлар айтиб ўтилганлардангина иборат эмас. Уларга яна диний қадриятлар ҳам киради. Диний қадриятларнинг, хусусан, ислом қадриятларининг мағзини одамлар дилига эзгулик ва покликни сингдириш ташкил этади. «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, Ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жонжон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар-Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-**эҳтиром** ту шунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».[1]

Миллий, минтақавий, умуминсоний қадриятлар ҳам М

[1] **Каримов И. А.** Узбекистоининг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий и^**тиҚИ** болининг асосий тамониллари, 54 бет.

#<уд бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан узвий алоқадорлик-дадир-

Ҳар қандаи қадрнят ижтимоий тараққиёт жараёнида бирон-бир тарзда намоён бўладн, табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни ўзида акс эттиради, ўзгариб ривожланиб, бойиб, такомиллашиб туради. Тарихий тараққиёт жараёнида бўладиган ўзгаришлар ва ривожланишлар қадриятларнинг мазмунида ўз ифодасини топади.

Дамият тараққиёти доимий равишда ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб турган сари у ёки бу қадриятларнинг аҳамияти ошиб ёки пасайиб, уларни баҳолаш мезонлари ҳам олдингидан бошқача бўлиб туради.

Барча давлатларда, жамики ижтимоий тузумларда инсон энг олий қадрият ҳисобланади. Ҳамма нарсани қиладиган олий мавжудот — бу инсон олий ҳазратларидир. Тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам, инсон фаолиятидан бошқа нарса эмас.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларнн дилида жо қилиб олган, табнатни обод, жамиятнп гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, демократия, янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон — энг олий даражадаги бойлик, қадриятдир. Инсоннинг олий қадрият эканлигн унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатларида ифодаланади. Қадриятлар инсонлар ўртасидагп муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий рол ўйнайди. Инсон қадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилишига асосланади.

} Узлигини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан, шахснинг тақдирини белгнловчн ғоят муҳим хислатдир, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгида қадр-қимматини йўқотншга сабаб бўладнган қилиқларига йўл қўймайднган тўсиққа айланади. Ҳар бир инсон энг аввало ўзини ҳурмат қилиши, қадр-қиммати, ор-номуси, шаънига доғ туширмаслиги лозим. Қадр-қимматини, ор-номусини сақлан билиш муҳим инсоний фазилатдир. Иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда қадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Узини ҳурмат қилмаган киши ўзгаларни қадрлай олмайди. Қадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

Қадр-қнммат шахсни ҳурматлашни, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам қамраб олад/и. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида Юзага келади.

Қадрнятлар ижтимоий хусусиятига эга бўлиб, кишиларнинг а^алий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати бўлмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқа-Риш. меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи бнлан боғлиқ равишда юзага

келади. Фалсафа фани инеоний қадриятларни ижтимовй роит тақозоси билан юзага келган ахлоқий бойлик, деб ҳисо1б Ша»* ди. Барча ахлоқий нормалар—юриш-туриш қоидаларн'сИнг Ла^' жамики инсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талабла^"' асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб **этиб, боГ^к** ва такомиллашиб боради.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушиі яхшилаш, билими ва маданий савиясини ўстириш, ксбилияти'[1] ни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўзида бор бўлган ҳамма нмкониятларни ишга солади. Кейинги йилларла **инсон** нинг шахсий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадрпятларпни муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга **оши**рилди. Юмалоқ хатлар ёзиш, бўҳтон қилиш, қадр-қ1!мматга ва ор-номусга тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан тақиқланган. Асосли, адолатли танқид қилган **киши**лардан ўч олишга ҳаракат қиладиган кнмсалар кимлигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортилади. Ваз!!фасинп суиистеъмол қилган мансабдор шахслар ғайри-қонунпй хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий касал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, пенсионерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат йўли бнлан муҳофаза қилинади, уларга моддий, маънавин ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойнинг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмаларн, почта ва телеграф орқалн жўнатилган нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланган- Узбекистон Республикаси қонунларида фуқаролар орномуси, қадр-қимматини сақлаш ва муҳофаза этиш, муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралади. Узбекистон Республикаси Конституцияси 19- моддасига мувофиқ, республика фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизднр, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.[1] I

Мамлакат тараққиётинннг муайян босқичида кўпгина объектив ва субъектив сабабларга кўра шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни уй-жои, газ, озиқ-овқат, табобат хизмати билан таъминлаш, умуман ижтимоий эҳтиёжларнп қондириш соҳасига эътибор сусаиио кетди, чидаб бўлмайдиган вазиятлар вужудга келди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида рўй бера бошлага салбий ҳодисалар ўз навбатида инсон ҳаётининг меҳнат ва турмуш шароитлари, соғлиқни сақлаш ва бўш вақтнн таи£к" этиш, дам олиш ва хизмат соҳасидан тортиб то сикфии миллий муносабатларгача бўлган бутун борлиғини ўз ичИ оладиган ижтимоий соҳанинг ҳам ривожланишига ўзининг з рарли таъсирини кўрсата бошлади. Айниқса, озиқ-свқат, У

[1] **Узбекистон Республикасининг Конституцияси, 13- бет.**

зкой ва бошқа муаммоларнинг узоқ йнллар давомида ҳал этил-
^асдан келиши, фан ва маорнф, соғлиқни сақлаш, аҳолига
м|даний-маиший хизмат кўрсатиш, оилани мустаҳкамлаш
^уаммоларини, табиатни муҳофаза қилиш ва уннng имконият-
ларидан оқнлона фойдаланнш, миллнй ва миллатлараро муно-
сабатлар муаммоларини ҳал этишнинг моддий базаси орқада
колишига сабаб бўлди.

Маълумкн, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида иқти-
содиётнинг ижтимоий йўналиши жуда заифлашиб кетди. Жа-
миятнинг ғоят муҳим тартиблари — меҳнатга яраша тақсим-
лаш тамойиллари бузила бошлади. Баъзан юқори мартабали
шахслар фаолиятида юз берган салбий ҳодисалар меҳнаткаш
инсоннинг дилини қаттиқ ранжитди, ҳафсаласини пир қилди,
қадр-қиммати ва нафсонияти камситилишига олиб келди.
Капиталистик мамлакатларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркин-
ликлари, қадриятлари оёқ ости қилинаётганлиги ҳақида
истаганча гапирдик, шов-шув кўтардик, ўзимиздаги унча-мун-
ча ютуқларни эса мутлақлаштирдик, керагидан ортиқ мадҳ
этдик. Афсуски, ўша кезларда собиқ шўро жамиятида инсон-
нинг ор-номуси ва қадриятлари исталганча оёқ ости қилинаёт-
ган эди. Ижтимоий адолат бузилган, қонун-қоидалар, ҳуқуқ-
тартибот суиистеъмол қилинган эди. Уша даврларда кўп^илик
одамлар ноҳақ қамалди, жазоланди, айбсиз айбдор бўлиб қо-
лишди, инсоний қадриятлари ерга урилди.

Маҳкамачилик, маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қнлган
шароитда умумийликнинг яккаликдан, ижтимоий манфаатлар-
нинг шахсин манфаатлардан устунлиги баҳонаси остида инсон
моддий манфаатдорлигининг оқилона чегаралари кескин то-
райтирилди, ижтимоий тузумнинг инсонпарварлик моҳияти
йўққа чиқарила бошлади. Амалга ошмаган даъватлар ва ваъ-
далар шу қадар кўп бўлдики, оқибатда уларга ҳеч ким ишон-
май қўйди. Инсоннинг манфаатлари моддий имкониятлар, ҳу-
Қуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмади.

\ Халқимиз миллий онги, миллий маданияти ва қадриятлари
ривожланишини чеклаб қўйиш мақсадида узоқ йиллар мобай-
нида олиб борилган қатағончилик сиёсати охир-оқибатда кўп-
лаб зиёлиларни ўз она тилини деярли унутиб қўйишга, миллий
Урф-одатларни менеимасликларига, европача ахлоқ ва одоб
чезонларини тарбиянинг бош мезони деб билиш ва ҳурмат қи-
•"ишларига сабаб бўлди. Уз она тилини билмайдиган, урф-
°Датлари ва қадриятларини менсимайдиган, «ўта замонавий»
Мшилар етиша бошлади.

I Мустақилликка эришмаганимизда <бу салбий хрлат ҳаддан
тзшқари кучайиб, миллий қадрнятлар ривожланишидаги тў-
сиқлар янада кучайиб, манқуртлашиш авж ола бошлаган
"Ўларди.

у Ун йиллар давомнда ижтимоий, иқтисодий, маданий-сиёсий
Ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, қадриятларни жа-

мият имкониятлари ва талаблари даражасида юксалтирипа! масаласида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқдн! уларни ҳал қилиш зарурияти биринчи даражали аҳамият касб этди. Худди ана шу шароитда инсонпарварлик Қадриятларига асосланадиган жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш **маса-1** ласи ўртага қўйилди. Бундан бошқа йўл йўқ эди.

Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама **камол** топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъмнлашни мустақил Узбекистон давлати ўзининг асосий мақсади деб билди. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини **ошириш** уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий **соҳани** тез суръатлар билан ривожлантириш мақсадида Узбекистонда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг, қадр-қимматини оширишнинг энг **асосий** масалаларидан бири — бу уй-жой масаласидир. Республика раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун ер ва маблағлар ажратилди, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда.

Республикамизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириш устида қатъий иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига беиул овқат, ҳомиладор, бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари (билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги, фахрийларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қариялар ва тарбия уйларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф эгилаётганлиги, нафақа билан таъминлашнинг яхшиланаётганлиги бунинг амалий исботидир.

Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқбол йўлини очиб беради.

Узбекистон давлати қадриятларнинг жамият ва халқ ҳаёти-,да тутган ўрни беқиёс эканини эътиборга олиб, уни тиклаш, янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, ундан халқимизни баҳраманд қилишнинг яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқди.

Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни а0аИ лаб-асраш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир-Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз ^аРч халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, Фа I ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғ у жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. *30 диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек яна янгидан ўзим I

нинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва эиг муҳими ннсонларга кераклн қадриятларимнз барпо этиляпти.

### 4. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги

Миллий ва умуминсоний қадриятлар мавжуд. Миллий қадриятлар айрим халқ, мнллатлар ва элатларнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисидан иборат.

{ Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши муайян бир миллатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили, унинг ўтмиши, келажаги билан узвий боғлиқднр.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, миллатнинг тили, маданняти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввур фақат ғоя эмас, балки туйғу ҳамдир. Миллий туйғу — табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихи, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш ҳиссий шаклда мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва қадриятларини қандай қилиб англашини тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муиосабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният учун энг катта жиноятднр.

I Ҳар бир кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат **қилиш** туйғуси бўлади. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Бу туйғу инсоннинг алоҳида қадр-қиммат туйғусига ўхшайди. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

! Миллий қадриятларнинг кучайиб бориши миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, бошқа миллатлар ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасликка олиб келмаслиги керак.

Умуминсоний қадриятлар ўзининг мазмўни, моҳияти, кенг миқёсда амал қилиши, дунёдаги кўплаб халқлар, элатлар, миллатларнинг ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги ва истиқболдаги тараққиёти билан узвий алоқадорликда эканлиги, ўзида жаҳон цивилизациясининг яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтақавий ва миллий қадриятлардан тубдан фарқ қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш, хавфли касалликларни ўзаро ҳамкорликда олдини олиш,

озиқ-овқатга, энергия ва ёқилғига бўлган танқисликни тугзтиш, маданий бойликларни, цивилизацияни эсон-омон **сақлаа** қолиш, урушларнинг бошланишига йўл қўймаслик, тинчликни **сақлаб** қолиш — буларнинг ҳаммаси умуминсоний, **умумбашарий** қадриятлардир. Умуминсоний қадриятлар алоҳида **халқлап ва** мнллатларнигина эмас, балки башариятнинг мулкидир. "

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир **этади** бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан **мазмун** жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, уни ўз ичига олади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақ--сад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлардан ажратиб олиб, унга маҳлиё бўлиб кетиш, ўз миллатини мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллатлар вакилларининг миллий туйғулари ва нафсониятларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин. Бу энг хавфли нарса. Шунинг учун ҳам бу масалада ҳушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, камтарлик, қуюшқондан чиқиб кетмаслик, ўзга миллат кишилари тили, маданияти, тарихи, анъана ва удумларини астойдил ҳурмат қилиш талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган алоҳида тарихга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий этади.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва шу кабилар тарихий тақдирларининг ўзаро боғланиши, чирмашуви, бир-бирини тўлдириши асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан умумий хусусиятларга эга бўлмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлмаганда, улардан ўрганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан баҳам кўрмаганда эди, У баххсиз_ми.плат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цй"
нинг самараларидан фойдалана олмаган бўларДи-
улуғворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки
кусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизация-
> т ҳиссасидадир. Айни чоқда бошқа бир нарсани ҳа
А ит қилмаслик керак. Гап шундаки, миллий ма
2 ^ чий қадриятларни умуминсоний манфаатлар в
дие^ 0 тама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий, иНт11Сн.
хммоларни қайсидир миллат ва элатнинг ма
равишда ҳал этишга интилиш, миллий м

лаат баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни олқишлаш мяллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир ўтказади. Бнр миллатнинг манфаат ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажралмаган ҳолда ўрганилиши керак. Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг хам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқилона ва холисона ўрганиш мустақиллик шарбитидаги иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётнинг асосий шароитларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда илмий ва холисона иш тутиш керак.

Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш — миллатнинг ўзига хурмат билан қарашининг асосий бўғинидир.

Халқларимизнинг яхши анъаналари, удумлари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, яхши қўни-қўшничилик, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлар қайта тикланмоқда. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва миллий қадриятлар ҳозирги даврда яратилган маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади, албатта.

! Халқимизнинг буюк фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, уларнинг қадр-қимматини тиклаш, таваллудларини ўтказишда республикамизда кейинги вақтларда кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Шулардан бири — ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланганлнгидир. Шароф Рашидовнинг тўйи умумхалқ тўйига айланиб кетди, чунки у ўз ҳаётини тўла-тўкис халққа хизмат қилишга сафарбар этган олижаноб инсон эди. У ватанимиз бошига қийинчиликлар тушган кунларда ҳам, унинг бахт-саодатли кунларида ҳам доимо халқ билан бирга эди.

Инсон қадрини эъзозлаш, унинг обрў-номусини тиклашда минтақамиздаги шаҳарлар, жойлар, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар, мактаблар, кўчаларга халқимизнинг улуғ фарзандлари номларининг берилиши тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин ^бундай ишлар шошма-шошарлик билан эмас, балки оқилона ҳал қилиниши лозим. Бизнингча, Хоразмий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк инсонларнинг муборак номларини йирик илмий марказлар, машҳур дорилфунунлар, Ҳарбий ўқув билимгоҳларига берилса тарихий ҳақиқатга мос тушган бўлур эди.

Инсониятни эъзозлаш, унинг қадр-қимматини жойига қўйиш — бу миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг қадимий ва бой тарихига, унинг анъаналари ва урф-одатларига ;-ҳурмат билан қараш демакдир.

І Узбекларнинг миллий маданияти ва қадриятлари Ватанимизда биз билан бирга яшаётган ва Узбекистон Республикасига садоқатли бўлган барча халқлар билан ўзаро ҳамкорликда

тикланади, чунки милий қадриятларнинг тикланиши ва **ривож** ланиши умумбашарий қадриятлардан, бизнинг кўп **миллатлй** жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас. "

Умуминсоний қадриятлар ривожида миллий қадриятлар қанчалик муҳим аҳамият касб этса, ўз навбатида умумбашарий қадриятларга таянмасдан туриб миллий қадриятлар ҳам мукаммал ривожлана олмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам диалектик алоқадорлик асосида ривожланиб, такомиллашиб бор$_{а}$-ди. Мустақил Узбекистоннинг куч-қудрати манбаи,— деб таъкидланади **И.** Каримов томонидан — халқимизнинг **умум**-ди. Мустақил Узбекистоннинг куч-қудрати манбаи,—дёб таътаъкидланади **И.** Каримов томонидан — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз **адолат** тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик кур'-такларини асрлар оша а-сраб-авайлаб келмоқда. Узбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир[1].

Миллий маданият ва қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш, уларга эътиқод қўйиш, ёш авлодда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, Ватан бахт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга етишига ундайди.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. **Маданиятнинг моқияти, асосий турлари. ва ўзаро алоқадорлиги** вимадан **иборат?**
2. **Миллий маданиятимизиинг тоталитар сиёсий тузуми шароитидаги аянчли аҳволи ва унинг оқибатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг?**
3. **Қадриятларнинг маъноси ва асосий турлари нималардан иборат? Миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги, ўзаро муносабати, уларнинг намоён бўлиш шакллари қандай эканлигини айтинг.**
4. **Мустақиллик шароитида Узбекистонда маданият, маънавият ва** қад**риятларга муносабатнинг жиддий равишда ўзгарганлиги ҳақида баҳс ва** му**нозаралар уюштиринг.**

**ЧЖаримов И. А. Истиқлол ва маънавият, 5- бет.**

# V БУЛИМ. ЖАМИЯТ ФАЛСАФАСИ

## XII БОБ. ЖАМИЯТНИ ФАЛСАФИИ АНГЛАШ АСОСЛАРИ

### 1. Жамият тушунчаси. Ишлаб чиқариш усули — жамиятнинг моддий асоси

Инсоннинг бахтлн ҳаёт кечириши, маънавий камолоти, уннng тақдири жамият билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам жамият нима, у қандай қилиб пайдо бўлган, жамият тараққиёти-' нинг манбаи нимада каби саволлар кишиларни доимо қизиқтириб келган.

**Г** Жамиятнинг келиб чиқиши, унинг тараққий этиш қонуниятлари ҳақида Шарқ мутафаккирлари Форобий, Беруний, ибн Сино ва бошқалар бир қанча ажойиб фикрларни илгари сурганлар.

| Форобий ҳам жамият ннсонларнинг хоҳиши билан ўзларига керак бўлган истеъмол маҳсулотларини биргалашиб ишлаб чиқариш ниятида ташкил этилган жамоа бирлашмаси, деб ёзади ўэининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида.

; «Одамларга нисбатан уларни бнрлаштирувчи бошланғич **асос** инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният тур**кумига** кирганлари туфанли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.»[1]

Берунийнинг фикрнча, жамият инсонлар томонидан «шартнома» асосида тузилган. Унингча, «инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига хос ўхшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилидаги «шартнома» тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат қилиш ҳам зарурдир.»[2]

Ибн Сино жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак, жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қа**бул** қилннадиган адоЛатли қонунлар асосида яшашлари зарур деб таъкидлайди.

Немис файласуфи Гегелнинг кўрсатишича, жамиятнинг тарихий тараққиёти, унинг ижтнмоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг асосий сабаби «мутлақ ғоя»га боғлиқдир. У ўзининг «Фалсафа тарихи» асарида «мутлақ ғоя» кишилик жамияти тарихини ҳаракатга келтирувчи куч, деб кўрсатади. Табиат ва жамиятнинг тараққиёти ҳам, ижтимоий муносабатлар тарақ-> Қиёти ҳам «мутлақ ғоя», абадий руҳ тараққиётидан келиб чиКади, деган қараш Гегель фалсафасининг асосий ғоясини ташкил этади.

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 186- бет.
[1] Буюк сиймолар, алломалар, Т., 1995, 51- бет.

Жамият тараққиёти сабабларини ғояларга боғлаб тушунтириш, дунёни ақл идора қилади деб ҳисоблаш фақат Гегель таълимоти учунгина эмас, балки Фейербах фалсафасига ҳам хос хусусиятдир.

Фейербах жамият тараққиётини динга боғлиқ деб билди ва уни дин тараққиётидан келтириб чиқармоқчи бўлди. «Христианликнинг моҳияти» деган асарида жамият тарихида рўй берган барча ўзгаришлар диний таълимотлар, қарашлар' ўзгаришидан келиб чиқади деган фикрни илгари суради. Динни такомиллаштириш ёки янги бир дин ўйлаб топиш, Фейербахнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш йўли ҳисобланади.

Европада яшаган социологлар орасида жамият ҳақидаги фанга илғор ғоялар қўшган олимлар инглиз буржуа иқтисодчилари В. Петти, А. Смит ва Д. Рикордо, Уйғониш даврининг тарихчилар Тьерри, Гизо, Минье ва бошқалардир.

Жамият тараққиёти қонунларини маълум даражада тўғри изоҳлаш соҳасида рус илғор демократларининг ҳам ҳиссаси бор.

Утмишдаги социологлар жамият масалаларини тушунтиришда, биринчидан, ижтимоий ҳаётда ишлаб чиқариш усулининг ролини баҳолай билмадилар, иккинчидан, ижтимоий ҳаёт ривожланишида халқ оммаси асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини кўрсата олмадилар, учинчидан, кишилик жамиятида ҳам табиатдаги сингари ўзига хос объектив ривожланиш қонунлари борлигини, ижтимоий ҳаётнинг бир бутун ва яхлитлигини англаб етмадилар, тўртинчидан, кишилик жамияти тараққиёти сабабини илоҳий кучларга, айрим шахсларнинг фаолиятига, турли ижтимоий ғояларга боғлаб, идеалистик ва метафизик нуқтаи назар доирасида чекланиб қолдилар.

Илмий фалсафа ва социологияда жамият тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода бу тушунча табиатдаи ажралиб чиққан моддий дунёнинг таркибий қисми, ўз-ўзидан ривожланиб турадиган кишилар ҳаётий фаолиятларининг мажмуини ифодалайди, тор маънода эса у кишилик тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тузумнинг аниқ турини англатади.

Кишилик жамияти табиат тадрижий тараққиётининг **муайян бир** босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир. Кишилик жамияти тараққиёти оламда рўй **бераётган** умумий қонуният жараёнининг муҳим бир таркибий қисмини ташкил этади ва у табиатда рўй бераётган диалектик **ривожланиш** билан бевосита боғлангандир.

Табиат тараққиётининг олий маҳсули бўлган жамиятни кишиларнинг фаолияти яратади, шу билан бирга одамнинг ўзи ҳам тарихнинг, ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг маҳсулидир.

Кишилик жамияти одамларнинг ишлаб чиқариш фаолият асосида вужудга келган. Ишлаб чиқариш жараёнида **кишилар** ўзаро муайян ижтимоий алоқа ва муносабатларда бўладилар. Бу алоқа ва муносабатлар барча ижтимоий муносабатларни •

йУ жумладан, кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар-инг ҳам асосидир. Ишлаб чиқариш муносабатларининг жаъми цжтимонй муносабатлар деб аталадиган нарсани, яъни жами-^тни вужудга келтиради, вужудга келтирганда ҳам тарихий та-'аққиётнинг муайян босқичида турган жамиятни вужудга кел-тиради.

Илмий фалсафа жамиятга мавҳум, ғайритарихий қарашга, яъни уни вакт билан ва унинг ўзи турган муайян тараққиёт босқичи билан боғланмаган ҳолда изоҳлашга асосланган метафизик тушунишни кескин танқид қилиб, умуман жамият йўқ за бўлмайди, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамият мавжуддир, деб «исоблайди. Жамият тараққиёти зарурий, қонуний жараён бўлиб, бу тараққиёт кишилар иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонунлар асосида амалга ошади.

I Жамият қотиб қолган эмас. Инсоният сингари ҳар бир алоҳида жамият ҳам кишилар иродаси, истагидан қатъи назар, ўзига хос объектив қонунларга биноан ривожланади, эскиси яигиси бнлан алмашади. Инсоният жамияти ўтмишдан келажакка томон юксалиб, илгарилаб бораверади. Жамият тараққиёти асосини меҳнат, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларга мувофнқ бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади.

I Моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг асосидир. Кишиларнинг маънавий ҳаёти моддий ҳаётнинг инъикоси, деган ғоя ҳозирги илмий социологиянинг туб масалаларидан биридир.

г Моддий ишлаб чиқариш кишилик жамиятида яшашнинг энг муҳим шартидир. Ишлаб чиқариш жамият ривожланишининг барча томонларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

г Моддий бойликларни табиат инсонга тайёр ҳолда етиштириб бермайди. Табиат бахш этган нарсалар билан ўз эҳтиёжларини қондирувчи ҳайвонлардан фарқли ўларок, инсон тирикчилиги учун зарур бўлган моддий буюмларни ўзи ишлаб чиқаради. Ҳайвонлар табиатга мослашади. Инсон эса табиатга фаол гаъсир кўрсатиб уни ўзгартиради, ўзлаштиради ва ўз мақсади иўлида ундан фойдаланади. Инсон ишлаб чиқариш қуроллари ёрдами билан табиатга таъсир қилади, ишлаб чиқаришни амалга оширади.

I Моддий бойликларга эга бўлиш учун уларни ишлаб чиқариш керак; Ишлаб чиқариш қуроллари бўлмаса моддий бойлик яратиб бўлмайди. Меҳнат қуролларини эса табиат инсонга ҳадя этмайди. Моддий бойликка эга бўлиш учун ҳам, ишлаб чиқариш қуроли яратиш учун ҳам меҳнат қилиш керак.

[ Инсон ҳаётининг абадий шарти бутун инсоният тарихининг асоси бўлган моддий бойликлар яратиш қуйидаги уч жиҳатни Уз ичига олади; 1) мақсадга мувофиқ фаолиятни, яъни меҳнат-н»; 2) меҳнат предметларини, турли хилдаги табиий материалларни (ишланган материалларни ҳам); 3) меҳнат предметларига таъсир кўрсатиш учун хизмат қиладиган меҳнат воситаларини (уларнинг асосий таркибий қисми ишлаб чиқариш қу-

ролларидир, ишлаб чиқариш қуроллари асбоблар, машииалап автоматлар ва бошқалардан иборатдир).

Ишлаб чиқариш ҳамиша ижтимоий хусусиятга эга бўлиб икки хил муносабатларни, яъни кишиларнинг табиатга ҳамда бир-бирларига бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Демак жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш тарихи, бу даставвал' моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш **тарихи** ҳамда асрлар давомида бирининг ўрнини иккинчиси заруриц равишда оладиган ишлаб чиқариш усуллари тарихидан иборатдир.

Моддий ишлаб чиқариш усулининг ўзи нимадан иборат? **Ишлаб** чиқариш усули моддий бойликларни ишлаб **чиқариш** жараёнидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб **чиқариш** муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқариш. бу **икки** муҳим томоннинг ўзаро алоқадорлигисиз меҳнат **қилиш** ҳам, моддий неъматларни яратиш ҳам мумкин эмас.

Моддий бойликлар ишлаб чиқармоқ учун аввало меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларига эга бўлмоқ зарур. Инсон меҳнати қаратилган буюмлар меҳнат предметлари деб аталади. Меҳнат предметлари ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутади. Меҳнат воситаларига, аввало, ишлаб чиқариш қуроллари, меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда инсон томонидан фойдаланиладиган машиналар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқалар киради. Меҳнат воситалари, яъни меҳнат жараёнининг моддий элементлари ҳам бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади.

Барча меҳнат воситалари ичида ишлаб чиқариш қуроллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, демак, жамиятни ривожлантириш учун энг катта аҳамиятга эга. Одамлар меҳнат қуролларисиз ишлаб чиқара олмайдилар. Инсон ана шу қуроллар ёрдами билангина тирикчилик воситаларини ҳосил қнлади.

Меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнаса ҳам, одамсиз бу қуроллар яратилмайди, ишлатилмайди. Ҳар қандай меҳнат қуроли, инсон амалий фаолияти самарасидир. Инсон меҳнат қуролларининг яратувчисигина эмас, шу билан бирга ундан фойдаланувчи, уларни доимий равишда такомиллаштирувчи ҳамдир.

Ишлаб чиқариш қуролларини яратиш ва уларни ишлатиш одамларнинг фаолиятисиз бўлмайди. Демак, инсоН — ишлаб чиқарувчи кучларпинг энг муҳим бўлаги, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Энг асосий ишлаб чиқарувчи куч сиｎ фатида инсон янги машина ва механизмларни ихтиро қилади. ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий кашфиётлар қилади, фан ва техникани, адабиёт, санъат ва маданиятни Р[11]^ вожлантиради, янги технологияни яратади. Инсон ўзининг оилими, тажрибаси, малакасига таяниб ишлаб чиқаришни амал га оширади. Инсон фақат ишлаб чиқарувчи кучдан иборат эма • Шу билан бирга у ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий мун сабатларнинг субъекти ҳамдир.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларниинг асосий қисмлари хусусида, ҳозирги шароитда фан ва техниканинг ўсиб бораётган ролп ва аҳамияти ҳақида фикр юритмасдан бўлмайди. Инсон Кшлаб чиқариш қуролларини такомиллаштира бориб, ўзининг цшлаб чиқариш малакасини ҳам ўзгартиради.

ГИжтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётнинг ҳозирги тарихий босқичида, фан ва техниканинг замонавий ютуқлларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда, инсон амалий фаолиятиШИГ барча соҳаларида мунтазам равишда фойдаланмасдан туриб олға ривожланиб бўлмайди. Моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ҳам шунга бевосита боғлиқ. Фан ишлаб чиқаришга, халқларнинг турмуш даражаси, маданияти, ахлоқи, дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни замонавий меҳнат қуроллари билан таъминлашда, жамият тараққиётида фаннинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада кучайди.

[ XX аср учун аҳамиятли бўлган хусусият шундан иборатки, бу даврда шунчалик кўп илмий кучлар ҳаракатга солиниб юборилдики, тарихдаги ўтмиш даврлардан ҳеч бири бу қадар кучларни ҳатто хаёлига ҳам келтира олган эм.ас. Ҳозирги авлод кўз ўнгида табиатнинг бугунга қадар инсон учун мавҳум ва номаълум бўлиб келган кучлари, ҳодиса ва жараёнлари билиб олиниб ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

Фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқариш янпидан-янги тармоқларининг юзага келиши ва турмушда қўлланишига замин яратади. Радиотехника, радиоэлектроника, электрон техникаси, синтетик кимё, ядро энергетикаси, сунъий тўқималар кимёси, электрон ҳисоблаш машинаси — булар ва бошқа шу кабилар фан ва техниканинг янги замонавий тармоқларидир. Инсониятнинг атом энергиясини эгаллаш, коинотни ўзлаштириш, автоматлаштириш, кибернетика, математика, физика, биология фанлари ютуқларидан фойдаланиш борасида эришган натижалари ҳайрон қоларлик даражада сон-саноқсиздир. Демак, ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучлар, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жаҳон миқёсида тезкорлик билан ривожланаётган экан, бу албатта, фан ва маДаниятнинг таъсири, уларнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга, ишлаб чиқаришнинг эса, фаннинг технологик татбиқига айланиб бораётганлигининг қонуний оқибатидир.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи кучлар модДрй ишлаб чиқариш усулининг фақат бир томонидир. Унинг иккинчи муҳим томони ишлаб чиқариш муносабатларидир. Инсоният тарихининг кўрсатишича, одамлар моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ва табиат кучларидан фойдаланишда якка-якка ҳолда, бир-биридан ажралган ҳолда, танҳо одам тариқасида иш кўрмайдилар. Ишлаб чиқармоқ учун одамлар ўзаро бир-бирлари билан муайян алоқа боғлайдилар, биргалашиб, жамоа бўлиб, жамият бўлиб ишлаб чиқарадилар.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида кишилар

хоҳлаш-хоҳламасликларидан қатъи назар, бирон-бир тарзл 1 **бир**-бирларига боғлиқ бўладилар, ҳар бир ишлаб **чиқарувчи** нинг меҳнати эса ижтимоий меҳнатнинг кичкина **бир қисмиг"** айланади. Ишлаб чиқариш ҳар доим ва ҳар қандай **шароитдя ижтимоий** хусусиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлардир. Моддий муносабатлар одамлар ўртасидаги барча мавжуд муносабатларнинг энг асосийси ва муҳимидир Улар бошқа ҳамма ижтимоий муносабатларни — турли гуруҳ! лар, табақалар ўртасидаги, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Маънавий, мафкуравий, ижтимоий сиёсий, оилавий, ахлоқий ва бошқа муносабатлар ҳам ишлаб чиқариш муносабатларига ёки моддий муносабатларга боғлиқ.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини мулкчилик шакли ташкил этади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар қандай тарихий тури худди шу мулк шаклига, яъни ишлаб чиқариш воситалари кимнинг ихтиёрида эканлигига боғлиқ.

«Узбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қо-; нун»га мувофиқ, ҳозир жаммятимиз иқтисодий негизини қуйидаги мулк шакллари ташкил қилади: 1) хусусий мулк; 2) ширкат (жамоа) мулки; 3) давлат мулки; 4) аралаш мулклар; 5) бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шакллари* нинг хусусиятлари ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатларни белгилайди.

Ишлаб чқариш муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишдангина иборат бўлмай, кишилар ўртасидаги мулкий муносабатлардан келиб чиқадиган турли ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда уларга боғлиқ бўлган маҳсулотларни тақсимлаш шаклларидан ҳам иборатдир.

Ишлаб чиқариш воситалари объектив муносабатлардир- Улар айрим шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан ўрнатилмай, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг аниқ тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари юқорида кўриб ўтганимиздек, ишлаб чиқариш усулининг ўзаро ажралмас икки томонидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатларисиз, ишлаб чиқариш муносабатлари эса ишлаб чиқарувчи кучларсиз мавжуд бўлмайди. УЛариивР диалектик бирлигисиз ишлаб чиқариш жараёни содир бўлмаиди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш жараёнинииг мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг ижтимоий шаклини ташкил этади. Диалектиканинг мазмунисиз шак . шаклсиз мазмун бўлмаслиги ҳақидаги назарий қоида иШДап. чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлиги асосида ривожланиш қонуниятлари моҳиятини ан!Л.м олишда методологик асосдир. Мазмун шаклга нисбатан муҲ[1] I

дзл қилувчи бўлганидек, ишлаб чиқариш усулининг мазмуни бўл-ган ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатлари-вйнг иқтисодий шаклини белгилаб беради.

I Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг доимий равишда ривожланиб туришининг асосий қисмлари ўртасидаги ўзаро ҳақиқий алоқадорликни фалсафий нуқтаи-назардан кедиб чиқиб таҳлил этиш жамият тараққиёти қонунлари моҳиятини илмий англаб олишнинг зарур шартларидан биридир.

## 2. Базис ва устқурма. Давлат ва сиёсий ташкилотларнинг жамият тараққиётидаги роли

Иқтисодий муносабатлар жамият маънавий ҳаётини, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик муносабатларини белгилайди. Ижтимоий гуруҳлар, табақалар, миллатлар, сиёсий партиялар, турли уюшмалар, касаба уюшмалари, диний муассаса кабилардан иборат бўлган жамият сиёсий ташкилотларининг моҳиятини ва фаолияти йўналишини жамиятнинг ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти белгилайди.

Базис ва устқурма ижтимоий муносабатларнинг ўзаро алоқасини очиб берадиган энг муҳим фалсафий тушунчалардир. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Маънавий муносабатлар моддий муносабатлар устида усқуртмадир.

Базис юнонча сўз бўлиб, «асос», бошқача қилиб айтганда, «пойдевор», «негиз» деган маъноларни билдиради. Базис деганда муайян жамиятнинг иқтисодий тузилишини ташкил этган ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуини тушунмоқ керак.

, Ҳар қандай базиснинг ўзига хос устқурмаси бўлади. Устқурма муайян иқтисодий базис асосида вужудга келадиган турли нжтимоий гоялар, ҳар хил сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлар ва шуларга мувофиқ келадиган муассасалар, ташкилотлар ҳамда шу гояларни амалга ошириш жараёнида инсонлар билан турли ташкилот, муассасалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар йиғиндисидир.

Ҳар бир муайян жамият ўзига хос базис ва унга мувофиқ келадиган сиёсий устқурмага эга. Базис билан устқурма ўзаро алоқадорликдадир. Устқурмани базис вужудга келтиради ва У базис билан чамбарчас боғлиқ. Базис қандай бўлса, устқурма ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Базис устқурмага нисбатан белгиловчидир. Бу қуйидагилардан иборат: 1) устқурмани базис вужудга келтиради, чунки Устқурма базис учун хизмат қилади. Устқурма базиснинг шаклланиши ва мустаҳкамланишида унга ёрдам беради, умри туrаган эски базис ва унинг эски устқурмасини тугатиш учун ку,-Раш олиб боради; 2) жамиятнинг иқтисодий базисида содир бўладиган ўзгаришлар, эртами-кечми, барибир, устқурмада ҳам ўз яфодасини топади; 3) агар базис ўзгарса ва тугаса, унинг уст-

қурмаси ҳам ўзгаради ва тугайди. Агар янги базис паидо бўл-са, унга мувофиқ келадиган устқурма ҳам пайдо бўлади.

Устқурма базисга нисбатан нисбий мустақилликка эга. Уст-қурма нисбий мустақиллигининг муҳим кўринишларидан бц!ри — унинг ворислик асосида ривожланишидир.

Устқурманинг нисбий мустақиллиги унинг иқтисодий **базис**-га кўрсатадиган фаол таъсирида ҳам намоён бўлади. Устқурма базисининг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши учун кўмаклашади. Агар устқурма ўз базисини фаоллик билан ҳимоя қилмаса, у ўз сифатидан маҳрум бўлади, яъни устқурма бўлмай қолади.

Сиёсий устқурма иқтисодий базисдаги ўзгаришларни шунчаки суст акс эттирмайди. **У** ўз навбатида иқтнсоДий **базисга** иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатади, жамият тараққиётиниг умумий оқимига узвий равишда қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда жамиятимизнинг сиёсий тузилишини такомиллаштириш, сиёсий ташкилотлар, муассасалар ишларини янада жонлантириш, кишиларнинг маънавий ҳаётида амалга оширилаётган йирик ўзгаришлар бежиз эмас, албатта.

Жамиятнинг ўз-ўзидан ривожланиб ва такомиллашиб туришида давлат, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар катта ўрин тутади.

Синфий антогонистик жамиятда давлат бир синфнинг нккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган қуролидир. Иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи, яъни ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи синф учун давлат мазлумлар ва эксплуатация қилинувчиларни бостнрувчи кучли қуролдир.

Муайян жамиятнинг иқтисодий базиси тепасидаги устқурманинг муҳим қисми бўлган давлат бу базисни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўради.

Давлатнинг асосий белгиси жамият ижтимоий ҳокимиятнинг мавжудлиги бўлиб, бу ҳокимият ўз навбатида қуролли кучга — армия, полиция, жандармерия ва шу ка/биларга таянади.

Бир-бирига қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда эса қуролли кучлар ҳукмрон синф қўлида бўлиб, халқни бостириш учун, уни бир ҳовуч эзувчиларга бўйсундириш учун хизмат қилади. Ваколатли органлар (парламентлар)дан бутуи бошли амалдорлар армия^сига эга бўлган жуда катта расмиятчиликка асосланган бошқарув аппаратидан, қидирув, суД ва прокуратура органлари, турма ва концлагерлардан шу мақсадларда фойдаланилади. Ана шуларнинг ҳаммаси ҳукмрон ҳокимиятнинг ижтимоий, сиёсий устқурмасини ташкил этади. Мавжуд қуролли кучларни сақлаб туриш учун давлат меҳнаткашлар оммаси гарданига солиқ, заём ва шу кабиларни юклайди. Бу ҳам давлатнинг белгисидандир.

Давлатнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда 'а:* шилар ибтидоий жамиятдагидек қариндошлик белгилари бў"11'

„а эмас, балки ҳудудий белгилар бўйича жойланади. Худудлар (Зўйнча жойлашиш — ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳ-натнинг тобора тақсимланиб бориши, савдонинг, товар алмашувининг ўсиши натижасидир.

| Давлат ўз фаолиятида ички ва ташқи вазифаларни бажа-[ради. Эксплуататорлик давлатнинг ички вазифаси — меҳнаткашлар оммасини ўзига бўйсуидиришдан иборатдир. Бу ўша давлатнинг моҳиятида ҳамда унинг ички сиёсатида мазлум синфларга қарши олиб борилган ишларида ўз ифодасини топади.

: Эксплуататор давлатнинг ташқи вазифаси — ўзга давлат ерларини босиб олишдан ёки ўз ерини ташқаридан бўладиган ҳужумлардан сақлашдан иборат. Бу вазифа муайян давлатнинг чет давлатлар билан муносабатида ҳамда унинг ташқи хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Ташқи сиёсат ички сиёсатдан келиб чпқади, у ички сиёсатнинг давомидир.

I Давлатлар қандай ижтимоий синфга хизмат қилишларига, қандай иқтисодий заминда, иқтисодий базисда юзага келганларига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар. Тарихда давлатнинг турли турлари маълумдир. Давлатнинг ҳар бир турига ндора қилишнпнг турли шакллари, яъни ҳукмрон синфнинг ҳукмронлик тартиботлари — ташкилотлари хосдир. Идора қилиш шакллари ҳар бир айрим мамлакат тараққиётининг аниқ тарихий шароитларига, мамлакатдаги синфий кучлар нисбатига, ташқи вазиятга боғлиқдир. Бироқ, идора қилиш шакллари қанчаликхилма-хил бўлмасин, улар қанчалик ўзгариб турмасин, давлатнпнг тури, унинг моҳияти, маълум иқтисодий тузум доирасида ўзгармай қола беради.

: Масалан, қулдорлик давлатининг идора қилиш шаклларини қуйидагилар ташкил этган эди: монархия (бир кишининг ҳокимпяти), аристократия (нисбатан кичик озчиликнинг ҳокимияти), демократия (кўпчиликнинг ҳокимияти).

Феодал давлати ҳам турли идора шаклларида ўз фаолиятинп юргизган. Уларга қуйидагилар киради: монархия, республика. Буржуа давлатининг шакллари ҳам хилма-хилдир: Республпка (АҚШ, Франция, Италия ва бошқалар). Чекланган монархия. Англия, Бельгия), фашистлар диктатураси (Гитлер Германияси, Франко Испанияси ва ҳоказолар).

К Ҳокимиятни идора этишнинг барча шакллари муайян давлатнинг ички ва ташқи функцияларини бажаришга қаратилгандир.

Давлат ҳокимиятининг мустаҳкамлиги, истиқболи унинг халқ оммасининг манфаат ва эҳтиёжларини қай тарзда ифода этишига бевосита боғлиқ. Шунинг учун давлат ҳукмрон синфлар, ижтимоий гуруҳлар билан бир қаторда муайян даражада кенг халқ оммасининг ҳам талаб ва истакларини бажаришга хизмат қилади. Бу биринчи навбатда халқ оммасининг сиёсий ! фаолияти, уюшқоқлиги ва талабчанлигига бевосита боғлиқдир. 1111 унингдек, халқ оммаси манфаатларининг қай йўсинда ифода-Даниши давлатнинг хусусияти ва бошқариш шаклларига ҳам

тааллуқлидир. Шуни назарда тутиб халқ оммаси давлатни мократик асосда бошқариш учун кураш олиб боради.

Жамиятнинг олға томон ривожланиб ва тараққий этиб **ту** ришида сиёсий партиялар алоҳида ўрин тутади. Сиёсий партиялар ижтимоий синф ёки қатламнинг фаол вакилларини **муайяк** мақсад йўлида бирлаштириб, уларга раҳбарлик қилади. **Сиёсий** партиянинг пайдо бўлиши жамиятнинг синфларга бўлиниши синфий кураш тарихи билан бевосита боғлиқ. Синфларга **бўли**нишга асосланган жамиятда душман синфлар орасидаги " кураш маълум тараққиёт босқичига етгач, муқаррар равишда сиёсий курашга айланади. Синфларнинг яхлит, тўла ва тобига етган сиёсий курашнинг ифодаси партиялар курашидир.

Сиёсий партиялар маълум бир синфларнинг, табақаларнииг манфаатларини ифодалайди ва уларга хизмат қилади. **Сиёсий** партияларни жуда масъул вазифаларга сайланиб қўйиладиган йўлбошчилар деб аталадиган энг обрўли, тажрибали кишилардан иборат бирмунча барқарор гуруҳлар идора қилади.

Партия билан айрим синфнинг, табақаларнинг ўзаро бирлиги уларнинг айнан бир хиллигини, тенглигини билдирмайди. Партиялар синфлардан фарқ қилади. Бу шундан иборатки, партия ҳеч қачон бутун синфни ўз ичига олмайди, унинг фақат бир қисмидангина иборат бўлади. Партиялар маълум сиёсий мақсадни кўзлаб онгли равишда уюшган муайян ижтимоий гуруҳлар, синфларнинг фаол вакиллари бирлашмаларидир.

Тараққий этган капиталистик мамлакатларда монополистик доиралар билан кенг халқ оммаси ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви кўпгина ижтимоий гуруҳ ва йўналиш вакилларини ўз ичига оладиган ва умумдемократик талабларни илгари сурадиган сиёсий партияларнинг шаклланишига олиб келади. Бундай партиялар мустамлакачилик асоратидан қутилган кўигина мамлакатларда ҳам тузилиб ижтимоий тараққиёт учун фаолият кўрсатмокда.

Сиёсий партиялар каби жамоат ташкилотлари ҳам жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Улар ўз вазифаларини ўзига хос шакллар ва усуллар асосида бажарадилар.

Жамоат ташкилотлари, уюшмалари ихтиёрийлик **асоснда** барпо этилган бўлиб, Низомлари ва ҳаракат дастурларини ўзлари қабул қиладилар, ўз ваколатларига кирган масалаларни ўзлари мустақил ҳал этадилар. Уларнинг бутун фаолияти Ў3' ўзини бошқариш, демократик норма ва асос эътибор **асосида** олиб борилиши лозим.

### 3. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари

Жамият тараққиёти инсон фаолиятининг ифодасидир- Ки^ шилар ўртасида содир бўладиган хилма-хил алоқа ва мунос " батлар, уларнинг ҳақиқий воқеликка, табиатга бўлган мунос батлари амалиётда ўз ифодасини топади.

Амалиёт кишиларнинг шундай фаолиятидирки, бу фаолият жамиятнинг яшаши ва ривожланишини таъминлайди.

Инсон ўзининг амалий фаолиятида ҳақиқий оламга таъсир этадн, уни ўз эҳтиёжлари асосида ўзгартиради. Инсон ўз амалий фаолияти жараёнида ижтимоий муносабатларни ривожлантиради, моддий бойликлар яратади, маданиятни юксалтиради. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши инсон ижтимоий амалиёти тарзида содир бўлади.

Инсонлар ўз тарихларини ўзлари яратадилар, уни ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда яратадилар. Кишиларнинг онг, иродасига боғлиқ бўлмаган, улар фаолияти мазмунини белгилайднган шароитлар ҳақиқий шарт-шароитлар деб аталади. Субъектив омил дейилганда эса халқ оммаси, партиялар, алоҳида кишиларнинг янги жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлида фаол онгли иштирок этишлари, иродаси, уюшганлиги назарда тутилади.

Мужассамлашган шарт-шароитлар ва субъектив омил ўзаро диалектик алоқадорликдадир. Улар бир-бирини тўлдиради, ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади. Аммо субъектив омилнинг хусусиятини, тузилишини ва йўналишини ҳақиқий шарт-шароитлар белгилаб беради.

Кишилик жамияти ривожланиши ҳақиқий қонунлар асосида рўй берса-да, лекин у кишиларнинг фаол амалий фаолиятисиз рўёбга чиқа олмайди. Бу жамият ривожланишини кишилар ўзлари хоҳлаган томонга буриб юбора оладилар, деган маънони билдирмайди. Тарихни кишилар ўз фаолиятлари асосида ривожлантирсалар-да, аммо уни умумий тараққиёт қонунларига тескари бўлган йўлга буриб юбора олмайдилар.

, Кишилар фаолияти тасодифий равишда рўй берадиган кўрсўрона жараён эмас. Кишилар ўз олдиларига аниқ мақсадларни қўйиб, уни амалга оширишга интилар эканлар, бу интилишларнинг заминида гавдаланган ривожланиш қонунларини билиш ётади. Табиат ва жамиятнинг таъсир этишида ҳақиқий қонунларга асосланиш инсон фаолиятининг эркин бўлишига олиб келади. Жамият тараққиётида инсоннинг билими ва фаол амалий фаолияти катта роль ўйнашига қарамай, унда гавдаланган Қонун ва боғланишларни ифода этувчи ҳақиқий шарт-шароитлар ҳал қилувчи ўринга эга. Жамият тараққий этиши учун фақат объектив шарт-шароитларнинг ўзи кифоя қилмайди, буннга учун субъектив омиллар ҳам етилган бўлиши зарур.

Демак, жамият аъзолари қанча онгли бўлса, яъни субъектив омил роли тез ўсиб борса, жамият тараққиёти шунчалик тезлашади.

1 Тарихий жараёнлар субъекти ва унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларига халқ оммаси киради. Халқ деганда, энг аввало, меҳнаткаш омма тушунилади.

Халқ оммаси—жамиятнинг ҳал қилувчи кучидир. Бу энг аввало унинг моддий бойликлар яратишдаги фаолиятида ўз ифодасини топади.

Жамиятнинг ривожланиш тарнхи моддний бойликлар ишлаб чиқариш усуллари тарихидан иборатднр. Инсон эҳтиёжларц учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уларни ишлаб чиқарадиган мураккаб меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналап технологиянинг ижодкори — халқ оммасидир. Ер юзидаги бап-' ча шаҳарлар, қншлоқлар, қадимги дунёнинг карвон йўлларини катта-катта иншоотлар, суғориш каналлари ва кўприкларни халқ ўз меҳнатн билан барпо этган Халқ оммаси ўз меҳнати билаи Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент, Шаҳрисабздаги ва бошқа улкан тарихий обидаларни юзага келтирган ва келтирмоқда.

Халқ оммаси жамиятнинг барча маънавий бойлигини яратувчн куч ҳамдир. Қишиларнинг маънавий ҳаёти гарчи улар моддий турмушининг инъикоси сифатида юзага келган бўлса-да, лекин у ўз навбатида бутуи ижтимоий тараққиётга ғоят катта таъсир кўрсатади. Жамият тараққиётида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва такомиллашувида, меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришида илм-фан ва маданиятнинг, инсон ақл-идроки ва заковатининг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Халқ оммасининг ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи куч эканлиги унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам намоён бўлади. Халқ оммаси тарих давомида бўлиб ўтган барча ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланади.

Халқ оммасининг ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи куч эканлиги унинг дунё миқёсидаги ҳамкорлигида, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда ядро уруши бошланиб кетишига йўл қўймаслик учун олиб бораётган курашида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги даврда табиатни муҳофаза қилиш, экология **ва** аҳолншуносликнинг энг ўткнр муаммоларини ҳал этиш, инсоният цивилизациясини асраб қолиш, баъзи бир **мамлакатларда** ҳамон кескинлигича турган озиқ-овқат муаммосини, хавфли касалликларни бартараф этишда дунё халқларининг биргаликда ҳаракат қилишларига бўлган зарурият кучайиб бормоқда.

Халқ оммаси тарихий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучидир, деган фикр, шахснинг жамиятда тутган ўрнини инкор этмайди. '

Ҳар қандай машҳур шахсларни етказиб берадиган асосий замин — халқ оммаси, меҳнаткашлардир. Инсон онадан доҳии бўлиб ҳам, улуғ арбоб ёки пайғамбар бўлиб ҳам **туғилмайДИ-** У ҳар қанча донишманд бўлмасин, барибир, у халқ фарзанднлир. Шахслар халқни эмас, аксинча, халқ шахсларни етказиб беради. Шахснинг вазифаси — ўзини етиштирган халқи **УЧУН** хизмат қилиш, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш **УЧУН** астойдил ҳаракат қилишдан иборатдир. Ана шундай **кишиларни:** тарихий шахслар, арбоблар,саркардаларни халқ доимо **ҚЎЛ"** лаб-қувватлайди, уларга ишонади, йўл-йўриқларига амал КИ* лади. Бундай йўлбошчиларга халқ ўзининг иссиқ бағрини очади. Раҳбарларнинг, тарихий шахсларнинг кучи — уларнинг ом-

ма билан ҳамнафаслнгнда, ҳар қандай шароитда ҳам оммадан ажралмаслигида, омма билан эт ва тирноқ сингари қўшилиб, бирикиб кетишларидадир. Халқ бахтини ўз бахти деб билган, умуминсоний манфаатлар йўлида ўзининг шахсий бахтидан воз кечган кишиларни тарих улуғ, ҳақиқий шахслар, деб билади ва ҳеч қачон унутолмайди.

Тарихий тараққиётнинг ҳақиқий эҳтиёжларига биноан, тарих майдонига чиққан сиёсий арбоблар, муайян синф, партпя, цжтимоий табақаларнинг манфаатларини, мақсад ва вазифаларини баён этадилар, уларнинг назарий дастурини, мафкурасини ишлаб чиқадилар.

Шахслар ижтимоий тараққиётни тезлаштиришлари ёки секинлаштиришлари, ҳаракатнинг мақсадга эришувини осонлаштиришлари ёхуд қийинлаштиришлари мумкин, бироқ воқеаларнинг умумий йўналишини ўзгартира олмайдилар, чунки уни тарихий, холис кучлар белгилаб беради. Шахслар ҳар қанча қудратли бўлмасинлар, барибир, тарихий воқеаларни ярата олмайдилар. Тарихий тараққиёт жараёнида шахсларнинг ва айрим кишиларнинг, орзу-истаклари энг кучли шахслардан ҳам кучли ва қудратлироқдир.

Шахс тарихни эмас, балки тарих шахсни яратади. Агар жамиятда бирон-бир шахсга, саркардага, буюк ихтирочига, даҳога эҳтиёж туғилса, бу эҳтиёж тарих томонидан эртами-кечми, бу ердами ёки бошқа бир жойдами қондирилади.

Атоқли сиёсий арбоблар, омманинг йўлбошчилари истаган вақтда эмас, балки жамиятни тубдан ўзгартирилаётган даврларда пайдо бўлади. Бу фикр бутун инсониятга тааллуқлидир. Фан, адабиёт, санъат ва маданиятдаги даҳолар, буюк мутафаккирлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихда номлари тилга олинадиган шахсларнннг ҳаммасини ҳам улуғ кишилар деб бўлмайди. Шахсларнинг хизмати тарихда ҳамиша бир хил бўлмаган. Айрим шахслар тарихий тараққиётни тезлаштириш, тарих ғилдирагини тезроқ айлантирпш учун ижобий таъсир этган бўлсалар, бошқалари бунинг аксини қилган. Буюк шахс шунинг учун ҳам букжки, у тарихий жараённи бошқаларга нисбатан чуқурроқ тушунади, жамият тараққиёти эҳтиёжларини олдиндан кўра олади ва эҳтиёжларни амалга оширишнинг назарий дастурини ишлаб чиқади. Улар ижтимоий ривожланиш қонуниятларини очиши, билиб олиши ва улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бера оладиган бўлганликлари учун ҳам буюкдир. Бу борада Г. В. Плехановнинг улуғ шахслар ҳақидаги фикри эътиборга сазовордир. *Улуғ кишини улуғ қилган нарса — деган эди у,— унинг шахсий хусусиятлари, улуғ тарихий воқеаларга алоҳида қиёфа беришида эмас, уни улуғ қилган нарса шуки, унда ўз замонасиинг умумий ва ўзига хос сабаблар таъсири остида пайдо бўлган улуғ ижтимоий эҳтиёжларга хизмат .қилмоқ учун эпг қобилиятли хусусиятлари борлигидир... Улуғ кишининг қобилияти ҳақиқатан ҳам бошқаларникидан кучлироқдир... У ижти-

моий муиосабатларнинг ўзидан олдннги ривожланиши туфайли вужудга келган янги ижтимоий эҳтиёжларни кўрсатиб беради- у шу эҳтиёжларни қондиришда ташаббус кўрсатишни ўз зиммасига олади. У қаҳрамондир, лекин у воқеаларнинг табиий боришини тўхтата оладиган ёки ўзгартира оладиган маънодаги қаҳрамон эмас, балки шу маънодаги қаҳрамондирки, унинг фаолияти ўта зарурий ва онгсиз жараённинг онгли ва эркин ифодасидир. Унинг бутун аҳамияти мана шундадир, унннг бутун кучи мана шундадир»[1].

Улуғ кишилар тарихнинг бурилиш даврларида, озодлик ҳаракатлари даврларида айниқса кўпроқ майдонга келадилар. Даврни, айниқса бурилишлар даврини идрок этишдан **иборат** ижтимоий эҳтиёжлар вужудга келган пайтда даврнинг ўзи ҳамиша шу ишни қилиш ички эҳтиёжларига айланиб қоладиган одамларни майдонга чиқаради. Тарих буни аллақачонлар кўрсатиб берган.

Буюк шахсларни эъзозлаш уларга снғиниш, сажда қилнш, деган сўз эмас. Шахсга сиғиниш муқаррар равишда халқ оммасининг хизматини инкор этишга, амалга оширилган барча ишларни бир кишининг номига боғлашга, жамоа хизматларини менсимасликка олиб келади. Афсуски, ўтмишда давлат ва партия раҳбарларининг хизматларини бўрттириб кўрсатиш, уларни кўкларга кўтариб мақташ ниҳоятда авж олиб кетган эди. Ҳозирги пайтда бунга чек қўйилмоқда.

Шахсга сиғинишга қарши кураш раҳ^барларнинг обрўсига путур етказмаслигн керак. Омма ўртасида шуҳрат қозонган, омма билан мустаҳкам боғланган обрўли раҳбарлар бўлмаса жамият олдида турган мураккаб ва хилма-хил вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас.

Тарихий жараёнларнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари бўлган халқ оммаси муайян синфлар ва ижтимоий табақалардан ташкил топади.

Синфлар кишилар гуруҳларидан иборат бўлиб, улар бирбиридан ўзининг тарихан муайян ишлаб чиқариш тизимида тутган ўринларнга, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари, ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги тутган ўринлари ва ниҳоят, ижтимоий даромад олиш усуллари ва миқдорларига кўра фарқ қиладилар.

Синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий фазилатларига боғлиқдир. Синфларнинг пайдо бўлишига ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкнинг юзага келиши сабаб бўлади.

Ижтимоий жамоа тузумидан бошқа ҳозиргача мавжуд бўлган барча синфий жамиятлар тарихи қарама-қарши **синфларга**

[1] **Плеханов Г. В. Шахснинг тарихдаги роли масаласига доир, 45- бет.**

ажралиб келганлиги ва бу синфлар ўртаснда кураш бўлиб турранлигини яққол кўрсатиб турибди.

• Синфий кураш бу — халқнинг бир қисмининг иккинчи қисмига қарши курашидир, ҳуқуқсиз, мазлум ва меҳнаткаш омманинг имтиёзлилар, эзувчилар ва текинхўрларга қарши курашидир^ и ч

Синфии курашни юзага келтирадиган, ҳақиқии заруриятга айлантирадиган асосий сабаб, жамиятнинг ўзидадир. Синфий курашни ўзаро бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган синфларнинг моддий, сиёсий, маънавий манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар туғдиради. Синфий курашнинг ҳар қандай шакли ва тарихий тури у ёки бу синфнинг мақсадлари ва манфаатларини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий манфаатлари ўзаро бир-бирига номувофиқ бўлганлиги туфайли тўқнашаётган ва муросасиз кураш олиб бораётган синфлардан бири мавжуд эски тузум ва сиёсий тартиботларни сақлаб қолишга, эндигина туғилиб келаётган янги жамиятни бўғишга, шу тариқа ривожланишни тўхтатиб қолишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилади. Курашувчи томонлардан иккинчиси эса, аксинча, эскилинни асоси билан супуриб ташлашга, янги жамият барпо этишга интилади. Антогонистик синфлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигининг моҳияти ана шундан иборат. Қайси бир синфий антогонистик жамиятни кўздан кечирмайлик, уларда қарама-қарши синфлар ўртасида шиддатли курашлар мавжудлигини, синфий кураш асосида ўша жамиятнинг ривожланиб борганлигини биламиз.

Қулдорлик тузумининг ривожланиш тарихи бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган қуллар билан қулдорлар ўртасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Қулларнинг қулдорларга қарши олиб борган курашлари кўпинча қуролли қўзғолонлар тусини олган. Бундай қўзғолонлар қадимги Миср, Хитой, Юнонистон, Рим сингари мамлакатларда узоқ давом этган ва даҳшатли тус олган. Масалан, Спартак раҳбарлигидаги қуллар қўзғолони эрамиздан олдинги 74—71 йилларда бўлиб ўтган. Бундай қўзғолонлар эрамиздан олдинги V—I асрларда ҳам бир неча бор бўлиб ўтган. Қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилган бўлса-да, лекин улар ўзининг амалий таъсирини тарихда ўчмас қилиб қолдирган. Қуллар қўзғолони қулдорлик тузуми негизини қўпора бошлади ва ички зиддиятлар оқибатида бу тузум емирилди.

Қуллар қулдорлик тузумини ағдариб ташлаб, ишлаб чиқаришнинг янги усулини, янги жамият бўлган феодализмни вуЖудга келтирди. Эзувчи ва эзилувчилар ўртасидаги муросасиз синфий кураш феодализм даврида ҳам тўхтовсиз давом этДи. Мазлум деҳқонлар оммасининг помешчикларга қарши олиб борган курашлари жаҳоннинг феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлик қилган деярли барча мамлакатларида бўлиб ўтди. Франциядаги Жакерия қўзғолони (XIV аср), Англия-

моий муносабатларииг ўзидан олдинги ривожланиши туфайли вужудга келган янги ижтимоий эҳтиёжларни кўрсатиб беради" у шу эҳтиёжларни қондиришда ташаббус кўрсатишни ўз зиммасига олади. У қаҳрамондир, лекин у воқеаларнинг табиий боришини тўхтата оладиган ёки ўзгартира оладиган маънодаги қаҳрамон эмас, балки шу маънодаги қаҳрамондирки, унинг фаолияти ўта зарурий ва онгсиз жараённинг онгли ва эркин ифодасидир. Унинг бутун аҳамияти мана шундадир, уннинг бутун кучи мана шундадир»[1].

Улуғ кишнлар тарихнинг бурилиш даврларида, озодлик ҳаракатлари даврларида айниқса кўпроқ майдонга келадилар. Даврни, айниқса бурнлишлар даврини идрок этишдан иборат ижтимоий эҳтиёжлар вужудга келган пайтда даврнинг ўзи ҳамиша шу ишни қилиш ички эҳтиёжларига айланиб қоладиган одамларни майдонга чиқаради. Тарих буни аллақачонлар кўрсатиб берган.

Буюк шахсларни эъзозлаш уларга снғиниш, сажда қилиш, деган сўз эмас. Шахсга сиғиниш муқаррар равишда халқ оммасининг хизматнни инкор этишга, амалга оширилган барча ишларни бир кишининг номига боғлашга, жамоа хизматларини менсимасликка олиб келади. Афсуски, ўтмишда давлат ва партия раҳбарларининг хизматларини бўрттириб кўрсатиш, уларни кўкларга кўтариб мақташ ниҳоятда авж олиб кетган эди. Ҳозирги пайтда бунга чек қўйилмоқда.

Шахсга сиғинишга қарши кураш раҳбарларнинг обрўсига путур етказмаслиги керак. Омма ўртасида шуҳрат қозонган, омма билан мустаҳкам боғланган обрўли раҳбарлар бўлмаса жамият олдида турган мураккаб ва хилма-хил вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас.

Тарихий жараёнларнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари бўлган халқ оммаси муайян синфлар ва ижтимоий табақалардан ташкил топади.

Синфлар кишилар гуруҳларидан иборат бўлиб, улар бирбиридан ўзинннг тарихан муайян ишлаб чиқариш **тизимида** тутган ўринларига, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари, ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги тутган ўринлари ва ниҳоят, ижтимоий даромад олиш усуллари ва миқдорларига кўра фарқ қиладилар.

Синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихнй фазилатларига боғлиқдир. Синфларнинг пайдо бўлишига ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий **мулкнинг** юзага **келиши** сабаб бўлади.

Ижтимоий жамоа тузумидан бошқа ҳозиргача мавжуд бўлган барча синфий жамиятлар тарихи қарама-қарши синфларга

[1] **Плеханов Г. В.** Шахснинг **тарихдаги роли масаласига доир, 45- бет.**

ажралиб келгаилиги ва бу синфлар ўртасида кураш бўлиб турганлигини яққол кўрсатиб турибди.

• Синфий кураш бу — халқнинг бир қисмининг иккинчи қисмига қарши курашидир, ҳуқуқсиз, мазлум ва меҳнаткаш омманинг имтиёзлилар, эзувчилар ва текинхўрларга қарши курашпдир.

Синфий курашни юзага келтирадиган, ҳақиқий заруриятга айлантирадиган асосий сабаб, жамиятнинг ўзидадир. Синфий курашни ўзаро бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган синфларнинг моддий, сиёсий, маънавий манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар туғдиради. Синфий курашнинг ҳар қандай шакли ва тарихий тури у ёки бу синфнинг мақсадлари ва манфаатларини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий манфаатлари ўзаро бир-бирига номувофиқ бўлганлиги туфайли тўқнашаётган ва муросасиз кураш олиб бораётган синфлардан бири мавжуд эски тузум ва сиёсий тартиботларни сақлаб қолишга, эндигина туғилиб келаётган янги жамиятни бўғишга, шу тариқа ривожланишни тўхтатиб қолишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилади. Курашувчи томонлардан иккинчиси эса, аксинча, эскиливни асоси билан супуриб ташлашга, янги жамият барпо этишга интилади. Антогонистик синфлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигининг моҳияти ана шундан иборат. Қайси бир синфий антогонистик жамиятни кўздан кечирмайлик, уларда қарама-қарши синфлар ўртасида шиддатли курашлар мавжудлигини, синфий кураш асосида ўша жамиятнинг ривожланиб борганлигини биламиз.

Қулдорлик тузумининг ривожланиш тарихи бир-бирига туб* дан қарама-қарши бўлган қуллар билан қулдорлар ўртасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Қулларнинг қулдорларга қарши олнб борган курашлари кўпинча қуролли қўзғолонлар тусини олган. Бундай қўзғолонлар қадимги Миср, Хитой, Юнонистон, Рим сингари мамлакатларда узоқ давом этган ва даҳшатли тус олган. Масалан, Спартак раҳбарлигидаги қуллар қўзғолони эрамиздан олдинги 74—71 йилларда бўлиб ўтган. Бундай қўзғолонлар эрамиздан олдинги V—I асрларда ҳам бир неча бор бўлиб ўтган. Қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилган бўлса-да, лекин улар ўзининг амалий таъсирини тарихда ўчмас қилиб қолдирган. Қуллар қўзғолони қулдорлик тузуми негизини кўпора бошлади ва ички зиддиятлар оқибатида бу тузум емирилди.

Қуллар қулдорлик тузумини ағдариб ташлаб, ишлаб чиқаришнинг янги усулини, янги жамият бўлган феодализмни вуЖудга келтирди. Эзувчи ва эзилувчилар ўртасидаги муросасиз синфий кураш феодализм даврида ҳам тўхтовсиз давом этДи. Мазлум деҳқонлар оммасининг помешчикларга қарши олиб борган курашлари жаҳоннинг феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлик қилган деярли барча мамлакатларида бўлиб ўтди. Франциядаги Жакерия қўзғолони (XIV аср), Англия-

даги Уот Тайлер қўзғолони (XIV аер), Германнядаги **Томас** Мюндер раҳбарлигидаги қўзголон (XVI аср)лар бунга **мисол** бўлади. Деҳқонлар қўзғолонлари XVII—XVIII асрларда Р$_{0С}$-сияда ҳам Болотников, Разин ва Пугачёв раҳбарлигида бўлиб ўтди. Деҳқонлар билан феодал помешчиклар ўртасидаги тўқ. нашувлар айниқса XIX асрнинг 50- йилларида, 1861 йилда крепостной ҳуқуқни бекор қилиш арафасида кучайиб кетди.

Деҳқонларнинг феодалларга қарши олиб борган кураши жамият тараққиётининг тезлашувига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди, феодализм негизларига қаттиқ путур етказди. **Оқибат** натижада феодализм ўз ўрнини капитализмга мажбурий равишда бўшатиб берди. Ижтимоий тараққиётнинг объектив конунларига биноан тарих саҳнасида пайдо бўлган капиталистик жамият синфий қарама-қаршпликларни тугатмади, балки яна ҳам кескинлаштириб ва чуқурлаштирнб юборди.

Синфий курашнинг антогонистик жамиятлар тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини ижтимоий инқилоблар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ижтимоий инқилоб жамиятда ва ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ҳаётда амалга ошириладиган шундай бир кескин туб ўзгаришлардан иборатки, бунинг натижасида илгари ҳукмронлик қилган синфларнинг ҳокимияти ағдарилиб ташланади, сиёсий ҳокимият бошқа синфнинг қўлига ўтади.

Ҳар қандай инқилоб жамиятда ифодаланган ички зиддиятлар ривожининг ва кескинлашувининг оқибатида юзага келади.

Ижтимоий инқилобнинг ҳақиқий моддий асоси янги ишлаб чиқарувчи кучлар билан эскириб қолган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятдир. Инқилоб мазкур зиддиятни бартараф этиб, эски сиёсий устқурмани емириб ташлайди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига кенг майдон очиб беради. Эски ишлаб чиқариш усули ўрнига янгиси келганда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлади.

Юқорида айтилганлардан синфий кураш, ижтимоий инқилоб эски ижтимоий-иқтисодий тузумдан янгисига ўтишнинг яккаю-ягона йўли деган хулоса келиб чиқмайди. Синфий кураш, инқилобий ҳаракатлар бир-бирига кескин қарама-қарши бўлган антогонистик жамиятларгагина хос жараёндир.

Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Узининг бетакрор тарихи, маданияти, анъаналарига эга бўлган ҳар қайси халқнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли мавжуд. Буни биз республикамиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданиимаънавий ва бошқа соҳаларидаги туб ўзгаришлар, синфий кураш, инқилоб йўли билан эмас, балки аста-секинлик, тадрижий ривожланиш асосида содир бўлмоқда.

«...Шаркда,—дейди **И.** Каримов,—демократик **жараёнлар**

узвий равишда ва аста-секин тараққнй топади. Бу соҳада инқилобпй ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожпали иатижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.»[1] Ҳақиқий ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилаётгап мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй бераётган зидднятлар, муаммолар синфий кураш, инқилоб йўли билан эмас, балки миллий келишув, осойишталик йўли билан ҳал қилиб келинмоқда.

И. Каримов таъкидлаганидек, «биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.»[2]

Бугун жамиятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли содир бўлаётган мулкий жараёнларнинг ўзгариши кишиларнинг •свскин табақаланишнга — ошиб-тошиб кетган бойлару қашшоқларга-бўлиниб кетишига йўл қўйилмайди.

I Ҳозир бизнинг жамиятимизда ишчи синфлар, деҳқонлар ва зиёлилар билан бир қаторда янгидан шаклланаётган мулкдор синфн фаолият кўрсатмоқда. Давлат ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун баравар имкониятларни вужудга келтирмоқда.

: «Мустақил Узбекистоннинг сиёсий хусусияти унинг барқарорлигида, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро камжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида, синфий, ижтимонп ва днний белгиларига қараб бнр-бирига қарама-қарши, турган турли сиёсий гуруҳларга бўлинишининг йўқлигида намоён бўлмоқда»[3].

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум ўз пайдо бўлиш ва ривожланиш қонунларига эгадир. Шу билан бирга уларнинг Ҳар қайсисида жаҳон тарихининг ягоиа бир жараёнига боғ-,ловчи умумий қонунлар ҳам амал қилади. Инсоният жамиятн тарихида турли ижтимоий-иқтисодий тузумлар бир-бирининг ўрнини эгаллайди. Жамиятнинг олға томон илгарилаб бориши шу тариқа амалга ошади.

Бир ижтимоий тузум бошқасидан нима ншлаб чиқаргани би-

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболпнинг асосий тамойиллари, Т., 1995, 10—11-бетлар.**

[2] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқСолининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 26- бет.**

[3] **Каримов И. А. Узбекистон лқтисодийислоҳотларии чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995, 167- бет.**

лан эмас, балкн қандай ишлаб чиқаргани билан ҳамда **ишлаб** чиқариш усулига қараб фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш усулининг зарур таркибий қисми бўлгац ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий тузумнинг моддий асосини белгилайди ҳамда унинг аниқ базисини ташкил этади. Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий каби қарашлари ва шу қарашларга мувофиқ келадиган **муас**саса ва ташкилотлари пировард-натижада ана шу иқтисодий негиз заминида вужудга келади.

Ижтимоий-иқтисодий тузумга базис ва устқурмадан ташқари кишилар бирлигининг тарихий шакллари ҳисобланган — миллат, элат, қабила, уруғ, синфлар, оила, тил ҳам киради.

Инсоният тарихи ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг бирининг иккинчисига, эскининг янгиси билан қонуний равишда ўзаро алмашиниб туришидан иборат. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум инсоният олға томон илгарилаб борадиган тараққиёти йўлидаги зарурий бир босқичдир. Маълумки, тараққиёт ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Инсониятга хос бўлган ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш бир тузумдан бошқасига ўтиш жараёнидагина эмас, айни пайтда ҳар бир тузум доирасида қуйи босқичдан юқори босқичга томон ривожланиш жараёнидан ҳам иборатдир.

Жаҳон тараққиёти пастдан юқорига, ўтмишдан келажакка томон борадиган чексиз жараёндир, ва бу жараён кишиларнинг онги ва иродасига боғлиқ бўлмай балки, аксинча, уларнинг онг ва истакларини белгилаб беради.

Ижтимоий тараққиёт қонунлари объектив қонунлардир. Бунинг маъноси шундаки, жамиятнинг юксалишга томон илгарилаб боришини айрим кишилар ҳам, синфлар ҳам ҳеч қачон тўхтата олмайдилар. Жамият ҳатто ўз тараққиётининг табиий қонуни изига тушган тақдирда ҳам тараққиётнинг табиий босқичларидан сакраб ўтолмайди, қонун, фармойишлар чиқариш йўли билан уларни бекор ҳам қила олмайди.

Ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг изчиллик билан алмашинуви ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки ишлаб чиқариш усулларининг алмашинувига асосланади. Эски ишлаб чиқариш усули ўрнини янгиси олганда бутун ижтимоий тузумнинг бошдан-оёқ ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳар бир тузум жамиятнинг илгарилаб боришига қачонгача ёрдам бериб тура олса, унинг ўша пайтгача яшаб туриши тарихан муқаррардир. У[3] имкониятларини тугатиб тараққиётга ғов бўлиб қолиши билан унинг ҳалок бўлиши, унга нисбатан афзал ва устунроқ бўлган янги ижтимоий тузум билан алмашинуви объектнв зарурН'ятга айланиб қолади.

Ижтимоий тузумнинг, ижтимоий ғоялар, сиёсий, ҳуқуқнйахлоқий ва бошқа қарашлар ва шуларга мувофиқ **келадиган** муассасаларнинг, жамиятнинг синфий таркиби ва бошқа ШУ кабиларнинг ўзгариши ҳам оқибат — натижада ишлаб чиқарнш

.,суги билаи белгиланади. Кўриниб турганидек, жамиятнинг ^шлаб чиқариш усули қандай бўлса, жамиятнинг ўзи ҳам, унинг гоялари, назариялари, сиёсий қарашлари ва муассасалари ҳам асосан шундай бўлади.

Тараққиётнинг фаол равишда илгарилаб бориши ўзининг баъзи хусуснятларига эга. Биринчидан, ўзгаришлар тасодифий равишда эмас, балки қонуний тарзда содир бўлади. Иккинчидан, бу ўзгаришлар орқага қайтарилмайди. Учинчидан, тараққиёт вақт-вақти билан такрорланиб турадиган тартибсиз ўзгаришлардан тубдан фарқ қилади. Тўртинчидан, тараққиёт эскининг янги томонидан, қуйининг юқори томонидан рад этилиши орқали амалга ошади. Бешинчидан, тараққиёт ҳеч қачон ва ҳеч бир жойда тўғри чизиқ бўйлаб бормайди, балки ғоят мураккаб жараён сифатида амалга ошади.

Тараққиётнинг энг муҳим хусусияти доимий равишда олға томон илгарилаб боришдир. Кишилик жамиятининг ўсиши, ўзгариши ва ривожланиши ўтмишдан келажакка томон бораётган жараённи ифода этади. Ишлаб чиқариш қуролларининг оддий, бўпол тошболта ва найзалардан ҳозирги замоннинг мураккаб техникаси томон бораётганлиги бунинг исботидир. Жамият ҳаётининг қайси бир томонини олиб қарамайлик, ҳамма жойда ҳаракат, ўсиш, узгариш мавжудлигини кўрмай иложимиз йўқ. Кишилик жамиятидаги тараққиёт оламда рўй бераётган умумий диалектик жараённинг муҳим бир таркибий қисмини ташкил этади.

Тарих ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанлик инсоният жамияти ҳеч қачон бир нуқтада туриб қолмаслиги, ижтимоий тараққиёт вақт сингари орқага қайтмайдиган жараёндан иборатлигинн кўрсатади. Жамият тараққиёти ҳамиша битта йўлдан, ўтмишдан ҳозирга, ҳозирдан келажакка томон боради.

Г' Жамият ривожланиши кишиларнинг хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошувчи табиий-тарихий жараёндир.

Тарихий тараққиёт жаҳоннинг барча мамлакатларида бир хил тезликда бормайди. Бу нарса тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидан келиб чиқади. Халқлар, мамлакатварнинг, миллатларнинг ижтимоий ривожланишда тутган ўрни, юксалиш суръати ҳам бир хилда бўлмасдан, балки турлича бўлган. Узгарувчан тарихий тараққиёт жараёнида айрим халқлар олға кетиб, бошқалари эса ўзининг юксалиш имкониятп жиҲатидан цивилизация тараққиётининг умумий оқимидан четда Қолиб, тараққиётнинг турғун шакллари билан чегараланиб қолганлар. Бироқ тарихий шароитнинг ўзгариши билан цивилизаЦиянинг улкан ютуқлари чегарасидан четда қолиб кетган халқлар ва миллатлар ҳам тарихий тараққиётнинг оқимига келиб Қўшиладилар, илгари қолоқлик, турғунлик ҳолатидан қутулиб, Ижтимоий ва сиёсий тараққиётда етакчилик қилаётган халқларга етиб оладилар, ҳатто улардан ўзиб ҳам кетишлари мумкин. Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айни бир давр-

нинг ўзнда Ер юзнда бир неча ижтимоий-иқтисодий тузумлаоЗ нннг бир вақтда яшаганлигини кўришимиз мумкин.

Тарихий тараққиёт нурафшон йўл билан борадиган **ҳаракат** сифатида кенг маънодаги тушунча бўлиб, бу тизимнинг биа бутун қисмини ва унинг айрим бўғинларини тавсифлайди. Цж. тимоий ҳаётда илмий-техник тараққиёт билан бирга **ижтимоця** тараққиёт, маънавий тараққиёт, ахлоқий тараққиёт ва бошқалар ҳам мавжуд бўлади. Уларнинг ҳаммаси бир-бири **бнлан** узвий боғлиқ бўлиб, жамият ҳаёти у ёки бу томонларининг ^зига хос хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради.

Кишилик жамиятининг тўхтовсиз равишда ривожланиб, илгарилаб бориши жараёнида ишлаб чиқарувчи кучлаонинг даоажаси ошиб боради, ҳар бир янги тузум, фан-техника ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун ўзидан олдинги тузумларга нисбатан кенг имкониятлар очиб беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлардан кейин бутун ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз беради. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий тараққиётнинг асосий ва олий мезони ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг ижтимоий тараққиётнинг мезони деб ҳисоблашнинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар бўлмаса жамият яшаш ва ривожланишининг асоси бўлган моддий бойликларни яратиб бўлмайди. Моддий бойликлар бўлмаса ва улар такрор ишлаб чиқарилмаса, жамият яшай ҳам, ривожлана ҳам олмайди. Тарих шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳамиша такомиллашиб боради, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам янгиланиб, ривожланиб туради. Кўриниб турганидек, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти кишиларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқариш каби энг муҳим соҳадаги тараққиётнинг бевосита белгисидир. Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти ишлаб чиқариш муносабатлариииинг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига ва даражасига мувофиқ келмай қолиши иқтисодий тузумдаги ўзгаришларга, бир нжтимоий тузумдан бошқа тузумга ўтишга сабаб бўлади. Учинчндан, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти инсоннинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш даражасини белгилаб беради. Тўртинчидан, ижтимоий муносабатлар, илм-фан, маданият, табобаг ва ижтимоий соҳалардаги тараққиёт ҳам оқибат натижада ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига бевосита боғлиқ.

**Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

**1. Жамнятга фалсафий ёндашишнинг асосий тамойнллари нималарДан иборат?**

**2. Жамиятнинг моддий ҳаёт шароитлари нима ва унинг асосий белгилари қандай? Базис ва устқурма-чи?**

**3. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари дера да нимани тушуниш керак?**

**4. Жамият тараққиёти табиий-тарихий жараён эканлиги** моҳиятини **ер 1 тинг.**

**5. Тарихий жараёнда халқ оммаси амалий фаолиятининг ўсиб бори" буюк шахсларнинг тутган ўрни муаммоси бўйича давра суҳбати таШ этинг.**

## XIII БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

### 1. Сиёсий мустақиллик — давлат барқарорлигининг омили

Инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг таъминланиши, бахтиёр ҳаёт кечириши, ҳар томонлама камол топиши унинг демократик мустақнл давлатда яшаши билан белгиланади. Тарих шуни кўрсатадики, инсоннинг барча орзу-умидлари, истаклари фақат ривожланган мустақил демократик давлатдагина тўла рўёбга чиқиши мумкин.

Миллий мустақилликка эришиш давлат ҳокимиятини қўлга киритишдан бошланади. Чунки сиёсий мустақилликсиз давлат мустақиллигига эришиб бўлмайди. Сиёсий мустақиллик айнн бир пайтда ҳам иқтисодий мустақилликнинг, ҳам маданий-маънавий мустақиллнкнинг ўзаги, негизидир.

; Яқин-яқингача Узбекистон гарчи миллий давлат, мустақил республика деб ҳисобланса-да, амалда мустамлака ҳолида яшарди. Марказий ҳокимият унга ваъда қилинган ҳуқуқларни, тенглик, озодликни, мустақилликни бермади. Республпканинг, иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий ҳаётининг барча жабҳаларини бошқариш унинг ихтиёридан четда эди.

| Узбекистон Республпкасн мустақил давлат деб эълон қилинганидан кейин халқимизнинг сиёснн ҳаётида янги давр бошланди.

I Сиёсий мустақилликнинг маъноси, туб моҳияти, асосий белгилари нималардан иборат? Сиёсий мустақилликнинг дунё бўйича тарихан эътироф этилган ва амал қилиб келинаётган бирламчи, белгиловчи омили — давлат ҳокимиятига, давлат муассасаларига сўзсиз эга бўлишдир.

Р Сиёсий мустақиллик — бу ҳар бир халқ ва миллатнннг ўзини ўзи идора этиши, ўз тақдирини, фарзандлари келажагпнп ўзининг қалб амри, хоҳиши ила ҳал этишидир.

!Г Снёсий мустақиллик давлат чегараси ва ҳудудининг дахлснз ва бўлинмаслигини, унинг халқи розилигисиз чегара ва ҳудудини ҳеч қачон ўзгартириб бўлмаслигини ҳам билдиради.

| Ҳар қандай давлат сиёсий мустақиллигининг энг муҳим, асосий белгиларидан яна бири — ўз Қонституциясига, фуқаролигига, тилнга, миллий пулига, миллий байроғи, герби ва миллий мадҳиясига эга бўлишдир.

| Сиёсий мустақиллик ҳар бир давлат ёки республиканинг **ички** ва ташқи сиёсати соҳасидаги ҳамма ва ҳар қандай ишларни ўзи мустақил амалга оширишни ҳам билдиради.

\ Узбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Чустақил Узбекистон Республикасининг давлатчилиги қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажРатиш тамойилига асосланади. Халқ — давлат ҳокимиятинннг [6]ирдан-бир манбаидир.

Конституциямизга биноан Узбекистон Республикасининг

Олий Мажлиси олий давлат оргаии бўлиб, қонун чиқарувчи ҳо. кимиятдир.

Сиёсий мустақиллик туфайли Узбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланди. Президентлик бошқарув усули униниг ўзагидир.

Узбекистонда президентлик идора усули таъсис этилганлиги муҳим воқеа бўлди. Унинг таъсис этилиши қонунларни, давлатнинг бошқа ҳужжатларини ижро қилиш воситасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

«Узбекистон Республикасининг Президенти Узбекистоа Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир». У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади.

Узбекистон Республикаси Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Конституцияда белгиланган ана шу қоидага амал қилиб, халқимиз ўз тарихида илк бор 1991 йилнинг декабрида Узбекистон Республикаси Президентини сайлашга муяссар бўлдн. Ислом Абдуғаниевич Каримов — мустақилликни қўлга киритган республикамизнинг биринчи Президентидир.

Президентлик бошқарувининг жорий этилиши Узбекистон Давлат мустақиллигининг энг муҳим кўринишларидан биридир. Президентлик бошқарувининг асосий моҳияти — ўз халқи, мамлакати тақдирини ўйлаш, республика суверенитети, хавфснзлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, ўз халкига садоқат билан хизмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат берни, республика конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишдан иборатдир.

Асосий Қонунимиз — Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Узбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Узбекистон Республикаси Президенти сиёсатининг бош йўлларидан бири — ҳамма нарсадан қонунни устун қўйиш, қоиун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, ана шу асосда фуқаролар жамиятини вужудга келтириш, мустақиллигимизнинг сиёсий-ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашдан иборатдир

Қонунлар, фармонлар, фармойишлар ижро этилмаса, уларнинг амалий аҳамияти бўлмай қолади. Ижроия ҳокимияти бўлмаса, қонун бажарилмайди, тартиб ва интизом бўшашиб кетади.

«Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса,— дейди И. Каримов,— ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар^ ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилйнишинп, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ эхилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади»[1].

Давлат ҳокимиятининг яна бир томонини суд ҳокимияти ташкил этади. Узбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоа бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Конституциямизга биноан Узбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Узбекистон Республикасн Конституциявий суди, Узбекистон Республикаси Олий суди, Узбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд соҳаларига бўлиниши — жамиятни демократик йўналишда ривожлантиришнинг асосий гаровидир.

Узбекистон Республикасининг ижтимоий асоси — фуқаролар жамиятидир. Узбекистонда шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — у ўзбекми, тожик, қирғизми ёки қозоқ, туркманми, рус ёки украинми, уйғур ёки татарми, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, барибпр, бир хил имтиёзга эга, қонун олдида тенгдир. Уларнинг ҳаммаси республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Узбекистон Республикаси инсонпарварлик қоидаларига қатъий амал қйлиб, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг вакилларига иззат-икром кўрсатади, уларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди. Бу — Узбекистон давлат мустақиллигининг буюк ютуқларидан биридир.

Давлат мустақиллигини қўлга киритган Узбекистон Республикаси инсонпарвар демократик тузумга ўтиш йўлини ўзи учун мақбул деб билди. Бу йўл фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йўлидир.

Фуқаролик жамияти Узбекистон Республикасининг ижтимоий асосидир. Фуқаролик жамияти — эркинлик, озодлик, тенглик, ижтимоий адолат жамиятидир. Инсон манфаати учун хизмат қилиш, турмуш фаровонлигини таъминлаш, унинг қобилияти, таланти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ниятлари, орзуумидларини амалга ошириш унинг олий мақсадидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Узбекистон — келажаги буюк давлат. Бу—мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фукаро-

[1] Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992, 29- бет.

[1] Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993, 43—44-бетлар.

ларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.»[1]

Бошқача қилиб айтганда, Узбекистон Республикаси, биринчидан, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлнгнга асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган демократик давлатдир. **Иккинчидан,** фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчликсевар давлатдир. **Учинчидан, ўзбек** халқининг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маданий-маънавий, ахлоқий, тарихий қадриятлари, миллий урф-одат, удум ва анъаналарига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатдир. **Тўртинчидан,** ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаб ва ҳис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир. Ҳозирги пайтда Узбекистонда қарор топаётган давлат — бу демократик-**ҳуқуқий** давлатдир.

Давлат мустақиллиги туфайли республикамизда халқнинг ўзини-ўзи кенг бошқаруви жорий этилди. Конституцияда кўрсатилганидек, Узбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Букдай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Уз-ўзини бошқаришнинг маъноси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча муҳим масалалари бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, уларни муҳокама этиш, қабул қилиш ва амалга оширишда иштирок этишларидан иборатдир.

Мустақиллик шароитида ўз-ўзини бошқариш халқнинг яратувчилик қудратини оширади, унинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини кучайтиради. Уз эркига эга бўлган, мутелик ва қулликдан қутилган жамият фуқароси ўзини энг бахтли инсон деб билиб ва чуқур ҳис этиб, ҳар қандай мураккаб ва масъулиятли ишларни ҳам буюк жасорат билан қиладн ва тарихни яратадиган ва ҳаракатга келтирадиган буюк мўъжизакор кучга айланади.

Ҳуқуқий давлат Узбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмаларн, сиёсий партиялар, жамоат уюшмалари, фахрий ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва бошқа жамоат бирлашмалари манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этнш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратнб беради. I

Айни пайтда ҳуқуқий давлат Узбекистоннинг **мустақиллиги**га, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, **миллий** ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, конституциявий тузумни зўрлик бнлан

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкур[3]- 43- бет.**

р

-ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, халқнинг демократик эр-«нликлари ва маънавиятига тажовуз қилувчи партиялар ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини тақиқдайди.

! Узбекистон Республикасининг мустақил ҳуқуқий давлат сифатидаги тараққиётини кўп партияли тизимсиз тасаввур этнб бўлмайди. .

Г Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмрқдамиз. Шундай экан, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли |ил вазифалари — жамоат ташкилотлари, халқ зиммасида бўлиши табиийдир.

Давлат мустақиллигини такомиллаштиришнинг муҳим омили — кўп партиявийликни ривожлантиришдан иборатдир. Жамиятимизда бир қанча сиёсий партиялар бўлиши табиийдир. Етмиш йил ичида халқларнинг бошига тушган кулфатларнинг сабаби ва илдизи шундаки, мамлакатда ҳамма вақт битта партия ҳукмронлик қилиб келди. Уни танқид қиладиган, хатоларини фош этадиган, камчиликларинн юзига соладиган бошқа партиялар бўлган эмас. Шу сабабли ушбу ҳукмрон партия йўл қўйган хатолар ҳам тўғри деб тасдиқланиб келинган. Пировард натижада, бу хатолар янада жиддийлашиб, чуқурлаша бориб, батамом инқирозга олиб келди. Илғор мамлакатларнинг ҳаммасида сиёсий партиялар кураши жамият ҳаётининг жуда муҳим қисмини ташкил этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда бирин-кетин ҳар хил партиялар ва оммавий ҳаракатлар фаолият кўрсатмокда.

Кўп партиявийликнинг ривожланиши бу табиий ва қонуний жараён бўлиб, жамиятимиз тараққиётида катта ўрин тутади. Диалектика қонунларига биноан нарса ва ҳодисаларни, шу жумладан жамиятни ҳам ҳаракатлантирувчи асосий кучни қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва уларнинг доимий кураши ташкил этади. Қарама-қаршиликлар кураши бўлмаган жойда турғунлик даври бошланади, жамият аста-секин ич-ичидан чнрий бошлайди, фикрлар ва нуқтаи-назарлар кураши ўрнига бирбирларини кўкка кўтариб мақташ, камчиликларни хаспўшлаш, Қўшиб ёзиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, порахўрлик, од-4дий кишиларни менсимаслик ва бошқа шу каби салбий ўзга-Ь ришлар кенг илдиз отади.

Афсуски, кўп йиллар мобайнида бизнинг жамиятимизда фал-I сафанинг ана шу муҳим қоидаси билан ҳисоблашмадилар. На-I тижада компартиянинг айтгани — айтган, дегани — деган бўлиб [ Қолаверди. Бунинг нималарга олиб келганп энди бизга маъ-| лум. Утмишдан сабоқ чиқариб эндиликда кўп партиявнйликнинг ' ривожланиши учун биз керакли ҳамма имкониятларни яратиб |Єермоғимиз лозим. Кўп партиявийлик асосида биз жамиятдагн I Ҳар бир фуқарони ўз фикри, ўз қараши, ўз нуқтаи назарига эга I 'бўлган, ҳар бир масалани мустақил чуқур таҳлил қила олади-1 'ан инсон қилиб тарбиялаш имкониятига эга бўламиз. Бу эса

халқ оммасининг сиёсий савиясинн кўтариб, уларнинг куч-қуд. ратини республикамизнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар қилишда катта аҳамият касб этади.

Республикамиз раҳбарияти сиёсий партиялар, жамоат **таш**килотлари билан ҳамкорликни, мулоқотни ривожлантиришга улар билан жипслашишга интилмокда. Демократик партиялар учун фақат меҳнаткаш халқ манфаатлари, танлаб олинган демократик йўл эҳтиёжларини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад бўлиши мумкин эмас. Халқ хўжалигини барқарорлаштириш, сиёсий ва иқтисодий тангликларни бартараф этиш, бозор муносабатларига ўтишни амалга ошириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат келажагимиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлик ва инсонпарварлиқ қоидаларини қарор топтириш йўлида жамиятни демократик негизларда янгилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Республиканинг сиёсий-иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни, барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини амалга ошириш ана шуларга қаратилган тадбирлардир.

Давлат мустақиллиги, сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашда сиёсий партиялар каби жамоат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Буни жамиятимиз жамоат ташкилотларп мисолида очиқ-ойдин кўриш мумкин. Буларга касаба уюшмалари, Ешлар уюшмалари, ижодий ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари ташкилотлари, маданият фонди, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган турли жамиятлар ва шу каби бошқа ташкилотлар киради.

Жамоат ташкилотлари давлат ишларини бошқаришга сиёсий-хўжалик, таълим-тарбия, маориф, ижтимоий, маданий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-нктисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, уй-жой ва моддий неъматларни тақсимлашда, фуқароларнинг, ёш авлоднинг сиёсий маданиятини ошира бориш, ижтимоий фаолиятини кучайтиришда, миллий ва миллатлараро муаммоларнн ҳал этишда қатнашадилар. Шу тариқа уларнинг ҳаммаси жамиятимизнинг сиёсий мустақиллигига ўз ҳиссасини қўшади.

Утмишда рўй берган салбий ҳодисалар туфайли **Узбекистон** ўзининг давлат мустақиллигини йўқотган эди. **Бошқарув** шакллари **ва** усулларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги, оқибат—натижада Иттифоқнинг **ҳоким, республикалар**нинг эса тобе, бошқача айтганда, вассал **бўлиб** қолганлиги жамиятимиз тараққиётига ғов бўлди. Шахсга сиғиниш авжига чиққан, қатағон кучайиб кетган пайтларда республика ҲУКУ'^" лари пасайиб оёқ ости қилиб келинди. Гарчи асосий қонун булган Конституцияда республикалар мустақил **деб белгилаб** ку-

йилган бўлса-да, лекнн уларнинг барча эҳтиёжлари, ваколатдарнни марказ ўз қўлида мустаҳкам ушлаб турди. Марказнннг гапи — гап, айтгани — айтган эди, у тўғрими, нотўғрими барибир, бажарилишн шарт эди! Қабул қилинган қарорлар ва қонунларнинг баъзилари республикалар учун унчалик тўғри келмаса-да, бажарилиши сўзсиз талаб қилинарди. Ер ва ер ости бойликларига эгалик қилиш, ички ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш, миллий тиллар ва маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни қай даражада ривожлантириш сингари энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқи республикалар томонидан олиниб, юқоридан белгиланадиган бў* либ қолган эди. Шунинг учун собиқ Иттифоқнинг турли республикаларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар, миллий можаролар, эслатиб ўтилган нотўғри сиёсатнинг қонуний оқибатларидир, десак янглишмаган бўламиз.

Тарихий ривожланишнинг ҳозирги туб бурилиш босқичи республикамиз сиёсий тизимини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу мураккаб вазифани республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалда тасдиқламасдан маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун курашмасдан, жумҳуриятларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаб олмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди.

Сиёсий мустақиллик — миллий эркинлик демакдир. Бу республиканинг, унинг халқининг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши, ўзининг миллий давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлиниши масалаларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлишидир. Бу яна ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари ҳамда бошқа мол-мулк муассасалари фақат республиканинг мулки бўлиши лозим деган маънони ҳам билдиради.

Узбекистон Республикаси ҳозирги пайтда тенг ҳуқуқли мустақил ва суверен давлат сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаш, хорижий мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш, улар билан шартномалар тузиш, ўзаро дипломатик ва консуллик ваколатхоналари айирбошлаш масалаларини кўзлаб иш қилмоқда. Сиёсий мустақиллик республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмларини белгилаш, лицензия (рухсатнома) бериш, шартномалар ва эркин иқтисодий минтақаларни вужудга келтириш, БМТ га ва бошқа халқаро ташкилотларга вакиллар юбориш, чет эллардаги ватандошлар билан инеонпарварлик алоқаларини ривожлантириш ва муотаҳкамлашни мустақил ҳал қилиш имкониятини очиб беради.

Республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳаҚида гап кетганда, уни миллий маҳдудликка, айирмачиликка, яккаланишга интилиш маъносида тушуниш нотўғридир. Сиёснй [в]а иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил бўлиш бошқа республикалар билан ўзаро манфаатли, мутлақо тенг алоқаларни

янада такомиллаштнриш ва кенгайтиришни йўлга қўйишни назарда тутади.

Янги тузилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ҳар бир халқнинг тенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлаш жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги интилишларида кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, бозор **иқтисо**диёти тамойилларига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуриш учун халқаро микёсда эътироф этилган тамойилларга амал қилиш билан бир қаторда, Шарқ халқларининг бу соҳадаги ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларини эътиборга олишимиз лозим. Улар шундан иборатки, биринчидан, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин ривожланади, иккинчидан, одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бирбирларига мос келиши лозим, учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. «Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.»[1] Бу оғир машаққатли ишни ҳал этиш, қойилмақом қилиб бажариш, биринчи навбатда, халқ зиммасига, унинг ғоявий ва сиёсий етуклигига боғлиқ. Оммавий онгнинг даражаси қанчалик юқорн бўлса, республикаларнинг мустақиллиги ҳам шунчалик юксак бўлади.

## 2. Иқтисодий мустақиллик ва унга эришиш йўллари

Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асосини иқтисодий мустақиллик ташкил этади. Кўп йиллар мобайнида бизнинг диёримиз хом ашё манбаи, асосий пахта етиштирувчи ва уни ҳаддан ташқари арзон нархларда сотувчи ўлка бўлиб келди. Шунинг учун ҳам республнкамнзда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мураккаб вазиятда бошланди. Узбекистон собиқ Иттифоқдан нефть, машина ва ускуналар, дон, чорва, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга эҳтиёжимизни қондирадиган оддий истеъмол молларини ҳам четдан келтириш билан боғлиқ ўта вайрон ҳолдаги марказлашган, режали иқтисодиётни, аҳолининг паст турмуш даражасини мерос қилиб олган эди.

Мустақилликка эришган кундан бошлаб, **Президентимиз** томонидан илмий ишлаб чиқилган бешта тамойилга, яъни: 1) иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш; 2) давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши; 3) тараққиёт жараёни қонунлари-

[1] **Каримов И. А. Узбекистониинг сиёсий-ижтимоий ва** иқтисодий **истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, И-бет.**

га асосланиш; 4) кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш; 5) бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Узбекистон ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устиворликларини, тамойнлларини ва йўналишларини аниқлаб олди. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун бир қанча ишлар қилинди. Мулкчилик, тадбиркорлик, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқ ҳақида бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилинди. Иқтисодий эркинлик, корхоналар, хўжаликлар, фермерларни қўллаб-қувватлаш бўйича фармонлар чиқарилди. Фермер хўжаликлари ташкил этилди. Тижорат рнвожлана бошлади. Хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлди. Дунё ишбилармонлари учун юртимизда фаолият кўрсатиш учун шароит яратилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ҳам ибратли ишлар қилинди. Муҳтож, кўп болали, қаровчисиз қолган оилаларга, қариялар ва ёшларга, болаларга, нафақачиларга мунтазам ёрдам берилди. Саломатлик посбонларига, заҳматкаш муаллимларга, журналистлар, оммавий ахборот ходимларига, олпй ўқув юртлари талабалари ва профессор-ўқитувчиларига анча-мунча енгиллик туғдирилди.

Амалга оширилган ишлар мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадамлар, илк муваффақиятлардир. Бу узоққа мўлжалланган ишнинг бошланишидир, холос. Ниҳоятда оғир, мураккаб, анча вақт ва маблағ, халқимиздан буюк жасорат талаб қиладиган ишлар ҳали олдинда турибди.

Ҳозирги асосий вазифа, миллий истиқлолимизнинг тақдири билан бевосита боғлиқ бўлган долзарб муаммо — мустақиллигимизнинг иқтисодий омилларини мустаҳкамлашдир. Иқтисодиётнинг асосий вазифаси — халқнинг ўсиб бораётган талабини қондириш ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир. Бу иқтисодиётнинг жамият ҳаёти учун бирламчилигидан, унинг сиёсатдан устунлигидан келиб чиққанднр.

Жамият ҳаётида ҳамма масалани пировард-оқибатда иқтисодиёт, моддий бойликлар ишлаб чиқариш усули ҳал этади. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолса кишиларнинг бутун маънавий ҳаёти тўхтаб қолган, жамият ҳалок бўлган бўлур эди. Узбекистоннинг мустақил давлат сифатида буюк келажак сари бориши учун ҳозирданоқ ўз иқтисодиётини барқарорлаштириши, сўнгра уни муттасил ўстириши нерак бўлади.

Жамият иқтисодий ривожланишининг ўзига яраша қонун-Қоидаларн борки, улар билан ҳисоблашмаслик, уларга қатъий амал қилмасликнинг оқибатлари ўта фожиали бўлиши ҳеч гап эмас.

Иқтисодиётни хароб қиладиган асосий нарса уни сиёсатга ва мафкурага боғлаб қўйишдир. Иқтнсодий мустақилликка эриШишдан кўра сиёсий мустақилликни қўлга киритиш қийинроқДир.

Мустақилликнинг иқтисодий заминларини мустаҳкамлаш миллий тикланишга моддий база яратиш учуи саноатнинг барча турлари ва тармоҳларини замонавий талаблар асосида барпо этишнинг аҳамияти жуда катта. Саноатни ривожлантирмай ҳозирги даврнинг энг мураккаб, замонавий асбоб-ускуналарига машина ва механизмларига эга бўлиш мумкин эмас.

Шунингдек, республнкада ишлаб чиқариладиган жуда катта миҳдордаги хом-ашё ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг асосий қисмини ўз тупроғимизда, ўз юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш лозим. Замонавий технологияларни чет эллардан олиб келиб қишлоқ жойларида ва ишчи кучи ортиқча бўлган туманларда кичик қўшма корхоналар ташкил этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврда қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиққан тадбиркор-ишбилармонларга кенг имконият яратиб бериш, мулкчиликнинг барча турларига йўл очиш, иқтидорли кадрларни хорижий мамлакатларга юбориб ўқитиш, маиший хизмат ва савдо корхоналарини, саноат корхоналари ва уй-жойларни хусусийлаштириш Узбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун кенг имконият яратади.

«...бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала,— дейди И. Каримов,— кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб беришдир.

Қисқа муддат ичида ички бозорни тўлдирадиган ва экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик технологияларни жорий этиш концепцияси ва миллий дастурини ишлаб чиқиш зарур.»[1]

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Мустақиллигимизнинг иқтисодий заминларини барпо этиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан яна бири — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтира боришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг энг муҳим соҳаси, унинг ажралмас таркибий қисмидир. Қишлоқ—• миллий даромаднинг жуда муҳим манбаидир.

Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Республикамизга келаётган валюта асосан қишлоқ хўжалиги ҳисобига олинаяпти.

Узбекистон Давлат мустақиллигига эришгандан сўнг қишлоқ хўжалигини оёққа турғазиш учун анчагина ишлар **қилинди.** Қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантириш **яхши-**

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва** иқтисодий **истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40- бет.**

ланди. Саноат ва қншлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини белгилашдаги номутаносибликлар тугатила бошлади.

Сўнгги йилларда пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва деҳқон фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Омилкор деҳқонларга ер бериш билан бирга эркинлик ҳам берилди. Деҳқонларнинг ҳамма ишларига аралашавериш, юқоридан туриб кўрсатмалар бериш, унга ақл ўргатиш, эркини бўғиб қўйиш сингари адолатсизликлар ҳозирги даврда бартараф этилди.

Қишлоқни оёққа турғазиш учун давлат доимий равишда ёрдам бериб келмоқда. Кейинги йилларда деҳқонлар даромад ва қўшимча қиймат солиғидан озод бўлдилар. Қишлоқларни обод қилиш ниятида қўшимча маблағлар ажратиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий технологияни жорий этиш, қишлоқ жойларда ихчам, янги технологияга асосланган кичик корхоналарни вужудга келтнриш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериляпти.

Деҳқон меҳнатининг буюк самараси бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта, пилла, дон, гўшт-ёғ, тухум, жун ва бошқа шунга ўхшаш ноз-неъматлар, беҳисоб моддий бойликлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг иқтисодий асосини ташкил этади, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда асосий роль ўйнайди.

Узбекистон ўз табиий иқлим шароитига кўра, жуда кўп ўсимликларни экиш, уларни етиштириш учун энг қулай минтақалардан биридир. Олимларнинг фикрича, барча суғориладиган ерлар, республика аграр бўлими, аграр хўжалик оқилона юритиладиган бўлса, оз эмас, кўп эмас—60—70 миллион кишини боқишга қурби етади. Шунинг учун ердан самарали ва оқилона фойдаланиш масаласи катта аҳамият касб этади.

Республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бошқа республикалар, давлатлар билан иқтисодий алоқалар, давлатлараро муносабатларни тенг ҳамкорликка асосланиб тиклаш ва уни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Марказий Осиё республикалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда жуда муҳим восита эканлигини сира эсдан чиқариш керак эмас.

«Узбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир».[1]

Узбекистон миллий истиқлолга эришгандан кейин хорижий мамлакатлар билан ҳам ўзининг мустақил, ҳеч нарса билан чек-

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 48- бет.**

лаб қуйилмаган, тўла тенг ҳуқуқли ва ҳамкорликка асосланган ташқи иқтисодий сиёсатини юргиза бошлади. Узбекистон эндц. ликда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халкаро электр-алоқа уюшмаси, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки ва бошқа бирлашмаларнинг тенг ҳуқуқли аъзосндир. Ҳозир республикада хорижий фирмалар билан бнргаликда ташкил этилган ўн мингдан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди. Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига асос бўлиб хизмат қилади. Жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқада бўлиш республикамизда мустамлакачилик давридан оғир мерос бўлиб қолган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш имкониятинн беради.

Халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган замонавий иқтисодиётни барпо этишда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор — молларни олиш ва сотиш борасида харидорлар ва сотувчилар ўртасида таркиб топган иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисидир. Бозор — товар-пул муносабатларига асосланадиган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида юритиладиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш бутун дунёда бўлгани сингари мустақил Узбекистон Республикаси учун ҳам муҳим ҳаётий эҳтиёждир. «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш усули ва воситасидир.»[1]

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар хил мулк шаклларининг мавжуд бўлиши ва ривожланишига кенг йўл очади, давлат мулки ўз эгаларини топишига шароит яратилади. Давлат корхоналари акционерлаштирилади, ижарага берилади. Мамлакатимизда ўтказилаётган хусусийлаштиришда бутун халқ қатнашади. Бу тадбир орқали давлат мулки фуқароларга ўтади, ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади. Қичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат корхоналари — фуқароларга, муассаса ва хўжаликларга сотилади. Шу тариқа хусусий мулк ривожэтана бошлайди. Хусусийлаштириш — бу фақат мулкка эга бўлишгина эмас, шу мулкни ишлатиб иқтисодиётни ўстириш ва мустаҳкамлаш ҳам демакдир. Хусусийлаштириш натижасида мулкчилик халқчиллашади. Бундан пировард-оқибатда халқ оммасини, умуман жамиятнинг фаровонлиги ортади.

Ҳозирги долзарб муаммолар ичида банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талаблари дара-

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 48- бет.**

жасига кўтариш, тўловларни тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар бугунги босқичда муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётимизни барқарорлаштириш йўлидаги муаммолардан пул қадрсизланиши — инфляцияни камайтириш, товар ва хизматлар бозорида рақобат ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов мувозанатини мустаҳкамлаш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш, ташкилий янгиланншларни чуқурлаштириш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади — миллий валютамиз — сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир.

Ҳозирги вақтда мавжуд саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий техник-ускуналар билан жиҳозлаб, уларга янги технология татбиқ қилиш ҳам долзарб муаммолардан биридир. Бунинг учун фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Давримизнинг муҳим бир хусусияти шундан иборатки, фан-техника инқилоби ҳозирги ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонларига, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими, инсоннинг ўзига ва унинг яшаш муҳитига жуда кучли таъсир ўтказмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бутун жамиятни тараққий эттиришнинг янги-янги истиқболларини очиб бермоқда. Бу, ўз навбатида, халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан тиклашни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Республикамиз катта илмий имкониятга эга, ундан тўғри, ўз вақтида ва самарали фойдаланишга эътиборни қаратиш керак.

Техника ва технологияда туб ўзгаришлар ясаб, меҳнат унумдорлигини ошириб, ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган иқтисодиётни ривожлантириш республикамиз олдида турган муҳим вазифадир.

Мустақилликнинг муҳим шарти нафақат ривожланган замонавий технологияга таяниш, балки иқтисодиётни малакали ишчи кучи билан ҳам таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли давлатимиз индустриал соҳаларга (саноат, алоқа, транспорт ва қурилиш) ерли аҳолидан етишиб чиққан малакали ишчилар ва мутахассислар етказиб беришга эътиборини кучайтирмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар инсон учун, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Шуни эътиборга олган ҳолда, Узбекистон Республикаси раҳбарияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, биринчи навбатда кам даромадли оилаларни, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртлари талабаларини, ўқитувчиларни, кўп болали оналарни, пенсионерларни, камбағаллар, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш соҳасида муҳим тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий

лаб қўйилмаган, тўла тенг ҳуқуқли ва ҳамкорликка асосланган ташқи иқтисодий сиёсатини юргиза бошлади. Узбекистон эндиликда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро электр-алоқа уюшмаси, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки ва бошқа бирлашмаларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ҳозир республикада хорижий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган ўн мингдан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди. Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига асос бўлиб хизмат қилади. Жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқада бўлиш республикамизда мустамлакачилик давридан оғир мерос бўлиб қолган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган замонавий иқтисодиётни барпо этишда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор — молларни олиш ва сотиш борасида харидорлар ва сотувчилар ўртасида таркиб топган иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисидир. Бозор — товар-пул муносабатларига асосланадиган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида юритиладиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш бутун дунёда бўлгани сингари мустақил Узбекистон Республикаси учун ҳам муҳим ҳаётий эҳтиёждир. «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш усули ва воситасидир.»[1]

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар хил мулк шаклларининг мавжуд бўлиши ва ривожланишига кенг йўл очади, давлат мулки ўз эгаларини топишига шароит яратилади. Давлат корхоналари акционерлаштирилади, ижарага берилади. Мамлакатимизда ўтказилаётган хусусийлаштиришда бутун халқ қатнашади. Бу тадбир орқали давлат мулки фуқароларга ўтади, ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади. Кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат корхоналари — фуқароларга, муассаса ва хўжаликларга сотилади. Шу тариқа хусусий мулк ривожяана бошлайди. Хусусийлаштириш — бу фақат мулкка эга бўлишгина эмас, шу мулкни ишлатиб иқтисодиётни ўстириш ва мустаҳкамлаш ҳам демакдир. Хусусийлаштириш натижасида мулкчилик халқчиллашади. Бундан пировард-оқибатда халқ оммасини, умуман жамиятнинг фаровонлиги ортади.

Ҳозирги долзарб муаммолар ичида банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талаблари дара-

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 48- бет.**

жасига кўтариш, тўловларми тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар бугунги босқичда муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётимизии барқарорлаштириш йўлидагн муаммолардан пул қадрсизланиши — инфляцияни камайтириш, товар ва хизматлар бозорида рақобат ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов мувозанатини мустаҳкамлаш ва бошқаришпи қўллаб-қувватлаш, ташкилий янгиланишларни чуқурлаштириш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади — миллий валютамиз — сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир.

Ҳозирги вақтда мавжуд саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий техник-ускуналар билан жиҳозлаб, уларга янги технология татбиқ қилиш ҳам долзарб муаммолардан биридир. Бунинг учун фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Давримизнинг муҳим бир хусусияти шундан иборатки, фан-техника инқилоби ҳозирги ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонларига, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими, инсоннинг ўзига ва унинг яшаш муҳитига жуда кучли таъсир ўтказмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бутун жамиятни тараққий эттиришнинг янги-янги истиқболларнни очиб бермоқда. Бу, ўз навбатида, халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан тиклашни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Республикамиз катта илмий имкониятга эга, ундан тўғри, ўз вақтида ва самарали фойдаланишга эътиборни қаратиш керак.

Техника ва технологияда туб ўзгаришлар ясаб, меҳнат унумдорлигини ошириб, ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган иқтисодиётни ривожлантириш республикамиз олдида турган муҳим вазифадир.

Мустақилликнинг муҳим шарти нафақат ривожланган замонавий технологияга таяниш, балки иқтисодиётни малакали ишчи кучи билан ҳам таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли давлатимиз индустриал соҳаларга (саноат, алоқа, транспорт ва қурилиш) ерли аҳолидан етишиб чиққан малакали ишчилар ва мутахассислар етказиб беришга эътиборини кучайтирмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар инсон учун, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Шуни эътиборга олган ҳолда, Узбекистон Республикаси раҳбарияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, биринчи навбатда кам даромадли оилаларни, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртлари талабаларини, ўқитувчиларни, кўп болали оналарни, пенсионерларни, камбағаллар, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш соҳасида муҳим тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий

ҳимоя қилиш ҳақида Президеитимиз қабул қилган фармонларни бажариш бу ишнинг аеоеини ташкил этади.

Узбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, бу кўп йилларга мўлжалланган, барча халқнинг фаол ҳаракати натижасида эришиладиган стратегик вазифадир. Буни бир-икки йилда амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу масалага юзаки эмас, балки жиддий ва илмий жиҳатдан ёндашйшимиз зарур.

Президентимиз томонидан илмий ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини изчил равишда амалга татбиқ этиб Республикамизнинг ислоҳ қилишнинг биринчи 'босқичида салмоқли натижаларга эришди. Ҳозир республика жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига қадам қўйди.

«Иккинчи босқич бозор тизимларининг шаклланиши тугалланадиган давр бўлиб, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни кўзда тутади .. .»[1].

### 3. Мустақилликнинг маънавий заминлари

Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги маънавий ҳаётимизда ҳам катта бурилишдир. Зеро, бу мустақиллик инсоният тарихий тараққиётининг илк босқичларидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишнинг ҳозирги босқичларига қадар етиб келган халқимиз тақдирида янги истиқболлар очиши шубҳасиз.

Мустақилликни фақат иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга асосланиб, одамлар турмуш шароитини яхшилаш билан таъминлаб бўлмайди. Жамият тараққиётини тезлаштиришнинг иқтисодий ва сиёсий омиллари сингари зарур бўлган яна бир муҳим асоси борки, усиз мустақилликни мустаҳкамлаб ҳам, барқарорлигига эришиб ҳам бўлмайди. Мустақиллик иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда одамлар онги ва дунёқарашида, одоб-ахлоқи, имон-эътиқоди, билим савияси ва руҳиятида, маданияти ва маънавиятида, таълим-тарбиясида ҳам туб, асосли ўзгаришлар бўлишини тақозо этади.

Агар мустақилликнинг маънавий замини заиф бўлса, халқимиз ўзининг миллий тилини, маданияти ва анъаналарини, расм-русумларини ҳурмат ва эҳтиром қиладиган, умуминсоний қадриятларни эъзозлайдиган, улардаги олижаноб ғоя ва ҳикматлардан оқилона ва ижодий фойдаланадиган даражадаги камолот босқичига эришган бўлмаса, мустақилликнинг маънавий замини бақувват бўлмайди. Дунёдаги ҳар бир давлат каттакичиклигидан қатъи назар ўзининг тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Бу — тарихий заруриятдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихнинг бурилиш даврларида айниқса беқиёс бўлади.

[1] **Каримов И. А. Узбекистои иқтисодий ислоҳотларни** чуқурлаштириш **йўлида, 174- бет.**

Маънавиятга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳозирги даврда Узбекистонда кун ва йил сайин кучайиб бормоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбияламасдан, маънавий, ахлоқий баркамол қилмасдан туриб олға томон ривожланиш, мустақиллик муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас. Бу — биринчидан. Иккинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш фуқароларнинг маънавий-ахлоқий камолотига, имон-эътиқодига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамият тараққиётини тезлаштиришнинг йўлларидан бири ҳисобланган бозор муносабатларига фақат иқтисодий омнллар билан эмас, балки юксак маънавият асосида борилади. Бозор муносабатларига ўтиш одамларда имон-эътиқод, виждон, ҳалоллик, бировнинг ҳақини ейишдан қўрқиш, хайр-эҳсон сингари фазилатлар бўлишини, ана шуларни ўзида жам қилган миллий, диний, ахлоқий қадриятларга катта эътибор беришни тақозо этади. Агар динимиз, тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатимиз моҳияти билан шаклланган миллий ва диний қадриятларимиз тикланиб, улардаги умуминсоний ғоялар одамларнинг қон-қонига аста-секин сингдирилиб борилмаса, маънавият юксак бўлмаса одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилади. Бундан жамиятимиз ҳам, миллий истиқлол йўлидан бораётган давлатимиз, халқимиз ва миллатимиз ҳам катта зарар кўради. Маънавият масаласи шунинг учун ҳам Узбекистон тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик учун маънавиятнинг аҳамияти шу қадар бебаҳо, уни ҳеч қачон иккинчи ўринга суриб қўйиш ҳам, шунингдек, маънавият масаласига иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлгандан кейин ўтиш мумкин, деб ўйлаш ҳам тамомила хатодир. Жамият тараққиётида иқтисодиётсиз маънавият, маънавиятсиз иқтисодиёт йўқ ва бўлмайди.

Инсоният ҳаётида маънавиятга эҳтиёж сезилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Президентимиз таъкидлаганидек, маънавият халққа, миллатга, ҳар бир инсонга ҳаводек, сувдек, қуёшдек зарур ва бебаҳодир.

Инсон камолоти миллат ва мамлакат ривожига асос бўлади. Буюк давлат бўлиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси камолотга эришган, миллат эса буюк, оқилу доно, маданиятли, маърифатли, дунё таниган бўлиши лозим. Ана шу ғоятда мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда миллий маънавиятимиз асосий омилдир. У истиқлолимиз ва истиқболимиз таянчидир.

Миллий маънавиятимиз ҳар бир инсонда она юртига муҳаббат ва садоқатнинг қарор топишида, шу муқаддас тупроққа эгалик туйғуларини шакллантиришда, Ватанни ҳимоя қилиш, авайлаб-асрашда олижаноб инсоний фазилатларни илдиз оттириш ва ривожлантиришда катта ўрин тутади. Маънавиятнинг бебаҳолиги унинг турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини Қон-қардош қилишлигида, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат

асосида яқинлаштиришда ҳам яққол кўринадн. Маънавият ицсон ҳаётини гўзаллаштиради, турмушига мазмун ва моҳият бағншлайди. Юксак маданият ва маънавият соҳиби бўлган инсоц оташин ватанпарвар, юрти ва халқи ишига фидойи, қалби пок сўзи билан иши бир, илми хулқига монанд бўладн.

Маънавияти юксак инсон мустақилликка хавф соладиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, тарафкашликка ҳеч қачон йўл қўймайди. Миллий бирлик, аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлиликни вужуд-вужуди, тан-жонн билан қўллаб-қувватлайди.

Жамият тараққиётини, халқимиз ва миллатимиз истиқболини ва куч-қудратини маънавиятдан айрича тасаввур этиш мумкнн эмас.

Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқбол, ҳақиқий мустақиллик учун курашга ўзида куч ва қудрат топа олади. Маънавият—бу олдинга қараб ҳаракат қилмоқ, тараққиётнинг юксак, олий чўққилари сари тўхтовсиз. интилмоқ демакдир. Маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади. «Маънавият инсоннинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунннг кўплаб мисолларини билади.»[1]

Туркистон азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабист ва санъатнинг энг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Улкамиз мутафаккирлари, алломалари жаҳон илм-фани вз маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан нжодий бойитдилар, юқори чўққига кўтардилар, унинг бнр неча асрлик тараққиётига самарали таъсир қилдилар. Бутуп маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

Ана шундай бой ва қудратли миллий маданиятимиз кўп йиллар давомида чоризм ва болшевизм мустамлакачилари томонидан оёқ ости қилиниб келди. Бир неча минг йиллик миллий меросимиз, миллий маданиятимиз, тарихимиз, тплимиз, урф-одат ва анъаналаримиз унутилди. Миллий маданиятнмизнинг ажралмас қисми бўлган ислом дини зўр бериб қораланди, днний адабиётлар, масжид, мадрасалар йўқ қилинди. Диндорлар маънавий таҳқирланди, ҳуқуқлари чекланиб қўйилди. «Наврўз» ва шу каби миллий байрамлар йўққа чиқарилди. Тарихимиз, ўтмишимиз юзаки ва бир томонлама ўрганилди. Кишиларни ўз халқининг тарихи, уиинг руҳи ва урф-одатларини. ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга айлантириб қўйишига интилиб келишди.

Президентимиз қайд этганидек, «бир вақтлар Марказнинг

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 48- бет.**

буйруғини кутиб бажариб, тепадаи кўрсатилган чизиқлардан чиқмаслик одатимизга айланган эди.

Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос»,[1]—деб миямизга қуйиб келишган эди.

Эндиликда буларнинг ҳаммасига чек қўйилди. Мустақилдикка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Улуғ боболаримизнинг руҳини шод этдик. Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Динга муносабатимиз ўзгарди. Она тилимизни англадик. Узбек тилининг Узбекистон Республикасида давлат тили деб қонун йўли билан белгилаб қўйилганлиги маънавий-маданий ҳаётимиздаги буюк воқеадир. Чунки тил — халқ маънавий ҳаётининг асосидир. Бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг ўсмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса, кишиларда миллий ғурур, миллий фахр-ифтнхор ривожланмасдан қолади. Тил — ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишнинг муҳим воситасидир.

Халқнинг маданий-маънавий бойлиги, ақл-идроки ва тафаккурн, тарихи ва маданияти унинг тилида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда, тил халқнинг қалби, жону жаҳонидир.

Мустақиллик халқимизнинг маданий-маънавий тараққиётига кенг йўл очиб берди. Узбекистонда ҳозир маданий меросимизга алоҳида эътибор билан қаралмақда, жуда кўплаб илмий, бадиий, тарихий, фалсафий асарлар, қадимий қўлёзмалар кетма-кет нашр қилиниб турибди. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари аллақачоноқ бошлаб юборилди.

Халқимиз даҳоси билан яратилган ва ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетилган, миллий бойлик бўлган санъат асарларини, қимматли қўлёзмаларни излаб топиш, Узбекистонга қайтариш чора-тадбирлари кўриляпти.

Республикамизда илм-фан, маданият, халқ таълими, маориф, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, тарихий обидаларни таъмирлаш, аслига келтириш, карийб унутилаёзган халқ ҳунармандчилигини тиклаш масалалари бўйича Президент фармонлари эълон қилинди, бир неча қарор қабул қилинди.

Миллий урф-одат, қадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодни миллий қадриятлар, анъаналар асосида тарбиялаш соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Мустақил Узбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварлик-

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40-бет.**

нинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмокда Узбекистонни янгилашнинг олии мақсади ана шу анъаналарнй қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зару^ шарт-шароит яратишдир.

Ёшларни маънавий тарбиялаш, жамиятимизнинг руҳий покланишида ислом қадриятларининг ҳиссаси катта бўлиши муқаррар. Дин асрлар давомида одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган, дин арбобларп ислом қадриятлари ва илмларнинг мағзпни ва покликка чақирувчи ўгитларни одамлар дилига сингдириб келганлар.

Ислом дини,— дейди И. Каримов,— бу ота-боболарпмиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлнгини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатнн кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгнтларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушуичаларнга риоя этишга ҳаракат қиладилар. Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга оширнш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр-шафқат, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-садоқат — булар инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, ахлоқий, маънавий жиҳатдан гўзал ва баркамол қиладиган қадриятлардан бўлиб ҳисобланади.

Мустақил Узбекистон Республикасининг Конституциясида фарзандларнинг жамият, оила ҳамда ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари миллий қадриятларнмиз асосида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлаш жамият аъзолари маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарли бўлади. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, ҳалол ва поклиги асосида рўёбга чиқади. «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани.»[1]

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40-бет.**

Ҳозирги иайтда тараққиётимиз тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Ақлий заковат, руҳий, маънавий камолот, инсофу диёнат, мурувват, меҳр-оқибат — булар маърифатли, маънавиятли инсоннинг асосий фазилатларидир.

Илм-фанга ўчлик, маърифатга томон талпиниш маданиятга ташналик, одоб-ахлоқ қоидаларини чуқур ўзлаштириб ҳаётга татбиқ этишга интилиш, китоб мутолаасини ҳеч қачон канда қилмаслик, зеҳнини ўткирлаб, фикрини бойитиб, тафаккур қувватини оширишга доимо шай туриш — буларнинг ҳаммаси ўзбек халқига авлод-аждодларидан ўтиб келаётган буюк анъана, ажойиб мерос бўлиб, булар унинг қон-қонига чуқур сингиб кетган. Мазкур фазилатларни янада ривожлантириб жамиятимиз маънавий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш — ҳозирги купда халқ таълими, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг олдида турган долзарб масала.

Республика бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳозирги шароитда оиладаги, мактаблар, ўқув юртлари ва тарбия муассасаларидаги меҳнат тарбиясининг аҳамияти айниқса катта. Мустақил Узбекистон учун ҳақиқий меҳнатсевар, малакали, ишбилармон, кўплаб хорижий тилларни биладиган кишилар керак. Ёшлар меҳнат қилишга, меҳнат мевасини қадрлашга қанчалик эртароқ ва тезроқ ўрганиб олишса, бундан унинг ўзи ҳам, жамиятимиз ҳам шунчалик кўп наф кўради. «Ин,соннинг ўзи ва ўз оиласининг 'бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. 'Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнпнг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади.»[1]

Миллий давлатларимизнинг маънавий мустақиллигини таъминлашда маориф соҳасида тааллуқли бир қатор масалаларга эътиборни кучайтиришимиз лозим. Энг аввало мактабларимизнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, миллий тус бериш, ёш авлоднинг келажаги устида бош қотиришимиз керак. Мустақилликни ўйлаётган юртнинг аввало мактаби мустақил бўлмоғи шарт. Унинг учун ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш, республикамизнинг ҳаётига мослашган ўқув дастурини яратишимиз керак. Шунинг билан биргаликда янги ўқув қўлланмалари ва дарсликларини яратишни ҳам тезлаштиришимиз лозим. Узбек мактаби, унинг ўқув режалари, дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида ўтмиш меросимиз, урф-одатимиз ва миллий анъаналаримиз тўлиқ ўз аксини топиши керак.

Олий ўқув билимгоҳлари ва ўрта махсус билим юртларининг ҳам ўқув режаларини, ўқув дастурларини республикамиздаги ўзгаришларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш керак. Уларнинг

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 48- бет.**

моддий, техиикавий мавқеини яхшилашимиз лозим. Бу соҳада ҳал этишни кутиб турган бошқа кўп муаммолар мавжуд эканлиги бизга сир эмас.

Президентимиз таъкидлаганидек, богчалардан тортиб олий укув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида Ватан тарихи ва маданиятини, география ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа снфатида қаралмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни миллий, маънавий нуқтаи-назаридан янгитдан қараб чиқншни тақозо этади.

Инсоннинг маданий-маънавий, ахлоқий камолоти узоқ йиллар давомида амалга ошадиган жараён. У инсон қалбида жуда кўплаб омиллар, қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар таъсирида ниш уради, илдиз отади.

Маънавияти ривожланган халқ ўз-ўзини ва ўзгаларни қадрлайди, қаддини тик тутади, мағрур яшайди, рўй бераётган ҳар бир воқеа ва ҳодисага ақл кўзи билан қарайди, илм-фан ва тафаккурга асосланиб иш юритади, қийинчиликлар олдида довдираб қолмайди, олий мақсад сари интилишдан асло тўхтамайди, халқи, миллати, давлатининг келажаги буюклигига қатъиян ишонади.

## 4. Мустақиллик мафкураси ва уни ҳаётга жорий этиш масалалари

Мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг тамомила янги босқичига қадам қўйган Узбекистон Республикаси олдида ҳозирги пайтда ҳал этилиши зарур бўлган яна бир муҳим масала турибди. Бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги масаладир.

Шуни айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафкурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади. Мафкурага эга бўлмасдан туриб биронта ҳам жамият яшай олмайди, унинг ривожланиши ҳам мумкин эмас. Одамлар қайси бир жамиятда яшамасин, барибир, нимагадир ишониши, нимагадир эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Узбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тарихий тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафкура сув билан ҳаводек зарур. Буни ҳаётиинг ўзи очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Биз келажакка томон кўзни юмиб, тахминларга асосланиб, таваккалчасига иш тутиб бора олмаймиз. Кишилар ўтмиш га-

**рихий** тажрибамизиинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қай**си** жиҳатларидан фойдаланамиз, Узбекистонни қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мустақиллик муаммоларини ҳал этиш учун эътиборни нималарга қаратишимиз керак, деган ўн**лаб,** юзлаб саволларга жавоб изламоқдалар. Республикамизда**ги** кенг жамоатчилнкни қизиқтириб келаётган ана шу ва бошқа саволларга илмий асосланган жавоблар, муҳим йўл-йўриқлар **ўз** вақтида берилмаса, одамлар бунга қатъий ишонтирилмаса, амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоликларга йўл қўяверамиз. Бу кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун халқ оммаснни умумий мақсад сари якдиллик билан фаол ҳаракатга даъват этадиган янги мафкура ҳозирги пайтда жуда зарур.

Узбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишга кўмаклашади.

Истиқлол мафкураси бутун Узбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишлари**ни** мужассамлаштирадиган улуғ кучдир.

Узбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти ва **бош** мақсади — Узбекистон давлат мустақиллиги учун хизмат қилиш, унинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлашда кенг халқ оммасини сафарбар этиш.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан би**ри** — Узбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат ва элат кишиларини баркамол инсон қилиб тайёрлаш, тарбиялаш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришдир. Бу анча мураккаб, узоқ давом этадиган жараёндир. Мустақилликнинг тақдири, Узбекистоннинг келажаги биринчи навбатда асосан инсон, унинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий, сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишига бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жамият тараққиётини мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишини мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг фаоллиги унинг илғор мафкурага эътиқод қилиши билан бевосита боғлиқ.

Жамият манфаати ва миллий истиқлол йўлида, ўзидаги барча билим бойликларини, қобилият ва истеъдодини бағишлашга тайёр етук инсонлар, уддабурон ёшлар, фидойилар бўлмаса, она диёримизнинг янги ва яқин келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган ана шу вазифаларни, мафкуравий ишларни жонлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Янги мафкура одамларда келажакка ишончни, умидворлик**ни** тарбиялайди, меҳр-муҳаббат, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адо-

лат, маърифат туйғуларини шакллантиради ва ўстиради, **онгц**мизга ёруғлик нурини олиб киради, инсонларни буюк **мақсад** сари чорлайди.

Миллий истиқлол мафкураси кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у миллатимизни бўлиниб, парчаланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, қабила-уруғчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кишиларни даъват этади, миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликни кучайишига кўмак беради.

Истиқлол мафкураси етук миллий онг, миллий ғурур, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси замирида шаклланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Қишиларда она заминга бўлган муҳаббат қанчалик кучли бўлса, ҳар бир инсон ўз Ватанини, тарихини, миллий қадриятларини, ўз халқи, тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукаммал билса, миллий манфаатларини, миллат тақдири ва истиқлолини чуқур англаб етган бўлса, мустақиллик шунчалик барқарор бўлади. Ватан, миллат, истиқлол тақдири ҳар бир фуқаро учун қадрлидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан яна бири — меҳнатсеварликдир. Агар халқда мустақиллик ҳақида тушунча, билим бўлса-ю, истиқлол тўғрисидаги ғоя амалий ишлар билан, меҳнат билан боғланиб, эътиқодга, дунёқарашга айланиб кетмаган бўлса, бу мустақилликнинг маънавий замини бўш бўлганининг ифодаси бўлади. Агар мустақилликнинг замини бўш бўлса, бундай мустақиллик барқарор бўла олмайди.

Миллий истиқлол мафкураси республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Узбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллат ва мамлакатимиз истиқлоли муаммоларини биринчи ўринга қўйиш йўлида аниқ мақсадга қаратилган, асосланган хулосанинг муайян тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси республикамизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига мақсад ва йўналиш беради. Узбекистоннинг буюк келажагини йўлчи юлдуз каби ёритиб туради, халқни олға томон чорлайди.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб-асраб келаётган илмий билим хазиналарига, бой қадимий меросига, маданиятимиз ютуқларига асосланади. Халқимизнинг, авлодларимизнинг бизга қолдирган маънавий меросининг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлсак омад бизга кулиб боқади.

Мустақиллик мафкураси заминида авлод-аждодларимизнинг тажрибалари ва уларнинг илмий якунлари халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одат, расм-русумлари ётади.

Миллий истнқлол мафкураси халқимизнинг миллий қадриятларига ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Миллий, умуминсоний, ахлоқий, диний қадрнятлар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади. Унда инсонни ҳалол ва покиза бўлишга, илм-фан асосларини эгаллашга, инсонпарвар, етимпарвар, хайр-эҳсонли, саховатли бўлишга, бева-бечораларни қўллаб-қувватлашга, меҳнатни севишга, табиатни эъзозлашга даъват этадиган ислом дини ва бошқа диний, ахлоқий қадриятларга эътиқод катта ўрин тутади.

Миллий истиқлол мафкураси заминида жаҳондаги барча нлғор давлатларнинг, Марказий Осиёдаги, шунингдек, мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ижобий сабоқларини ўрганиш, ана шу сабоқлардан республикамизнинг шароитлари ва имкониятлари, ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда одилона фойдаланиш айни муддаодир.

Миллий истиқлол мафкураси бир миллатнинг манфаати билангина боғланган эмас, у Узбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, руслар, украинлар, яҳудийлар, хуллас, республикамизни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, қадр-қимматини, манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам қаратилган.

Мустақил республикамизнинг миллий истиқлол мафкураси республикамизнинг ижтимоий турмуши, иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларни ифодалайди.

Мафкура фуқароларнинг, ёшлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг хуллас, кенг жамоатчнликнинг кундалик амалий фаолиятида ўз ифодасини топа олса, жамият ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, оммани уюштиради, бирлаштнради, амалий фаолиятга даъват этади.

Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга кенг жорий этиш учун, даставвал, ушбу мафкуранинг моҳиятини чуқур ўрганиш, мақсадлари, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятларинн билиб, ўзлаштириб олиш лозим.

Президент И. А. Каримовнинг асарларида мустақилликнинг энг долзарб муаммолари, уларнинг илмий-амалий ечимлари чуқур ва ҳар томонлама ёритиб берилган. Шунингдек, миллий истиқлол мафкурамизнинг ҳаётга татбиқ этишнинг йўл-йўриқлари ҳам белгилаб берилган.

Ҳозирги пайтда асосий вазифа ана шу назарий қоида ва йўл-йўриқларни мукаммал ўзлаштириб, қалбан чуқур ҳис этиб, уларни ҳаётга уддабуронлик билан қўллаш, уларга суяниб, асосланиб, бунёдкорлик ишларини дадиллик билан олиб боришдан иборатдир.

Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилишда, омма онгига сингдиришда халқимизнинг зукко фарзандлари — шоиру ёзувчилар, олиму санъаткорлар, зиёлилар зиммасига катта масъулият юклатилади. Аҳли донишларнинг ҳар бир каломи,

таъсирчан, сермаъно асари, одамларнинг қалби ва онгнга, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, ҳаётимиздаги камчиликлар, нуқсонларни бартараф этиш, янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий ҳамда эстетик қарашларини шакллантиришга кўмаклашади.

Халқнинг ижтимоий онгини шакллантиришда ҳамда миллий истиқлол ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишда бадиий адабиёт ҳозирги пайтда ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатяпти. Шу боисдан ҳам у ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод, раҳм-шафқат, мурувват каби туйғуларни одамлар қалбига чуқур сингдиришни асосий мақсад қилиб олган. Халқ руҳни кўтарнщда, порлоқ истиқбол учун курашга чорлашда бадиий адабиёт ўзинннг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Республика оммавий ахборот воситалари ходимлари давлатимиз мавқеини дунё миқёсида янада ошириш, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган мустақил ички ва ташқи сиёсатнинг инсонпарварлик, тинчликсеварлик моҳиятини жаҳон афкор оммасига етказиш сингари улкан вазифаларни адо этишаяпти.

Оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол мафкурасини янада жонлантириш ва жорий этиш, асрий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, мустақиллик ва ватанпарварлпк туйғуларини ҳар бир инсон қалбига етказиш борасида ўз фаолиятларини анчагина кучайтирдилар. Улар мустақил Узбекпстон ҳаётини ҳар томонлама ёритяптилар.

Миллий истиқлол мафкурасидаги энг муҳим қоидалар ва ғояларнинг ҳаётга жорий этилиб катта ижтимоий кучга айланишида таълим ва тарбия муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак. Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг заминида ёш авлодга оилада, умумтаълим мактабларида, халқ таълими тизимининг бошқа тармоқларида бериладпган таълим-тарбия ётади.

Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Оила—жамиятнинг асосий бўғинидир. Оплада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, Мустақиллик, Озодлик ҳақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. «Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади... Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»[1].

Мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишини, маданий-ахло-

[1] **Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат,** мафкура. **Т., «Узбекистон», 1993, 47- бет.**

қий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишни ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мустақиллик шароитида ёшларда миллий қадриятларнинг бизга мақбул бўлган томонларини шакллантиришда, уларга миллий тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз ва дунёвий фанлардан пухта билим беришда ҳамда миллий истнқлол мафкурасидаги асосий ғояларни снигдиришда умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, ўрта махсус билим юртлари ҳамда олий таълим алоҳида ўрин тутади.

Миллий истиқлол мафкураси ғояларини омма онгига сингдириш ва амалга оширишнинг энг муҳим ва зарур шартларидан яна бири — халқимиз тарихини чуқур ва мукаммал, уни қандай бўлса шундайлигича, холисона ўрганишни йўлга қўйиш, бунинг учун зарур бўлган барча имконият ва шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттирибгина қолмай, сиёсий бошқарув тизимининг фаолиятини ҳам ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда сиёсий билимларни омма ўртасида кенг ёйиш, тарғиб-ташвиқ этиш шак-шубҳасиз катта ўрин тутади. Сиёсий билимлар қанчалик мукаммал бўлса, халқнинг онги ўсади, фаоллиги ошади. Сиёсий маданияти, миллий онги, ватанпарварлик туйғуси ўсган, ўзини-ўзи англаб етган халқ ва миллат ўзининг истиқболи билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳеч қачон бефарқ қарамайди.

Сиёсий билим асосларини шунчаки билиб, ўзлаштириб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни ақл-идрок, виждон ва иймон бнлан англамоқ лозим. Сиёсий билим ва қарашлардан миллат, Ватан, тарихий масъулиятли давр талаб ва йимкониятларини ҳисобга олиб фойдаланмоқ керак.

Мустақиллик, миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга кенг ва атрофлича жорий этиш борасида ислом таълимотида мавжуд бўлган имкониятлардан ўз ўрнида оқилона, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Дин одамларни ҳаром-ҳариш йўллардан узоқроқ юришга, яхши бўлишга, ўзидан яхши из қолдиришга ундайди. Ислом динида одамларни аҳиллик ва биродарликка даъват этадиган ғоялар беҳисобдир. Ислом дини одамлар дилига инсоф, сабр-тоқат, ҳалол меҳнат, аҳиллик туйғуларини жо этмоқда. Шу билан бирга, унинг мустақил Узбекистонимиз халқини маънавий бойитиш, ахлоқий тарбиялаш, етук, баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги хизмати ҳам эътиборга сазовордир.

Миллий истиқлол мафкураси — миллат равнақи, халқимизнинг фаровонлиги, жамиятимизни порлоқ келажакка ундайдиган катта ғоявий кучдир. У жамиятдаги барча кишиларни, ижтимоий гурухлар, табақаларни битта мақсад сари—Узбекистонни келажакда буюк давлатлар сафига олиб чиқишга даъват этади-

ган илмий ғоялар мажмуасидир. Шу маънода миллий истиқлол мафкураси эски тузумдаги ҳамма учун мажбуран бўлган яккаю-ягона давлат мафкурасидан тубдан фарқ қилади. «Ҳознр тар-киб топаётган умумхалқ миллий мустақиллик масркурасини шундай кенг кўламли ҳодисалар жумласига киритмоқ лозим. Деч қандай мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарил-маслиги керак—биз ўзимиз учун шундай хулоса чиқариб ол-дик...

Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялаш-дан иборат»[1],— дейди И. А. Каримов.

**Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Миллатиинг сувереиитети, эркинлиги, ўз тақдирини ўзи белгилаши объектив зарурият эканлигини тушунтириб беринг. Минтақамиз халқларн-нинг ўтмишда мустақиллик учун олиб борган курашларининг тарнхий аҳа-мияти ва моҳияти нимадан иборат?
2. Мустақиллик учун курашда ва уни мустаҳкамлашда Узбекистон Рес-публикаси Президентининг назарий ва амалий фаолиятлари ҳақида фикр-му-лоҳазаларингизни баён этинг.
3. Мустақилликнинг сиёсий, иқтисодий, ғоявий, маданий-маънавий за-минлари нималардан иборат?
4. Мустақиллик мафкурасининг мазмун-моҳияти ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўллари ҳақида ўз фикрингизни баён этинг.

## XIV БОБ. ЖАМИЯТНИ ИЛМИИ БИЛИШ ВА ИЛМИИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

### 1. Ижтимоий воқеликни билишнинг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида намоён бўлаётган зиддиятларни чуқур ва атрофлича англаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш, мамлакатимизни илмий асосда бошқа-риш жамиятимизда осойишталик, тинчликни барқарорлашти-риш, инсоннинг бахт-саодати, истиқболи учун зарур бўлган бар-ча нарсаларни яратиб беришнинг асосий омилларидандир.

Маълумки, у ёки бу жамият нима ишлаб чиқаргани билан эмас, балки қай усулда ишлаб чиқариши бнлан характерлана-ди. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва алмашуви табиий-тарихий характерга эгадир, яъни ўз ички қонуниятларига асосан амалга ошиб, уни ўрганнш эса ижтимоий билишнинг асосий масаласини ташкил қилади.

Ижтимоий билишнинг объекти — жамият, унинг предмети эса — инсон ҳамда унинг фаолияти ва маданияти ҳисобланади. Инсоният жамияти табиат қонунларидан фарқ қиладиган ўзига хос қонунлар асосида ривожланади.

[1] **Каримов И. А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни** чуқурлаштириш **йўлида. Т., 1995, 152- бет.**

Жамият тарихи инсониинг ўз мақсадига эришишдан бошқа нарса эмас. Жамият тарихи онгли мавжудот — инсонларнинг ўзаро таъсирлари маҳсулидир.

Кишилар тарихий вазиятнинг ижрочилари бўлиб қолмасдан,. балки муаллифлари ҳамдир. Улар истеъмол воситалари сифатида табиат берган тайёр нарсалардангина фойдаланмасдан, ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарурий воситаларни меҳнат қуроллари ёрдамида ишлаб чиқарадилар. Меҳнат фаолияти асосида ва жараёнида инсон тафаккури ва тили, маънавий дунёси, унинг маданияти келиб чиқди ва ривожланмокда.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш субъект (объектив дунёни идрок этувчи онгли шахс) ва объектнинг (борлиқ) ўзаро таъсиридан иборат бўлиб, бу таъсир натижасида субъект ҳам, объект ҳам ўзгаради. Субъект ва объектнинг ўзаро таъсири жараёнида уларнинг бир-бирига ўтиши содир бўлади, субъект объектлашади, объект эса субъектлашади. Объектлаштириш жараёнида субъектдан маълум миқдорда субъектив энергиянинг сарф бўлиб, индивиднинг ўз индивидуаллигидан маълум бўлакнинг ажралиши ва унинг маҳсулотда ўтириб қолиши юз беради.

Объектнинг субъектлашиши ишлаб чиқариш жараёнида объект—субъект хусусиятларига эга бўла боришида намоён бўлади. Инсон ўз орзу-ниятига мувофиқ предмет шаклини ўзгартиради, унга ўз эҳтиёжларига мувофиқ келадиган хусусиятлар багишлайди.

Табиатдан фарқ қилувчи жамият фақат билиш объекти бўлмасдан, балки унинг субъекти ҳамдир.

Жамиятни объект ва шу билан бирга билиш субъекти деб тасаввур қилиш ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг ривожланиш қонуниятлари билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий билиш ижтимоий тараққиёт қонуниятлари амал қилишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган қийинчиликлар билан белгиланади.

Ижтимоий жараёнларни билишнинг ўзига хос хусусиятлари жамият қонунларининг табиат қонунларидан сифат жиҳатдан фарқидан келиб чиққан бўлиб, улар қуйидагилардир:

Биринчидан, табиат қонунлари оламдаги предмет ва хрдисалар, табиий ҳодиса кучларининг ўзаро таъсири шаклида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунлари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намоён бўлади. Бунга мисол сифатида шуни кўрсатишимиз мумкин. Маълумки, ўргимчакнинг иши тўқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя ясаб, баъзи кишиларни — меъморларни лол қолдиради. Лекин тажрибасиз, ёш меъмор ҳам ҳар қандай асаларидан, аввало, шу жиҳати билан фарқ қиладики, у уй ясашдан олдин, бу уйни миясида қуради. Меҳнат жараёнининг охирида, бу жараён бошланмасдан олдинроқ кишининг тасаввурида, яъни фикран

мавжуд бўлган натнжа ҳоснл бўладн. Инсон асаларидан табиат берган нарсаларнинг шаклини ўзгартириши билангина фарқ қилиб қолмайди: табиат берган нарсадан у ўз онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, инсон иш усулини ва бу ишнинг характерини белгилаб беради ва инсон ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим.

Иккинчидан, узоқ амал қилувчи табиат қонунларидан фарқ қилувчи жамият қонунлари қисқароқ вақт ичида амал қилиш хусусиятига эга. Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятларидан яна бири — уларнинг биологик қонуниятлар ва бошқа табиат ҳодисаларига қараганда юқори тезликда ривожланишидир. Табиатда шароитнинг ўзгариши билан янги қонунларнинг келиб чиқиши одатда узоқ вақтларда, миллион ёки миллиард йилларда амалга ошади. Ижтимоий ҳаётда эса аҳвол бошқача бўлиб, бу шароитлар нисбатан тез ўзгаради.

Кишилик жамиятининг кўпгина қонунлари табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, маълум тарихий даврдагина амал қилади, кейин улар ўз ўринларини бошқа янги қонунларга бўшатиб берадилар. Бу ҳол инсонлар уларни бекор қилганликлари учун эмас, балки бу қонунлар амал қилувчи шароитлар ўзгарганлиги натижасида юз беради.

Учинчидан, табиатда янги қонуннинг кашф қилиниши ва қўлланиши анча текис амалга ошади ва бевосита ижтимоий ларзаларга олиб келмайди. Табиат қонунларини кашф қилиш ва фойдаланиш ишлаб чиқаришни ривожланиши ва техниканинг такомиллашиши эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шунинг учун турли эътиқодли кишилар табиат қонунларини очишлари ва ўз фойдалари учун ишлатишлари мумкин. Ижтимоий тараққиёт қонунлари эса, аксинча, кишиларнинг, жамиятдаги синфларнинг, турли гуруҳ ва табақаларнинг муносабатларини қамраб олиб тўғридан-тўғри, уларнинг манфаатларига таъсир қилмасдан қола олмайди. Кишилар буни англаши ёки англамаслигидан қатъи назар, улар иқтисодий тараққиёт қонунларининг талабини бажарадилар, бунда уларнинг фаолияти тарихий қонуниятга мос келади ва улар ўз мақсадларига эриша оладилар ёки бу талабларни бажармайдилар, бунда жамият тараққиётида ихтилофлар ва ижтимоий ларзалар юз беради.

### 2. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жараёнига таъсири

Ижтимоий билишнинг субъекти — бу ўзининг аниқ мақсад, манфаат ва эҳтиёжларини кўзловчи маълум синфга, ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган аниқ шахсдир. Бу эса билиш субъектининг ижтимоий ҳаётга қандай муносабатда бўлиш табиатига муҳим таъсир кўрсатади.

Ижтимоий билиш, маълумки, инсоннинг оламга, амалий-фаол муносабати асосида амалга ошади. Бунда кншиларнинг амалий хулқи, уларнинг ижтимоий-синфий мансубликлари, та-

биати ва мазмуии, кишилар фаолияти амалга ошадиган маълум ижтимоий соҳалар таъсири остида тўиланган йўл-йўрик, қадриятлар ва умумий тартиблар томонидан белгиланади. Бу ҳол ижтимоий билишда объектив ҳақиқат масаласини, шунингдек, турли синф вакиллари томонндан ижтимоий жараёнларни баҳолашдаги мезон муаммосининг долзарб эканлигини кўрсатади.

Ҳар бнр жамиятда ижтимоий ҳодисаларни билиш, уларни тушунтириш, одатда шу жамиятнинг дунёқараши диний ва ахлоқий қоидаларига мувофиқ амалга ошади. Шунинг учун ижтимоий билишнинг мазмуни, моҳияти уни билаётган субъектнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлади.

Ҳукмрон ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар асосан мазкур жамият тартиботларини оқлаш ва мустаҳкамлашга ёки айблаш ва ўзгартиришга ёрдам берадиган билимлар олишдан манфаатдордирлар.

Илмий ҳақиқат ҳар доим ягона бўлиб, у объективдир. Бу маънода ҳақиқат кишиларга, синфларга бефарқдир, лекин кишилар, синфлар унга нисбатан бефарқ эмас.

Ижтимоий тараққиёт қонунлари табиат қонунлари каби объектив характерга эга. Бу қонунлар кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган хрлда мавжуд бўлиб, маълум шароитда кишилар бу қонунларни билишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин бу қонунларни улар бекор қилолмандилар ёкн йўқ қила олмайдилар.

Ижтимоий воқеликни билиш умумий илмий билишнинг тури сифатида ўзаро қарама-қаршиликларнинг узвий боғлиқлиги сифатидаги эмпирик ва назарий даражаларини ўз ичига олади.

Эмпирик билиш даражасининг мақсади бевосита тажрибавий билимга эга бўлишдир. У далилларни йиғиш ва умумлаштиришга асосланади, унинг асосида ижтимоий воқелик ҳақида системалашган билимни ташкил қилган назария яратилади.

Назарий билиш — янги билимни билвосита билиш жараёнидир. Субъект тажриба ёрдамида олинган маълумотларни мантиқий йўллар билан бирлаштириб, турли тарихий воқелик ўртасидаги мавжуд боғланиш ва муносабатлар ҳақида билим ҳосил қилади, ижтимоий тараққиёт қонунларини умумлаштиради.

Тарихий ва ижтимоий далил деганда, ижтимоий билиш таркибига кирган қандайдир йўналиш, жараённи изоҳлайдиган ижтимоий аҳамиятга молик ҳодиса тушунилади. Ижтимоий амалиётни акс эттирадиган далиллар назарий умумлаштириш учун бошланғич манба бўлади, шу билан бирга у ёки бу назарий қарашларнинг тўғрилигини исботи бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда алоҳида далилларни олмасдан, ўрганилаётган масалага тегишли бўлган ҳамма далилларни бирга олиш зарур, акс ҳолда далиллар ихтиёрий равишда танлаб олинган, деган шубҳа вужудга келиши мумкин.

Ижтимоий далиллар кузатишга ёки статистик маълумотларга асосланиши мумкин. Статистик маълумотларга жуда кўп ало-

ҳида далилларни слатистик усулларини қўллаш йўли билан умумлаштириш асоспда эришилади. Статистик далилларии ижтимоий ҳодисгларнинг оммавий кузатишга асосланган намуна тавсифномаси деб белгиласа бўлади.

Ижтимонй далиллар ўзича илмий билишни ташкил қилмайди. Илмий билиш хусусилтига эга бўлиш учун ижтимоий далиллар муайян назарий хулосаларга тегишли бўлиши ва улар ёрдамида тушунтирилиши керак. Ана шундагина ижтимоий далиллар ижтимоий билишнинг зарурий элементига айланади.

Демак, ижтимоий билишнинг аниқ тарихий далилларга таянган эмпирик даражаси назарий даража билан тўлдирилган бўлиши керак. Билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражага ўтиш мураккаб диалектик жараёндир.

Ижтимоий билишнинг назарий даражаси ижтимоий воқеликни билишнинг юқорироқ босқичи бўлиб, алоҳида далилларни умумлаштириш асосида ижтимоий тараққиёт қонуниятларини очишга имкон берадя. Шунинг учун ижтимоий назарня системалашган биллм бўлиб, маълум концепция таркибига кириши билан тавсифланади. Ижтимоий далиллар ижтимоий назарияларнинг асосини ташхил қилади, ижтимоий назариялар эса ижтимоий далилларнинг умумлашмасидир.

Ижтимоий далилларнинг ва ижтимоий назарияларнинг бирлиги илмий олдиндан кўриш ва башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Наэария эмпирик маълумотларни умумлаштириб, ривожлантиришнинг объектив қонуниятларини олдиндан айтиб бериш имкониятига эга.

Илмий олдиндан билиш табиат ва жамиятнинг кузатиб бўлмайдиган ёки ҳали тажрибада аниқланмаган ҳодисаларини олдиндан айтишдир.

Илмий олдиндан билиш ҳар доим табиат ва жамиятнинг билиб олинган қонунларини номаълум ёки ҳали юз бермаган ҳодисаларда ҳам ўз кучини сақлаб қолишга ва уларнинг татбиқ қилинишига асосланади. Илмий олдиндан билиш эҳтимоллик белгиларига эга, бу ҳол, айниқса келгусида пайдо бўлувчи аниқ ҳодисалар ва уларнинг юз бериш вақти масаласида яққол намоён бўлади.

Бундай ҳолат ривожланиш жараённда илгари учрамайдиган сифат жиҳатидан янги сабабий боғланишлар ва имкониятларнинг вужудга келиши билан шартлангандир, жамиятга татбиқ этганда эса унда онгли, алоҳида хусусият ва шу кабиларга эга бўлган кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг мураккаблиги ва унинг натижасида кутилмаган вазиятларнинг пайдо бўлиб қолиш сабаби билан боғлиқдир.

Башорат қилиш — илмий олдиндан кўришнинг шакли бўлиб ҳисобланади. Башорат қилиш худди илмий олдиндан билиш сингари ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билишга, маълум даврга (10, 15 ва ундан кўп йилга) мўлжалланган ижтимоий

воқеликнинг ривожланиш йўналишларини тушунишга асослангандир.

Ижтимоий башорат қилишни мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларинн билишга асосланиб қурилган бўлажак амалий жараёнлар ва ҳодисаларнинг олий мақсади дейилса бўлади.

Ижтимоий башорат ўз навбатида тегишли режаларда аниқлаштирилади. **Режа** башоратдан фарқ қилади, у ҳаракат учун аниқ кўрсатмадир.

Жамият тараққиётини олдиндан билиш ва башорат қилиш тўғрисида турлича маълумотлар мавжуд. Шуларнинг ичида кенг тарқалган концеицияларни футурология ва герменевтика ташкил қилади. **Футурология** (лотинча !и1игиш — келажак ва грекча «логос»— таълимот сўзидан олинган бўлиб, келажак ҳақидаги таълимот демакдир). Биринчи марта «футурология» атамасини 1943 йилда немис социологи О. Флехтхейм мафкура ва утопияга зид бўлган синфдан ташқари турувчи қандайдир «келажак фалсафасини» номлаш учун тавсия қилган. 60- йиллар охиридан бошлаб футурология таълимоти инқирозни ўз бошидан кечирмоқда. 70- йиллар бошида жамият тараққиётининг мавжуд йўналишларида «глобал фалокат» нинг муқаррарлиги ҳақидаги концепцияни илгари сурувчи оқим биринчи ўринга чиқди. Баъзи футурологлар Дж. Форестер, Д. Медоус, Р. Хойлбронер (АҚШ) социал пессимизмнинг неомальтусчилик ғояларини ривожлантирмоқдалар. Гофлер, М. Месдрович, Э. Лесло, В. Феркинс (АҚШ), Э. Пестель, Қ. Фримен (Англия), И. Койоя (Япония) ва бошқалар фалокатни четлаб ўтиш мумкин, деб исбот қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Герменевтика** — лотинча сўз бўлиб, тушунтираман, изоҳлайман, деган маъноларни англатади. Герменевтиканинг асосий нуқсони онгнинг бевосита гувоҳлигига ишонмасдан, мантиқдан кўра тилда намоён бўладиган онгнинг «бошқа» гувоҳликларга мурожаат қилишидир. (П. Рикёр, Г. Кун, А. Анцель, Э. Корето, Э. Хайнбель.)

Футурология ва герменевтикадан фарқли ўлароқ, илмий фалсафанинг олдиндан билиш ва башорат қилиш концепцияси кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва қонуниятларини аниқ ҳисобга олишга асосланади. Унинг илмийлиги ва ҳақиқийлиги мана шунда намоён бўлади.

Жамият тараққиёти қонуниятларини билиш ва улардан инсон манфаати учун фойдаланишда ижтимоий фанларнинг ўрни каттадир.

Жамият тараққиётининг турли-туман масалалари, унинг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий, маънавий, психологик жиҳатлариии таҳлил қилишда диалектик услубият катта аҳамият касб этади. У ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарздаги, ғоят кенг кўламдаги кўп қирралилиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда

илмий асосда ўргаииш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характерли ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, курашнинг турғун йўналишлари, шакллари ва усулларини танлаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил ҳис қилишга ўргатади.

Ижтимоий фанлар мамлакатимизда амалга ошаётган ўзгаришларнинг моҳиятига кириб бориши, янги муаммоларни дадил ва ташаббускорона қўя олиши ва уларни ижодий, назарий. ишлаб чиқариши лозим. Ижтимоий билиш ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари айнан шуни талаб қилаяпти.

Хулоса қилиб айтиш керакки, ижтимоий билнш умуман билиш жараёнининг бир қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга, уларни билмасдан туриб жамиятда бўлаётган воқеалар ва жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, уларнинг бўлажак ҳаракат йўналишларини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун баъзи олимларнинг, ривожланишнинг аниқ жараёнларини ҳисобга олиш умумий тадқиқотга халақит беради деб, ижтимоим билишни фалсафанинг билиш назариясидан ажратишга уринишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Айримлик, хусусийликни билмасдан туриб умумийлик ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Фалсафанинг бу муҳим методологик талаби ижтимоий билиш назариясининг инъикос назарияси бнлан ўзаро чамбарчас боғлнқлигнни яна бир карра тасдиқлайди.

## 3. Ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакллари

Ижтимоий зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш жамиятни илмий билиш ва илмий бошқаришда катта аҳамият касб этади. Ижтимоий зиддиятларда ҳар хил ижтимоий гуруҳлар, сиёсий кучларнинг жамият тараққиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий жараёнларга муносабатлари акс этади.

Жамиятда юзага келаётган ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларни бартараф этишнинг муҳим омилидир.

Ижтимоий зиддиятлар маълум мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи кишилар фаолиятида намоён бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг кишилар фаолияти билан боғланиши, бир томондан, уларнинг субъектив, иккинчи томондан эса объектив эканлигини кўрсатади.

Маълумки, тарих кишилар фаолияти орқали намоён бўлади, кишилар эса ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам ижтимоий зиддиятларга субъект ва объект муносабатларининг бирлиги сифатида қараш керак.

Объектив ижтимоий зиддиятлар жамият эҳтиёжлари ва қизиқишларига мос тарзда субъектив омиллар: қизиқишларни .англаш, мақсадни белгилаш, ҳаракатлар дастурини ишлаб чи-

қиш, жамиятни қайта қуриш дастурини амалга ошириш учун ижтимоий кучларни ташкил қилиш ва ҳоказолар тузилиши орқали инсон фаолиятининг сабабияти сифатида намоён бўлади.

Жамият зиддиятлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари ўз хусусиятларига кўра жуда турли-туман ва серқиррадир. Улар иқтисод соҳасида ҳам, ижтимоий ва миллий муносабатлар соҳасида ҳам, мафкуравий ҳаёт, шунингдек, маданият соҳасида ҳам яққол намоён бўлади. Бу соҳаларнинг ҳар бирида зиддиятларнинг қамрови ва намоён бўлиш шакли жуда кенгдир.

Жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг турличалигига қарамасдан, бир-бирларидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, балки булар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирларини тақозо этади. Мана шу зиддиятлар ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишдаги салбий жараёнлар ижтимоий соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳадаги зиддиятлар ўз навбатида жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида жамоат ишларига қизиқиш сусаяди, ахлоқий қадриятларга тўғри келмайдиган бефарқлик ва бошқа салбий жараёнлар юзага келади.

Зиддиятлар ўз моҳиятига қараб асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи, антагонистик ва ноантагонистик зиддиятларга бўлинади.

Антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар ижтимоий зиддиятларнинг ўзига хос шаклларидир. Утмиш фалсафий адабиётларида мустабид тузум мафкурасининг таъсири остида, жамиятда фақат ўтнш даврида бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган синфларнинг ўртасидагина антагонистик зиддиятлар мавжуд бўлган, эксплуататор синфларнинг тугатилиши билан антагонистик зиддиятлар йўқолиб, фақат ноантагонистик зиддиятлар сақланиб қолди, деган сохта ғоя кенг тарқалиб кетган эди.

Масалага бундай ёндошиш нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди.

Антагонистик зиддиятларни илгари даврлардагидек фақат синфий муносабатлар соҳаси билан чегаралаб қўймаслик лозим. Тарихий тажриба, ижтимоий амалиёт шуни кўрсатадики, бундай зиддиятлар синфий, этник, миллий, ирқий, диний ва бошқа асосда бўлиб, жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши мумкин. Бундай антагонистик зиддиятлар жамият ва алоҳида шахслар ўртасида, турли давлатлар, ижтимоий-сиёсий тузумлар, сиёсий партиялар ва турли оммавий ҳаракатлар ўртасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Антагонистик зиддиятларнинг муҳим хусусиятлари уларни ҳал этишда мавжудҳолатнингбузилишига олиб келадиган воситаларни (талончилик, ўғирлик, одам ўлдириш, ҳаётий муҳим коммуникацияларнинг (алоқа йўллари) тўсиб қўйилиши, шунингдек, қуролли кучлар ва ички қўшинлар хизматчиларини гаровга олиш, фойдаланиш ва бошқалар) қўллашдир.

Антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар қотиб қолган эмас, улар бир-бирига ҳам ўтиб туради. Агар ноантагонистик

зиддиятлар ўз вақтида бартараф этилмаса, маълум бир шароитда улар тўплаииб ва кескинлашиб, антагонистик зиддиятларга айланиб кетиши мумкин. Жамиятимизда бўлаётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий барқарорлик, тинчлик, тотувлик антагонистик зиддиятларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Янгича тафаккур мавжуд зиддиятларни ҳал этишнинг **шакл** ва усуллари ҳақидаги масалани ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу масалага чуқур ва ҳар тарафлама ёндошиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки ижтимоий билишнинг асосий мақсади — ижтимоий муносабатларнинг инсоният манфаатларига мос келадиган энг қулай йўлларини аниқлашдан иборат.

Ижтимоий тараққиётда зиддиятлар баъзи кишиларнинг, ижтимоий гуруҳлар, синфларнинг манфаатлари ва мақсадлари шаклида юзага чиқади. Ижтимоий зиддиятларга таъсир этиш учун уларнинг маълум мақсад ва манфаатлар йўлидаги инсонлар онгли фаолияти орқали рўй бериш механизмини билиш лозим. Фақат шу йўл билангина ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш мумкин.

Зиддиятлар хилма-хил шаклларда бартараф этилиши мумкин. Ижтимоий зиддиятлар юзага келишининг турли-туманлиги уларни бартараф этиш шакллари ҳам турли-туман эканлигини ҳисобга олишни талаб этиши табиийдир.

Ижтимоий зиддиятлар ҳар доим ривожланиб турувчи жараён бўлиб, улар пайдо бўлади, чуқурлашади ва ҳал этилади. Узининг пайдо бўлишини дастлабки даврида яхши ривожланмаганлиги сабабли ижтимоий тараққиёт жараёнига сезиларли таъсир ўтказа олмайди. Аста-секин тўплана бориб, улар кейинчалик жамият тараққиёти йўлида тўсиқ ҳамда чуқур ижтимоий адоватлар манбаига айланиши мумкин. Бундай вақтда жамият ҳаётини кўнгилдагидек ташкил этиш учун жамиятда юзага келган ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш зарурияти тугилади. Бу мақсад йўлида кўпинча эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишига амал қилиниб, бу билан жамият олдинги томон ҳаракати учун кенг йўл очади.

Эскининг емирилиши ва янгининг қарор топиши йўли орқали ижтимоий зиддиятларни ҳал этишга жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги янги таркибий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши яққол мисол бўла олади: иқтисодиёт соҳасида, масалан, эски маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усули ўрнида аста-секин янги иқтисодий бошқариш усуллари қарор топмоқда. Эски марказлашган «план»ли бошқариш ўрнига бозор муносабатларига ўтиш лозимлиги давр талабидир.

Сиёсий соҳада эса эски тоталитар маъмурий-буйруқбозлик ҳокимиятидан — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини тақсимлашга асосланган ҳокимиятга ўтиш — ижтимоий

зиддиятлар эскиниг емирнлиши ва янгининг пайдо бўлиши усули орқали бартараф қилинишига яққол мнсол бўла олади.

Ижтимоий знддиятларни эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши билан ҳал этиш шакли миллий муносабатлар доирасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Қейинги даврдаги миллий муносабатлар масаласидаги туб ўзгаришлар, жумладан, собиқ иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг эълон қилиниши, Республикаларнинг миллий тилига давлат мақоми берилиши, миллий маданияти, урф-одатлари, маданият ёдгорликларининг тикланиши ва мамлакатимиз халқлари шу асосда ўз-ўзини миллий англаши ва бошқа ижобий жараёнлар демократия ва ошкоралик тараққиётининг натижасидир.

Бизнинг кўз олдимизда маънавий сохада ҳам эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши асосида чуқур сифат ўзгаришлари юз бераяпти, эски қонун-қоидалар инкор этилиб, унинг ўрнига бозор иқтисодиётига хос янги тасаввурлар пайдо бўлмоқда.

Ижтимоий муносабатларга эскича, синфий манфаатлар асосида ёндошиш ўрнига умуминсоний қадриятларни биринчи ўринга қўювчи янгича тафаккур нафақат халқаро муносабатлар соҳасида, балки мамлакат ички сиёсати соҳасида ҳам ижобий натижалар бермоқда. Буларнинг ҳаммаси янгича тафаккурнинг сермазмун эканлигидан далолат беради ва буларга олдин мавжуд бўлган тасаввур ва қарашларга ҳаёт талаби нуқтаи-назаридан танқидий муносабатда бўлиш ҳамда янгича ғояни шакллантириш мажбуриятини юклайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиш шакли билан ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш усули жамият ҳаётининг турли томонларида кенг қўлланилмоқда. Бу ерда яна шуни қайд этиш лозимки, ижтимонй зиддиятларнинг бундай усул билан бартараф этилиши натижасида қарама-қарши томонлар ўртасидаги муносабат шундай кескинлашадики, уларнинг эски сифат доирасида мавжудлиги мумкин бўлмай қолади.

Агар қарама-қарши томонлар ўртасидаги зиддиятларни мавжуд сифат доирасида ҳал этиш мумкин бўлса, бу ҳолда зиддиятларни бартараф этишнинг бошқа йўллари, жумладан қарама-қаршиликларни бирлаштириш шакли қўлланилади.

Илгари ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш усулларига бир томонлама ёндошилган эди. Уша даврларда ўрганилаётган ҳар бир нарса ёки ҳодиса бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутбга ажралган ва уларнинг бири янги пайдо бўлаётган жараён, иккинчиси эса умрини яшаб бўлган, ўлаётган жараённи ифодалайди, буларнинг ўртасидаги курашда, албатта, янги нарса ёки ҳодиса эски устидан ғалаба қозонади, деб келинган эди. Янгининг эски устидан ғалабаси ижтимоий зиддиятларни ҳал этишнинг ягона усули деб ҳисобланган эди.

Амалиёт бундай ёндошувиинг нотўғри эканлнгини кўрсатди. Нарса ва ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи ички имкониятлар зиддият қарама-қарши томонлар кураши ва бу курашда албатта янгининг ғалаба қозонишидангина иборат эмаслигини, балки у мана шу қарама-қаршиликларнинг диалектик қўшилуви ва бир бутунлиги тараққиётнинг янги босқичига олиб келишини ҳам кўрсатади. Бу масалага ўз вақтида Гегель ҳам катта аҳамият берган ва қарама-қарши томонлар бир-бирлари билан фақат курашиб қолмасдан, шунинг билан бирга бир-бирларини тўлдирадилар ва олға қараб ҳаракат қилишга кенг йўл очиб берадилар деб ҳисоблаган.

Қарама-қаршиликлардаги баъзи умумий йўналишларнинг ўхшашлиги, бирлиги, қарама-қаршиликлар бирлашувининг объектив асоси бўлиб хизмат қилади. Қарама-қаршиликлардаги, бундай ҳаракатлар, бирлашувлар маълум шароитларда амалга ошади.

Қарама-қаршиликларни онгли равишда бирлаштиришга эришиш ҳозирги шароитда жуда муҳимдир. Чунки бир-бирларига қарши турувчи кучлар ўртасидаги тўқнашувлар мавжуд қийинчиликларни янада чуқурлаштириб, салбий натижаларга олиб бориши мумкин.

Мавжуд қарама-қаршиликларни онгли равишда бирлаштириб зиддиятларни бартараф этиш шакли жамиятнинг ҳамма соҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Бунга мисол сифатида иқтисодиётимизда ижтимоий мулк билан хусусий мулкнинг бирбири билан қўшилиб кетишига мурожаат қилишимиз мумкин. Илгари ижтимоий ва хусусий мулк бир-бирларини тамоман инкор этади, деган ғоя ҳукм суриб келган бўлса, ҳозир ҳаёт бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик корхоналар халқ истеъмол молларини етказиб беришда ва а.ҳолининг анчагина қисмини иш жойлари билан таъминлашда катта роль ўйнашини кўрсатяпти.

Иқтисодий соҳадаги қарама-қаршиликларни бирлаштириш натижасида тўпланиб қолган зиддиятларни бартараф этишнинг яна бир шакли — давлат тасарруфидаги мулкчилик асосида, чет эл фирмалари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилинишидир. Бу соҳада бош йўналиш кучли чет эллик шерикларни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга жалб қилишдир. Қўшма корхоналарнинг тузилиши чет эл маблағларини ва илғор технологияни қўллаш имкониятлари билан бир қаторда бизнинг одамларимизни меҳнатни ташкил қилишнинг замонавий услубларини ўрганиш сингари масалаларга жавоб қилиш имкониятини беради.

Ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш шакли сифатида қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилишидан сиёсий ҳаёт соҳасидаги кўпгина муаммоларни ҳам ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Маълумки, ҳозирча МДҲ ва мустақил республикалар ҳуқуқларини аниқ чегаралаб қўювчи механизмлар ишлаб чиқилмагани сабабли мустақил республикалар ўртасида айрим

зиддиятлар келиб чиқмоқда. Буида шу нарса аниқки, ушбу масаланинг ечилиши мустақил республикалар ролларининг камситилиши ва МДҲ ҳуқуқларининг кенгайтирилиши ҳисобига эмас, балки МДҲ ва мустақил республикалар манфаатларини диалектик ҳисобга олиш ва бирлаштириш йўли билан амалга оширилмоғи лозим.

Шунга ўхшаш турли сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам қарама-қаршиликларни диалектик бирлаштириш шаклида бартараф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шароитда жамиятимиз олдидаги вазифаларни ҳал қилишда соғлом кучларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ихтилоф эмас, балки қарама-қаршиликларнинг бирлиги юзага келган муаммоларни ҳал қилиш шакли сифатида муҳим дунёқараш ва методологик аҳамият касб этади.

Маънавий соҳадаги зиддиятларни ҳал қилишда ҳам қарама-қаршиликларни бирлаштириш шаклидан самарали фойдаланиш мумкин.

Маълумки, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кўпгина фуқаролар сиёсий масалаларда бошқача фикрлагани учун қатағон қилинган ва уларнинг кўпчилиги жисмонан йўқ қилин•ган эди. Бу сиёсий қатағонлар кейинчалик адолатли равишда қораланди. Эркин демократик давлатга хос бўлган, янгича тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги талабларига мувофиқ қатағон қилинган ҳамма жабр дийдаларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Фалсафий нуқтаи-назардан бу ҳужжатнинг аҳамияти, бизнинг фикримизча, қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилиши сифатида баҳоланиши керак. Ваҳоланки, фикрлар хилма-хиллигининг такомиллашиши жамиятимизда турли фикрлар, мафкуравий қарама-қаршиликларнинг бнрга мавжуд бўлишини тақозо этади. Қарама-қаршиликларнинг онгли бирлаштирилиши ҳозирги давлат ҳокимияти фаолиятида услубий асос вазифасини ўтамоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, шахснинг маънавий камолоти учун илмий-инқилобий ютуқлари билан бир қаторда, диний таълимотлар, маданий ёдгорликлар, миллий урф-одат, анъаналарда ўз аксини топган ўтмишнинг маънавий меросларинн ҳам кенг қўллаш даркор.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида бу масалага бир томонлама ёндашув ҳукм суриб келди. Натижада ўтмишнинг маданий меросига салбий муносабат туғилди. Хусусан бу ҳол дин масаласида кескин равишда юзага келди. Уша вақтда ҳукм суриб келган мафкуравий андозаларга асосан, динга қарши қаттиқ ҳужум бошланди, кўпгина маданий ёдгорликлар, черковлар, мачитлар, ибодатхоналар бузиб ташланди, диний арбоблар қатағон этилдилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатга катта маънавий ва моддий зарар етказди.

Ҳозир шу нарса муҳим бўлиб қолдики, давлат дин ва диний ташкилотларга диққат билан ва яхши муносабатда бўлган тақ-

дирда улар жамиятиинг ахлоқий покланишида ва шахснинг умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Шу сабабли мамлакатда динга муносабат ўзгарди.

Дин арбоблари ва динга эътиқод қилувчилар ҳамма даражадаги халқ депутатлари кенгашлари ишида қатнашмоқдалар, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Улар катта хайрли яратувчилик ишларини олиб бормоқдалар. Атроф-муҳитнинг экологик софлиги учун, тарихий ёдгорликларни асраш, миллий маданиятни янада ривожлантириш, яхши урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш учун қилаётган ҳаракатларда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг шахсни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги ўринлари беқиёсдир. Шу билан амалда жамиятнинг маънавий камолотн учун илмий ва диний онгнинг бирлаштирилиши амалга оширилмоқда.

Бу ва бошқа мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, ижтимоий зиддиятларнинг бартараф этилиши ва жамият тараққиёти фақат эскининг емирилиши ва янгининг қарор топиши асосидагина эмас, балки қарама-қаршиликларнинг диалектик бирлиги йўли билан ҳам таъминланиши мумкин экан.

Ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг яна бир шакли — консенсусдир. «Сопзепзиз» лотинча сўз бўлиб, «келишиш», «якдиллик» маъносини беради. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларидан бири ҳисобланади. Консенсус келажакда ўзаро битимлар, келишувлар, ўзаро мажбуриятларни белгиланишида асос вазифасини ўташи мумкин.

Консенсус одатда меҳнат жамоалари ва уларнинг ижтимоий томонлари (иш ташлаш қўмиталари ва касаба уюшмалари) маъмуриятлари, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, марказий идоралар, вазирликлар ҳамда турли давлатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқалар ўртасидаги келишувчиликлар, муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади. У халқларни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир.

Консенсус ижтимоий-иқтисодий, маънавпй тараққиётда бўлгани сингари, халқаро муносабатларда юзага келган зиддиятларни ҳал қилишда ҳам кенг қўлланилади. Консенсуснинг муҳим хусусияти шундаки, музокаралар қатнашчилари ўзаро ён беришлар йўли билан, тинч йўл билан келишиб ўзаро фойдэли қарорларга келадилар ва бир-бирига муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мавжуд зиддиятларни бартараф қилиш имкониятини берадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, консенсуснинг самарадорлиги бутунлай музокаралардаги ҳамма бандлар юзасидан эришилган келишувларнинг ҳаммасини бажарилишига боглиқ бўлади. Агар

улар аниқ ва виждонан бажарилса, вазиятнинг яхшиланиши кузатилади, меҳнат жамоаларининг ҳаёти ва фаолияти учун етарли имконият ҳамда улар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш учун кенг ҳўлланган шарт-шароит яратилади ва ҳоказо.

Консенсуснинг муҳим шакли, турли сиёсий кучлар ўртаснда-гн зиддиятларни ҳал қилиш учун кенг қўлланилаётган мулоқот ва «думалоқ стол атрофида суҳбат» ўтказишдир. Консенсуснинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у оммавий ахборот воситалари орқали жамият учун муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалалар бўйича референдум (умумхалқ овоз бериши) лар ўтказиш ва қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш орқали ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Консенсус — ихтилофлардан ҳамкорликка олнб борувчи йўлдир. У халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Маълумки, ўн йиллар мобайнида Шарқ ва Ғарб бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди. Ҳозир ихтилофлар сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш амалга оширилмоқда. Бу ўтишнинг бир қанча сабаблари бор. Асосий сабабларидан бири Ғарб ва Шарқ манфаатларидан устун келадиган ва ҳамкорликда ечиш талаб қилинадиган умумбашарий муаммолардир. Булар қашшоқлик ва очлик, энергия танқислиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, дунё бўйича ракеталар, ядро ва кимё қуроллари ишлаб чиқариш технологиясининг ёйилиб кетиши, терроризм, гиёҳвандлнк муаммоларидир. Инсоният дуч келаётган бу муаммоларни, илгаригидек, ихтилофлар йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳозирги авлодларнинг тарихий вазифаси вужудга келган нмкониятларни қўлдан чиқармай, Европа давлатлари, МДҲ ва Ғарб иттифоқлари давлатлари манфаатларига мос тушадиган муносабатларни қарор топтиришдан иборат, деган фикр тобора оммавий тус олмоқда.

Консенсус — бу, фуқароларнинг тинчлик сари тутган йўлидир. Ҳозирги босқичга хос зиддиятлар, ижтимоий ва бошқа тангликлар ҳаддан зиёд кучайган шароитда жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Фуқаролар тинчлигига эришишнинг муҳим шартларидан бири — ҳамма даражадаги умумхалқ мулоқоти, турли партиялар ва оммавий ҳаракатлар ўртасидаги мулоқотдир. Мулоқот бирлашишнинг базаси ва асоси сифатида зарурдир. Эшитишни билиш ва эшитишга сазовор бўлиш маданиятли одамлар анъаналаридир.

Мулоқот самарали бўлиши учун унда нафақат олимлар ва публицистлар, ёзувчилар ва тарғиботчилар, балки партиялар, давлат, ижтимоий ташкилотлар раҳбарлари, албатта, қатнашишлари керак, «Халқ билан юзма-юз»— бу шиор ҳам фуқаролар тинчлигини таъминлаш кўринишларидан бири, бу ҳар бир фуқаро томонидан кимнинг кимлигини аниқлашда холис баҳолаш имкониятидир. Бу ерда бир-бирига ён босиш, мухолифлар фикрини эшитиш ва баҳолай олиш орқали салбий томонларини

эмас, балки ҳозирги туб бурилиш даврида бизларни бирлаштирувчи ижобий томонларни қидириш лозим.

Узгалар фикрини тушуниш — ўзгалар билан тезда тил топиш эмас. Римлик тарихчи Гай Транквилл Светоний таъкидлаганидек, «ўзаро келишилса кичик бир нарса ҳам ривожланади, келишилмаса буюк нарса ҳам йўқ бўлади».

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, жамиятда фуқаролар тинчлигини илгари бизда ҳукм сурган буйруқбозлик ва яккаҳокимлик кучи билан эмас, балки ишонч, тўғрилик, барча соғлом кучларни аниқ мақсад йўлида бирлаштира бориб таъминлаш мумкин, холос.

Жамиятда фуқаролар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири — ҳокимиятга ишончдир. Ҳокимиятга ишончнинг етарли даражада бўлиши ҳар қандай ислоҳот ижобий натижа беришининг муҳим омилидир. Ижобий ўзгаришлар, ҳокимият томонидан қабул қилинадиган тўғри қарорлар кишилардаги ишонч даражасини кўтарса, салбий ўзгаришлар эса бу ишончни сусайтириши мумкин. Жамиятдаги бўлинишлар, халқнинг норозилиги, ҳукумат истеъфосини талаб қилиш, сиёсий иш ташлашлар, ҳатто қуролли кураш — буларнинг бари ҳокимиятнинг тўла инқирози натижасидир.

Ишончнинг ажралмас омили — ўзга томонларни эшита билиш ва тушуниш ўзаро мулоқот маданияти ва бошқалардир.

Юқорида билдирилган фикрлардан чиқариладиган умумий хулоса шуки, ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш шакллари турлича бўлиши мумкин. Бу эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлиши, қарама-қарши томонларни онгли равишда бирлаштириш, фикр-мулоҳазаларда ўзаро келишиш учун зарур бўлган консенсусдир. Зиддиятларни бартараф этишнинг бу шаклларидан аниқ шароитни ҳисобга олиб, тўғри фойдаланиш жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги ижтимоий зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда ҳамда жамият ҳаётини янгича сиёсий тафаккур асосида барпо этишда муҳим рол ўйнайди.

Ниҳоят, ижтимоий зиддиятларни ўрганишнинг муҳим томонларидан бири — бу жамият ривожланишида диалектик зиддиятлар тараққиётини бошқариш масаласидир. Бошқариш санъати зиддиятларни писанд қилмаслик эмас, балки у зиддиятларни ўз вақтида сезиш ва қарама-қарши томонларни ўрганишда, келишмовчиликларни бартараф этиш шакллари ва йўналишини топа билишда ўз аксини топади.

Зиддиятлар қотиб қолган, ҳаракатсиз, ҳамма вақт бирдай бўлмай, балки доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва тараққиётда бўлади. Зиддиятлар диалектик жараён бўлиб, бу жараёнда улар пайдо бўлади, чуқурлашади ва бартараф этилади. Шунинг учун амалий фаолиятда зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда уларнинг етуклик даражасини аниқлай олиш муҳим омил ҳисобланади. Бунда секинлашиш ҳам, олдин ўтиб кетиш ҳам бирдек зарарли. Зиддиятлар хоҳ геатта, хоҳ кичик бўлсин, ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, у жамият тараққиётига

салбий таъсир этади. Масалага бундай ёидошиш ижтнмоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига жиддий ёндошишни ва уларнинг жамият тараққиётига бўлган таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади.

к

## 4. Жамиятни демократик тамойиллар асосида бошқаришнинг асослари

Фалсафада жамиятнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятларини атрофлича билиш, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида рўй бераётган зиддиятларни ўз вақтида англаб ва бартараф этиш билан бир қаторда уни демократик тамойиллар асосида замонавий усулда бошқариш катта ўрин эгаллайди.

Жамиятни бошқаришда миллий давлатчилик анъаналарига амал қилиш, уларни чуқур ва атрофлича ўрганиб ижобий томонларини ҳаётга жорий этиш катта аҳамият касб этади. Бу борада айниқса Амир Темур давлатчилигининг тажрибаси алоҳида эътиборга моликдир. «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилик негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак»[1].

Янгиланган жамиятимизни илмий бошқаришда, ислоҳот йў-. лимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир.

Жамиятни бошқаришда миллий анъаналаримиздан самарали фойдаланиш, ўз қобиғимизда ўралиб қолиш маъносини билдирмайди, албатта. Бу ишда бошқа ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасига ҳам суянишимиз лозим бўлади. Жамиятни демократия асосида бошқариш, бошқарув ходимларини тайёрлашда йирик хорижий мамлакатларнинг тажрибаси кенг ишга солиниши даркор.

Демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида Узбекистон ривожланган давлатлар тўплаган улкан тажриба асосидаги замонавий цивилизация ютуқлари билан батафсил танишиб, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қилиб келмоқда. Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз,— дейди И. Каримов.

Ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида демокра-

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40-бет.**

тик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари ўз ифодасини топган. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради. Мана шу тамойилларга амал қилганлар демократик мамлакат деб баҳоланади.

Лекин ҳаёт шундан далолат берадики, ҳуқуқий давлат, чин маънодаги эркин фуқаролар жамияти қуришимиз учун шуларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Чунки демократик жараёнлар ўз объектив қонунлари асосида ривожланади. Ана шу жиҳатдан мазкур масалага ёндошадиган бўлсак, шупи эътироф этиш кеçракки, Осиё минтақасида ва Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Уларга қуйидагилар киради.

Биринчидан, Шарқда демократик жараёнлар тадрижий ва узвий равишда аста-секин тараққий топади, иккинчидан, жамиятни демократиялаштириш одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Ғарбда демократия индивидуализм фалсафасига таяниб оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга қаратилган бўлса, Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади.

«Буларнинг барчаси жамиятнинг бошқариш тизпмини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Биз буни ҳисобга оляпмиз. Буни маҳаллалар иши мисолида яққол кўришимиз мумкин»[1].

Узбекистон жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб ўзига хос, ўзига мос жамиятни бошқарув тузилмаларини танлаб олди. Президентлик лавозими жорий этилди. Кўппартиявийлик асосида илк бор Олий Мажлис сайланди. Мустақил ташқи сиёсатимиз туфайли Узбекистон парламенти бнр қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари Олнй Мажлис фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Давлат қурилиши ва бошқариш тузилмаларини демократиялаштириш соҳаснда ҳали олдимизда турган ишлар оз эмас. Шу ўринда юксак маданиятли ва маърифатли, янгича фикрлай ола-

[1] **Каримов И. Д. Юксак малакали мутахассислар—тараққиёт омили. Т., 1995, 4- бет.**

диган юксак малакали мутахассисларни таиерлаш алоҳида аҳамият касб этади.

«Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.

Бу эскича фикрлаш юкидан ҳоли бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилиши зарур. Сифат жиҳатдан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор»[1]. Ана шундай кадрларни тайёрлашда янгидан таъсис этилган давлат ва жамият қурилиш академияси кенг кўламли ишларни олиб бормоқда.

Давлатни демократик тамойиллар асосида бошқаришнинг яна бир муҳим шарти — кадрларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ривожлантиришдир. Биз ҳозир шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатии муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари, ҳаётимизнинг барча соҳаларига оид бўлган каттаю-кичик масалаларнинг заминида адолат ва қонунчилик ғоялари ётмоғи лозим. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси, қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

«Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни хурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият деганн — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»[2].

Янги демократик жамият қурилаётган бир пайтда давлатни бошқарувчи кадрларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онги, савиясини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоғи даркор.

Жамият қонуний равишда ҳамиша ўзгариб, ривожланиб, тараққий этиб туради. Шунинг учун давлатни бошқарувчи кадрларимиз доимо ўзларининг билимларини чуқурлаштириб, ривожлантириб туришлари керак.

Кишилар ҳозиргига нисбатан бирмунча юксакликка кўтарилгач, хотнржам бўлиб, томошабинга айланиб қолмайдилар. Ҳал қилинган вазифалар ўрнига янги, мураккаб ва долзарб вазифа-

[1] **Каримов И. А. Юксак малакали мутахассислар—тараққиёт омили. Т.,** 1995, 16-бет.

[2] **Каримов И. А. Узбекистонниг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, Т., 1995, 29- бет.**

лар, эришилган мақсадлар ўрнига бошқа, янада муҳимроқ мақсадлар келади. Тарих ғилдираги шу тариқа олға томон бетўхтов айланаверади.

Жамиятни илмий асосда бошқариш ва такомиллаштиришда, айтиб ўтилганлардан ташқари, яна қуйидан тортиб то юқори — олий поғонагача масъул лаеозимларда ишлаётган раҳбарларнинг зукколиги, илмий етуклиги, ғоявий-сиёсий баркамоллиги билан бир қаторда ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Агар жамият ҳаётига етакчилик қилаётган шахслар раҳбарлик соҳасида, ўзларининг амалий фаолиятларида ҳозирги даврдаги мураккаб шарт-шароитларни, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган минтақавий ва жаҳон муаммоларини чуқур илмий мушоҳада қилиб иш юритсалар, халқнинг фаровонлиги учун хизмат қилсалар, жамият шак-шубҳасиз тез юксалиб ва тараққий этиб бораверади.

Форобий айтганидек, раҳбари донишманд бўлган халқ — бахтлидир, унингча, жамнятнинг биринчи бошлиғи ўн иккита хислатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. 1. У соғ-саломат бўлиши керак. 2. Нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. 3. У англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўкис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур. 4. У зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини сезиб олиши зарур. 5. У ўз фикрини равшан ифодалай билиши зарур. 6. Узини пок тутиши, ёмон ишлардан узоқ бўлиши зарур. 7. У таълим олишга, маърифатга ҳавасли бўлиши зарур. 8. У ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. 9. Уз қадрини билувчи ва номусориятли одам бўлиши, улуғ олий ишларга интилиши зарур. 10. Бойлик орттиришга қизиқмайдиган бўлиши зарур. 11. Адолатпарвар, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни раво кўрувчи бўлиши керак. 12. Узи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги керак[1].

Ана шундай олижаноб инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, бозор иқтисодиёти қонун ва қоидалари^и, унинг санъатини мукаммал ўзлаштириб олган, элим, халқим деб ёниб яшайдиган раҳбарлар истиқлол тақдирини ҳал қилувчи кучдир.

Катта йўл кичик қадамдан бошланади. Ҳозир биз республикамиз истиқлолининг порлоқ йўлида дастлабки қадамларни қўнмоқдамиз. Меҳнатсевар халқимиз мустақиллик туфайли эришилган ютуқлардан оқилона фойдаланиб, ҳур Узбекистонимизни келажаги буюк давлатлар сафига олиб чиқишига ишончимиз комил!

[1] **Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 159-160- бетлар.**

**Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

**1. Ижтимоий воқеликнииг билиш мураккаблиги ва ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?**

**2. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билим жараёнидаги таъсири қандай?**

**3. Ижтимоий зиддиятларнинг хилма-хиллиги ва уларни бартараф этишиинг ўзига хос йўллари ва шакллари тўғрисида Сиз қандай фикрдасиз?**

**4. Жамиятни демократик тамойиллар асосида бошқариш ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.**

# XV БОБ. ИНСОНИЯТ ИСТИҚБОЛИ

## 1. Жамият тараққиётиии олдиндан кўра билиш — инсон оқилона фаолиятининг зарур шарти

Жамиятни илмий билиш ва бошқаришда унда содир бўлаётган жараёнлар тараққиётининг оқибатнни олдиндан кўра билиш катта аҳамият касб этади. Башорат қилиш нима? Инсон ҳаётида ҳали рўй бермаган, фан учун ҳозирча номаълум ҳисобланган, имконият тариқасидагина мавжуд бўлган бирон-бир ижтимоий-сиёсий воқеа ёки ҳодисанинг келажакда қандай рўй беришини, унинг ҳолати, ривожланиш қонунлари ва оқибатларини муайян илмий далиллар, назарий хулосалар ва маълумотларга асосланган ҳолда олдиндан айтиб бериш — башорат қилишдир.

Инсон фақат орқага, ўтмишга қараб яшай олмайди, балки ўтмиш авлодлар томонидан яратилган барча илмий билимларни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, уларга ижодий ва танқидий ёндошиш асосида келажакни олдиндан кўришга, тўхтовсиз илгарилаб боришга ҳаракат қилади. Утмишни, тарихни билмасдан туриб келажакни билиш, олға ривожланиш мумкин эмас. Келажакка умидворлик билан қараш, бугун билмаган нарса ва ҳодисани эртага мукаммал билишга интилиш, орқага эмас, олдинга, келажакка томон ҳаракат қилиш — инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бўлиб ҳисобланади. Инсон ўзининг келажагини тахмин ва гумонларга асосланиб эмас, балки фан ва амалиётнинг чуқур илмий хулосаларига асосланиб билиб олади. Фан ва амалиёт — келажакни олдиндан кўришнинг энг ишончли қуролидир. Инсон фан ёрдамида дунёни илмий асосда билади, ундан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланади. Бирон-бир нарсадан фойдаланиш учун аввало ўша нарса ва ҳодисани билиш, атрофлича ўрганиш керак бўлади.

Башорат қилиш, илмий олдиндан кўриш инсон тафаккури билан боғлиқ бўлгани учун унда ҳақиқатга яқин хаёлий нарсалар ҳам, назарий жасорат ва интилиш ҳам, шунингдек, гоҳида янглишишлар ҳам бўлиб туради. Агар илмий фараздан қонуний равишда келиб чиқадиган хулоса тажрибада тасдиқланмаса, ҳаётда ўзини оқламаса, бу ҳол илмий фаразнинг нотўғрилигнни кўрасатади.

Илмий олдиидан кўриш табиат ва жамиятнинг билиб олнн-маган қонунларини, номаълум бўлган ва ҳали юзага чиқмаган ҳодисалари соҳасига жорий этилишига асосланади. Илмий олдиндан кўришда муқаррар равишда келажакдаги воқеалар ва уларнинг муддатлари хусусида тахминий фаразларнинг элементлари бўлади. Бунинг сабаби шуки, тараққиёт жараёнида илгари мавжуд бўлмаган сифат жиҳатдан янги сабабий боғланишлар ва имкониятлар пайдо бўлади, жамиятга татбиқан эса бу нарса унинг ривожланиш жараёнининг алоҳида мураккаблигидан келиб чиқади. Илмий башорат тўғрилигинннг мезонн — амалиётдир.

Ижтнмоий ҳаёт ҳодисаларини олдиндан билиш, режалаштириш, программалаштириш, лойиҳалаштириш, бошқариш назариялари билан ўзаро алоқадорликда амалга оширилади. Мураккаб жараёнларни олдиндан билишга айрим фанлар, мутахассисларнинг кучи етмаслиги сабабли илмнинг барча тармоқларндаги етук олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади. Келажакни, мавжуд тарихий жараёнларни башорат қилишнинг энг қулай усули эксперт баҳолашдир. У тарнхий жараён ҳақидаги чуқур ва аниқ илмий тасаввурларга, илмий тадқиқот усулларининг натижаларига асосланиб иш кўради ва хулоса чиқаради.

Жамият тараққиёти қонунларини олдиндан ,кўра билишнинг экстраполяция (муайян бир шароитда рўй берадиган қонуниятларни ҳозирги давр ва келажакка боғлаш), тарихий аналогия (ўтмиш ҳодисаларига қараб хулоса чиқариш), ижтимоий хрдисаларни компьютер оркали намуналаштириш, келажак ҳодисаларни тасвнрлаш, экспериментал баҳолаш (тарихий илмий тажрибага асосланган ишларга) баҳо бериш сингари асосий усуллари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси биргаликда жамият тараққиётини олдиндан кўришга имкон беради.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини олдиндан билиш ва кепг мушоҳада этиш кишиларнинг орзу-истакларига эмас, балки жамият тараққиётининг қонунларини пухта билишга асосланадн. Амалиёт шуни кўрсатдики, мавжуд воқеаларнинг ҳал қилувчи йўналишларини фақат равшан тушуна олган тақднрдагина тўғри, илмий жиҳатдан асосланган сиёсат юритиш мумкин. Содир бўлаётган воқеалар диалектикасини, унинг объектив мантиқини чуқур тушуниб олиш, давр ҳаракатинп ифодаловчи тўғри хулосалар чиқара билиш осон эмас, лекин бу ғоят зарур ишдир.

Мавжуд воқелик, мамлакатимизда, жаҳон миқёсида мунтазам равишда содир бўлиб турган ҳодиса ва жараёнлар, жаҳон фани ва техникасининг, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг ҳайратомуз даражада тўхтовсиз ривожланиб бораётганлиги, ҳозирги замон илмий-техника ютуқлари инсониятнинг келажаги ҳақида мукаммал илмий хулосалар чиқарнш учун бой материал бермокда.

Мамлакатимизнинг келажаги хақида аниқ режалар ишлаб

чиқиш, улари амалга оширишнинг энг оқилона ва мақсадга мувофиқ йўлларини белтилаб олиш учун халқ билан маслаҳатлашиш, унинг фикрига қулоқ солиш, мададига суяниш, унинг талаб-истакларини бажариш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

## 2. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги пайтда жаҳон тараққиёти ўзига хос янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос, олдинги пайтлардан фарқ қиладиган аломатлари, характерли белгилари бор. Булар қуйидагилардан иборатдир:

Ер юзидаги давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлнк ва ҳамкорликнинг юксалиб бориши жаҳон тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятидир. Бошқача айтганда, кенг қамровли интеграция —-(лотинча сўз бўлиб, тўлдириш, яқинлашиш маъносида ишлатилади)—бутун ҳозирги оламшумул жараён бўлиб, ҳар бир халқ ва давлатнинг порлоқ истиқболи умуминсоний цивилизация йўлидаги барча куч-ҳаракатларини бнрлаштиришга кўмаклашади.

Маълумки, асримизнинг бир неча ўн йилликлари мобайнида Европа билан Осиёдаги мамлакатлар, Ғарб билан Шарқ, капиталистик тузум билан жаҳон социализм тузуми бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди.

Ҳозирги пайтда жаҳонда шундай бир вазият вужудга келдики, дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт даражаларинннг ҳар хиллиги, ривожланишнинг турлича босқичларида эканлнклари, ҳатто мафкуравий қарашлардаги фарқларга қарамасдан ўзаро яқинлашмоқдалар. Ҳозирги пайтда ўтмишдаги ўзаро душманлик ва ихтилофлар сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш амалга ошнрилмоқда. Бу сиёсий халқаро муносабатларда кенг қўлланилмоқда. Дунёдаги бир қанча энг йирик ва қудратлн давлатлар бошлиқларн (президентлар), турли сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар, корхоналар, концернлар, ,оммавий ҳаракатлар раҳбарларн, диний арбоблар, мутахассислар ўзаро учрашиб бир-бирларига ён беришиб халқаро муносабатларда юзага келган энг долзарб масалалар, муҳим ҳаётий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишни баҳамжиҳат келишиб олмоқдалар. Давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро битимлар ва мажбуриятлар қабул қилиниб турибди.

«Жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда миллий хусусиятлар ва анъа-

наларни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда»[1].

Дунё миқёсида рўй бераётган ҳар хил қийинчилик ва мураккабликлар, кутилмаганда пайдо бўлиб қолаётган муаммолар, айниқса, термоядро уруши хавфи, сайёрамиздаги тарихи, маданияти, дини, тили, тақдири, сиёсати ва мафкураси ҳар хил бўлган халқлар ва мамлакатларни ўзаро яқинлашувларини ҳаётий заруриятга айлантирди. Бугунги кунда, учинчн минг йиллик арафасида одамлар тарихда биринчи марта ўз тақдирларини сайёрамиз бўйича бирлигини, бошқа халқлар ва миллатлардан ажратилмаслигини чуқур ҳис қилмоқдалар. Умуман олганда ҳозирги пайтда жаҳон мамлакатлари ва халқлари олдида ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам умумбашарий муаммолар билан айни бир пайтнинг ўзида шуғулланиш зарурати туғиляпти. Бу вазифа ва муаммоларни ҳал этиш учун тараққиётнинг турли босқичида турган, ривожланиш даражаси турлича бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга чуқур ҳурмат ва эътиқод сув билан ҳаводек зарур.

Инсониятни қизиқтириб келаётган умумбашарий, миллий ва минтақавий ва бошқа муаммоларни илгаригидек ихтилофлар йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда, ихтилофлар эмас, соғлом кучларни бирлаштириш, қарама-қаршиликларнинг бирлиги юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омили эканлигини жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи кўрсатиб ва амалда исботлаб турибди.

Шунинг билан бир қаторда жаҳонда мулкий тенгсизлик — саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучаймоқда.

Бу ҳолат жаҳон манбаларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни, табиат манбалари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланса ҳам, саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интилмоқдалар.

Қолаверса, илмий ва техникавий билимлар, шунингдек, илғор технологиялар соҳасида, эркин сармояни тўплаш ва жойлаштириш соҳасида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

Ҳозирги замон тарихий жараёнларининг асосий белгиларидан яна бири — дунёдаги аксарият мамлакатларнинг, хусусан, яқинда мустақилликка эришган давлатларнинг энг кучли, энг катта халқаро банклар, нуфузли халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириб куч-ғайратлари ва иқтисодий имкониятларини умумий мақсадлари йўлида бирлаштираётганликларидадир. Буни Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Узбекистон Республикаси мисолида кўриш мумкин.

Қисқа вақт ичида республикамиз кўпгина нуфузли халқаро

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40- бет.**

ташкилотларга, хусусан БМТ га, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга қабул қилинди-

Ҳозирги давр учун хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган замонавий технология — саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига жорий этилмоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг илдам одимлар билан олға тараққий этишида замин яратмоқда.

### 3. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари ва истиқболлари

Умумбашарий муаммолар мазмунан бой ва чуқурлиги, қамровининг кенглиги, бутун инсоният ҳаётига тааллуқлилиги, миллий, регионал чегаралар билан чекланиб қолмаганлиги ва бошқа қатор хусусиятларига кўра айрим халқ ва миллатга, алоҳида бир ижтимоий-иқтисодий тузумга бевосита тегишли бўлган муаммолардан кескин фарқ қилади. Умумбашарий муаммолар инсониятнинг ҳозирги даври учунгина эмас, балки келажакдаги ҳаётий манфаатлари учун ҳам жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари — бу инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммолардир. Курраи заминнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва регионларида яшаётган миллиардлаб кишиларга, умуминсониятга умумий алоқадор бўлган бундай муаммолар сон-саноқсиздир. Улардан энг асосийлари — Ер юзида тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, хавфли касалликларнинг олдини олиш ва экологик муаммоларни ҳал этишдан иборат. Умумбашарий муаммоларга, янги ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиёт даражасини ошириш, аҳолининг қашшоқлик ва саводсизлигига барҳам бериш, саноат хом-ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани манбаларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Қайд қилиб ўтилган умумбашарий муаммоларни мазмуни ва хусусиятига кўра учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, Ер юзидаги халқлар ижтимоий тараққиёти учун тинчликни сақлаш, ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд камчиликларни тугатиш ва янги халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш каби муаммолар киради. Атроф-муҳитни фалокатли ифлосланишдан сақлаб қолиш, инсониятни ёқилғи, хом-ашё, озиқ-овқат билан таъминлаш, жаҳон океани манбаларини ва коинотни ўзлаштириш сингари умумбашарий муаммолар иккинчи гуруҳни ташкил этади. Ниҳоят, учинчиси илмий-техника инқлоби сал-

бий оқибатларииинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш, саводсиздикка қарши курашиш сингари муҳим ҳаётий муаммолардан иборат.

Умумбашарий, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган муаммолар бир-биридан ажралиб қолган эмас, балки узвий боғланишда ва ўзаро алоқадорликдадир. Улардан бирининг ҳал қилиниши иккинчи ва учинчисининг ҳам ҳал қилинишига йўл очади.

Ҳозирги замонда инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммо — бу Ер юзидаги тинчликни сақлаш, ядровий урушнинг олдини олиш, халқаро хавфсизликни таъминлашдир. Биз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, инсоният атом энергиясига, ҳарбий аҳамият бахш этилган ядровий қуроллар асрига қадам қўйиб, абадийликдан маҳрум бўлиб қолди. Агар ядровий уруш бошланиб кетса, Ер юзидаги ҳамма жонли нарсалар йўқ қилиб ташланади. Мавжуд ядровий аслаҳахоналар шундайки, уларда Ер юзида яшайдиган ҳар бир киши ҳисобига унинг атрофидаги жуда катта минтақани вайрон қилишга қодир бўлган зарядлар жамлаб қўйилган. Ҳозир битта стратегик сув ости кемасининг «йўқ қилиб ташлаш кучи» бир неча иккинчи жаҳон урушига тенг бўлган куч-кудратини ўзи билан олиб юради. Ҳолбуки, неча ўнлаб ана шундай сув ости кемалари бор.

Атом энергиясидан ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланиш инсониятнинг бундан кейинги тақдирини хавф остида қолдиради. Чунки ядро қуроли қўлланса, Ер юзидаги барча тирик мавжудот қирилиб, цивилизация йўқ бўлиб кетади, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ҳозир дунёда илгариги давлатлардагига нисбатан ядро қуроли ва уларни ташиш мосламалари анча кўпдир. АҚШ билан собиқ шўро ҳудудидаги ядро қуролларининг талофат кучи 60 минг мегатоннанн ташкил қилади. Олимларнинг тахминича, агар уруш бошланиб, ядро қуроллари қўлланиладиган бўлса, бу ҳолда фақат 12 минг мегатоннагача қувватидан фойдаланилади. Солиштириш учун кўрсатиш мумкинки, иккинчи жаҳон урушида қўлланилган барча портлатиш қуролларининг умумий қуввати атиги 6 мегатоннани ташкил қилади. Бошқача айтганда, ядровий уруш бўладиган бўлса, бунда портлаш кучи беш йил давом этган иккинчи жаҳон урушидагига нисбатан икки минг баробар кўп бўлиб, у фақат бир ёки икки кунда юз беради.

Термоядро қуролларининг учта техник хусусияти инсониятни, цивилизацияни катта хавф-хатар остига қўяди.

Биринчидан, термоядро қуроли катта талофат кучига эга. Агар оддий куч мегатонна қувватига эга бўлган ядровий қурол қўлланилса, Хиросимадагига нисбатан ёнғин майдони 150 маротаба кўп, талофат майдони эса 30 маротабагача кўп бўлади.

Академик А. Д. Сахаров таъкидлаганидек, оддий зарядли қурол бирон-бир шаҳарга ташланса, шаҳарнинг 100 кв. км. қисми тўла талофат кўради ва ёнғин бўлади, ўнлаб миллион квадрат метр уй-жой хонавайрон бўлиб, 1 миллиондан кўпроқ

кишн иморатлариинг харобалари остида, ёнғиндан, радиацияланган чанг-тўзондан бўғилиб ҳамда ер ости мосламалариннng беркилиб қолиши натижасида ҳалок бўлади. Ер устидаги портлаш ўн минглаб квадрат километр майдонда радиоактив чанглар таъсири остида инсонлар учун ҳалокатли нурланиш хавфини туғдиради[1].

Иккинчидан, термоядро қуроли ишлаб чиқариш қиймати олдинги урушда минглаб фойдаланилган ҳарбий самолётларни ишлаб чиқаришга сарфланган маблағга нисбатан анча арзон.

Учинчидан, ядро-ракета ҳужумидан ҳимояланишга интилишнинг амалий самара бермаслиги. Шунга қарамасдан, бу қуроллардан ҳимояланиш учун бир қанча хилдаги кучли ракеталар ишлаб чиқарилди, лазер нурларидан ана шу мақсадда фойдаланиш қурилмалари ихтиро этилди, лекин бу қурол билан ҳужум қилиш техникаси ҳимояланиш техникасидан анча ўзиб кетган.

Юқоридаги сабабларга кўра, термоядро қуролидан фойдаланиш мумкинлиги инсоннинг генотип сифатидаги ҳамда инсоният цивилизациясининг мавжудлигини катта хавф-хатар остига қўймоқда. Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд.

Демак, бутун инсоннят олдида турган умумбашарий муаммолар—термоядро қуролининг қўлланилиши ва инсониятнинг атом ёнғини натижасида ҳалокатга дучор бўлиши хавфини бартараф этишдан иборат. Ҳозирги пайтда тинчликни астойдил сақлаш ва мустаҳкамлашдан кўра зарур ва муҳимроқ вазнфа йўқ. Тинчлик бўлмаса тараққиёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди, зеро тинчлик инсоният турмушининг туб шартидир.

Ядро урушида ғолиб бўлмагани каби куролланиш пойгасида ҳам ютиб чиқиш мумкин эмас. Ер юзидаги бундай пойгани давом эттириш, айниқса, уни космосга ҳам ёйиш ядро қуролини такомиллаштириш суръатини яна ҳам тезлаштиради. Ер юзидаги вазият бундан кейин сиёсатчиларга боғлиқ бўлмай қолиши мумкин, у тасодифнинг «қули» бўлиб қолади. Бу дунёда тенглик шароитида яшашни ўрганиш, янгича сиёсий фикрлашни ишлаб чиқиш зарурлигига юзма-юз келдик, чунки бугунги куннинг шароити — бундан ўттиз-қирқ йил аввалги шароитдан ҳам мутлақо бошқадир.

Модомики, ядровий урушнинг олдини олиш, тинчликни сақлаш умуминсониятнннг олдида турган долзарб вазнфа экан, унга эришиш учун жаҳондаги ҳамма кучлар, ҳаракатлар бирлаштирилиши лозим. Йнсониятнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши, уникг бугун, эртага, ҳамиша бахт-саодатли бўлиши учун унинг куч-ғайратларини бирлаштиришга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни, дунёнинг яхлитлигини яққолроқ кўряпмиз. Чернобилда юз

[1] **Сахаров А. Д. Тараққиёт, тинч-тотув яшаш ва ижодий эркинлик ҳақида ўйлар. Вопроси философии, 1990 йил, 2-сон, 5-бет.**

берган аварнялар, атом қуролларини синовдан ўтказувчи ҳарбий томонларнинг атроф-муҳитга, аҳолига кўрсатилаётган салбий таъсири, радиоактив чиқиндиларни сақлаш ва шу каби муаммолар турли мамлакатларда яшовчи кишиларнинг тақдирига дахлдор эканлигидан яққол далолат беради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда турли мамлакатларда ядровий синовларни тўхтатишга қаратилган оммавий ҳаракатлар авж олиб кетмоқда. Бунга таниқли қозоқ ёзувчиси Улжас Сулаймоновнинг ташаббуси билан шаклланган «Семипалатинск— Невада» ҳаракати, ядровий қурол синовларни тўхтатишга қаратилган бошқа ҳаракатлар мисол бўла олади. Уларнинг кўп қиррали фаолияти натижасида кенг халқ оммасининг онгида ядро қуролининг хавфлилиги билан бир қаторда унга сарфланаётган маблағларни кенг халқ оммасининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун сарфлашнинг афзал эканлиги тўғрисида фикр ҳосил бўлмоқда.

Ер юзида қуролланиш пойгаси учун миллиардлаб доллар сарфланмоқда. Айни пайтда ҳар бир киши бошига 3,5 тоннага яқин портловчи модда тўғри келади. Ҳар йили дунёда ҳарбий мақсад учун қарийб 1 триллион доллар сарф этилмоқда. Иқтисодиётни ҳарбийлаштириш содир бўлмоқда. Бу эса энг ўткир ижтимоий масалаларни, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишга тўғаноқ бўлмоқда. Агар ҳарбий мақсадлар учун ишлатилаётган бу маблағлар меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёжларини, сиҳат-саломатлигини таъминлашга сарфланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сайёрамиз миқёсида ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш атиги бир ҳафта тўхтатилса, ннсоният учун бу тадбир ҳафтасига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирган бўлар эди. Келтириб ўтилган далиллар уруш ва тинчлик муаммоси ҳозирги замоннинг ҳар қандай умумбашарий муаммосини ижобий ва оқилона ечишнинг зарур шарти ва асоси эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Шуни эътиборга олган ҳолда ҳозирги кунда минтақада барқарорлик ва мнллий хавфсизлик кафолатларининг шарт-шаронтларини аниқлаш ва таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этадн.

Ғоявий мухолифлик, ўтмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Бу эса дунёни ҳалокат ёқасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, бутун-бутун халқларнинг фожиасига сабаб бўлаётир. Бундай тўқнашувлар ядровий урушнинг келиб чиқишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Президентимиз эътироф этганидек, биз давлатларнинг тинч-тотув яшаш, халқаро масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилмаслик тамойилини ташқи сиёсатимизга асос қилиб олганмиз. Узбекистон муддати 1995 йилда узайтирилиши лозим бўлган ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани, ядро қуролини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги

шартномага айлантнрнш тарафдоридир. Шунингдек, биз худди кимёвий қуроллар бўйича қабул қилинган шартнома каби биологнк қуролларни ҳам таъқиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилиниши тарафдоримиз. Бу Узбекистон тинчликсевар мамлакат эканлигининг яққол далилидир.

Дунё аҳолнсининг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бўлиб ҳнсобланади. Шу кеча-кундузда сайёрамиз аҳолиси соатига 6000, минутига 100—120, секундига 2 кишига кўпаймоқда. Дунё бўйнча кундалик ўсиш ўрта ҳисобда 275 кишига тўғри келади. Жаҳон аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 60 миллионга кўпаймоқда.

Дунё аҳолисининг келажакдаги ўсиш кўрсаткичлари ҳақида нима дейиш мумкин? Файласуфлар, социологлар, демографлар 2000 йилларда жаҳон аҳолисининг сони 6 миллиардга, 2025 йилларга бориб эса 8 миллиардга етишини тахмин қилмоқдалар.

Ҳисоб-китобларга қараганда, келажакда сайёрамиз аҳолисининг ўсишига тескари равишда табиий бойликлар — нефть, тошкўмир, торф, тоза сув, унумдор тупроқ секпн-аста камая боради. Агар чучук сув манбалари билан қизиқадиган бўлсак, у унчалик кўп эмас. Сўнгги маълумотларга кўра, унинг ҳажми 35 миллион куб километрдир, яъни сайёрадаги умумий сув ҳажмининг 2 фоизини ташкил этади. Бу, албатта жуда оз. Мана шу масалаларга оқилона ёндошиш ҳам ҳозир барча халқларнинг олдида турган долзарб умумбашарий муаммолар туркумига киради.

Ҳозирги даврда бутун инсониятнинг олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу, қашшоқликни тугатишдир. XX асрнинг ҳозирги босқичида — фан ва техника гуркираб ривожланаётган, коинот ўзлаштирилаётган даврда узоқ йиллар давомида мустамлакачилик ҳукмронлиги остида келган мамлакатлардаги бир миллиарддан кўпроқ аҳоли озиқ-овқат етишмаслиги, яшаш уй-шароитининг йўқлиги, табобат хизматининг ёмонлиги туфайли қашшоқликда ҳаёт кечирмоқдалар. Натижада кишиларнинг ўртача умри бу мамлакатларда АҚШ, Япония, Италия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардагига қараганда камида 20 йил кам бўлмоқда. Қейинги ўн йилликлар мобайнида «учинчи дунё» деб аталган мамлакатларда қашшоқлик шу қадар кенг ёйилган ва шу қадар кучайганки, бу инсоният учун шармандаликдан бошқа нарса эмас. Қашшоқликнинг олдини олиш учун ривожланган мамлакатлар қашшоқ мамлакатларга ёрдам беришни кучайтириши лозим. Шуниng билан бир қаторда ер юзидаги мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш зарур. Самарали, тенг ҳуқуқлиликка асосланган, сайёрамиз манбаларидан умуминсоний бойлик сифатида оқилона фойдаланишни таъминлаб берадиган халқаро усуллар ва механизмларга бўлган эҳтиёж борган сари аниқ кўринмоқда.

Бу шундан далолат берадики, ҳозирги дунёда ҳаммамиз борган сари бир-биримизга боғлиқ бўлиб қолаётирмиз, бир-

биримизга керакли бўлиб қоляпмиз. Бинобарии, бу дунёда ҳозир бизнинг тақдиримиз бир эканлигини, битта сайёрада яшаб турганлигимизни, унинг манбаларидан фойдаланастганимизни, бу манбаларни бир-биримиз билан айирбошлаётганимизни ва улар чексиз эмаслигини, уларни сақлаш кераклпгини кўриб турган эканмиз, бу ҳаммамиз учун ойдин воқеликдир. Тараққиёт жнҳатдан орқада қолиб келаётган мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлигини тугатишда, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириб, керакли ноз-неъматлар билан таъмннлаш учун экин экиладиган ерларга минерал ўғитлар билан ишлов бериш, суғориш тизимини такомиллаштириш, агротехникани кучайтириш, денгиз манбаларидан самарали фойдаланиш, сунъий маҳсулотларни яратиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу масалаларни ҳал этпшда ривожланган мамлакатларнинг ёрдами катта ўрин тутади. Академик А. Д. Сахаров ер юзидаги халқларнинг қашшоқлигини тугатиш учун қарийб 15 йил давомида ривожланган мамлакатлар миллий даромадидан 20 фоизини қолоқ мамлакатларга ёрдам сифатида ажратиб турса қашшоқликка барҳам беришпмиз мумкин, деган фикрни айтган эди. Ҳозир ана шу таклнфни атрофлича ўрганиб амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Инсон ҳаётини сақлашда ҳозирги пайтда барча мамлакатларда кенг тарқалнб кетаётган касалликлар билан курашиш, унинг олдини олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Фан-техника ривожланиши билан бир қаторда ҳозир кўп жойларда юрак ва қон-томир касалликлари, рак, СПИД, наркомания ва шу каби касалликлар авж олиб кетаяпти. Бу ўз навбатида инсоннятнинг куч-кувватларини тўплаб, фан ютуқларидан фойдаланнб, юқорида кўрсатилган касалликларни йўқ қнлиш йўлларини аниқлаб олишни талаб қилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, жумладан, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) нинг фаолиятини янада жонлантириш катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро терроризм, коррупцияга қарши курашларни кучайтириш, нашавандлик, алкоголизм, хатарли касалликларнинг (СПИД, рак ва ҳоказолар) олдини олиш, уларни тарқалиб кетншига йўл қўймаслик, шунингдек, маориф ва ижтимоий таъминот, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлардан оқилона фойдаланиш каби муаммолар ҳам жаҳон мамлакатларининг олдида турган умумбашарий муаммоларидир.

Дунёдаги барча мамлакатларга тааллуқли бўлган умумбашарий муаммолардан яна бири — инсониятнинг энергияга нисбатан тўхтовсиз ўснб бораётган эҳтиёжларини қонднрнш йўлларини излаб топишдан иборатдир. Энергия хом-ашёси масаласи шунинг учун ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлган муаммолардир, инсон усиз ҳаёт кечира олмайди. Энергия инсоният учун ўта зарур ҳисобланган материалларни, табиат яратмаган

моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва яратиш имкониятини беради. Демак, энергиясиз инсон тараккиётинн тасаввур қилиб бўлмайди. Табиат энергияга бой. Фан ютуқларига суянган ҳолда шуни айтиш мумкин, табний энергия манбаларн — кўмир, нефть, ёнувчи сланец, газ ва бошқа табиат бойликларн ер бағрида ҳар қанча кўп бўлгани билан битмас-туганмас манба эмас. Шунинг учун республикамизда ҳам улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Табинй энергия манбалари ҳар қанча сарф қилинса ҳам ҳеч қачон адо бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилга борнб дунё бўйича энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳозиргидан тахминан 6 марта ортади. Табиат ва ундаги барча бойликлар инсониятнинг бебаҳо хазинасидир. Табиат — муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунёднр. Биз яшаб, нафас олиб, кун кечириб турган табиат ҳамма-ҳамманинг — бутун инсониятнинг умумий қароргоҳи, умумий уйи, умумий масканидир. Табиат ва унинг бойликларини кўз қорачиғидай сақлаш умуминсониятнинг энг муқаддас бурчидир.

Умуминсоният олдида турган яна бир муҳим муаммо — бу ирқчилик, миллатчилик, фашистик тоталитар тизимлар хавфи авж олиб кетишига йўл қўймасликдир, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, демократия, ошкораликни ривожлантириш йўли билан халқлар ўртасида янги муносабатни тиклашдир.

Ирқчилик, миллатчилик авж олган давлатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаррар р'авишда чекланади, тоталитар система барпо этилади, натижада руҳий, виждон эркинлиги оёқ ости қилинади, инсон ҳаётининг ўзи хавф остида қолади. Гитлеризм, сталинизм тизимларининг оқибатида неча миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Натижада жамиятимизнинг ривожланиши бир неча йил орқага сурилиб кетгани ҳаммамизга маълум. Даҳшатли қатағон йилларида қанча одам отиб ташланганлиги, сургун қилинганлиги, очлик ва касаллик сабабли ҳалок бўлганлари ҳозир ҳеч кимга сир эмас. 1927 йилдан 1929 йилгача шўролар мамлакатида тахминан 1 миллион, 1930—1932 йилларда 1,2 миллион, 1933 йилда ҳам камида 1 миллион, 1937—1938 йилларда, яъни «ежовчилик» ёки «буюк террор» йилларида эса 5 миллиондан 7 миллионгача одам оммавий қатағонлар қурбони бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда сталинизм қурбонларининг жами сони 40 миллион кишига етади.»'

Ҳозир мамлакатлар ўртасида янгича муносабатлар ривожланмоқда, улар демократия, ошкоралик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиши ҳам ана шу умумнНсоний манфаатларни қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

[1] **Қаранг: «Аргументн и фактьг». 1989, № 5.**

Ҳозирги замоидаги мавжуд мамлакатларнинг бир-биридан фарци, уларнннг тараққий даражаси хусусиятлари, энг аввало, инсониятнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай даражада ҳимоя ҳилинаётганлиги, демократик жараённинг ривожланиши билан белгиланмокда. Улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари ҳам ана шулар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқини ва эркинлигини таъминлаш, демократияни янада ривожлантириш барча инсон ва инсониятнинг олдида турган долзарб муаммолар бўлиб қолиши ҳам бежиз эмас.

Маълумки, инсоният келажаги унинг фан-техника ютуқларидан қай даражада унумли фойдалана олишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги замон фан-техникасида бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки хил имконият — Ер юзидаги жамики жонли мавжудотни батамом қириб ташлаш ҳамда инсоният манфаатлари учун хизмат қилиш имкониятлари мавжуд. Ана шу имкониятларнинг қайси биридан фойдаланиш масаласи фан-техника инқилобининг ўзига эмас, балки ижтимоий тузумнинг хусусиятига, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, фан-техника инқилобининг мақсад ва ижтимоий оқибатларини ижтимоий тузумнинг моҳияти ва хусусияти белгилайди. Фан-техника инқилоби самараларидан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги масала ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий курашида асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Замонамиз фани ва техникаси Ер юзида неъматларнинг мўл-кўллигини таъминлаш, жамиятнинг равнақи учун, шахснинг камол топиши учун жиддий шарт-шароитлар яратиш имкониятини беради. Аммо бу имкониятлар уни амалга ошириш борасидаги камчиликлар сабабли инсоннинг ўзига қарши қаратилмоқда. Инсоният XXI аср бўсағасига мана шундай даҳшатли зиддият билан етиб келди.

Шуни айтиш керакки, фан-техника инқилобидан келнб чиқадиган жуда катта моддий ва маънавий истиқболлар ҳар қанча муҳим ва зарур бўлса-да, инсоният тақдирини ҳал этолмайди. Ижтимоий, маънавий ва ахлоқий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермаса фан-техника инқилоби инсониятга бахт келтирмайди. Унинг инсоният келажаги учун қудратли куч сифатида таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан одамларнинг ахлоқий, маданий-маънавий етуклик даражасига, умуминсоний қадриятларни қанчалик ҳурмат қилиши ва қадрлашига ҳам боғлиқ.

Фан ва техниканинг шитоб билан ривожланиши инсон моддий ва маънавий имкониятларининг ғоят даражада ўсиб кетиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши, уларнинг табиат кучларидан янада унумлироқ фойдаланиши учун замин яратади. Фан-техника инқилоби туфайли инсониятнинг ишлаб чиқарувчи кучларида сифат жиҳатидан сакраш бўлди.

Фан-техника инқилобининг бошланиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучлари-

нинг барча қнсмларнда (меҳнат ҳуроллари, меҳнат анжомлари ва ншлаб чиқариш кучлари) бир вақтда юз бераётган ўзгаришларнинг тез суръатлари ва кенг кўламлари билан тавсифланади. Фан-техника инқилоби назорат ва бошқаришни умумии автоматлаштиришни, энергиянинг янги турлари ва манбаларини кашф этиш ва улардан фойдаланишни, электрон-ҳисоблаш машиналари яратишни йўлга қўйиб инсониятга беҳад хизмат қилмоқда.

Фан-техниканинг йўналишлари келгусида давом этиши ва ривожланиши муқаррардир. Фан ва техника шундай бир мўъжизакор кучки, инсон унинг ёрдамида бугун битказилмаган ишини эртага албатта битказади, бугун ўрганиб олмаган нарсасини эртага бнлиб олади. Фан ёрдамида инсон олис-олисларга нигоҳ ташлайди, келажагини олдиндан кўради.

Айрим мамлакатлар ва халқларгина эмас, балки бутун инсоният ҳам юқумли касалликларни йўқотиш, бошқа касалликларни эса камайтириш, Қуёш, шамол энергнясини, ер ости иссиқлигини инсон учун хизмат қилдириш, атом энергиясини саноатда, транспортда, қурилишда, табобатда қўллаш, сув тошқинларини олдиндан билиш ва мутлақо зарарсизлантиришдан. манфаатдордирки, буларнинг биронтасини ҳам илм-фан, техника ва маданият ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди. Олимлар ерда маълум бўлган барча моддаларни, ҳатто энг мураккаб моддаларни — оқсил моддаларини, шунингдек, табиатда маълум бўлмаган олмосдан ҳам қаттиқ, ўтга чидамли, вольфрам ва осмийдан ҳам қийин эрийдиган, ипакдан ҳам силлиқ, резинадан ҳам эгилувчан моддаларни заводларда тайёрлаш устида бош қотирмоқдалар. Албатта, яқин келажакда бу ва бошқа моддаларни одамлар фан ёрдамида ихтиро қиладилар.

Инсон фандан инсонни умрини узайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг янги турларини етиштириш, халқ хўжалиги учун кўпроқ гўшт, сут, жун, ғалла, мева, тола, ёғоч ва бошқа нарсаларни олиш йўлларини топиш, ноқулай районларни, ботқоқликларни, тоғларни, чўлларни, чангалзорларни, тундрани,. денгиз тубини ўзлаштириш йўлларини очиб бериш, шамол ва ҳароратни тартибга солиб туриш, булутларни силжитиш, ёмғирни ва очиқ ҳавони, қорни ва иссиқликни истаган тарзда идора қилиш механизмларини олдиндан белгилаб беришни кутиб турибди.

Бизда яқин келажакда назарий ва амалий математика, информатика ва кибернетика, элементар зарралар, атом ядроси ва қаттиқ жисмлар физикаси, микро ва квант электроникаси ҳамда оптика, радиофизика, атом ва термоядро энергетикаси соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш мўлжалланган. Физикавий-кимёвий биология, табобат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун физиологик фаол моддалар ҳосил қилишнинг илмий асосларда такомиллаштириш, ер қобиғи, биосфера, Дунё океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси,. космик фазо, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш,

диагноз қўйиш ва даволаш усулларини ҳамда воситаларинн комплекс тадқиқ қилиш режалаштирилган. Буларнинг ҳаммаси фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиш жараёнини янада тезлаштиради.

Фан ва техника ҳеч қачон жамият тараққиётидан, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ажралган ҳолда ривожлана олмайди, жамият ривожланган сари улар олдига қўйиладиган талаблар, муаммолар мураккаблашиб бораверади. Фан учун булар ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар эмас. 'Бугун ечилмаган, ҳал этилиш имконияти бўлмаган энг мураккаб муаммоларни ҳам фан бора-бора аста-секинлик билан ечади, бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳал қилиниш йўлларини кўрсатиб беради.

Инсоннинг бетиним ақл-идроки ва тафаккурининг табиат кучларини ўзига хизмат қилдиришга, унинг бутун сирларини билиб олишга интилишларининг чегараси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган ва ҳали яна кўп нарсаларни кашф этади.

Утмиш билан ҳозирги кун ва келажак ўртасида ворислик мавжуд. Кишилар ўз мақсадларидан келиб чиқиб, ўтмишдан қолган моддий ва маънавий бойликларга, илм-фан ютуқларига суянган ҳолда ўз олдига янада мураккаб вазифаларни қўядилар ва уларни ҳал этишга интиладилар. Тарих доимо олға қараб тараққий этиб турадиган бетўхтов, узлуксиз ва объектив жараёндир.

Айтиб ўтилган умумбашарий, умумжаҳон муаммолар жуда кўп ва хилма-хил, кенг миқёсли ва ўта мураккаб эканлиги, айни пайтда улардан ҳар бирининг инсониятнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳон цивилизациясининг, қолаверса, сайёрамизнинг ҳам тақдири учун нақадар муҳим ва зарурлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бутун инсоният учун умумбашарий муаммоларни ҳал этишдан кўра зарур ва муҳимроқ вазифа йўқ. Умумбашарий муаммолар ечилмаса, экологик фалокатлар олди олинмаса, тинчлик бўлмаса, тараққиёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди.

Бутун сайёрамиз миқёсида давлатлар ва халқларнинг биргаливдаги амалий, бунёдкорона ўзаро ҳаракатинн йўлга қўйишни тарихнинг бориши, жаҳон ижтимоий тараққиёт жараёни тобора қатъий талаб қилмоқда. Ижтимоий тараққиёт жараёни умумбашарий муаммоларни биргаликда амалий тартибда ечишни талаб қилибгина қолмай, шу билан бирта бунинг учун зарур сиёсий, социал, моддий шарт-шароитларни яратиб ҳам бермоқда.

Узбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги, дунёдаги бошқа давлатлар билан биргаликда куч-ғайрат сарфлаб XX асрнинг иккинчи ярмида айниқса кескинлашиб ва бутун инсоният учун ғоят муҳим бўлган умумбашарий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

## 4. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги

Ҳар бир инсоннинг бахт-саодати, унинг келажак ҳаёти бутун инсониятнинг тақдири билан узвий боғлиқдир. Инсон биологик ва ижтимоий омилларнинг мажмуидир. Жамият биологик омилларнинг инсонни камол топтиришдаги аҳамиятини янада оширишга қодир эмас. Лекин инсонни мукаммаллаштиришда асосий ўрин тутадиган ижтимоий омиллар ролини ошириш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда бутун инсонилт олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатлар ўртасидаги савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги тарихий жараёнларнинг ривожланиши, бир томондан, ҳар хил давлатлар ўртасидаги муайян зиддиятларнинг сақланиб қолиши билан, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бориши, турли халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзинингт байналмилал тус олиб бориши билан тавсифланади. Ана шундай қарама-қаршиликлар кураши орқали зиддиятли, аммо ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан яхлит дунё қийинчилик билан таркиб топиб бормоқда.

Айни пайтда барча халқлар учун муносиб, чинакам инсоний турмушнинг моддий ва маънавий шарт-шароитларини яратиш, сайёрамиздаги ҳаётни таъминлаш, унинг бойликларига, аввало, энг катта бойлик — инсоннинг ўзига, унинг имкониятларига авайлаб муносабатда бўлиш — давримизнинг долзарб муаммоларига айланиб қолганлиги бежиз эмас.

Инсон тақдирининг бутун инсоният истиқболи билан муштарак эканлиги халқимиз онгига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам улар минтақамиздаги қўшни мамлакатлар билан бир қаторда жаҳон халқлари билан ҳам яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат-иззатда бўлишга доимо интилиб келганлар.

Узбеклар азал-азалдан кўҳна Туркистон заминида қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар билан елкама-елка, бир тану бир жон, ака-ука, дўст-биродар, қон-қондош бўлиб яшамоқда. Улкамиздаги моддий ва маънавий маданиятни яратиш ва ривожлантиришга улар ўз ҳиссаларини қўшишган, мустамлакачилик зулми ва истибдодига қарши ҳамкорликда курашганлар. Ҳамкорликда яшаш, ҳамкорликда меҳнат ва ижод қилиш, ҳамкорликда курашиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, яхши кунларда ҳам, оғир пайтларда ҳам биргаликда бўлиш уларнинг ҳаммасига хос умумий фазилатдир. Бу — уларга авлодлар мероси, тарихан хос хусусиятдир. Буни умумий чегаралargina эмас, тил ва урф-одатлар, анъаналарнинг яқинлиги, дини ва дилининг бирлиги, маданиятн ва турмуш тарзининг, маиший ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолиятларининг деярли бир хил эканлиги белгилаб берган.

Бир неча минг йиллардан бери ягона бир ҳудудда ўзаро

дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келган ўзбек, тожик, қозоқ ва қнрғизлар собиқ шўро тузуми даврида бир-бирларидан деярли ажратиб ташланган, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқа иплари узиб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзаро узоқлашиб қолишганди. Узбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон сингари қардош республикалар ўртасидаги иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар Марказ ижозатисиз амалга ошмасди.

Ижтимоий тараққиёт қонунларини, халқларнинг хоҳиш-иродасини назар-писанд қилмаслик, турмуш воқеалари, халқларимизнинг талаб-истакларига илмий, одилона асосда эмас, балки ақидапарастларча бўлиш туфайли кўриладиган моддий, маънавий-руҳий зарар ва бошқа овораю-сарсонгарчиликка Марказдаги раҳбарлар аҳамият бермаганлар. Уларнинг — ягона мақсади қардош республикалар халқлари ўзаро яқинлашиб бирлашиб кетмасалар бўлгани эди.

70 йил давомида ўтказилган тобелик сиёсатининг оқибати сифатида Марказий Осиёнивг мустақилликка эришган республикалари ва халқлари олдида ўтмишда юзага келган қатор муаммолар кўндаланг бўлиб турганди. Ъуларни давлатлараро ва миллатлараро муносабатларнинг жуда кўплаб масалаларида кўриш мумкин.

Ота-боболаримиз минглаб йиллар мобайнида бир-бирлари билан яқин қўшни бўлиб яшаб, пахта, ғалла, ипак, гўшт, нефть, кўмир, мис, олтин, кумуш ва бошқа бойликлар яратган, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириб келган бўлсалар-да, лекин маъмурий-буйруқбозлик йилларида ана шу масалаларда ҳам оғир қийинчиликлар ва қатор муаммолар юзага келиб, кескинлашиб кетган эди.

Мамлакатимиздаги мустақил республикаларнинг /арихан ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказиб келган маданий, маънавий, хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни, яхлит энергетика, транспорт, ирригация тармоқларидан, газ ва сув таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланишни йўлга қўйиш ва яхшилашни ҳозирги пайтда даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Минерал хом-ашё манбаларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида таркиб топган ички, минтақавий, республикалараро муносабатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Узбеклар, қозоқ ва қирғизлар ва бошқа туркий халқлар ўртасида азалий дўстлик ва қардошликнинг, иқтисодий, маданий-сиёсий алоқадорликнинг йўлга қўйилганлиги, янги босқичга кирганлиги мустақилликнинг буюк самарасидир. Президентлар ва ҳукумат бошлиқларининг Тошкент, Олмати, Бишкек, Ашгабаддаги учрашувларида Марказий Осиё халқлари ҳаётига оид кўпгина иқтисодий, маданий-сиёсий муаммолар муҳокама қилиниб, уларни ҳал қилиш йўллари, молиявий асослари белгилаб олинганлиги ва ҳозирданоқ уларнинг амалий натижалари сезилаётганлиги диққатга сазовордир.

Узбекистон, Қозоғистон ва Қнрғизистон Республикалари Президентлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида Шартнома тузилганлиги, унинг турмушга татбиқ этиш механизми ишлаб чиқилиб амалга оширилаётганлиги Марказий Осиёдаги қатор минтақавий муаммоларнинг ечилишига кенг йўл ва истиқбол очиб берди.

Ҳозирги пайтда инсоният олдида шундай долзарб, ўткир муаммолар турпбдики, уларни ҳал этиш учун дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ва халқларнинг куч ва имкониятларини сафарбар этишга тўғри келади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда 1995 йил 3 март, Тошҳовуз шаҳрида бўлиб ўтган кенгашда Марказий Осиё президентлари Қўшма баёнот қабул қилишиб, унда ҳозирги даврнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз халқлари ҳаётининг ҳозирги ҳолати ва келажаги учун масъулиятни ҳис этган ҳолда, биз тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва ўзаро хурмат давлатларимизнинг бир-бирига ўзаро муносабатида асосий тамойиллар бўлиб қолишини тасдиқлаймиз, деб эътироф этдилар.

Мазкур минтақада истиқомат қилаётган халқлар тарихий, маданий тараққиётининг муштараклиги билан бирлашгандир, уларни анъаналар ва маънавий қадриятлар жипслаштириб туради. Улар ҳар доим ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик ва яхши қўшничилик руҳида биргаликда яшаб келишган.

Умумий маънавий қадриятлар билан бир қаторда бизни, шунингдек, энергетик, сув ва минтақанинг бошқа табиий ресурсларидан фойдаланишга асосланган анъанавий савдо, иқтисодий алоқалар ҳам бирлаштириб туради.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник, маданий ва ижтимоий соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик қилиш учун мақбул шарт-шароит яратиб беришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканлигини, буюк аждодларимиздан қолган бой меросни бундан кейин янада бойитиш, бу бойликдан мамлакатларимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни янада юксалтириш йўлида фойдаланишга амалий ишлар билан кўмаклашамиз, деб баён қилдилар.

Марказий Осиё мамлакатлари бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзодир. «Биз,— деб айтилган қўшма баёнотда,— ташқи сиёсатда халқаро ҳуқуқларнинг барча эътироф этган тамойилларига риоя этган ҳамда уларга амал қилган ҳолда ҳудудий яхлитлик ва бир-биримизнинг мустақиллигимизни сўзсиз ҳурмат қилиш, тарихий шаклланган чегараларни тан олиш лозимлигини эътироф этамиз. Биз, шунингдек, ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлини, давлат ва жамият андозаларини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этамиз, ўзимизнинг бир-биримизга нисбатан мақсадларимиз бирлигига шубҳа уйғотувчи, ташқи кучлар манфаатларига хизмат қилувчи баёнотлардан тийилиб туришга тайёр эканлигимизни баён этамиз...

Бнз бир-биримиз бнлан ҳамда бошқа мамлакатлар билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимиз, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг гуллаб-яшнаши ва равнақ топишига эришишнинг асосий бўлиш бу тамойилларга оғишмай амал қилишимизни таъкидлаймиз», дейилади баёнотда.

«Яқин қўшниларимиз,— Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир.

Халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқодининг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.»[1]

Истиқлол Марказий Осиё миллатлари учун баҳамжиҳат бўлиб жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб демократик тамойилларга асосланган, ҳар томонлама ривожланган, келажаги буюк давлатни барпо этиш учун барча имкониятни яратиб берди. Уни қўлдан бой бермай олға сари силжиш — барчамизнинг муқаддас, шарафли бурчимиздир.

Жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда жамиятимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик катта воситачилик вазифасини бажариб келмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада ривожланган юксак маданий демократик давлатлари билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиш учун йўл очиб бераётган нарса — фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликдир»[1]. Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик халқимизнинг буюк ижтнмоий-сиёсий қадриятларини ташкил этади, уларни авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш азалдан халқимизнннг ўзига хос фазилати бўлиб келган ва хрзирги вақтда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мамлакатимизнипг онгига, қонига чуқур сингиб кетган.

Узбекистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчликсевар мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлаб олган. Шунинг учун ҳам унинг жаҳон жамиятидаги обрў ва эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик булар давлатимизнинг янги биносини барпо қиладиган пойдеворидир. Бу бнзнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган тўғри йўлдир.

Тинчлик ва барқарорлик булар халқаро ҳамжамият билан

[1] **Каримов И. А. Узбекистоинииг сиёсий-ижтимоии ва иқтисодий истиқ-(болининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 69-70- бетлар.**

[1] **И. А. Каримов. Узбекистон иқтисоднй ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995 йил, 263- бет.**

бирлаштирувчи воситадир,— дейди И. А. Каримов. Инсонпарварлик, яхшилик, софдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин»[1].

Маълумки, умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан, муайян минтақадаги давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргаликдаги ҳаракатидан бошланадиган жараён. Шуни эътиборга олган ҳолда Узбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов БМТ нинг 48, 50 сессияларида сўзлаган нутқида Афғонистон ва Тожикистонда барқарорлик, тинчликка эришиш учун мазкур минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаш ва биргалашиб ҳаракат қилишларининг зарурлигини уқтириб ўтди ва бир неча таклифларни олға сурди. Биз учун ягона тўғри йўл,— дейди И. А. Каримов ҳалокатли равишда ўз қобиғига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукаммалликлар мавжудлигига қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Ҳозирги ўта мураккаб ва зиддиятли жараён вақтида ҳукуматимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли экани юртимизда осойишталик, тинчлик ва тотувлик фуқароларнинг кундалик турмуш тарзига айланиб кетган.

Жамиятимизда амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ўзгаришлар биз танлаб олган йўлимизнинг тўғри эканлигидан далолат беради. Ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизда кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида республикамизни жаҳон иқтисодиётига қўшилишига катта замин яратмоқда.

Минтақавий ва жаҳон иқтисодиётига қўшилишда давлатлараро муносабатларни, шунингдек Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, табиий, моддий қадриятларимизни бирга баҳам кўриш катта аҳамият касб этади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш — Узбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Узбекистон МДҲ шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек, тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо — иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш тарафдоридир.

Ана шунга қатъий равишда амал қилиб, республикамнз ўзи-

[1] «Халқ сўзи», 1995 йил, 24 февраль.

мизга ёндош бўлган Марказий Осиё давлатлари билан иқтисс-дий алоқаларнн янада ривожлантириш соҳасида кўп ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки Марказий Осиё республикаларинннг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш. Уларнинг ҳозирги кундаги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолари ҳам кўп жиҳатдан бир хилдир. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ва улар бир-бирига ўзининг таъсирини ўтказиб турибди. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда республикамиз Марказий Осиё давлатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида фаол иш олиб бормоқда.

Марказий Осиё, МДҲ давлатлари билан иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириб, жаҳон иқтисодиётига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш айни кунда катта аҳамият касб этиши шаксубҳасиздир.

Халқимизнинг бой ва ранг-баранг маданий-маънавий қадриятлари ҳам жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда катта аҳамият касб этади. Куп асрлар давомида шаклланиб мазкур халқнинг руҳий бойлигини, урф-одатлари, анъаналарини ўз ичига мужассамлаштирган маънавият айни вақтда умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмини ташкил этади ва шу тариқа у жаҳондаги барча халқларнинг маънавий бойлиги ҳам бўлиб ҳисобланади. Юксак миллий маданият, маънавият ҳамма вақт жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи восита бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. «Юксак маънавийлик — туб ва мурақаррар ўзгаришларнинг чинакам демократизмни қарор топтириш ҳамда бозор иқтисодиётига маърифатли йўл билан кириб боришнинг асосидир»[1] — дейди И. А. Каримов.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз доирасида чегараланиб қолмасдан, бошқа халқлар томонидан тўпланган қадриятлардан оқилона фойдаланган тақдирдагина тараққиёт йўлига туша олади. Буни биз ўз ҳаётимиздан яққол кўриб турибмиз.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

**1. Сизнингча, жамият тараққиётининг олдиндан кўра билишни моҳияти кямадан иборат?**

**2. Ҳозирги давр тарихий жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва улар-иинг намоён бўлиш шакллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни қисқача Саён этинг.**

**3. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ва истикболлари қандай?**

**4. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги ҳақида нималар дея оласиз?**

[1] **И. А. Каримов Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 266- бет.**

# ХОТИМА

Мазкур дарсликда биз фалсафаииig келиб чиқиши ва ривожланиши, назарий асослари, улар ёрдамида Борлиқни инсон онгида акс этиш ва билиш қоидалари ва шу асосда инсоннинг дунёқарашини, тафаккурлаш маданиятини юксалтириш, уни маънавий камол топтириш, мустақиллик шароитида жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш, инсон ва инсоният истиқболи каби ўта долзарб ва мураккаб муаммолар устида сўз юритдик.

Бундан яққол кўриниб турибдики, фалсафа фундаментал назарий фан бўлса-да, унинг марказида турган муаммолар ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум қоидалар эмас, балки ҳаётнинг ўзидан келиб чиққан, давримизнинг диққат марказида тураднган ва ҳаммани қизиқтирадиган муаммолардир.

Фалсафа — ўзининг моҳиятига кўра инсонпарвар фандир. У, муайян синфларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг эҳтиёжларини қондиришгина эмас, балки инсоннинг бахт-саодати, камолотини таъминлашга, жамиятимиз миллий давлатини мустаҳкамлаб, миллатлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни ривожлантиришга, шу асосида республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларида рўй бераётган зиддиятларни тинчлик асосида бартараф этишга ва шу каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишга қаратилган инсонпарвар, инсонсеварлик руҳи билан суғорилган фандир.

Фалсафа фанини азалдан қизиқтириб келаётган масалалар умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ер юзида тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, хавфли касалликларни, очарчилик, ирқчилик, миллатчиликнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, фан-техника ютуқларидан инсоният ҳаётини яхшилаш йўлида фойдаланиш каби умумбашарий муаммолар ҳозирги давр учунгина эмас, балки келажак ҳаёт учун ҳам жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммолардир. Уларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш кишиларнинг фалсафий фикрлаш маҳоратини оширишни талаб қилади.

Фалсафа фани қотиб қолган эмас, у муттасил ривожланиб Сорадиган фандир. Бунинг асосий сабаби ҳаётнинг ўзидадир.

Чункн ҳаёт мураккаб, зиддиятли, доимий равишда ўзгариб турадиган жараёндир. Шу сабабли ҳаёт инсон учун энг катта фалсафий мактабдир. Ҳаётнинг ўзгарнши билан фалсафанинг муаммолари ҳам қонуний равишда ўзгариб туради. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш ўз навбатида янгича фалсафий тафаккурни талаб этадиган бир қатор муаммоларни ўртага ташламоқда. «Биз эгаллашимиз керак бўлган яна бир мураккаб масала бор,—дейди Президентимиз И. Каримов,— бу одамлар руҳиятини ўзгартириш, бозор психологиясини шакллантиришдир.»[1] Янги ҳаётий масалаларга эскича ёндошиб бўлмайди. Шундай экан, фалсафа муаммоларига ўзгармас, қотиб қолган қоидалар сифатида қарамасдан, уларни ҳаёт билан таққослаб, ҳаёт талаблари асосида ривожлантириб, илмий билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш керак. Бунинг учун фалсафанинг айрим қоидаларини эмас, балки унинг бутун руҳини чуқур ва атрофлича ўзлаштириб олиш лозим.

Фалсафа ҳозирги давримизнинг буюк маънавий, ақл-идрок бойлигидир. Уни мукаммал эгаллаб олиш — давр талабидир. Ушбу дарсликда ёш авлодлар қалбида фалсафа фанига қизиқиш уйғотиб, уларнинг ижодий тафаккурлаш маданиятини шакллантиришга ҳиссамизни қўшган бўлсак олдимизда турган мақсадга эришдик деб биламиз.

[1] **Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 40- бет.**

## МУНДАРИЖА

Муқаддима ______________________________: 3

*I БЎЛИМ.* ФАЛСАФА ВА УНИНГ ТАРИХИ

I БОБ. ФАЛСАФА ФАНИ, УНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

**1. Фалсафа фанининг предмети, муаммолар доираси ва вазифаси 0**
**2. Фалсафа ва бошқа фанлар**
**3. Фалсафанинг мафкура~йа сиёсат билан алоқадорлиги . . . 14**
**4. Фалсафани сиёсийлашмаган фан сифатида ривожлантириш— давр талабн. . . . . . . . .: : : : : : : : : : 1 7**

II БОБ. ДУНЁҚАРАШ ВА УНИНГ ТАРИХИИ ТУРЛАРИ

**1. Дунёқараш тушунчаси ва унинг хусусиятлари. . . . . .20**
**2. Мифологик дунёқараш. . .. . . . . . . . .. . .22**
**3. Диний дунёқараш. . . . . . . . . . . . . . . . .25**
**4. Фалсафий дунёқараш. . .. . . . . . . . .. . .30**

III БОБ. КАДИМГИ ШАРК ВА МАРКАЗИИ ОСИЕ ХАЛҚЛАРИНИНГ ФАЛСАФА ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚУШГАН ҲИССАСИ

**1. Шарқ халқларининг илк фалсафий фикрлари. . . . . .34**
**2. Минтақамиздаги дастлабки фалсафий фикрлар. . . . .41**
**3. Урта аср фалсафаси. Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсяфий таълимотлари. . . . . . . . . . . . . . . .48**
**4. XVI—XX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .• 81**
**5. Ватанимиз ҳозирги даври фалсафаси. . . . . . . . . .106**

IV БОБ. ҒАРБИИ ЕВРОПА ХАЛҚЛАРИ ФАЛСАФАСИ

**1. Қадимги Юнонистон ва Римдаги фалсафий фикрлар . . . . 111**
**2. Ғарбий Европа халқларининг ўрта асрдан то янги давргача фалсафаси. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .118**
**3. Немис классик фалсафаси вужудга келиши ва ривожланиши . 130**
**4. Рус фалсафаси. . . . . . . . . . . . . . . . . .136**

*II БЎЛИМ.* БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

V БОБ. БОРЛИҚ. СУБСТАНЦИЯ, МАТЕРИЯ — ФАЛСАФА КУЗГУСИДА

**1. Борлиқ тушунчаси. Дунёнинг моддий бирлиги 142**
**Субстанция ва материя, уларнинг ўзапо алоқадорлиги . . . 146**
**3. Ҳаракат ва ривожланиш тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари______________________________. 152**
**4. Фазо ва вақт. Материя, ҳаракат, фазо ва вақтнинг бирлиги . 157**

VI БОБ. ТАБИАТ — БОРЛИҚНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

**1. Табиат тушунчаси. Инсон табиатнинг олий маҳсули . . . 161**
**2. Инсон ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги. . . . . . . .166**

3. Экологик муаммо ва уни бартараф этиш йўллари. . . . .169
4. Минтақамиздаги экологик вазият. . . . . . . . . . . .171

*III БЎЛИМ.* ОНГ ФАЛСАФАСИ

VII БОБ. ОНГ. ИЖТИМОИЙ ОНГ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

1. Онг — воқеликни акс эттириш ва инсон фаолиятини таъминлаш шакли. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .176
2. Онг, тафаккур, ирода, ҳиссиёт. Онг ва тил. . . . . . . .182
3. Ижтимоий ва алоҳида онг, уларнинг диалектик алоқадорлиги. Ижтимоий руҳият, мафкура. . . . . . . . . . . .188
4. Ижтимоий онг шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги. . . . . . . . . . . . . .. 191

VIII БОБ. ФАЛСАФАНИНГ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ — БОРЛИҚНИНГ ИНСОН ОНГИДА АКС ЭТГАН ҚОНУНИЯТЛАРИ

1. Фалсафада услуб муаммоси. Диалектнка ва унинг муқобиллари 197
2. Диалектиканинг асосий қонунлари. . . . . . . . . .203
2.1. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни 207
2.2. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни . . . . 21&
2.3. Инкорни-инкор қонуни 217
3. Диалектика категориялари. . . . . . . . . . . . .222
4. Диалектика қонун ва категорияларининг умумий томонлари ва фарқлари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .: 226

I БОБ. ДИАЛЕКТИКАНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

1. Билиш — воқелнкнинг инъикоси. Билишнннг объекти ва субъекти
2. Билиш жараёнининг диалектик хусусияти. Ҳиссий ва мантиқий билиш. . . . . .. . .. . . . . . .. 232'
3. Ҳақиқат тушунчаси, Ҳақиқатнинг объективлиги. . . . . .23^)
4. Илмий билиш, унинг хусусиятлари ва усуллари. . . . .242

*IV БЎЛИМ.* ИНСОН ФАЛСАФАСИ

X БОБ. ФАЛСАФАДА ИНСОН МУАММОСИ, УНИНГ АСОСИИ ЖИҲАТЛАРИ

1. Инсон онги, маънавияти, дунёқарашини шакллантириш фалсафанинг асосий вазифаси. . . . . . . . . . . . . .250
2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — унинг ғоявий-маданий юксалишикинг омили. . . . . . . . . . .257
3. Инсон маънавий камолотида ватанпарварлик, юксак одоб-ахлоқ тарбиясининг аҳамияти. . . . . . . . . . . . . . .260-
4. Инсон бунёдкорлик фаолиятининг ўсиши — маънавий камолот мезони. > 264

XI БОБ. МАДАНИЯТ, ҚАДРИЯТЛАР, УЛАРНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЯ КАМОЛОТИДАГИ УРНИ

1. Маданиятнинг моҳияти, турлари ва ўзаро алоқадорлиги ўтмишдаги аҳволи. . . . . . . . . . . . . . . . . . .: . . $ "бИ
2. Мустақиллик шароитида маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсон маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамияти. . . . . .274
3. Қадриятлар, уларнинг турлари, ўтмишдаги аҳволи ва ҳозирги даврда тикланаётганлигн. . . . . . . . . . . . .285!
4. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги . . .

*V БЎЛИМ.* ЖАМИЯТ ФАЛСАФАСИ

XII БОБ. ЖАМИЯТНИ ФАЛСАФИЙ АНГЛАШ АСОСЛАРИ

1. Жамият тушунчаси. Ишлаб чиқариш усули — жамиятнинг моддий асоси. . . . . . . . . . . . . . . . . . . .295

2. Базис ва устқурма. Давлат ва сиёсий ташкилотларнииг жамият тараққиётидаги роли. . . . . . . . . . . . . . . . . 301
3. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари . 304

XIII БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА УНИНГ ФАЛСАФИИ ЖИҲАТЛАРИ

1. Сиёсий мустақиллик — давлат барқарорлигининг омили . . . . 315
2. Иқтисодий мустақиллик ва унга эришиш йўллари. . . . 322
3. Мустақилликнинг маънавий заминлари. . . . . . . . . 328
4. Мустақиллик мафкураси ва уни ҳаётга жорий этиш масалалари 334

XIV БОБ. ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА ИЛМИЙ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

1. Ижтимоий воқеликни билишнннг ўзига хос хусусиятлари . . 340
2. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жараёнига таъсири. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 342
3. Ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакллари . 346
4. Жамиятнғ ^емократик тамойиллар асосида бошқаришнинг асослари . . 355

XV БОБ. ИНСОНИЯТ ИСТИҚБОЛИ

1. Жамият тароққиётини олдиндан кўра билиш — инсон оқилона фаолиятининг зарур шарти. . . . . . . . . . . . . 359
2. Ж$)ХОГ тараққиётининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари .31
3. Ҳозяргл замон умумбашарий муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари ва истиқболлари. . . . . . . . . . . . 363
4. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги . . . 373

Хотима 379

ЖОНДОР ТУЛЕНОВ, ЗОИР ҒОФУРОВ

# ФАЛСАФА

*Тошкент *Уқитувчи» 1997*

Муҳаррир *С. Мирзахўжаев*
Бадиий муҳаррир *А. Ҳасанов*
Техник муҳаррир *С. Турсунова*
Муқова рассоми *М. Калинин*
Мусаҳҳиҳлар: *3. Содиқова, М. Сулаймонов*

ИБ № 7114

Теришга берилди 18. 09. 96. Босишга рухсат этилди 22. 12. 96. Формат 60Х90/,$_6$. Тип. қогози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 24,0. Шартли кр,-отт. 24,5. Нашр. л. 24,5. 20000 нусхада. Буюртма № 60.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартном» 07—43—96.

Узбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фаСрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси. 44. 1996.

Ж- ТУЛЕНОВ, З. ҒАФУРОВ

# ФАЛСАФА

*Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1997